

А.А.Ахмедов, Д.Ю.Юлдашева, З.Ш.Яздонов

АМАЛИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ



87
A 9027

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**Ахмедов Акмал Ахмедович
Юлдашева Дилорам Юлдашевна
Яздонов Зикирилло Шукуруллоевич**

АМАЛИЙ ФАЛСАФАНИНГ ДОЛЗАРБ МУАММОЛАРИ

Монография



“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти
Самарқанд - 2021

УДК 113.119 (575.1)

Ахмедов Акмал Ахмедович, Юлдашева Дилорам Юлдашевна, Яздонов Зикирилло Шукуруллоевич. Амалий фалсафанинг долзарб муаммолари. Монография. Самарқанд: – “СамДЧТИ” нашриёти, 2021. – 528 бет.

XVIII асрнинг иккинчи ярмидан, И.Кантдан бошлаб, амалий фалсафанинг вазифаси фақат ақлга эмас, балки инсон ҳаётининг эрки ва қадриятлари билан ҳам боғлиқ эканлиги асосланган. Чунки айнан амалий фалсафада файласуфларнинг одамлар билан жонли мулоқотлари, фалсафий нутқ ва матнлар орқали одамлар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатишига ҳаракат қилувчи қадриятли муносабати акс этиши керак. Айни шу маънода мазкур монографияда амалий фалсафанинг долзарб масалалар таҳлиliga алоҳида эътибор қаратилган. Монография талабалар, докторантлар, мустақил изланувчилар ва фалсафа билан қизиқувчи китобхонлар оммасига мўлжалланган. Монография талабалар, магистрлар, докторантлар ва фалсафа билан қизиқувчиларга мўлжалланган.

Мазкур монография СамДУ илмий кенгашининг 2020 йил 30 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.

Масъул муҳаррир:

Фалсафа фанлари доктори,
проф. **Ж.Я.Яхшилик**

Такризчилар:

Фалсафа фанлари доктори,
проф. **С.Каримов**

Фалсафа фанлари доктори,
проф. **Н.Х.Ҳакимов**

Фалсафа фанлари доктори,
проф. **О.М.Ғайбуллаев**

Фалсафа фанлари доктори,
проф. **Ш.Ш.Негматова**

ISBN 978-9943-7046-8-8

© Самарқанд давлат университети, 2021

КИРИШ

Ўтган XX аср инсоният хотирасида ўзининг вайроналиклар келтирган жаҳон урушлари, ижтимоий инқилоблари, миллий ҳаракатлари, иқтисодий ва сиёсий силкинишлари билангина қолмайди. Айнан шу вақтда ажойиб илмий кашфиётлар, техникавий ихтиролар қилинди, бугунги ҳаётни сезиларли янгиланган янги электрон технологиялари яратилди. Ўзининг суръати ва масштаблари билан беқиёс бўлган илмий-техника тараққиёти инсон ва табиат учун нафақат ижобий, балки шу билан бирга, салбий оқибатларни ҳам келтириб чиқарди. Шу нарса маълум бўлдики, инсон ўзининг техникавий тараққиётини тўла равишда назорат қила олмас экан, табиатга техноген таъсир эса атроф муҳитнинг ифлосланишига ва табиий ресурсларнинг тезлик билан тамомланишига олиб келди. Ўзи яшайдиган муҳит бўлган маданиятни ўзгартириш билан инсон ўз-ўзини яратади. Маданиятдаги янги ҳодиса ва анъаналар бевосита инсонда ўз аксини топади ва инсоний мунособатларни ўзгартиради. Албатта бизнинг кунларда фалсафанинг инсон табиати (хулки) ва тафаккурига таъсири радио, телевидение, матбуот ва энг янги иформацион коммуникацион технологиялар (компьютер, мобиль телефон ва бошқа янги технологиялар) нинг ёғдираётган таъсирига қараганда жуда кичик. Лекин шунга қарамай, фалсафа ўзига бўлган маънавий эҳтиёж кучини сақлаб турибди, чунки у одамларга табиатан хос.

Фалсафа узлуксиз ва баъзида жуда кескин дискуссиялар билан ривожланди. Ҳар бир файласуф ўзидан олдин ўтган ёки замондош ҳамкасби билан баҳслашади, бунда уларнинг қарашларини қабул қилиши ҳам, уларни рад этиши ҳам мумкин эди. Ўзининг узоқ давом этган тараққиёти жараёнида фалсафа ўз муаммоларини асослаш ва ҳал қилиш меёрлари (критерийлар)ни ишлаб чиқди. Қандай қилиб ҳаётнинг реаллигини исбот қилиб бўлади, ташқи оламнинг мавжудлигини қандай исботлаш мумкин. Билиш қандай амалга ошади? «Ташқи олам мавжуд», «менинг онгим бор» ёки «мен мавжудман» деган даъволлар тўла равишда ҳақиқатдек

туюлади. Бирок уларни асослаш кутилмаган қийинчиликларга дучор қилади.

Гарчи бошқа одамлар учун фикрловчи ва ҳал қилувчи файласуф фигураси тарихда қолган бўлса-да, монография муаллифлари шунга аминларки, эртами-кечми ҳар бир одам ўзининг ҳаётига доир «биринчи» ва «охирги» саволларини ўзи ҳал қила бошлайди. Ана шу ерда жиддий хатарлар кутиб турипти. Масалан, шундай хатар деб ҳеч қандай авторитетга бўйсунмадиган ўзга одамлар фикри гўё уни қизиқтирмайдиган ўта изоляцияланган инсоннинг пайдо бўлиши ҳавфини солиш мумкин. Бундай одам истиқболи ёлғизликка маҳкумдир. Яна бир ҳавф: у нимани фикрлайди ва қандай фикрлайди. Ахир унинг фикрлари, мушоҳадалари унинг ўз ҳаёти-ку, бу унинг борлигининг, бошқа одамлар борлигининг маъноси, булар севги ва мулоқот ҳақидаги, билиш ва ҳақиқат ҳақидаги, тарих, маданият ва жамият, унинг табиатга муносабати ҳақидаги масалалар-ку. Фалсафа инсонга ўз-ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолашга ёрдам беради. Сўзнинг прагматик маъносида тушунтирадиган бўлсак, агар инсон шахс бўлишни истаса, ўзининг эҳтирос ва интилишларини бошқаришни ҳохласа, рационал, самарали ва оптимал қарорлар қабул қилиш ва уни ҳаётга тадбиқ қилишни истаса, у фалсафага мурожаат қилиши мумкин. Бундай имконият инсон ҳаётининг ҳозирги ҳаётий реалликларни ҳисобга олган ҳолда тарқоқлигини, ажралганлигини бартараф қилишга доир конструктив йўллارни қидириш заруратидан келиб чиқади. Бундай изланишлар бир пайтдагина бўладиган мушоҳадалар маҳсули бўлмайди, улар одамларнинг кундалик борлиғи давомида пишиб етилади.

Ҳозирги замон жамиятнинг маданий-тарихий белгилари ҳаддан ташқари турли – тумандир. Энг турли динлар ва мафкуралар, этник ва маданий анъаналар, иқтисодий ва профессионал уюшмалар, сиёсий ва бошқа турдаги бирлашмалар бир – бирлари билан биргаликда яшашга мажбурдилар, бу эса одамларнинг бир – бирларига нисбатан ҳурмат, сабр, кечиримли қилиб тарбиялашни тақозо қилади. Шунинг учун бугунги кунда ҳаётий қадриятларни қайта баҳолаш учун қандайдир универсал ҳақиқатлар тазъийқидан

кутилиш, карашларнинг ўзаро мувофиқлашуви ва ўзаро таъсирлашуви учун асослар топишга интилиш ва бунда бу карашларнинг соҳиби шахсларнинг индивидуаллигини ва ўзига хослигини сақлаб қолиш лозим бўлади. Монографиянинг барча мавзулари унинг амалиётга йўналтирилганлиги гоёси билан суғорилган. Бу гоё шундан иборатки, мазкур қўлланма билан ишлаётган ҳар бир шахсда мустақил фикрлаш малакаси шакллансин, у бутун ҳаёти давомида дуч келиши мумкин бўлган вазиятларга доир қарорлар қабул қила оладиган ва уларни амалга ошира оладиган бўлсин. Муаллифларнинг мақсади ёшларга амалий фалсафанинг асосий тушунча ва муаммоларини тушунишга ёрдам бериш, уларни турли нуқтаи – назарлардан муҳокама қилиш ва ҳозирги замондаги маданиятлар ҳамда конкрет ҳаётий вазиятлар турли – туманлигига яқинлаштиришдир.

Амалий фалсафанинг асосий тушунча ва муаммоларини турли нуқтаи – назаридан кўриб чиқар эканмиз, биз муаллифлар фалсафани конкрет вазиятлар турли – туманлисига «яқинлаштиришни» истадик. Айни бир предмет тўғрисида турли мулоҳазаларни берар эканлар, муаллифлар, ўқийдиган ва уқадиган талабанинг ўз фикрини яратишга, унинг танқидий қобилиятларини ривожлантиришига, унда фалсафага қизиқиш уйғотишга ёрдам бериш ниятини асос қилиб олдилар. Кимки бизнинг монографиямизни очар экан, унга фалсафий билимлар асосларини ўзлаштиришда муваффақиятлар тилаб қолишни истар эдик. Қадимги юнон файласуфи Аристотель айтганидек, эҳтимол бошқа фанлар кераклироқдир, бироқ фалсафадан яхшиси йўқ. Амалий фалсафа – бу фалсафанинг одам фаолиятини амалий жиҳатдан ўрганувчи соҳаси ҳисобланади. Амалий фалсафа таркибига ахлоқшунослик, эстетика, ҳуқуқ фалсафаси, ижтимоий фалсафа, сиёсат фалсафаси, иқтисодий фалсафа ва бошқа шу каби фалсафага оид бир қатор фан соҳалари киритилади. Амалий фалсафанинг амалий жиҳатдан аҳамияти – бу фикрларнинг бевосита ҳаракатларга таъсир кўрсатиши мумкинлиги фактидан келиб чиқади: яъни, фикр одамни ҳаракат қилишга чорлаши мумкин ёки аксинча, уни амалга оширилувчи ҳаракатдан тўхтатиши, ундан қайтишга

ундаши мумкин. Амалий фалсафанинг мақсади – бу фикрлар ёрдамида одамларни тўғри ҳаракатларни бажаришга чорлаш ва ўз навбатида, хато ва нотўғри ҳисобланган ҳатти – ҳаракатларни амалга оширишдан қайтаришдан ташкил топади. Янада аниқроқ айтганда, амалий фалсафа – бу сўзлар воситасида, жонли мулоқот жараёнида (маслаҳат тарзидаги суҳбатлар, суҳбатлашиш, баҳс – мунозаралар, аниқ вазиятларни таҳлил қилиш) қатъий ишонч хосил қилиш орқали одамларга фикрлар кучи билан таъсир кўрсатиш мақсадини амалга оширишни назарда тутади. Амалий файласуф (амалий рухшунос, руҳий таҳлилчи амалга оширувчи, шифокор, руҳоний, ҳуқуқшунос каби) маслаҳат – суҳбат – эътиқод хизматини ташкил қилади. Унинг вазифаси: ҳаётнинг асосий масалалари, тараққиёт, севги – муҳаббат, ижод, саломатлик ва ҳақозо йўналишлар бўйича суҳбатлашиш ва маслаҳатлар беришдан ташкил топади. Яъни, бунда жамиятда микроназорат қилиш тизимларидан амалий жиҳатдан фойдаланиш амалга оширилади. Эътиборга олиш керакки, амалий фалсафа – бу фалсафанинг бевосита амалий ролини ўзида ифодаламайди. Фалсафа умумий ҳолатда одамлар ҳаётига амалий жиҳатдан маълум бир аниқ кўринишда таъсир кўрсатади. Бу таъсирнинг катта қисми фан, кашфиётчилик, сиёсат, иқтисодиёт, саънат, адабиёт соҳалари орқали, яъни билвосита йўл билан амалга оширилади.

Амалий фалсафа сўзи асл мазмун – моҳиятига кўра олиб қаралганда, касбий маҳорат (*профессионал*) нуқтаи назаридан ушбу соҳа билан унча кўп бўлмаган сондаги файласуфлар шуғулланишган: масалан, Қадимги Грецияда айрим софистларни ва шунингдек, ўзларининг у ёки бу амалий мақсадларида яқка тартибда (*индивидуал*) ёки жамоавий тарзда суҳбатларни олиб боришда фалсафий далиллардан фойдаланувчи айрим файласуфларнинг фаолиятини мисол сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин. Кенг маънода олиб қаралганда, амалий фалсафа таркибига турли хил муаллифлар томонидан билдирилган ва таркибида фалсафий далиллар, ҳаёт, одам ҳақида билдирилган фикрлар, шунингдек оламга нисбатан муносабатлар, барча инсониятга нисбатан билдирилган

фикрлар ва ҳаракатларни амалга оширишга чорловчи ёки айрим ҳатти – ҳаракатларни амалга оширишдан қайтишга ундовчи мазмунга эга бўлган нуқтлар ва матнлар киритилади. Ўз навбатида, ушбу нуқтлар ва матнлар тадқиқот тавсифига эга ҳисобланмайди, балки муҳокамалар, алоҳида билдирилган фикрлар ва кўрсатмалар – тавсиялар мазмунига эга ҳолатларни ўз ичига қамраб олади. Ушбу ўринда «амалий фалсафа»нинг иккиламчи аҳамияти бой тарихга ва анъаналарга эга ҳисобланади. Ўтмишда яшаб ижод қилган кўплаб файласуфлар амалий жиҳатдан фалсафий фикрларга эга бўлган матнларни бизга мерос қолдиришган. Ушбу мазмундаги фикрлар нафақат айнан, файласуфлар томонидан, балки бошқа ижодкор – ёзувчилар: жумладан, бадиий насрий асарлар муаллифлари, олимлар, тарихчилар, руҳшунослар, сиёсатчилар ва бошқалар томонидан ҳам билдирилган.

Афсуски, амалий фалсафа (ўзининг асосий мазмун – моҳияти ва аҳамиятига кўра) айтиш мумкинки, ҳали бошланғич куртаклаш ҳолатида эканлиги қайд қилинади. Ҳозирги вақтда жамият эндигина фалсафанинг бевосита (турли хилдаги воситачиларсиз ҳолатда) одамлар ҳаёти ва ишларига таъсир кўрсатиши мумкинлигига иқроф бўлмоқда, яъни файласуфларнинг руҳшунослар, руҳий таҳлилчилар, шифокор ва руҳонийлар каби одамлар билан бевосита иш олиб бориши мумкинлиги тан олинмоқда. Бизнинг олдимизда, файласуфлар олдида чинакамига тарихий нуқтаи назардан муҳим ҳисобланган вазифани ҳал қилиш масаласи кўндаланг турибди: яъни, амалий файласуфлар институтини ташкил қилиш, руҳшуносларнинг урф (мода) кўринишида фаолияти оммалашиши каби файласуфлар фаолиятига ҳам ушбу кўринишда оммалашиш, урф сифатида қиёфа бағишлаш талаб қилинади. Монография ҳақидаги фикр мулоҳазаларингизни муалифлар мамнуният билан қабул қилади. Зероки сиз азиз китобхонларингизни фикрлари келгусида бизнинг монографик ишимизни такомиллаштиришга ҳизмат қилади деган умидамиз. Таклифларингизни нашриёт манзилига йуллашингиз мумкин.

І БОБ. АМАЛИЙ ФАЛСАФАНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ

1.1-§. Амалий фалсафа тушунчасининг мазмуни

Бошқа касблар вакилларида масалан руҳшунос, шифокор, ҳуқуқшунос, диншунос ва бошқалар фарқли равишда, файласуф одамни ва унинг ҳаётий жиҳатдан намоён бўлишини бир бутун ҳолатда қараб чиқишни амалга оширади. Айнан, файласуф одамлар билан одам сифатида мулоқотга кириша олиши, бунда инсониятнинг турмуш тарзи – тажрибаларининг барча жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда, одамга таъсир кўрсатиш давомида мавжуд барча восита – қуроллардан унинг дирижёр каби фойдалана олиши ва бошқара олиши намоён бўлади. Руҳий таҳлилчи – руҳшунос одамнинг муаммолари ечимини руҳият асосида излашни амалга оширади, шифокор эса – саломатликни қайта тиклаш, ўз навбатида ҳуқуқшунос – мавжуд қонунчиликдан фойдаланиш самарадорлигини кўрсатиб бериш асосида мавжуд масалани ҳал қилишга ҳаракат қилади. Фақат файласуфгина, у ёки бу вазиятларда қандай воситалардан фойдаланиш мумкинлигига тўлиқ баҳо бера олишни амалга ошириши мумкин. Ва айнан, у турли хилдаги воситалардан мажмуавий кўринишда фойдалана олиши, яъни вазиятни бошқара олиши, мувофиқлаштиришни амалга ошириши мумкин.

Одам ҳақида кўплаб олимлар, турли хил мутахассисликлар бўйича фаолият олиб борувчи олимлар, диний арбоблар, файласуфлар фикр билдиришлари ва ёзишлари мумкин... Ёзувчи ва рассомлар одамни мутлоқо субъектив нуқтаи назардан ёндошган ҳолда тасвирлашади. Олимлар эса – одамни объект сифатида ўрганишади. Яъни, улар одатда – объективистлар сифатида намоён бўлади. Диний арбоблар одам ҳақида фақат ўзларининг олий эътиқодлари билан боғлиқ ҳолатда фикр билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблашади, яъни улар учун одам – фаолият кўрсатувчи субъект сифатида ўрин тутиб, нариги дунёда асл мазмун – моҳиятга эга бўлувчи

олий ҳолатнинг ёруғ оламдаги бошланғичи кўринишида таърифланади. Бу бир томонлама ёндошув асосида билдирилувчи нуқтаи назарлардан бири ҳисобланади. Фақат, файласуфгина одамга нисбатан ҳар томонлама нигоҳ ташлай олиш имконига эга ҳисобланади. Файласуф учун одам – бу субъект, шунингдек объект, якка ҳолатда ва умумийликда, «мен» ва «биз», индивид ва одам авлодига мансуб тирик мавжудот нуқтаи назаридан ўрин тутаяди. Одамга нисбатан бу кўринишдаги нигоҳ ташлай олиш файласуфнинг универсал фикрловчи, тафаккур юрита олувчи сифатидаги ўзига хослиги билан боғлиқ ҳисобланади.

Албатта, файласуфлар ҳам ихтисослашишлари мумкин ва ўз навбатида, ўзларининг афзал деб ҳисобловчи нуқтаи назарлари жиҳатидан айрим чегараланишларга эга бўлиши мумкин. Бундан ташқари, бошқа «одамшунос»лар билан солиштирилганда, улар одамга нисбатан фикр билдиришда кўпроқ даражада универсализм асосида мўлжал олиш тавсифига эга ҳисобланишади. Камида, айнан, улар орасида ушбу универсализмга интилувчи донишмандлар кўпроқ учраши қайд қилинади. Ушбу ўринда, Пико делла Мирандол томонидан билдирилган қуйидаги машҳур фикрни келтириб ўтиш ўринли ҳисобланади: «Кимки файласуф бўлмаса, демак у одам ҳисобланмайди», айтайлик, айнан, файласуф ва фақат файласуфгина «*Одам – ўзи нима?*» саволига ҳар томонлама тўлиқ ва батафсил ҳолатда жавоб бера олиши мумкин.

Бундан ташқари, файласуфлар одам фаолиятини ўрганишга қаратилган биронта касбий йўналиш вакиллари томонидан фойдаланилмайдиган воситалар асосида одам фаолиятига оид масалаларни ҳал қилишни амалга оширишади. Бу воситаларнинг асосини фикрлар ташкил қилади. Ўз касбини маҳорат билан ўзлаштира олган (*профессионал*) файласуф – бу ўз касбий маҳорати асосида тафаккур юрита олувчи (мулоҳаза қилиш, далиллар келтириш, ишонч хосил қилиш, танқидий фикр билдириш) одам ҳисобланади. Айнан у ва фақат угина, одамга хос бўлган муаммоларни ҳал қилиш учун одамга таъсир

воситаси сифатида тафаккурлаш – фикрлардан касбий маҳорат нуқтаи назаридан самарали фойдалана олиши мумкин.

Ушбу ҳолатни эътиборга олиш талаб қилинадики, яъни одамлар бунни хоҳлашадими ёки йўқми, барибир уларнинг онгида фалсафа пинҳона кўринишда мавжуд ҳисобланади. Яъни, одамлар мавжуд муаммоли вазиятларни айнан фалсафий муаммо деб номлашмасада, бироқ фалсафий нуқтаи назардан тавсифланувчи муаммоларни у ёки бу кўринишда муҳокама қилишлари қайд қилинади. Бу кўринишдаги муҳокамаларнинг кўп қисми одатда, квалификацияга эга бўлмаган ва саводсизлик асосида чиқарилган фикрлар сифатида келтирилади. Жумладан, телекўрсатувларда, радиоэшиттиришларда, кинофильмларда, китоблар, газета ва журналларда бир бутун ёлғондакам фалсафий мулоҳазалар денгизини учратишимиз мумкин. Бундан ташқари, кўпгина одамшунос – мутахассислар: руҳиятшунослар, шифокорлар, ҳуқуқшунослар, руҳонийлар ва бошқалар ўзларининг касбий фаолиятларидан келиб чиққан ҳолатда ўз миждозлари билан суҳбатлашишда ёки уларга тавсия ва кўрсатмалар беришда кўпинча ҳолатларда соф фалсафий тавсифга эга бўлган суҳбатлардан фойдаланишлари ёки фалсафий тавсифга эга бўлган маслаҳатлар беришларини кўришимиз мумкин. Улар мазмун – моҳиятига кўра, амалий фалсафа майдонида иш олиб боришади. Табиийки, бу таҳлил қилинаётган барча мулоҳазалар ва тавсиялар – кўрсатмалар кўпинча ҳолатларда албатта, эзгуликни кўзлаб амалга оширилади. Ушбу ўринда савол туғилади: *биз профессионал файласуфлар қаерда қолдик?* Биз шунчаки, ўзимиз билан ўзимиз овора бўлиб қолмаяпмизми (ўз ҳамкасбларимиз жамоасидан ташкил топган тор доирада ўралашиб қолмадикми) ёки шунчаки фалсафани ўқитишдан ортмаяпмиз, шекилли. Бу ҳолатда тан олиш керакки, бутун бир жонли олам, кундалик – ҳаётий донишмандлик, амалий ва табиий фалсафа бизнинг қизиқишларимиз ва тушунчаларимиздан ташқарида, бизнинг диққат – эътиборимиз деворларидан ташқарида қолиб кетмоқда. Келинг, ушбу вазиятни ўзгартирайлик, ҳалқ билан бирга бўлишга интилайлик, бевосита одамлар билан иш олиб

борайлик, улар билан биргаликда, уларнинг асосий ҳаёти ва турмушига оид масалаларни ҳал қилишни амалга оширайлик. Омма ёки шунчаки тингловчилар оммаси (талабалар ёки китобхонлар билан мулоқотга киришишдагидек) билан эмас, балки ҳоҳловчи ҳар бир киши билан якка тартибда иш олиб бориш вақти келди! Амалий фалсафанинг мазмун – моҳияти ҳам айнан ушбу ҳолатда ўзлигини намоён қилади, яъни эксклюзивлик, аниқ манзилга йўналтирилганлик ва якка тартибда (*индивидуал*) ёндошув асосида иш олиб бориш талаби юзага келади. А.В.Соколов томонидан 1988 – йилдаёқ қуйидаги фикрлар ёзиб қолдирилган: «Амалий жиҳатдан ўзининг фойдали жиҳатларини намоён қилиш учун фалсафа ҳар кунлик кундалик турмушда якка тартибдаги одамлар эҳтиёжларига жавоб бера олувчи махсулотни таклиф қила олиши керак. Бу кўринишдаги махсулот сифатида «*амалий фалсафа*» хизмат қилиши мумкин ¹. Фалсафа одам учун ҳаётни тушуниш, шунингдек донишмандлик нуқтаи назаридан фойдали бўлиши мумкин. Фалсафа ўзининг ушбу функциясига кўра, дин билан самарали тарзда рақобатлаша олади, шунингдек индивиднинг ҳаётни ўрганиши нуқтаи назаридан муҳим аҳамиятга эга ҳолат сифатида олдинга чиқиб келиши қайд қилинади. Фалсафа инсонга, назарий дунёқарашдан келиб чиқувчи ва оқилона тарзда асослаб берилувчи ҳаётий донишмандликни бера олиш хусусиятига эга ҳисобланади, шу билан бир вақтда диний дунёқарашлар асосида ҳаётни тушуниш иррационал тавсифдаги антроморф, афсонавий дунёқараш кўринишидаги таасурот қолдиради.

Фалсафанинг Собиқ Иттифокда ўз ривожланиш босқичида сезиларли ҳисобланган камчиликларидан бири, айнан унинг таркибида «*амалий фалсафа*»нинг мавжуд эмаслиги ва фалсафанинг одамларнинг кундалик турмушида эҳтиёжлари асосида келиб чиқувчи талабларга жавоб бера олмаслиги билан боғлиқ ҳисобланади»². Айрим файласуфлар

¹Қаранг: Соколов А. В. Философия информации: учеб. пособие. – Челябинск: ЧГАКИ, 2011. – С-484..

²Қаранг: Характер и способы связи философии с жизнью. Тезисы к научной конференции. М., 1988. С. 61-62.

томонидан ҳисобланилишича, фалсафа алоҳида одамлар даражасигача пастга тушиб бориши керак эмас. Масалан, О.Г.Дробницкий томонидан қуйидаги фикрлар қайд қилинган: «Фалсафа... унинг ҳал қилувчи умумийлик даражаси доирасидаги кучи асосида одамнинг кундалик турмушида хусусий тирикчилик билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал қилишга талабгорлик қилиши мумкин эмас. Маиший турмуш тарзига оид муаммоларни фалсафа шуғулланувчи вазифалар доирасига киритилувчи, инсоният тушунчаси кўлами даражасида қараб чиқишда ҳаётнинг барча вазиятларида мавжуд масалаларни ҳал қилишдан келиб чиққан ҳолда, аниқ вазиятларни дедукция йўли билан исботлаш талаб қилинмайди. Кундалик турмушда кузатилувчи вазиятларда одам файласуф сифатида фикр юритмайди ва фақат, ҳар бир кишининг олам ҳақидаги онгини чегаравий мавҳумлик даражасигача кўтариш имконияти мавжудлиги йўқлиги сабабли эмас, балки индивиднинг ҳаётга позицияси кундалик турмушда кузатилувчи ҳолатлар асосида шахсий тажриба бўйича ҳар доим ҳам унинг дунёқарашидан келиб чиқавермаслиги мумкинлиги ҳисобга олинади. Барча ҳолатларда бу кўринишдаги қатъий боғлиқликни қайд қилиш фақат фалсафанинг асл моҳиятини сийқалаштирувчи, ўта майдалашиш тарзидаги ақидапарастликка олиб келиши мумкин»³.

Фалсафада бу кўринишдаги нуқтаи назарлар мавжудлиги бир томондан унинг ҳақиқий мавжуд одамнинг тушинилишидан узоқлашиш билан боғлиқ бўлса, бошқа томондан эса – аниқ бир одамнинг муаммолари фалсафа учун арзимас нарса сифатида қабул қилиниши билан изоҳланади. У ёки бу ҳолатда ҳам биз ўзига хос фалсафий платонизмга дуч келамиз, яъни умумийликнинг мутлоқлаштирилиши ва якка ҳолатдаги, алоҳида олинган, ўзига хосликнинг қиммати баҳоланмаслигини кўришимиз мумкин. Ҳа, ҳақиқатдан ҳам фалсафа чегаравий даражада умумий ҳисобланган масалалар

³Каранг. О.Г. Дробницкий Моральная философия. Избранные труды М., 1989. С.86-87.

билан шуғулланади. Бирок, ҳар бир алоҳида олинган ҳолатдаги одам бу кўринишдаги масалалар ҳақида ўйлаши мумкин-ку.

Умумийликсиз якка ҳолатлар ҳам мавжуд бўлмаганлиги каби, алоҳида, якка ҳолатларсиз умумийлик ҳам мавжуд эмас. Ҳар қандай энг фундаментал ҳисобланган масалалар ҳам вазиятларга боғлиқ ҳолатда, кундалик турмуш вазиятлари асосида, аниқ одамлар ҳаёти ва унинг ўзига хосликлари билан боғлиқ ҳисобланади, ва аксинча, ҳар қандай ҳаётий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган масалалар минглаб иплар орқали умумий масалалар ҳал қилиниши билан боғлиқ ҳисобланади. Амалий файласуфнинг вазифаси – доимий равишда аниқ ҳаётий масалаларда фундаментал фалсафий боғланишларни, умумийлик ва алоҳидаликнинг ўзаро боғлиқликларини ёритиб беришдан ташкил топади. Бу ерда амалий файласуф ва судьянинг (қози) ўртасида қандайдир ўзаро параллел ўхшашлик ҳолатлари мавжудлигига эътибор қаратиш мумкин.

Судья қараб чиқиладиган иш бўйича мавжуд аниқ маълумотларни ҳуқуқ меъёрлари билан солиштириш ва ушбу асосда қарор қабул қилишни амалга оширади. Суҳбатни олиб борувчи, масалаҳат берувчи файласуф эса – шунчаки, умумийлик остида хусусий ҳолатларни келтириб чиқиришни амалга ошириши эмас, балки хусусий ҳолатлар билан умумийлик ўртасидаги боғлиқликларни аниқлаши (топиш – қараб чиқиш – баҳолаш) талаб қилинади. Бу ерда ақл – идрок Кантга хос бўлган «мулоҳаза юритиш қобилияти» ҳолатига кириб бориши кузатилади. Ушбу нуқтаи назардан А.Гульга томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: «Агар, идрок этиш, тафаккурлаш қоидаларни қарор топтирса, у ҳолда мулоҳаза қилиш ҳар бир алоҳида олинган вазиятларда ушбу қоидалардан фойдалана олишни белгилаб беради, бу ҳолат зеҳн, топқирликни ифодалайди. Олайлик, қонунларни кам билувчи судья агар, расмий равишда қарор қабул қилса, у ҳолда «*тўғри ва албатта ножўя*» ҳолат юзага келиши мумкин, бунда ақл – идрок билан мулоҳаза юритиш, барча вазиятларни ҳисобга олиш талаб қилинади. Ҳалқ оғзаки ижодида лақма одамлар тимсоли қайд қилинган бўлиб, улар одатда стандарт тарзда

ҳаракат қилишади ва ҳар доим панд ейишлари келтирилади. Кант томонидан лакма одамларда мулоҳаза юритиш қобилияти етишмаслиги кўрсатиб ўтилади, бу ҳолатни у умумийликдан хусусиятликка томон ўтиш сифатида кўрсатиб ўтади»⁴.

Профессионал файласуф билан файласуф бўлмаган киши ўртасидаги алоқага киришиш – фалсафани ўқитиш билан чегараланиши, шунингдек у ёки бу тингловчиар оммаси олдида фалсафий матнлар, оғзаки нутқ кўринишидаги чиқишлар орқали ёки турли хил тадбирларда (анжуман, семинар, симпозиум ва бошқалар) кўп сонда бўлмаган мулоқотларга киришиш кўринишларида намоён бўлиши мумкин. Битта вазиятда алоқага (мулоқотга) киришиш бир томонлама тавсифга эга бўлиб, бошқа бир ҳолатда эса – турли хил жамоавий мулоқотлар асосида фикрлар аралашishi тавсифига эга бўлиши қайд қилинади. Файласуфнинг файласуф бўлмаган киши билан ҳақиқий мулоқотга киришиши фақат шунинг учун мўлжалланган, якка тартибдаги жонли суҳбат асосидагина амалга оширилиши мумкин. Афлотун ушбу нуқтаи назардан сўзсиз равишда ҳақ бўлиб чиқади, яъни у фалсафий матнларнинг етишмаслиги файласуф ва файласуф бўлмаган кишилар ўртасидаги жонли алоқага киришиш талаб қилинишини кўрсатиб ўтади. У «Федр» асарида қуйидаги фикрларни ёзиб қолдирган: «Бунда Федр ёзма асарларга хос бўлган ғайритабiiй хусусиятларга эга бўлиб, асл моҳиятига кўра рассомлик асарларига ўхшаб кетади, яъни унинг самараси тирик ҳолатда қайд қилиниб, ниманидир сўрасанг, улуғвор виқор билан жим туради. Ҳудди шу фикрни кўпгина ёзма асарларда ҳам кузатиш мумкин, яъни улар худди тирик мавжудот каби гапираётгандек бўлиб туюлади, бироқ ундан кимдир ниманидир сўраб қолса борми, улар фақат бир хил жавоб бериши кузатилади. Қачонлардан ёзилган ҳар қандай ёзма фикрлар ҳамма жойда мулоқотларга киришиши мумкин – албатта, бунда улар мутоола қилишни билувчилар ва билмайдиганлар билан ҳам мулоқотга киришишга тайёр туради, ким билан сўзлашиш керак ва ким билан эса –

⁴ Каранг: Гулыга А. В. Немецкая классическая философия. М., 1986 (нем. изд. – 1991)

сўзлашиш керак эмаслигини билишмайди. Агар, уларга нисбатан илтифотсизлик кўрсатилса ёки адолатсиз тарзда муносабатда бўлинса, улар ўз отасининг кўмагига муҳтожлик сезишади, ўз – ўзларини ҳимоя қила олишмайди, ўзига ёрдам бера олмайди...

Оғзаки нукт асосидаги мулоқот давомида бизга эътибор қаратмаган ҳолда, дастлабкисига туғишган уни сифатида бошқа бир асар дунёга келаверади ва у ўз табиатига кўра олдингисидан қанчалик даражада яхшироқ ва қудратлироқ бўлиши мумкин?

Бу нутқий асар айнан, билимларнинг ўзлаштирилиши асосида яратилган ва уни мутоола қилувчининг кўнглидан чиқувчи асар ҳисобланади, бундай асар ўз – ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятига эга бўлиб, бу ҳолатда ким билан сўзлашиш керак ва ким билан эса – сўзлашиш керак эмаслигига ойдинлик киритиш имконияти юзага келади.

– Бу ҳолатда сен доно инсон томонидан ёзилган жонли ва руҳиятга эга бўлган нутқ билан сўзлаша оласан, бунда нима деб ўйлайсан, ушбу тасвирлашларни адолатли равишда ёзма нутқ деб номлаш мумкинми?

– Мутлоқо тўғри фикр менимча, агар бунда диалектика қонуниятларидан тўғри фойдаланилса, янада яхшироқ самарага эришилади, яъни мос келувчи руҳиятни танлай олиш асосида билимли ижодкор инсон ўз нутқи таркибига ўз – ўзига ва қолаверса, уни экувчига ёрдам берувчи уруғларни эка олади, айрим ҳолатларда бу асарлар таркибида бошқа одамларнинг руҳиятига янги фикрларни ижод қилиш учун янги уруғларни эка олувчи уруғлар мавжуд бўлади, бу қадалган уруғлар шу қадар абадий барҳаётки, унинг эгаси эса – шу даражада бахтли инсон ҳисобланадики, инсон зоти бундан ортиқ бахтиёр бўла олиши мумкин эмас»⁵.

Афлотуннинг ушбу фикрларини Т.В.Васильева куйидаги кўринишда шарҳлайди: «Ҳамма учун ва ҳар бир киши учун мутоола қилишга мўлжалланган бадий асарлар ўз

⁵ Қаранг: Т.В. Васильева. Комментарий к курсу истории античной философии. Пособие для студентов. М., 2002- С-56.

ижодкоридан йироқлашиши билан нодон китобхондан ҳимоялана олмайди ва уни мутоола қилувчига ушбу ёзилган матндан ташқари бирорта ҳолатларни қўшиб бера олмайди, ушбу юзага келган тушунмовчилик ҳолатида унга кўмаклашиш талаб қилинади, бироқ ёзма матн ёзилганларни фақат яна ва қайтадан яна такрорлаш имконини беради, холос. Жонли суҳбат мутлақо такомиллашган кўриниш бўлиб, сенинг олдингда тирик суҳбатдош туради ва сен уни кўра оласан, унга мослашишинг мумкин, юзага келган ҳар қандай тушинмовчиликларга суҳбат давомида ойдинлик киритиш мумкин, бу ҳолат жонли суҳбатдош билан мулоқот жараёни давомида ўзлаштирилади, бу ҳолатда фикрлар хотирадан мустаҳкам ўрин эгаллайди, асосийси эса – тингловчининг руҳиятида ўз – ўзи билан ички суҳбатлашишга киришиш асосида Сукротнинг нуқтларида билдирилган фикрларга ўхшаш фикрлар туғилиши имкони юзага келади»⁶.

Т.В.Васильева томонидан билдирилган ушбу фикрларга қўшимча ҳолатда қайд этиб ўтишимиз мумкинки, жонли суҳбат нафақат файласуфнинг суҳбатдоши учун муҳим ҳисобланади, балки файласуфнинг ўзи учун ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади (Афлотуннинг ўзи ҳам бу ҳолатни ҳақли равишда кўрсатиб ўтади). Бунда файласуф ўз фикрлари қозонидан янги ахборотларни, янги фикрлар ва ғояларни чўмичлаб олади ва ижодий қувватини илҳомлантиради, бу ҳолат жонли тингловчилар оммаси олдида чиқиш қилувчи артистнинг ҳолатига ўхшаб кетади.

Амалий фалсафа институтига муқаддима қадимий фалсафий анъаналар асосида туғилади. Антик даврда бу кўринишдаги амалий фалсафа институтлари мавжуд бўлган. Улар софистлар, донишманд устозлар, ҳаёт муаллимлари ҳисобланишган. Улар орасида ёлғондакам донишмандликдан сабоқ берувчи, сафсатабозлик ва софистика каби ҳолатлар ҳам мавжуд бўлганлиги айтилиб ҳақиқат ҳисобланади. Бундан ташқари, дастлаб софистлар фаолиятида рационал тавсифдаги мазмун – моҳият мавжудлиги қайд қилинган. Улар ўз

⁶Каранг. Афлотун. «Федр» Источник: <https://greesemagazine.ru/platon/>

суҳбатлари ва доно маслаҳатлари билан одамларга ҳақиқатдан ҳам амалий жиҳатдан ёрдам беришган.

Амалий файласуфнинг амалга оширувчи ишининг (суҳбат – маслаҳат бериш) мақсади:

1. Ҳаётнинг мазмун – моҳиятини тушинтириб бериш;
2. Ҳаётий жиҳатдан муҳим ҳисобланган жавобларни (*Қаерга бориш керак? Нима қилиш керак? Қандай йўлни танлаш керак? Эзгулик нима?*) топишда кўмаклашиш;
3. Зиддиятли вазиятлардан (кундалик турмушда, касбий фаолиятда, ижодда, севги – муҳаббат бобида, оилада...) чиқиб кетиш учун интеллектуал бошланғичларни яратиш;
4. Фалсафий даволаш (фалсафа билан юпатиш ва даволаш);
5. Эҳтимоллиги мавжуд бўлган хато қарорларга келиш, ахлоқий меъёрларга зид бўлган ҳатти – ҳаракатлар, жиноятчилик ва ўз жонига қасд қилишнинг олдини олиш (огоҳлантириш);

Амалий файласуфнинг иш усуллари ва шакллари:

1. Фалсафий масалаҳат бериш (саволлар ва жавоблар);
 2. Суҳбат, баҳс – мунозара, диалог;
 3. Аниқ вазиятларни таҳлил қилиш;
 4. Кўнгилдан суҳбат қуриш (барча қийновчи ва йиғилиб қолган гапларни айтиб олишга имкон бериш, ўз фикрларини файласуф фикрлари билан солиштириб кўриш, мавжуд бўшлиқларни бартараф қилиш ёки уларни минималлаштириш, ўзи ва бошқаларни тушинишда бўш доғ соҳаларни йўқотиш);
 5. Ошкора суҳбатлашиш (сир сақланиши шарти заруриятига амал қилиш асосида);
 6. Амалий маслаҳатлар бериш, тушунтириш, далиллар келтириш, ишонч ҳосил қилиш, танқидий муносабат билдириш;
- Мавжуд масалаларни муҳокама қилишнинг асосий усуллари: антitez усули ва муқобил (*альтернатив*) вариантлар усули.

Антitez усулидан фойдаланишда асосий фикр илгари сурилади (файласуф ёки суҳбатдош томонидан), ушбу асосий

axborot-resurs markazi

317709

фикрни қўллаб – қувватловчи ва унга қарши бўлган далиллар келтирилади, якуний хулосалар суҳбатдошга тақдим этилади.

Муқобил (*альтернатив*) вариантлар усулидан фойдаланишда саволга турли хил жавоб вариантлари илгари сурилади ёки масаланинг ечими бўйича турли хил вариантлар келтирилиб, кейин ушбу альтернатив вариантлар муҳокама қилинади, якуний ҳолатда танлаб олинган энг тўғри муқобил вариант суҳбатдошга тақдим этилади.

Қуйидаги усуллардан ҳам фойдаланиш мумкин:

1) Ҳикоя – маъруза усули (файласуф фаол ҳолатда – суҳбатдош нофаол ҳолатда);

2) Тинглаш – истиффор қилиш усули (файласуф нофаол ҳолатда, суҳбатдош – фаол ҳолатда);

3) Маъруза – тинглаш аралаш усули (файласуф ва тингловчининг ўзгарувчан тарздаги фаоллиги).

Ушбу усулларни *қиссанавислик усуллари* деб номлаш мумкин. Уларнинг мақсади – одамни ўз фикрларини гапиришга ва истиффор қилишга ундаш ёки унинг маълумотларга бўлган чанқоғини қондириш, уни қийнаётган ахборотлар танқислигига барҳам беришдан ташкил топади.

Қиссанавислик усули антитез усули ёки муқобил (*альтернатив*) вариантлар усулларига нисбатан солиштирилганда самарали ҳисобланмайди. Бундан ташқари, улар агар суҳбатдош *мулоҳаза қилиш – далиллар келтириш – таҳлил* кўринишидаги суҳбат давомида қиссанавислик услубини маъқул кўрган ҳолатда фойдаланилиши мумкин.

Кўрсатиб ўтилган усуллардан ташқари, саволлар ва жавоблар усули нисбатан самарали ҳисобланади. Бунда саволлар файласуф томонидан ёки суҳбатдош томонидан берилиши мумкин.

Амалий файласуф ҳар томонлама саводли бўлиши, кўп нарсани билиши ва бажара олиши, яхши маънода ҳамма нарсани билиши ва қила олиш қобилиятига эга бўлиши талаб қилинади. Аниқ маслаҳат бериш – суҳбатлашиш вазиятларида у бироз руҳиятшунос сифатида хусусиятларга эга бўлиши, бироз шифокор сифатида фаолият олиб бора олиш ва шунингдек,

бироз артистлик маҳоратига эга бўлиши, бироз тренерлик қобилиятига ҳам эга бўлиши талаб қилинади. Бу ҳолат энг аввало, унинг мувофиқлаштирувчи – директёр сифатида функция бажариши талаб қилинган вазиятларда ва шунингдек, миждознинг нафақат унинг хизматларига эҳтиёж сезиши, балки бошқа мутахасислар хизматига ҳам эҳтиёж сезиши вазиятларида талаб қилинади.

Сухбат – маслаҳат вазиятларида файласуфнинг ҳулқ – атвор қоидалари:

1. Миждозга нисбатан максимал даражада ҳурмат билан муносабатда бўлиш;

2. Сухбатнинг ошкор этилмаслиги, истиғфор келтиришларнинг сўзсиз равишда сир сақланиши;

3. «Зарар келтирма» тамойилига амал қилиш.

1.2-§. Амалий фалсафанинг иждимой-тарихий илдизлари

Амалий фалсафага оид асарлар рўйхатига таркибида ҳаёт ҳақида, одам ҳақида, оламга бўлган муносабат ҳақида, барча одамларга нисбатан муносабат билдириш ва амалий мазмун – моҳиятга эга бўлган, яъни ҳаракатга чорловчи ёки ҳатти – ҳаракатларни содир этишдан қайтарувчи фикрлар мавжуд бўлган асарлар киритилади. Ўз навбатида, бу асарлар тадқиқот тавсифига эга бўлмайди, балки мулоҳазалар, алоҳида фикрлар ва маслаҳатлар – кўрсатмалар, тавсиялардан ташкил топади.

Амалий фалсафа руҳиятида Конфуций, кўпгина антик давр файласуфлари – жумладан, М.Монтень, Ф.Бэкон, А.Шопенгауэр ва бошқалар иждод қилишган. Амалий фалсафага оид асарларга Америкалик машҳур адиб – Дейл Карнеги ва Россиялик Владимир Леви фикрлари баён этилган асарларни ҳам киритиш мумкин.

«Амалий фалсафа» тушунчаси ҳар доим «амалий ақл – идрок, зеҳн» тушунчаси билан биргаликда қўлланилади ва шунингдек, ахлоқшунослик билан боғлиқ ҳолатда қайд қилинади. Бироқ, Кант фикрларининг ўзида ҳам идрокнинг

иккита турдаги амалий модаллик тавсифлари кўзга ташланади: яъни, ахлоқий – амалий ва техник – амалий идрок.

Фалсафада Кант ғояларига амал қилиш асосида, 1960 – йилларгача бўлган даврда масалан, Альвин Димер амалий фалсафа тушунчаси орқали мос равишда назарий фалсафада ўрганилувчи идрокнинг мавжуд ҳақиқий ҳолатларга нисбатан муносабат-ларини назарий жиҳатдан таҳлил қилишдан фарқли равишда, идрокнинг амалий фаолият билан боғлиқ йўналтирилиши моҳиятини очиб берувчи фан соҳалар-ининг умумий йиғиндиси тушунилган. Амалий фалсафа ахлоқшунослик, техника фалсафаси, меҳнат фалсафаси, фалсафий шеърят (ижод фалсафаси) каби соҳалари ўз ичига қамраб олган.

1980 – йиллардан бошлаб, амалий фалсафа таркибини ташкил қилувчи фанлар конфигурацияси тамойил жиҳатидан ўзгаришга учраган, бунда мазмун – моҳиятига кўра, асосий урғу фанлараро амалий фалсафа йўналишига қаратилади ва бу ҳолатга ижтимоий ҳаракатларга оид кадриятлар бирлаштирилади, натижада ижтимоий институтлар ва ахлоқий, ҳуқуқий, экологик, диний, сиёсий, иқтисодий, тилга оид муносабатларнинг амалий жиҳатдан умумий бирлиги ўртасидаги боғланишларга эътибор қаратилади.

Гарчи, ахлоқшунослик замонавий амалий фалсафа доирасида устувор ҳолатини сақлаб қолган бўлсада, унинг тавсифлари ва йўналишлари ўзгариши қайд қилинади, жумладан бунда ижтимоий ахлоқшунослик йўналиши қарор топган бўлиб, хусусий асослаш мақсадларида тил фалсафаси, коммуникация фалсафаси, ижтимоий фалсафа ва шунга ўхшаш йўналишлардан фойдаланилади.

Ҳозирги кунда амалий фалсафа сиёсий ва ижтимоий фалсафа, ҳуқуқий фалсафа, метаэкология, «*ахлоқшуносликка оид иқтисод*» (иқтисод фалсафаси), тил фалсафаси, техника фалсафаси каби соҳаларни ўз ичига қамраб олади. Амалий фалсафани ташкил қилувчи фан соҳалари комплекси ёпиқ тавсифга эга эмас ва тугалланмаган, балки аниқ турдаги фанлар, жумладан гуманитар фанлар бўйича янги материаллар

асосида одам фаолияти асосларининг ижтимоий жиҳатдан фалсафий мазмун – моҳиятини ёритиш йўналишида очик ҳолатда тавсифга эга ҳисобланади.

Амалий фалсафа – фалсафанинг одам фаолияти масалаларини ёритиб берувчи бўлими ҳисобланади. Амалий фалсафа ижтимоий муносабатлар устида тафаккур юритиш - социология, синфлар ўртасидаги муносабатлар устида тафаккур юритиш (сиёсий – иқтисодий рефлексия), марксизм ва бошқа йўналишларни қамраб олади. Шунингдек, у ўз таркибига амалий фалсафанинг таркибий бўлимларидан бирини ташкил қилувчи ахлоқий – маънавий фалсафани ўз ичига олади ва бу йўналиш одам ва олам муносабатларига ойдинлик киритиш масалалари билан шуғулланади, Кант томонидан келтирилган атамалар бўйича уни «*Мен нима қилишим керак?*» саволига жавоб бериш тарзида ифодалаш мумкин. Бу йўналиш «*Мен нимани билишим мумкин?*» саволига жавоб берувчи назарий фалсафа йўналиши қаршисига жойлаштирилади ва шунингдек, «*Агар, мен ахлоқий тамойилларга бўйсинган ҳолатда ҳаёт кечирсам, у ҳолда мен нимага умид билдиришга ҳақлиман?*» деган саволга жавоб берувчи диний фалсафадан фарқ қилади. Амалий фалсафанинг мақсади – одамларга уларни бахтга эришиш имконини берувчи шарт – шароитларни (ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий – ахлоқий) кўрсатиб беришдан ташкил топади.

Амалий фалсафанинг мазмун – моҳияти нимадан ташкил топган? У илмий, догматик тавсифга эга бўлган фалсафадан нима билан фарқ қилади? Биринчи навбатда, айтиш мумкинки, амалий фалсафа англаб етишга йўналтирилган. Бунда англаш тушунчаси орқали ўзини, ўз фикрларини, сўзлари ва ўз ҳулқ – атворини англаб етиш тушинилади. Бу фикр юритиш, тафаккурлаш ва таҳлил қилишни билишни англатади. Шу билан бир вақтда фалсафа «НИМА» тушунчаси асосида ўрганишни амалга оширади, амалий фалсафа эса – «ҚАНДАЙ» тушунчаси асосида иш олиб боради, яъни амалий фалсафа одамнинг қандай фикрлаши билан биргаликда унинг нима ҳақида фикрлашини ўрганади. Бу ерда шакл таркибга нисбатан

муҳимроқ ҳисобланади, шунингдек тафаккурлаш структураси унинг таркиби нима билан тўлдирилиши нуқтаи назаридан муҳим ҳисобланади.

Шундай қилиб, одам кўлига фойдаланиши мумкин бўлган, ушбу тафаккурлаш асосидаги қуроллар берилади. Бу кўринишдаги қуроллар сифатида идентификация -масалани қидириш ва аниқлик киритиш, долзарб масаланинг қўйилиши -ғоянинг кучсиз жойларини ўрганиш, танқидий таҳлил қилиш, концептуализация- ўз таркибида асосий ғояни ифодаловчи калит атамаларни киритиш ва далиллар келтириш кўрсатиб ўтилади.

Ҳар бир янги ғоя танқидий тафаккурлашнинг турли хил босқичларидан ўтказилади, бу жараён давомида унинг кўриниш шакли ўзгаради ва нима кўпроқ даражада муҳим ҳисобланиши яққол намоён бўлади. Тафаккурлаш билан ишлаш давомида ғоянинг чегараларини ва масаланинг долзарблигини англаб етиш, унинг тугалланганлик тавсифларини кўра олиш ва унинг сабабларини тушиниб етиш муҳим ҳисобланади. Ўз тафаккурлашини англаш орқали ўзлигини англаб етиш амалга оширилади. Ушбу ўринда, Сукрот томонидан келтирилган машҳур – «Ўз – ўзингни англа» ибораси кўпчиликка маълум ҳисобланади. Айнан, ушбу англашлар устида амалий фалсафа иш олиб боради, қисман бу жараён жуда мураккаб машғулот бўлиб, айрим вазиятларда биз тан олишни истамаслигимизни тан олишимизга тўғри келади. Ушбу нуқтаи назардан файласуфлар одамларга нисбатан фикр билдиришганда, айрим ҳолатларда одамнинг ўзи боришни истамаган жойга бошқаларни бошлашга интилишини кўрсатиб ўтишади. Амалий фалсафа – бу шунчаки, оддий ўқитиш эмас, балки тафаккурлашни ўқитиш, мавжуд бўлишни ўқитишдан ташкил топади.

«...Фалсафани кундалик турмуш тарзи билан аралаштириш мумкинми?». Бу қолган бошқа машғулотлар, масалан жисмоний тарбия билан шуғулланиш каби амалга оширилиши мумкин. Агар, сиз гимнастика билан шуғуллансангиз, у ҳолда сизнинг танангиз эгилувчанлик

хусусиятига эга бўлади ва яхши қиёфада бўлиши кузатилади. Ушбу тамойил бўйича, ўз тафаккурлашингиз устида ҳам иш олиб боришингиз талаб қилинади. Биз ушбу ўринда суҳбатдош билан суҳбатлашамиз ва бу ҳолатда далиллар келтирмаймиз. Бу ҳолат айрим вазиятларда бизда вақт йўқлиги учун, айрим ҳолатларда эса – биз ниманидир билмаслигимиз ёки билган нарсамизга ишонч ҳосил қилмаганлигимиз учун қайд қилинади. Бу ҳолат ушбу кўринишда бизнинг ҳаёт тарзимизга айланади. Биз ҳаракатдан тўхтамаймиз ва ўз – ўзимиздан сўраймиз: «*Мен нима учун бунди қиляяман?*». Шошилишни бас қилинг. Тўхтанг ва ўтиринг. Ўтиринг ва шунчаки, узингизнингги мавжудлигингиз ҳақида фикр юритиб кўринг. Масалан, Серен Кьеркегор томонидан илгари сурилган ғояга кўра, «*Нима учун одамлар ўз уйлари ҳақида кўпроқ қайгуришади, бироқ ўзи ҳақида камроқ қайгуришади?...*»⁷ кўринишидаги саволга жавоб излашга уриниб кўринг.

«Сукротча диалог» фалсафий техникаси. Ҳаётнинг замонавий услуби одамнинг ўзи ўйлайди ва унинг ўзи қарорлар қабул қилиши ҳақида сароб кўринишидаги фикр юритишга олиб келади. Бироқ, барчаси бундан ўзгача кўринишда амалга ошади. Шундай қилиб, бизга доимий равишда турли хилдаги куч билан ва ҳар хил ташқи кучлар таъсир кўрсатади, уларнинг таъсири остида одамлар мустақил бўлмаган ҳолатда ҳаракатларни амалга оширишади, балки «*вазиятлар тасодифий кўринишда*» юзага келади. Безовталиқ бир томондан диққатнинг ошиши ва демотивацияга олиб келади, бошқа томондан эса – одамнинг ўзи ҳаракатларни амалга оширмаслиги, балки у билан вазиятларнинг содир бўлиши симптоми шаклланади.

Фалсафа тарихини ўрганиш керак, чунки у саънат тарихи каби қизиқ ҳисобланади. Гарчи, улар анча олдинги даврларда ҳаёт кечиришган бўлишсада, биз Гомер, Шекспир, Рембрандт, Бетховенни севамиз. Фалсафий ғоялар билан боғлиқ ижод ҳам саънат асарлари каби буюк интеллектуал қимматга эга

⁷ Қаранг: Серен Кьеркегор. Заключение не научное послесловие к «Философским крохам»

ҳисобланади. Уларнинг кўпчилиги учун даврлар ўтиши таъсир кўрсатмайди, яъни улар ўз кадр – қимматини йўқотмайди.

Бу ерда қуйидаги ҳолат ҳам муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Яъни, фалсафа тарихи – бу шунчаки, эски ғоялар йиғиндисидан ташкил топмаган. Фалсафа тарихи – бу қимматли фикрлар хазинаси ҳисобланади. Генрих Гейне томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган: «Ҳар бир давр янги ғояларнинг кашф қилиниши билан биргаликда, янги нигоҳга ҳам эга бўлиши қайд қилинади ва бу нигоҳ орқали инсоният руҳияти томонидан яратилган қадимийлик бўйича кўплаб янгиликлар кашф қилинади».⁸

Бир сўз билан айтганда, фалсафа тарихини ўрганиш орқали биз фалсафани ўрганишни амалга оширамиз.

Амалий фалсафа – кўпроқ семантик бу ерда у қадимий анъаналарни ўзида ифодалайди нуқтаи назардан эмас, балки атамашунослик нуқтаи назаридан Кант ғояларига оид фалсафанинг «амалий идрок» ва «техник идрок» кўринишида бўлинишларини акс эттиради. Амалий идрокнинг назарий идрок устидан устунлиги сақлаб қолиниши, шунингдек маънавий – ахлоқий ҳулқ – атвор тавсифларининг илмий билиш масалалари устидан устуворлиги амалий фалсафада ахлоқшунослик, давлат ва ҳуқуқ фалсафаси, тарих ва дин фалсафаси ва ҳатто антропология йўналишларига тегишли ҳолат ҳисобланади.

Замонавий дунёда кўрсатиб ўтилган масалалар илмий – техник тараққиётнинг узлуксиз олға ҳаракатланишлари таъсири остида, айниқса унинг салбий оқибатлари таъсирида фавқулодда даражада долзарблашиши ва файласуфларнинг диққат – эътибори марказидан жой олган объектга айланиши кузатилади. Назарий идрокнинг анъанавий масалаларига урғу беришдан амалий фалсафа масалаларига ўтиш йўналишидаги илмий тадқиқотларга томон силжиш тенденцияси қайд қилинмоқда.

⁸Каранг.Г.Гейне. 3 том – Путешествие из Мюнхена до Генуи (Reise von München nach Genua) и Луккские воды (Die Bäder von Lucca), 1829.С-46

Назарий идрок позициясидан амалий идрок позициясига ўтишга ёрқин мисол сифатида Э.Гуссерл ва М.Хайдеггер шогирди ҳисобланган Ганс Йонасни кўрсатиб ўтиш мумкин. Унинг «*шахсий тафаккурлаш йўли кечинмалари*» бўйича тўплаган шахсий тажрибалари «энди билишдан ҳузурланиш эмас, балки яқин келажак олдида кўрқинч ҳисси ёки инсоният учун ваҳимага тушиш тафаккурлашнинг асосий мотивига айланиши, ўз навбатида келтирилган сўнгги ҳолат жавобгарлик ва маъсулиятни ҳис қилиш ҳаракатларига киришиш сифатида қайд қилинишини»⁹ англашга олиб келган.

Айнан, келажакда содир бўлувчи ҳолатлар олдида кўрқинчга тушиш ҳисси ва борган сари ривожланиб бораётган жавобгарлик ва маъсулият ҳисси дунё миқёсидаги фалсафий тараққиёт жараёнида «амалий идрокнинг реабилитацияланиши»нинг жадаллашиши юз беришига олиб келган. Бу кўринишдаги реабилитация жараёнининг асосий йўналишларидан бири – бу сўзсиз равишда биоэкология ҳисобланади.

«Биоэтика» («биологик ахлоқшунослик») атамаси фанда В.Р.Поттернинг «Биоэтика – келажакка кўприк» деб номланган китоби дунёга келишидан кейин кенг тарқалган¹⁰. Бу илмий йўналишнинг пайдо бўлиши тиббиёт ва биология соҳаларида технологик ва ижтимоий – сиёсий «чорловлар»га нисбатан ўзига хос тарздаги жавоб реакцияси ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда одам организмига таъсир кўрсатишнинг имконият даражаси борган сари ортиб борувчи янги тиббий ва биологик технологиялар кашф қилиниши ва амалиётга жорий қилиниши билан боғлиқ ҳолатда кишилик жамияти олдида мислсиз равишда мураккаб ахлоқий қарама – қарши, ўзаро зиддиятли қарашлар ва нуқтаи назарлар юзага келиши кузатилмоқда, ўз навбатида бу ҳолатда трансплантологлар, реаниматологлар, руҳшунослар, биотехнологлар ва бошқа кўплаб мутахасисларнинг амалий фаолияти таъсирида юзага келувчи ушбу драматик вазиятдан чиқиб кетиш йўлларини

⁹Қаранг. Ганс Йонас Принцип ответственности. Опыт этики для технологической цивилизации
Подробнее на livelib.ru:

¹⁰ Қаранг : Поттер В.Р. Биоэтика: мост в будущее // Перевод. М.Н.Германович. Москва 2014 «
Политиздат « С-245

қидириш, яъни қарорлар ва ечимларни қабул қилишда маъсулият ва жавобгарлик чора – тадбирларига ойдинлик киритиб олиш эҳтиёжи юзага келади. Умумий ахлоқшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, биоэтика В.Р.Поттер томонидан жар солинишидан кейин аниқ тарзда ихтисослаштирилишга эга бўлган, амалий жиҳатлардан бири сифатида қарор топиши қайд қилинади.

Ҳатто, ўз даврида Асклепидив (Гиппократ) томонидан «*шифокор – миждоз*» муносабатларига ахлоқий нуқтаи назардан алоҳида диққат – эътибор қаратилиши талаб қилинган, анъанавий тарздаги тиббий деантология соҳаси жорий давр шароитларида сезиларли даражада кенгайиши ва ўзининг тадқиқот майдонига аниқлик киритиши кузатилади, жумладан биотиббий йўналишдаги амалга оширилаётган тажрибалар, ген инженерияси, ҳомиланинг олиб ташланиши, эвтаназия, сунъий уруғлантириш йўналишидаги янги технологиялар ва туғилажак чақалоқнинг жинсини танлаш, трансплантология, шунингдек сўнгги даврларда авж олган клонлаш каби масалалар асосида юзага келаётган ҳолатлар бевосита биоэтика таркибининг структура жиҳатидан бўлимларга ажралишига сабаб бўлмоқда.

XX асрнинг ўрталарига келиб, биологик ва тиббий ахлоқшунослик соҳаларининг интеграцияси ҳалқаро тавсифга эга бўлиб бориши қайд қилинади. Энг аввало, бу ҳолат одамлар устида амалга оширилувчи жиноят ҳисобланган тажрибаларнинг таъқиқланиши («Нюрнберг кодекси», 1947 – йил), шунингдек, шифокорлар фаолиятида қийнаш ҳолатларига барҳам бериш («Сидней декларацияси», 1969 – йил) кабиларда ўз ифодасини топади. Бунга қўшимча тарзда «Женева декларацияси» (1948 – йил), «Тиббиёт ахлоқшунослиги бўйича Ҳалқаро кодекс» (Лондон, 1949 – йил), «Гельсингсбурк – Токио декларацияси» (1964 – йил ва 1977 – йил) кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Ҳозирги вақтда биологик ахлоқшунослик сўзсиз равишда устувор масалалардан бирига айланиши қайд қилиниб, бу ҳолат Ҳалқаро миқёсдаги ташкилотлар томонидан сўнгги йилларда қабул қилинган кўплаб ҳужжатлар ва амалга ошган ҳодисаларда ҳам ўз тасдиғини топади:

1993 – йил: Биоэтика бўйича Ҳалқаро кўмитаси томонидан Страсбург шаҳрида «Ахлоқшунослик ва одам генетикаси» мавзусида ҳалқаро симпозиум ўтказилган ва тегишли тавсиялар тайёрланиб, Европа парламенти ассамблеясига топширилган;

1995 – йил: Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан «Тиббиёт генетикасининг ахлоқий жиҳатлари бўйича қисқача маълумот» номи билан расмий ҳужжат тайёрланган ва тарқатилган;

1996 – йил: Европа Кенгаши парламенти ассамблеяси томонидан «Биотиббиёт соҳасида одамнинг кадр – қиммати ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳақида Конвенция» тасдиқланган;

1998 – йил: Биоэтика бўйича Токио шаҳрида IV Бутунжаҳон конгресси бўлиб ўтган.

Европа Кенгашининг ихтисослаштирилган гуруҳи биотиббиёт нуқтаи назаридан «Инсон ҳуқуқлари бўйича Конвенция», шунингдек Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан йўлга қўйилган «Одам генетикаси дастури» меъёрий актларини такомиллаштириш устида иш олиб бормоқда, бунда генетик тадқиқотларни амалга ошириш ва аҳолига тиббий – генетик ёрдам бериш масалалари бўйича ахлоқий жиҳатдан ечимлар ва қарорлар ишлаб чиқиши назарда тутилган.

Биотиббий комплекс масалалари илгари сурилишига қадар, В.Р.Поттер томонидан биоэтика масалалари бўйича изоҳлашлар таркиби қисқартирилган кўринишда келтирилганлигига қарамасдан, биоэтика предмети замонавий вариацияларда сезиларли даражада кенгайиши қайд қилинади. Бу ҳолатда энг аввало, биоэтиканинг у ёки бу кўринишларда ҳам барибир бевосита умумий ахлоқшунослик нуқтаи назаридан қараб чиқиши билан боғлиқ бўлган муҳим ҳолатга алоҳида диққат – эътибор қаратилади. Ахлоқшунослик тушунчалари бўйича қадимий изоҳлашларда ҳам Арасту, «Никомах ахлоқшунослиги» одам фаолиятининг нисбатан мураккаб ва муҳим ҳисобланган масалаларидан бири сифатида, одамнинг турмуш тарзида руҳий гигиена воситаси кўринишида

қайд қилиб ўтилади. Шу сабабли, маънавий – ахлоқий тамойиллар эмпирик оламда нисбатан бирламчи ҳолат ҳисобланади.

Файласуфлар томонидан фалсафанинг «қисмлари» масаласи муҳокама қилиниб, унинг ҳозирги кунга қадар мавжуд бўлган тузилиш структураси, фалсафий ғояларнинг йиғилиб бориши дастлаб қандай бўлганлиги ва дастлабки файласуф – систематиклар фаолияти қандай вужудга келишганлиги таҳлил қилинган. Қуйида қадимий муалифлардан айрим кўчирмалар (*цитаталар*) келтириб ўтамиз:

Сенека (бизнинг эрамизгача I аср): «Бу ҳақда ёзиб қолдирганларнинг кўпчилиги, жумладан энг буюк вакиллар томонидан тасдиқланишича, фалсафа учта қисмга ажратилади: ахлоқий, табиий ва одамнинг идрокига бағишланувчи қисмлар. Биринчи қисм руҳиятдаги тартибни ўз ичига олади. Иккинчи қисм нарсаларнинг табиатини ифодалаб беради. Учинчи қисм сўзларнинг хусусиятларини, уларнинг жойлаштирилиши, шунингдек асл ҳақиқат турларининг ёлғонлар остида яширин ҳолатда қолиб кетмаслиги учун исботларнинг турларини ўрганади»¹¹.

Диоген Лаэртский (эрамизнинг III асри бошлари): «Ниҳоят, табиатни ўрганувчи қайсидир файласуф физик деб аталса, ахлоқий масалалар билан шуғулланувчи бошқа бир файласуф ахлоқшунос деб номланади, учинчи файласуф эса – айёрона тузилган гаплар билан шуғулланганлиги учун диалектик деб аталади. Физика, ахлоқшунослик, диалектика – буларнинг барчаси фалсафанинг учта мазмун – моҳиятини ташкил қилади, жумладан физика – дунё ва барча нарсалар ҳақида, уларнинг таркиби ҳақидаги таълимот ҳисобланса, ахлоқшунослик – одамнинг ҳаёти ва табиати ҳақида фикр юритади, диалектика эса – физика ва шунингдек ахлоқшуносликда келтирилган далил – исботлар ҳақида фикр юритилади. Архелай давригача, жумладан унинг ўзи ҳам яшаб ижод қилган даврда физиканинг фақат битта тури мавжуд

¹¹ Қараг. Сенека «О стойкости мудреца» (De Constantia Sapientis)-С-46.

ҳисобланган, шунингдек ахлоқшунослик ўз бошланғичини Сукрот ғояларидан олган, Элей диалектикаси эса – Зенон ғоялари асосида бошланган»¹².

Секст Эмпирик (бизнинг эрамизнинг II асрининг охири – III асри бошлари): «Ўз мазмун – моҳиятига кўра, фалсафа қандайдир аралаш – қуралаш мавжудлик ҳисобланади, қатъий тартибдаги ва услубий изланишлар амалга оширилиши мақсадларида фалсафанинг ҳар бир бандини камида фалсафанинг нисбатан бир қисми сифатида қараб чиқиш талаб қилинади. Агар, бевосита ишга киришилса, у ҳолда кимдир фалсафани битта қисмдан ташкил топган деб қабул қилиши мумкин, кимдир уни иккита қисмга ажратиши ёки яна кимдир учта қисмга ажратишни амалга ошириши мумкин. Бунда фалсафани битта қисмга ажратувчилар бу қисмни физик қисм деб номлашлари, бошқа кимдир эса – кўшимча ахлоқшунослик, учинчи киши эса – мантиқий қисмларни ажратиб кўрсатиши мумкин. Шунингдек, фалсафани икки қисмга ажратувчилар, уни физик ва мантиқий қисмларга ажратишлари қайд қилинади, бошқа кимдир эса уни физик ва ахлоқшунослик қисмларига ажратса, учинчи файласуфлар фалсафани мантиқий ва ахлоқшуносликка оид қисмлардан ташкил топганлигини таъкидлашади. Фалсафани учта қисмга ажратувчилар эса – мос равишда уни физик, мантиқий ва ахлоқшуносликка оид қисмларга ажратишади»¹³.

Ушбу тамойилнинг бошловчиси Афлотун ҳисобланади. Фалсафанинг бу кўринишда қисмларга ажратилишини аниқ тарзда ифодалаб беришни Ксенофонд шогирдлари, перипатетика ва стоицизм тарафдорлари қўллаб – қувватлашган. Перипатетика тарафдорлари бевосита Арастунинг давомчилари ҳисобланишган. Стоицизм тарафдорлари эса – Зенон ва Кипр томонидан асос солинган Греция файласуфлари мактаби (бизнинг эрамизнинг 34 – 265 йиллар) вакиллари ҳисобланишади.

¹² Каранг: Диогон Ларитецкий. Жизнь, учение и изречения мужей, прославившихся в философии. / Пер. Е. Шмидт-фон-дер-Лауниц. Ревель, 1898. 98 стр. (частичный перевод)

¹³ Каранг: *Секст Эмпирик*. Три книги Пирроновых положений. / Пер. Н. В. Брюлловой-Шаскольской, предисл. А. И. Маленна. СПб., 1913-.С. 215.

Ушбу ўринда фалсафанинг қисмларга ажратилиши эҳтимолликсиз равишда серҳосил мевали боғга қиёсланади, яъни унинг физик қисми ўсимликларнинг ўсиши билан тенглаштирилса, ахлоқшуносликка оид қисми меваларнинг пишиб – етилиши, мантиқий қисми эса – боғ деворларининг мустаҳкамлиги билан ифодаланган. Бошқа файласуфлар эса – фалсафанинг қисмларга ажратилишини тухумга қиёслашган, яъни айнан ахлоқшуносликка оид қисми тухумнинг сариқлик қисмига қиёсланса, бошқалар томонидан билдирилган фикрларда бу қисм тухумнинг муртак ривожланувчи қисми сифатида кўрсатиб ўтилади, физик қисм – тухум таркибида сариқлик учун озуқа ҳисобланган оқсил қисмга қиёсланган, мантиқий қисм – бевосита тухумнинг ташқи қобиғини ташкил қилиши таъкидланади. Посидоний томонидан фалсафанинг қисмларга ажратилиши тирик мавжудотга қиёсланади, яъни: «фалсафанинг физик қисми – қон ва гўшт, мантиқий қисми – суяклар ва мускуллар, ахлоқшуносликка оид қисми эса – руҳият, жон билан ўхшашлиги» тавсифланган.

Юқорида келтирилган, қадимги дунё файласуфлари фикрларидан олинган кўчирмалардан кўриш мумкинки, улар фалсафанинг қисмларга ажратилиши юзасидан тушунчалари бўйича ўзаро ўхшаш фикрларга эга бўлишган. Ҳақиқатдан ҳам, фалсафа умумий кўринишда учта қисмга ажратилиши мумкин, мос равишда учта «предмет» қисмларга ажратилиши мумкин: яъни, фаолият объекти, фаолият субъекти ва фаолиятнинг ўзи, аниқроқ айтганда усул ва воситалардан ташкил топган қисмларга ажратилиши мумкин.

Шундай қилиб, фалсафанинг таркибий қисмлари умумий ҳолатда олам ҳақида умумий тасаввурларни, унинг категориялар бўйича тузилиш структурасини, одам ва у ҳаёт кечирувчи жамият ҳақидаги тасаввурларни, фаолият усуллари ҳақида ёки одам томонидан оламнинг ўзлаштирилиши ҳақидаги фикрларни ифодалаб беради.

Мос равишда ушбу предметнинг «учта» қисмларини фалсафанинг учта «қисмлари» сифатида ажратиш кўрсатиш мумкин.

1. Олам ҳақидаги ва унинг категорияларга оид структураси ҳақидаги таълимотдан ташкил топган, дунёқарашларга оид қисм.

2. Одам ва жамият, антропология ва ижтимоий фалсафа ҳақидаги таълимотлар.

3. Фаолиятнинг шакллари ва усуллари ҳақидаги таълимотлардан ташкил топган услубий қисм.

Дунёқарашларга оид фалсафа бир бутунликдаги олам ҳақида ва шунингдек, унинг категорияларга оид структураси бўйича нисбатан умумий тасаввурларни ифодалаб беради. Фалсафанинг бу қисмининг предмети сифатида объектив ҳақиқий мавжудлик, олам кўрсатиб ўтилади, у одам ва инсониятга боғлиқ бўлмаган ҳолатда, ўз – ўзича мустақил ҳолда мавжуд ҳисобланади. Фалсафанинг дунёқарашларга оид жиҳати унинг объектив тавсифлари, холислик тавсифлари асосида биринчи ўринга олиб чиқилади. Ушбу қисмда фалсафа «илмий» фалсафа идеали кўринишига интилади.

Одам ва жамият ҳақидаги таълимот сифатида фалсафа «ўз – ўзинги англа» тамойили асосида рўёбга чиқади ва маълум бир аниқ йўналишларда одам ва жамиятнинг ривожланишига нисбатан мўлжал олишни назарда тутади. Фалсафанинг ушбу жиҳатини идеалогик (ғояларга оид) жиҳат деб номлаш мумкин. Бу қисм фалсафанинг фаол, жорий таъсирга эга бўлган, субъектив тавсифларини, унинг тарафкашлик тавсифларини белгилаб беради.

Фалсафанинг фаолият шакллари ва усуллари ҳақидаги таълимот сифатидаги ўрни – билиш ва амалиётнинг умумий усуллари билан белгиланади. Умумий ҳолатда олам ҳақидаги тасаввурларни кам даражада билиш орқали одамнинг нимани хоҳлаши ҳақида кам билиш келиб чиқади, шунингдек оламни ўзлаштириш (билиш ва қайта ўзгартириш) бўйича мувафакқиятли фаолият масалаларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Фалсафанинг услубий қисми предмети одамнинг фаолияти ва унинг кўп хилдаги шаклларда намоён бўлиши, бошқача сўз билан айтганда, субъектнинг (одам ва жамият) объект (объектив олам) билан ўзаро таъсирлашишларидан

ташкил топади. Фалсафа услубиятининг марказида субъектив ва объектив ҳолатларнинг ўзаро нисбати масаласининг умумий кўринишда йиғинди тарзида ифодаланиши сифатида, идеал ва ҳақиқий мавжудлик нисбатлари масаласи ўрин эгаллайди. Фалсафа услубияти ўз таркибига қуйидаги ҳолатларни қамраб олади:

1) Тафаккурлаш ҳақидаги таълимот (бу ерда марказий ўринни ғоялар ҳақидаги масала эгаллайди);

2) Билиш ҳақидаги таълимот (бу ерда марказий ўринни асл ҳақиқат, моҳият ҳақидаги масала эгаллайди);

3) Амалиёт ҳақидаги таълимот (унинг марказий масаласи – фаровонлик, кадриятлардан ташкил топади);

4) Саънат ҳақидаги таълимот (марказий масала – нафосат ва гўзаллик ҳақидаги масаладан ташкил топади);

5) Ижод ҳақидаги таълимот.

Кўрсатиб ўтилган фалсафа услубиятининг ҳар бир «қисми» ўзига хос категория – тушунчалар тизимига эга ҳисобланади.

Фалсафа, инсоният фаолиятининг хоҳлаган бошқа соҳалари каби ривожланади, мураккаблашади, ўз навбатида ўзининг ички ҳолатлари бўйича дифференциацияга учрайди (табақаланади). *Дифференциация* (лотин тилида – *differentia* – *фарқланиш* деган маънони англатади) – умумий бир бутунликнинг турли хилдаги ва ўзаро бир – биридан фарқланувчи шакллар ва пағоналарга бўлинишини англатади. Фалсафада дифференциация ва унинг алоҳида қисмларининг ихтисослашиши жараёни давом этмоқда. Бошқа томондан олиб қаралганда, вақт ўтиши билан фалсафий ғояларнинг интеграцияланиши йўналишларида «ишчи» фалсафий тизимларнинг вужудга келиши қайд қилинади. Фалсафада дифференциация ва интеграция унинг қарор топиши ва ривожланишидан ташкил топган бир бутун ягона жараённинг иккита жиҳати ҳисобланади. Интеграция (лотин тилида – *integratio* – *бирлашиш* деган маънони англатади) – ривожланиш жараёни бўлиб, унинг натижасида алоҳида, ихтисослашган

элементларнинг ўзаро боғланишлари асосида тизим ичида бир бутунлик, ягоналикнинг қарор топиши амалга ошади.

Файласуфлар меҳнатида ўзига хос ажралишлар анча олдиндан қарор топган. Улар мутахассис – файласуфлар (фалсафанинг қандайдир битта соҳаси бўйича ихтисослашган мутахассислар) ва барча мавжуд бўлган бой фалсафий ғояларни бир бутун ягона фикрлар нигоҳида қамраб олишга интилувчи, систематик – файласуфларга ажратилади. Шунингдек, замонавий жамият учун бошқа файласуфлар ҳам талаб қилинади.

Таҳминан ушбу кўринишдаги вазият табиатшунослик соҳасида ҳам кузатилади. Шундай қилиб, Гегель фикрларини ҳимоя қилиш давомида АҚШлик Б.Стефердинг томонидан Гегель фалсафаси ва табиатшунослик фанлари ўртасида вужудга келган тарихий тушунмовчиликларни қайта қараб чиқиш талаб қилиниши ҳақида фикр билдирилади. Унинг фикрларига кўра, бўлажак буюк файласуф сифатида Гегель «ўз олдида табиатшунослик соҳасида фаолият олиб борувчи назариячилар ўз олдида кўювчи вазифани, яъни маълум бўлган фактларнинг ўзаро боғланган тизимини юзага келтиришни мақсад қилиб кўяди»¹⁴. Унинг сўзларига кўра, «барча табиатшунослик йўналишида амалга оширилувчи 95% тадқиқотлар фактлар ҳақидаги билимларни кенгайтиришга йўналтирилади ва фақат, айрим табиатшуносларгина мавжуд фактлар ва маълумотларни умумий ҳолатда қамраб олувчи тизимга келтириш юзасидан фаолият олиб боришган».

Фактларни тўпловчи ва тизимга солувчи систематик – файласуфлар ҳақида Д.Дидро қизиқарли фикрларни билдирган. У томонидан қайд қилинишича: «Бир томондан тўплаш, бошқа томондан эса – фактларни ўзаро бир – бири билан боғлаш, иккита жуда қийин машғулот ҳисобланади, файласуфлар ушбу машғулотларни ўзаро тақсимлаб олишган. Улардан айримлари ўз ҳаёти давомида материалларни тўплаш билан шуғулланишади, улар фойдали ва меҳнатсевар ишчилардан ташкил топади, бошқалари эса – мағрур қурувчилар сифатида

¹⁴Каранг. Гегель Г.В.Ф. Наука логики. Т. 1. М., Мысль. 1970.-С.86.

ушбу материаллардан фойдаланишга шошилишади. Бироқ, ҳозирги вақтгача даврда қурилган барча рационал фалсафа иншоотлари ағдарилган. Чанг – тўзон ичида меҳнат қилишга маҳкум бўлган меҳнаткашлар эртами кечми, ер остидан чиқиб келади, у ер остида, қоронғу зулматда, мия маҳсули сифатида кашф қилинган ушбу архитектура учун ҳалокатли ҳисобланган палаҳсалар ичида ҳаракат қилади, бу иншоот вайрон бўлади ва фақат синиқлар уюмигина қолади, бу ҳолат бошқа бир доно киши томонидан янги комбинацияларнинг кашф қилинишигача давом этади. Биз фалсафанинг иккита турини ўзаро фарқлашни амалга оширамиз: яъни, экспериментал фалсафа ва рационал фалсафа. Кимдир кўзи боғланган ҳолатда ҳам доим олға томон ҳаракатланади, йўлда қоқилади, ниҳоят охир – оқибатда қимматбаҳо нарсага қадалади. Бошқа биров эса – ушбу қимматбаҳо материални қўлга киритади ва ундан машъала ёқишга интилади, бироқ, ҳозирги вақтгача ушбу маъҳум машъала унинг рақиб пайпаслаб кўриш асосида ниманидир қидириши ҳолатига нисбатан солиштирилганда унга камроқ хизмат қилиши кузатилади. Тажриба чексиз тарзда ўз изланишлар даражасини оширади, у узлуксиз тарзда таъсир кўрсатади, у доимий равишда ҳодисаларни қидиради, шу билан бир вақтда идрок сингари антология йўли асосида бориши қайд қилинади. Экспериментал фалсафа иш давомида у нимага дуч келишини ва нимага эриша олмаслигини олдиндан билмайди, бироқ у чарчамасдан ишлашда давом этади. Аксинча, рационал фалсафа ўз имкониятларини бўрттириб кўрсатади, ўз мулоҳазаларини келтиради ва яқунда жим – жит бўлиб қолиши кузатилади»¹⁵.

Агар, узок вақт давомийлиги оралиғи бўйича фалсафанинг ривожланишини олиб қаралса, у ҳолда кўришимиз мумкинки, вақт ўтиши билан барча ҳолатларни ўз ичига қамраб олувчи фалсафа тизими вужудга келиши қайд қилинади. Қадимги Грецияда бу кўринишдаги барча ҳолатларни ўз ичига қамраб олувчи фалсафа – Арасту

¹⁵Қаранг. Д. Дидро // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохорова – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969-С.218.

фалсафаси ҳисобланади. Янги даврда ҳар бир йирик файласуф фалсафий билимлар тизимини яратиш юзасидан давогарлик қилиши кузатилади. Жумладан, тизимга оид таълимот Декарт, Спиноза, Гоббс, Локк, Кант каби файласуфлар томонидан бизга мерос қолдирилган. Янги даврнинг асл, ҳақиқий Арастузи сифатида Гегель майдонга келади.

Амалий фалсафа – одам фаолияти ҳақидаги фалсафий фан соҳаси ҳисобланади. Айрим ҳолатларда бутун амалий фалсафа аксиология сифатида ифодаланади.

Амалий файласуфлар якка тартибда иш олиб боришлари ва шунингдек, бошқалар билан бирлашиши, бунинг учун амалий фалсафа марказларини ташкил қилишлари мумкин.

Амалий файласуфнинг иш олиб бориш шароитлари турли хилда бўлиши мумкин: жумладан, идорада миждозни қабул қилишдан норасмий вазиятларда мулоқат қилишгача (сайрда, музейга ташриф буюришда, кўргазмаларда, театрда, концертда), уйдаги вазиятларда, саёҳат давомида, овқатланиш давомида иш фаолияти амалга оширилиши мумкин.

Истиқболда амалий файласуфларнинг ассоциациясини ташкил қилиш ва ассоциация таркибига қабул қилиш қоидаларини ишлаб чиқиш талаб қилинади. Бу кўринишдаги ассоциация адвокатлар жамоалари каби функция бажариши мумкин. Бу ҳолат энг аввало, амалий фалсафа йўналишига фирибгарлар ва шунчаки ҳаваскорларнинг (*дилетантлар*) кириб келишига тўсқинлик қилувчи тўсиқни бунёд қилишга қаратилади. Сўзсиз равишда, амалий файласуфлар ишига фақат дипломга эга бўлган файласуфларни («*фалсафа*» ихтисослиги бўйича олий ўқув юртини битирганлик ҳақидаги дипломга эга бўлган ёки фалсафа фанлари номзоди (доктори) дипломига эга бўлган) жалб қилишга рухсат этилади. Идеал ҳолатда амалий файласуф махсус тайёргарликдан ўтиши, яъни умумий фалсафий билимлар билан биргаликда улар айнан, амалий фалсафа йўналиши бўйича талаб қилинувчи махсус билимларни ўзлаштиришлари керак бўлади.

Амалий фалсафа марказлари фалсафий суҳбат – маслаҳат хизматини кўрсатишни ташкил қилиш мақсадларини кўзда

тутади, яъни аҳолига амалий фалсафа масалалари бўйича (хаёт ва оламдан ўтиш, касб танлаш, ижод, севги – муҳаббат, никоҳ ва онла, ота – оналар ва фарзандларнинг ўзаро муносабатлари, фалсафий даволаш (соғломлаштириш, юпатиш мақсадларида фалсафадан фойдаланиш), гиёҳвандлик ва ўз жонига қасд қилишдан огоҳлантириш, жиноятчилик, ахлоқий меъёрларга қарши ҳатти – ҳаракатлар ва шу каби ҳолатларнинг олдини олиш) хизмат кўрсатишга қаратилади.

Марказларнинг иш йўналишлари:

1) Аҳолига хизмат кўрсатиш (фалсафий маслаҳатлар бериш, яъни саволлар ва жавоблар тарзида, суҳбатлашиш [фикрлаш алмашинуви, диалог], аниқ вазиятларни таҳлил қилиш, истиффор келтириш [ошкора суҳбат], шарҳлаш – баҳолаш кимнидир текширишдан ўтказиш, келиб кўриш тавсифидаги вазиятларда;

2) Махсус дастур бўйича фалсафани (жумладан, амалий донишмандлик) якка тартибда ўқитиш;

3) Амалий фалсафа соҳасида тадқиқот ишларини амалга ошириш.

II БОБ. АМАЛИЙ ФАЛСАФА СОҲАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МУАММОЛАРИ

2.1-§. Ахлоқ фалсафасининг предмети, мақсади ва вазифалари

Ахлоқшунослик (этика) – одоб – ахлоқ фалсафаси ҳисобланади. Ахлоқшуносликда куйидаги саволларга жавоб изланади: «Ахлоқ – одоб нуқтаи назаридан, тўғри ва нотўғри ҳатти – ҳаракатлар, қадриятлар, қонуниятлар ўртасида ўзаро фарқланиш мавжудми?», «Барча қадриятлар мутлоқ тавсифга эгами ёки нисбий ҳисобланадими?», «Қандай қилиб тўғрироқ ҳаёт кечирishi мумкин?», «Барча асосий қадриятлар унга боғлиқ бўлган, ягона кўринишдаги меъёрий қадриятлар мавжудми?», «Қадриятлар моддийлик тавсифларига эгами (стол ёки стул каби), агар бундай бўлмаса, биз қандай қилиб уларнинг онтологик жиҳатдан туганган ўрнини тушунишимиз мумкин?».

Эстетика (нафосат ва гўзаллик ҳақидаги фалсафий таълимот) – нафосат, гўзаллик ҳақидаги фалсафий фан соҳаси ҳисобланади. Эстетика соҳасида куйидаги саволларга жавоб изланади: «Гўзаллик ўз нима?», «Биз қандай қилиб гўзалликни англай олишимиз мумкин?»

Ахлоқшунослик (этика) (грек тилида ἠθικόν, ἦθος сўзларидан олинган бўлиб, «ахлоқ – одоб, урф – одат» деган маънони англатади) – тадқиқот объекти ахлоқ – одоб ва одоб қоидалари бўлган, фалсафанинг амалий соҳаларидан бири ҳисобланади. Ушбу сўзнинг бошланғич ўзаги – этос, биргаликдаги истиқомат қилиш жойи ва умумийликда ҳаёт кечирishi иборалари маъноси асосида вужудга келган, жамиятни жипслаштиришга хизмат қилувчи қоидалар, меъёрлар, индивидуализм ва тажовузкорликка барҳам бериш маъносини англатади. Жамият ривожланиши билан ушбу маъно таркибига виждон, эзгулик ва ёвузликнинг ўрганилиши, ҳамдардлик, дўстлик, ҳаётнинг мазмун – моҳияти, ўз – ўзини бағишлаш ва ҳақозо маънолар кўшилган. Ахлоқшунослик йўналишида

ишлаб чиқилган бағрикенглик, адолат, дўстлик, бирдамлик ва шу каби бошқа тушунчалар ижтимоий институтлар ва муносабатларнинг ахлоқий ривожланиш йўналишларини белгилаб беради.

Фанда ахлоқшунослик тушунчаси орқали билимлар соҳаси тушинилади, ахлоқ ёки одоб тушунчалари орқали эса – ушбу билимлар соҳасининг ўрганиш предмети тушинилади. Жонли тилда ушбу нуқтаи назардан аниқ фарқланишлар, чегараланишлар ҳали мавжуд эмас. Шунингдек, ахлоқшунослик (*этика*) атамаси айрим ҳолатларда маълум бир аниқ ижтимоий гуруҳларнинг ахлоқ – одоб юзасидан меъёрлари тизимини ифодалаш учун фойдаланилади.

Ахлоқшуносликнинг предмети. Бир қатор тадқиқотчилар томонидан ахлоқшунослик предметининг фалсафий фан соҳаси сифатида белгиланиши мураккаб масала ҳисобланиши қайд қилинади. Ўрганиш предмети табиат ҳодисалари олами билан боғлиқ бўлган ва ҳақиқий мавжудлик объектлари билан белгиланувчи предметлар асосида кўрсатиб берилувчи табиий фан соҳаларидан фарқ қилиб, ахлоқшунослик ва фалсафа предметнинг мазмун – моҳиятини англаб етишга олиб келишда айрим фалсафий билимлар минимумини ўзлаштириш талаб қилиниши назарда тутилади.

Ахлоқий қадриятларнинг таснифланиши. Н.Гартман томонидан келтирилган фикрларга кўра, ахлоқий қадриятларнинг барча турли хилликлари асосий ва хусусий кўринишларга ажратилади. Бунда биринчи ҳолат таркибига барча қолган қадриятлар учун асос сифатида хизмат қилувчи, фаровонлик ва унга туташ бўлган мазмун – моҳиятга эга эзгу олийҳимматлик, мукамаллик ва софлик кабилар киритилади. Хусусий қадриятлар ёки эзгуликка оид қадриятлар қуйидаги кўринишда учта гуруҳга ажратилади:

- Антик даврга хос бўлган қадриятлар – ҳаққонийлик, донишмандлик, жасурлик, ўзини тута олиш (дадиллик), шунингдек ушбу гуруҳ таркибига муътадиллик тамойилига асосланувчи, Арасту ғоялари асосида тавсифланувчи қадриятлар ҳам киритилади;

- «Маданий христиан динига мансуб доиралар»га оид кадриятлар – яқин – қариндошларга нисбатан меҳр – муҳаббат, ростгўйлик ва самимият, ишонч ва садоқат, яқин кишиларга нисбатан ишонч билдириш, камтаринлик, тавозе, масофа сақлаш, ташқи мулозаматга оид кадриятлар;

- Қолган барча кадриятлар, жумладан – бегоналарга бўлган меҳр – муҳаббат, бегараз олийҳимматлилик, шахсий меҳр – муҳаббат.

Ахлоқшуносликнинг тарихи. Ахлоқшунослик фалсафанинг алоҳида жиҳатларидан бири сифатида, софистлар томонидан амалга оширилган кашфиётлар (бизнинг эрамизгача V аср) билан боғлиқ бўлган, яъни маданиятнинг қарор топиши табиат қонуниятларидан сезиларли даражада фаркланиши асосида ифодаланади. Барча жойда бир хилда қайд қилинувчи қонуниятлар кўринишидаги табиий қонуниятларда кузатилувчи зарурий ҳолат тавсифларидан фарқ қилиб, одамларнинг урф – одатлари ва ахлоқ – одоб меъёрлари турли хилда ва ўзгарувчан тавсифда намоён бўлади. Ушбу ўринда турли хил қонуниятлар ва ахлоқий меъёрларни ўзаро солиштириш асосида ўрганиш, улардан қайси бири устунликка эгаллиги ҳақида фикр билдириш масаласи вужудга келган. Турли хил халқлар ҳаёт тарзида ўзаро фарқланувчи тавсифга эга бўлган, шунингдек авлоддан – авлодга ўтиш давомида ўзгариб боровчи, қарор топган маданиятлар бўйича танлашни амалга ошириш жараёни уларнинг асосланилувчи ҳолатларига боғлиқлиги қайд қилинади. Уларнинг тўғрилигини тасдиқлаш манбаи сифатида идрок кўрсатиб ўтилади. Бу ғоя Сукрот ва Афлотун томонидан илгари сурилган ва ривожлантирилган.

Ахлоқшунослик у пайдо бўлган дастлабки даврлардан бошлаб, фалсафа билан чамбарчас боғлиқликка эга ҳисобланади. Бу атама дастлаб Арасту томонидан тадқиқотларнинг алоҳида даражада хусусиятларга эга бўлган соҳаси – яъни, «амалий» фалсафани ифодалаш мақсадларида фойдаланилган, яъни бу ҳолатда у «*Биз нима қилишимиз керак?*» саволига жавоб излаш мазмунида қарор топган. Ахлоқий ҳулқ – атворнинг асосий мақсади сифатида Арасту

бахтни – яъни, эзгу олийҳимматлиликнинг баркамоллигида руҳиятнинг фаолиятини, ёки бошқача айтганда ўз – ўзини рўёбга оширишни кўрсатиб ўтади. Одамнинг ўз – ўзини рўёбга ошириши – бу ақл – идрок асосида ҳаракатларни амалга ошириш, фавқулотда чегаравий вазиятлардан қочиш ва олтин ўрталликни (олтин муътадиллик) сақлашга ҳаракат қилишдан ташкил топади. Шу сабабли, асосий эзгуликка асосланилувчи олийҳимматлилик – бу муътадиллик ва мулоҳаза билан иш юритишдан ташкил топади.

Афлотуннинг шогирди Арасту томонидан билдирилган фикрларга кўра, ахлоқшунослик – бу билим эмас, балки ҳатти – ҳаракатлардан ташкил топади. Гап шундаки, ахлоқшуносликда унга қандай эришиш мумкинлиги ҳақидаги масалалар билан боғлиқ бўлган эзгулик тушунчаси мавжуд ҳисобланади. «Ахлоқшуносликнинг ўзи амалий фалсафа каби, назарий фалсафадан (*метафизика*) алоҳида ҳолатда ифодаланади»¹⁶.

Ахлоқшуносликнинг бошланғичи – тамойиллар эмас, балки ижтимоий ҳаёт тажрибалари ҳисобланади, шу сабабли унда масалан, математикада кузатилгани каби даражадаги аниқликка эришиш мумкин эмас, унда асл мазмун – моҳият «*таҳминан, умумий ҳолатда*» белгиланади¹⁷.

Арасту томонидан қайд қилишича, одамнинг ҳатти – ҳаракатлари турли хилда намоён бўлади, бунда ҳар бир амалга оширилувчи фаолият ўз мақсадига эга ҳисобланади, мақсадлар эса – маълум бир иерархияни ташкил қилади. Арасту томонидан билдирилган фикрларга кўра, олий, якуний даражадаги мазмунга эга бўлган мақсад мавжуд бўлиб, бунда у қандайдир бошқа мақсадларга эмас, балки айнан ушбу олий мақсадга эришишга интилиш талаб қилинади. Айнан, ушбу мақсад эзгулик ёки олий эзгулик тушунчаси асл мазмун – моҳиятини ташкил қилиб, инсон ва ижтимоий институтларнинг комилликка эришиши ўлчови сифатида кўрсатиб ўтилади¹⁸

¹⁶Аристотель. Евдемова этика /Пер. Т.В.Васильевой (Кн.3,7).Изд.М.,: ИФ РАН,2005-С.448 .

¹⁷Аристотель. Большая этика / Пер. Т.А. Миллер (« Серия « Философское наследия»).М.: Мысль,1983- С 435.

¹⁸Аристотель. Ўша асар.

Олий эзгуликни бахт деб аташ қабул қилинган. Бахт учун ташки эзгулик ва мувафакқият мавжуд бўлиши талаб қилинади, бироқ бунда у энг асосийси инсон руҳияти, қалбининг ҳаёлий эзгу фазилатлардан фарқ қилувчи, алоҳида ўзгача тарзда ифодаланувчи фаолиятига боғлиқ ҳисобланади.

Ҳаёлий тасаввур қилинган эзгу фаолият асосида инсон руҳияти, қалбининг амалга оширувчи ҳаракатлари, интилишлари Арасту томонидан қайд қилинган фикрларга кўра, айнан ахлоқшуносликнинг предмети ҳисобланади¹⁹.

Кенг маънода олиб қаралганда, ахлоқшунослик Арасту томонидан билдирилган нуқтаи назарларда – сиёсат ва иқтисодиёт учун асос сифатида ўрин тутувчи сиёсий фан (*полис*) кўринишида намоён бўлади.

Шундай қилиб, «*ахлоқшуносликнинг олтин қондаси*» – яъни, «*ўзинг учун истамаган ҳолатларни бошқалар учун ҳам раво кўрма*» тамойили турли хил мавжуд маданиятларда мустақил ҳолатда ўз аксини топади. Бу ҳолат Конфуцийнинг фалсафий қарашларида, шунингдек Мишне томонидан илгари сурилган ғояларда ҳам қайд қилинади.

Ахлоқшуносликка оид назарияларнинг ривожланиши жараёни давомида файласуфлар томонидан мавжуд атамашуносликни маълум бир ягона тизимга солиш юзасидан сезиларли даражада қийинчиликларга дуч келиш ҳолатлари кузатилади, жумладан турли хил назарияларда асос сифатида турли хил тушунчаларнинг берилиши, кўпинча ҳолатларда эса – ноаниқ, субъектив ёки тушунчаларнинг (эзгулик ва ёвузлик, ҳаётнинг мазмун – моҳияти ва ҳақозо) ўзаро бир – бирига мазмун – моҳиятига кўра зид бўлган ҳолатда изоҳланилиши қайд қилинади. Бундан ташқари, ахлоқшунослик онг ости механизмлари билан ҳимояланган ҳолатдаги якка тартибдаги ахлоқ – одобга оид масалаларни қараб чиқади, бунда онг остига оид қарор топишларни чегаравий даражада таъқиқлаб қўювчи, психологик ҳимоя механизмлари масаланинг чуқур ва батафсил ҳолатда таҳлил қилинишига тўсқинлик қилади. Таркибида олий тарзда ифодаланувчи Яратган тимсоли мавжуд бўлган диний

¹⁹ Аристотель. Евдевома этика /Пер. Т. В. Васильевой (Кн.3,7).Изд.М.,: ИФ РАН,2005. С-448.

ахлоқий тизимларнинг ўзига хос хусусиятлари шундаки, бунда Яратган (худо) ахлоқ – одобнинг объекти ҳисобланади ва бу ҳолатда диний тартиблар асосий илоҳий меъёрлар сифатида эълон қилиниши қарор топади, ижтимоий муносабатлар ахлоқшунослиги эса – жамиятга нисбатан муносабатларда маънавий – ахлоқий заруриятлар тизими сифатида ўрин тутади унинг таркиби илоҳий ахлоқ қоидалари – яъни, Яратганга нисбатан муносабатларга асосланилган ахлоқий – маънавий тартиблар билан тўлдирилади (ёки ўрин алмаштирилади), бу ҳолат ўз навбатида айрим вазиятларда ижтимоий ахлоқий муносабатларда зиддиятларни (айрим ҳолатларда ижтимоий ва айрим ҳолатларда ҳатто, оммавий тарзда) келтириб чиқарувчи ҳолат сифатида ўрин тутиши мумкин. Қайд қилиб ўтиш керакки, ахлоқшунослик бўйича амалга оширилувчи классик (*мумтоз*) тадқиқотлар давомида асосан, мушоҳадага асосланилмаган тарзда тадқиқотчиларнинг хусусий ҳолатлар мисолида, ва шу сабабли кўпинча ҳолатларда шахсий тамойилларнинг юксак устуворлик даражасига олиб чиқилиши ва ўз навбатида, ахлоқшуносликда умумий ҳолатдаги чекланишлар кузатилиши қайд қилинади. Таҳлилий ахлоқшунослик бу кўринишдаги субъективизмни бартараф қилиш учун ҳаракат қилади, бунда жумладан ахлоқшуносликка оид фикрлар ва нуқтаи назарларни таҳлил қилишда расмий мантиқ ва умумий қимматга эга бўлган ахлоқий мулолаҳазаларни тузиб чиқишдан фойдаланилади.

Ахлоқшуносликнинг замонавий ҳолати. Замонавийлик бир томондан ахлоқшуносликда билимларнинг нисбийлигига (*релятивизм ёки нигилизм*) олиб келади, бошқа томондан эса – ахлоқий тушунчалар майдонининг кенгайиши, жумладан эзгулик тушунчасининг табиат билан ўзаро муносабатларга нисбатан қўлланилиши (*биоцентрик ахлоқшунослик*) ва илмий тажрибалар (*биоахлоқшунослик*) йўналишларига тадбик этилиши каби ҳолатлар юзага келиши кузатилади.

Буржуазия ҳукмронлиги даврида бошланган аёллар ва эркакларнинг жамиятда тенг ҳуқуқлилигини таъминлашга интилиш ҳаракатлари (*феминизм*) кучайиши ахлоқшуносликда

гендер тавсифидаги тўқнашувларга олиб келган, яъни мавҳум умуминсонийлик ёки одамийлик (бу йўналишдаги танқидий фиклар «одамнинг оламдан ўтиши» постмодернизм концепциясида юксак чўққи даражасига эришган) тушунчалари билан биргаликда, эзгулик тарафдорларининг эркак ёки аёллар ҳуқуқлари устуворлиги йўналишларида тарафкашлик қилувчи опозицион гуруҳларга ажралиши рўй берган.

Альберт Швейцер томонидан ҳаёт олдида ҳурмат билан муносабатда бўлиш тамойили илгари сурилган бўлиб, бу тамойил Лев Толстой ва Махатма Ганди томонидан илгари сурилган зўравонликка барҳам бериш ахлоқшунослиги ғоясига асосланилади. А.Швейцер ўзининг «Маданият ва ахлоқшунослик» асарида ахлоқшунослик тарихини ва унинг XX асрдаги ҳолатини таҳлил қилишни амалга оширган, шунингдек унинг ривожланиш йўллари кайд қилиб ўтишга ҳаракат қилган²⁰.

Тейяр де Шарден ўзининг «Одам феномени» асарида анъанавий ахлоқшуносликни эволюция назарияси билан бирлаштиради²¹.

Тиббиёт ва биотехнология соҳаларининг ривожланиши тиббий, суд – ҳуқуқий ва бошқа шунга ўхшаш йўналишларда қабул қилинувчи қарорларда ахлоқий ҳолатларнинг баҳоланишидаги юзага келувчи қийинчиликларни таҳлил қилиш сифатида биоахлоқшунослик йўналиши ривожланиши кайд қилинади.

Ахлоқшуносликнинг бўлимлари. Тўғри ва муносиб ҳулқ – атворни тавсифлаб берувчи, амалий, ахлоқий – маънавий фалсафа ҳисобланган ахлоқшунослик шу билан биргаликда, ахлоқ – маънавиятнинг табиати ва келиб чиқиши ҳақидаги фан ҳисобланади. Бу ҳолат унинг функцияларида иккита жиҳат мавжудлиги билан белгиланади – яъни, ахлоқий – тарбиявий ва билишга оид – маърифатчилик, шу сабабли ахлоқшуносликда куйидаги иккита соҳаси ажратиб кўрсатиш мумкин – ҳаётий таълимотларга йўналтирилган меъёрий ахлоқшунослик ва

²⁰Қаранг: А.Швейцер «Отношение белых к цветным расам» (1928)-С.48.

²¹Қаранг: Тейяр де Шарден П. Божественная среда. – М.: Renaissance, 1992.-С.125.

ахлоқни ўрганувчи назарий ахлоқшунослик. Гарчи, ўзаро бир – бири билан боғланган фан соҳалари кўринишида бўлсада, бу тавсифдаги бўлиниш XX асрнинг иккинчи ярмисидан бошлаб шаклланган.

Назарий ахлоқшунослик. *Назарий ахлоқ-шунослик* – бу одоб – ахлоқни алоҳида ўзига хос ижтимоий ҳодиса сифатида ўрганувчи фан соҳаси бўлиб, одоб – ахлоқ ўзи нима ва унинг бошқа ижтимоий ҳодисалардан нима билан фарқланишини ифодалаб беради. Назарий ахлоқшунослик одоб – ахлоқ қоидаларининг келиб чиқиши, тарихий жиҳатдан ривожланиши, функция бажариш қонуниятлари, ижтимоий роли ва бошқа жиҳатларини ўрганади. Унинг услубий жиҳатдан асоси – одоб – ахлоқни илмий билишга тегишли бўлган билимлар, концепция ва ғоялар ҳисобланади. Шунингдек, одоб – ахлоқни ўз ўрганиш предмети доирасида тадқиқ қилувчи, ахлоқшуносликдан бошқа фан соҳалари ҳам мавжуд ҳисобланади.

Социология ва ижтимоий психология унинг бошқа ижтимоий ҳодисалар билан солиштириш асосидаги қоидаларини ўзида акс эттирувчи, одоб – ахлоқнинг ижтимоий функциялари билан шуғулланади.

Шахс психологияси – одоб – ахлоқнинг физиологик жиҳатдан асосларини ўрганади.

Мантиқ ва тилшунослик – одоб – ахлоқнинг тили, меъёрий – ахлоқий мантиқнинг шакллари ва қоидаларини ўрганади.

Одоб – ахлоқнинг асл мазмун – моҳияти, келиб чиқиши ва функция бажариши бўйича ушбу фан соҳалари томонидан амалга оширилувчи тадқиқотлар натижалари назарий ахлоқшуносликда умумлаш-тирилади ва фойдаланилади.

Метаэтика. Одобшуносликнинг ўзини илмий фан соҳаси сифатида таҳлил қилиш, шунингдек ахлоқий категория ва тушунчаларнинг мантиқий – тилшуносликка оид таҳлил қилиниши усулларини ўрганувчи – таҳлилий ахлоқшунослик йўналиши мавжуд ҳисобланиб, *метаэтика* деб номланади ²².

²² Қаранг: Мур Дж. Э. Принципы этики / Пер. с англ. Коноваловой Л. В. – Москва: Прогресс, 1984. – С.326.

Метаэтика йўналишида ахлоқшуносликка оид тадқиқотларнинг амалга оширилиши бошланиши XX асрнинг бошлари ва ўрталарига тегишли ҳисобланади. Метаэтика соҳасида дастлабки изланиш сифатида Жорж Э.Мур томонидан амалга оширилган тадқиқотлар натижалари баён қилинган «Ахлоқшунослик тамойиллари» асари ҳисобланади. Одобшуносликнинг предмети, структураси ва мўлжалланишининг луғатларда, малумотномларда ва дарсликларда баён этилиши масаласи билан метаэтика шуғулланади .

Нонкогнитивизм метаэтиканинг йўналишларидан бири сифатида, ахлоқшуносликнинг когнитив жиҳатдан тутган ўрнини муҳокама қилади, яъни ахлоқшуносликка оид тушунчаларнинг ноаниқлик билан боғлиқ ҳолатда ва мос равишда, ахлоқшуносликнинг фан соҳаси сифатида мавжудлиги фактига рухсат этилиши нуқтаи назаридан таҳлил қилинишини амалга оширади. Ахлоқшуносликка оид турли хилдаги концепцияларни мувофиқ равишда тадқиқ қилишга уриниш асосида ҳамда когнитивизм ва нонкогнитивизмга оид далилларни таҳлил қилиш асосида, метаэтика умумий фалсафа ва аксиология, умумий ва ижтимоий психология, социология, биология ва бошқа фан соҳаларига тегишли бўлган тушунча ва тасаввурлардан фойдаланади, когнитив ёндошув фақат биргина ахлоқшунослик соҳаси билангина чекланиб қолмайди, балки фалсафада умумий билишга оид муҳим услубий тамойиллардан бири ҳисобланади. Билимларнинг ўзи тор маънода ушбу сўзнинг ўзининг луғавий маъносида акс этади (ҳақиқий мавжудликни акс эттириш каби), бироқ бу тушунча ўз таркибига инсоний қадриятлар, мақсадлар, меъёрлар, устуворликлар, манфаатлар, ирода, ҳис – ҳаёжон ҳолати ва бошқа шу каби тушунчаларни ҳам қамраб олади. Ҳақиқатда фалсафа тарихи давомида когнитивизм устуворлиги қайд қилиниб, у асослаб бериш ва маълум бир шаклларга солинишни талаб қилмайдиган, билвоситавийлик ва ўз – ўзидан аниқ бўлган ҳолат сифатида қайд қилинади

Меъёрий ахлоқшунослик. *Меъёрий ахлоқ-шунослик* – бу одамнинг ҳулқ – атворини бошқарувчи, унинг амалга оширувчи

ҳатти – ҳаракатларини йўналтирувчи, ахлоқий эзгуликни баҳолаш мезонларини белгилаб берувчи, шунингдек барча ҳолатлар учун умумий тавсифга эга бўлган тамойил сифатида ўрин тутувчи тамойилини ёки тамойилларни қидиришни амалга оширади.

Меъёрий ахлоқшунослик – ўз мақсади сифатида жамиятда асосий ўринда турувчи ахлоқий қадриятларни қўллаб – қувватлаш, кундалик турмуш тарзи вазиятларида ҳулқ – атвор меъёрларининг белгиланишларини ифодалаб бериш мақсадларини рўёбга оширишни назарда тутди. Идрокка асосланилган ҳолда, меъёрий ахлоқшунослик исбот, мулоҳазалардан фойдаланади ва ушбу хусусусияти билан насиҳатгўйликдан фарқ қилиб, танқидий жиҳатдан тафаккурловчи шахсиятни ўзига жалб қила олади, ўз навбатида ахлоқий эътиқод қарор топишини шакллантиради. Мазмун – моҳияти жиҳатидан ахлоқ – одоб қоидаларига асосланилувчи мулоҳазалар, шахс учун ташқи ҳолатдаги ахлоқий меъёрлардан ҳулқ – атворни мотивация жиҳатидан белгилаб берувчи, унинг ички ҳис – туйғуларига айланади.

Одоб – ахлоқ тушунчаларининг тутган ўрни ва уни баҳолашларни амалга оширишнинг рад этиб бўлмайдиган аҳамиятга эгаллиги қуйидаги кўринишдаги иккита асосий йўл билан амалга оширилади – яъни, унга олий даражадаги, ҳақиқатдан йироқ бўлган илоҳий мазмун – моҳият бериш ёки табиий – объектив мазмун – моҳият бериш.

Меъёрий ахлоқшунослик иккита позиция нуқтаи назаридан қараб чиқилиши мумкин: яъни, когнитив ва нонкогнитив. Бунда нонкогнитив позиция нуқтаи назаридан ахлоқшунослик маънавий – ахлоқий онг элементи сифатида қараб чиқилади ва унга одоб – ахлоқ ҳақидаги билимлар сифатида дескриптив ахлоқшунослик қарама – қарши қўйилади. Когнитив позиция нуқтаи назаридан эса – меъёрий ахлоқшунослик одоб – ахлоқдан фарқ қилмайди ва шундай қилиб, хусусий ўрганиш объекти сифатида намоён бўлади, одоб – ахлоқ тушунчаси ва одоб – ахлоқ ҳақидаги билимлар ушбу ўринда аралаш мазмун – моҳиятга эга ҳисобланади.

Меъёрий ахлоқшуносликнинг тарихий жиҳатдан йўналишлари —стоицизм, гедонизм, эпикуреизм, шунингдек замонавий тавсифдаги йўналишлари — консеквенциализм, утилитаризм, деонтология кабилардан ташкил топади.

Амалий ахлоқшунослик. *Амалий ахлоқшунослик* — маълум бир аниқ ахлоқий вазиятлар танлаши асосида меъёрий ахлоқшуносликда шакллантирилган ахлоқий ғоялар ва тамойиллар бўйича хусусий масалалар ва уларнинг қўлланилиши масалаларини ўрганади. Амалий ахлоқшунослик ижтимоий — сиёсий фанлар билан чамбарчас боғланишга эга ҳисобланади.

Амалий ахлоқшуносликнинг бўлимлари. *Биоэтика* — тиббиёт ва биология соҳаларида одам фаолиятининг ахлоқий жиҳатлари ҳақидаги таълимот ҳисобланади. Биоэтика тушунчаси тор маънода *шифокор ва мижоз* кўринишидаги ўзаро алоқадорликда мавжуд бўлган барча ахлоқий масалаларни англатади. Амалий тиббиёт йўналишида доимий равишда, биологик фан соҳалари ва тиббиётга оид билимлар тараққиёти сингари турли хил вазиятларда юзага келувчи ҳолатлар тиббий омма орасида ва шунингдек, кенг омма орасида ушбу ҳолатларни доимий равишда муҳокама қилиш эҳтиёжини юзага келтиради. Биоэтика атамаси кенг маънода нафақат одам фаолиятига тегишли бўлган, балки одамни ўраб турувчи экотизим таркибида ҳаёт кечирувчи ҳар қандай тирик мавжудот билан боғлиқ бўлган ижтимоий, экологик, тиббий ва ижтимоий — ҳуқуқий масалаларнинг мазмун — моҳиятини ўз ичига олади. Шунингдек, ҳозирги вақтда — компьютер ахлоқшунослиги, тиббиёт ахлоқшунослиги, касбий фаолиятга оид ахлоқшунослик, ижтимоий ахлоқшунослик, сиёсий ахлоқшунослик, иш фаолиятига оид ахлоқшунослик (ишга оид муносабатлар ахлоқшунослиги), ҳуқуқий ахлоқшунослик каби йўналишлар қарор топган.

Ахлоқшуносликка оид концепцияларнинг типлари. Таркиби ва асосланилиши бўйича ўзаро фарқланувчи катта сон миқдордаги ва турли хилдаги ахлоқшуносликка оид тизимлар мавжуд ҳисобланади. Гетеротом ахлоқшунослик

концепциясида одоб – ахлоқ одамга нисбатан ташқи қонун сифатида ўрин тутиши ва унга ташқаридан, масалан Яратган томонидан тақдим этилувчи ҳолат сифатида қайд қилиб ўтилади. Диний ахлоқшунослик, жумладан христиан дини ахлоқшунослиги авторитар тавсифдаги одоб – ахлоқ меъёрларига асосланилади, яъни бунда Яратган эзгуликни яратиши, ахлоқ – маънавийлик қоидалари ва тартиблари Яратган томонидан тасарруф этилувчи илоҳий эътиқод сифатида юзага чиқиши ва шу сабабли, сўзсиз равишда ушбу меъёрлар ва қоидаларга бўйсиниш зарурияти талаб қилиниши келтирилади.

Ушбу концепция асосида, яратган кўпинча ҳолатларда ўзи яратган қонуниятларнинг амал қилишини назорат қилиши, ҳар бир кишига ўз ҳатти – ҳаракати ва бажарган амаллари асосида ажрим чиқариши, эзгулик ва бошқа маънавий – ахлоқий қадриятларнинг ўз қимматини йўқотиши ҳолатларида жазоланишнинг муқаррарлиги ёки аксинча вазиятларда мукофот олиш келтириб ўтилади. Автоном ахлоқшунослик – одамнинг ўзи ўзига тегишли бўлган одоб – ахлоқ меъёрлари ва қоидаларини яратиши, расмий ахлоқшунослик ёки моддий ахлоқшуносликка оид қадриятларни бунёд этиши ғоясини илгари суради. Мутлоқ (*абсолют*) ахлоқшунослик – яъни, ахлоқий мутлоқлаштирилишда ахлоқий қадриятлар уларнинг тан олинисидан қатъий назар, мустақил ҳолатда мавжуд бўлиши ғоясини илгари суради, нисбий ахлоқшуносликда (*ахлоқий релятивизм*) ахлоқий қадриятлар одам фаолиятига боғлиқ ҳолатлар сифатида қайд қилинади. Мақсадларга боғлиқ ҳолатда ахлоқшунослик субъекти эвдемонистик, гедонистик, утилитар, перфекционистик тавсифларга эга ҳисобланади.

Ижтимоий ахлоқшунослик – бу жамият ҳаёти билан боғлиқ бўлган ва бажарилиши зарурият ҳисобланган ахлоқий муносабатлар ҳақидаги таълимот ҳисобланади.

Контекстуал ахлоқшуносликда берилган аниқ бир вазиятларда одоб – ахлоқ нуқтаи назаридан тегишли қарорларнинг қабул қилиниши умумий тамойилларга ва

ахлоқнинг меъёрларига, ушбу берилган вазият шарт – шароитларига, яъни контекстга боғлиқ ҳисобланмайди.

Биоэтика (грек тилида *βίος* – ҳаёт, *ἠθική* – ҳулқ – атвор, *ҳатти* – ҳаракат деган маънони англатади) – бу тиббиёт ва биология соҳаларида одам фаолиятининг одоб – ахлоққа оид жиҳатлари ҳақидаги таълимот ҳисобланади. «*Bioethics*» атамаси биринчи марта 1927 – йилда Fritz Jahr (Фриц Жахр) томонидан қўлланилган. 1969 – йилда бу атама Америкалик онколог ва биокимёгар олим В.Р.Поттер томонидан инсониятнинг замонавий оламда яшаб қолиши учун потенциал ҳавф ҳисобланган ҳолатлар билан боғлиқ масалаларни ахлоқий нуқтаи назардан баҳолаш мақсадларида эслатиб ўтилади. Тиббиётга оид журналларда ушбу атаманинг биринчи марта қўлланилиши 1971 – йилда амалга оширилган.

«*Encyclopedia of Bioethics*» таркибида биоэтика тушунчасига «биологик ва тиббий фан соҳаларида эришилган ютуқлар билан боғлиқ ҳолатда, одоб – ахлоқ нуқтаи назаридан баҳолашларни амалга ошириш, қабул қилинган қарорлар, ҳулқ – атвор, мўлжал олишлар ва ҳақозо кўринишдаги одоб – ахлоққа оид кўрсаткичларни тизимли тарзда тадқиқ қилиш» сифатида аниқлик киритилади²³.

Кейинроқ эса – биотиббий ахлоқшунослик тиббиёт йўналишида таълим берувчи олий ўқув юртларида ўқув фани соҳаси сифатида шакллантирилган. Биоэтика масалаларига турли хил йўналишларда фаолият олиб борувчи файласуф – донишмандлар ўз нуқтаи назарларини билдиришган. Масалан, машҳур Япониялик буддизм тарихи бўйича мутахассис ҳисобланган Накамура Хадзимэ (1912 – 1999 йиллар) томонидан ўз асарларида биоэтика масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилганлигини кўришимиз мумкин²⁴.

Биоэтиканинг йўналишлари. Кенг маънода биоэтика фалсафий йўналиш сифатида намоён бўлади ва умумий ҳолатда

²³ Қаранг: «*Encyclopedia of Bioethics*» I-т.: 21 бет.

²⁴ Nakamura Hajime. Ways of thinking of eastern peoples. India. China. Tibet. Japan. Honolulu, Hawaii, 1964.-С.352.

тиббиёт ва биологияда янги технологиялар ва ғояларнинг ривожланиши натижаларини баҳолашни амалга оширади.

Эвтаназия. Ҳозирги вақтда тўлиқ ҳолатда «миянинг ўлиши» шароитида «тананинг тириклиги»ни сақлашнинг техник имкониятлари ортиб бориши асосида кўнгилли тарзда оламдан ўтиш ҳақидаги масала борган сари долзарблашиб бориши кузатилмоқда.

Органларни кўчириб ўтказиш (Трансплантация). Россия миқёсида одам организми тирик ҳолатда айрим органларни (асосан буйракларни) кўчириб ўтказиш амалиёти фақат ўзаро яқин қариндошлар ўртасида амалга оширилишига рухсат этилган бўлиб, бунда ҳар иккала томоннинг розилиги талаб қилинади.

Оламдан ўтган одамларнинг органларидан фойдаланиш. Қандайдир сабабларга кўра, оламдан ўтган одамнинг донор сифатида органлари қанча тез кўчириб ўтказилса, амалга оширилган жарроҳлик амалиётининг муваффақиятли чиқиши имкониятлари шу даражада юқори бўлиши қайд қилинади. Бироқ, оламдан ўтиш ҳолатини қайд қилиш ва уни белгилаб берувчи мезонлар ҳозирги вақтгача баҳс – мунозараларга сабаб бўлувчи ҳолатлардан бири сифатида қолмоқда.

Россияда амалиётда қабул қилинган ҳолатларга биноан, агар оламдан ўтган кишининг қариндошларидан бирортаси бу ҳолатга қаршилик қилмаса, у ҳолда оламдан ўтган киши потенциал донор сифатида фойдаланилишига рухсат этилади.

Шунингдек, органларнинг олинишини таъминловчи хизматларни кўрсатувчиларга нисбатан ишонч билдириш масаласи мураккаб ҳолатда қолиши қайд қилинади (жумладан, бу ҳолатда касал ҳисобланган беморлардан донор сифатида фойдаланиш мақсадида уларга тегишли тиббий ёрдам кўрсатмаслик, ва ҳатто жарроҳликни амалга оширувчи шифокор томонидан ўз лавозими даражасидаги ваколатини суистеъмол қилиш асосида соғлом одамдан қандайдир ёлғондакам асосларга биноан суъний равишда донор сифатида

фойдаланиш ҳолатлари амалга оширилиши эҳтимоллиги мавжуд ҳисобланади).

Ксенотрансплантация. Ҳайвонлар организмидан айрим органларнинг одам организмига кўчириб ўтказилиши алоҳида диний конфессиялар ёки уларнинг вакиллари томонидан салбий ҳолат сифатида баҳоланиши мумкин. Жумладан, мусулмонлар ва яҳудийлар учун белгиланган қатъий диний тартиб – қоидаларга биноан ҳаром ҳисобланган чўчқанинг қандайдир органлари одамга кўчириб ўтказилиши мақсадга мувофиқ ҳолат сифатида баҳоланмайди. Ёки ҳиндлар учун илоҳий жонивор ҳисобланган сизирнинг қандайдир органларидан фойдаланиш қораланади. Шундай қилиб, ксенотрансплантация ҳайвонлар ҳуқуқларини муҳофаза қилувчилар ва шунингдек, бу ҳолатга ҳайвонлар нисбатан ахлоқий меъёрларга мос келмайдиган ҳолат сифатида қаровчилар томонидан танқид остига олинади.

Ҳомилани суъний усулда олиб ташлаш. Турли хил давлатларда микёсида ҳомиланинг суъний усулда олиб ташланиши масаласига қонун доирасида турли хилда муносабат билдирилади, бу ҳолат албатта ушбу давлатнинг диний ёки дунёвий тузум асосида фаолият олиб боришига боғлиқ ҳисобланади. Жумладан, ислом дини, католиклар, буддизм ва индуизм дини ҳомиланинг суъний олиб ташланишига қарши фикр билдиради. Христиан динининг масҳабларидан бири бўлган проваслав йўналиши вакиллари томонидан агар, она ҳаётига ҳавф туғилса, у ҳолда ҳомиланинг олиб ташланишига рухсат бериш мақсадга мувофиқлиги қайд қилинади (Россия Проваслав черковининг ижтимоий концепциялари асосларидан). Кўпгина дунёвий тузумдаги давлатларда ҳомила пайдо бўлишидан унинг туғилишга қадар аёлларнинг танаси автономияси ҳуқуқи тўлиқ амал қилиши белгиланган. Демак, шу сабабли бу давлатларда ҳомиланинг суъний усулда олиб ташланишига рухсат этилади.

Ўзак ҳужайралар. Алоҳида ҳолатларда клонлаш мақсадларида ўзак ҳужайраларни олиш учун ҳомила (эмбрион) тўқималаридан фойдаланилади (кўпинча ҳолатларда бу мақсадда мижознинг соматик ҳужайралари ёки дифферен-

цияланмаган ҳолатдаги ҳомиланинг бластоцисталаридан фойдаланилади). Айрим мамлакатларда суъний олиб ташланган ҳомила материалдан ушбу мақсадларда фойдаланиш таъқиқланади, бошқа айрим давлатларда эса – фақат *in vitro* шароитида ўстирилган тўқималар ҳужайраларида клонлаш мақсадларида фойдаланишга рухсат берилади. Муқобил тавсифдаги ўзак ҳужайралари миждоз танаси тўқималари ҳужайраларининг қайта дастурлаштирилиши асосида уларнинг ёшартирилиши имконини беради. Бу ҳолат биоэтика масалалари нуқтаи назаридан ижобий баҳоланади.

Клиник тажрибаларни амалга ошириш. Даволаш усулларини такомиллаштириш, нисбатан самарали препаратларни қидириб топиш мақсадларида янги дори ва эмлаш воситаларини клиник синовлардан ўтказиш амалга оширилади. Олдин бу кўринишдаги синовларни амалга ошириш ҳозирги кундагидек кенг кўламда амалга оширилмаган, шунингдек шифокорларда синовдан ўтказилаётган янги дори ва эмлаш воситаларининг қандайдир қўшимча салбий таъсирларга ва асоратларга эга бўлиши ҳақидаги шубҳаланиш ҳолатлари даражаси юқори бўлмаган.

Замонавий фармакология исботлашга қаратилган ва ахлоқий нуқтаи назардан синовларни амалга ошириш бўйича сезиларли тажрибага эга ҳисобланади. Ушбу тажрибанинг шакллантирилишига миждозлар, кўнгиллилар, синовдан ўтказилувчи бошқа кишилар тоифалари томонидан қайд қилинган суд даъволари ўз таъсирини кўрсатган бўлиб, бу ҳолат сўнгги 50 йил давомида яққол кўзга ташланади.

Ҳозирги вақтда синовларда иштирок этиш учун асосий талаблар миждоз ёки кўнгиллиларнинг «тегишли ахборотлар билан таъминланиши асосида розилик билдириши» билан белгиланади.

Суъний оналик қилиш. Суъний оналик қилиш амалиёти айрим мамлакатларда масалан, Германияда таъқиқланган бўлиб, бироқ Россия ва Украинада бу ҳолатга нисбатан рухсат этилган. Ҳар бир мамлакатда амалиётга жорий қилинган ва ўзаро фарқланувчи қонунчилик меъёрлари қабул қилинган.

Евгеника. Одам геноми ҳақидаги маълумотлар ёки биометрик тестларнинг алоҳида натижалари асосида у ёки бу қарорларнинг қабул қилинишининг потенциал имкониятлари сезиларли даражада муаммоли масалаларни юзага келтиради. Бу кўринишдаги маълумотлар шифокорлар сири ҳисобланади ва ушбу маълумотлардан «мақсадга йўналтирилмаган тарзда фойдаланиш» ҳолатларидан ҳимояланиш бўйича бир қатор тартиб – қоидалар ишлаб чиқилган, жумладан ушбу маълумотларни ҳисобга олиш ва уларни суғурталаш, ушбу маълумотлар билан ишловчи ходимларни ишга олиш жараёнида тегишли тартибларга амал қилишга келишиб олиш кабилар назарда тутилган.

Ҳозирги кунда одам геномининг табиий ҳолатини ўзгартириш йўлларининг, жумладан туғилмасдан олдин ҳомиланинг ҳолатига (жинс, ирсий касалликлар маркерлари, изофермент тизимлар мавжудлиги ва ҳоказо) ташҳис қўйиш имкониятлари айна ҳақиқатга айланиб бориш даражаси ортмоқда.

Компьютер ахлоқшунослиги. Умумий маънода *компьютер ахлоқшунослиги* компьютердан фойдаланувчи одамларнинг ҳулқ – атворини ўрганиш билан шуғулланади, ушбу асосда ўз мазмунига кўра, одоб – ахлоқ меъёрлари ҳисобланган тегишли ахлоқий қоидалар ишлаб чиқилади. «*Компьютер ахлоқшунослиги*»²⁵-иборасининг қўлланилиши етарлича даражада шартли ҳолат ҳисобланиб, бу фан соҳаси нисбатан ёш ва XX асрнинг 1970 – 1980 – йилларида «*ахборотларга оид ахлоқшунослик*», «*киберэтика*» каби тушунчалар билан биргаликда вужудга келган.

Компьютер ахлоқшунослиги фан соҳалариаро тадқиқотларни ўз ичига олиб, техник, маънавий, ҳуқуқий, ижтимоий, сиёсий ва фалсафий масалаларни қараб чиқишни назарда тутди. Ушбу соҳа томонидан таҳлил қилинувчи масалаларни шартли равишда бир нечта синфларга бўлиб чиқиш мумкин, жумладан:

²⁵Қаранг: Эрик Раймонд. "Man Against the FUD". Archived from the original on October 13, 2007. Retrieved July 7, 2008.

1) Компьютер соҳасида фаолият олиб боровчи касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар ва оддий фойдаланувчилар учун бевосита компьютер техникасидан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган маънавий – ахлоқий кодексларни ишлаб чиқиш;

2) Хусусий мулкка эгаллик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, муаллифлик ҳуқуқини ҳимоя қилиш, шахсий ҳаёт ва сўз эркинлиги ҳуқуқининг ахборот технологиялари соҳасига нисбатан жорий қилиниши масалалари;

3) Маълум бир аниқ ҳолатларда, яъни асосан ҳуқуқий жиҳатдан компьютер жиноятчилиги вужудга келиши билан боғлиқ масалалар гуруҳи.

Компьютер ахлоқшунослиги доирасида «хакерлар ахлоқшунослиги» деб номланувчи, алоҳида даражада ўзига хос бўлган соҳа ажратиб кўрсатилиб, бу йўналишнинг вужудга келишига замонавий ахборот технологиялари оқимларида вужудга келган хакерлар, пионерлар деб аталувчи ҳолатлар сабаб бўлган. Интернет тармоғининг ривожланиши билан глобал тармоқдан фойдаланувчилар сонининг ортиб бориши асосида улар ўртасида ахлоқий мулоқотлар умумий тартиб – қоидаларини қарор топтиришга қаратилган «тармоққа оид ахлоқшунослик» ёки «*Н-ахлоқшунослик*» (*net* – тармоқ ва *etiquette* – ахлоқ меъёрлари деган сўзлардан олинган) таркиб топиши кузатилмоқда.

Компьютер ахлоқшунослиги кодески. Компьютер ахлоқшунослигининг мужассамлаштирилиши нисбатан ёрқин тарзда айнан, ушбу соҳада ахлоқий кодексларнинг ишлаб чиқилишида намоён бўлади. Ушбу қараб чиқилаётган масала бўйича етарлича даражада кўзга ташланувчи ҳолатлар АҚШда кузатилиб, бу ерда компьютер ахлоқшунослиги йўналишидаги дастлабки кодекс 1979 – йилда ишлаб чиқилган. Қабул қилинган ушбу кодекс инженерлар, олимлар ва технологлар ўз фаолияти натижалари асосида ахборотлашган жамиятда ҳаёт кечирувчи барча одамларнинг турмуш шароитларини ва сифатини белгилаб бериши тушунчаси қайд қилинган. Шу сабабли, ушбу кодекснинг кириш қисмида ахборот технологиялари воситаларини ишлаб чиқариш ва улардан

фойдаланишда барча ахлоқ меъёрларига амал қилиш зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Ўз навбатида, АҚШда ахборот технологиялари соҳаси билан боғлиқ бўлган фаолият олиб боровчи кўплаб ташкилотларда, жумладан «Компьютер технологияларини ишлаб чиқарувчилар Ассоциацияси» (АСМ), «Ахборот технологиялари менежерлари Ассоциацияси» (DPMA), «АҚШда ахборот технологияларидан фойдаланувчилар Ассоциацияси» (ИТАА), шунингдек «Сертификатга эга бўлган компьютер соҳасидаги касбий маҳоратга эга бўлган ходимлар Ассоциацияси» (ICCP) каби ташкилотларда тегишли кодекслар ишлаб чиқилган ва амалиётга жорий қилинган.

«Ахборот технологиялари бўйича Ҳалқаро федерация» (IFIP) томонидан қабул қилинган кодексларда фойдаланилувчи ахлоқий стандартлар маҳаллий ва этник анъаналарни ҳисобга олган ҳолатда, бошқа давлатларда миллий ташкилотларнинг компьютер ахлоқшунослигига оид кодексларда меъёрлар сифатида қабул қилиниши мумкинлиги қайд қилинган. Алоҳида олинган кодексларнинг таркиби бошқаларидан фарқ қилиб, бироқ уларнинг асосини айрим инвариант тавсифидаги белгиланган ахлоқий меъёрлар йиғиндиси ташкил қилади, уларни қуйидаги кўринишда шартли равишда кўрсатиб ўтиш мумкин:

- 1) Бошқа одамларга зарар келтириш мақсадларида компьютердан фойдаланмаслик;
- 2) Компьютер тармоқларида бошқа фойдаланувчилар учун ҳалақит берувчи шовқинларни юзага келтирмаслик;
- 3) Эркин ҳолатда фойдаланиш учун мўлжалланмаган файллардан фойдаланмаслик;
- 4) Ўғирлик ва талон – тарож қилиш мақсадларида компьютердан фойдаланмаслик;
- 5) Ёлғон ахборотларни тарқатиш мақсадларида компьютердан фойдаланмаслик;
- 6) Ўғирланган дастурий таъминотдан фойдаланмаслик;
- 7) Бегоналарга тегишли бўлган интеллектуал мулкни ўзлаштирмаслик;

8) Рухсатсиз ҳолатда ёки тегишли компенсация тўловлари амалга оширилмаган тарзда тармоққа тегишли ресурслар ёки қурилмалардан фойдаланмаслик;

9) Сиз ёзаётган ва ишлаб чиқаётган дастурлар ёки тизимларнинг оммавий таъсири оқибатлари ҳақида ўйлаб кўриш;

10) Бошқа одамларга ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва мулозамат кўрсатиш нуқтаи назаридан, компьютердан ўз – ўзингиз томонингиздан назорат қилиш асосида чекланган тарзда фойдаланиш;

Компьютер ахлоқшунослиги доирасида ишлаб чиқилган тамойиллар

1) *Privacy* (шахсий ҳаёт сирлари) – одамнинг шахсий ҳаёти эркинлиги ва автономлиги ҳуқуқи, ҳокимият органлари ва бошқа одамлар томонидан унинг ҳуқуқлари паймол қилинишидан ҳимояланиши;

2) *Accuracy* (аниқлик) – тизимдан фойдаланиш ва ахборотларни қайта ишлаш бўйича белгиланган кўрсатмалардан аниқ тарзда фойдаланиш билан боғлиқ бўлган меъёрларга амал қилиш, ўз маъсулияти ва жавобгарлигига нисбатан виждонан ва ижтимоий нуқтаи назардан маъсулият билан ёндошиш;

3) *Property* (шахсий мулк) – иқтисодий жиҳатдан моддий ҳолатларга нисбатан белгиланган тартиб – қоидаларнинг асосида шахсий мулк ҳисобланган ҳолатларга таъжовуз қилмаслик. Ушбу тамойилга амал қилиш – ахборотларга нисбатан хусусий мулк ҳуқуқи ва муаллифлик ҳуқуқига амал қилишни аниқлатади;

4) *Accessibility* (фойдалана олиш) – фуқороларнинг ахборотларни олиш ҳуқуқи, ушбу ахборотларнинг ҳоҳлаган вақт ва ҳоҳлаган жойда олиниши мумкинлиги.

Блогга оид ахлоқшунослик. Интернет тармоғида блогларнинг кенг миқёсда тарқалиши билан боғлиқ ҳолатда, компьютер ахлоқшунослигининг алоҳида даражада ўзига хос тури – яъни, блогга оид ахлоқшунослик қарор топиши кузатилмоқда, бу йўналиш тармоқлар блогларида нашр

қилинган ахборотларнинг ишончилиги, плагиат (бошқаларга тегишли гоё ва фикрларнинг ўзлаштирилиши), ахлоқий ва маънавий меъёрларга амал қилиш масалаларини қараб чиқишни ўз ичига олади. Шунингдек, Россия миқёсида блогларда тилшуносликка оид белгиланган тартиб ва меъёрларнинг бузилиши ва ҳақоратлаш мазмунидаги қайдлар элементларидан фойдаланиш масаласига алоҳида эътибор қаратилади.

«Хакерларга оид ахлоқшунослик». «Хакер» тушунчасининг изоҳланишига оид кенг кўламдаги маълумотлар мавжуд ҳисобланади. Ахлоқшунослик соҳасида ушбу йўналишни тарғиб қилувчи ва ривожлантирувчи муаллифлардан бири ҳисобланган – Эрик Раймонд томонидан «Хакернинг янги луғати»²⁶ асарида ушбу тушунчани изоҳлаш бўйича қуйидаги еттита аниқликни келтириб ўтади:

1) Ўз иш фаолияти давомида талаб қилинувчи минимал даражадаги билимлар билан иш олиб борувчи дастурчилардан фарқ қилиб, хакерлар мавжуд тизимнинг сўзсиз даражадаги имкониятлари ва дастурлашни нозик тарзда эгаллаган ва ўз фаолиятидан ҳузурланувчи кишилар ҳисобланади;

2) Хакер ўта кетган ишқибоз (*фанат*) – дастурчи ёки шунчаки дастурчи бўлиб, компьютер мавзуларида назарий жиҳатдан келтирилган ҳолатларга нисбатан солиштирилганда амалий дастурлаш йўналишида юқори натижаларга эришишдан ҳузурланувчи киши ҳисобланади;

3) Хакер – бу ҳар қандай соҳа, масалан «*астроном соҳа хакери*» ёки «*ботаник хакер*» каби эксперт ёки ўтакетган ишқибоз ҳисобланади;

4) Хакер – умумий қабул қилинган қоидалар ва чекланишларни айланиб ўтувчи тарзда фаолият кўрсатувчи, мураккаб масалаларни ушбу йўсинда ҳал қилишдан ҳузурланувчи киши ҳисобланади.

Дастлабки хакерлар ва маълум бир тавсифга эга бўлган турмуш тарзи ва ҳуққ – атвор билан тавсифланувчи ушбу

²⁶ Қаранг: Эрик Раймонд. "Man Against the FUD". Archived from the original on October 13, 2007. Retrieved July 7, 2008.

феномен 1960 – йилларда АҚШда Массачусетс технология университетиди (MIT) қайд қилинган ²⁷. Бу кишилар компьютер тизимларининг барча айёрона, яшириш имкониятларини ўзлаштириш ва тизимдан имконият чегаралари даражасида фойдаланишга интилишади. Хакерларга оид ахлоқшунослик компьютер профессионаллари муҳитида ишлаб чиқилган бир қатор қоидалар, тамойиллар ва меъёрларни ўз ичига олади. Улардан асосийлари, қуйидаги ҳолатларда ўз ифодасини топади:

Биринчидан, «одамлар қачонки бошқа одамлар билан ахборотларни алмашилиши кузатилса, у ҳолда қандайдир жуда яхши ва ижтимоий фойдали ишни амалга оширишади. Ушбу тамойилга биноан, одамларга ўз касбий маҳоратини намойиш қилиш, яъни текинга дастурий маҳсулотларни яратиш ва тақдим этиш, жумладан фойдаланувчилар учун компьютер тармоқларида турли хилдаги ресурсларга кириш ва ахборотлар олиш мақсадларида фойдаланилувчи дастурларни яратиш – бу ҳар бир хакернинг ахлоқий бурчи ҳисобланади» ²⁸.

Иккинчидан, хакерлар томонидан ҳисобланилишича, агар «бузиб кировчи томонидан ҳеч қандай ўғирлик содир қилинмаса, тизимда сир сақланувчи ҳолатларга салбий таъсир кўрсатмаса, тизимни ишдан чиқармаса, яъни шунчаки қизиқиш юзасидан кимгадир тегишли бўлган тизимга бузиб кириш – бу хакерлар учун меъёрий ва табиий ҳолат сифатида баҳоланади».

Тиббиёт ахлоқшунослиги. *Тиббиёт ахлоқшунослиги* (тиббий *деонтология*) – бу тиббиёт ахлоқшунослиги, шифокорнинг ўз ҳамкасблари ва мижозлари билан ўзаро муносабатларида ахлоқий меъёрларни ўрганувчи, амалий ахлоқшуносликнинг бўлими сифатидаги фан соҳаси ҳисобланади.

Тиббиёт ахлоқшунослигининг асосий тамойиллари асосчиси – Гиппократ (Гиппократ қасами) ҳисобланади.

²⁷ Raymond, Eric S. (July 28, 1999). "Shut Up And Show Them The Code". Linux Today. Retrieved July 5, 2017. – С.256.

²⁸ Қаранг. Raymond, Eric S. (October 1, 2008). "Why I Hate Proprietary Software". Retrieved November 5, 2011. - С. 257.

Тадқиқот предмети одамнинг умумий жамият ва бошқа одамлар олдидаги бурчи ҳақидаги таълимот ҳисобланган ахлоқшуносликнинг бир бўлими Россияда *деантология* деб номланиши қабул қилинган. Тиббиёт деантологияси беморларнинг соғайиб кетишлари учун нисбатан қулай шарт – шароит яратиб бериш имкониятига эга бўлган тиббиёт ходимларининг талаб қилинган тарздаги ҳулқ – атвори ҳақидаги таълимот ҳисобланади. «*Шифокор ахлоқшунослиги*» атамасининг ўрнини алмаштириш мақсадида, 1944 – йилда жарроҳ Н.Н.Петров томонидан рус тилида «*тиббиёт деантологияси*» атамаси киритилган (грек тилида *δέον* – талаб қилинган, зарурий, *λόγος* – таълимот деган маънони англатади), бунда тиббиёт ҳамширалари фаолиятида унинг асосий амал қилувчи тамойиллари ишлаб чиқилган²⁹.

Шундай қилиб, деантологиянинг назарий асослари тиббиёт ахлоқшунослигидан ташкил топади, деантология эса – тиббий ходимнинг ҳатти – ҳаракатларида ўз ифодасини топиб, тиббий ахлоқшунослик тамойилларининг амалий жиҳатдан қўлланилишидан иборат ҳисобланади. Деантологиянинг тадқиқот предмети ахлоқшуносликнинг тадқиқот предметиға нисбатан кенг кўламға эга бўлиб, бунда деонтология шахсий ахлоқ – одоб меъёрлари билан шуғулланиши билан биргаликда, шифокорнинг жамият (давлат) билан ўзаро муносабатларида, бемор ва унинг яқин – қариндошлари, бошқа шифокорлар ва тиббий ходимлар билан муносабатларида ахлоқий меъёрлар масалаларини қараб чиқишни ҳам назарда тутди.

Тиббиёт деантологияси ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

- Шифокорлик фаолиятиға оид сирларни сақлашға амал қилиш;
- Беморларнинг ҳаёти ва соғлиги учун жавобгарлик чора – тадбирлари;
- Тиббий жамоаларда ўзаро муносабатлар масалалари;

²⁹ Қаранг: Петров Н.Н. Вопросы хирургической деонтологин, 5 изд., Л., 1956. – С.48.

- Бемор ва унинг яқин қариндошлари билан ўзаро муносабатлар масалалари.

Америка тиббиёт Ассоциацияси қошидаги ахлоқий ва ҳуқуқий масалалар бўйича Қўмита томонидан шифокор ва миждоз ўртасидаги яқин алоқалар қоидалари ишлаб чиқилган.

Тиббий деонтологиянинг асосий масаласи – бу эвтаназия, шунингдек, миждознинг оламдан ўтиши ҳолатларидан қочиб бўлмаслик билан боғлиқ ҳисобланади.

Касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик. Касбий маҳоратга оид (*профессинал*) ахлоқшунослик – бу қуйидаги ҳолатларни ифодалаш учун қўлланади:

- Касбий маҳорат меъёрлари тизими (масалан, «*ҳуқуқшуноснинг касбий маҳоратга оид ахлоқшунослиги*»);

- Касбий маҳорат асосларига нисбатан ахлоқий тавсифга эга тадқиқотларнинг йўналишлари.

Ҳозирги вақтда ушбу атаманинг аҳамияти ўз навбатида контекстан келиб чиққан ҳолатда белгиланади ёки алоҳида ҳолатлар асосида ифодаланади.

Касбий маҳоратга оид (*профессинал*) ахлоқшунослик – маълум бир аниқ вазиятларда касбий маҳоратга оид фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мутахасиснинг ҳулқ – атвор қоидалари ва ахлоқ – одоб тамойиллари тизими, меъёрларидан ташкил топади. Касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик ҳар бир мутахасисни тайёрлаш жараёнининг ажралмас таркибий қисми ҳисобланиши зарур.

Ҳар қандай касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик таркиби умумий ва хусусий ҳолатлар асосида қарор топади. Касбий маҳоратга оид ахлоқшуносликнинг умумий тамойиллари умуминсоний ахлоқ қоидаларига асосланиб, қуйидагиларни ўз ичига олади:

а) Касбий маҳорат нуқтаи назаридан ҳамфикрлилик (айрим ҳолатларда алоҳида манфаатлар асосидаги чекланишлар кўринишида ифодаланади);

б) Бурч ва ор – номус тушунчаларининг алоҳида даражада ифодаланиши;

в) Фаолият предмети ва турига боғлиқ ҳолатда, жавобгарликнинг алоҳида даражадаги шакли.

Хусусий тамойиллар у ёки бу турдаги касблар таркиби ва ўзига хос хусусиятлари, маълум бир аниқ шарт – шароитлар асосида келиб чиқади ва асосан, мутахасисларга нисбатан қўйилувчи талаблар бўйича ахлоқий кодексларда ўз ифодасини топади.

Ўз навбатида, касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик фақат касбий маҳоратга эга ходимларнинг фаолияти турли хилдаги одамларга боғлиқлиги кузатиловчи, яъни ушбу амалга оширилувчи фаолиятнинг якуний натижаси ёки ушбу ҳаракатлар жараёни бошқа одамлар ёки инсоният ҳаётига алоҳида даражада муҳим аҳамиятга эга бўлган таъсир кўрсатиши қайд қилинувчи касб соҳаларига тегишли ҳолат сифатида қайд қилинади. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, педагогик, тиббий, ҳуқуқий, шунингдек олимнинг ахлоқшунослиги каби анъанавий тарзда касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик турлари ўзаро ажратиб кўрсатилади, бундан ташқари нисбатан янги ҳисобланган, «*инсон омилли*»нинг роли ортиб бориши билан боғлиқ бўлган, фаолият турлари асосидаги (инженерик ахлоқшунослиги) ёки ушбу омилнинг жамиятдаги таъсири кучайиши билан боғлиқ бўлган ҳолатлар асосидаги турлари (журналист ахлоқшунослиги, биоэтика) қайд қилинади.

Касбий маҳорат ва меҳнатга бўлган муносабат шахснинг ахлоқий қиёфасида муҳим аҳамиятга эга бўлган сифатлар ҳисобланади. Бу сифатлар индивиднинг шахс сифатида баҳоланишида биринчи даражали ўрин тутади, бироқ тарихий ривожланиш жараёни давомида уларнинг таркиби ва баҳоланиши даражаси сезиларли даражада ўзаро фарқланган. Синфий жиҳатдан табақалашган тузумга асосланилувчи жамиятда бу сифатлар меҳнат турларининг ижтимоий жиҳатдан тенг эмаслиги, ақлий ва жисмоний меҳнатнинг ўзаро қарама – қарши тавсифга эгаллиги, имтиёзга эга бўлган ва имтиёзга эга бўлмаган касбларнинг мавжудлиги билан тавсифланади, шунингдек бу шарт – шароитларда ушбу сифатлар бевосита касбий фаолият кўрсатувчи гуруҳларнинг

тегишли синфларга оид онги, ўзлигини англаши, ушбу онг таркибининг тўлдирилиши манбалари, индивиднинг умумий маданий даражаси ва шу каби ҳолатлар билан боғлиқ ҳисобланади.

Касбий маҳоратга оид ахлоқшунослик касбий фаолият олиб боровчи турли хил гуруҳларнинг одоб – ахлоқ даражаси жиҳатидан нотенглиги даражаси маҳсули ҳисобланмайди. Бироқ, жамиятда айрим касбий фаолият соҳаларида ахлоқий талаблар даражаси оширилиши зарурият ҳисобланади. Шундай касблар мавжудки, бунда меҳнат жараёнининг ўзи унда иштирок этувчиларнинг юқори даражада бирдамлиликда бўлиши ва ўзаро ҳамфикрлилик асосидаги ҳулқ – атворга эга бўлишини талаб қилади. Хизмат кўрсатиш соҳалари, транспорт, бошқарув, соғлиқни сақлаш, таълим – тарбия ва шу каби сезиларли даражада моддий қадриятлар, одамлар ҳаётининг ҳуқуқий жиҳатдан эътиборга олиниши билан боғлиқ бўлган касбий фаолиятда ишчи – ходимларнинг ахлоқий сифат даражасига алоҳида эътибор қаратилиши зарур ҳисобланади. Бу ерда гап мавжуд ҳақиқий ахлоқий даража ҳақида кетмайди, балки қандайдир асосда касбий фаолият функциясини амалга оширишга монелик қилувчи, рўёбга оширилмаган фаолият кузатилувчи ҳолатларда бурч – маъсулият, жавобгарликни ҳис қилиш ҳақида гап боради.

Касб – бу ўқув жараёни ва узоқ вақт давомидаги меҳнат амалиёти натижасида орттирилувчи, зарурий билим ва малакаларга эга бўлишни талаб қилувчи маълум бир аниқ турдаги меҳнат фаолияти ҳисобланади.

Касбий фаолиятга оид ахлоқшунослик – бу бевосита одамнинг у ёки бу шароитларда ҳаёти ва жамиятдаги фаолиятига йўналтирилган тавсифдаги касбий фаолиятининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Касбий фаолиятга оид одоб – ахлоқ меъёрлари – бу ахлоқий – умуминсоний идеаллар асосида шахснинг ички ўз – ўзини бошқариши тартиби, қабул қилинган эталонлар, намуналар ва тартиб – қоидалардан ташкил топган бошқаришнинг бошланғичи ҳисобланади. Касбий фаолиятга

оид ахлоқшуносликнинг вужудга келиши вақт ўтиши билан у ҳақдаги илмий ахлоқий назариялар яратилишини белгилаб беради. У ёки бу касбий фаолият билан шуғулланувчи одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда бошқариш жараёнининг зарурияти, кундалик турмуш тажрибаси касбий фаолиятга оид ахлоқшуносликнинг маълум бир аниқ талабларини шакллантириш ва англаб етиш эҳтиёжини юзага келтиради. Касбий фаолиятга оид ахлоқшуносликда белгиланган меъёрларнинг қарор топиши ва ўзлаштирилишида ижтимоий фикрлар фаол рол ўйнайди.

Дастлаб, кундалик турмуш тарзига оид, маиший ҳаёт тарзига тегишли бўлган ахлоқий онг сифатида вужудга келган касбий фаолиятга оид ахлоқшунослик навбатдаги даврлар давомида ҳар бир касбий гуруҳлар вакилларининг ҳулқ – атвори амалиёти бўйича умумлаштириш асосида ривожлантирилган. Ушбу умумлаштиришлар ёзма қайд қилинган ва оғзаки, шунингдек, назарий хулосалар шаклида ҳулқ – автор кодексларида йиғинди кўринишида ўз аксини топган, бу ҳолат кундалик турмушга оид онг шаклидан касбий фаолиятга оид одоб – ахлоқ меъёрларига ўтишдан далолат беради.

Касбий фаолиятга оид ахлоқшуносликнинг асосий турлари қуйидагилардан ташкил топади: жумладан, шифокорлар ахлоқшунослиги, педагогик ахлоқшунослик, олимнинг ахлоқи, ҳуқуқ ахлоқшунослиги, тадбиркор (*бизнесмен*), инженер ва ҳақозо касбий фаолият вакилларининг ахлоқшунослиги. Касбий фаолиятга оид ахлоқшуносликнинг ҳар бир тури ўзига хос касбий фаолият билан белгиланади, одоб – ахлоқ меъёрлари ва тамойилларининг рўёбга оширилишида ўзига хос жиҳатларга эга ва улар умумий бирликда одоб – ахлоқнинг касбий фаолиятга оид кодексини ташкил қилади.

Сиёсий ахлоқшунослик. Афлотун ва Арасту сиёсий ахлоқшуносликка алоҳида даражада катта эътибор қаратишган.

Янги даврда Никколо Макиавелли ўзининг машҳур «Подшоҳ» асарида сиёсатнинг ахлоқшуносликдан автоном

тавсифга эгалигини кўрсатиб ўтади ва ушбу асосда «макиавеллизм» деб номланувчи анъаналарга асос солган.

Сиёсий ахлоқшунослик соҳасида амалга оширилувчи замонавий тадқиқотларда адолат масаласига йўналтирилувчи ўйин назарияси кучли даражада ўз таъсирини кўрсатган. Масалан, бу йўналишда Америкалик файласуф – Жон Ролз томонидан амалга оширилган изланишлар жуда машҳур ҳисобланади³⁰.

Аниқлик киритиш. К.С.Гаджиев томонидан билдирилган фикрларга кўра, «сиёсий ахлоқшунослик – бу жамият ва давлат тузилмаларининг ижтимоий жиҳатдан адолатга асосланилиши, бошқарув ва фуқороларнинг бурч ва ҳуқуқларининг ўзаро боғлиқлиги, одам ва фуқороларнинг фундаментал ҳуқуқлари, эркинлик, тенглик ва адолат ва шу каби тушунчаларнинг ақл – идрок асосидаги ўзаро мувозанатлашган нисбатлари каби масалаларга асосланилувчи, сиёсий фаолият билан боғлиқ бўлган меъёрий асослар ҳисобланади»³¹.

Экологик ахлоқшунослик. Экологик ахлоқшунослик – бу ахлоқшунослик ва экологик фан соҳалари ўртасида жойлашувчи, фан соҳалариаро синтез натижасида юзага келган амалий соҳа ҳисобланади. Экологик ахлоқшунослик табиий тизимлар ва улар билан ўзаро муносабатларда ўз аксини топувчи ахлоқий – қадриятларга оид бир бутун ягона меъёрлар мажмуасини ўз ичига қамраб олади.

Экологик ахлоқшунослик бўйича илмий йўналишларнинг қарор топиши. XX асрнинг 1970 – йилларидан бошлаб, экологик ахлоқшунослик табиий оламда одамнинг ҳулқ – атвор қоидаларини, ўзига хос тавсифга эга бўлган ахлоқий тамойиллар ва бурчлар тизимини ишлаб чиқишга қодир бўлган, мустақил фан соҳаси сифатида талабгорлик қила бошлаши қайд қилинади. Экологик ахлоқшунослик ғояларининг фаол тарзда тарқалишига бир қатор ихтисослашган журналлар ўз ҳиссасини қўшган:

³⁰Каранг : Ролз Дж. Теория справедливости. Новосибирск, изд-во НГУ, 1995. – С.56.

³¹ Каранг. Эволюция основных течений американской буржуазной идеологии. М.: Наука, 1982, – С.333.

жумладан, 1979 – йилда АҚШда файласуф Юждин Харгроу ташаббуси билан «Экологик ахлоқшунослик» («*Environmental ethics*») журнали нашр қилина бошланган, шунингдек 1992 – йилдан бошлаб, Англияда «Экологик қадриятлар» («*Environmental values*») журнали, Германияда эса – «Экология ва ахлоқшунослик» («*Okologie und ethik*») журнали нашрдан чиқарила бошланган. Собиқ Иттифокда бу даврда экологик ахлоқшунослик алоҳида мустақил фан соҳаси сифатида мавжуд бўлмаган, шу сабабли ушбу даврга оид адабиёт маълумотларида ёки олий ўқув юртларининг ўқув дастурлари таркибида бу ҳақда бирорта маълумот мавжуд эмас. Россияда бу йўналишдаги дастлабки тадқиқот ишлари сифатида 2001 – йилда В.Н.Волченко томонидан «Оламни англаб етиш ва XXI асрда экоэтика» асари нашрдан чиққан ва 2007 – йилда унинг иккинчи наشري чоп этилган³².

Экологик ахлоқшунослик фан соҳасининг асосчилари. Экологик ахлоқшунослик фан соҳасининг асосчилари сифатида немис – француз теолог олими, шифокор ва файласуф – Альберт Швейцер ва Америкалик эколог, зоолог ва файласуф олим – Олдо Леопольд қайд қилинади. А.Швейцер томонидан билдирилган фикрларга кўра, «ҳаёт олдида унга нисбатан ҳурмат бажо қилиш»³³ универсал ахлоқшунослик сифатида қарор топиши зарур ва умумий ҳолатда эса – одамларнинг дунёқараши сифатида ўрин тутиши талаб қилинади. Ахлоқшунослик – бу ҳаёт кечирувчи барча тириклик учун жавобгарлик, маъсулиятни ҳис қилишни англатади.

Бу жойда қандайдир тирик мавжудотга зарар етказилса, зарурият сифатида бу ҳолат аниқ англаб етилиши керак, яъни қочиб бўлмайдиган вазиятлардан ташқари ортикча ҳеч қандай салбий таъсирга эга ҳаракатларни, ҳатто сезиларсиз даражада ҳам амалга оширмаслик талаб қилинади. Мос равишда, одамнинг мавжудлигининг моҳияти – бу микроолам ва макрооламнинг доимий равишда тараққиёти ва ўзаро

³²Қаранг: Волченко В.Н. Миропонимание и экоэтика XXI века наука, философия, религия. МГТУ им Н.Э.Баумана М.2001.432с. иккинчи наشري изд Возрождение,2007 М.; – С.430.

³³Қаранг :А. Швейцер Проблема этики в ходе развития человеческой мысли». (1954–1955),

уйғунликда бўлишини таъминлашга қаратилиши зарур. Агар, А.Швейцер фикрларида марказий ўринга ахлоқий ҳолатлар олиб чиқилса, О.Леопольд томонидан билдирилган фикрларда эса – ахлоқий муносабатлар тизимида экологик жиҳатлар устуворлик қилиши кузатилади, жумладан табиат билан ўзаро зиддиятларнинг вужудга келиши нафақат унинг табиий захираларидан нотўғри фойдаланиш асосида келиб чиқиши, балки заминнинг одам ҳам таркибига кирувчи умумийликнинг бир қисми сифатида назарда тутилмаслиги билан боғлиқлиги қайд қилинади. О.Леопольд томонидан янги атама – «экологик виждон» тушунчаси киритилган³⁴.

Рио Декларацияси. Атроф – муҳит ва ривожланиш бўйича Рио-де-Жанейро Декларацияси (*Рио Декларацияси*) 1992 – йилда БМТнинг навбатдаги анжуманида қабул қилинган³⁵. Унда экосферада хулқ – атвор меъёрлари асосида ишлаб чиқилган экологик ҳуқуқнинг асосий тамойиллари қайд қилинган.

Ҳуқуқий ахлоқшунослик. *Ҳуқуқий ахлоқшунослик* – бу ҳуқуқшуносликнинг касбий фаолиятига оид ахлоқшунослик арангҳисобланади, яъни ҳуқуқий касб соҳасида фаолият олиб борувчи ходимларнинг одоб – ахлоққа оид сифатларига қўйилувчи талаблар ҳақидаги таълимот, ҳуқуқшуносликка оид фаолиятда ҳуқуқий маданият ҳақидаги фан соҳаси ҳисобланади.

Ҳуқуқшунос фаолияти ахлоқшунослиги масаласи Қадимги Рим давридаёқ илгари сурилган. Е.В.Васьковский томонидан қуйидаги фикрлар билдирилган, «адвокатура каби бирорта касбий фаолият тури у билан шуғулланувчи кишилардан шу даражада юксак, одамнинг ҳавасини келтирувчи маънавий – ахлоқий сифатларни талаб қилмайди». Адвокат «ҳуқуқшунослик соҳасида бўлажак мутахасис сифатида, ҳар қандай айёрликларни қонуний шаклда акс эттириб бера олиши мумкин...». Ушбу муаллиф томонидан

³⁴Қаранг. Леопольд О. Развитие этики // Любовь к природе. Мат. Междунар. школы-семинара «Трибуна-6». – К.: Киев. эколого-культурный центр, 1997. – С. 128–129.

³⁵Қаранг. БМТнинг 72 сессияси.

билдирилган фикрларга кўра, «судья ва прокурор ҳам худди шундай тавсифга эга ҳисобланади»³⁶. А.Ф.Кони ўзининг «Жиной жараёнда ахлоқий бошланғичлар» асари³⁷ (1902 – йил) орқали Россияда суд ахлоқшунослиги фанининг асосчиси ҳисобланади.

«Ҳуқуқшуносликка оид ахлоқшунослик», «Ҳуқуқшуноснинг касбий фаолиятига оид ахлоқшунослик», «Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг касбий фаолиятига оид ахлоқшунослик» фан соҳалари сифатида Россияда Ҳуқуқшунослик йўналишидаги олий ўқув юртлари ва олий ўқув юртларининг ҳуқуқшунослик факультетларида ўқув фани сифатида ўтилади.

1973 – йилда суд ахлоқшунослиги йўналишида Россияда дастлабки монография нашр қилинган, бу асар Воронеж Давлат университети Ҳуқуқшунослик факультети олимлари – Геннадий Федорович Горский, Левь Дмитриевич Кокорев, Дмитрий Петрович Котов томонидан ёзилган. Бу иш криминалист ва процессуалист мутахассислар орасида оммавий резонанс ҳолати вужудга келишига сабаб бўлган, қисқа муддат ичида В.Г.Беляев, А.Д.Бойков, Ю.В.Кореневский, М.С.Строгович каби олимлар томонидан ушбу асарга бағишланган тақризларнинг марказий нашрларда чоп этилиши бу ҳақда далолат беради³⁸.

Ҳуқуқшунослик ахлоқшунослиги билан биргаликда, шунингдек ҳуқуқшунослик деонтологияси ҳам ажратиб кўрсатилади, яъни бу йўналиш ҳуқуқшунослик соҳаси бўйича фаолият давомида одоб – ахлоқ ва маънавият (деонтология) масалалари ҳақидаги таълимот ҳисобланади.

2007 – йил 1 – июл санасида Англияда ва Уэльс худудида солисторларнинг касбий фаолиятига оид янги Кодекси чиқарилган ва кучга кирган.

³⁶ Қаранг: Васковський.Е.В. <https://dlib.rsl.ru/01003659541>

³⁷ Қаранг: Кони А.Ф. Основные труды Анатолия Фёдоровича Кони были посвящены воспоминаниям о его юридической деятельности и истории судебной реформы: «Судебные речи» 1988. – С.136.

³⁸ Морозова Л. А. Всесоюзное совещание по проблемам юридической психологии, профессиональной этики юриста и юридической деонтологии // Советское государство и право. – 1989. – № 11. – С. 138–139.

Фалсафий ахлоқшунослик. *Фалсафий ахлоқшунослик* ҳақида баён қилинган умумий тасаввурлардан келиб чиққан ҳолатда, мен унинг сўниб қолишига сабаб бўлувчи қандайдир симптомларни кўрмаяман ва шу сабабли, бу йўналишнинг тақдири ҳақида қайғуришга молик ҳисобланган чақириклар ўринсиз деб биламан. Агар, дунё миқёсида фалсафа ҳақида фикр билдирилса, у ҳолда бу йўналишнинг кўрсаткичларидан бири сифатида «Ethics» журнали алоҳида ўрин тутиши мумкин. Сўнгги 30 йил давомида бу журналда нашр қилинган амалий ахлоқшуносликка оид мақолаларнинг сон миқдори бир неча марта ортганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Бироқ, ушбу давр давомида амалий ахлоқшунослик йўналишида амалга оширилган тадқиқотларнинг мавзулари вариациялари ва тебранишлари ўсиши билан солиштирилса, у ҳолда мос равишда бу йўналишдаги сезиларли аҳамиятга эга бўлган фикрлар қайд қилинувчи муаллифлар сони сезиларсиз даражада ортганлигини кўриш мумкин. Ушбу нуқтаи назардан, йиллик нашрдан чиқарилувчи «Ахлоқшуносликка оид фикрлар»³⁹ тўпламида қандайдир шов – шувга сабаб бўлувчи, ҳавф – ҳатар сигнали сифатидаги фикрлар қайд қилинмайди. Қайд қилиб ўтишим мумкинки, «Ахлоқшуносликка оид фикрлар» тўпламида амалий ахлоқшунослик йўналишга оид мақолалар сони ортиши кутилиши табиий ҳолат ҳисобланади. Бироқ, бу кўринишдаги мақолалар сонининг камлиги эҳтимол, сиёсат билан эмас, балки бошқа сабабларга боғлиқ бўлиши мумкин.

Университетлар доирасида ахлоқшуносликнинг ўқитилиши ишларининг кўрсаткичлари яққол кўзга ташланмайди. Тан олиш керакки, Олий ўқув юртларида ахлоқшунослик курси ҳақиқатдан ҳам ҳозирги вақтда камайиши кузатилади, амалий ахлоқшунослик курси ҳажми эса ортган. Бу дунё миқёсида кузатилувчи тенденция ҳисобланади. Бу ҳолат Россияда ҳам қайд қилинади, бу ҳолат эҳтимол олий мактаб курслари таркибида ижтимоий – гуманитар йўналишда берилувчи таълимнинг қисқартирилиши билан боғлиқ бўлиши

³⁹ Этика: Энциклопедический словарь / Под ред. Р. Г. Апресяна, А. А. Гусейнова. – М.: Гардарики, 2001. – С.242.

мумкин. Олий ўқув юртларида ўқитиш жараёни таркибида амалий ахлоқшунослик курсининг устуворликка эга бўлиши ҳолатида мен фақат ахлоқшуносликнинг амалий жиҳатдан касбий таълимнинг элементларидан бири сифатида қарор топиши ва ушбу нуқтаи назардан унинг тутган ўрнининг аҳамияти ортиб бориши ҳақида фикр билдиришим мумкин.

Фалсафий ахлоқшунослик ҳақида фикр билдирганда, мен ахлоқий жиҳатдан тўйинган ва ахлоқий жиҳатдан йўналтирилувчи фалсафа нуқтаи назаридан ахлоқшуносликнинг фалсафанинг бир қисми сифатида баҳоланишини қўллаб – қувватламайман. Бу сўзсиз равишда масаланинг муҳокама қилиниши учун қизиқарли ҳолат ҳисобланади. Бироқ, ушбу ўринда амалий ахлоқшунослик тушунчасига тенг ҳолатда, фалсафий ахлоқшунослик тушунчаси орқали нимани тушунишимизга ойдинлик киритиб олишимиз муҳим ҳисобланади. Бунда мен фалсафий ахлоқшунослик предмети умумий ва мавҳум тушунчалар даражасидаги одоб – ахлоқ ва маънавий феноменлар ҳисобланишидан келиб чиқиб фикр билдиришни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Қатъий тарзда фикр билдирадиган бўлсак, у ҳолда одоб – ахлоқ – бу фалсафий концепт ҳисобланади. Барча одоб – ахлоққа оид ҳодисаларни ўз ичига қамраб олувчи тарзда, ушбу концепт тарихий ривожланиш давомида «одоб – ахлоқ» тушунчаси шаклланиши ва шунингдек, тарихий фалсафий фикрлар шаклланишидан кечроқ юзага келган. Агар, ушбу йўналишга оид замонавий рус матнларини таҳлил қилиб чиқадиган бўлсак, уларда акс эттирилган ҳолатлар (мен мулоҳаза қила олишим мумкин бўлган даражада) кўп жиҳатдан инглиз матнларидан фарқланмайди, ушбу сўзнинг коннотатив жиҳатдан аҳамияти етарлича даражада ҳаракатчанлик тавсифига эга бўлиб, ҳар доим ҳам фалсафий – ахлоқий тушунча ҳисобланган – «одоб – ахлоқ» тушунчасига мос келавермайди. Ўз навбатида, одоб – ахлоқ бўйича замонавий фалсафий – ахлоқий концепциялар маълум даражада қадриятларга оид ҳақиқий ҳолатларни таҳмин қилишга қаратилган, ижтимоий, маданий ёки тилшуносликка

тегишли қарор топган қоидаларни кўрсатиб беради. Бирок, ижтимоий институтлар доирасида акс этишида воситачилик вазифасини ўтовчи, ижтимоий амалиёт ва якка тартибдаги ҳулқ – атворга нисбатан тадбиқ этилувчи, маълум бир қадриятлардан ташкил топган таркибга эга бўлган одоб – ахлоқ тушунчаларига асосий урғу бурилувчи концепциялар ҳам мавжуд ҳисобланади. Ҳатто, одатдаги мулоҳаза юритишга асосланилувчи одоб – ахлоққа оид онг ушбу масалаларга нисбатан олиб қаралганда, кўпроқ бефарқ тавсифда намоён бўлиши кузатилади. Ушбу ўринда якка тартибдаги ва ижтимоий одоб – ахлоқ ёки ахлоқнинг перфекционистик ва дисциплинар векторлари ўртасидаги ўзаро фарқланишлар ҳақида фикр юритилмайди. Бирок, буларнинг барчаси одоб – ахлоқнинг фалсафий назариялари учун тадқиқот предмети ҳисобланади. Айрим муаллифлар томонидан одоб – ахлоқнинг ички жиҳатдан бир жинсли тавсифга эга эмаслиги тан олинади. Шундай қилиб, Артур Рих томонидан якка тартибдаги ва ижтимоий одоб – ахлоқ билан биргаликда, экологик ахлоқшуносликни ҳам ажратиб кўрсатилади, яъни бунда одамнинг табиатга нисбатан муносабатлари билан боғлиқ бўлган алоҳида бурч ва маъсулияти гуруҳи ажратиб кўрсатилади. Мен ушбу ўринда, якка тартибдаги ва ижтимоий одоб – ахлоқ билан биргаликда, шунингдек коммуникатив ахлоқни ҳам ажратиб кўрсатишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблардим, яъни бунда турли хилдаги якка тартибда олиб қаралувчи, ижтимоий ёки экологик ахлоқ ўртасидаги ўзаро фарқланишлар қайд қилиниши каби, алоҳида индивидлар сифатида одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни бошқарувчи, алоҳида ўзига хос қадриятлар ва меъёрлар мавжудлиги эмас, балки уларнинг ахлоқий жиҳатдан субъективлаштирилиши ва рўёбга оширилишининг эҳтимоллиги мавжуд бўлган ўзига хос усуллари ва шакллари назарда тутилади. Бу масала у ёки бу асосларга мувофиқ ёки ахлоқнинг турли хилдаги таҳлилий – категорияларга оид репрезентацияланиши асосида ахлоқнинг ихтисослаштирилиши давом этиши шароитида интеллектуал нуқтаи назардан ҳисобга

олинмасида, ахлоқнинг фалсафий бўлмаган мулоҳазакорлик асосларини ифодалаб беришда қизиқарли масала ҳисобланади.

Шундай қилиб, биз ахлоқшуносликнинг фалсафий тавсифларини ахлоқ ҳақидаги билимларнинг фалсафа билан алоқадорлигидаги ўзига хос жиҳатлар типлари билан ва бундан ташқари, фалсафий билимларнинг ўзининг ахлоқий кўринишлари билан боғлаш эмас, балки фалсафий ахлоқшуносликнинг қандай билимлар ва усуллар асосида ўзлаштирилишига эътибор қаратишни муҳимроқ деб биламиз [таъкид бизники -А.Ахмедов]. Фалсафий ахлоқшуносликни, унинг табиатини, формати ва эпистемик жиҳатдан тутган ўрнини ва ҳақозо ҳолатларини тушинишда ривожланиш тажрибаси, яъни одоб – ахлоқнинг ўзига хос феномени сифатида ўзига диққатни жалб қилувчи ҳолат сифатида қабул қилинган, дифференциалланган фалсафий билимлар, фалсафий ахлоқшунослик тажрибаси, унинг турли хил жамиятларда тарихий ривожланиши давомида қамраб олиш хусусиятлари, шунингдек ахлоқшуносликка оид билимларнинг табақаланишига олиб келувчи турли хил шаклларда намоён бўлувчи амалий ахлоқшуносликка оид билимлар сифатида партикуляр ахлоқий амалиётларнинг (касбий фаолиятга оид, корпоратив ва бошқа турдаги) вужудга келиши ғоявий ва когнитив жиҳатдан қанчалик таркибий бой бўлишига қарамасдан, ва нисбатан оддий ижтимоий қарор топишлар ва кучсиз даражада табақалашган, техник жиҳатдан таъминотга эга бўлмаган назарий билимлар кузатилувчи шарт – шароитларда ривожланувчи қадимий фалсафага нисбатан солиштирилганда, кўпроқ даражада таъсир кучига эга бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар сифатида қараб чиқилиши мумкин.

2004 – йилда А.А.Гусейнов томонидан замонавий ахлоқшуносликнинг амалий ахлоқшунослик шаклида ривожланиши ҳақидаги фикрлар қўллаб – қувватланган⁴⁰. Бу ғоя диққат – эътибор қаратилиши ва ривожлантирилишига муносиб ҳисобланади. Энг аввало, ушбу ғоянинг ўз мазмун –

⁴⁰ Қаранг :А.А.Гусейнов Этика: новые старые проблемы. К 60-летию А. А. Гусейнова. М., 2004. – С.56.

моҳияти нимада ифодаланишини кўрсатиб ўтишда, биз амалий ахлоқшуносликни айнан қандай кўринишда кўра олишим ҳақида тўхталиб ўтмоқчиман. Биз ушбу ўринда қайд қилиб ўтишни истардики, яъни амалий ахлоқшуносликни назарий билимлар соҳаси (яъни, тизимга солинган ва ички жиҳатдан асослаб берилган) сифатида, шунингдек турли хил фаолиятни амалга оширувчи одамлар муҳим ўрин тутувчи, унинг ахлоқий режими (у мавжуд бўлган вазиятларда), шунингдек ушбу фаолият амалга оширилувчи ижтимоий – маданий шарт – шароитлар ва улар воситасида ахлоқий режим амал қилиши таъминланувчи ижтимоий институтлар фаолиятини назарда тутувчи, маълум бир аниқ муносабатлар (касбий фаолиятга оид ва предмет жиҳатидан аниқ тарзда ифодаланган) асосидаги императив – қадриятларга тегишли таркибга эга бўлган тадқиқот предметини ўз ичига олувчи амалий ишланмалар (маслаҳат бериш, экспертиза, лойиҳалаштириш) сифатида қараб чиқилишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайман. Амалий – ахлоқий билимларнинг ўзига хос белгилари – бу вазиятга оид таҳлил услубиятидан фойдаланиш билан боғлиқ ҳисобланади. Аниқ ва маълум бир типларга оид вазиятларни таҳлил қилиш – бу айнан амалий ахлоқшуносликда қўлланилувчи усуллардан бири ҳисобланади, у амалий ахлоқшуносликнинг ўз – ўзига қаратилган мақсадлари ва бундан ташқари, унинг асосий шакли сифатида ўрин тутмайди. Амалий ахлоқшуносликда амалий ва меъёрий жиҳатдан ифодаланувчи манфаатлар нисбатан кўпроқ даражада намоён бўлади. Бу ҳолатлар маълум бир турдаги ижтимоий амалиётга нисбатан йўналтирилади, яқуний ҳолатда эса – уларга мослашиш сифатида, қабул қилинган сиёсий ва маъмурий – бошқарувга оид қарор қабул қилишлар ва ушбу амалиёт таркибига қамраб олинувчи одамлар фаолиятига оид касбий фаолиятга оид ҳулқ – атвор амалиёти бўйича мажбурият ва маъсулиятни таъминлашга қаратилган ахлоқий тамойиллар ва қоидаларнинг ишлаб чиқилиши амалга оширилади.

Берилган маълум бир ижтимоий амалиёт шароитларида мослашиш ҳақидаги фикрларни ахлоқшунослик назария-

ларининг мослаштирилиши, жумладан умумий фалсафий ҳолатларнинг эмпирик даражага келтирилиши ёки *ad hoc* кўринишида бажарилиши сифатида қабул қилиш керак эмас. Бироқ, амалий ахлоқшуносликда хусусий тажриба амалиёти ва вазиятларни ўрганишга йўналтирилган тадқиқот ва билишга оид умумий жараёнлар билан биргаликда, маълум даражада умумий ахлоқий – меъёрий ҳолатларни ўрганиш ҳам амалга оширилади. Бу кўринишдаги амалга оширилувчи жараёнларда ҳеч қандай алоҳида даражада ўзига хос жиҳатлар мавжуд эмас. Бошқача айтганда, бу ҳолат одамнинг кундалик турмуш тарзи тажрибалари (агар, бу ҳақида умуман фикр билдириш мумкин бўлса) асосида келиб чиқади, яъни бу ҳолатда умумий тамойиллар маълум бир аниқ қарорларга келиш ва ҳаракатларни амалга ошириш мақсадида берилган аниқ вазиятларга нисбатан тадбиқ этилади. Бу ҳолатда ахлоқшунослик субъекти сифатида одам олдида ахлоқий масалаларнинг янгиланиши билан боғлиқ қийинчилик юзага келади, яъни маълум бир аниқ вазиятларда умумий тамойилларни қандай тадбиқ этиш кераклиги масаласи кўндаланг бўлади. Амалий ахлоқшунослик ўзининг алоҳида қамраб олиш кўлами нуқтаи назаридан бу масалани ҳал қилишда қисман фаолиятнинг хусусий типларга оид турлари ва амалиётдан келиб чиқиб иш юритади. Бу фаолият ва амалиётнинг шундай турлари ҳисобланадики, бунда қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратилади:

а) Ушбу масалалар бўйича қадриятлар – меъёрлар мазмунига эга бўлган тажрибанинг тўпланмаганлиги нуқтаи назаридан мислсизлиги;

б) Ички мақсад ва мотивларнинг ўзига хослиги ва бошқа сабаблар устидан турли хил сабабларнинг устуворликка эга кучи (ўз навбатида, ахлоқий мотивлар устидан устуворлик) қайд қилиниши тенденцияси;

в) Манфаатлар тўқнашуви, ўзаро кесишувчи тавсифдаги зиддиятлар эҳтимоллиги ортиши, шу билан бир вақтда уларни тезкор тарзда ҳал қилиш учун вақт ва воситаларнинг танқислиги.

Амалий ахлоқшунослик ўзининг бошланғич, вазиятларга оид – таҳлилий, қадриятларга оид – мулоҳазакорлик асосидаги ва меъёрий ишланмалари билан ушбу амалий қийинчиликларни компенсациялашга ва ушбу ҳолатлар асосида юзага келувчи ахлоқий тушунмовчиликлар, ноаниқликларни бартараф қилишга қаратилади. Фақат ушбу мазмун – моҳиятига кўра, амалий ахлоқшунослик ижтимоий амалиёт таркибида иштирок этувчиларнинг ўзига хос фаолият турларида ҳаётнинг «осонлаштирилиши»ни таъминлайди. Бошқа барча қолган ҳолатларда амалий ахлоқшунослик улар учун малол келувчи ҳолат сифатида ифодаланади, яъни ўзининг амалий ишланмаларида талабларни шакллантириш ёки шунчаки долзаблаштириш (бошқа тўхтамлар асосида шакллантирилган ҳолатда), эркин тарзда амалга оширилувчи фаолиятнинг ўзига хос турлари рўёбга оширилишида ва шунингдек, якка тартибдаги ва жамоавий агентларнинг ижтимоий амалиёти давомида бурч ва маъсулият, жавобгарлик шаклида айрим чеклашларни жорий қилишни кўрсатиб беради.

Ушбу ҳолат асосида барчаси ойдинлашади, яъни амалий ахлоқшунослик нафақат агентлар томонидан амалга оширилувчи фаолият талаблари асосида юзага келувчи саволларгагина жавоб бермасдан, балки одоб – ахлоқ нуқтаи назаридан фикр юритувчи фуқороларнинг жавобгарлик ва маъсулиятни ҳис қилишлари сифатида, агентлар фаолияти амалга оширилувчи жамият талаб ва эҳтиёжлари асосидаги саволларга жавоб беришни амалга оширади. Амалий ахлоқшунослик – бу назарий – амалий билимлардан ташкил топади. У ўзининг назарий қисмида агар у билан аралаш тавсифларга эгаллиги ҳақида фикр юритилмаса, у ҳолда фалсафий ахлоқшунослик масалалари билан уйғунлашади. Уни фалсафий ахлоқшунослик иш олиб борувчи мавҳумлик даражасидаги одоб – ахлоқ ҳолатлари қизиқтирмайди, бироқ амалий ахлоқшуносликда одоб – ахлоқ тушунчалари (турли хилдаги ахлоқий феноменлар каби) орқали аниқлик киритилувчи қандайдир концептуал жиҳатдан турли хиллик назарда тутилади. Шу билан биргаликда, одоб – ахлоқ

тушунчаси бўйича умумийликнинг турли хил даражаларида тадқиқот масалаларини ишлаб чиқиш давомида модификацияланиши қайд қилиниши мумкин. Турли хилдаги фаолият турлари ва ижтимоий амалиётни таҳлил қилишда одоб – ахлоқнинг мазмун – моҳияти ортиқча бўрттириб кўрсатилиши, ўз навбатида ахлоқийлик тушунчасининг трансформацияланиши кузатилади. Кам ҳолатлардаги мустасно билан биргаликда, ушбу мазмун – моҳиятнинг бўрттириб кўрсатилиши ва бундан ташқари, унинг концептуал оқибатлари амалий ахлоқшунослик соҳасида иш олиб борувчилар учун мулоҳаза юритиш предмети сифатида ўрин тутмайди, амалий ахлоқшунослик соҳасида иш олиб борувчи кўпгина мутахассислар томонидан, аниқроқ айтганда амалий ахлоқшуносликнинг турли хилдаги соҳаларида тор йўналишга эга бўлган мутахассислар эҳтимол айнан, фалсафа йўналишидан келиб чиққан мутахассислар ҳисобланиши мумкин, бироқ улар кўпинча ҳолатларда фалсафий ахлоқнинг тегишли билимлар соҳалари, табиий ва ижтимоий масалалари билан сезиларли даражада шуғулланишмайди. Бу фалсафий ахлоқшуносларнинг асосий иши – амалий – ахлоқшуносликка оид амалга оширилувчи тадқиқотларни мониторинг қилиш ва уларни фалсафий умумлаштиришлар учун «эмпирик» материал сифатида қабул қилишдан ташкил топади, шунингдек улар талаб қилинган зарурий вазиятларда одоб – ахлоқнинг фалсафий жиҳатдан тушунилишига айрим тузатиш ва ўзгартиришлар киритишни амалга оширишади.

Бир қатор мисоллар келтириш мумкин. Олайлик, ахборотларга оид ҳамжиҳатлик масаласини қараб чиқайлик. Ахборотларга оид ҳамжиҳатлик тушунчаси орқали инсоннинг шаъни, муносиблик тушунчасининг фалсафий – ахлоқий жиҳатлари таркибий бойитилган, ахборотларга оид ҳамжиҳатлик концепти воситасида бошқаларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш ҳақидаги умумий тасаввурлар ҳар бир чегаравий даражадаги масалаларга нисбатан унинг позициясини эътиборга олган ҳолатда шакллантирилади, жумладан ахборотларга оид ҳамжиҳатлик

кутилиши ва қабул қилиниши бошқаларнинг шаъни ва муносиблик даражасининг тан олинисини белгилаб беради.

Муносиблик ғояси толерантлик ва зулм ўтказишга қаршилик ғоялари билан корреляцияланади. Бунда одамлар ўртасидаги ўзаро ахлоқий алоқадорликларни англаб етишда ҳам ўзига хос ўтиш ҳолати юзага келади, яъни бунда ахлоқий мулоҳазаларда асосий урғу ҳамкорнинг (*рецепиент*) фаолиятига қаратилади ва ахлоқий жиҳатдан қараб чиқишда предметнинг устуворлигига амал қилинади, шундай қилиб шахслараро ўзаро муносабатларнинг (қарорлар қабул қилиш ва ҳаракатларни амалга оширишда агент сифатидаги шахс эмас) ўзи қарор топади. Бошқа бир мисол – табиатга нисбатан муносабатларда мавжуд бўлган ҳаракатлар ва сиёсатга асосланилувчи қадриятларга оид масалалар, жумладан антропоцентрик ва нон-антропоцентристик ёндошувларнинг ўзаро қарама – қарши қўйилишини қараб чиқамиз. Ахлоқий – экологик баҳс – мунозараларда биринчи планга олиб чиқилувчи нон-антропоцентризм асосида ахлоқий жавобгарлик тушунчасининг изоҳланилишида ўтиш ҳолати кузатилиб, яъни, бунда одамнинг нафақат бошқа одамлар олдидаги маъсулияти ва жавобгарлиги масаласи, балки жамият олдидаги жавобгарлиги, Ер планетаси олдидаги жавобгарлиги, ўз навбатида ушбу ҳолатдан келиб чиқувчи тегишли бурч ва маъсулиятлари муҳим ўрин тутиши қайд қилиб ўтилади.

Яна битта мисол сифатида иқлим ўзгаришлари билан боғлиқ бўлган ахлоқий баҳс – мунозараларни келтириб ўтиш мумкин. Глобал миқёсда ҳарорат исишининг сабаби сифатида амалга оширилувчи фаолиятга нисбатан маъсулият ва жавобгарлик, шунингдек ушбу муаммонинг кескинлик даражасини сусайтириш юзасидан зўр беришлар бўйича жавобгарлик масаласи амалий ахлоқшунослик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, етарлича даражада мураккаб масала ҳисобланади. Бир томондан биз бу ерда сабаб ва оқибатларнинг вақт ва макон бўйлаб ёйилиш тавсифига эга бўлиши, бу ҳолатда зарар келтиришга олиб келувчи сабаблар нафақат онгли тарзда амалга оширилмаслиги ва бевосита

намоён бўлмаслиги, балки маълум бир аниқ фаолият турининг келтирувчи салбий таъсири бўйича фактлар ноаниқлиги қайд қилиниши кузатилади. Бошқа томондан эса — иқлим ўзгаришларига қаршилик кўрсатиш масаласининг ҳал қилиниши гарчи, макон бўйлаб тарқоқ ҳолатда бўлсада, жамоавий маъсулият ва жавобгарликни ҳис қилиш, ўзаро уйғун тарзда, глобал кўламда биргаликда ҳаракат қилишни талаб қилади. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, жамоавий ҳаракат қилиш масаласини ахлоқий нуқтаи назардан муҳокама қилиш долзарблашади (турли хил ижтимоий фан соҳаларида ишлаб чиқилувчи масала), бунда мантиқий таҳлил қилиш орқали жамоавий жавобгарлик ва маъсулият механизмларига ойдинлик киритилади.

Кўрсатиб ўтилган ушбу турли хилдаги мисоллар бўйича амалий ахлоқшунослик ва фалсафий ахлоқшунослик ўртасида ўзаро алоқадорлик қандай даражада таркиб топганлигини кўриш мумкин. Ахлоқий жавобгарлик ва маъсулият табиатини (унинг субъекти ва объектини) тушинишда, одоб — ахлоқ нуқтаи назаридан ўзаро алоқадорликлар, ўз — ўзига баҳо беришнинг мазмун — моҳияти, мос равишда унинг ахлоқий жиҳатдан аҳамияти бўйича ўтиш ҳолатлари бевосита амалий меъёрий — ахлоқий тафаккурлаш тарзида амалга ошиши кузатилади, бироқ бунда фалсафада ахлоқнинг назарий жиҳатдан мазмун — моҳиятини англаб етиш ва уни ўзлаштириш жараёни ҳам кузатилади. Агар уни фалсафа тарихи билан умумлаштириш амалга оширилмаса, у ҳолда фалсафий ахлоқшунослик мустақил ҳолатдаги фан ҳисобланмайди, у бу ҳолатда амалий ахлоқшунослик билан турли хил алоқадорлик асосида боғлиқликка эга ҳисобланади, шунингдек бошқа ижтимоий ва гуманитар фанлар билан боғлиқ бўлиб, улардан озикланади ва яқуний ҳолатда эса — уларсиз ривожлана олмайди.

1. Россияда олий ўқув юртлари даражасида кузатилувчи, ахлоқшуносликка нисбатан ҳавfli таҳдидлардан бири сифатида — фалсафий таълимнинг сциентизация тавсифига эгаллиги, тарих фалсафаси ва фан фалсафаси билан

чалкаштириш кўрсатиб ўтилади. Бу кўринишдаги чалкашлик ҳолати олий ўқув юртларида диплом олишдан кейинги фаолиятда ҳам институционал мустаҳкамланади. Фалсафий таълимда бу кўринишдаги ўзгаришлар таъсирини муҳокама қилиш (фалсафа профессорлари учун эмас) – ушбу биз юритаётган муҳокамалар доирасидан чиқиб кетувчи, алоҳида мулоҳазалар юритиш соҳаси предмети сифатида ўрин тутади.

2. Амалий ахлоқшуносликнинг кенг миқёсда ва тармоқланган кўринишда ривожланишига эътибор қаратган ҳолатда, шунингдек унинг чегаравий даражада қатъий эмаслиги, семантик жиҳатдан «*ахлоқшунослик*» атамасининг публицистик жиҳатдан фойдаланилиши, фалсафий ҳисобланмаган махсус матнларда ишлатилишидаги мазмун – моҳиятининг ювилган шаклда қўлланилиши асосида, мен фалсафий ахлоқшуносликнинг предмети сифатида «*ахлоқий фалсафа*» ёки «*ахлоқ фалсафаси*» сўз бирикмаларидан фойдаланишни тавсия қилган бўлар эдим, ўз навбатида «*ахлоқшунослик*» сўзини рационал ва тизимга солинган ахлоқий тасаввурлар, амалий тадқиқотлар ва ишланмалар, суъний тарзда ишлаб чиқилган тартиб ва қоидалар тизимларини ифодалашда қўллаш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

2.2-§. Нафосат фалсафаси ва унинг ижтимоий ҳаётни маънавий гўзаллаштиришдаги аҳамияти

Эстетика (немис тилида – *ästhetik*, грек тилида – *αἰσθησις* – сўзларидан олинган бўлиб, «*сезги, сезгиларга оид ҳис қилиш*» деган маънони англатади) – табиатда ва ҳаётда гўзаллик ва бадий ижоднинг мазмун – моҳияти ва шакллари ҳақидаги фалсафий таълимот ҳисобланиб, саънатнинг ижтимоий онг таркибида алоҳида даражадаги ўзига хос шакл сифатида қараб чиқилишини англатади.

А.Ф.Лосев томонидан билдирилган фикрларга кўра, эстетиканинг ўрганиш предмети ҳақиқий мавжудликнинг барча соҳаларига тегишли бўлган ифодаланиш шаклларида ташкил

топади. А.Ф.Лосев томонидан қайд қилинишича, деярли ижтимоий ҳаётнинг барча соҳалари эстетика учун манба вазифасини бажариши мумкин, эстетика ҳар бир ижтимоий – тарихий тараққиёт даврларида мавжуд бўлган ҳар қандай ҳолатлар асосида шаклланади ва улардан озикланади⁴¹.

Эстетик категориялар. Уч жуфт эстетик категориялар ажратиб кўрсатилади :

- Гўзаллик – хунуклик;
- Юксаклик (олийжаноблик) – пастлик (тубанлик);
- Фожеавийлик – кулгилилик (ҳажвия, ҳазил – киноя, сатира). Шунингдек, фожеавийликнинг сусайтирилган шакли сифатида драматик ҳолатлар кўрсатиб ўтилиши мумкин.

Бундан ташқари гўзаллик категорияси сифатида *қаҳрамонлик* бахс – мунозараларга сабаб бўлувчи ҳолат ҳисобланади. Жумладан, келтирилган талқинлардан бирида у ижтимоий ҳаётдаги ҳолатларнинг юксакликка йўғрилган проекцияси сифатида келтирилади⁴², бошқа бир талқин бўйича эса – фожеавийлик категориясининг талқини сифатида, юксаклик асосида ифодаланиш тарзида қайд қилинади. Шунга ўхшаш тенг ҳолатда, хунуклик ҳам пастлик ва кулгилилик тарзида ифодаланиши мумкин, бунда одатда юксаклик асосидаги ифодаланишлар ва гўзаллик ўзаро аралашмайди⁴³.

Эстетик билимларнинг турлари ва типлари. Эстетика ҳақида ёзувчи муаллифларнинг нуқтаи назарларидаги фалсафий ва услубий қарор топишларга боғлиқ ҳолатда, эстетика куйидаги турларга ажратилади:

- Эмпирик;
- Психологик;
- Расмий;
- Меъёрий;
- Қуруқ муҳокамага асосланилган (*спекулятив*).

⁴¹ Қаранг А.Ф. Лосев Эстетическая терминология ранней греческой литературы. 1-е изд. Ученые записки МГПИ им. В. И. Ленина. М.: МГПИ им. Ленина, 1954. – С.262;

⁴² Ўша жойда

⁴³ Ўша жойда

Субъект – объект муносабатлари тавсифларига кўра, эстетика қуйидаги турларга ажратилади.

- *Эксплицит эстетика* – фалсафанинг мустақил бўлими;
- *Имплицит эстетика* – ички ва бошқа фан соҳаларида эстетик тажрибанинг мустақил тарзда, ярим назарий жиҳатдан мазмун – моҳиятини ифодаланиши⁴⁴.

Эстетиканинг тарихи. Антик даврга оид эстетика. Одатда, эстетиканинг тарихи қадимий (*антик*) даврдан бошланади. Пифагор даврида ҳам гўзаллик деб аталувчи, ўзаро уйғунлик ва сон нисбатларининг ўзаро мувофиқлиги асосида тавсифланувчи, фундаментал эстетик категория табиати билан қизиқишган. Шунингдек, эстетик мушоҳада юритиш йўналишидаги алоҳида фикрлар Қадимги Грецияда яшаб ижод қилган файласуфлар томонидан билдирилган, жумладан Демокрит саънатнинг илҳомлантирувчи тавсифи ҳақида ўз фикрларини баён қилган. Софистлар (Горгий) гўзаллик категориясининг нисбийлиги ҳақида фикр билдиришган⁴⁵. Эстетика йўналишида фикрлар тараққиётига Афлотун сезиларли даражада катта ҳисса қўшган, у ушбу фалсафий жанрни махсус асарлар билан таркибий бойитган, масалан унинг «Буюк Гиппий» асарида «Гўзаллик ўз нима?» саволига биринчи марта батафсил ҳолатда жавоб бериш амалга оширилган. Пир билан мулоқот асарида гўзаллик Эрос тимсолида шаҳвоний майллар билан мужассамлаштирилади. Ион билан мулоқот асарида илҳомланишнинг саънат сифатида илоҳий, мантиқий жиҳатидан англаб етиш қийин бўлган (*иррационал*) тавсифга эгалиги қайд қилинади, «Давлат» асарида эса – асосий саънат сифатида мимесис тушунчаси кўрсатиб ўтилади.

Антик даврга оид эстетик фикрларда ўзининг сезиларли даражадаги илғор фикрлари билан ўз ҳиссасини қўшган вакиллардан яна бири – бу Арасту ҳисобланиб, у «Назм»

⁴⁴Каранг. Бычков В. В. Византийская эстетика. Исторический ракурс. М.- СПб: Центр гуманитарный инициатив, 2017. – С.768.

⁴⁵Каранг. Демокрит / Перевод М. А. Солопова // Новая философская энциклопедия : в 4 т. / пред. науч.-ред. совета В. С. Степин. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Мысль, 2010. – С.816.

(«Шеърят») асари муаллифи ҳисобланади. У ўз замондошлари ва аждодлари томонидан билдирилган, гўзаллик ҳақидаги фикрларни умумлаштирган ҳолатда, гўзалликнинг фаҳмланиши, англаб етилиши сезгиси ва ушбу англаб етиш маҳсули сифатидаги катарсис ҳолати ҳақида тўхталиб ўтади ⁴⁶.

Эстетика мавзуси Эллинизм даврида фаолият олиб борган файласуфларнинг ҳам диққат – эътиборидан четда қолмаган. Клеанф томонидан «Гўзал предметлар ҳақида» трактати ёзилган, шунингдек Хриспис ўзининг «Гўзаллик ва ҳузурланиш ҳақида» трактатини ёзади ⁴⁷. Цицерон томонидан комилликка эришиш ғояси орқали саънатнинг мазмун – моҳияти «декорация» (лотин тилида *decorum* сўзидан олинган) ғояси асосида ифодаланган. Шунингдек, у гўзалликнинг турли хилда намоён бўлиши тавсифга эгаллиги келтириб ўтади, жумладан эркакларга хос гўзалликни (муносиб қадр – қиммат, шаънга оид гўзаллик) аёлларга хос гўзалликка (нафис гўзаллик) қарама – қарши қўяди. Пифагор ғояларида илгари сурилган гўзаллик ҳақидаги фикрлар маълум даражада Витрувий томонидан ривожлантирилган бўлиб, у ўлчамлилик ва мақсадга мувофиқлик – бу гўзалликнинг калит сифатидаги лаҳзаларини ташкил қилишини кўрсатиб ўтади. Псевдо – Лонгин томонидан амалга оширилган изланишлар натижаларида биз янги эстетик категория – яъни, юксаклик категориясини кўришимиз мумкин, унинг мазмун – моҳиятини одамни қамраб олувчи қойил қолиш ва ҳайратланиш ташкил қилишини кўрсатиб ўтади.

Ўрта асрларга хос бўлган эстетика. Ўрта асрларда эстетика масаласи устида Августин тафаккур юритган бўлиб, у томонидан гўзаллик ва мақсадга мувофиқлик (мос равишда) ўзаро қарама – қарши қўйилади. Исидор Севильский томонидан гўзалликнинг қуйидаги кўринишдаги учта тури мавжудлиги ажратиб кўрсатилади: кўркам (*decorum*), салобатли (*speciosus*) ва ёқимли (*formosus*). Нимадир ёки кимдир ҳаракатлар (*gracia*) асосида гўзал бўлса, бошқаси эса – ташқи кўриниши билан,

⁴⁶ Аристотель: Никомахова этика. / Пер. Н. В. Брагинской. М.-Л.: перензд.: М., Гос. публ. ист. б-ка России, 2003.- С.229.

⁴⁷ Ўша асар.

учинчиси – мазмун – моҳиятига кўра гўзал бўлиши қайд қилиб ўтилади. Дионисий Ареопагит томонидан гўзалликнинг табиати айнан ёруғлик мавжуд шароитда қараб чиқилишига ҳаракат қилади, яъни гўзаллик ёруғликда товланиш ва ёркинлик асосида диққатни ўзига жалб қилиши қайд қилиб ўтилади. Саънатнинг илҳомлантирувчи куч сифатидаги тушинилиши саънатнинг дилни ёриштириши тушунчасига алмаштирилади. Византияда эстетика масаласи дастлаб, ташқи оламнинг нусхаси эмас, балки унинг тимсоли сифатида ўрин тутиши ҳақидаги ғоя илгари сурилади ⁴⁸. Гуго Сен-Викторский томонидан саънатнинг маълум мақсадларга йўналтирилиши ҳақида фикр юритилиб, саънатнинг дастлаб одамни барча талаб қилинган ҳолатлар билан таъминлаши (*necessaria*), кейин эса – айёрлик билан уни нафосатни (*grata*) тушинишга ундаши қайд қилинади. Фома Аквинский томонидан гўзалликнинг қуйида келтирилган учта жиҳатидан эътибор қаратилади: яъни, бир бутунлик (*integritas*), ўлчамлилиқ (*consonantia*) ва узвийлик (*claritas*).

Ўйғониш даври эстетикаси. Ўйғониш даврида эстетика инсоний тарбия элементи сифатида тушинилиши ҳақидаги фикрлар қарор топа бошлаган (Витторино да Фельтре). Меъёрида бўлган саънат одамга ҳузур бағишлайди (Козимо Раймонди, Лоренцо Валла, Марсилио Фичино), илҳом бағишлайди, шунингдек дид ва ҳис – туйғуларни чиниктириши қайд қилиб ўтилади. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, неопикуризм ва неостоицизм тарафдорлари ўртасида турли хил фикрлилиқ юзага келади, улар томонидан *саънат кўпроқ даражада ҳузур бағишлайдими ёки панд – насиҳат тавсифидаги маънога эгами?* кўринишидаги саволга ойдинлик киритиш юзасидан баҳс – мунозарали вазият юзага келтирилади. Николай Кузанский томонидан ўрта асрларга хос бўлган анъаналар давом эттирилиб, гўзаллик ҳақидаги мулоҳазаларга келишда диднинг субъектив тавсифлари қайд қилиб ўтилади. Олам гўзал, бироқ мажруҳлик гўзалликни кўра

⁴⁸ Қаранг: Бычков В. В. Византийская эстетика. Исторический ракурс. М. - СПб: Центр гуманитарный инициатив, 2017. – С.768.

олмасликка олиб келади деб таъкидланади. Шунингдек, ушбу муаллиф томонидан биринчи бўлиб, саънат ижод маҳсули сифатида қараб чиқилади, яъни саънат – бу табиатда ўхшаши мавжуд бўлмаган, яратувчанликнинг ўзига хос, ижод билан боғлиқ бўлган шакли сифатида таърифланади. Леон Альберти томонидан гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар тўғрисида гўзалликни йўққа чиқармайдиган ва қўшимча тарзда «безатиш» (*ornamentum*) тушунчаси орқали комилликка эришиш тушунчаси рад этилади. Бундан ташқари, оламда ўз ўрнига эга бўлган хунукликни саънат ёпиб туриши таъкидланади. Леонардо да Винчи томонидан гўзаллик тушунчаси кўриш орқали ҳис қилишгача тавсифлар сифатида таърифланади, бироқ ташқи гўзаллик билан биргаликда ички гўзаллик таркиби (мақсадга мувофиқлик) ҳам мавжудлиги қайд қилиб ўтилади. Гўзалликнинг англаб етилишида унга хунукликнинг қарама – қарши қўйилиши муҳим рол ўйнаши келтириб ўтилади.

Европада янги давр эстетикаси. Англиялик файласуф Шефтсбери томонидан гўзаллик нарвони ҳақида тафаккур юритилиб, ушбу нарвон таркибига ўлик шаклдаги ва саънат шаклидаги гўзаллик киритилади⁴⁹. Гўзаллик илдизлари табиатга бориб тақалиши ва саломатлик ва уйғунлик тушунчаларининг автоном тавсифга эгаллиги кўрсатиб ўтилади. Шефтсбери издоши ҳисобланган – Хатчесон томонидан гўзалликни ҳис қилиш асосида идрок ўлчовлари эмас, балки айнан, сезгилар ётиши таъкидланади. Ушбу муаллиф биринчи бўлиб, гўзалликнинг беғаразлилик тавсифларига эътибор қаратади⁵⁰. Шу билан биргаликда, гўзалликнинг объектив тарзда кўп сондаги одамларга хуш ёқиши қайд қилинади. Шунингдек, Хатчесон томонидан қайд қилинишича, саънатда ўхшатиш (*имитация*) асл нусхага нисбатан гўзалроқ тасаввур ўйғотиши мумкин. Юксакликка йўғрилган гўзаллик ҳақидаги ғоялар Эдмунд Бёрк томонидан сезиларли даражада

⁴⁹Қараи: Ф. Шефтсбери. Эстетические опыты, пер. А. В. Михайлова. М., 1975. – С. 128.

⁵⁰ Ф. Хатчесон /Перевод . М. А. Абрамов // Новая философская энциклопедия : в 4 т. / пред. науч.-ред. совета В. С. Степин. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Мысль, 2010. – С. 86.

ривожлантирилган⁵¹. Агар, гўзаллик одамга ҳуш ёкса ва уни тинчлантирса, у ҳолда бу ҳолат юксаклик асосида ифодаланиши, бироқ ушбу ҳолатнинг кўрқинч ва ваҳимага тушиш билан боғлиқ ҳолатлиги таъкидланади. Ушбу кўринишда гўзаллик ва юксакликнинг Бёрк томонидан карама – қарши қўйилиши Кантнинг эстетик ғоялари учун илҳом бағишлаган. Давид Юм биринчи бўлиб, эстетик дид тушунчасини долзаблаштиради⁵².

Европада илм – фаннинг гуллаб – яшнаши даврида Францияда эстетика йўналишида гўзаллик ва ҳис – туйғуларнинг ўзаро чамбарчас боғлиқлиги ҳақидаги ғоялар илгари сурилган (Жан Батист Дюбо, Гельвеций)⁵³. Саънат кўз билан илғаб олиш мумкин бўлган гўзалликни яратиш сифатида, шунингдек одатдаги ҳаётда одамга етишмаган ҳолатларнинг ўрнини тўлдириш нуқтаи назариядан қараб чиқилган. Чуқур кўринишдаги эстетик мулоҳаза юритиш ҳолатлари Вольтер томонидан илгари сурилган ғояларда ўз аксини топган, бунда бир томондан гўзалликнинг нисбий тушунча эканлиги тан олинган бўлса, бошқа томондан эса – унинг таркибида тарбияга оид сезиларли элементлар мавжудлиги таъкидлаб ўтилади. Шунингдек, ушбу муаллиф томонидан нафосат (*элегантик*) латифликдан ажратилган ҳолатда ифодаланади ва эстетик дид ва истеъдод нисбати ҳақида тафаккур юритилади. Дидро томонидан гўзаллик идеали ҳақидаги масала илгари сурилади, бунда у саънатнинг оддий тарздаги илҳомлантиришдан ташкил топганлигини таъкидлайди.

Эстетиканинг атама сифатида фойдаланилиши 1754 – йилда Баумгартен томонидан сезгиларга оид билимларни ифодалаш мақсадларида амалга оширилган⁵⁴. Дастлаб, «*эстетика*» тушунчаси сезгиларга оид билишнинг (саънат, одамнинг ҳис – туйғулари орқали, бироқ бу ҳолат нафақат

⁵¹ Каранг. Бёрк Эдмунд / под ред. А. М. Прохорова – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969. – С.129.

⁵² Д. Юм Сочинения в 4-х тт. – Т.1-4. – М., 2000–2006.

⁵³ Ўша жойда

⁵⁴ Каранг. Баумгартен. Texte zur Grundlegung der Asthetik, hrsg. v. H. R. Schweizer. Hamb., 1983; в рус. пер.: В кн.: История эстетики, т. 2. М., 1964, с. 449–465.

саънат асарлари яратилиши йўналишида тарқалиши, балки табиат, одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар йўналишларига ҳам тадбиқ этилган) амалга оширилиши сифатида қайд қилинган. Винкельман томонидан антик даврга тегишли бўлган маданият мисолида саънатнинг цикл кўринишидаги ривожланиши таълимоти тадбиқ этилган бўлиб, бунда саънат қадимий, юксак, гўзал ва илҳомлантирувчи ривожланиш босқичларини босиб ўтганлиги таъкидланади⁵⁵.

Кант томонидан эстетиканинг фан сифатида тан олинishi гоёси йўққа чиқарилади, бунда гўзаллик диднинг танқидий ўрганилишидан бошқа ҳеч нарса эмаслиги қайд қилинади⁵⁶. Эстетик мулоҳаза юритиш (дид) ўз таркибида билишга оид (ва амалий) қимматга эга эмаслиги, балки фақат субъектнинг объектга нисбатан муносабатларини қайд қилиши кўрсатиб ўтилади. Шунга ўхшаш тарзда, Бёрк томонидан ҳам иккита калит сифатидаги эстетик категориялар ўзаро қарама – қарши қўйилади – яъни, гўзаллик ва юксаклик, бироқ юксаклик таркибида математик (юлдузлар осмони) ва динамик юксаклик (бўлажак денгиз) тавсифдаги ҳолатлар ўзаро фарқланади. Немис романтикасида (Шлегель) ҳазил – киноя тарзидаги ҳолатларнинг ижод бошланғичи сифатида маънога эгаллиги қайд қилиб ўтилади⁵⁷. Ҳазил – киноя танқидий ёндошувни ўзида ифодалаб, материал билан ишлашнинг осонлаштирилиши ва нуфуздан мустақиллик ҳолатларини ўзида ифодалаши таъкидланади. Шиллер томонидан билдирилган фикрларда ҳазил – киноя мақсадсиз ўйин тавсифида ўзгартирилади⁵⁸. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, биринчи ўринга *грация* категорияси – яъни, «*ҳаракатлар асосидаги гўзаллик*» олиб чиқилади. Шиллер томонидан содда (тажрибасизликка асосланган) ва сентименталь тавсифдаги (нозик тарзда камолга етказилган) саънат ўзаро фарқланади. Гёте томонидан

⁵⁵Қаранг. И.-И. Винкельман. Избранные произведения и письма. Ладомир, Academia – 1996. – С.83.

⁵⁶Қаранг.И. Кант. Сочинения в шести томах. Том 6. – М., 1966, – С.793. (Философское наследие, Т. 17)

⁵⁷Қаранг. Шлегел К. В. Ф. Сочинения. Т. 1. Философия жизни. Философия истории. – М.: Quadrivium, 2015. - С.816.

⁵⁸ Қаранг.Шиллер Ф. П. жизнь и творчество. – М.: Гослитиздат, 1955. – С.36.

мимезис ғояси ривожлантирилиб, бунда илҳомлантириш манёврларда ривожлантирилиши ва манёвр эса – услубни юзага келтириши қайд қилиб ўтилади⁵⁹. Шунингдек, у томонидан мажозий ўхшатишлар ва тимсол ўзаро бир – бирига қарма – қарши қўйилади, бу ғоя навбатдаги даврларда Шеллинг томонидан ривожлантирилади⁶⁰. Зольгер биринчи бўлиб, тўртта эстетик категорияларни ажратиб кўрсатади: яъни, гўзаллик, юксаклик, кулгилилиқ ва фожеавийлик.

Айнан, Зольгер саънатнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида ҳаёлот муҳим ўрин тутишини кўрсатиб ўтади⁶¹.

Гегель томонидан эстетика фалсафий саънатга айлантиради, бунда у дин ва фалсафа билан биргаликдаги Мутлоқ руҳнинг учта босқичларидан бири ҳисобланиши таъкидланади⁶².

Замонавий эстетика. Замонавий эстетика бир қатор ўзаро бир – биридан ажратилган йўналишлар билан ифодаланади. Жумладан, феноменологик эстетика (Р.Инграден) кенг кўламда тарғиб қилинади⁶³. Эстетик масалалар марксизм, психологик таҳлил, экзистенциализм ва шунингдек структурализм доирасида ривожлантирилган. Агар, марксизм томонидан саънатда энг аввало, ғоялар ва ижтимоий ўзаро зиддиятларнинг ифодаланиши устувор ҳисобланиши келтирилган бўлса, у ҳолда психологик таҳлил йўналишида ижодда онгсизлик ҳолатларининг сублимацияланишига алоҳида эътибор қаратилади. Структурализмда ва постструктурализм йўналишларида Р.Барт бадиий ижоднинг

⁵⁹ Қаранг. Гёте «Годы учения Вильгельма Мейстера» (1795–1796), «Годы странствий Вильгельма Мейстера» (ч. 1–3, 1821 – 1829);

⁶⁰ Қаранг. Шеллинг. Философские исследования о сущности человеческой свободы и связанных с ней предметах (1809) (Philosophische Untersuchungen über das Wesen der menschlichen Freiheit und die damit zusammenhängenden Gegenstände, 1809);

⁶¹ Қаранг. Зольгер, Карл-Вильгельм-Фердинанд // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890–1907.

⁶² Қаранг. Гегель. Курс эстетики или наука изящного. – СПб., 1847 (Части 1-2 в 2 т.); Москва, 1859-60 (Часть 3 в 3 т.). Третья часть переиздана в Москве в 1869. Перевод В. А. Модестова.

⁶³ Қаранг. Р.Ингарден. Исследования по эстетике. – Москва: Издательство иностранной литературы, 1962. – С.496.

изоҳланилишида семиотик ёндошувдан фойдаланиш оммалашиши кўзга ташланади⁶⁴.

Гўзаллик – бу марказий ўринни эгалловчи эстетик категория бўлиб, фалсафий фан сифатида эстетиканинг ўрганиш предмети ҳисобланади. «*Гўзаллик*»нинг англаб етилиши «*чиройлилик*» тушунчаси билан боғлиқ ҳисобланади, бироқ у билан айнан ўхшаш ҳисобланмайди.

Гўзалликка қарама – қарши маънога эга тушунча – бу *хунуклик* ҳисобланади.

Гўзаллик категорияси таркибида ҳақиқий мавжудлик ҳодисалари ўз аксини топади, жумладан саънат асарлари ифодаланган бўлиб, одамга ҳузурланиш ҳис – туйғусини бахш этади, шунингдек эркинликнинг предмет – сезгиларга оид шаклларини ўзида ифодалайди ва одамнинг ижодий, билишга оид қобилиятларининг батафсиллигини акс эттиради. Гўзаллик – бу олий эстетик қадрият ҳисобланади. Гўзаллик мукамаллик, комиллик ёки эзгулик ҳақидаги тасаввурлар билан ўзаро мос келади. Гўзаллик фалсафасида асосий ижобий шакл – бу борлиқнинг намоён бўлиши билан боғлиқ ҳисобланади. Гўзаллик ҳар доим эстетик идеал тушунчаси билан боғлиқ ҳисобланади. Ушбу тушунчага нисбатан яқин тушунчалар сифатида – уйғунлик, комиллик, гўзаллик, чиройлилик кабилар кўрсатиб ўтилади.

Эстетикада гўзалликнинг тушунилишида бир нечта моделлар мавжуд ҳисобланади:

- *Идеалистик модел.* Бунда гўзаллик маълум бир аниқ нарса ёки ҳодисаларда Яратганнинг қиёфаси акс этиши ёки Мутлоқ ғоянинг намоён бўлиши сифатида тушинилади.

- *Субъективистик модел.* Бунда гўзаллик – объектив ҳолат сифатида намоён бўлмайди. Гўзалликнинг манбаи сифатида одамнинг ўзи ва унинг онги илгари сурилади.

- *Материалистик модел.* Бунда гўзаллик – нисбатан табиатга яқин бўлган, ҳақиқий мавжуд борлиқнинг объектив хосса ва хусусиятларининг намоён бўлишини англатади.

⁶⁴Қаранг: Р. Барг Р. Барт. Избранные работы: Семиотика, Поэтика / Пер. с фр. / Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г. К. Косикова. – Москва: Прогресс, 1989. – С.82.

• *Релятивистик модел.* Бу ҳолатда гўзаллик – борлиқнинг одам билан биргаликда гўзаллик ўлчови сифатидаги жиҳатларини нисбатларини ифодалайди.

Гўзалликнинг ўзига хос тавсифлари:

• Гўзаллик универсал қонуниятлар ёки гўзалликка оид қонуниятларда ўз аксини топувчи, объектив асосларга эга бўлиб, бу қонуниятлар – уйғунлик, симметрия, ўлчовлардан ташкил топади;

• Ўз навбатида, шунингдек гўзаллик маълум бир аниқ тарихий тавсифларга эга ҳисобланади;

• Гўзаллик ҳақидаги тасаввурлар одамларнинг маълум бир аниқ ижтимоий ҳаёт шароитларига, унинг турмуш тарзи ва ҳаёт услубларига боғлиқ ҳисобланади;

• Бундан ташқари, гўзаллик идеали миллий маданиятнинг ўзига хос хусусиятларига боғлиқ ҳисобланади;

• Гўзалликнинг субъекти тарзда тушинилиши яқка тартибдаги маданиятлар даражаси, шахснинг эстетик диди билан белгиланади.

Л.Н.Столович томонидан қайд қилинишича: «Гўзаллик қуйидаги кўринишда тўртта турда бўлиши мумкин: яъни, адолатли, қаҳрамонона, тартибли ва идрокка асосланилувчи ёки айнан ушбу хоссалар гўзал амалларга (ҳаракатларга) ҳам тегишли ҳисобланади»⁶⁵. Вольтер томонидан қуйидаги фикр билдирилади: «Ҳатто, аҳмоқ одам ҳам гарчи, уларни илҳомлантиришга уринмасда, барибир гўзал хислатларга эга бўлган, эзгулик қилувчи соҳибларни тан олади. Ўз навбатида, фақат бизнинг ташқи сезгиларимизга таъсир кўрсатувчи гўзаллик ушбу ўринда нисбий тавсифга эга ҳисобланади. Агар, у юракдан айтилмаган бўлса, у ҳолда бундай гўзаллик асл гўзаллик ҳисобланмайди»⁶⁶.

Хунуклик – бу эстетика соҳасининг категорияларидан бири бўлиб, гўзалликка қарама – қарши қўйилади. Шунингдек

⁶⁵ Қаранг. Л.Н.Столович .Столович Леонид Наумович // Философы России XIX столетий. Биографии, идеи, труды. – Издание второе, переработанное и дополненное. – 4-е изд., – Москва, 2002. – С.835.

⁶⁶Қаранг. *Акимов А. А.* Вольтер. – М. : Молодая гвардия, 1970. – С 448. – (Жизнь замечательных людей. Выпуск 13 (489)).

бу тушунча гўзаллик тушунчасига муносабат билдиришда фойдаланилади. Хунуклик мавжуд борлиқнинг маълум бир аниқликдаги ички ўлчовлари бузилишининг ташқи томондан намоён бўлиши сифатида белгиланади. Ўз – ўзидан «хунуклик» сўзининг мазмун – моҳияти «*мақсадга мувофиқ ташқи қиёфанинг мавжуд эмаслиги*»ни англатади, яъни қандайдир тартибсиз ва шаклсизликни англатади, психологик тушунча сифатида таназзул ёки ўлим инстинкти маъносида қўлланилади.

Кўпинча ҳолатларда хунукликнинг яратилиши мавжуд ҳақиқий борлиқнинг салбий тимсолда намоён бўлиши тавсифидаги саънат сифатида қайд қилинади. Қайд қилиб ўтиш керакки, қадимдан (Арасту ва унинг «Назм» асари дунёга келиши давридан бошлаб), хунукликнинг саънат воситалари орқали ифодаланиши ҳам эстетик жиҳатдан ҳузурланиш хиссини ўйғотиши, акс эттирилган ҳолатларнинг суънийлиги ва салбий ҳис – туйғуларнинг йўқотилиши мақсадларида амалга оширилиши кузатилади.

Хунуклик ғояси немис файласуфи Иоганн Карл Фридрих Розенкранц томонидан ривожлантирилган. Бу масала бўйича у ўзининг «Хунуклик эстетикаси» (1853 – йил) асарини яратади⁶⁷. У томонидан билдирилган фикрларга кўра, гўзаллик ғояси қочиб бўлмайдиган тарзда хунукликнинг таҳлил қилинишига олиб келади. Шундай қилиб, гўзалликка қарама – қарши бўлган, салбий шакл сифатидаги хунуклик тушунчаси эстетиканинг таркибий қисмига айланган. Розенкранц томонидан хунукликнинг ҳам пағонали тавсифга эга бўлган таснифланиши ишлаб чиқилган:

- Табиатдаги хунуклик;
- Руҳий хунуклик;
- Саънатдаги хунуклик.

Розенкранц томонидан бир нечта кенжа турлардан ташкил топган хунукликнинг асосий учта тури ажратиб кўрсатилади:

I. Шаклнинг мавжуд эмаслиги ёки шаклсизлик:

⁶⁷Караг. Розенкранц Ф.К.И. *Meine Reform der hegelischen Philosophie*. Kgsb., 1852. – С.59.

- А. Аморф тавсифга эга бўлиш;
- Б. Асимметрия;
- В. Уйғунлик йўқлиги (*дисгармония*);
- II. Ноаниқлик (қийшиқлик):
- А. Умуман ноаниқлик (нотўғри, қийшиқлик);
- Б. Саънатнинг турли хил услубларида нотўғрилиқ;
- В. Саънат турларидаги нотўғрилиқ;
- III. Деформация ёки шаклнинг бузилиши:
- А. Ординар тавсифда:
 - 1) Пасайиш;
 - 2) Кучсизланиш;
 - 3) Арзимаслик;
- Б. Ёқимсиз (жирканч);
 - 1) Қўпол;
 - 2) Ўлик ва бўм – бўш;
 - 3) Разиллик (қабихлик);
- В. Кулгили қиёфада акс эттириш (*карикатура*).

Хитой фалсафасида хунуклик гўзаллик категорияси билан чамбарчас боғлиқ ҳолатда ифодаланади⁶⁸. Хунуклик категориясининг ушбу хоссасига Хитойлик донишманд – Лао-Цзы алоҳида диққат – эътибор қаратган:

Осмон тагидаги Оламда ҳамма томонидан гўзаллик нималиги англаб етилиши лаҳзасида хунуклик ҳақидаги тушунча вужудга келади.

Юксаклик – бу эстетиканинг марказий категорияларидан бири бўлиб, предметлар ва ҳодисаларнинг ички моҳиятини тавсифовчи ҳолатлар ҳақиқий идеал ҳолатдаги шакл, ифодаланишлар ва ўлчовлар билан эмас, аксинча ошириб кўрсатилишдан ташкил топади.

Антик даврда юксаклик нотиклик саънатининг ўзига хос тавсифловчи услубларидан бири ҳисобланган.

Кейинги даврларда Эдмунт Бёрк томонидан амалга оширилган тадқиқотларда, жумладан унинг «Юксаклик ва гўзаллик ҳақидаги бизнинг тушунчаларимизнинг вужудга келиши бўйича фалсафий тадқиқотлар» асарида (1757 – йил) бу

⁶⁸Қаранг. Конфуций. Беседы и суждения М. Политздат. 1980. – С.48.

категория устида иш олиб борилган. Бёрк томонидан тавсифланган юксаклик – бу «у ёки бу ҳолатда сиқилиш ёки ҳавф – хатар ҳақидаги тасаввурларни юзага келтирувчи, яъни у ёки бу кўринишдаги барча ваҳимали ҳолатларни ўз ичига олади»⁶⁹.

Ўзининг «Лаокоон ҳақида» деб номланган мақоласида (1798 – йил) Гёте томонидан шундай фикр келтириладики, яъни саънат асарларининг таркиби ўзининг нисбатан юқори ривожланиш лаҳзасида чекланган ҳақиқий мавжуд борлик асосидаги одам руҳиятини кўтара олиш қобилиятига эга бўлган тасвирлаш предмети сифатида ўрин тутиши талаб қилинади⁷⁰.

Кант фикрларида юксакликка нисбатан билдирилган нуқтаи назарлар. Кант фикрларида гўзаллик ва юксакликнинг таҳлил қилиниши унинг «Мулоҳаза қобилиятини танқид қилиш» (1790 – йил) асарида ўз ифодасини топади. Бунда юксакликнинг мазмун – моҳияти – унинг қийматида ўз аксини топиши таъкидланади. Юксаклик ҳисси – бу ваҳимага тушиш билан боғлиқ қониқиш ҳисси ҳисобланади.

Пастлик – хунукликнинг чегаравий даражаси бўлиб, фавқулодда даражада салбий қимматга эга бўлган ҳолат, инсоният учун салбий аҳамиятга эга мавжудлик, эрксизлик сфераси сифатида таърифланади. Бу ҳали ўзлаштирилмаган ҳодиса, одамларга бўйсинмайдиган ва улар учун ҳавф – хатар туғдириш эҳтимоллигига эга бўлган ҳолат сифатида ўрин тутди. Бу ҳолат ўз таркибида фалокатлар манбаини сақлаши ва тубанлик сифатида қабул қилинади (милитаризм, тоталитаризм, фашизм, атом уруши).

Антик давр фалсафасида пастлик тушунчаси. Антик давр фалсафасида донишмандлар томонидан одамнинг ҳайвонларга хос бўлган айрим инстинктлари, пастлик, тубанликни қумсаш тавсифида ифодаланиши қайд қилинади.

⁶⁹ Э.Берк / под ред. А. М. Прохорова – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969.-С.41.

⁷⁰Караиғ. Г. Гёте «Годы учения Вильгельма Мейстера» (1795–1796), «Годы странствий Вильгельма Мейстера» (ч. 1–3, 1821 – 1829). – С.235.

Арасту томонидан «Никомах ахлоқшунослиги»⁷¹ - асарда ҳаёт тарзининг қуйидаги асосий учта тури ажратиб кўрсатилади:

- Тўлиқ ҳолатда ҳузур – ҳаловат ва роҳатланиш асосидаги ҳаёт;
- Давлатга оид ҳаёт тарзи;
- Лоқайдлик.

Арасту томонидан билдирилган фикрларга кўра, кўпгина одамлар ўзларининг пастликлари тўлиқ ҳолатда намоён бўлишини кўришга нисбатан, онгли равишда тўлиқ ҳолатда ҳузур – ҳаловат ва роҳатланиш асосидаги ҳаётни танлашади. Арасту фикрларида акс этирилган бебошлик тушунчаси ҳайвонлар билан одамларнинг қандайдир умумийлиги асосидаги ҳис – туйғулар билан боғлиқлиги таъкидланади. Бу кўринишдаги ҳайвоний ҳис – туйғулардан лаззатланиш, уларга бутунлай ружу қўйиш, бу демак кимсанинг ҳайвон кўринишида ҳаёт кечиришини англатади.

Афлотун томонидан илгари сурилган таълимот таркибида одам руҳияти учта қисмга бўлинади ва улар қуйидаги кўринишда ифодаланади:

- Идеал тарздаги, идрокка асосланилган қобилиятлар;
- Ирода – хоҳиш истакка асосланилган руҳият;
- Инстинктларга асосланилувчи, жазава ҳолати.

Ушбу қисмлардан қайси бири устуворлик қилишига боғлиқ ҳолатда, одамнинг тақдири белгиланади, шунингдек унинг фаолияти йўналишлари, ҳаётининг мазмун – моҳиятига ойдинлик киритилади. Кўпгина одамлар ҳис – ҳаёжон ва туйғуларга бўйсиниш асосида ҳаёт кечиришади, уларда одатда ҳаққонийлик, адолат ва ақл – идрок эмас, балки ўз ҳулқ – атворида худбинлик, ўз – ўзинигина ўйлаш тавсифидаги ҳолатлар бошқаруви устуворлик қилиши кузатилади.

Афлотун одам табиатини ўзгартириш мумкинлигига ишонч билан қараган, одам табиатининг ижтимоий ҳаётда минг йиллар давомида қарор топганлигига қарамасдан, унинг асл

⁷¹ Қаранг: Арстотель. Этика. – Эксмо, 2020. – С. 153–154.

моҳиятидаги «пастлик» ўйғонишига «юксаклик» орқали тўсқинлик қилиш мумкинлиги таъкидланган⁷².

Дин ва илоҳиётда пастлик тушунчаси. Христиан динида эътиқоднинг бузилиши гуноҳ ҳисобланади. Христиан динига мансуб кишилар учун бу кўринишдаги бузилиш ҳолатлари пастлик (тубанлик), номуносиблик сифатида баҳоланади. Христиан динида қарор топган тасаввурларга кўра, барча одамлар ўз асл моҳиятида «бошланғич гуноҳкорлик» муҳрига эга ҳисобланади. Одам зоти (Одам ато) дастлаб бадном қилинган ва гуноҳкорга айланган. «Бошланғич гуноҳкорлик» атамаси Соадатли Августин томонидан келтирилган. Одамзод гуноҳкор сифатида белгиланган лаҳзадан бошлаб, ўз эркинликларидан жудо бўлган, ўз истак – хоҳишлари кулига айланган ва энди гуноҳ қилишдан ҳоли бўлган. «Бошланғич гуноҳкор» атамаси христиан динида барча жойда қабул қилинган⁷³.

Протестантизм динида пастлик тушунчасининг ифодаланиши. Лютер томонидан ёвузлик одам табиатининг бошланғичи учун хос хусусият ҳисобланиши келтирилади. Бу хусусият одамнинг қандайдир эзгу амални ихтиёрий, мустақил тарзда рўёбга оширишига тўсқинлик қилувчи ҳолат сифатида қайд қилинади⁷⁴. Пастликда ишонч – эътиқод ва одамнинг кўмакка муҳтожлиги, унинг қандайдир эзгу амалларни рўёбга ошириш учун ўз ихтиёрига эга эмаслиги ҳолати Лютер фикрига кўра, Яратган томонидан белгиланган, одам руҳияти учун хос пастликнинг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Агар, одам фақат ўзини пастликка мойиллигини намойиш қилса, ўз хоҳиш иродаси, эркинлигини рад этса, ўзининг ғурур – шаънидан воз кечса, у ҳолда унга нисбатан Яратганнинг марҳамати устуворлиги қайд қилинади. Лютер томонидан илгари сурилган ғоялар янада мутаасиб кайфиятда, «Ирода

⁷²Қаранг: Платон Platon bob esponga muerto – Œuvres complètes / под ред. L. Brisson – Париж: 2008. – С. IX. – ISBN 978-2-08-121810-9

⁷³Қаранг: А. Августин Творения. / Пер. Киевской духовной академии (1879–1908, в 11 ч.). периздание этого перевода в 4 т.: Сост. С. И. Еремеева – СПб.: Алетейя – Киев: Уцимм-пресс, 1998.

⁷⁴ М. Лютер Лютер М. Время молчания прошло. Избранные произведения 1520–1526. – Харьков, 1994. – С. 202.

куллиги» памфлетда одамнинг заифлиги ҳолатни акс эттирилади, бу ҳолат ирода эркинлигини ҳимоя қилишга йўналтирилган Эразм Роттердамский фикрларига қарама – қарши қўйилади⁷⁵. Индивиднинг ўз пастлигини ҳис қилиши ва тан олишига мажбур қилиниши, унинг барча нуфуз ва муносиблигининг ҳеч нарсага арзимас ҳолатлар эканлиги уқтирилиши, унинг Яратган қўлида шунчаки иродасиз қурол ҳисобланиши асосида Лютер одамни ўзига нисбатан ишончсизлик билдириши, ўзининг шахсий шаъни, муносиблигини йўққа чиқарилиши кузатилишини таъкидлайди, ўз навбатида бу ҳолатдаги одамга зулм қилувчи ҳар қандай ҳокимиятга нисбатан одамнинг қаршилик кўрсатиш хусусияти намоён бўлиши кузатилмайди. Ж.Кальвин теологияси мазмунига кўра, Лютер теологиясига ўхшаш тавсифга эга ҳисобланади⁷⁶. Кальвин теологиясида одамнинг қуйига томон интилиши зарарлиги ва ушбу кўринишдаги пастликка интилиш асосида Яратганнинг унга марҳамати тўлиқ кучга кириши қайд қилинади. Бунда одам ўз тақдирининг хўжайини ҳисобланмаслиги кераклиги таъкидланади. Одам шунчаки ўз – ўзидан қандайдир эзгуликни амалга оширишга интилиши – бу шунчаки беҳуда ҳолат сифатида қайд қилинади.

ХІХ аср фалсафасида этетика. Розенкранц Иоганн Карл Фридрих. Хунуклик тушунчаси билан эстетикада немис файласуфи, донишманд – олим – Гегелнинг шогирди ҳисобланган – Иоганн Карл Фридрих Розенкранц шуғулланган. У ўзининг «Хунуклик эстетикаси» асарига (1953 – йил) гўзаллик ғоясининг ривожланиши бевосита қочиб бўлмайдиган тарзда хунуклик тушунчаси билан боғлиқлигини қайд қилиб ўтади⁷⁷. Юқорида таъкидланганидек, Розенкранц томонидан хунуклик категориясининг пағонали таснифланиш тизими ишлаб чиқилган. Ўртамиёналик, оддийлик юксакликка

⁷⁵Қаранг: Э.Роттердамский «Наставление христианского государя», М.Политздой. 1986. – С.96.

⁷⁶Қаранг: Ж.Кальвин Лихачев Е. Европейские реформаторы. СПб., 1972. – С.321.

16. Ян Гус. Мартин Лютер. Жан Кальвин. Торквемада. Лойола. Биографические очерки. М.: Республика, 1995. – С.24.

⁷⁷Қаранг: Розенкранц 1834. Das Verdienst der Deutschen um der Philosophie der Geschichte. Kgsb., 1835;

нисбатан қарама – қарши қўйилади. Мисол сифатида, алоҳида шахснинг унда маълум бир пағона даражасида аниқ бир одамга боғлиқлиги намоён бўлиш ҳолатида ўртамиёналик ҳолати кузатилади. Бу кўринишда қайд қилиб ўтилган боғлиқлик одамнинг ўз шаъни, муносиблиги учун кураша олиши тушунчаси рўёбга оширилишига тўсқинлик қилади. Агар, юксаклик асосидаги ҳолат ирода ва ҳаёт, тарбия ва ижтимоий ҳолатидан қатъий назар, вақт ва макон бўйлаб чегараларни чексизлика томон ёриб ўтиши қайд қилинса, бу ҳолатда пастлик унинг мавжудлиги зарурияти талаб қилинмасада, қандайдир тўсиқ сифатидаги чегараларнинг қарор топишини белгилаб беради. Агар, юксаклик эркинликнинг рўёбга оширилишини таъминласа, пастлик зарурий ҳолат ҳисобланмаган вазиятларда ҳам ҳақиқий мавжудлик асосидаги эркинликнинг чекланишига олиб келади. Одатдаги кундалик турмушда мисол учун, олайлик алоҳида одамнинг пастлик асосида ҳақиқий мавжуд бўлмаган ҳолатларга нисбатан ўта майдакашлик билан мўлжал олиши давомида у ўз – ўзини рўёбга оширишда аслида мавжуд бўлмаган тўсиқларни вужудга келтиради ва бу кўринишда одам майда – чуйда ҳолатлардан ҳоли бўла олмайдиган, ушбу икир – чикирларни бартараф қила олмайдиган одам сифатида намоён бўлади.

Людвиг Фейербах. Л.Фейербах *антропологизм* ғояси тарафдори ҳисобланган, яъни ушбу ғояга биноан, одам соф ҳолатда табиатнинг маҳсули, табиатга тегишли моҳият сифатида, биологик мавжудот сифатида тавсифланади. Бунда одамнинг руҳий бошланғичи унинг моддий танасидан алоҳида, мустақил ҳолатда мавжуд бўлиши мумкин эмас, руҳ (жон) ва тана – бу одам организмининг ўзаро узвий боғлиқликдаги иккита жиҳати деб таъкидланади. Л.Фейербах ўзининг «Христиан динининг моҳияти» асарида (1841 – йил) «Яратган» (Худо) тушунчасининг пайдо бўлишини кўрсатиб ўтади, бу тушунчани у хусусий, ҳақиқий мавжудлик ҳисобланган одамга хос бўлган сифатларнинг идеаллаштирилиши, муболага асосида ифодаланиши ва мутлоқлаштирилиши сифатида таърифлайди. Яратган – бу одамнинг камчиликлари ва

ожишликлари пағона даражасидан қандайдир маънода ҳоли ва озод бўлишни англатувчи тушунча ҳисобланиши қайд қилинади. Бироқ, бунда Яратганнинг таърифланиши қанчалик даражада олий ва мукамаллик сифатида ифодаланса, одамнинг ўзининг шу даражада арзимас ҳолатга айланиб бориши кўрсатиб ўтилади. Диндор одамнинг шахсий ҳаёти Л.Фейербах томонидан «у дунёда»ги асл ҳаётга тайёргарлик кўриш ва синовлардан ўтиш сифатида, қандайдир пастликка интилиш сифатида қайд қилиб ўтилади. Л.Фейербах айнан ушбу ҳолатни одамлар ўртасидаги инсоний муносабатлар учун катта таҳдид солувчи ҳавф сифатида кўрсатиб ўтади. Одамнинг пастликка интилиши, унинг Ерда ҳаёт кечиришининг қандайдир маънода пастлик тавсифларига ўхшаб кетиши, охир – оқибатда одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларга салбий таъсир кўрсатади. Пастликка оид сезгилардан (маккорлик, ҳасад, адоват, бошқаларни кўра олмаслик) одам ҳимояланишга қанчалик тўсиқларни яратмасин, барибир улар ўзлигини намоён қилаверади. Л.Фейербах томонидан таъкидланишича, диний дунёқараш ва тасаввурлар манбалари асосида англаб етилувчи, илоҳийлаштирилган, ҳаёлий диний онгдан ҳоли бўлиш одамлар учун Яратганга итоат этиш ҳолатидан бир – бирларига нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлишга ўтишга олиб келади⁷⁸.

XX аср фалсафасида эстетика. Бертран Рассел. Б.Рассел томонидан одам томонидан руҳ ва материянинг ҳис қилиниши масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Асрлар давомида руҳ (жон) қандайдирдир юксаклик, олий ҳислат сифатида тасаввур қилинган, материя эса – пастлик тавсифида қайд қилинган. Фан ва техниканинг ривожланиши натижасида вужудга келтирилган замонавий билимлар руҳ ва материя тушунчалари ўртасидаги ўзаро алоқадорликлар ва муносабатларга бошқача нуқтаи назардан ёндошиш имконини берган.

Б.Рассел томонидан қуйидаги фикрлар билдирилади: «Бу ҳолат биз учун руҳ ва материя ўртасидаги ўзаро алоқадорлик

⁷⁸Каранг. Фейербах Л. Избр. филос. Произв. М. 1955. Т.1-С -74.

масаласи қараб чиқилишида, одатда биз учун ҳис қилиш «психик» ҳодиса сифатида намоён бўлиши, сезги ва ҳис қилишга туртки берувчи, яъни ҳис қилинувчи объектлар эса – «физик» ҳодиса сифатида қабул қилинишини англашимизга олиб келади. Менинг фикримча, ушбу масаланинг ечимларида ҳеч қандай қийинчилик мавжуд эмас. Бунда таҳмин қилинувчи қийинчилик ҳолатлари метафизика ва ахлоқшуносликнинг ёмон тарзда англаниши ва ифодаланиши билан боғлиқ ҳисобланади. Қайд қилиб ўтиш керакки, руҳ ва материя бир – биридан бутунлай алоҳида ҳисобланган, иккита субстанция ҳисобланади. Руҳ – бу қандайдир юксаклик ва олийлик тавсифига эга бўлган, материя эса – пастлик тавсифига эга бўлган ҳолатлар ҳисобланади. Гуноҳкорлик – руҳнинг танага итоат этишини ифодалайди. Руҳий фаолликнинг келгусида энг юксаклик даражасида намоён бўлишини англаб етиш, сезгиларга боғлиқ бўлиши мумкин эмас, ушбу кўринишда сезги материяга бўйсиниш шаклини ўзида ифодалайди ва шу сабабли пастлик тавсифига эга ҳисобланади. Бу ердан онг ва сезгилар ўртасидаги ўхшашлик ғоясига Афлотун томонидан билдирилган қаршиликнинг мазмун – моҳияти келиб чиқади. Сиз айтишингиз мумкинки, буларнинг барчаси эскирди ва ўз даврини яшаб бўлди, бироқ бу ҳолатлар қийин тарзда амалга оширилувчи муҳокама ва мулоҳазаларнинг сақланиб қолишига барҳам беради».

Б.Рассел ўзининг «Одам онги, унинг сфераси ва чегаралари» асарида сезгилар ва физик объектлар ўртасидаги ўзаро фарқланиш қанчалик катта қийматга эгаллигини кўрсатиб ўтади⁷⁹.

Қарор топган физик нуқтаи назарларга кўра, макон бўйлаб амалга ошувчи ўзаро алоқадорлик электронлар, протонлар, нейтронлар ва шу кабилар орқали амалга ошади ва бу алоқадорликни биз бевосита ҳис эта олмаймиз, кўриш сезгиси орқали сезиш мумкин бўлган, маконга оид нарсалар ўртасидаги ўзаро алоқадорликларни биз ҳис эта олишимиз мумкин,

⁷⁹ Б.Рассел Человеческое познание: его сфера и границы. – К.: Ника-Центр, 2001. – 555 с. Предм.- имен. указ.: с. 543–553.

бошқача айтганда, якуний ҳолатда ранглар ва доғлар ўртасидаги фарқланувчи алоқадорликлар ҳисобига бу ҳолатларни сеза оламиз. Биринчидан, катта кўламга эга бўлган чуқурлик (теранлик) ўзаро фарқланишга эга эмас. Иккинчидан, вақтнинг аниқланиши турли хилда амалга оширилади, биз кўз билан илғай олувчи тарзда, қуёш айна дамда турган ҳолат қуёш физик нуқтани назардан айна дамдан саккиз минут олдин турган жойга тўғри келади. Ҳинчидан, сезгилар, ҳис этиш ўзгаришлар таъсирида бўлади, яъни физик томонидан, бу ҳолатда объектда амалга ошувчи ўзгаришларни қайд қилинмайди, масалан ҳис этиш, сезиш булутли об – ҳаво, телескоп тавсифлари, кўзнинг гилайлиги ёки кўзни юмиб қолиш каби ҳолаларда бевосита боғлиқ ҳисобланади ва ўз навбатида ўзгаришга учрайди. Шу сабабли, ҳис этиш, сезиш ва физик объектларнинг асл моҳияти ўртасидаги ўзаро алоқадорликнинг мос келиши фақат яқинлаштирилган, таҳминий маънога эга ҳисобланади ва маконга оид алоқадорликлар ҳақида фикр билдириш мумкинки, бу алоқадорликлар бошқа алоқадорликларга нисбатан юқори даражада аниқликка эга эмас.

Фожевайлик – категория сифатида. *Фожеавийлик* – саънатда фалсафий ва эстетик категория сифатида мустақиллик ва эрка асосланган ирода ёки тақдирга боғлиқ ҳолатда амалга ошувчи актлар натижасида бадий асар қахрамонларининг қийналишлари ва руҳий сиқилишлари натижасида юзага келувчи ҳолатларни тавсифлаб беради. Саънатда фожеавийлик бошланғич ҳолатда катарсис кўринишидаги тавсифга эга ҳисобланган, яъни бунда томошабин фожеавийлик акс эттирилувчи асарлар (*трагедия*) қахрамонлари билан биргаликда қайғурган ва сиқилган. Умумий маънода, фожеавийлик – бу объектив, ҳақиқий мавжудлик билан идеал ахлоқийлик ўртасидаги кураш ҳисобланади.

Кулгилилик. *Кулгилилик* (грек тилида – *κωμωδία* ва лотин тилида – *comedia* сўзларидан олинган) бўлиб, фалсафий категория сифатида ижтимоий ва эстетик жиҳатдан аҳамиятга эга бўлган кулгилиликнинг маданий жиҳатдан расмийлаш-

тирилишини ифодалаб беради. Эстетикада кулгилилик фожевайликни мантикий жихатдан очиб берувчи тушунча ҳисобланади.

Бизнинг эрамизгача II асрда Афинада театрда кулгили саҳна асарлари (*комедия*) кенг оммалашган. Гарчи, кулгилилик эстетикада саънатга нисбатан қўлланилсада, бироқ бу тушунчанинг мазмун – моҳияти етарлича даражада кенг ҳисобланади. Бу тушунча умумий фалсафий категория сифатида ижтимоий жараёнларга нисбатан, тарих ва умуман олганда ҳаётга нисбатан ҳам тадбиқ этилиши мумкин.

Ўрганилиш тарихи. Кулгилилик масаласининг батафсил ҳолатда қараб чиқилиши Арасту, Жан-Поль, А.Шопенгауэр, А.Бергсон, З.Фрейд каби файласуфлар томонидан амалга оширилган, ушбу масала билан Россия фалсафасида эса – В.Г.Белинский, М.М.Бахтин, В.Я.Пропп, Ю.Б.Борев, А.В.Дмитриев, А.А.Сычев каби мутахасислар шуғулланишган.

Кулгилиликнинг турлари. Кулгилиликнинг намоён бўлишларига (турлари) анъанавий тарзда – ҳажвия, мутойиба, ҳазил, пичинг – киноя, муболаға кабилар киритилади. Кулгилилик саънатнинг кўплаб турлари ва жанрларида намоён бўлиши мумкин, бироқ кўпроқ у кулгили асарлар (*комедия*), масҳарабозлик асосидаги театр томошаси (*буффонада*), ташқи қиёфа, юз ифодалари орқали кулгили томошалар кўрсатилиши (*мима*), кулгили давра, кичик ҳажфий асарлар (*фарс*), кичик ҳажмдаги ҳажвий пьеса (*скетч*), кулгили танқидий асар (*фельетон*), қисқа ҳажвий шеър (*эпиграмма*), тақлид, ҳажвий тўртликлар, карикатура, ўртоқлик ҳазили тавсифидаги кулгили расмлар жанрлари учун хос хусусият ҳисобланади. Кулгилилик латифалар шаклида, ҳазил, сўз ўйини (*тажнис*) каби кўринишларда акс эттирилиши ҳам мумкин, шунингдек англанмаган ҳолатда суҳбатларда, ёзма қайдларда, турли хилдаги кулгили тушунмовчилик вазиятларида ва хатога йўл қўйишларда акс этиши мумкин.

Кулгилилик ва кулгини қистовчи ҳолат. Фалсафа ва эстетикада шундай нуқтаи назарлар тарқалганки, уларга биноан

кулгилилик элементар тавсифдаги кулгини қистовчи ҳолатга нисбатан ўзининг ижтимоий – танқидий йўналтирилишга эгаллиги билан фарқланади. Кулгини қистовчи ҳолат – бу шунчаки ҳар хил мақсад ва воситалар асосида ва натижасида юзага келтирилиши мумкин. Жумладан, эстетик Ю.Б.Борев томонидан қуйидаги фикрлар келтирилади: «Кулгини қистовчи ҳолат кулгилиликка нисбатан кенгрок мазмунга эга ҳисобланади. Кулгилилик – бу кулгини қистовчи ҳолатларнинг ажойиб синглиси ҳисобланади. Кулгилилик ижтимоий жиҳатдан ранг берилган тарзда, эстетик идеалларга руҳ бағишловчи, маълум бир қимматга эга бўлган, «ёрқин», «юксак» кулги кўринишида, айрим ижтимоий ҳолатлар ва инсоний сифатларни рад этувчи ва шунингдек, айрим сифатлар ва ходисаларни қўллаб – қувватловчи мазмунга эга ҳисобланади»⁸⁰.

Кулгини қистовчи ҳолат ва кулгилилик ўрин эгалловчи соҳа ўз мазмун – моҳиятига кўра, умумий фонга эга бўлиши мумкин, бироқ айрим хусусий ҳолатлари асосида ўзаро фарқланади. Уларни мантиқий доиранинг деярли бир – бирига уланувчи иккита таркибий қисми сифатида тасаввур қилиш мумкин. Кулгилиликнинг доирасидан чиқиб келувчи, кулгини қистовчи ҳолатларнинг тор соҳаси ўз таркибига кулгининг соф ҳолатдаги физиологик ходиса эканлигини қамраб олади, масалан қитиклаш таъсирида кулиш ёки захарханда кулгини кўрсатиб ўтиш мумкин. Кулгини қистовчи ҳолат доирасидан чиқиб келувчи кулгилилик соҳаси эса – ўз таркибига у ёки бу даражада кулгилиликка оид структурага мос келувчи ходисаларни қамраб олади, бироқ кулгилилик яққол тарздаги кулиш реакциясини кўзғатмайди. Бу соҳа таркибига кескин тарздаги ҳажвия, пичинг – киноя, айрим ўткир хазиллар, тарихий жиҳатдан кулгилиликнинг таркиб топиши ҳолатларини киритиш мумкин. Айтиб ўтилган ҳар иккала ҳолатда фақат, кулгини қистовчи ёки кулгилиликни келтириб чиқарувчи ҳолатлар ҳақида фикр билдириш мумкин. Кўпгина вазиятларда

⁸⁰Қаранг. Ю.Б.Борев. Эстетика. – М., «Феникс» 2004 – С.322.

кулгилилик соҳаси ва кулгини қистовчи ҳолатлар соҳаси ўзаро бир – бирига мос тушади. Бу вазиятларда «кулгини қистовчи» ва «кулгилилик» тушунчаларини ўзаро синоним маънога эга сифатида қараб чиқиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Ҳажвия – ҳодисалар ва кулгилилик жиҳатларини қайд қилишни ифодаловчи интеллектуал қобилиятни англатади. Ҳажв сезгиси объектда атроф – олам билан ўзаро зид келувчи ҳолатларни англай олиш билан боғлиқ ҳисобланади.

Кенг маънода ҳажвия – бу кулги ёки табассумни келтириб чиқарувчи барча ҳолатларни ўз ичига олади.

Этимология. *Ҳажвия* (юмор) сўзининг илдизлари Қадимий Грециядан келиб чиққанлиги тахмин қилинади. Антик давр тиббиётида одамнинг ҳолати унинг танасидаги тўртта суюқлик – қон, лимфа, сариқ ва қорамтир тусдаги сафродан ташкил топганлиги қайд қилиниб, улар биргаликда – «*гумор*» деб номланган. Қадимги давр файласуфлари томонидан билдирилган фикрларга кўра, айнан ушбу суюқликларнинг ўзаро нисбатлари одамнинг саломатлиги ва ўзини ҳис қилиш ҳолатини белгилаб беради.

Ҳажвиянинг турлари. Ҳажвиянинг турли хил турлари мавжуд ҳисобланади, жумладан – пичинг – киноя, тақлид, ҳажвий асар (*сатира*), латифа, ҳазил, сўз ўйини (*тажнис*) ва ҳакозо. Ҳажвиянинг алоҳида тури – бу қора ҳажвиядан ташкил топади.

Ҳажвия матн шаклида бўлиши билан биргаликда, шунингдек тасвирий шаклда, яъни карикатура, ўртоқлик хазили расмлари кўринишларида ҳам ифодаланиши мумкин.

Ҳажвия психологияси. Техник жиҳатдан, ҳақиқатнинг тан олинishi намоён бўлиши (жумладан, одамнинг ўз асл ҳис – туйғуларини қабул қилиши) асосида одам ҳаётнинг ва ҳодисаларнинг кўплаб жиҳатларини англашгача етиб боради. Бунда асабийлашиш ҳолатларига нисбатан кўпроқ даражада объектив ҳолатда баҳолаш амалга оширилади. Ҳаётга нисбатан танқидий муносабат билдириш ва вазиятларнинг хотиржамлик билан қабул қилиниши чўққи даражасида тан олиш ҳолатига

келиши шароитида одам организми (жумладан, унинг мияси) йўналтирилишга жалб қилинади. Бу эса – янги гоёларнинг туғилишига замин ҳозирлайди. Бир вақтнинг ўзида ҳис – туйғуларнинг кучайтирилиши амалга ошади, бу ҳолат ўз навбатида, унга ушбу ҳис – туйғулар билан боғлиқ ҳолатда тажриба тўплаш, англаб етиш ҳолатига эришиш имконини беради. Кучайтирилган тарздаги ҳис – туйғулар англаш пағона даражасидан тегишли тарзда туртки олган гоёларни «судраш»ни амалга оширади. Ижобий кайфиятга эга бўлган одамда энг аввало, ҳажвий жиҳатларни англаб етиш, салбий ҳолатларни сиқиб чиқариш ҳолати юзага келади. Аслини айтганда, кулгилилик олдиндан ҳис қила олиш асосида қарама – қаршилиқлар таъсирида бўлажак айтилувчи асл ҳақиқатни гапира олиш имконини беради.

Эволюцион психология нуқтаи назаридан, ҳажвия жинсий танланиш натижаси ҳисобланиши мумкин. Бу шу билан боғлиқки, яъни юксак тилшуносликка оид қобилиятлар билан биргаликда (кўп миқдордаги сўзларни била олиш), саҳийлик, бағри кенглик, ҳажвияни ҳис қила олиш кабилар интеллектуал даражасининг юқорилиги ва генларнинг ижобий тавсифга эгалигидан далолат беради. Эволюцион психологлар томонидан таъкидланишича, ҳажвия маймун думига ўхшаб кетади, яъни ўз урғочи жинс вакилига ўзининг яхши генларини намоён қила олиш вазифасини бажаради.

Зигмунд Фрейд томонидан «Ўткир ақллилик ва унинг онгсизлик билан боғлиқлиги» асарида ҳажвиянинг психологик тавсифлари қараб чиқилган ⁸¹.

Диннинг ҳажвияга муносабати. Христиан динининг муқаддас китоби – Библияда келтирилган оятлардан бирида қуйидаги сўзлар битилган: «Беодоб иборалар ва маъносиз гаплар, шунингдек кулгини қистовчи ҳолатлар сизга муносиб эмас, аксинча Яратганга шукр қилишингизни англатади»⁸².

⁸¹Қаранг: Фрейд, Зигмунд. Толкование сновидений / под общ. ред. Е. С. Калмыковой, М. Б. Аграчевой, А. М. Боковой. – М.: Фирма СТД, 2005. – С. 680.

⁸²Библия с комментариями Российской библейское общество. 1981. – С.461.

Шунга қарамасдан, Интернет тармоқларида «христиан» динига оид ҳажвия кенг тарқатилишга гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ислон динида ҳажвияга нисбатан муносабат билдириш бўйича бир қатор тартиб ва қоидалар ишлаб чиқилган.

Пичинг (киноя) (грек тилида *εἰρωνεία* – «мугомбирлик» деган маънони англатади) – асл моҳият яширин тарзда ифодаланувчи ёки яққол маъно англанишига зид (қарама – қарши кўйилувчи) йўлни англатади. Пичинг (киноя) муҳокама қилинувчи предметнинг у қандай бўлса шундайлигича ҳис этилмаслиги сезгисини ҳосил қилади.

Пичинг (киноя) – бу ҳақиқий асл кўринишига қарама – қарши ҳолатда, сўзларнинг тескари маънода қўлланилишидан ташкил топади. Масалан: «*Ҳа, сен ботирсан!*», «*Ақлисан – ақлисан...*» каби кўринишда ифодаланиш кузатилади.

Пичинг (киноя) ва эстетика. Пичинг – бу эстетика категорияси ҳисобланиб, ўз бошланғичини антик давр нотиклик саънати (*риторика*) таркибидан олади. Айнан, антик давр Европада янги давр учун хос бўлган пичинг (киноя) йўналишидаги анъаналар вужудга келишини белгилаб беради, бу йўналиш асосан XIX асрнинг сўнгги учинчи чорагидан бошлаб сезиларли даражада ривожланган. Пичинг (киноя) материалнинг кулгили тарзда берилиши сифатида асл мазмун – моҳиятни ифодалашда сўзларнинг ҳақиқий маъносини қарама – қарши кўринишда ифодалаш асосида тузилувчи адабиёт услубларининг шаклланишида қудратли қурол сифатида хизмат қилган («*Етакчининг заҳарли танасига қадалган ўқ заҳарли ўққа айланди*» Георгий Александров)⁸³.

Киноя (*пичинг*) услубининг элементар модели – бу турли хилдаги нутқ усулларининг тезкорликка асосланилган структурага эгаллиги тамойили ҳисобюттланиб, бу усул салбий ҳолатларни қоралашда илгари сурилувчи ғоявий – эмоционал мазмунни ифодалашда яширин, айтилиши исталган ҳолатларнинг қарама – қарши мазмунга эга бўлган таркибини акс эттиришга ёрдам беради. Жумладан, манманлик ва ўзига

⁸³Қаранг: Г.Александров Александров Георгий Федорович // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. – 3-е изд. – М. : Советская энциклопедия, 197. – С.235..

бино кўйишни рад этиш сифатида қиссанависликда ўз – ўзига нисбатан киноя (*тичинг*) усулидан фойдаланилади, бу усул сюжет ҳолатларини асл мазмунда ифодалашга нисбатан муаллифнинг муносабатларини акс эттириш имконини беради (масалан, ушбу ўринда мисол сифатида Рекс Стаут томонидан келтирилган ушбу ифодалашни келтириб ўтишимиз мумкин: *«Агар, у мени тушуна олсагина, менинг юз қиёфам ҳамдардлик ва тушиниш ҳиссини ўзида акс эттиради»*).

Салбий ҳолатларни ниқоболанган ҳолатда намоёиш қилиш сифатида кинояли кулгу усулидан фойдаланилади (масалан, *«Саройда подшоҳга уюштирилган суиқасд, ҳудди кўплаб қурбонлар кузатишувчи полиция бошқармасига ўхшаб кетади»*

(Гашек), яъни бунда ижтимоий онгнинг қандайдир атрибутларини бузиш мақсадида ҳақиқий бўлмаган тасдиқлашлардан фойдаланилади (масалан, *«Ленин ҳозир барча жонли нарсалардан кўра жонлироқ ҳисобланади, фақат қўл билан ушлаб кўриш мумкин эмас»* [Виктор Нюхтилин], ҳақиқий бўлмаган рад этишлар эса – ҳақиқий асл ҳолатларни тасдиқлаш учун ишлатилади (масалан, *«Чекишни ташлашдан кўра осонроқ нарса йўқ, масалан мен бу ишни ўттиз марта атрофида бажарганман»* [Марк Твен]. Кинояли кулги усули кўпинча ҳолатларда бадий адабиётда асар қаҳрамонларининг характери тавсифланишида ташқи нейтрал жиҳатлар орқали кулгили тарзда акс эттиришларда устуворлик қилувчи усуллардан бири сифатида қайд қилинади (масалан, *«Ҳарбий хизматда ўтган йигирма тўққиз ойлик муддат унинг ҳар доим панд ейиш ҳолатларига тушиб қолишга асло таъсир кўрсатмаганлигини у масрур ҳолатда ҳис қилиб қўйди»* [Жозеф Хеллер], кинояли тарзда лутф қилиш усули эса – муаллифлар томонидан асар қаҳрамонларининг тутган ўрнига пессимистик руҳиятда баҳо бериш мақсадида фойдаланилади масалан, *«Агар рассом ўзи чизган расмларнинг қимматини оширишни истаса, у ҳолда унга фақат битта маслаҳат бериш мумкин: яъни, ўз қўлларини ўз жонига қасд қилишга қўйиб бериши керак»* [Курт Воннегут]. Ҳажвиянинг (сатира) қисқа кўринишдаги

шаклларида кузатилувчи киноя (*пичинг*) усули коннотацион писандалардан ташкил топган бўлиб, китобхон ёки томошабиннинг тезкор тарзда жавоб реакцияси кўрсатишига йўналтирилади (масалан, «*Шифокорлар унинг ҳаёти учун кураш олиб боришди, бироқ у тирик қолди*» [Михаил Жванецкий]).

Киноянинг нисбатан аччиқ, муросасиз кўринишдаги шакли сифатида истехзоли пичинг ва муболағага йўғрилган кинояни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Киноянинг шакллари. Бевосита (тўғридан – тўғри) киноя – бу тавсифланувчи ҳодисага салбий ёки кулгили қиёфа бахш этиш, унинг қимматини пастга уриш мақсадларида фойдаланилади.

Антикиноя эса – бевосита кинояга қарама – қарши мазмунга эга бўлиб, аҳамиятлиликнинг қиммати тўғри баҳоланмаслигига қарши йўналтирилади.

Ўз – ўзига қаратилган киноя – бу шахснинг ўз – ўзига қаратилган киноясини (*пичинг*) ифодалайди. Ўз – ўзига қаратилган кинояда ва антикинояда билдирилган салбий фикрлар аксинча, ижобий маънода қабул қилиниши мумкин. Масалан: «*Биз аҳмоқларга чой ичиш қаёқда дейсан*».

Сукротча киноя – бу субъектнинг «асл мазмун – моҳиятни билмаслиги» ҳолати эътиборга олинган тарзда, кинояли гап ташлашларда мазмуннинг яширин кўринишда ифодаланиши ва киноя йўналтирилувчи объект асосида мустақил тарзда қонуний тавсифга эга мантқий хулосаларга келиш асосида тузилган ўз – ўзига қаратилган киноя шакли ҳисобланади.

Кинояли дунёқараш – ҳаётий қарор топишлар ва стереотипларга нисбатан ишонч – эътиқод билдириш ҳолатини қабул қилмаслик имконини берувчи, турли хилдаги, «*омма томонидан умумий қабул қилинган қадриятлар*»га нисбатан жуда ҳам жиддий муносабатда бўлишга тегишли бўлмаган руҳиятнинг ҳолатини ўзида акс эттиради.

Ҳажвия ёки сатира (лотин тилида – *satira* сўзидан олинган) – бу турли хилдаги кулгилилик воситалари: яъни, аччиқ киноя, пичинг, муболағали киноя, қочиришлар, таклид ва

бошқа усуллар ёрдамида ходисаларнинг ҳақоратомуз қораланиши асосидаги шеърий, бадиий саънатни ифодалайди. Бу йўналишда ижод қилиш бўйича Горация, Персий ва айникса, Ювенал каби донишмандлар юксак ютуқларни қўлга киритишган бўлиб, уларнинг мероси Европада кейинги даврларда классицизм йўналиши учун асос сифатида ўрин тутган. Сиёсий ҳажвия жанрида эса Афина халқ ҳокимияти ҳақида ўзининг ажойиб фикрларга эга шеърлари билан махур бўлган шоир – файласуф Аристофан яққол ажралиб турган.

Юмор ва сатира тўғридан – тўғри амалга оширилувчи танқидни юмшатиш мақсадларида қўлланилади, яъни сатира – бу панд – насиҳат мазмунига эга ҳисобланади. Бу тавсиф айникса, дастлабки сатирик асарлар учун хос хусусият ҳисобланган.

Сатиранинг бадиий аҳамияти. Ўзининг тарихий жиҳатдан келиб чиқишида, айнан Қадимги Рим даврига оид адабиёт таркибида «сатира» сезиларли ҳажмга эга бўлган шеърий асарлар, лирик шеърлар шаклида ифодаланган бўлиб, уларнинг таркибида биз жамиятда мавжуд бўлган алоҳида шахслар ёки кенг оммавий гуруҳлар, шунингдек ижтимоий ходисаларнинг кинояли тарзда қораланиши, муҳокама қилинишини кўришимиз мумкин. Таркибига кўра, аниқ шахсга йўналтирилган хужум ва камчилик, салбий иллатларни қоралаш мазмунидаги сатира асосида *памфлет* ва *ҳақоратномани (пасквил)* ажратиш мумкин. Бунда ҳақоратнома (*пасквил*) у ёки бу шахснинг салбий жиҳатларини қоралашга йўналтирилган, муаллифнинг айтиш мумкинки, ахлоқий нуқтаи назардан биров четга оғиш шаклидаги, яққол тарздаги курашга киришиши ҳисобланади, памфлет эса – айрим вазиятларда фақатгина бадиий – публицистик чиқиш қилиш мазмунига эга ҳисобланади, бироқ памфлет кўпинча ҳолатларда сўз ва фикр эркинлигининг олий шакли кўринишида, маълум бир аниқ шахсга қарши йўналтирилган бадиий сатира қиёфасида ҳам намоён бўлиши мумкин. Ушбу ҳолатларга боғлиқ равишда, бир томондан сатира ўзининг ахлоқий ва ижтимоий таркиби тавсифларига кўра, сатирик асарларга хос

лирик тавсифнинг юксалтирилиши ва сатира идеали юксаклиги ўртасидаги мувофиқлик асосида бадий қимматга эга бўлиши, бошқа томондан эса — айрим салбий ҳодисаларнинг қораланиши асосида унинг қиммати пасайтирилиши шаклида акс эттирилиши сифатида ўрин тутиши мумкин. Одатда, шахс ёки ҳодисаларга нисбатан йўналтирилиши бўйича сатиранинг лирик тавсифдаги субъективлик хусусияти сатиранинг объектив бадий қимматини сусайтиради ва қисман унга қисқа умрлик қиёфа бахш этади.

Сатиранинг Грек — Рим давридаги ҳолати.

12

SATIRA III.

A' miuici è comun questo difetto,
Che pregati a cantare infra gli amici,
Mai non fan grazia; se nessun gli cerca,
Cantor non danno mai più fine al canto.
Tal fu Tigellio il Sardo. A lui potea
Fare Augusto medesimo istanze e preghi
Del suo gran padre e di se stesso in grazia,
Tutto era van; se gli saltava il grillo,
Dal suo primo cenar sizo alle frutta
Trillava, er viva Bacco, ora in soprano,
Or nel più basso tuono. Ei non fu mai
A se medesimo ugual. Correva sorrente
Qual chi fugge il nemico, o spesso andava
Lento como chi porta in giro i sacri
Cesti di Giuno. Or ei dugento servi,
Or n' avea dieci a pena. A Locca gonfa
Parlamentava di tetrarchi e regi;
Poi detto avria, d' un qualsivoglia desco,
D' un malin puro, d' una grossa vosta,
Che dal freddo mi pari, io son contento.
Ma se a quest' uom ai moderato e parco
Donavi un milion, tra cinque giorni

1 — расм. 1814 — йилда нашр қилинган, «Сатиралар ва Квинт Горацій Флакнинг номалари» асаридан парча.

Сатиранинг келиб чиқиш илдизи бизнинг эрамизгача II асрнинг бошларига бориб тақалади. Сатира — бу бадий адабиётнинг энг дастлабки пайдо бўлган мисолларидан бири ҳисобланади. Плиний томонидан келтирилишича, бизнинг эрамизгача VI асрда шоир Гиппонакт томонидан алоҳида шахснинг салбий жиҳатларини қоралашга йўналтирилган

сатиралар ёзилган ва оқибатда сатира объекти ошишга ҳукм қилинган.

Сатиранинг энг қадимий шаклларидан бири – бу Менипп сатиралари ҳисобланади. Меннип томонидан ёзилган асл сатиралар бизгача етиб келмаган бўлсада, бироқ унинг сатирик (ҳажвий) асарларини мутоола қилишдан илҳомланган ижодкорлар ўз асарларида Меннип асарларидан кўчирмалар келтиришган.

Дастлабки энг машҳур сатира ижодкорларидан бири – бу Аристофан ҳисобланади. У томонидан яратилган драмалар ўз мазмун – моҳиятига кўра, танқидий, сиёсий ва ижтимоий шарҳлар сифатида ўрин тутиши билан қимматли ҳисобланади, жумладан унинг сатираларида у Клеона устида кулган. Айрим ҳолатларда одоб меъёрлари доирасидан чиқиб кетувчи тавсифдаги, Аристофаннинг ижод услуби Грецияда комедиянавис – драматург Менандр томонидан ўз асарларида фойдаланилган. Бу кўринишдаги ижод услуби унинг кўплаб асарларида ўз ифодасини топади, жумладан адибнинг дастлабки яратилган асарларидан бири – «Ўйинлар сарҳушлиги» асари таркибида сиёсий арбоб Каллимедонга хос салбий жиҳатлар кескин танқид хужуми остига олинади⁸⁴. Рим адабиётида кўзга кўринган сатира ижодкорлари Гораций ва Ювенал ҳисобланиб, улар Рим империяси ҳумкронлигининг дастлабки асарларида яшаб ижод қилишган. Шунингдек, Рим салтанати ҳумкронлиги даврида империяда Луцилий ва Персий каби бошқа сатирачилар ҳам ижод қилишган. Римда сатира жанрини биринчи бўлиб тавсифлаш Квинтилиан томонидан амалга оширилган бўлиб, бу ҳолат унинг Луцилий асарларига тавсиф бериши давомида кўзга ташланади⁸⁵.

Араб оламида сатира. Араб шеъриятида сатира йўналишидаги шеърият «*хижа*» деб номланади. Африка – араб шеърияти оламида ижод қилган муаллифлар IX асрда Ал Жаҳиз асарларида тилга олинади.

⁸⁴ Менандр. Комедии. Герод. Мимиямбы. (Серия «Библиотека античной литературы»). М.: Худож. лит. 1964. – С.258.

⁸⁵ Квинтилиан Фабий. Правила ораторского искусства. Кн. 10. / Пер. В. Алексеева. СПб., 1896. С.47.

Ҳозирги кунда биз антропология, социология ва психология (руҳиятшунослик) деб номловчи, фан соҳаларига оид асарларни тузиб чиқиш асосида у сатирик ёндошувдан фойдаланишни афзал ҳисоблайди, ушбу ўринда куйидаги билдирилган фикрни келтириб ўтиш мумкин: «...гарчи, жиддий тавсифга эга бўлган предмет қараб чиқилаётган бўлсада, агар улкан жиддийлик улугворлигини бир нечта қизиқарли тарихий ҳолатлар ёки қандайдир ўткир фикрлар, парадокс тавсифидаги кузатишлар натижаларини баён қилишдан фойдаланиш асосида бузиб юбориш амалга оширилса, тавсифлаш жараёнида қизиқарли ва кутилмаган натижаларни қўлга киритиш самарадорлигига эришилиши мумкин»⁸⁶

«Комедия» ва «сатира» сўзлари ўрта асрларда Ислом оламида «Шеърят» асарининг араб тилига таржима қилинишидан кейин ўзаро синоним сўзлар сифатида қўлланила бошланган, бу йўналиш кейинчалик Ислом оламининг файласуфлари – Абу Башр ва унинг шогирдлари ҳисобланган – Ал Фаробий, Абу Али Ибн Сино (*Авиценна*) ва Ибн Рушд кабилар томонидан ўз асарларида ривожлантирилган. Маданий – бадий жиҳатдан уларнинг асарларида Греция адабиётига хос бўлган драматик тавсифлашлар ва комедия ўзаро ажратилган, шу билан биргаликда уларнинг асарларида шеърый шаклдаги, *хижа* (хажвий шеърят) йўналиши устуворлиги кўзга ташланади. Ушбу муалифларнинг асарларида комедия фақат «муҳокама қилиш саънати» сифатида қараб чиқилади, улар одамда Греция адабиёти учун хос бўлган – мумтоз комедия асарларида кўп учровчи зиддиятли боғланишлар ва бахтга элтувчи боғланишлар тавсифидаги ҳодисаларга эътибор қаратишмаган. XII асрга келиб, кўпгина асарларнинг лотин тилидан таржима қилиниши асосида «комедия» атамаси ўрта асрлар адабиётида кенг оммалашган.

Эрон ҳудудида дастлабки машҳур форс хажвиянависларидан бири – Убайд Заққоний ҳисобланади (XIV асрдан яшаб ижод қилган). Унинг асарларида кўпинча сиёсий

⁸⁶ Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. СПб., 2003, С.-444.

иллатлар қораланган ва одатда, ахлоқ меъёрлари доирасидан чиқиб кетувчи ҳолатлардан фойдаланилган. У сиёсий йўналишдаги сатира тавсифидаги «Оқсуяклар ахлоқшунослиги» асари ва машҳур «Сичқон ва мушук» масали муаллифи ҳисобланади. Шунингдек, унинг ҳажвий тавсифга эга бўлмаган, мумтоз шеърий асарлари ҳам юқори қимматга эга ҳисобланади ва форс олами шеърияти ривожланишига муносиб ҳисса қўшганлиги таъкидланади.

Форс оламида конституцион инқилоб даврида Эроҳ Мирзо, Али Акбар Деҳода, Биби Хотун Астрободий каби бадий адабиёт намоёндалари ва айтиш мумкинки, ўз даврининг афсонавий ҳажвиянавислари яшаб ижод қилишган. Бу даврда кўпгина ҳажвиянавислар ўз асарларини одатда шеърий шаклда ёзишган. Форс олами ҳажвиянавислигидан ташқари, инқолоб даврида Озарбайжон ҳудудида ҳам сатира йўналишида ажойиб асарлар яратилган. Жумладан бу даврда Эрон – Озарбайжон ҳажвиянавислик адабиётида афсонавий тавсифга эга бўлган Жалил Мамедкулизода томонидан Табризда «Мўлла Насриддин» деб номланган ҳажвий журнал нашрдан чиқарила бошланган. Шунингдек, ушбу муаллиф томонидан Эрон мультипликация тарихида дастлабки мультфильм яратилган.

XX аср охирларида Эрон ҳажвиянавислигининг таркиби Иброҳим Набавий асарлари билан бойитилган. У томонидан ўз асарларида «*Sotoon e ranjom*» деб номланган, янги қиёфадаги форс ҳажвиянавислиги тавсия қилинган. Афғонистонда ҳажвиянависликнинг вужудга келиши ва ривожланиши ушбу мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан тарихи билан бевосита боғлиқ ҳисобланади. Ушбу мамлакатда 1873 – 1965 – йиллар давомида яшаб – ижод қилишган машҳур ҳажвиянавислар сифатида форс тилида ижод қилган – Абдул Собур Ҳанофорий, Муҳаммад Юсуф, Шайх Жамол, Маҳмуд Торзий кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин. Айниқса, 1965 – йилдан 1978 – йилгача ўтган давр ушбу минтақада ҳажвиянависликнинг ривожланишида энг унумли давр ҳисобланган, жумладан бу даврда Афғонистонда кўплаб, турли хил мавзулардаги ҳажвий асарлар дунёга келган.

Бундан ташқари, ушбу даврда Эрон худудидан Афғонистонга кўплаб ҳажвий асарлар кириб келиши кузатилган.

Ҳажвиянависликнинг ўрта асрларга мансуб дастлабки намуналари сифатида голиардлар ва вагантлар кўшиқлари қайд қилиниб, улар ҳақидаги маълумотлар Кармин Буран антологияси ва XX асрда ижод қилган композитор Карл Орф асарларида келтирилган. Ўрта асрларнинг кечки даврларида халқ адабиёти вужудга келиши билан XII асрдан бошлаб, ҳажвиянависликда сатира кўпроқ фойдаланила бошланган, айниқса бу ҳолат Чосер асарларида яққол кўзга ташланади. Уйғониш даврида сатира йўналишида иккита буюк адиблар – Жованни Боккачо ва Франсуа Рабле ижод қилишган.

Европада Қиролича Елизавета ҳукмронлиги даврида (Англия, XVI аср) кўпгина муаллифлар сатирани кўпол ва ўткир жанр сифатида тавсифлашган. Қиролича Елизавета даврига хос «сатира» (ўз навбатида, рисолалар шаклида) таркиби жиҳатидан анъанавий сатарларга солиштирилганда, кўпроқ тўғридан – тўғри аччиқ сўзлардан фойдаланишга уриниш тавсифига эга ҳисобланган. 1605 – йилда Францияда гугенот (*гугенот* – Францияда фаолият олиб брган протестант диний масҳабига мансуб аҳоли вакили) Исаак Казабон томонидан ёзиб қолдирилган маълумотларда Рим империяси ҳукмронлиги давридаги сатира нисбатан кўпроқ даражада маданий қиёфага эга бўлганлиги келтирилади.

XVII асрда Англияда ҳажвиянавислик жамиятда мавжуд бўлган «камчилик ва иллатларни бартараф этиш»га йўналтирилган (Жон Драйден). Ижтимоий муаммоларни кўтариб чиқувчи сатира айниқса, XVI асрда кучайган (натижада, жорий подшо ҳокимияти нафратга дучор қилинган).

Уйғониш даврида, айниқса интеллектуал тараққиёт авж олиши қайд қилинган XVII аср ва рационал тавсифга эга бўлган XVIII асрда Англияда ҳажвиянавислик йўналиши гуллаб – яшнаган, бу даврда жамиятда иккита сиёсий партияларнинг ўзаро кучли кураши кузатилган: жумладан, Тори партияси (ҳозирги вақтда Буюк Британиядаги консервативлар партияси) ва виглар партияси (Либерал – демократлар партиясининг

аждодлари) ўртасида кураш авж олган. Бу даврда сатира ўзининг бошланғич функциясини – атроф муҳитдаги мавжуд бўлган фаолиятнинг салбий жиҳатларини танқид остига олишни амалга оширган ва бунда биринчи навбатда, мамлакатда қарор топган сиёсий вазият муҳокама қилинган. Бу кўринишдаги сатиранинг ёрқин мисоли сифатида Даниэл Дефо асарларини (масалан, «Диссентерлар билан бўлишиб олишнинг осонроқ йўли» асари) кўрсатиб ўтиш мумкин, шунингдек бу вақтда Жонатан Свифт, Жон Арбетнот, Жон Драйден ва Александр Поуп кабилар сермахсул ижод қилишган. Бу вақтга келиб жамиятда мавжуд бўлган сиёсий кучларнинг ва атроф – оламда фаолият олиб боровчи айрим шахсларнинг салбий жиҳатлари устидан кулишга қаратилган, танқидий сатира ривожланган. Гарчи, сатира ҳаммага маълум бўлган бадиий жанр ҳисоблансада, Иссак Кобзон томонидан Квинтилиан асарлари қайта нашр қилинади ва бунда «сатира» сўзининг грек тилидаги «*satyr*» сўзидан эмас, балки латин тилидаги – «*satura*» сўздан келиб чиққанлиги қайд қилиб ўтилади.

Жонатан Свифт Англия – Ирландия ҳудудида ўз даврида энг кўзга кўринган ҳажвчи ижодкорлардан бири ҳисобланган, у бевосита журналистик сатира йўналиши билан шуғулланган. Масалан, унинг аноним тавсифда нашр қилинган «Камторона таклифлар» асарида Свифт томонидан Ирландияда камбағалликда ҳаёт кечирувчи ота – оналарга нисбатан ўз болаларини Англия жамиятининг олиймансаб табақалари вакиллари оқатланишлари учун озуқа сифатида ҳадя қилишлари кераклиги «мурожати» билан чиқади. Бунда Свифт ўз «таклифи»ни қуйидаги кўринишда ифодалади: «...Ирландияда камбағал аҳоли болаларининг ўз ота – оналарига ва Ватанига оғирлиги тушишига йўл қўймаслик учун, аксинча уларни жамият учун қандайдир фойда келтириш мақсадларида...» юқоридаги таклифни ўртага ташлайди⁸⁷. Муаллиф ўзининг «Гулливёрнинг саргузаштлари» китобида

⁸⁷Қаранг: Ж.Свифт Джонатан Свифт. Собрание сочинений в 3 т. – М.: Терра-Литература, 2000. – Т. I – 480 с.; Т. II – с. 480 с.; Т. III – 496 с.

умумий ҳолатда бутун кишилик жамияти ва жумладан, Англия жамиятида мавжуд камчиликларни кўрсатиб ўтади.

Ҳажвчи ижодкорларнинг кўзлаган мақсадлари турли хилда ифодаланиши мумкин: масалан, Свифт машаққатли шароитларда ҳаёт кечиришга нисбатан муросасизлик, камбағаллар одамлар ҳаётига ачиниш руҳиятида ижод қилган бўлса, Дефо эса – виждон эркинлиги ҳуқуқини ҳимоя қилиш учун кураш олиб борган. Жон Драйден ўзининг машҳур «Сатиранинг келиб чиқиши ва ривожланиши ҳақидаги суҳбат» эссесида адабиёт оламида сатирага аниқ таъриф бериш ва ойдинлик киритишга ҳаракат қилади⁸⁸.

Эбenezер Кук Британия тасарруфидаги мустамлакалари худудларида биринчилардан бўлиб сатиранинг олиб кирилишига ўз ҳиссасини қўшган. Бенджамин Франклин ва бошқалар томонидан ёш давлатларда маданиятнинг шакллантирилишида сатира ёрдамидан фойдаланишга ҳаракат қилишган.

Америкалик машҳур ҳажвиянавис ҳисобланган Марк Твен ўзининг «Гекльберри Финнинг саргузаштлари» асарида уруш давригача Жанубликлар ҳаётида юз берган ҳодиса ва воқеаларни ҳикоя қилади⁸⁹. Твен томонидан маънавий кадриятларнинг қиммати тўлиқ ҳолатда қўллаб – қувватланади, ўз навбатида маҳаллий ерлик аҳолининг қарор топган урф – одатларига ушбу тамойиллар қарама – қарши қўйилади. Ушбу асарнинг бош қаҳрамони – Гек оддий, бироқ кўнгли тоза йигит бўлиб, «ўз нафсини ўйлаш асосидаги айбдорлик» ҳиссидан уялади ва қора танли қулни озодликка чиқишига ёрдамлашишга қарор қилади. Албатта, бунда унинг туғилиб ўсган жамияти шарт – шароитлари унинг виждон амри рўёбга оширилишига тўсқинлик қилади, унинг ўз олий ҳис – туйғуларини рўёбга ошириши унда безовталиқни юзага келтиради. Гек қилаётган иши айни шароитда ушбу жамият

⁸⁸ Ж. Драйден Гербель Н. В. Английские поэты в биографиях и образцах. СПб., 1875 (в нём же перевод В. Жуковского «Пиршество Александра или сила гармонии»). – С.126.

⁸⁹ Қаранг: М. Твен Марк Твен. Собрание сочинений в 8 томах. – М.: «Правда» (серия «Библиотека „Огонёк“»), 1980

учун нотўғри ҳисоблансада, барибир эзгулик — яхшилик қилишга ҳаракат қилади.

Твеннинг навбатдаги замондошларидан бири — Амброз Бирс беадаб, пессимист ва қора ҳажвчи сифатида ном қозонади, у ўзининг аччиқ ва кинояли ҳикоялари билан машҳур ҳисобланади. Бирснинг ҳажвиянавислик йўналишидаги энг машҳур асари — «Шайтоннинг луғати» деб номланади⁹⁰.

Чарльз Диккенс каби романнавислар ҳам кўпинча ҳолатларда ўз ижодида сатирадан фойдаланишган ва Англия жамиятида мавжуд салбий иллатлар ва камчиликларни танқид қилшига ҳаракат қилишган. Виктория ва Эдвард ҳукмдорлиги даврларида жамиятда омманинг диққат — эътиборини жалб қилишда «Панч» ва «Fun» каби ҳажвий журналлар рақобати кузатилган. XX асрга келиб сатира йўналишида Олдос Хаксли ва Жорж Оруэлл каби ижодкорлар фаолият олиб боришган, улар томонидан дунё миқёсидаги кузатиловчи, жумадан Европа ва шунингдек Америка Қўшма Штатлари учун ҳам ҳавфли, таҳдид солувчи кучга эга бўлган ижтимоий ўзгаришлардан жиддий ва ҳатто, ваҳимага солувчи тавсифдаги огоҳлантириш мазмунидаги асарлар яратилган. Шунингдек, Британияда бадий адабиёт таркибида сатира Иккинчи жаҳон уруши ва шунингдек, Совуқ уруш йилларида алоҳида даражада қайноқ йўналиш сифатида авж олган. Жорж Оруэлл томонидан ёзилган «Қорамоллар оғилхонаси» қиссасида чорва молларининг оламни эгаллаб олиш ва уни бошқариш ҳақидаги битим тузишлари келтирилиши бевосита ушбу даврда сиёсий ҳажвия йўналишининг бошланиши сифатида қайд қилиб ўтилади. Ушбу асарда сатира ва юмор кам қўлланилган бўлсада, бироқ асарнинг ушбу нуқтаи назардан қиммати адабиётшунослар томонидан юқори баҳоланади.

Биринчи жаҳон уруши устидан аччиқ ва қоралаш тавсифидаги ҳолатлар Чехиялик ёзувчи, ўткир фельетонлар ёзиш бўйича моҳир уста ҳисобланган Ярослав Гашек томонидан яратилган «Мардонавор аскар Швейканинг

⁹⁰ Случай на мосту через Совиный ручей Амброз Бирс Подробнее на livelib.ru: <https://www.livelib.ru/author/19316/top/ebook-ambroz-birs>

тантанали юриши» романида яккол акс эттирилади. Унинг замонадошларидан бири, ўткир ҳикоялар устаси Карел Чапек томонидан фашизм устидан кулиш мазмунида «Саламандралар билан уруш» романи яратилади⁹¹.

Шунингдек, Чарлз Чаплиннинг 1940 – йилда яратилган «Буюк диктатор» деб номланувчи фильми ҳам сатира йўналишида яратилган бўлиб, унда Адольф Гитлернинг кулгули қиёфаси акс эттирилади. Ушбу даврда яшаб ижод қилишган кўплаб сатириклар, жумладан Дороти Паркер ва Г.Л.Менкен кабилар сатирадан кучли кураш қуроли сифатида фойдаланишган. Ушбу ўринда Менкен томонидан билдирилган қуйидаги фикрларни келтириб ўтиш ўринли ҳисобланади: «...кулгининг бир марта ёптасига кўтарилиши ўнг минг силлогизм қимматиغا тенг ҳисобланади»⁹². Романнавис Синклер Льюис бу даврда ўзининг машҳур сатирик тавсифдаги бадиий асарлари билан машҳурликка эришади, жумладан у томонидан «Тор фикрловчи маҳаллий киши», «Асосий кўча» ва «У бу ерда содир бўлиши мумкин эмас» каби асарлари яратилган. Унинг китоблари кўпинча ҳолатларда ўз даврида Америка жамиятида қарор топган ҳолатлар устидан кулиш нуқтаи назаридан тадқиқ қилинади. Стэнли Кубрик томонидан 1964 – йилда ишланган «Доктор Стрейнжлав ёки мен қандай қилиб кўркмасликни ўрганганим ва бомбани севиб қолганим» деб номланган бадиий фильми Совук уруш даврида сатиранинг оммалашшига ўз ҳиссасини қўшган. Сатира бўйича намунавий ҳолатлардан бири сифатида Англияда оммалашган «Монти Пайтоннинг учувчи цирки», «Бенни Хил томошалари», «Қора буғма илон» томошалари ва шунингдек, «Ҳа, жаноб вазир!» сериалини кўрсатиб ўтиш мумкин.

Замонавий Америка оламида ёрқин сатира намунаси сифатида «The Colbert Report» («Колберт хабарлари») кўрсатувчини қайд қилиб ўтиш мумкин, бунда бошловчи Стивен Кольберт томонидан Республикачи телебошловчи

⁹¹ Востокова С.И. Гашек // Краткая литературная энциклопедия –М.: Советская энциклопедия, 1962. – Т. 2.

⁹² Университет Эмори: Х.Л. Переписка Менкена, 1926-1937 гг.

сифатидаги ўз – ўзига ишонч ва қатъий қарор топган эътиқод намоиш қилиб берилади. Телевизион интервью давомида у одамларнинг гапларини бўлади, уларда бармоқларини нуқиб дўк қилади, «беихтиёр» ҳолатда кўплаб мантикий хатоларга йўл қўяди. Бунда у замонавий Америкага хос бўлган сиёсий сатира тамойилларини намоиш қилади: яъни, сиёсий арбоблар ва шунингдек, жамиятдаги бошқа сиёсий етакчиларнинг салбий ҳатти – ҳаракатлари устидан кулади, уларнинг қарор топишлари ва эътиқодларини очиб беради ва уларнинг мантиқсиз мулоҳазаларини танқид остига олади, ушбу кўринишда улар фаолиятининг шунчаки иккиюзамачиликка асосланганлигини ошкор қилиш мақсади рўёбга оширилади.

Замонавий Британия бадий адабиёти тарихида энг оммалашган ҳажвиянависликдан бири сифатида, олийжаноб рицар Терри Пратчетт ҳаётига бағишланган, бутун дунёда машҳур ҳисобланган, «Ясси олам» фантастик циклидаги асар ҳисобланиб, бу асар дунё миқёсида 55 000 000 нусхада (агар, албатта ўғирлаб нашр қилинган сони ҳисобга олинмаса) сотилган.

Кўпинча мультипликаторлар ҳам жамиятдаги мавжуд иллатлар ва камчиликларни бевосита танқид қилишга ҳаракат қилишади. Ҳажвий мультфильмлар таркибида тақлид ва карикатуранинг кучли элементлари мавжуд ҳисобланади, масалан оммалашган «Симпсонлар», «Робот жўжа», «Гриффинлар» ва «Жанубий хиёбон» каби мультфильм сериалларида замонавий оила ва жамиятдаги оммавий ҳаётга тақлид қилиш кўзга ташланади, асар қаҳрамонлари чегаравий даражада муболаға тавсифида гавдаланади. Демократия ва сўз эркинлиги асосида муаллифлар томонидан жамиятдаги сиёсий арбоблар танқид остига олинishi ва умуман олганда, тирик актёрлардан фойдаланиб, бу мазмундаги катта эркинликлар асосида ҳодиса ва шахслар ҳаётини танқидий жиҳатдан ёритиб бериш имконияти туғилади. Ёлғондакам янгиликлар ҳам замонавий сатиранинг жуда оммалашган турларидан бири ҳисобланади. Шунингдек, Буюк Британияда «Жажжи Британия» деб номланган ҳажвий томоша эфирга узатилади.

Рок йўналишидаги муסיқа. Жамият ҳаётида сатира ижобий таъсирга эга бўлиши билан бир қаторда айрим салбий ҳолатлар юзага келиши учун ҳам асос сифатида ўрин тутганлиги қайд қилинади, жумладан «*вояга етганлар олами*»га нисбатан норозилик, қаршилик кўрсатишнинг бир қисми сифатида намоён бўлувчи – рок йўналишидаги мусиқанинг вужудга келишига сабаб бўлган. Шундай қилиб, панк – гуруҳлар ижодининг катта қисми жамиятда қарор топган ахлоқ – одоб меъёрлари устидан кулиш тавсифига эга ҳисобланади, айрим ҳолатларда бу нигилизм даражасида намоён бўлиб, одамнинг қаттиқўллигининг мажозий тимсоли бўлган, дастлабки трэш – метал экстремал гуруҳлар йўналишларининг юзага келиши қайд қилинади.

Энг кенг оммалашган, айтиш мумкинки, эътиқод қилиш даражасида оммалашига улгурган панк – рок йўналишидаги гуруҳлардан бири «Sex Pistols» («*Жинсий тавсифдаги тўппончалар*») ҳисобланиб, замонавий жамиятда, жумладан Буюк Британияда айнан сатира асосида оммалашганлиги кузатилади⁹³.

2000 – йилларда АҚШда тўла қимматли муқобил мусиқага параллел ҳолатда, лирик жиҳатининг асосий мавзуси жамиятга қаратилган мусиқий гуруҳлар шакллана бошлаган, улар орасида энг оммалашганлари сифатида «System of a Down» («*Қуйига томон тизим*» ва «*Қарама – қарши юксалиш*») гуруҳларини кўрсатиб ўтиш мумкин. «System of a Down» гуруҳи таркибида гитара чалувчи бўлиб фаолият олиб борувчи – Дарон Малакян томонидан видеоклиплар ва оммавий чиқишларда кўпинча ҳолатларда АҚШ сиёсати ва оммавий маданиятига хос бўлган руҳий ҳолатларга тақлид қилиш акс эттирилади.

Сатира тавсифидаги флеш – ўйинлардан бири сифатида Америкада оммалашган «Bushgame» («*Америка собиқ Президенти Бушнинг ўйини*») ўйинини кўрсатиб ўтиш мумкин,

⁹³Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов / пер. Г. К. Косикова // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX–XX вв.: трактаты, статьи, эссе. – М.: МГУ, 1987. – С. 387.

бу ўйин 2008 – йилда АҚШ Президентлигига сайлов компанияси амалга оширилиши давомида яратилган. Бу ўйинда АҚШ Президентлигига ҳақиқий номзодлар – Жон Маккейн, Барак Обама ва бошқалар тасвирланади. Бу ўйин сайловларда тарафдорларни тўплаш, номзодларни қўллаб – қувватлаш ва ўз навбатида, тап тортмасдан ўз муҳолифлари шаънига қора чаплаш асосидаги кескин курашлар ҳажв остига олинади. Бу ўйин қўллаб танқидий муносабатларни келтириб чиқарган.

Сатира – бу субъектив танқид ҳисобланиб, у бевосита зиддиятларга сабаб бўлиши мумкин. 2005 – йилда Данияда нашр қилинувчи «Jyllands-Posten» газетасида Ислом дини пайғамбари ҳисобланган, Муҳаммад алайҳи вассаломнинг карикатура кўринишидаги тасвири чоп этилган. Бу ҳодиса бутун Яқин Шарқ оламида шок ҳолатига сабаб бўлган. Бу мусулмон олами вакилларининг сатирага нисбатан биринчи марта нарозилик билдириши ҳисобланмасда, бироқ Ғарб олами юқоридаги ҳолатга нисбатан бу кўринишда қизгин жавоб реакциясини кутмаган. Бутун Яқин Шарқ мамлакатларида Дания давлатининг байроғи оловда ёндирилган ва Дания элчихоналарига жаҳли чиққан мусулмон динига мансуб одамларнинг хужум қилиши қайд қилинган. Ушбу ҳодиса оқибатида асосан тўрта давлатда 139 та киши оламдан ўтган⁹⁴. Шунингдек, Европада кўпгина сиёсий етакчи арбоблар томонидан ушбу сатира сўз эркинлиги жиҳатларидан бири ҳисобланиши ва у ҳимоя қилиниши зарурлиги таъкидланган. Эрон мусулмон давлати диний эътиқоднинг камситилишига қаратилган карикатура чизишнинг Ҳалқаро миқёсда авж олиб кетишини бошлаш бўйича таҳдид солишга ишора қилган ва яҳудийларнинг Исроилда фаолият олиб борувчи диний ташкилотлари ушбу ишорага антимазмундаги мультфильмлар яратиш бўйича дарҳол жавоб қайтарган.

Муסיқа одобшунослиги (инглиз тилида *aesthetics of music*, немис тилида *musikästhetik* сўзларидан олинган бўлиб, немис публицисти, шоир ва муסיқачи – Кристиан Фридрих Шубарт томонидан саънатшуносликка оид атама сифатида фанга

⁹⁴ O'zbekiston milliy ensiklopediyasi (2000-2005) 83 Б.

киритилган ва бу атама унинг «Муסיқа саънати одобшунослиги гоёси» асарида (1784 – йил) ифодаланган⁹⁵.

Муסיқа одобшунослиги – бу муסיқанинг турли хил ахлоқий жиҳатларини ўрганиш билан шуғулланувчи, фанлараро илмий соҳа бўлиб, айнан муסיқанинг етарлича даражада ўзига хос тавсифдаги саънат тури ҳисобланиши, муסיқа тилининг «товуш – маънолар» оператори сифатида, у ёки бу аниқ турдаги хусусиятлари ва қонуниятларини, ҳақиқий мавжудликнинг сезги – тимсолларга оид ҳис қилиниши бўйича умумий қонуниятларни маъсус тарзда диалектик жиҳатдан таҳлил қилишни амалга оширади.

Ҳозирги вақтда «муסיқа ахлоқшунослиги» тушунчаси орқали ўз тадқиқот йўналишлари бўйича муסיқа фалсафаси предмети атрибутларига яқин бўлган, бироқ ўзининг услубий жиҳатлари бўйича ундан фарқ қилувчи, яъни агар муסיқа фалсафаси ахлоқшунослик бўлимларидан бири бўлиб, асосан онтологик, гнесиологик ва аксиологик масалалар билан шуғулланса, у ҳолда муסיқа ахлоқшунослиги кўпроқ даражада чуқурлаштирилган кўринишда муסיқашуносликка оид масалалар билан шуғулланади ва шу сабабли, у муסיқа назарияси соҳасидан келиб чиқувчи ўзига хос специфик илмий тушунчалар (жумладан, нисбатан мураккаб тушунчалар) устида чуқур мулаҳозакорлик асосида иш олиб бориши ва мустақилликка эга бўлиши талаб этилиб, умумий ҳолатда илмий фан соҳасини ифодалаб беради.

Шунингдек, муסיқа ахлоқшунослиги ўзининг ушбу кўринишдаги услубий жиҳатдан мўлжал олишлари асосида, махсус ихтисослаштирилган илмий фан соҳаси сифатида уни айнан, муסיқий билимлар соҳаси таркибига киритиш мумкин.

Шунингдек, айнан ушбу кўринишда мулоҳаза юритиш муסיқа ахлоқшунослигини бошқа ўзаро бир – бирига яқин бўлган иккита соҳалараро фанлар – яъни, муסיқа социологияси ва муסיқа психологияси билан солиштириш асосида тадқиқ

⁹⁵ Жирмуский В., Шубарт, в его кн.: Очерки по истории классической немецкой литературы, Л., https://gufo.me/dict/music_encyclopedia/%D0%A8%D1%83%D0%B1%D0%B0%D1%80%D1%82_%D0%9A_%D0%A4

килинишида масаланинг долзарблик моҳиятининг сақланишини таъминлайди.

Муסיқа ахлоқшунослиги масаласи муסיқа саънати ривожланишининг барча босқичларида қараб чиқилади, муסיқа ахлоқшунослигининг чуқур илдизлари эса – қадимий даврларга бориб тақалади, яъни Пифагор, Афлотун ва Арасту томонидан муסיқанинг асосий ахлоқий – қадриятларга оид мезонлари белгиланиши амалга оширилган даврлар, шунингдек парда, ритм, интервал ва бошқа шу каби муסיқий структурага оид меъёрий қоидалар белгиланиши даврлари билан боғланади, муסיқа ахлоқшунослигида Коинот даражасидаги уйғунлик ва инсониятнинг ахлоқий сифатларининг энг муҳим жиҳатларини ўзида акс этирувчи ҳолат сифатида қараб чиқилади.

Муסיқа ахлоқшунослиги ўзининг ривожланишида асос сифатидаги сермахсул замин айнан дунёқарашлар доктринасидан ва унга асосланилган неопифагоризм ва шунингдек, бир қатор ғоявий қарашларга ажралувчи, жумладан ғоявий қарашлари ўрта асрларда диний тимсоллар, рухий ҳолат ва турли хил муסיқий элементларнинг ўзаро аралашishi ғоясига асосланилувчи, ўзаро бир – бири билан боғланган тавсифдаги «муסיқалар» таълимоти учун асос сифатида ўрин тутган, йирик муסיқа назариячиларидан бири бўлган – Бозций қарашлари, бундан ташқари неоафлотун ахлоқий концепциялари ташкил қилади.

Қадимги даврда муסיқа ахлоқшунослиги йўналишидаги қарашларда миқдорга оид тимсолларнинг бойлиги ва муסיқа элементларининг турли хилдаги мажозий тавсифларда изоҳланилишига интилиш ҳолатлари хос хусусият бўлиб, бу ҳолат ўрта асрлар муסיқа ахлоқшунослиги таркибида ҳам сақланиб қолганлигини кўриш мумкин. Шундай қилиб, масалан Бенедик таълимоти тарафдори ҳисобланган, монах Арибо Схоластика томонидан билдирилган фикрларга кўра, биз бевосита музаларнинг мажозий жиҳатдан изоҳланилишинанглай оламиз. Муסיқа назарияси таркибида бир муза – бу одам овозини, икки муза – автентик ва плагал тавсифдаги пардаларнинг жуфтлашиши ёки муסיқанинг Коинотга оид ва

одам рухиятига оид бўлинишларининг жуфтлашишини англатади, уч муза эса – учта турдаги товушларни, тўрт муза – тўртта сўкмокни ёки тўртта асосий консонансни англатади ва ҳакозо.

Муסיқа ахлоқшунослигининг ривожланишида диний ибодатхона ходимлари орасидан чиққан бошқа донишманд – олимлар: Реомелик Аврелиан, Ремигий Осерский, Регино Прюмский, Ноткер Заика, Хукбальд Сент – Аманский, (Псевдо-Одо) Ключинский, Гвидо Аретинский, Рейхенаулик Берно, Тиржам Герман, Хиршаулик Вильгельм, Магистр Ламберт, Адам Фульдский, Мартин Герберт, Дом-Бедос де Селль, Дом-Жюмилан, Шубигер, дон Геранже, дон Потье, дон Моккери ва бошқалар катта ҳисса қўшишган.

Космо – ахлоқий анъаналар доирасида муסיқанинг мазмун – моҳияти масаласи устида Франция – Фламандиялик муסיқа назариётчиси, XIII асрнинг охири ва XIV асрнинг биринчи ярмисида яшаб ижод қилган Якоб Льежский иш олиб борган, у томонидан ўрта асрларда йирик кўламдаги, яъни таҳминан 1330 та атрофидаги «Муסיқа кузгуси» («*Speculum musicae*») трактати яратилган. Муסיқада интерваллар ҳақида, черковга хос муסיқа пардалари ва гескахордлар ҳақида, кўп товушли муסיқа ҳақида, ритм (уйғунлик) ва ноталар (муסיқий шартли белгилар тизими) ҳақида таълимотни ривожлантирган ҳолатда, Якоб Льежский муסיқий асарларни Ҳаётий Иерархия даражасидаги ва репрезентант Коинотга оид Қонуниятлар даражасидаги муסיқаларга ажратади⁹⁶.

уйғониш даврида у ёки бу жанрга (*ars nova*) тегишли бўлган муסיқий асарларда турли хил ахлоқий ғояларнинг камраб олиниши бўйича предметга оид масалалар ҳал қилиниши мувафакқиятли тарзда амалга оширилиши бошланади. Ушбу нуқтаи назардан муסיқа назарияси бўйича Иоанн Тинкторис ва Николаус Листениус томонидан амалга оширилган изланишлар натижалари катта қимматга эга ҳисобланади.

⁹⁶Я. Льежский "Руководство по гармонии" Источник: <http://oiskusstve.ru/velikije-muzikanti/1595-franchesko-dzheminiani-1687-1762.html>

Айниқса, музика ахлоқшунослиги ривожланиши нуктаи назаридан Аффектлар (жазава ҳолати) назарияси Барокко (саънатда, жумладан музикада XVI – XVIII асрларда шаклланган серҳашамлилик услублари) даври сезиларли даражада қизиқиш ўйғотади, бу назариянинг асосчилари – Иоганн Кванц, Марен Мерсенн, Афанасий Кирхер, Иоганн Вальтер, Клаудио Монтеверди, Иоганн Маттезон, Джованни Бононини ва Христиан Шпис кабилар ҳисобланишади. Аффектлар назариясига мувофиқ, композиторлик ижодиётининг мақсади – жазавани ҳолатини кўзғатиш билан боғлиқ бўлиб, гуруҳлар давомида маълум бир аниқликдаги музикавий услублар ва бошқа композиторлик номалари воситалари мустаҳкамланиб боради. Афанасий Кирхер томонидан билдирилган фикрларга кўра, аффектларнинг узатилиши қандайдир чуқур мазмунга эга бўлган ҳунармандлик техникаси орқали эмас, балки «одам ва музика ўртасида вужудга келувчи» «истак – майлар» асосида бошқаруви бўйича қандайдир сеҳрли таъсир билан амалга ошади. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, қайд қилиб ўтиш керакки, ўша даврда кўпгина композиторлар томонидан, жумладан йирик композиторлардан бири бўлган Клаудио Монтеверди томонидан сеҳргарлик сирлари алоҳида даражада ўзлаштиришга ҳаракат қилинган.

XVII асрга оид музика ахлоқшунослиги ҳақида фикр билдирганда, Францияда Марен Мерсеннинг музикага оид назарияси ҳақида алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади, унинг «Барча ҳолатлар учун умумий ҳисобланган уйғунлик» («*Harmonie universelle*») трактатида унда экспериментал табиатшунослик соҳасида амалга оширилган фундаментал тавсифга эга бўлган кашфиётлар билан музика ахлоқшунослигига тегишли тушунчаларнинг синтезланиши бўйича чекланган тавсифи келтирилган бўлиб, бу асар XVII асрга тегишли универсал фан намунаси ҳисобланади⁹⁷.

⁹⁷ Марсен "Ordinaire de la Musique de la Chambre du Roy" Источник: <http://oiskusstve.ru/velikije-muzikanti/page/6/>

Уйғониш даврида музиканинг чуқур мазмундаги амалий функциялардан мустақил ҳолатда қайд қилиниши билан боғлиқ ҳолатда, қандайдир «асл ҳақиқий ҳолатнинг товушларга оид шҳомлантирилиши» ҳисобланган (мимесис) , музикага оид фаолиятни англаш тушунчаси музика асарларининг таркибига кўра универсаллиги ва умумлаштириш тавсифга эгаллиги тушунчаларига ўрин алмаштирилиши кузатилади. XVIII асрдан бошлаб, музика борган сари унинг узок вақт давомийлигида сўз ва ҳаракатлар билан «қўшни» сифатидаги тушинилиши билан белгиланувчи, риторик ва кiestик формулаларга мос келишдан озод бўлиб бориши қайд қилинади.

Шундай қилиб, гарчи ҳатто ушбу «соф ҳолатдаги музикаий» тилда ҳам музиканинг тарихий жиҳатдан босиб ўтган ривожланиши босқичларида музикага оид турли хилдаги ҳаракатлар, мавзуларга оид талаффуз қилиш тавсифлари, тасвирлаш эффектлари, интерваллар фонимизми ва ҳакозолар бўйича аниқ турдаги ҳаётий ассоциациялар ва эмоциялар кўринишида мустаҳкамланган бўлишига қарамасдан, музика тили том маънода тўлиқ эркинликка ва мустақилликка эришган.

Навбатдаги ривожланиш давлари давомида музиканинг эмоционал — ифодаланиш нуқтаи назаридан мазмун — моҳиятига оид концепцияси (музика саънатининг тасвирий саънатдан фарқланишини белгилаб берувчи ҳолат) таркиби музикага оид ижодда яқка тартибдаги муаллифлик кашфиётлари ва ижодий, бадий ҳаёт оламида қиммат ва ўз — ўзини қадрлай олишнинг юқори даражада тан олиниши ҳолатлари билан бойиган.

XIX асрда яшаб ижод қилган Австриялик музикашунос танқидчи, музика ахлоқшунослиги назарияси, тарихи йўналиши бўйича Вена университети профессори, «Музикага оид гўзаллик ҳақида» трактатининг муаллифи — Э.Ганслик томонидан Иммануил Кантнинг ғоявий фалсафасидан келиб чиқиб, музика руҳий фаолиятининг алоҳида даражадаги шакли ҳисобланиши таъкидланган ва ушбу ғоявий бошланғичлар асосида музикани бошқа барча турдаги саънат йўналишлари қаршисига жойлаштириш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

«Сезгилар ахлоқшунослиги» ва «Микдор ахлоқшунослиги»ни бирлаштиришга ҳаракат қилиш асосида, Ганслик томонидан «микдорни ҳис қилиш ахлоқшунослиги»ни тузиб чиқиш мақсади масаласи устида иш олиб борилади⁹⁸.

XX асрда Ғарб оламида муסיқа ахлоқшунослигида биринчи ўринга композиторлик техникасининг янгилиги мезонлари олиб чиқилади, ўз навбатида муסיқа ахлоқшунослиги таркибида мавжуд бўлган «фалсафий» ва «муסיқашунослик»ка оид йўналишларига кўшимча тарзда «композиторлик» йўналиши кўшилади. Бунда қайд қилиб ўтилган сўнгги ҳолат кўп жиҳатдан муסיқага оид танқидшуносликка яқинлаштирилади ва айрим муסיқашунослар томонидан муסיқага оид аҳоқий онгнинг инқирози сипмтоми сифатида қараб чиқилади.

Дид – эстетик категория сифатида ахлоқшуносликнинг фалсафага оид фан соҳаси нуқтаи назаридан ўрганиш предметларидан бири ҳисобланади. Кант томонидан келтирилган аниқлик киритишга мувофиқ, «*гўзаллик ҳақида мулоҳаза юритишга қодирлик қобилияти*» мавжуд ҳисобланади (*das Vermögen der Beurtheilung des Schönen sei*)⁹⁹, Россиялик файласуф – В. Бычков томонидан билдирилган фикрларга кўра, «...одам табиатининг Универсиум билан бир бутун ягоналигини ифодаловчи уйғунлигини долзарблаштириш имконини берувчи ҳолат одам учун хос хусусият ҳисобланади»¹⁰⁰. Дид қандайдир йўналишларга нисбатан танлашни амалга ошириш, ихлос кўйишни белгилаб беради. Ахлоқий дид маълум бир аниқ объектларга нисбатан шахсий нуқтаи назарлар ва устун деб ҳисоблашга оид фикрларнинг мавжудлигини англатади. Ҳамма нарсага бефарқлик (бошқача айтганда, ҳамма нарсани истеъмом қилавериш) ва танлаб ўтирмаслик – бу одамда диднинг мавжуд эмаслигини англатади, бу ҳолатнинг сабаби берилган саънат турига нисбатан қизиқишлар даражасининг етарли эмаслиги билан

⁹⁸ Э.Ганслик О музыкально-прекрасном. Рус. перевод Г. А. Лароша. М., 1910.

⁹⁹ Критика практического разума Иммануил Кант Подробнее на livelib.ru <https://www.livelib.ru/book/1003057155-kritika-prakticheskogo-razuma-immanuil-kant>

¹⁰⁰ Бычков, В. В. Византийская эстетика. Теоретические проблемы. (1977)

боғлик ҳисобланади жумладан, тасвирий саънатга нисбатан тугма ҳолатда кизиқишларнинг мавжуд эмаслиги, шеърияга нисбатан диднинг мавжуд эмаслиги ва шеъриятга кизиқмаслик ва ҳакозо.

Диднинг бошлангичи. Файласуфлар томонидан одамнинг гўзаллик ва саънат объектларини эстетик жиҳатдан ҳис қила олиш ва кадрлаш қобилиятини белгилаб берувчи бир қатор категорияларга нисбатан эҳтиёж мавжудлигини қадимдан англаб етишган. XVII асрда ушбу категорияни ифодалаш учун «*дид*» атамасидан фойдаланиш бошланган, бу қобилият қандайдир маънода одамнинг озик – овқатлар таъмини сезишга боғлик физиологик қобилиятига ўхшаш ҳолат ҳисобланиши таъкидланади. Биринчи марта «*дид*» атамаси ахлоқшунослик нуқтаи назаридан (гўзаллик ва саънат асарларини фаҳмлай олиш маъносида) 1646 – йилда Испаниялик файласуф Бальтасар Грасиан томонидан ўзининг «Чўнтак фол китоби» асарида қўлланилган. Бу атама Ғарбий Европалик файласуфлар орасида тезлик билан қўлланила бошланган. Ахлоқшунослик (*эстетика*) нуқтаи назаридан диднинг таърифланиши XVIII асрда амалга оширилган бўлиб, бу тушунча руҳий – бадий аристократизмнинг асосий мезонига айланган.

Кийимларни танлашдаги дид – бу одамнинг бир хил қиёфадаги кийимларнинг барча элементларини биргаликда, жумладан соч турмаги, турли хил аксессуарлар ва пардоз услуби билан уйғун ҳолатда, бир – бирига мос келадиган тарзда танлай олишни англатади. Агар, эркак ёки аёлларнинг кийинишида кийим ва мавжуд бўлган бошқа элементлар одам гавдасининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда, мувофиқликда танланган бўлса, яъни одам танасининг камчиликларини бекитиши ва устунликларини намоён қила олиши қайд қилинса, демак бу ҳолат дид билан кийинганликни ифодалайди.

Муסיқа фалсафаси (инглиз тилида *philosophy of music* атамаси билан ифодаланади) – бу ахлоқшуносликнинг бир бўлими бўлиб, кенг кўламдаги фан соҳаси нуқтаи назаридан муסיқа саънатининг турли хилда намоён бўлишлари ва унинг нисбатан кўпроқ даражада аҳамиятга эга бўлган фундаментал

маданий ва дунёқарашга оид, фалсафий жиҳатларини тадқиқ қилади.

Илмий жиҳатдан ўзига хослиги. Муסיқа фалсафаси соҳалараро фан ҳисобланиб, бир вақтнинг ўзида муסיкий билимлар соҳаси, фалсафа, социология, психология (руҳият-шунослик), маданиятшунослик ва педагогика соҳаларига тегишли ҳисобланади. Шу билан биргаликда, муסיқа фалсафаси предмети атрибут нуқтаи назаридан ўз таркибига айрим математик ва билвосита у ёки бу муסיқага оид парадигмалар шаклланиши билан боғлиқ бўлган бошқа соҳаларни қамраб олиши мумкин.

Муסיқа фалсафасини муסיқа ахлоқшунослигидан фарқлай олиш талаб қилинади, гарчи бунда муסיқа фалсафаси ва муסיқа ахлоқшунослиги предмет атрибутлари билан ўзаро яқин тавсифга эга бўлсада, бироқ муסיқа фалсафаси услубий жиҳатдан ўзига хослиги билан ажралиб туради, яъни муסיқа фалсафаси ахлоқшунсоликнинг бир бўлими ҳисобланади ва асосан онтологик, гнесеологик ва аксиологик тавсифдаги масалалар билан шуғулланади, муסיқа ахлоқшунослиги эса — кўпроқ даражада чуқурлаштирилган тарзда муסיқашунослик масалалари билан шуғулланади ва шу сабабли у эркин тарзда ва чуқур (жумладан, нисбатан кўпроқ мураккаб) мулаҳазакорлик асосида муסיқа назарияси соҳасига тегишли илмий тушунчалар устида иш олиб боради. Муסיқа ахлоқшунослигининг ихтисослаштирилган фан соҳаси сифатида ушбу кўринишдаги услубий жиҳатдан мўлжал олишга эгаллиги сабабли уни айнан муסיқашунослик соҳаси таркибига киритиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Муסיқанинг нафақат одамнинг руҳий ҳолатига чуқур таъсир кўрсатиши хусусиятига эгаллиги факти тасдиқланганлиги, балки маълум бир даражада одамнинг мафкуравий онги ва дунёқарашларига таъсир кўрсатиши қадимдан аниқланган¹⁰¹.

¹⁰¹ Бычков, В. В. Художественный апокалипсис культуры. Строматы XX века. В 2 книгах. (2008)

Шундай қилиб, масалан Пифагор «замин»га тегишли муסיқа Коинотга оид Уйғунлик Сферасининг намоён бўлиши эканлиги ҳақида мутлоқо ишонч билдирган ва ушбу сабабга кўра, кўтаринки руҳиятдаги «одамий» муסיқа одамнинг ички дунёси таркибида худди «оламга оид муסיқа»нинг («*Musica Mundana*») Коинотда таъсир кўрсатиши каби уйғунликдаги тартибни юзага келтириши қайд қилинади.

Муסיқанинг ички теран табиатига нисбатан шунга ўхшаш нуқтаи назарлар антик даврга мансуб бўлган бошқа машҳур файласуфлар томонидан ҳам қўллаб – қувватланган, жумладан Афлотун ва Арастудан тортиб неоплатонизм тарафдорларигача ва непифагоризм вакилларигача ушбу фикрлар тасдиқланган. Неопифагоризм тафдорларидан бири бўлган Никомах томонидан бу хусусда қуйидаги фикрлар билдирилган:

«Сайраш товушлари таъсирида бутун вужуд қандайдир мойшлик ҳолатига ўтади, ҳаракатларни амалга оширишга мойшлиги ортади, бу ҳолат ўз огирлиги ёки тезлиги, ёки даврийлик тавсифларига (кўпроқ даражада ҳаракатчан ёки аксинча, нисбатан секин) кўра ўзаро фарқланувчи товушлар орқали, товушининг қиймати ва унинг амалга оширилиши жойига боғлиқ тарзда юзага келади, ушбу асосда ҳар бир осмон жисмининг айланма ҳаракатлари амалга ошади»¹⁰².

Антик даврнинг сўнгида яшаб ижод қилган буюк донишмандлардан бири ҳисобланган – Кассиодор томонидан қуйидаги ҳолатлар тан олинган: «Ёқимли уйғунликка бўйсиниш асосида осмоннинг ўзи ҳам айланма ҳаракатланади ва ушбу айтилган фикр мазмун – моҳиятини қисқача изоҳлайдиган бўлсак: бунда, ушбу қараб ўтилган фансиз (яъни, муסיқасиз) Яратганнинг иродаси билан барча осмон ва заминдаги ишлар амалга ошади».

Қадимги дунё олимлари дунёқарашларига мувофиқ, муסיқанинг ғоявий таъсири моҳияти энг аввало, одамда унинг у ёки бу ҳолатда намоён бўлувчи ахлоққа оид қарор топишларнинг шакллантирилишида ўз аксини топади.

¹⁰² Введение в арифметику Никомах Герасский Подробнее на [livelib.ru](https://www.livelib.ru/author/332911/latest-nikomah-gerasskij):
<https://www.livelib.ru/author/332911/latest-nikomah-gerasskij>

Конфуций томонидан куйидаги машхур ибора келтириб ўтилади: «Агар, кимнидир қилаётган ишлари мувафаққиятли эканлиги ёки унинг ахлоқий жиҳатларида қандайдир соғлом ёки бошқа ҳолатлар юзага келаётганлигини билмоқчи бўлсанг, у ҳолда унинг музиқасини тинглаб кўр»¹⁰³.

Маълумки, Арасту томонидан музиканинг қандайдир ахлоқий жиҳатдан таъсир феномени музиканинг мазмун – моҳиятини қандайдир «ахлоқий ҳолатлар бошланғичи» ташкил қилиши ҳолати билан изоҳланилади, Арасту музиканинг зарурий педагогик аҳамиятга эгаллигини кўрсатиб ўтади: «Музиқа таркибида ҳаракат мавжуд, ҳаракат эса – бу таъсир кўрсатишни аниқлатади, ҳаракатлар ахлоқнинг белгилари моҳиятини ифодалайди... Музиқа руҳиятнинг ахлоқий жиҳатларига маълум бир таъсир кўрсатади ва демак музиқа ушбу кўринишдаги таъсир тавсифларига эга экан, у ҳолда сўзсиз равишда музиқа ёшларни тарбиялаш воситалари жумласи таркибига киритилиши зарур ҳисобланади»¹⁰⁴.

Шунингдек, Марциан Капелла томонидан антик даврнинг сўнгги босқичларига тегишли бўлган, машхур ҳисобланган «Филология ва Меркурийнинг никоҳи ҳақида» («*De nuptiis Philologiae et Mercurii*») қомуси таркибида «дин маданияти» (яъни, *пайдей* орқали нажот топиш) адептида, музиканинг фавқулотда даражада муҳим ўрин тутиши тўғрисидаги фикрлар билдирилади ва музика инсон руҳиятининг еттита мажозий маънодаги ҳимоячилари ичида эркин саънат турлари таркибида (*septem artes liberales*) ёш қайлик тимсолида акс эттирилади¹⁰⁵.

Ушбу барча музика фалсафасининг асосий ғоялари навбатдаги даврларда фаолият олиб борган файласуф – донишмандларнинг тадқиқотлари давомида ривожлантирилган бўлиб, улар томонидан ҳам доимий равишда «музиканинг умумий ҳолатда оламнинг мувозанатлаштирилиши сифатида ўрин тутиши» қайд қилиб ўтилади, бунда музика «ўз

¹⁰³ Конфуций «Классика истории и культуры»

¹⁰⁴ Арасту Ахлоки Кабир асаридан

¹⁰⁵ Шахов Ю. А. Проблемы интерпретации математических терминов в сочинении Марциана Капеллы «Бракосочетание филологии и Меркурия» // Актуальные проблемы филологической науки. Взгляд нов. поколения. – М.: Изд-во Моск. ун-та, 2015. – (Вып. 6.) – С. 233–236.

таркибига ҳар қандай ҳолатларни қамраб олиши хусусиятига эга» ҳисобланиши таъкидланади ¹⁰⁶.

Муסיқа фалсафаси соҳасида мувафакқиятли тарзда иш олиб бориш учун оламни англаш бўйича чуқур фалсафий билимларни эгаллаш ва муסיқага оид билимлар соҳаси бўйича ҳам мустаҳкам билимларга эга бўлиш талаб қилинади. Албатта, бу кўринишдаги билимларнинг омадли (эҳтимол, жуда кам сонда) кўринишда бирлигини юзага келтира олган ақл — тафаккур соҳиблари кишилик жамиятининг тарихида қадимги даврлар ва ўрта асрларда унча кўпчиликни ташкил қилишмаган, асосан уларнинг таркибини бир қатор Пифагор мактаби ва Неопифагоризм йўналиши вакиллари, шунингдек ўз даврининг йирик файласуфлари ҳисобланган — Августин Аврелий, Джозеффо Царлино, Марен Мерсенн кабилар ташкил қилишган, юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Марен Мерсенн томонидан «Барча ҳолатлар учун умумий ҳисобланган уйғунлик» («*Traité de l'harmonie universelle*») фалсафий трактати яратилган бўлиб, бу асар ўз таркибида табиатшуносликка оид экспериментал фундаментал кашфиётлар ва муסיқа назариясини чекланган кўринишда синтезлай олган, бу асар XVII асрнинг «универсал фан» намунаси сифатида қимматга эга ҳисобланади.

Ўрта асрларда муסיқа соҳаси бўйича фаолият олиб борган олимлар томонидан асосан, қадимги даврга, айниқса Пифагор даври вакилларига тегишли бўлган муסיқага оид фикрларни умумлаштириш (*компиляция*) амалга оширилган, шунингдек улар томонидан ушбу билимлар христиан олами символиклари ва рақамлари (*нумерология*) билан ажойиб тарзда бирлаштирилган. Ушбу олимлар орасида Магистр Ламберт XIII асрда яшаб ижод қилган алоҳида ажралиб турган бўлиб, у Бозций ва Исидора томонидан билдирилган муסיқа ҳақидаги анъанавий фикрларни қўллаб — қувватловчи нуқтаи назарларини билдирган ва шунингдек, муסיқага аниқлик киритиш, таснифлаш ва ҳақозо тавсифдаги муסיқанинг асосий

¹⁰⁶ Новалис Генрих фон Офтердинген (сборник) Подробнее на [livelib.ru](https://www.livelib.ru/author/13255/top-novalis):
<https://www.livelib.ru/author/13255/top-novalis>

назарий масалаларини устида иш олиб борган, ўз фикрларини жамлаган ҳолатда фалсафий трактат ёзиб қолдирган. Ламберт ўз трактатида музикани мадҳ этади, унинг улкан фойда келтира олиши, шунингдек христиан оламида эҳтиёж сифатида қабул қилинишини келтириб ўтади: «Музиканинг фойдаси улкан, қойил қоларлик даражада ва мукамал (*virtuosa*), музика мардонавор тарзда бунда черков доирасидан чиқиб кета олишга муваффақ бўлган. Бу даврда бирорта фан соҳаси черков тартиблари доирасидан чиқиб кета олмаган. Бизнинг руҳоний оламимиз пайгамбарлари томонидан ўргатилганидек, музиканинг ёрдамида биз оламни диний кўшиқлар орқали мадҳ эта оламиз, борлиқ шарафига янги кўшиқлар (*canticum novum*) ярата оламиз. Ҳар куни Яратганга илтижо қилиш, ибодат қилиш, музика ёрдамида амалга оширилади ва бизни илоҳий музика оҳанглари руҳиятимизни абадий илоҳийлик нурлари билан ёриштиришга чорлайди»¹⁰⁷.

Ўрта асрларда яшаб ижод қилган бошқа музика назарийчилари, яратган асарларини шартли равишда «фалсафий» мазмунга эга деб ҳисоблаш мумкин бўлган ижодкорлар сифатида — Реомелик Аврелиан, Ремигий Осерский, Регино Прюмский, Псевдо-Одон Ключийский, Райхенаулик Берно, Хотиржам Герман, Хиршаулик Вильгельм, Арибо Схоластик, Адам Фульдский, Псевдо-Иоанн де Мурис («Музиқаларнинг умумий йиғиндиси» асари муаллифи) кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Янги давр тарихида ўзининг такрорланмас тавсифга эга бўлган «музика фалсафаси тизими»ни тузиб чиқишга ҳаракат қилган ижодкорлардан бири — В.Ф.Одоевский ҳисобланади. Унинг бу уринишлари қисман унинг «Музиқада уни кўллашнинг хусусиятлари билан биргаликда Нафис саънат назарияси тажрибаси» трактатида ва шунингдек, «XIX асрнинг афсонавий митти одамлари» трактатида келтириб ўтилади, бироқ афсуски, В.Ф.Одоевскийнинг ушбу ҳар иккала асари ҳам мантикий нуқтаи назардан тугалланмаган ҳолатда қолиб кетган.

¹⁰⁷ Момет Ламберт Мусякя Шубарта «Иден к эс-тетике музыкального искусства»

Алексей Фёдорович Лосев. Собик Иттифокда мусиқа фалсафаси йўналишида етакчи олимлардан бири – А.Ф.Лосев ҳисобланади, унинг ижодий мероси таркиби ахлоқшунослик соҳасида амалга оширилган кўп сондаги тадқиқотлар натижалари, шунингдек бевосита мусиқа фалсафасига оид асарлардан ташкил топган. У мусиқанинг чуқур ва теран мазмун – моҳиятини ўзининг қисқа ва лўнда кўринишдаги куйидаги ибораси орқали ифодалаган: «*Миқдорнинг Вақт давомидаги ҳаёти*»¹⁰⁸. А.Ф.Лосев ўзининг бутун илмий фаолияти давомида мусиқанинг ҳар қандай физик ва психофизиологик ҳодисалардан мустақил, автоматном ҳолатда мавжуд бўлувчи, умуман олганда ҳар қандай вульгар – материалистик натурализмдан мустақил ҳолатдаги феноменлиги тамойили тарафдори сифатида намоён бўлади.

Шунингдек, мусиқа фалсафаси мусиқашуносликнинг нисбатан концептуен масалаларидан бири ҳисобланади (яъни, композиторлик ва ижрочиликнинг умумий қонуниятлари, мусиқа асарларини чуқур ҳис қила олишнинг ўзига хос хусусиятлари ва ҳақозо масалаларини қамраб олади). Мусиқа фалсафаси билан қандайдир даражада боғлиқ бўлган масалалар билан Собик Иттифокда Б.В.Асафьев, Г.Э.Конюс, Б.Л.Яворский, В.А.Цуккерман, И.Я.Рыжкин Л.А.Мазель кабилар иш олиб боришган.

Мусиқада ижтимоий кодларнинг циркуляцияланиши масаласи устида бир қатор социолог олимлар изланиш олиб боришган. Асафьев томонидан ўзининг «*Муסיқий шакл – жараён сифатида*» китобида *муסיқий шакл* – бу ижтимоий детерминацияга эга бўлган ҳодиса ҳисобланишини кўрсатиб ўтади. Унинг сўзларига мувофиқ, мусиқа ижро талаффузи жараёнида муסיқийликни ижтимоий жиҳатдан фаҳмлаш шакли сифатида англашни ўз ичига қамраб олади.

XX асарда Ғарбда мусиқа фалсафаси мактабининг нисбатан кўзга кўринган вакиллари сифатида Германиялик олимлар – Ганс Генрих Эггебрехт, Карл Дальхауз ва Теодор

¹⁰⁸ А.Ф.Лосев. История античной эстетики. [Т. 4.] Аристотель и поздняя классика. М.: Искусство, 1975. С-743.

Адорно кабиларни кўрсатиб ўтиш мумкин, улар томонидан билдирилган фикрларга кўра, музиканинг навбатдаги даврларда ривожланиши унинг мантиғи, яъни музикий шаклларнинг таҳлилий – грамматик жиҳатлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг асосий йўналишлари. Музиқа фалсафаси шуғулланувчи, нисбатан муҳим аҳамиятга эга бўлган илмий масалалар қуйидагилардан ташкил топади:

- Музиканинг келиб чиқиши масаласи;
- Музиқага аниқлик киритишнинг мазмун – моҳияти масаласи;
- Музиканинг тарихий нуқтаи назардан мавжудлик масаласи;
- Музиканинг ижтимоий жиҳатдан мавжудлик масаласи;
- Музиканинг ғоявий – фалсафий жиҳатдан таркибий тўлдирилиши масаласи;
- Одамларда у ёки бу турдаги ахлоқий – дунёқарашларга оид қарор топишларнинг шакллантирилишида музиканинг роли ва аҳамияти билан боғлиқ бўлган масалалар;
- Музиканинг бошқа саънат турлари билан ўзаро алоқадорлигининг турли хил жиҳатлари билан боғлиқ масалалар;
- Турли хил билимлар соҳаларидан (жумладан, гуманитар ва шунингдек, табиий) ҳар хил атрибутларнинг музиқа таркибига киритилиши билан боғлиқ бўлган масалалар;
- Музиканинг билишга оид ва тарбиявий аҳамиятига боғлиқ масалалар.

Музиканинг фалсафий таркибининг мазмун – моҳияти ва бу хусусда машҳур кишилар томонидан билдирилган фикрлар. Бутун кишилик жамиятининг ривожланиш тарихи давомида музиқа саънатининг жуда улкан фалсафий аҳамияти ва унинг фавқулотда даражада дунёқарашларга муҳим таъсири ҳақида дунё микёсида тан олинган кўплаб етакчи фан ва маданият арбоблари ўз фикрларини билдиришган.

Бу кўринишдаги фикрлар бевосита ва билвосита «музиқа фалсафаси» тушунчасининг турли хилдаги жиҳатлари ва кўп қиррали тушунча эканлигини чуқур очиб беришга хизмат қилади, шу сабабли ушбу ўринда билдириб ўтилган фикрлардан етарлича даражада кўчирмалар келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

«Музиқа бутун оламни жонлантиради, қанотларга руҳ бағишлайди, ҳаёлот парвозини амалга ошириш имконини беради... Уни барча мавжуд гўзалликлар ва барча юксакликларнинг бирлаштирилиши деб номлаш мумкин» [Афлотун].

«Қимки гўзал ва нафис дидга эга бўлишга амал қилиш ва музикалий ижод билан шуғулланишни хоҳласа, у ҳолда ўзининг музикага оид билимлари таркибини бошқа фан предметлари билимлари билан тўлдириши, фалсафадан устозга мурожаат қилиш талаб қилинади, акс ҳолда у музиканинг ўлчовлари ва унинг фойдалилик даражаларини аниқлаш масаласи олдида якка ўзи қолиб кетади» [Плутарх].

«Яратганнинг инсониятга энг гўзал ва энг яхши инъомларидан бири – бу музиқа ҳисобланиб, музиқа одам руҳиятидан аҳмоқона фикрларни ҳайдашга хизмат қилади» [Мартин Лютер].

«Музиқа асл руҳиятга оид саънат шаклини ташкил қилиб, товуш сингари материянинг ички сифатини ўзида акс эттиради... Музиқа – бу яратилган иккинчи олам ҳисобланиб, фақат юксак руҳий тинглай олиш қобилиятига эга бўлган файласуфгина Оламнинг Илоҳий Музикасини эшита олади ва англай олади» [В.Ф.Одоевский].

«Музиқа – бу олий даражада ва гўзаллик соҳасига кириб боришнинг мутлоқ трансцендент воситаси ҳисобланади... Саънатнинг нақадар буюклиги барча жиҳатлари билан музикада яққол ўз аксини топади» [И.В.Гете].

«Музиқа – бу донишмандлик ва фалсафадан кўра, қандайдир юксакроқ ҳолатларнинг кашф қилиниши ҳисобланади... Музиқа ҳар доим таркибий жиҳатдан бой

ҳисобланган. Ҳар бир асл мусиқа асариди гоя мавжуд ҳисобланади» [Л.Бетховен].

«Мусиқанинг сирини шундаки, яъни мусиқа сўзлар жини қолувчи ҳолатларда, тугади деб ҳисобланувчи манбаларни топа олишга қодир ҳисобланади» [Э.Т.Гофман].

«Мусиқа одамга унинг руҳиятидаги мавжуд бўлган имкониятлар улканлигини кўрсатиб бера олади» [Р.У.Эмерсон].

«Тан олиш керак, расом сўзсиз равишда мавжуд борлиқни ўз асарлари орқали баён қила олишга қодир ҳисобланади, бироқ фақат мусиқагина қандайдир олий, кашф қилинмаган уфқларга, тасвирлаш, етиб бора олиш мумкин бўлмаган соҳаларгача кириб бора олиш имкониятига эга ҳисобланади» [П.И.Чайковский].

«Мусиқа – бу руҳият метафизикасида у тан олмайдиган ҳолатлар ҳақида фалсафа юрита олувчи сирли машқ ҳисобланади... Қачонки мен мусиқа тингласам, кўпинча ҳолатларда менинг ва қолган одамларнинг ҳаёти қандайдир асл руҳиятнинг моҳиятини ўзида акс этирувчи туш – рўё сингари тасаввур ўйготади, эҳтимол ўлимгина бу туш кўришдан ўйғониш ҳисобланиши мумкинлиги ҳақида фикр тугилади» [А.Шопенгауэр].

«Мусиқа ҳақида! Олис уйғунликдаги олам оҳанглари ҳақида! Бизнинг руҳиятимиздаги фаришта нафаси ҳақида!» [Жан Поль].

«Мусиқа – бу гўзал ва ажойиб оҳанглари ўзида жамлаган тафаккур, ақл – идрок ҳисобланади» [И.С.Тургенев].

«Яратган бизга энг аввало, унинг олий юксаклигини англашимиз учун мусиқани инъом этган» [Ф.Ницше].

«Мусиқа – бу шунчаки барча томонидан айтилиши мумкин бўлган ҳолатлар ҳақида эслатиб ўтишдан иборат эмас» [И.Г.Эренбург].

«Мусиқа бизни чексизликнинг энг чекка сарҳадларигача олиб бора олади ва бизга бир неча минутлар давомида унинг чексизлиги, бепоёнлигини ҳис қила олиш имконини беради» [Т.Карлейль].

2.3-§. Сиёсат фалсафасининг предмети, мақсади ва вазифалари

Сиёсат фалсафаси – бу сиёсатга тегишли бўлган ғояларни, сиёсий қадриятларни, сиёсий фаолиятнинг мазмун – моҳиятини ва сиёсий таҳлилнинг интеллектуал бошланғичларини ўрганувчи фалсафа бўлими ҳисобланади.

Сиёсат фалсафаси – сиёсатни бир бутун ҳолатда ўрганувчи билимлар соҳаси ҳисобланиб, сиёсатнинг табиати, одамлар учун аҳамияти, шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, жамият ва давлат ҳокимияти ўртасидаги муносабатларни ўрганиш ва ушбу асосда ғояларнинг ишлаб чиқилиши, бундан ташқари сиёсатнинг баҳоланиши бўйича умумий мезонлар ишлаб чиқилишини белгилаб беради.

Сиёсат фалсафаси тарихий нуқтаи назардан одам томонидан сиёсий феноменлар ҳақида ишонарли билимларни қидириш билан боғлиқ ҳисобланади. Бизнинг даврларимизга яқин даврларда сиёсат фалсафаси масалалари билан кўпроқ даражада ғоялар тарихи шуғуллана бошлаган. Жорий даврда сиёсат фалсафаси билан маълум бир жиҳатлар бўйича тафаккур ва ақл – идрок, мантиқ ёки ички сезгилар (*интуиция*) асосида эмас, балки илмий верификацион пропозициялар асосида асл моҳиятни қидирувчи эмпирик назария рақобатчи сифатида намоён бўлади. Бундан ташқари, сиёсат фалсафаси масалалари билан замонавий сиёсатшунослик ва сиёсий фанларнинг ўқитилиши таркиби хам етарлича даражада шуғулланади.

Сиёсат фалсафасининг тадқиқот объекти – бу сиёсий рефлексиядан (мулоҳаза юритиш) ташкил топади. Предмет – бу сиёсий рефлексиянинг асосий тушунчаси ҳисобланади. Сиёсий рефлексиянинг субъекти битта индивид, партия ёки халқ бўлиши мумкин.

Сиёсат фалсафаси фалсафага оид билимлар бўлими сифатида. Сиёсат фалсафасига кириш унинг қисқача тарихини баён қилиш билан бошланиши қабул қилинган. Ғарб оламида сиёсат фалсафасининг асосчи – оталари сифатида – Сукрот ва унинг шогирди Афлотун қайд қилинади, ўз навбатида Афлотун

Арастуниг устози ҳисобланади. Анъаналар асосида сиёсат – бу техника эмас, балки саънат ҳисобланиб, у инсон табиатининг рўёбга оширилишига йўналтирилади. Сиёсат фалсафаси сиёсат саънати асосида ўсиб чиққан бўлиб, бажарилувчи ишларни сиёсий ва сиёсий бўлмаган ҳолатларга ажратишни амалга оширади. Сиёсий ақл – идрок соҳасида ҳокимият тушунчаси муҳим ўрин тутади ва бунда ҳокимият битимларда ўз ифодасини топади ва битимлар ўз навбатида, шартнома асосида эзгулик ва табиий эзгулик шаклларига ажратилади. Ушбу кўринишда, табиийлик ва шартнома ўртасидаги ўзаро бошланғич фарқланиш жиҳатлари якуний ҳолатда нима ёмон ва нима яхши эканлигини англаш имконини беради ва ушбу ҳолат Грецияда мумтоз сиёсат фалсафасида қабул қилинган асос сифатида эзгуликка томон ҳаракат сифатида мақсаднинг белгиланишини ифодалаб беради.

Бироқ, фалсафа ва сиёсат ўртасида дастлаб айрим босим ҳолатлари юзага келган бўлиб, Сукрот ҳаётлигида ва унинг оламдан ўтишидан кейин ушбу ҳолат яққол намоён бўлган. Сукротнинг ҳаётий тажрибалари моҳиятини яхши ўзлаштирган Афлотун сиёсат фалсафаси (сиёсий ҳодисаларнинг табиати ҳақидаги масалаларга жавоб топиш) ва фалсафий сиёсат (файласуфнинг сиёсат ҳақидаги мулоҳазаларида танланган позиция масаласи) ўртасидаги сезилари даражадаги мос келмаслик ҳолатларини фарқлай олмаслиги мумкин эмас эди. Шундай қилиб, ҳозирги вақтгача файласуфлар томонидан ўз – ўзига ва бутун дунёга қаратилган, *Одам қандай турмуш тарзи асосида ҳаёт кечирса тўғри (эзгуликка асосланган) ҳисобланади? Давлат тузилмаларининг қандай бўлиши тўғри ва қандай бўлиши аҳмоқона ҳисобланади? Мавжуд шакллардан қайси бири тўғри ҳисобланади?* ва шунингдек *Файласуфлар, сиёсат тарафдорлари сифатида майдонга чиқишлари ва ўз трактатларида ушбу масалани чегаравий даражада ёритиб беришлари масаласига қандай муносабат билдирилади?* каби турли хил саволлар устида бош қотиришади.

Қадимги Греция фуқоролари ҳисобланган файласуфлар бизнинг давримизда сиёсатшунослик соҳасида фаолият олиб

бораётган профессорлардан фарқ қилиб, ташқи кузатувчилардан эркин ҳолатда, холис тавсифда илмий позицияни эгаллаш нуқтаи назаридан иш олиб боришмаган, бунда услублар ҳақидаги бошланғич мулоҳазалар бевосита сиёсий ҳаётга жалб қилиниши заруриятига эга ҳисобланган. Яхши ва ёмон ҳолатлардан мавҳумлик шакллантирилиши ғояси беъманилик тавсифини юзага келтирган. Сиёсий ҳаётнинг зиддиятларга бойлиги қадимги дунё файласуфларининг ҳаёт тарзида ўз ифодасини топган. Қадимги дунё файласуфларининг ҳаёт фаолияти таркибини айтиш мумкинки, катта ҳарфлар билан ифодаланувчи *Қонунчилик, Давлат асоси* каби тушунчалар банд қилган ва бу ҳолатлар унинг учун кишилик жамиятининг олий шакли сифатида қарор топган. Қадимги дунё файласуфлари учун давлат эмас, балки одам ахлоқий муносабатларда ҳали такомиллашмаган мавжудот (хайвон) ёки олий сифатга эга (деярли Яратганга тенглаштирилувчи) инсон сифатида гавдалантирилган. Давлат таркибида одам қочиб бўлмайдиган тарзда ўзи эгаллаган ўрин ва даражаси бўйича иерархик структура таркибига киритилган. Демак, у бўлажак *«сиёсий тавсифдаги мавжудот»* сифатида энг аввало, *«ақл – идрокка эга мавжудот»* ҳисобланиши таъкидланган.

Сукротдан кейинги Қадимги дунё файласуфларининг сиёсий қарашларида (сиёсий фикрловчи файласуфлар) олий эзгулик сифатида билимлар биринчи ўринга олиб чиқилган. Эзгулик турли хилда намоён бўлиб, фақат ақл – идрок барча мавжуд хираликлар ва тушунмовчиликларга барҳам бериши, эзгуликни тушинарли шаклга келтириши қайд қилинади. Ёвуз кимсалар ўз истак ва нафсларига бўйсинишлари орқали ўзларининг кўзларини кўр қилиб қўйишлари, ўз ҳатти – ҳаракатларини айёрона мулоҳазалар асосида оклашга ҳаракат қилишлари таъкидланади. Ўз навбатида, тўғри ҳаёт кечириш қийин масала ҳисобланиб, эзгуликка томон йўл сермашаккатли ҳисобланиши, мажбурият ва маъсулиятсиз (бурч) у маънога эга эмаслиги қайд қилиб ўтилади, айниқса бунда ушбу нуқтаи назардан одамлар табиатига хос бўлган ахлоқий ҳолатлар (иерархия) ва уларнинг одатдаги хатоларга йўл қўйишлари

ҳисобга олинса, у ҳолда мавжуд вазият анархия (ҳокимиятсизлик) ва ўз навбатида фуқоралик урушларига олиб келиши мумкинлиги таъкидланади. Фуқоролардан ташкил топган оламга нисбатан юзага келувчи ҳавф таҳдидини бартараф қилиш учун оломонни бошқариш кераклиги, бунда сиёсий нотенглик – бу табиий нотенглик маҳсули сифатида ўрин тутишини англаш муҳим ўрин тутиши келтирилади. Сиёсат фаровонлик ва эзгуликка йўналтирилган тартиблар ва урф – одатлар номидан тартиб ўрнатиш ва сиёсий ҳокимиятни ташкил қилиш ва унинг функциясини рўёбга оширишни назарда тутаяди. Яъни, бунда бошқариш шакли асосий ўринга олиб чиқилади.

Қадимги даврда сиёсат масалалари билан шуғуланишган файласуфлар томонидан бошқариш шакллариининг таснифланиши энг аввало, «яхши» бошқарув режимини «аҳмоқона» бошқарув режимидан фарқлай олишга асосланилган. Мавжуд жамиятдаги ҳолатларни тўлиқ англаб етиш асосида, бошқарувнинг оддий ҳалқ оммаси манфаатларига йўналтирилиши (*демократия*) ёки бой амалдорлар манфаатларини кўзлаши (*олигархия*), ёки шунчаки колондимоғ амалдор – тўралар манфаатларига қаратилиши (*аристократия*) мумкинлиги кўрсатиб ўтилган, Қадимги даврга оид бошқарувнинг тугалланган кўринишда таснифланиши шакли Арасту томонидан билдирилган фикрларда яққол ўз ифодасини топади, у бошқарувнинг олтига тўғри ва нотўғри шакллари иерархияси мавжудлигини кўрсатиб ўтади. Бу ерда аниқлик киритиш мезонлари сифатида нафақат ҳокимиятни амалга оширувчилар сон миқдори (биттадан айрим ҳолатларда бир нечтагача), балки сиёсий ҳокимиятни ташкил қилишнинг усуллари (*структурага оид*) ва ҳокимиятни амалга ошириш усуллари (*функционал – амалий*) ҳам ҳисобга олинади.

Қадимги даврда ҳокимият бошқаруви энг яхши хислатларга кишиларга топширилиши зарур деб ҳисобланган. Бу ерда бошқарув шакли сифатида демократиянинг (айниқса, Афлотун фикрларида) қабул қилинмаслиги ҳолати келиб чиқаяди. Ушбу сиёсий режим типини ўз структура тузилишига

кўра бузилган ҳисобланади ва бунда ҳокимият бошқаруви омманинг манфаатлари кўзланган ҳолатда, фақат сайланган шахсларга тегишли ҳисобланиши таъкидланади. Навбатдаги даврларда ушбу масаланинг муҳокама қилиниши бирмунча даражада соддалашиши қайд қилинади, жумладан ўз инжиқликлари ва истак – хохишлари бўйича чегара билмас эркин халқ оммаси (*демос*) суъний шаклдаги (табiiй эмас) тенглик ғоясидан фойдаланиб, янгича тўполонларга асосланилувчи эркинлик асосида ҳаракат қилиши бевосита қочиб бўлмадиган тарзда тартибсизликларга (*хаос*) олиб келиши, ўз навбатида бу ҳолат *тирания* тавсифидаги зулмга асосланган бошқарув ҳокимияти ҳукронлигига сабаб бўлиши мумкинлиги таъкидланади.

Ушбу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, ҳокимият бошқаруви ҳукуки бевосита сайлаш асосида амалга оширилиши мақсадга мувофиқлиги масаласи Қадимги даврдаёқ устувор масала сифатида ўртага ташланганлигига қарамасдан, бу масала ечимлари ҳозирги вақтгача бутун кишилик жамиятини ташвишлантирувчи масалалардан бири ҳисобланади. Сайлов асосидаги ҳокимият шакли бўйича етарлича даражада машҳур бўлган шакллари қараб чиқамиз:

- Иудаизм таълимотига асосан, Яратганнинг хохиш – иродасига кўра, бутун оламни бошқариш яҳудийларга хос хусусият ҳисобланиши келтирилади;

- «Янги панд – насиҳатлар» (*Новый Завет*) таълимоти позициясида эса – бу нуқтаи назардан ҳокимият бутун христиан динига мансуб аҳоли орасидан сайланиши мақсадга мувофиқ деб кўрсатилади;

- Христиан динининг протестант оқими вакиллари томонидан ҳам ҳокимият бошқаруви Яратган хохиш – иродаси асосида амалга оширилганлиги мақсадга мувофиқлиги қўллаб – қувватланади, бироқ бунда ойдинлик киритиш мезони сифатида барча Яратганга ҳуш келувчи ҳаёт фаолияти соҳалари, жумладан судхўрлик фаолиятида фидокорона меҳнат қилиш ва иш фаолияти ва ҳаётда шахсий мувафакқиятларни қўлга киритиш асосидаги, соф ҳолатдаги заминда ҳаёт

кечишиш билан боғлиқ ҳолатлар ҳисобга олиниши келтириб ўтилади;

- Марксизм таълимотида бошқарув ҳокимияти масаласи тарихий вазият нуқтаи назаридан ҳал қилинади, яъни тараққиётнинг маълум бир босқичларида ўзларининг тараққиётга қаратилган ҳаракатларини курол сифатида кўтарган ишчилар синфи бошқарувга лойиқлиги қайд қилинади;

- Замоनावий либерализмда икки хил мазмунга йўл қўймайдиган тарзда, оламни бошқариш ҳуқуқи бевосита «илгор» мамлакатларда, энг аввало кишилик жамиятининг «шимолий – ғарбий» соҳасида фаолият олиб борувчи кишилар оммаси орасидан сайланиши мақсадга мувофиқлиги кўрсатиб ўтилади.

Вақт ўтиши билан, Арасту учун Қадимги сиёсий фикрлар таркибида *ким бошқариш ҳуқуқига кўпроқ эга ҳисобланади?* масаласи марказий ўринга олиб чиқилади. Агар, ҳарбий бошқарувчининг эгаллаб турган лавозими унинг жусур ва мардлиги асосида белгиланса, судьянинг (қози) лавозими – унинг ҳақиқатгўйлигига асосан белгиланади, бу ҳолатда сиёсат нуқтаи назаридан фикр билдирганда, бошқарув ҳуқуқи энг донишманд ва мақсади яхшиликни кўзловчи, эзгу хислатларга эга шахсга топширилиши мақсадга мувофиқ деб топилади.

Қадимги дунё файласуфлари Афлотуннинг бу кўринишдаги фикрларини қўллаб – қувватлашган ва бошқарув ҳокимияти файласуф – подшоҳларга хос ҳисобланиши фикрига қўшилишган, бунда албатта бошқарувни амалга оширувчи томонидан ҳам файласуфона фикр юритишнинг муҳим аҳамиятга эгаллигига ўзида ишонч ҳосил бўлиши талаб қилинади.

Ушбу нуқтаи назардан, қайд қилиб ўтиш керакки, файласуфлар ўз дунёқарашларидан келиб чиқиб, донишмандликнинг «Хушбахт, саотдатлилар ороли»да ҳаёт кечиришни афзал деб билишади ва ҳокимият бошқаруви учун бошқаларга нисбатан камроқ даражада кураш олиб боришади. Ушбу ўринда ҳокимиятга бошқаларга нисбатан камроқ интилувчи донишманд кишиларга айнан, ҳокимият

бошқарувидагилар кўпроқ ишонч билдиришлари талаб қилинади. Бундан ташқари, ҳокимият тепасига келган файласуф – ҳукмдорлар тахтда эҳиёткорлик ва мулоҳазакорлик билан иш тутишлари, муътадиллик ва тарбия кўрганлилик асосида, бошқарув учун қулай шарт – шароитларни яратишлари зарур ҳисобланади. Бошқача айтганда, ҳақиқий мавжуд сиёсат қонун чиқарувчи фаолиятининг ўзига хос саънати сифатида ҳар доим донишмандлик ва мувофиқлик, муросага келиш, эзгулик ва эркинлик, мувафакқият ва таҳлика ўртасидаги мувозанатни таъминлаш йўлларини қидиришни талаб қилади.

Яна қайтадан, сиёсат фалсафаси ва фалсафага оид сиёсат ўртасидаги нисбатлар масаласига қайтишга тўғри келади, бунда Қадимги Грецияда ушбу ҳолатлар ўртасида юзага келувчи зиддиятларнинг ҳаёт тарзининг фалсафий моҳияти ва фалсафий ақл – идрок нуқтаи назардан иш олиб боришнинг айрим бузувчи таъсирининг ўзига хос жиҳатларидан келиб чиқиши қайд қилиб ўтилган. Файласуф бойликка интилиш, шон – шухрат ва ҳокимиятга интилиш каби манфаатпарастликлардан йироқ бўлиши талаб қилинади, унинг маънавий – руҳий ҳаёт йўли албатта қийинчилик ва машаққатларга тўла бўлсада, мавжуд қарор топган шарт – шароитлар ва нуқтаи назарларга портлаш тарзидаги яққол нарозилик намойишини ифодалаб бермаслиги керак, бироқ бунда уларнинг ақл – идрок ва мулоҳазакорлик асосида билдирувчи фикрлари ушбу кўринишдаги ҳаракатлардан ҳам кучли таъсирга эга бўлиши мумкин. Шу сабабли, одатда давлатда файласуфларни ҳар доим ҳам ҳуш кўраверишмайди. Сукротнинг тақдири шундан далолат берадики, айрим ҳолатларда файласуфларнинг нуқтаи назарлари давлат учун ҳавfli вазиятларни юзага келтириши мумкин, бироқ қайд қилиб ўтиш керакки, айрим вазиятларда айнан, давлат томонидан файласуфлар фаолиятига нисбатан қарши айбловлар қўйилиши кузатилиши ҳам мумкин. Бу кўринишдаги юзага келувчи зиддиятлар ҳар доим ечими йўқдек бўлиб туюлади ва ҳар сафар бундай ҳолатлар юзага келиши давомида ақл – идрок соҳиблари ва давлат тузилмалари ўртасидаги муносабатларда зўриқишли ҳолатлар шаклланади.

Бироқ, файласуф ушбу зиддиятли вазиятни юмшата олишга кодир ҳисобланади, яъни бундай вазиятларда улар ақл – идрок билан мулоҳаза юритиши асосида иш кўриши, бошқалар томонидан билдирилаётган айрим салбий фикрларни яшириши, эҳтиёткорликка амал қилиши, давлат учун ўз фаолиятининг ҳақиқатдан ҳам зарарли куч сифатидаги агент эмаслигига ҳокимиятнинг ишонч ҳосил қилишига қаратилган ташаббускорликни ўз кўлига олиши, давлат олдидаги жавобгарлик ва бурчни ҳис қила олишини исботлаши, айрим вазиятларда Яратганга кучли эътиқод ривожланган давлат тузилмалари шароитида ўзининг фикрлари билан қандайдир маънода атеист сифатида намоён бўлмаслиги талаб этилади. Ушбу маънода фалсафага оид сиёсат Сукрот давридан кейин вақт ўтиши билан икки ҳил мазмун – моҳиятга эга бўлиб борганлиги кузатилади. Ўз даврида Сукрот жорий давлат тузуми юритаётган сиёсатга оддий фукоро сифатида муносабат билдиради, ўз навбатида ахлоқнинг сиёсатдан устуворлигини намоёиш қилиш нуқтаи назаридан, у ўз нарозилигини кўрсатишда ягона йўл – ўз жонига қасд қилиш йўлини танлайди. Албатта, тириклик даврида Сукрот ҳам Афлотун ҳам ҳеч қандай мукофотларга сазовор топилмаган, бироқ улардан биринчиси тафаккурлаш тарзининг буюклиги ва иккинчиси эса – мулоҳаза юритиш нуқтаи назаридан такрорланмаслиги билан минг йиллар давомида барҳаёт ҳисобланади.

Файласуф – подшоҳлар учун ҳокимият тушунчаси – бу давлат фаолиятига оид бадийий роман, энг ижобий, мақсадга мувофиқ тузумга эга бўлган сиёсий ҳаёлот дунёси (*утопия*) ҳисобланади, бироқ бу бошқарув шаклига ҳолатга ҳақиқий ҳаётда эришиш мантикка тўғри келмайди. Якуний ҳолатда қуйидаги хулосага келишимиз мумкин, яъни ҳаёлий фаровонликка эга давлат (*утопия*) бошқарувини рўёбга оширишга қаратилган сиёсат ўз мақсадларига ҳеч қачон тўлиқ ҳолатда эриша олмайди, файласуф учун бахт – соадат тушунчаси эса – фақат фалсафий ҳаёт тарзи асосида кун кечириш ҳолатидагина эришилади, бироқ бундай бахтдан сархушлик ҳолатга кам сондаги файласуфларгина мушарраф

бўлишган. Христиан динига оид тафаккурлаш таркибида ушбу кўринишдаги хулосаларга асосланилувчи фикрлар устуворлик қилади, модерн ва посмодерн даврига тегишли нуқтаи назарларда ушбу хулосалар тўлиқ ҳолатда қайтадан қараб чиқилади.

Христиан (*католик*) динига оид тафаккурлашда биринчи ўринга Ақл – идрок билан биргаликда ошкоралик тушунчаси олиб чиқилади. Бунда донишмандлик ўз нималигига ойдинлик киритилмайдиган, бироқ бу ҳолатда донишмандлик тавозе сақлашни талаб қилувчи, Яратган томонидан кўрсатилувчи сирли донишмандлик сифатида намоён бўлади, бироқ бу фикрларга эллинизм тарафдорлари қўшилишмайди.

Апостол (Исо масихнинг афсонавий 12 шогирдларидан бири сифатида тан олинувчи ҳаворийлар вакили) Павел томонидан христиан олами учун сиёсат фалсафасининг ўзига хос йўли кашф қилинган бўлиб, бу йўл – христиан динига эътиқод қилувчи кишилар бир вақтнинг ўзида иккита оламда ҳаёт кечиришлари – яъни, Заминдаги ҳаёт ва Рухий оламдаги ҳаёт кечиришга эгалликларини таъкидловчи теология таълимотидан ташкил топган бўлиб, бу нуқтаи назарлар асрлар давомида кўплаб диний уламолар томонидан баҳс – мунозараларга сабаб бўлган ва охир – оқибатда ғалаба қозонган. Бироқ бунинг учун христиан дини таълимоти йўналишида айтиш мумкинки, жасорат кўрсатган иккита буюк шахс – Авлиё Августин (354 – 430 йиллар) ва Авлиё Фома Аквинский (1225 – 1274 йил) томонидан амалга оширилган теология (илоҳиёт таълимоти) йўналишидаги илғор фикрлар талаб этилган.

Ҳозирги кунда маълумки, христиан оламида фалсафий дунёқарашлар тарихида чизиқли тавсифдаги вақт концепцияси тузиб чиқилган бўлиб, Авлиё Августиннинг «Яратганнинг ёғувчи инъоми ҳақида» трактатида баён қилинади (415 – 427 – йиллар), бу концепция яратилишдан тортиб айбларнинг ювилишигача, кечирилиш ва навбатда келажакка томон йўл тавсифидаги қонуният сифатида таърифланади. Яратган томонидан заминга оид ёғилган инъом – бу одамларнинг ўз –

ўзига бўлган муҳаббатининг Яратганни унутиб қўйишгача ҳолатларни, шунингдек одамзоднинг бир қисмининг ўз – ўзининг абадиятга мансублигини унутиб қўйишини ўз ичига камраб олади. Яратганнинг Осмонга оид ёғилган инъоми эса – Яратганга бўлган муҳаббат асосида яратилган кўзга кўринмас ибодатгоҳ ҳисобланади. Улар ўртасидаги чегара инсон қалби орқали ўтади. Буни бироз соддалаштирган ҳолатда ифодайдиган бўлсак, Яратган томонидан Заминга оид ёғилган инъом – бу маълум маънода сиёсий жамият тушунчасига мос келади, Яратганнинг Осмонга оид ёғилган инъоми эса – черков ва христиан динига чин дилдан эътиқод қилувчи оммани ўз ичига олади. Христиан оламидаги ҳаёт кечирувчи кишилик жамиятида бу кўрсатиб ўтилган иккита ўлчов – Авлиё Августиннинг илгари сурган руҳий ва замонга оид тартибларнинг ўзаро фарқланишини белгилаб берувчи, черков ҳокимияти ва сиёсий ҳокимият ўртасидаги фарқланишлар, диндорлар ва дунёвий олам тарихини акс этирувчи позициян тамойилини белгилаб беради.

XIII асрда ўрта асрларга тегишли христиан дини илоҳиёт таълимотлари ўзининг юксак ривожланиш даражасига эришган ва бу ҳолат ушбу даврда Фома Аквинский ижоди ва фаолияти билан боғлиқ ҳисобланади, у томонидан ақл – идрокнинг ишонч – эътиқод учун хизмат қилиши кераклиги фикри илгари сурилади. Бироқ, аслида бу фикрлар Арасту тафаккурлаш тавсифларига хос бўлиб, унинг фикрларида ушбу нуқтаи назар кўрсатиб ўтилган ва тўлиқ ҳолатда акс эттирилганлиги кўриш мумкин. Авлиё Фома томонидан яратилган томизм таълимоти кўпчилик томонидан католик динининг янгиланишига қаратилган ҳаракатлардан бири сифатида қайд қилиб ўтишган ва бу диний (христиан оламида) дунёқарашлар ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатган.

Авлиё Фома томонидан илгари сурилган асосий фикрлар қиска кўринишда қуйидагича ифодаланади: яъни, Яратганнинг марҳамати табиатга қарши маънога эга эмас, уни бузмайди, бироқ уни такомиллаштиради. Инсон табиатига жо қилинган эркин ирода уни Яратганнинг ҳамкорига айлантиради. Бунда

одам бир вақтнинг ўзида иккита олам фукораси сифатида ўрин тутлади. Бунда унинг Заминда кечувчи ҳаётдаги мақсади унинг рухий оламдаги мақсадларидан кам даражада аҳамиятга эга эмас. Айнан, ушбу кўринишда одамнинг Заминда ҳаёт кечиришига алоҳида даражада эътибор қаратилиши христиан динида умуминсонийлик тамойилларининг асоси сифатида кўрсатиб ўтилади.

Дастлабки даврларда христиан диний таълимотлари учун қандайдир маънода таҳдид солувчи сифатида қабул қилинган Арасту томонидан билдирилган нуқтаи назарлар кейинчалик христиан диний таълимоти таркибидан мустаҳкам жой эгаллаган. Жумладан, Авлиё Фома томонидан Арасту фикрларидан кўплаб жиҳатлар ўзлаштирилган, масалан бунда энг аввало схоластиканинг тартибга туширилишини белгилаб берувчи қатъий тартибдаги мантиққа оид фикрлардан кенг фойдаланилган.

Барибир янги фалсафа ва янгича эътиқод ўз қарашларини тўлиқ ҳолатда аниқ акс эттирилган: яъни, бунда жорий даврда исми катта ҳарфлар билан ёзилувчи Арасту ҳам улар жумласига киритилувчи файласуфлар оммаси орасида бирорта файласуф Исо Масих фаолиятидан кейинги даврларда яшаган оддий қари кампирга нисбатан Яратган ҳақида кўпроқ билимга эга бўлишмаганлиги қайд этиб ўтилган.

Авлиё Фоманинг сиёсат ҳақидаги фикрлари унинг адабий мероси таркибида сезиларсиз қисмни ташкил қилади. У томонидан одам табиатига хос бўлган мойилликларни санаб ўтишда қадимги давр файласуфлари фикрларига мурожаат қилиш кузатилади:

- Одам биринчи навбатда ўзлигини сақлаб қолишга интилади (ўз – ўзини сақлаб қолиш инстинкти);
- Одам – бу эркак ва аёл ўртасидаги ўзаро иттифок тузишга мойил бўлган, ўз болалари ва яқин қариндошлари ҳақида кўпроқ қайғурувчи, мавжудот сифатида қолади;
- Одам – биринчи навбатда ақлли мавжудот бўлиб, жамиятда ҳаёт кечириш ва асл моҳиятни қидиришга интилади.

Фома томонидан кўрсатиб ўтилган ушбу бошланғичлар асосида бошқа турдаги Арасту фикрларига хос мавзулар баён қилинади:

1) Одам ижтимоий табиатга эга ҳисобланади, демак у фақат жамиятда тарбия кўриши (ижтимоийлашиш) орқали мавжуд бўлиши мумкин;

2) Жамиятнинг бирламчи шакли — бу оила ҳисобланади, бироқ юқори даражада турувчи давлат — бу одам ақл — идроки, тафаккурининг мукаммаллашган маҳсули ҳисобланади;

3) Бутун жамият фаровонлигини кўзловчи манфаатлар учун давлатда ягона ҳокимият мавжуд бўлиши талаб қилинади, шу сабабли сиёсий ҳокимиятнинг марказий масаласи — бу бошқариш шакли масаласи ҳисобланади;

4) Давлат — бу унинг таркибий қисмлари йиғиндисидан кўра, қандайдир маънода кенгрок тушунча ҳисобланади, фақат давлат орқалигина сиёсатнинг олий мақсади — яъни, жамиятдаги умумий фаровонлик рўёбга оширилиши мумкин.

Бироқ, жамиятдаги маълум бир аниқ тузилмалар одам томонидан ишлаб чиқилган қонунларга бўйсинади, бу ҳолатлар фақат табиийлик қонунияти асосидагина келтириб чиқарилиши мумкин. Ҳозирги вақтгача позитив (одам фаолиятига оид) ва табиий (маънавий — ахлоқий) қонунлар ўзаро фарқланиши қабул қилинган. Авлиё Фома томонидан заминга оид қонун ёвузликнинг айрим турларига нисбатан шафқатли бўлиши кераклиги, кузатилган салбий ҳолатларга нисбатан огоҳлантириш номидан муносабат билдирганда бу салбий ҳолатларнинг янада кенг қулоч ёйиши мумкинлигидан огоҳлантириш мазмунига эга бўлиши кераклиги таъкидланиши эътиборга молик ҳолат сифатида баҳоланади. Бу замонавий даврлар ҳуқуқшунослиги таркибида энг оз миқдордаги салбий ҳолатлар сифатида ифодаланиш орқали бизга маълум ҳисобланади. Бу ердан амалий жиҳатдан мулоҳазакорлик фаолияти — бу сиёсий ҳаракатлар амалга оширилишида юксак олийҳимматлилик сифатида келиб чиқиши кузатилади. Сиёсатнинг ўзи эса — имкони мавжуд бўлган энг яхши

ҳолатларни рўёбга оширишга йўналтирилган саънат ҳисобланади.

Авлиё Фома ўз қарашларида Арасту томонидан билдирилган бошқарувнинг олти шакли ҳақидаги фикрларни ривожлантиради, бироқ бунда ҳақиқий мавжудлик аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар сифатида фақат иккита шаклга – яъни, монархия ва тиранияга (аҳмоқона бошқарувнинг барча шакллари ўз ичига олувчи ҳолат) ўз эътиборини қаратади. Фома томонидан билдирилган бошқа бир фикрлар барчанинг бошқарувда иштирок этиши кераклиги ҳақидаги нуқтаи назарларини ўз ичига қамраб олади, яъни бунда барча одамлар Яратган учун ва Яратган олдида тенг ҳуқуқли ўринга эгалликлари кўрсатиб ўтилади, биорқ эҳтимол бу ерда у айнан ўзи ҳам аъзо бўлган Домиканчилар жамоасида шарафли ўринга эгаллиги, бу жамоада барча лавозимлар сайлов асосида амалга оширилишининг таъсирида фикр билдирган бўлиши мумкинлигини кўришимиз мумкин.

Якуний ҳисобда, Авлиё Фома аралаш тавсифдаги бошқарув ғоясига таянади, бунда «*бахтли тавсифда*» монархия, аристократизм ва демократия тамойиллари ўзаро бирлаштирилади. Аралаш тавсифаги бошқарув ғояси тарихий даврлар давомида ўзининг узоқ саёҳатини давом эттирган.

Авлиё Августин даври ҳақида фикр билдирганда, Ғарб оламида ўзига хос «*иккита бошқарувга эга бўлган*» сиёсий – диний тартиблар қарор топиши, Черков ва Империя ўртасидаги ўзаро рақобатчилик кураши ҳақида тўхталиб ўтиш мумкин. Бунда ушбу кураш ўзгарувчан тавсифланган ғалабалар асосида кечган. Жумладан, дастлаб Буюк Карл томонидан бутун Ғарб олами христианлари ўз ҳукронлиги туғи остида бирлаштирилишга чақирилган. Кейинчалик, XI – XIII асрларга келиб, у томонидан жорий қилинган яқка ҳокимият тартибини юритиш Папа ихтиёрига ўтган, бу ҳолатда ҳар иккала «*қилич*» тигидан фойдаланиб, Папа императорлар ҳукмронлигига барҳам беришга интилган. Бу кураш охир – оқибатда Қироллик ғалабаси билан якунланган ва давлат бошқарувининг устувор

шакли сифатида – миллий давлат бошқаруви, яъни монархия қарор топган.

Бу кўринишдаги янгича диний – сиёсий ҳокимият ўзининг «*кўш тигли қилич*» формуласига кўра, чегаравий даражада авторитар тавсифга эга бўлган. Бир томондан, дунёвий ҳокимият фаолияти диний тартиблар ва қоидалар асосида иш олиб борган, яъни Черковга хизмат қила бошлаган, бошқа томондан эса – Черков Ислохотлар амалга оширилиши давридан кейин авж олган фуқоролик уруши даҳшатларини оқлаш мақсадида Рим империяси ҳукмдорлари манфаатларига хизмат қила бошлаган.

1. Авлиё Фоманинг Черковнинг тўғрилиги (Черковга садоқат) таълимоти ҳозирги кунда қуйидаги кўрсатиб ўтилган учта тамойил жиҳатидан қараб чиқилади Сиёсат – олий саънат, сиёсий ҳокимият – бу хизмат қилишни англантиб, уларнинг ҳар иккаласида ҳам фаолият техникаси тавсифлари акс этмайди, уларнинг ҳар иккаласи – жамиятдаги умумий фаровонлик ва одамнинг бир бутунлиги номи билан маънавий – ахлоқий фаолият олиб боришни ифодалайди, ўз навбатида ҳаёт тарзининг юксалиши кераклигини кўзда тутди.

2. Яхши даражада ташкил қилинган жамиятда алоҳида ажралган индивидлар ва давлат ўртасида бевосита зиддиятлар келиб чиқмайди. У ўз таркибига муҳим ҳисобланган оралик даражаларни қамраб олади, яъни бу ерда – оила, маҳаллий ҳокимият, ассоциациялар ва касаба уюшмалари кабилар назарда тутилади. Ушбу учта даражалар ўртасида сиёсий ваколатларнинг тақсимланиши кўшимчавийлик тамойили асосида амалга оширилиши талаб қилинади. Қарорларни қабул қилиш ҳуқуқи жамиятнинг энг қуйи жойлашган ҳалқаларига берилиши зарур ҳисобланади. Одам шунчаки давлат қарорлари ва фармойишларини нофаол бажарувчи сифатида ўрин тутиши мумкин эмас. Бу тартибларнинг барчаси 1931 – йилда Пий XI томонидан шакллантирилган бўлиб, ўзгаришсиз ҳолатда қолган.

3. Яратган томонидан инъом этилган одамларнинг ўзаро ҳақ – ҳуқуқлари тенглиги тамойилига амал қилиш тушунчаси

Ўзининг сиёсий ўлчов тавсифларига эга ҳисобланади, ушбу нуқтаи назардан ҳеч қандай ижтимоий тузилмалар шакллари мақсад ва воситалар ўртасидаги муносабатларни ўзгартириши керак эмас, давлат одамлар манфаати учун ташкил қилинган, мулк одамлар учун яратилган, меҳнат ва истеъмолчилик одам учун хизмат қилади, фан ва техника одам учун хизмат қилади ва ҳеч қандай ҳолатларда бунинг акси бўлиши мумкин эмас. Черков техницизм ва экономизмнинг ҳар қандай намоён бўлишларини у ҳоҳ либерал тавсифда бўлсин, ҳоҳ ижтимоий тавсифда бўлсин барибир муҳокама қилиш ҳуқуқига эга ҳисобланади. 1891 – йилдаёқ Лев XIII томонидан меҳнаткашларнинг ночорликда ҳаёт кечириши масаласи муҳокама қилинган, ҳозирги кунда эса – Ватикан дунё миқёсида одамлар ҳаётида бутун тенгсизликка қарши кураш мазмунидаги кенг қамровли чақириқларни илгари суради. Ҳозирги вақтда коммунизм таълимоти жиддий инкирозга учраши билан, либерализм билан ўзаро муроса йўлини танлаган Черков ҳар қандай турдаги мутлоқ демократия ва мутаъсиб кайфиятдаги либерализмни рад этади.

Сиёсат фалсафасининг ривожланиши муҳим босқичларини ўтказиб юбормаслик мақсадида XVI асрга қайтамиз. Замонавий қиёфа касб этиш учун, сиёсат фалсафаси маънавий инқилоб йўлини босиб ўтиши талаб қилинади. Н.Макиавелли (1469 – 1527 – йиллар) томонидан ўзининг анъанавий услубда ёзилган «Ҳукмдор» деб номланган сиёсий трактатида (1513 – йил) тасдиқлашicha, фуқоролар оммаси сиёсат қамчиси захридан тоттишлари ёки уларга ширин тешикулча тортиқ қилиниши мумкин, бунда қаттиқўллик оқланиши мумкин, яъни, кўрқиш ҳисси меҳр – муҳаббатдан кучлироқ таъсирга эга бўлиши мумкинлиги таъкидланади. Монарх ҳукронлигида тиранизм тавсифидаги воситалардан фойдаланишнинг мувофиқлиги кўрсатиб ўтилади, бунда ушбу тузумда алоҳида даражада ўзига хос тавсифдаги маънавий – ахлоқий ҳолатлар (ёки акс кўринишдаги маънавий – ахлоқийлик тартиблари) Макиавелли томонидан Афлотун ва Арасту, шунингдек Авлиё Фома қарашларида ифодаланган

маънавий – ахлоқий тартибларга қарши қўйилади, яъни у томонидан сиёсатда қаттиқўллик мавжудлиги зарурий ҳолат деб баҳоланади ва бу ҳолат оқланади. Албатта, ушбу ҳолатда «Хукмдор» асарининг муаллифи ҳисобланган Макиавелли ўзининг «Тита Ливиянинг биринчи ўн кунлигини муҳокама қилиш» асарида (1519 – йил) тиранизмга асосланган монарх ҳокимиятни тавсифлаш нуқтаи назаридан фикрлашни бутунлай тарк этади, бунда у республикачи сифатида ўз фикрларини баён қилади¹⁰⁹.

Бунда шундай тасаввур ўйғонадики, яъни Макиавелли худди тўғридан – тўғри мумтоз ва христиан оламига оид сиёсат фалсафаси чақириқларини эътибордан четда қолдиради, оддий одамлар манфаатлари қимматини пасайтиради, бунда Т.Мор томонидан баён қилинган «Утопия» (1516 – йил) жамиятида худди ҳаёт кечирган киши каби, у турли хил ёлғон ва алдовлар қурбонига айланмаслик учун сиёсий утопия ғояларини қоралайди, онгли равишда сиёсий ҳаракатлар воситаларида тушуниб бўлмайдиган ҳолатлар учун планкани паст даражада белгилайди ва фақат, воситаларни танлаб олиниши самарадорлик мезонлари асосида амалга оширилиши кераклигини таъкидлайди. Макиавеллининг сиёсий қарашлари табиий ҳуқуқ ёки христиан динига оид эзгулик тушунчаларига боғлиқ ҳисобланмайди. Унинг дунёсида одатда анъанавий тарзда мавжуд адабиётларда баён қилинган олийҳиммат хукмдорларга ўрин топилмайди.

У ўзининг «Муҳокамалари»да бошқа тил билан фикрларни баён қилишга ҳаракат қилади, бошқарувнинг олти шаклини ижобий баҳолайди, ижтимоий фаровонликни ташқи босим ва хукмдорларнинг мажбурий фармойишлари мавжуд бўлмаган ҳолат сифатида муҳокама қилишни амалга оширади.

Эҳтимол агар, Гоббс (1588 – 1679 – йиллар) фикрларини ўқиб чиқсак, биз Макиавелли томонидан билдирилган нуқтаи назарлар маъносини тўлароқ тушуна олишимиз мумкин. Гоббс асарларида бирорта жойда Макиавелли қарашларига мурожаат

¹⁰⁹ Макиавелли Н. Сочинения исторические и политические; Сочинения художественные; Письма. – М.: «АСТ», «Пушкинский дом», 2004. – ISBN 5-17-021264-X.

килиш амалга оширилмайди, шунингдек унинг асарларида ҳам хукмдор фаолияти ҳақида эмас, балки кўпроқ даражада халқ хукуклари ҳақида фикрлар билдирилади. Макиавелли билан Гоббс фикрлари шу билан бир – бирига ўхшаш ҳисобландики, яъни Гоббс мумтоз (*классик*) фалсафани амалий воқеиликка даҳлдор бўлмаган (*нореалистик*) фалсафа сифатида эътибордан четда қолдиради, унинг фикрларига кўра, диний таълимотларга асосланилувчи сиёсий ҳокимият ва ҳатто диннинг сиёсатга таъсири ҳам инқирозга олиб келувчи ҳолат сифатида баҳоланади. Қадимги дунё файласуфлари ва черков одамнинг кадр – қимматини баҳолашда ортикча эҳтиросларга берилганлигини таъкидлайди. Шунингдек, унинг фикрларига кўра, сиёсатнинг мазмун – моҳиятини қайтадан қараб чиқиш талаб қилинади, ушбу ўринда сиёсатнинг мақсадларини қайта қараб чиқиш зарурлиги таъкидланади (бу фикр Макиавеллида ҳам кузатилади), бунда табиий ва олий даражадаги табиий мақсадлар – бу шунчаки ўйдирмалардан ташкил топганлиги, одам ҳеч қандай бошланғич гуноҳкорлик тамғаси билан туғилмаслиги ва қандайдир туғма мажбурият ва бурчларга эга эмаслигини кўрсатиб ўтади. Сиёсат фалсафаси одамларнинг ҳақиқий мавжуд ҳолатда билимлари қандай бўлса (аслида эса – улар маълум маънода ҳудбин ва жоҳиллик табиатига эга ҳисобланади), шундайлигидан келиб чиққан ҳолатда ишлаб чиқилиши талаб қилинади. Навбатдаги билдирилган фикрлар бўйича Гоббс бизни унинг Макиавелли билан солиштирилишига бутунлай имкон бермайди, яъни у замонавий сиёсат фалсафасининг (эҳтимол, сиёсий фанлар ҳам бўлиши мумкин) либерал талқинда акс эттирилишини кўрсатиб беради.

Гоббс – бу оммавий (ижтимоий) шартнома назариясининг асосчиси ҳисобланади. У томонидан (Арасту томонидан билдирилган фикрларга ҳилоф равишда), табиий ҳолатда одамлар ночорликда ва доимий ҳавф таҳдиди эҳтимоллигида ҳаёт кечиришлари, ҳар бир киши бошқасидан кўркиши, ҳамма «одам одамга бўри» тамойили асосида яшаши кузатилади деб ҳисобланилади. Ушбу кўринишда, табиат одамларни ўзаро ажратади. Ўз – ўзидан келтирилган ҳолатда улар бахтсиз

ҳисобланади, уларни ўзларининг шахсий ҳис – туйғулари (шуҳратпаратлик, манманлик, ўзига бино кўйиш) ҳаракатлантиради ёки диний ва сиёсий мазмундаги ҳис – туйғулар бошқаради, ўз навбатида бу ҳолатлар уларни зиддиятлар томон етаклайди. Одамлар ушбу шароитда ҳавфсизлик, тартиб ва тинчликнинг кафолатланишига алмашиш учун давлат фойдасига ўзларининг эркинликларини қурбон қилишлари мақсадида умумий келишувга (шартнома, битим) келишлари талаб қилинади. Шундай қилиб, диний ёки сиёсий шаклда ифодаланувчи умумий фаровонлик гоёси одамларни ўзаро ажратади, ушбу ўринда одамлар ўлимдан кўрқишлари ва ёқимли ҳаёт кечиришга интилишлари нуқтаи назаридан бир хилликка эга ҳисобланади. Ҳавфсизлик ва ҳузурланишларга интилиш асосида одамлар уларни таназзулга олиб келувчи ҳис – туйғу ва эҳтирослар, ёвузликлардан воз кечишлари талаб қилинади ва улар буни амалга оширишлари талаб этилади, яъни давлат ёрдамида одамларни инқироз ҳолатига олиб келувчи салбий ҳис – туйғулар ва истакларни нейтраллаш бошқа турдаги хоҳиш – истакларнинг (тинчликка интилиш, тартиб ва қулайликларга интилиш) қўллаб – қувватланиши учун шароит яратади.

Шундай қилиб, Гоббс томонидан одамнинг мақсадлари ҳақида бирорта фикр билдирилмайди ва асосий урғу одамнинг мажбуриятлари, бурчларига эмас (анъанавий ҳолатларда кузатилгани каби), балки одамнинг ҳуқуқларига қаратилади. Бунда асосий ҳисобланган ҳуқуқлардан бири – яшаш ҳуқуқи бўлиб, бу ҳуқуқ бошқа кўпгина ҳуқуқлар билан биргаликда бирламчи ўринга олиб чиқилади, мажбурият ва бурчлар эса – иккинчи планда қолиб кетади. Одам ва одамнинг ҳуқуқлари бирламчи, давлат эса – иккиламчи маънога эгаллиги қайд қилиб ўтилади, давлат ҳар бир жамият аъзосининг ҳаёт шароитлари «қулайлиги» учун эмас, балки жамиятдаги умумий фаровонлик ҳақида қайғуриши кераклиги таъкидланади. Сиёсий масалалар оқилона тарзда ҳал қилиниши талаб қилинади, одам ўз табиатига хос бўлган жоҳиллик, табиийлик ҳолатидан тарбиявий тавсифда, ўз – ўзини такомиллаштириш ёки ахлоқий

– маънавий даражасини ошириш асосида эмас, балки тўғри тартибдаги институтлар ва қонунлар яратилиши йўли билан чиқиб кетиши зарурлиги кўрсатиб ўтилади.

Гоббс томонидан илгари сурилган назарияда «беадаб» Макиавеллизмда кузатилгани каби, меъёрий ҳолатга нисбатан айрим қарама – қарши фикрлар ҳам мавжуд ҳисобланади, бироқ унинг одамлар ҳаётини сиёсий институтларни такомиллаштириш йўли билан яхшилаш ҳақидаги фикрлари Локк ва Монтескье томонидан ривожлантирилади, улар томонидан ўз табиатига кўра худбинликка мойил бўлган одамлар барибир жамият шаклида, биргаликда ҳаёт кечиришлари мумкинлиги таъкидланади ва ушбу масаланинг тўлиқ ҳолатда либерал ечимлари тавсия қилинади.

Биринчидан, асосий урғу манфаатларга (моддий манфаатлар) қаратилиши, ғоялардан фарқ қилиб, уларни ўзаро ажратувчи эмас, балки бирлаштирувчи манфаатлар эътиборга олиниши талаб қилинади. Айнан, бозор муносабатлари ҳавфли ҳисобланган ҳис – туйғуларга қарши кўринишда, нисбатан айб ҳисобланмайдиган, ижобий ҳис – туйғуларга кўпроқ даражада эркинлик берилиши имкониятини яратиши қайд қилиб ўтилади. Давлат эмас (худди Гоббс фикрларида кузатилгани каби), балки бозор муносабатлари мажбуриятлар бажарилишини нисбатан юмшоқ тарзда рўёбга оширилишини таъминлайди, бозор шароитида ўзаро боғлиқликка эга бўлган манфаатларнинг ҳолати одамларнинг фикр – ғояларидаги ўзаро турли хилликни нейтраллайди.

Иккинчидан, ўз – ўзича қўйиб берилганда нисбатан ҳавфли тавсифга эга ҳисобланган, шахснинг автономияси масаласининг ҳимояланиши ҳокимият томонидан мувофиқлаштирилиш асосида амалга оширилади. Давлат ҳокимияти шахс автономиясининг таъсир кучини сусайтириши керак ва уни қисмларга ажратиш ва ҳуқуқий ҳолатларга бўйсиндиришни амалга ошириши талаб қилинади. Маънавий – ахлоқий ва диний соҳаларда юзага келувчи эҳтимолликлаги зиддиятлар Черковнинг сиёсий ҳокимиятни амалга оширишига барҳам бериш йўли билан нейтралланиши мумкин, шунингдек

зиддиятли вазиятларнинг мазмунини барчаси индивиднинг виждон амри асосида ҳал қилинувчи йўналишга буриб юбориш талаб этилади. Мурасасозлик асосидаги (либерал) сиёсат эркин ҳолатга қўйиб қўйилганда ўзининг худбинлик асосидаги, ўз – ўзини ўйлашга асосланилувчи манфаатларини рўёбга ошириш эҳтимоллиги даражаси ортувчи, шахснинг ҳулқ – атвори қондалари ва тартибларини ишлаб чиқиши талаб қилинади.

Ж.Локк (1632 – 1704 – йиллар) чегаравий даражада эҳтиёткор бўлган сиёсий файласуф ҳисобланади ва у Гоббснинг билдирган фикрларининг оммавий тарзда кескин баҳоланишларини турли хилда юмшатишга ҳаракат қилган. Левиафан давлати билан биргаликда у чекланган бошқарув ғоясини илгари сурган, яъни одамларнинг ҳаётий фаровонлик ва эркинлик ҳақида қайғуришлари ҳолати билан биргаликда, ушбу таркибни мулкчиликнинг сақланиши тушунчаси билан бойитган. Конституция ва унда бошқалар билан диний мурасасозлик тамойилларининг мустаҳкамланиши қонун оламини вужудга келтириши, бу ҳолат фуқоролик дунёсида ҳар бир шахсга эркинлик бериш имконини юзага келтириши таъкидланган. Табиий ҳуқуқ одамларнинг ишлаб чиқаришга оид ва ўз манфаатларини ўйлаш асосида амалга оширилувчи фаолиятига туртки бериши талаб қилиниб, одамларни нисбатан бузғунчи тавсифга эга ҳис – туйғулардан йироқлаштириши, одамларни тартибларни бажаришга мажбурлаш ҳолатларини юмшатиш имкони бериши келтириб ўтилади. Бу улкан конструкция натижасида, ўз навбатида ижтимоий шартнома тамойили ҳам сезиларли даражада соддалаштирилади. Локк томонидан агар, одамнинг ўз – ўзинингина манфаатларини ўйлаши (худбинлик) ишлаб чиқариш ва фаровонликка йўналтирилса, у ҳолда худбинлик – бу салбий жиҳат ҳисобланмайди деб кўрсатилади. Анъанавий тарзда кенг муҳокама қилинувчи чекланмаган даражадаги ўз моддий манфаатларини ўйлаш фаолияти Локк томонидан билдирилган фикрлар нуқтаи назаридан Локк издошлари томонидан аҳмоқона ва адолатсиз ҳолат ҳисобланмаслиги тасдиқланади. Бу эрда маънавий – ахлоқийлик тушунчаси эътиборга

олинмаган. Ж.Локк томонидан Макиавелли ва Гоббс томонидан бошлаб берилган, маънавий – ахлоқий масалаларни истикодий манфаатлар асосида сиёсий масалаларнинг иқтисодий жиҳатдан ҳал қилиниши йўналишида қараб чиқиш ғояси кўринишида давом эттирилиши инқилобий фикрлаш сифатида баҳоланади. Кейинги даврларда Ж.Локк томонидан билдирилган илғор фикрлар назарий жиҳатдан мустаҳкамланган. Локкнинг ғояларининг асосий мазмун – моҳияти шундаки, яъни диний нифоқлар асосида одамларнинг бир – бирини қурбон қилишларидан кўра, яхшиси савдо – тижорат билан шуғулланиш асосида манфаатдорлик яхшироқ ҳисобланади, бу ғоя вужудга кела бошлаган иқтисодий фанлар бошланғичлари вакиллари томонидан дастурил – амал сифатида қабул қилинган.

Адам Смит фикрларида кўзга ташланувчи умумий фаровонлик тушунчаси билан мувофиқ келмайдиган шахсий моддий манфаатларнинг умумий йиғиндиси ҳақидаги мулоҳазалар унинг «Миллат бойлиги» асарида (1776 – йил) асосий ғоялардан бирини ташкил қилади¹¹⁰. Бу асарда муаллиф томонидан бозор иқтисодиёти назарияси ривожлантирилган. Иқтисодиётдан либерализмга ўтиш салмоқли далил сифатида кўрсатиб ўтилиб, бунда тўғри ҳолатда йўналтирилган худбинлик ижобий ҳолат ҳисобланиши таъкидланади. Айнан, ҳозирги давргача бозорнинг «*кўзга кўринмас қўллари*» ҳақида фикрлар юритилиб, бу қўллар таъсирида яъни, давлатнинг бошқарувчилик ролисиз ҳам яқка тартибдаги манфаатлар якуний ҳолатда умумий фаровонликка олиб келувчи самарадорликка йўналтирилиши қайд қилинади. Ҳозирги кунга қадар бу тушунча ва ғоялар ўзига хос сиёсий – иқтисодий «*ал – кимёгарлик*» сингари ҳолат (яъни, мантиққа тўғри келмайдиган ҳолат) сифатида баҳоланмаган. Ўз даврида либерализм тарафдорлари томонидан диний асосдаги ўз – ўзининг манфаатларинигина ўйлаш ҳолатлари умумий йиғинди кўринишда раванқ топиши эса – сиёсат фалсафасида қоникарли изоҳлашларга эга бўлмаганлиги қайд қилинади. Гарчи, Нобель

¹¹⁰ Смит А. Лекции по риторике и написанию писем. (1748)

мукофоти соҳиби Ф.А.Хайек (1899 – 1992 – йиллар) томонидан ўз тадқиқот ишларида, айниқса «Таназзулга олиб келувчи ўз – ўзига ишониш» асарида (1988 – йил) либерал кайфиятдаги сиёсат фалсафасининг «ал – кимёгарлик» тавсифларини изохлашга ҳаракат қилинган бўлсада, ҳозирги кунда ҳам диний асосдаги ўз – ўзининг манфаатларинигина ўйлаш нуқтаи назаридаги мавжуд бўлган ғоялар ўзини оқламаслиги тасдиқланган.

Ўз даврида мавжуд либерал сиёсат фалсафасига оид ғояларни ривожлантириш асосида, Ш.Монтескье (1689 – 1755 – йиллар) томонидан Арасту томонидан билдирилган фикрларга кўплаб эътирозлар билдирилади. «Қонунлар руҳияти ҳақида» (1748 – йил) асарида Монтескье таҳлил қилиш учун бошқарувнинг учта шаклини танлаб олади. Бошқарувнинг республика шакли намунаси сифатида Қадимги даврга хос республика, жумладан Рим республикаси танлаб олинади, монархия бошқаруви намунаси сифатида эса – ўз даврида жорий ҳокимият бошқарувчи ҳисобланган Франция танлаб олинади ва деспотизм (босим ўтказишга асосланган бошқарув тизими) шаклидаги бошқарув шакли сифатида Осиё минтақасига хос (Эрон, Хитой, Хиндистон ва Япония) бошқарув усуллари танлаб олинади ва таҳлил қилинади.

Дастлабки Евроцентрик сиёсат фалсафаси ғояси вакилларида бири сифатида, у ўзининг машҳур «қонунлари»ни (тамойилларини) ишлаб чиққан:

1. Республиканинг тўғри тартибда функция бажариши яхши фазилатлар эгаларига боғлиқ бўлиб, фуқороларнинг маънавий – ахлоқий сифатларига эмас, балки сиёсий (фуқороликка оид масалаларда) жиҳатдан эзгу фазилатларга эга бўлишга боғлиқ ҳисобланади, бу ҳолатда қонунларга нисбатан ҳурмат билан муносабатда бўлиш ва фуқороларнинг жамият фаровонлиги учун ўзини бағишлаши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланиши қайд қилинади.

2. Монархия – бу фуқороларнинг, энг аввало бутун оқсуяк задогонлар оммасининг шарафли бурчи ва фаолиятини ифодалайди.

3. Кўркиш – бу Шарк оламига хос бўлган деспотизм шаклидаги бошқарувнинг ҳаракатлантирувчи кучи ҳисобланади, бу тушунча мутлоқ якка ҳокимлик асосида, битта ҳукмдор шахс бошқаруви шароитида одамларнинг кулга айланишдан ваҳимага тушиш ҳиссини ифодалаб беради.

Ҳақиқатдан ҳам, XVI – XVIII асрларда Европада қарор топган нуқтаи назарларга кўра, Шарк оламида мавжуд бошқарувга нисбатан баҳо беришда бошқарув ҳокимиятининг деспотия сифатида таърифланиши асосида муносабатда бўлиш яққол ифодаланади ва ҳатто минг йиллик Конфуций таълимоти анъаналари асосида таркиб топган бошқарув қабул қилинган Хитойда ҳам файласуф – ҳукмдорлар томонидан бошқарув амалга оширилувчи шароитда Афлотун томонидан тарғиб қилинган идеал давлат бошқарувининг рўёбга оширилиши шубҳа остига олинади ва деспотия устуворлигига урғу берилади¹¹¹.

Якуний ҳисобда, Монтескье томонидан «*ўртамиёналикка асосланган бошқарув*» афзал деб ҳисобланилади, бунда эркинлик ҳукмронлик қилади – яъни, шахснинг автономиясига амал қилинади, бу автономия ҳолати ҳукмдорларнинг хоҳиш – иродаси билан қонуний ҳимоя қилинади. Унинг фикрлари бўйича эркинликнинг либерал талқини – бу ҳокимият бошқарувида иштирок этувчи, қадимги даврларда таърифланган эркинликни ифодалаб бермайди, балки бунда ўз – ўзини бошқарувчи замонавий одамларнинг эркинлиги назарда тутилади. Асл эркинлик сиёсий ҳокимият таъсиридан мустақил ҳолатда қараб чиқилади, бунда ушбу эркинлик ҳолатининг турли хилдаги «*тармоқлари*» бир – бирини мутсаҳкамловчи тавсифда бирлашиши ва қонуний тартибда акс эттирилиши зарурлиги кўрсатиб ўтилади. Муаллиф томонидан етарлича даражада кутилмаган тарзда, монархия бошқаруви тизими бўйича ўртамиёна ва намуна сифатида Франция эмас, балки Англия бошқаруви кўрсатиб ўтилади, бу унинг келтирган схемаларида ўз аксини топади.

¹¹¹ Вольтер Кандид, или Оптимизм - Москва: Директ-Медиа, 2006

XVIII асрнинг охирларига келиб, либерал сиёсат фалсафаси тамойиллари тўлиқ шакллантирилган ҳолатга келтирилган. Одамга хос бўлган турли хил тавсифдаги хис – туйғулар ва истак – хоҳишларга нисбатан ишончсизлик ҳолати қонунлар орқали мустаҳкамланади, ўз навбатида бу қонунлар инсон ҳуқуқлари қафолати сифатида ўрин тутади, шунингдек бозор муносабатларини тартибга туширувчи қонунлар сифатида акс этади, бу ҳолат энг аввало Америка Мустақиллиги Декларацияси (1776 – йил) ва Инсон ҳуқуқлари Декларацияси (1789 – йил) акт – ҳужжатларида ўз ифодасини топади¹¹².

Замонавий сиёсат фалсафасининг тарихий йўналишлари либерал тавсифдаги йўналишдан фарқ қилиб, қандайдир кўпроқ нарсани ваъда қилувчи тавсифга эга ҳисобланади, яъни бунда яқка тартибдаги хоҳиш – ироданинг эркинлигига караганда юксакроқ ҳолатлар назарда тугилади, аниқроқ айтганда тарихийлик асосида ва кишилик жамияти, тарихи орқали инсоният ўзининг асл моҳиятини кашф қила олиши таъкидланади, у нафақат табиат устидан мутлоқ ғалабага эришиши кузатилиши, балки Ерда қандайдир Яратганга хос Оламнинг эквивалентини ярата олиши ва албатта бу ҳолат Яратганнинг хоҳиш – иродасидан мустақил ҳолатда амалга оширилиши мумкинлиги таъкидланади.

Ушбу йўналишнинг бошланғич вакилларида бири – сиёсий фалсафа йўналишида илғор фикрлари билан ажралиб турган Ж.Ж.Руссо (1712 – 1778 – йиллар) ҳисобланади. Ж.Ж.Руссо 1755 – йилда нашр қилинган ўзининг «Тенгсизликнинг келиб чиқиши ҳақида мулоҳазалар» асарининг иккинчи нашрида (ушбу асарнинг биринчи нашри 1750 – йилда ёзилган) ва шунингдек, «Ижтимоий шартнома» (1762 – йил) асарида Гоббс хатога йўл қўйганлигини таъкидлайди, яъни у табиий табиатга эга бўлган одамнинг ёвузлик ва бахтсизликка

¹¹² https://biblioclub.ru/index.php?page=author_red&id=2105&contrast=1

мойиллигини кўрсатиб беради. Бу ҳолат айнан, ижтимоий жамият таъсирида юзага келиши таъкидланади¹¹³.

Маданийлашган одамлар ижтимоий жараёнлар амалга ошиши тарихи давомида ўзгаришга учраши қайд қилинади. Табиийликка эга бўлган одам биологик мавжудотлигича қолиб кетиши, бироқ бахтли ва эзгуликка йўғрилган тарзда ҳаёт кечирувчи мавжудот сифатида намоён бўлиши таъкидланади, бундан ташқари ушбу ҳолатда инсоний бошланғич даражасидаги одам табиатида эзгулик ва ёвузлик тушунчаларига нисбатан бефарқ муносабатда бўлиш қайд қилиниши мумкинлиги кўрсатиб ўтилади. Тарихий жараёнлар таъсиридагина одам инсоний қиёфага кирган, бироқ бир вақтнинг ўзида улар жоҳилликка мойил ва ўз навбатида, бахтсизликка мубтало бўлган. Буларнинг барчасига ўз – ўзига муҳаббат, ўз – ўзини яхши кўриш ҳисси асосий айбдор ҳисобланиши кўрсатиб ўтилади, шунингдек бу ҳолатда қарама – қарши маънога эга манфаатларда чалкашликлар юз берганлиги таъкидланади. Либерал нуқтаи назардан қарама – қаршилиқ тушунчасининг маъноси сўзсиз равида тушунарли ҳисобланади. Ушбу ўринда одам эркин мавжудот сифатида маълум бир олдиндан аниқлик киритишдан маҳрум ҳисобланади. Ушбу ҳолатда унинг ақл – идроки бошланғич тавсифга эга бўлиб, умумий ҳолатда ақл – идрок табиийлик учун бегона ва нисбатан кўпроқ замонавий тавсифда расмий – амалий жиҳатдан эволюцияланиши қарор топиб, соф ҳошиш – иродага хизмат қилади деб кўрсатилади. Табиийлик ҳолатига қайтишнинг имкон мавжуд эмас. Ақл – идрок эътибордан четда қолдирилиши мумкин эмас, ушбу ўринда табиийлик қоунияти йўқолиб боради ва унинг ўрнини позитив тавсифдаги қонунлар эгаллаб боради, бу қонунлар беҳато тавсифга эга бўлган «умумий ҳошиш – ирода» асосида қарор топтирилади, бу ҳолатлар шу даражада қонунийки, яъни у бутун умумийлик даражасида, табиийлик парчаларида ўз таъсирига эга ҳисобланади.

¹¹³Гоббс .Т. Левинафан Большая советская энциклопедия. – Издательство «Советская энциклопедия». 1970–1977.

Бунда одамни шаклантирувчи сифатида ўрин тутувчи тарихий жараён ҳақидаги ғоя мавжуд ҳисобланади. Шунингдек, «эркин» эркинликка хизмат қилишдан иборат сиёсий масаланинг оқилона тарзда ҳал қилиниши ғояси илғари сурилади. Бироқ, бу иккала ғояни ўхшаш тизим орқали бирлаштириш Руссо томонидан амалга оширилмаган. Бу ҳолат фақат немис тарих фалсафаси доирасидагина қарама – қарши тавсифларга эга бўлмаган тарзда амалга оширилган. Тарих нафақат одамни ва кишилик жамиятини яратиши, балки тўлиқ ҳолатдаги эркинликкача қамраб олувчи барча ҳолатларга йўналтиришни ҳам амалга ошириши кўрсатиб ўтилади.

Гегелнинг (1770 – 1831 – йиллар) сиёсат фалсафасига оид қарашларида ушбу тўлиқ ҳолатда эркинлик кўринишдаги якуний хулоса қандайдир Рухнинг ўз – ўзини ривожлантириши ва ўзлигини рўёбга ошириши ҳамда тарихнинг тугалланиши ҳолатлари деярли мажозий маънода акс эттирилиши кузатилади, бунда Рух эркинликнинг ривожлантирилиши тимсолида акс эттирилади. Бунда жараён рационал тавсифга эга ҳисобланади, бироқ одамларнинг ўйланган фикрлари асосида олға силжиши кузатилади. Нарсаларнинг юзасида фақат манфаатлар ва ҳис – туйғулар тўлқини акс этади, айнан ушбу ҳолатда Рухнинг ривожланиши амалга ошади. Ҳақиқий мавжуд одамлар – бу шунчаки бор – йўғи айтиб ўтилган Рухнинг вакиллари ҳисобланади, уларнинг айнан ақл – идрокка эга эмаслиги маънога эга бўлиб, «*Ақл – идрокнинг айёрлиги*» онгсизликка асосланилувчи ва қийин англаб етилувчи рационалликни ифодалаб беради, бу ҳолат Рухнинг тасодифийлик ва ривожланишининг кетма – кетликда келишини белгилаб беради, демак ушбу ҳолат эркинликни ўзида акс эттиради¹¹⁴.

Тарихийликда ахлоқий – маънавийлик йўқолиб боради. Тарихий нуқтаи назардан, иллатлар ва эзгу фазилатлар, айб ва айбсизлик, одамлар томонидан келтирилувчи зиён ва зарар сезиларсиз аҳамиятга эга ҳисобланади. Рух учун барчаси (урушлар, куллик, таъқиб) Дунёвий Рух томонидан рационал

¹¹⁴Гегель Г. В. Ф. Энциклопедия философских наук. Т. 1. Наука логики. М., 1974.

фаҳмлаш жараёнида ўз аксини топади, бунда мулоҳазалар ҳаракатлар билан уйғунлашади. Чегаравий даражада соддалаштирилган ҳолатда айтиш мумкинки, Тарих ва унинг Яратувчиси бўлган Дунёвий Рух Яратганга хос барча белгиларни ўзида акс эттиради.

К.Маркс (1818 – 1883 – йиллар) ўзининг мураккаб тавсифдаги ижтимоий – иқтисодий – сиёсий таълимотида бутун тарихий ҳаракатларнинг иқтисодий асосларнинг (*базис*) босқичли кўринишда ривожланиши бўйича детерминацияланганлигини кўрсатиб ўтади, бунда давлат ва сиёсат дин, ҳуқуқ ва маънавий – ахлоқийлик билан биргаликда ушбу кўрсатиб ўтилган асос (*базис*) утига қурилган устқуртма сифатида ўрин тутиши таъкидланади. Гегель томонидан келтирилган схемани қайта ишлаш асосида, Маркс кишилик жамияти учун эркинлик йўлини очганлигига ишонч билан қарайди, тарихий бошланғичдан асл тарихий давргача бўлган жамиятнинг ривожланишини ҳаракатлантирувчи ҳақиқий кучларни кўрсатиб беради. Тарихнинг ҳар бир босқичида (яъни, ижтимоий – иқтисодий формациялар) сиёсий ривожланиш синфий курашнинг амалга ошиши билан ривожланиб бориши кўрсатиб ўтилади, бунда сиёсий – синфий кучларнинг тақсимланиши амалга ошади, иккита асосий синфларнинг ўзаро кураши қайд қилинади. Битта формациядан иккинчисига ўтиш ижтимоий инқилоб асосида кечиши, бунда сиёсий жиҳатдан натижавийлик янги иқтисодий ишлаб чиқариш кучларининг ривожланиши ва эски ишлаб чиқаришга оид тармоқлар деворларининг ағдарилиши билан олдиндан белгиланиши кўрсатиб ўтилади. Тарихнинг навбатдаги босқичларида жамиятнинг тақдири ташкиллашган ишчилар синфининг буржуазияга қарши инқилобий чиқиш қилиши билан ҳал қилинади, бу жараён давомида ижтимоий – сиёсий ёвузлик – яъни, хусусий мулкчилик бартараф қилинади, унга асосланилувчи, буржуазия мулкдорлари синфи, буржуазия давлат тузими томонидан амалга оширилувчи эксплуатация барҳам топади, кейин эса (коммунизм тузумида) изоҳлашга ҳожат бўлмаган идеал давлат тузилмаси шаклланади. Шундай

қилиб, ишчилар синфи (*пролетариат*) нафақат буржуазия гўрковн сифатида, балки бутун заминда мужассамлашган ёвузликка барҳам берувчи тарихий миссияни амалга оширади деб таъкидланади.

Ушбу назарияга мувофиқ, ишчилар синфининг ғалабани кўлга киритишидан кейин, ижтимоий жиҳатдан эркинликка эришиш техникаси сифатида эски давлат тузулмаларига барҳам берилади, бироқ амалиётда у ҳокимиятни ушлаш техникаси ва ғолибларнинг ҳукмронлигини кўллаб – қувватлаш техникасига айлантирилиши қайд қилинади. Марксизм ўзининг ғоявий – назарий тузилиш тартиби, таркибий қисмларининг (сиёсий – иқтисодий, фалсафий масалалар ва илмий коммунизм) ўзаро мантиқий жиҳатдан бир – бирига боғланганлигини ҳисобга олган ҳолатда, уни замонавий сиёсат фалсафаси ривожланиш тарихининг юксалиши даврларига оид йўналишлардан бири сифатида кўрсатиб ўтиш мумкин, бу таълимот ўзининг асосий мафкуравий рақибини ошкора айта олиши – яъни, дин ва унинг барча либерализм тавсифидаги кўринишлари унинг асосий рақибни ҳисобланишини яширмасиги, шунингдек ушбу таълимотнинг Англияга хос классик сиёсий – иқтисодий, Германияга хос классик фалсафий ва Францияга хос ижтимоий тузум (*социализм*) ғояларига асосланилишини рўй – рост кўрсатиб ўтилиши қайд қилинади¹¹⁵.

Ҳозирги кунда, коммунизмнинг тарихий жиҳатдан инкирозга учрашидан кейин (ушбу ўринда қайд қилиб ўтиш керакки, унинг якуний тарзда ўлими айрим вазиятларда муболаға тарзида жуда бўрттириб акс эттирилади) Ғарб оламида либерализм ғоявий – мафкуравий, назарий жиҳатдан унга муносиб рақобатчи сифатида шаклланган ва охир – оқибатда у бутунлай тўлиқ ғалабага эришиши қайд қилинади. Либерал – демократик режимлар, бозор иқтисодиёти, инсон ҳуқуқлари тушунчали мазмун – моҳиятига кўра бузилмас қоя каби асосларга эга бўлиб кўринади. Бироқ, бутун оламда кузатилувчи вазият буларнинг барчаси фалсафий таркибдан

¹¹⁵ Хайдарали Мухамедов. Хорижий мамлакатлар давлати ва ҳуқуқи тарихи. 2016.

холи бўлган, шунчаки фикрлар ва нуктаи назарларнинг олий чўккисидан ташкил топганлигга борган сари кўпроқ ишонч билдирилиши кузатилади. «Илмий» либерализм назарий конструкцияларининг яркирагунча силликланиши у баён қилинган дарсликларнинг муносиб ўринга эга бўлишини белгилаб берган. Афтидан, замонавий либерал руҳиятдаги сиёсат фалсафаси интеллектуал жиҳатдан тугалланишга яқин ҳисобланади. Сиёсий фанлар сиёсат фалсафасининг она жинс сифатидаги қаърини ташлаб кетиши кузатилмоқда. Балки, бу ҳолатни XVII асрда файласуфлар оммасининг табиат ҳақидаги фанларни эътибордан бутунлай четда қолдирилганлигига ўхшаш вазиятнинг такрорланишига ўхшатиш мумкиндир? Эҳтимол, XX асрда сиёсий донишмандлик ва сиёсий фанларга нисбатан муҳаббат нисбатан кучайгандир? Балки, бунда сиёсат фалсафасини бутундай фалсафадан алоҳида ажратиб олиш ва сиёсий фанлар ўзанига кўшиб юбориш керакдир?

Одатда, ушбу саволларга ижобий кўринишда жавоб беришда қуйидаги кўринишдаги учта гуруҳга оид далиллар келтириб ўтилади:

1) Тарих ўз мазмун — моҳиятига кўра, тарихийликка асосланилувчи ёндошувнинг тан олиншини рад қилиши кузатилади. Бу ҳолат энг аввало, коммунистик сиёсат фалсафасига тегишли ҳолат бўлиб, бунда ҳар доим амалиётда асл ҳақиқат мезони ҳисобга олинган. Ҳозирги кунда тарихнинг салбий жавоби тўлиқ тарзда қатъийликка эга ҳисобланади;

2) Фалсафий либерализм ҳам ўзининг хусусий мантиғи асосида фалсафани рад этиши қайд қилинади. Мустақил индивиднинг ривожланиши ўз фаровонлиги учун мутлоқо тарзда мазмун — моҳиятнинг ягона манбаига айлантиради, барча ҳаётий жиҳатдан муҳим ҳисобланган масалалар эса — ижтимоий фикр бадалига берилади. Сукротча — *одам қандай ҳаёт кечирishi керак?* масаласи ўз фалсафий мазмун — моҳиятини йўқотади, бу ҳолатда фалсафа нуктаи назарлар эквиваленти сифатида ўрин тутади. Бунда фалсафанинг тақдири унинг илмий шакл ёки кўриниш сифатида қабул қилинишига боғлиқ бўлиб қолгандек туюлади. Жон Роулз

Ўзининг сиёсат фалсафасига оид йирик тараққоти – «Адолат назарияси» деб номланган асарида (1971 – йил) ижтимоий – демократия (демак, марксизм таълимотининг бурмунча кучсиз даражаси) позицияси сиёсат фалсафасининг иқтисодиёт фойдасига ўз тутган ўрнининг пасайишини ифодалаб беради деб ҳисоблайди, бунда у барча икки йўналишлилик (*дихотомия*) (яъни, ақл – идрок ва ошкоралик, мақсад ва эркинлик, донишмандлик ва куллик, табиийлик ва тарих) асосида яшаб келган сиёсий фанларга якуний ҳолатда «Ҳар бир гоё нисбий ҳолатда хусусий фаровонликни англатади, агар бунда бошқасини танлашга ҳеч ким таъсир кўрсатмасе, у ҳолда фаровонлик мавжуд ҳисобланади... Сиёсат ҳисоб – китоби одамга хизмат қилишда техникада ўз ифодасини топади. Бунда фалсафа ортга чекинади» кўринишидаги айрим олтин қоидаларга мос равишда эришилиши исботланганлиги қайд қилиб ўтилади.

Бунда фалсафа фандан ҳимояланиш учун ёмон даражада қуролланган. Янги сиёсий фанлар фалсафа билан узилишни тугаллаб беради. Замонавий ақл – идрок «*илмий*» тавсифаги масалаларни кўндаланг қўяди ва классик ақл – идрок тушунчалари билан ҳатто ҳеч қандай умумийликларга эга ҳисобланмайди¹¹⁶. Сиёсат фалсафасининг замонавий дунёда ҳаётчанлик хусусиятини асослаб бериш учун тарихга эмас, балки назарияларга асосланувчи бошқача типдаги далиллар илгари сурилади.

Энг умумий планда сиёсат фалсафаси сиёсатшуносликка оид тадқиқотларнинг умумий услубий асосини белгилаб беради. У турли хилдаги сиёсий концепцияларнинг мазмун – моҳиятини белгилаб беради, одам, жамият ва ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларда кузатиловчи асосий тамойиллар ва қонуниятларни очиб беради, раионал ва иррационал сиёсатнинг ўзаро нисбатлари, унинг маънавий – ахлоқий жиҳатдан мезонлари ва мотивларига ойдинлик киритади, давлат ҳокимиятининг чегаралари ва тамойилларини аниқлаб беради. Фалсафага оид категорияларда оламнинг

¹¹⁶Бенетон Ф. <https://nashaucheba.ru/v33105/>

мазмун – моҳиятининг акс эттирилишига эътибор қаратган ҳолатда, сиёсат фалсафаси хусусий маънода умумий фалсафанинг бир қисми ҳисобланади ва бир вақтнинг ўзида сиёсий фанлар билан ҳамбарчас боғлиқликка эга ҳисобланади, ўзининг алоҳида жиҳатлар бўйича алоҳида кенжа бўлим сифатида сиёсатшунослик таркибига ҳам кириб боради.

Сиёсат фалсафаси – бу фалсафий дилеммаларнинг таклиф этилган ҳал қилиниш вариантлари бўйича сиёсий оқибатларни алоҳида қисмлар бўйича, тизимли тавсифда ўрганиб чиқишдан иборат ҳисобланади, шунингдек бунда у ушбу дилеммаларнинг ҳал қилинмаслиги даражасига тенг ўринга эга ҳисобланади. Сиёсат фалсафаси бўйича барча маълум бўлган классик нуқтаи назарлар ва нисбатан замонавийлик руҳиятига эга бўлган тадқиқот ишлари натижалари ушбу кўрсатиб ўтилган оқибатларни урта фундаментал планда: жумладан, космологик, онтологик ва гнесеологик нуқтаи назардан қараб чиқишни амалга оширади. Сиёсатнинг Оламнинг яралиши, Коинотнинг бир бутун ягоналиги ҳақидаги дунёқарашлар билан боғланиши сиёсат фалсафасининг тенгдоши сифатида ўрин тутди. Ҳозирги кунга қадар унинг ахлоқшунослик фалсафаси билан ўзаро боғланиш жиҳатлари мавжудлиги сўзсиз равишда тан олинади. Айнан, ушбу жойда кадриятлар ҳақидаги инсон табиатига хос бўлган муҳокама ва мулоҳазаларни тадқиқ қилиш масаласи дунёга келади.

Хусусийлик табиати ва хусусий билимлар табиати ҳақидаги турли хил фалсафий тасаввурлар унинг сиёсий фаолиятга нисбатан турли хилда тушинилишига олиб келган. Ҳозирги кунга қадар, кимлардир томонидан фалсафанинг воқеиликка нисбатан кузатувчанлик тавсифларига сиёсий фаолиятнинг амалий тавсифларини қарама – қарши қўйишга мойилликни намоён қилиши мумкин, бунда кўрсатиб ўтилган биринчи ҳолат асрлар давомида ёритилган, интеллектуал тавсифдаги фаолликнинг «олий» тип сифатида қайд қилиниб, унга нисбатан «қуйи» ўрин тутувчи сиёсий фаоллик таҳдид солувчи таъсирга эгаллиги таъкидланади. Материалистик нуқтаи назарлар лагери тарафдори сифатида, бошқа яна кимлардир

томонидан эса – ўзларининг сиёсий амалиётини кетма – кетликда фалсафий нуқтаи назардан асослаб беришга интилиш қайд қилинади. Айнан ушбу ҳолатда, бизнинг фикримизча К.Маркс томонидан амалга оширилган машҳур сентенция келтирилади, яъни бунга кўра, ҳалигача файласуфлар факатгина оламни изоҳлашгагина мувафак бўлишган бўлиб, айнаи дамда эса оламни англаб етиш эмас, балки уни ўзгартиришни амалга ошириш талаб қилиниши таъкидланади. Марксизм таълимотида қайд қилиб ўтилганидек, айнан, инқилобий назарияларнинг инқилобий амалиёт билан бирлаштирилиши бу қандайдир маънода фалсафий фикрларнинг эришган ютуқлари нуфузини камайтиришга қаратилмайди, балки юқорида келтириб ўтилган фикрларнинг мазмун – моҳиятини ифодалаб беради.

Сиёсат фалсафасининг ўзининг ривожланиши ҳеч қачон муаммосиз тарзда ифодаланмаган. Эҳтимол, унинг чўққи даражасида ривожланиши ҳолати ўтиб бўлгандир ва сиёсат фалсафасида инқироз симптомлари бундан 50 – йил муқаддам билдирилган қуйидаги аччиқ сўзларда ўз ифодасини топган бўлиши мумкин: «...Ҳозирги кунда сиёсат фалсафаси қулаш ҳолатида қайд қилиниб, эҳтимол агар уни умуман олганда бутунлай йўқ бўлиб кетмаган деб ҳисобласак, у ҳолда парчаланиш даврини бошдан кечираётганлиги ҳақида фикр билдириш мумкин. Бу ҳолатда унинг предметига нисбатан нафақат тўлиқ ҳолатида яқдилликнинг мавжудлиги масаласи, унинг услублари ва функциялари масалалари назарда тутилган, балки шу билан биргаликда унинг қандайдир шаклларда мавжуд бўлиши эҳтимоллиги масаласи ҳам сўроқ остида қолиши қайд қилинади. Сиёсий фанлар ўқитувчилари томонидан бир – бирлари билан ўзаро ҳали келишиш, муросасозликка келишни таъминлаб берувчи ягона ҳолат – бу сиёсат фалсафаси тарихини ўрганиш қандайдир фойдали жиҳатларга олиб келиши мумкинлиги билан боғлиқ ҳисобланади... Ушбу ўринда фалсафий тавсифга эга бўлмаган сиёсий фанлар ва илмий тавсифга эга бўлмаган сиёсат фалсафаси ўртасида фарқланиш юзага келиши қайд қилинади...

Бундан ташқари, олдинги даврда сезиларли қисм сиёсат фалсафасига тегишли бўлганлиги қайд қилинади... бу ҳолат иктисодиёт, социология ва ижтимоий психология номлари остида эркинликка чиқарилиши кузатилган»¹¹⁷.

Сиёсат фалсафасиги дастлабки зарба позитивизм томонидан берилган бўлиб, бу йўналишнинг дастлабки вакиллари XIX асрдаёқ ўзлигини намоён қилишган ва улар томонидан табиатшунослик намунаси асосида ижтимоий – гуманитар фанларнинг трансформацияланишига ишонч билдирилган, кейинчалик эса – XX асрда кадриятлар ва фактлар ўртасидаги ўзаро фундаментал фарқланишлар асослаб берилган, бунда фактлар ҳақидаги мулоҳазалар фақат асл фанларда амалга оширилувчи чуқур мулоҳазакорлик асосида амалга оширилиши қайд қилинган. Бу кўринишдаги зарба сиёсат фалсафасининг ўз таркибидан сиёсий фанларни ажратиб чиқаришига олиб келган. Бироқ, бу ҳолатда масала «кадриятлардан ҳалос бўлиш», «ахлоқий – маънавий нейтраллик» кўринишидаги позитив тавсифдаги талаблар кўринишида қолиши қайд қилинади. Эзгулик ва ёвузлик ўртасидаги ўзаро зиддиятларда охиригача нейтрал ҳолатда қолиш, маънавий – ахлоқий жиҳатдан ҳиссиз ҳолатда қолиб кетиш – бу сиёсат фалсафаси ва сиёсий файласуф учун керак эмас. Бироқ, ахир сиёсат фалсафаси ҳеч қачон ушбу ҳолат учун даъвогарлик қилмаган – ку. Бу таъна ва бу танқидий фикрлар сиёсат фалсафасининг фалсафа кўринишида қолиб кетиши, ўз мақсадлари ёнидан ўтиб кетиши ҳолатигача бўлган фанга нисбатан қаратилган.

Бундан ташқари, мантикий жиҳатдан бенуқсон ҳисобланган исботлар тизими мавжуд бўлиб, бунда сиёсат фалсафаси унинг фалсафий тавсифга эга кучнинг маънавий – ахлоқийликдан мутлоқо ҳоли бўлишга интилиши кўринишида намоён бўлиши талаб қилинмайди. Сиёсий ҳокимият (ушбу ўринда, ҳар қандай мазмундаги сиёсий ҳокимиятлар назарда тутилмайди) билан иш олиб бориш давомида, ҳар қандай хоҳлаган предметнинг сиёсий тавсифда қараб чиқилиши фақат

¹¹⁷ Штарус.Л. Введение в политическую философию. М., 2000.

уларнинг муққарар кераклилиги асосида амалга оширилиши, яъни уларнинг эзгулик ва ёвузлик, тартиб ва тартибсизлик (хаос), эркинлик ва қуллик, мажбурийлик ва номажбурийлик, адолат ва адолатсизлик каби категориялар асосида баҳоланиши шароитида муҳокама қилиниши талаб қилинади, ўз навбатида ушбу шароитда улар қочиб бўлмайдиган тарзда, мазмун – моҳиятига кўра маънавий – ахлоқийлик майдонида баҳоланишга эга ҳисобланади ¹¹⁸.

Ўз навбатида, қайд қилиб ўтиш керакки, сиёсат фалсафаси бутунлай ўлик ҳолатда эмас ва у яшайди, яъни фалсафа тирик экан у ҳам яшашда давом этади.

Сиёсат фалсафасига нисбатан қизиқишларнинг бутунлай сўнмаганлиги мисоллари асосида айтиш мумкинки, бутун дунёда ва Россияда сиёсат фалсафаси ўзининг инқироз ҳолатини енгиб ўтади, ўзининг кўплаб жиҳатларида хусусий қизиқишлари майдонига ойдинлик киритади, бунда у ўзининг табиатига кўра фалсафий фан соҳаси сифатида қолиши кузатилади.

Сиёсат фалсафасининг асосий қоидалари. Сиёсат фалсафасида инсон манфаатлари циркуляцияси майдони сифатида сиёсатнинг иккита ўзаро қарама – қарши кўринишда таърифланиши мавжуд ҳисобланади:

- Биринчиси, сиёсатнинг турли хил субъектларнинг консенсуси сифатида тушинилишидан келиб чиқади;
- Иккинчиси эса – сиёсат тушунчаси орқали манфаатларнинг перманент тавсифда ўзаро тўқнашишларини ўзида ифодалаб беради.

Ушбу изоҳлашларда ўзаро қарама – қаршилик ҳолатлари мавжудлигига қарамасдан, ушбу иккала парадигма марказида турли – туман манфаатларнинг сиёсийликнинг юзага келиши ва функция бажариши катализатори сифатида ўрин тутувчи тарзда мавжудлиги қайд қилинади.

Агар, сиёсий сферанинг юзага келиб чиқишига эътибор қаратилса, у ҳолда қайд қилиб ўтиш керакки, кишилик жамияти

¹¹⁸ Б.Г.Капустин. Современность как предмет политической теории 1998.

мавжуд бўлишининг дастлабки босқичларида турли хилдаги манфаатларнинг мавжудлиги ва уларнинг ўзаро рақобатлашиши урф – одатлар, анъаналар ва ҳақозо кўринишдаги ижтимоий жиҳатдан ўз – ўзини ташкил қилиш механизмлари орқали регуляция қилинган (бошқарилган). Бироқ, даврлар ўтиши давомида, борган сари ўз мақсадларига эришиш йўлида катта миқдордаги ресурсларнинг йиғилиб бориши, шунингдек ижтимоий тизимларнинг мураккаблашиши ва дифференциацияланиши асосида ушбу кўрсатиб ўтилган механизмлар ижтимоий ҳаётни бошқаришга нисбатан жорий таъсирга эгаллиги даражасини йўқотиб борган. Бир вақтнинг ўзида турли хилдаги ижтимоий гуруҳларнинг вужудга келиши қайд қилинган, яъни бу ижтимоий гуруҳлар турли хил кутбларга эга бўлган манфаатлар манбаи сифатида ўрин тутган, ўз навбатида улар ижтимоий организмни қайта ташкилланишга олиб келишга қодир ҳисобланган. Синфий, табақалараро, тоифалар ва гуруҳлараро, шахслараро кўринишдаги ўзаро муносабатларни бошқариш эҳтиёжи нафақат янги талқиндаги бошқарув пишанглари тавсифидаги кучли ижтимоий эҳтиёжларни юзага келтирган, балки шу билан биргаликда барча ижтимоий шакллардаги гуруҳлар ўртачида умумий бажарилиши мажбурият сифатида қабул қилинувчи, зўравонликка барҳам беришга қаратилган, ижтимоий мақсадга мувофиқ ҳулқ – атвор ва биргаликда ҳаёт кечириш заруриятини англашга олиб келувчи воситачи сифатидаги, сифат жиҳатидан янги ижтимоий институтларнинг яратилиши талабини юзага келтирган.

Ижтимоий муносабатлар бошқарилишининг янги, сиёсий шакллариининг вужудга келиши сиёсий тизимнинг иккита асосий функциялари билан боғлиқ ҳисобланади – яъни, яшовчанликни таъминлаш ва жамиятнинг ривожланиши.

Сиёсий бошқарувнинг асосий шакли – *давлат* сифатида кўрсатиб ўтилиб, унинг қарор топиши давомида ижтимоий муносабатларнинг янги типи шаклланган, бунда унинг ҳар бир иштирокчиси давлатнинг мажбурловчи ва устуворлик сифатидаги ролини ҳис қилади. Айнан, давлат нафақат

ижтимоий жиҳатдан бир бутунлик ва барқарорликни таъминловчи бошқарувчи сифатида юзага чиқади, балки бунда у турли хил ижтимоий гуруҳларнинг ҳар хил манфаатларининг рўёбга оширилиши имкониятларини таъминловчи сифатида ҳам аҳамиятга эга ҳисобланади. Қудратли сиёсий тузилма сифатида давлат ва давлат ҳокимияти асосий сиёсий институт ва шунингдек, турли хил ижтимоий гуруҳларнинг фаолияти учун асосий мақсад сифатида намоён бўлиши қайд қилинади.

Сиёсат – одамларнинг фаолият соҳаси сифатида бир қатор ўзига хос хусусиятларга эга бўлиб, бу хусусиятлар унинг одам ҳаёт тарзининг бошқа соҳаларидан фарқланишларини белгилаб беради. Бунда энг аввало, сиёсат – бу турли хил ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини рўёбга ошириш мақсадларида ҳокимиятни қўлга киритиш, ушлаб туриш ва ундан фойдаланиш бўйича муносабатлар умумийлигидан ташкил топади. Ушбу кўрсатиб ўтилган таъриф сиёсий ҳақиқий мавжудликнинг иккита калит сифатидаги моментларини кўрсатиб беришга аниқлик киритади:

- 1) Сиёсий ҳокимиятнинг мазмун – моҳияти;
- 2) Сиёсатнинг субъектлари.

1. Сиёсий муносабатлар ва сиёсий фаолият марказида ҳар доим ҳокимият туради. Ҳокимият – бу белгиланган мақсадларга эришиш учун фойдаланилувчи ўзига хос қурол ҳисобланади. Сиёсий ҳокимият ўзининг келиб чиқиши ва мазмун – моҳиятига кўра, ижтимоий ҳодисадан ташкил топади, унинг ядросини ҳукронлик ва бўйсиниш ташкил қилади. Ҳокимиятнинг асосий ҳолатлари сифатида қуйидаги белгилар ажратиб кўрсатилади. Ҳокимият универсалликка қодирлик хусусиятига эга ҳисобланади, яъни маълум бир аниқ субъектнинг ҳаракатларини ўз ичига олмайдиган, умумий кўринишдаги мажбуриятлар кўринишида мавжуд ҳисобланади. Ҳокимиятнинг бу кўринишдаги мажбурийликни белгилаб берувчи тарзда тавсифланиши барча жойда кузатилади ва бунда қандайдир шахсий ҳукмронликнинг амал қилиши тушунилмайди. Бу шаклдаги мажбурийлик энг аввало кўпроқ, мамлакатда амал қилувчи жорий қонунлар, қоидалар ва

анъаналарнинг устуворлиги, ҳукмронлигини ўзида ифодалайди. Бу ерда символ тавсифдаги мажбуриятлар, анъаналар, стереотиплар, урф – одатлар ва ҳақозолардан ташкил топган услублар жуда кенг тарқалганлиги кузатилади.

Бир вақтнинг ўзида ҳокимият устуворлик субъектлари талаб қилинувчи, одамлар ва ижтимоий гуруҳларни маълум бир аниқ ҳаракатларни амалга оширишга чорлаши, уларни ўйғотиши мумкин. Бу ҳолат ҳатто, агар ушбу ҳаракатлар индивидларнинг алоҳида олинган манфаатларини қондиришга ва мақсадларини рўёбга оширишга қаратилмаган бўлсада, ушбу ҳолатда ҳам амалга оширишга мажбур қилиниши мумкин ва ҳукмронлик қилувчи субъектларнинг кўлида сиёсий ҳокимият мавжуд бўлмаган ҳолатда эса улар буни амалга ошира олмасликлари мумкин.

Шунингдек, ҳокимият одамлар ва ижтимоий гуруҳларнинг мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳатти – ҳаракатларни амалга оширишига тўсқинлик қилишга қодир ҳисобланади. Бу ҳолат бевосита куч ишлатишга оид усулларда ва шунингдек, билвосита усуллар ёрдамида рўёбга оширилади. Масалан, символли тавсифдаги мажбуриятлар, цензура, ОАВдан (оммавий ахборот воситалари) фойдаланиш асосида назорат қилиш ва ҳақозо шаклларда амалга оширилиши мумкин.

2. Ҳокимият субъектлари сифатида бевосита ва шунингдек, маълум бир вакиллик шакллари кўринишларида индивидлар ва турли хил ижтимоий гуруҳлар майдонга чиқишлари мумкин. Ҳокимият субъектларига бўйсиниш унинг қабул қилган қарорларини бажариш зарурияти билан белгиланади, бу ҳолат маълум бир аниқ муносабатлар шаклини юзага келтиради. Бунда ҳокимият объектлари фармойишлар бериш ва уларнинг шубҳасиз тарзда бажарилишини талаб қилишлари ҳуқуқига эгаллиги тегишли ваколатлар асосида мустаҳкамлаб қўйилиши зарур. Бу ваколат *қонуний тавсифдаги ҳуқуқлар* (*легитимация* ёки ваколатларнинг қонуний асосда тасдиқланиши) деб номланади.

Ҳар қандай ҳокимият ўзи амал қилувчи режимини қонунийлаштиришга интилади. Бу ҳолат турли хил усуллар ёрдамида амалга оширилиши мумкин, бироқ қонуний тавсифдаги ҳуқуқлар унинг функция бажаришида зарурий ҳолат сифатида қабул қилинади. Машҳур замонавий файласуфлардан бири ҳисобланган – С.Липсет томонидан билдирилган фикрларга мувофиқ, қонуний тавсифдаги ҳуқуқлар – бу тизимни ташкил қилишга қодирлик ва уни мавжуд сиёсий институтларнинг тегишли жорий жамият учун нисбатан кўпроқ даражада мослигига ишонч билдириш ва уни ушлаб туришни англатади¹¹⁹. Шунингдек, М.Вебер томонидан тавсифлаб берилган қонуний тавсифдаги ҳуқуқнинг асосий учта варианты нисбатун умумий ҳисобланади: яъни, анъанавий (анъаналар устуворлигига асосланилувчи), харизматик (кучли шахс устуворлигига асосланилувчи) ва рационал – қонуний тавсифдаги ҳуқуқлар (кўпчилик аҳоли томонидан ишонч билдирилиши ва қўллаб – қувватланиш асосидаги)¹²⁰. Бунда одатда, харизматик устуворликнинг анъанавий тавсифдаги қонуний тавсифдаги ҳуқуқларга аста – секин айлантирилиши, кейин эса – рационал – қонуний тавсифдаги ҳуқуқларга айлантирилиши амалга оширилади. Бироқ, ҳозирги кунда қонуний тавсифдаги ҳуқуқнинг амалга оширилиш усулларига аниқлик киритиш мураккаб масала ҳисобланиб, кўпинча ҳолатларда у битта типдаги устуворликка нисбатан кўп типдаги устуворликларга асосланилиши қайд қилинади. Бунинг натижасида жамиятларда демократик тавсифдаги мўлжал олишларда гап кўпроқ даражада қонуний ва қонуний бўлмаган тавсифдаги ҳуқуқларнинг ўзаро қарама – қарши қўйилиши, энг аввало у ёки бу институтларнинг қонуний тавсифдаги ҳуқуқлари ҳақида бориши кузатилади.

Сиёсат – бу субъективликнинг хусусияти ҳисобланади, у турли хил гуруҳлар ва индивидлар ўртасидаги доимий амалга оширилувчи муносабатлар ва боғлиқликдаги алоқадорлик

¹¹⁹ Политический человек: социальные основания политики / М. Липсет, пер. с англ. Е. Г. Генделя, В. П. Гайдамака, А. В. Матешук. – М. : Мысль, 2016. – 612 с.

¹²⁰ М. Вебер Политика как призвание и профессия 2018.

майдони сифатида намоён бўлади, ушбу майдон марказидан сиёсий ҳокимиятга эришиш ёки унга таъсир кўрсатиш ўрин эгаллайди. Узок вақт давомида сиёсатнинг ягона субъекти сифатида давлат ўрин эгаллаган, бунда сиёсий фаолият давлатнинг ўз функцияларини қандай амалга ошириши билан белгиланиши сифатида қараб чиқилган. Бироқ, ижтимоий ўзгаришлар бошқача типдаги, давлатга оид бўлмаган субъектларнинг шаклланишига олиб келган: жумладан, сиёсий ташкилотлар, энг аввало сиёсий партиялар, давлатлараро ва давлатлараро тавсифга эга бўлмаган ташкилотлар, давлатдан мустақил ҳолатда иш олиб борувчи, турли хил фуқоролар фаолиятига оид ташкилотлар, ва ниҳоят бевосита индивидлар фаолиятлари майдонга келиши кузатилади. Замонавий сиёсат – бу ўз манфаатларининг рўёбга оширилишига қаратилган, энг аввало ҳокимият ресурсларини эгаллаш ва уларни идора этишга йўналтирилувчи, турли хил гуруҳларнинг турли – таман шаклда намоён бўлувчи фаолиятларини ўзида ифодалайди.

Давлат – бу сиёсатнинг асосий субъекти сифатида ўрин тутуди ва шунингдек, сиёсий институтлар воситасида жамиятни ташкил қилувчи, унинг интеграциясини шакллантирувчи асос сифатида аҳамиятга эга ҳисобланади. Давлат сиёсий оламни ташкиллаштиради ва шакллантиради, сиёсий ҳокимиятнинг институционал шаклининг манбаи ҳисобланади ва айнан, ушбу сифат асосида ҳокимиятга оид муносабатлар юзага келади. Жамиятни бошқариш ва назорат қилиш учун давлат сиёсий ҳокимиятга ўз диққат – эътиборини жамлайди, турли хилдаги индивидуал ва гуруҳларга оид фаолиятларни чеклашни амалга оширади, ўз навбатида шахслар томонидан амалга оширилиши эҳтимоллиги мавжуд бўлган, кучнинг суъистемол қилиниши асосида келиб чиқиши мумкин бўлган тартибсизликлар яъни, хаосга олиб келиши эҳтимоллиги мавжуд бўлган эркинликни тартибга солиш ва назорат қилишнинг амалга оширилишини таъминлайди.

Давлат – бу маълум бир аниқ ҳудуд доирасида индивидларнинг биргаликда ҳаёт кечиришини ташкил қилувчи ва бу жойда ижтимоий тартиблар қарор топишини таъминловчи

сиёсий институт ҳисобланади ¹²¹[К.С.Гаджиев. Сиёсат
фалсафаси.

Жамиятшунослиқда давлатнинг келиб чиқиши ҳақида турли ҳилдаги фикрлар ва қарашлар мавжуд ҳисобланади. Улардан асосийлари – давлатнинг табиий келиб чиқиши назарияси, илоҳий асосда келиб чиқиши назарияси, шартнома – битим асосида келиб чиқиши, зўравонлик асосида келиб чиқиши назарияси ва шунингдек марксистик таълимот асосида келиб чиқишининг тавсифланиши каби назариялар ҳисобланади.

Давлатнинг табиий асосда келиб чиқиши назариясига мувофиқ, давлат ўзаро алоқалар ва муносабатларга интилиш, умумий фаровонликка эришишга йўналтирилган мақсадларга табиий тарзда интилиш асосида вужудга келади. Давлат – бу «...мавжуд ҳаёт – турмуш тарзининг фаровонлигига эришиш мақсадларига қаратилган тарзда, ҳаёт эҳтиёжларини тўларок қондиришга интилиш асосида вужудга келган ва тўлиқ ҳолатда мустақил қарор топишга эришган бир нечта аҳоли истиқомат қилиш ҳудудларининг бирлашишидан ташкил топган жамият ҳисобланади» ¹²².

Давлатнинг илоҳий асосда келиб чиқиши назарияси Янги Давргача кенг миқёсда тарқалган назариялардан бири ҳисобланади. Бу кўринишда билдирилган нуқтаи назарларга кўра, давлат Яратган томонидан Заминнинг яратилиши жараёни натижасида олдиндан режалаштирилган таркибий қисмларнинг бири сифатида вужудга келган. Давлатнинг ушбу кўринишда тушинилиши мутлоқ ҳокмият ва ҳар қандай ҳукмдорнинг ўз ваколатларини илоҳий даражада амалга ошириши (яъни, унинг шахсий сифатлари ёки олиб борувчи сиёсатидан қатъий назар) ҳолатларни белгилаб берган, яъни ҳукмдор ва қироллар фақат Яратганнинг хошиш – иродаси асосидагина танланиши тасдиқланган.

¹²¹ К.С.Гаджиев. (Политическая философия). – М.: «Иктисодиет» («Экономика») нашриёти, 1999 – йил. – С.36.

¹²² Уша асар

Ижтимоий шартнома назариясида одамларнинг табиий ҳолатда ҳуқуқларининг тенглиги, ҳар бир индивиднинг ижтимоий фаровонлик нуқтаи назаридан ҳуқуқ ва имкониятлари тенглиги масаласи илгари сурилади ва бу ҳолат перманент тавсифдаги зиддиятларнинг вужудга келишини белгилаб беради. Ушбу ҳолатларга барҳам бериш учун ва ижтимоий ҳаёт тартибларини жорий қилиш учун, асосий манбаи ҳалқдан ташкил топган давлат мустақиллиги юзага келиши эҳтиёжи вужудга келади, бунда бир – бири билан ва бошқалар олдида бажарилиши шарт бўлган мажбуриятлар ҳақида ҳокимият билан шартнома тузилади.

Давлатнинг келиб чиқиши бўйича зўравонлик асосидаги назарияда давлат ижтимоий зулм ўтказиш мазмунида қараб чиқилади ва бунда давлат кучсизлар устидан кучлиларнинг зўравонлик ўтказиши ва уларнинг ихтиёрини тутиб туриш мақсадида вужудга келганлиги таъкидланади. «Давлат... айнан ва демак зўравонликни ифодалаб беради, бунда у ўз ҳукмронлиги зўравонлигини қандайдир ниқобланган тарзда, ва чегарвий вазиятларда эса – ҳатто, ошқора, очикдан – очик кўринишларда намоиш қилади»¹²³.

Марксизм таълимоти қарашларига мувофиқ, давлат янги ижтимоий институт сифатида жамиятнинг ички ривожланиши асосида келиб чиққан. Жамиятнинг иқтисодий жиҳатдан ривожланиши хусусий мулкчиликнинг пайдо бўлиши ва турли хил синфларнинг вужудга келишига олиб келган. Синфий курашлар эксплуатация авж олишига олиб келган ва ўз навбатида, уларнинг ўзаро кураши мавжуд тартибларнинг барбод бўлиши ва умумий ҳолатда жамиятнинг барҳам топишига, якуний тарзда давлатнинг вужудга келишига олиб келган. «Давлат – бу синфий ўзаро зиддиятларнинг маҳсули сифатида намоён бўлувчи ҳолат ҳисобланади. Синфий ўзаро курашларда муросасозликка эришиш мумкин бўлмаган жойда объектив тавсифда давлат вужудга келади. Ва аксинча,

¹²³ К.С.Гаджиев (Политическая философия). – М.: «Иқтисодиёт» («Экономика») нашриёти, 1999. – С.38.

давлатнинг мавжудлиги тарихи шундан далолат берадики, синфий курашлар ҳеч қачон барҳам топмайди»¹²⁴.

Давлатнинг келиб чиқиши бўйича турли хилдаги қарашлар ва фикрлар мавжудлигига қарамасдан, умумий ҳолатда давлатнинг шаклланиши ва биргаликда ҳаёт кечириш тартиблари ва қоидаларининг шакллантирилиши ва ушлаб турилиши мазмун – моҳияти бир хилда ифодаланади.

Энг аввало, давлат қатъий тартибда белгиланган ҳудудга эга ҳисобланади, бу ҳудуд кўриқланувчи ҳуқуқий ва сиёсий маконни ўзида ифодалаб беради. Ушбу ҳудудда унинг ўлчамларидан қатъий назар, давлат томонидан чиқарилувчи ва белгиланувчи қонунлар ва қарорлар амал қилади. Давлат ушбу меъёрлар ва қонунларга давлат ҳудуди доирасида доимий ёки вақтинчалик ҳаёт кечирувчи барчанинг амал қилиши, бўйсунлигини таъминлаш, уларни бунга мажбурлаш ҳуқуқига эга ҳисобланади. Шундай қилиб, давлат ўзи эгаллаган ҳудуд доирасида олий ҳокимият (*суверинитет*) ҳисобланади.

Давлат оммавий сиёсий институт ҳисобланади. Оммавий ҳокимият ўз таркибига ижтимоий муносабатларни касбий маҳорат (*профессионал*) даражасида назорат қилиш билан шуғулланувчи, давлатнинг ҳудуди ва чегаралари яхлитлиги ва дахлсизлигини ҳимоя қилиш мажбуриятини олган ҳарбий кўшинга эга бўлган, шунингдек жамиятдаги ижтимоий тартиблар ва фуқороларнинг ҳавфсизлигини таъминлашга қаратилган фаолият олиб борувчи полиция ва ҳуқуқ органларига эга ҳисобланган давлат апаратини ўз ичига олади.

Турли хилдаги ижтимоий дастурларни амалга ошириш, жамият ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлашни амалга оширишда оммавий ҳокимиятнинг таркиби вამ функцияси доимийлиги таъминлиниши мақсадларида давлат солиқ ва тегишли тартибда белгиланувчи маблағ йиғимларини йиғиб олиш бўйича мутлоқ ҳуқуққа эга ҳисобланади.

Сиёсат оламида давлатнинг калит сифатидаги роли унинг бутун жамият манфаатлари учун қаратилган фаолиятида ўз ифодасини топади, шу сабабли давлатнинг фаолияти бошқарув

¹²⁴ Уша асар.

ва ташкилий функцияни бажарувчи институтларнинг бир бутунлигини таъминлашга йўналтирилади. Шу сабабли, давлат тузилмаси атрофида давлат ҳокимиятига талабгорлик қилувчи турли хил гуруҳлар ўртасида ўзаро асосий рақобат боради. Гарчи уларнинг солиштира киймати ташқи ва ички ҳолатларга боғлиқ ҳолатда вариациялансада, кўрсатиб ўтилган белгилар барча типдаги давлатлар учун фундаментал белгилар ҳисобланади.

Бироқ, замонавий оламда глобаллашиш жараёнлари миллий давлатларнинг алоҳида мавжуд бўлиши доирасини торайтириши, ички ва ташқи ҳолатлар ўртасида ўзаро фарқланишларнинг эътиборга олинмаслиги асосида, суверинитет тушунчасининг айрим ҳолатларда ҳалқаро миқёсдаги фаолият сифатида намоён бўлишга олиб келиши кузатилмоқда. Агар, ушбу вазиятга бошқа бурчакдан туриб нигоҳ ташланса, у ҳолда мавжуд чегараларни тан олмайдиган шаклда глобализация жараёни (мақсадга йўналтирилган тавсифда ёки шунчаки, ўз йулида давом этишида) сиёсий жараёнларни асосий регуляция қилувчи сифатида ўрин тутувчи миллий давлатчиликлар ролининг тубдан ўзгаришларига олиб келиши мумкин.

Кўпроқ даражада анъанавий ареалларни ўз ичига олувчи, маълум бир аниқ соҳа ва ҳудудларда давлатнинг таъсир самарадорлиги қайд қилинишига қарамасдан, ҳозирги кунда кузатилувчи ҳақиқий воқеилик асосини ташкил қилувчи вазиятлар бошқача ҳолатларга урғу беришга мажбур қилмоқда. Давлатнинг ҳудудий акторлар томонидан кўрсатилувчи босим кучайиб боришини белгилаб берувчи шароитда бозорнинг глобаллашуви, автономия амал қилишгача бўлган ҳолатларни ўз ичига қамраб олувчи ҳолатларни қайта тақсимланилишига эришиш, давлат бюджетининг умумий ҳолатда инкирози, иқтисодий ва ижтимоий манфаатларнинг қондирилишида эҳтимоллиги мавжуд имкониятларнинг борган сари камайиб бориши каби учта асосий устуворликка эга бўлган ва бошқа турдаги сабаблар блоки таъсири остида ягона, бир бутунликни ташкил қилувчи (*унитар*) актор сифатида қарор топишига

барҳам берилиши кузатилади. Натижада, ўз навбатида ички маҳаллий акторлар бир – бирлари билан рақобатлашади ва уларнинг манфаатлари энди кам ҳолатлардагина тўпланиши кузатилади, бу ҳолатни «*миллий манфаатлар*» деб номлаш қабул қилинган.

Замонавий давлат тарихий нуқтаи назардан унга хос бўлган айрим функциялардан маҳрум бўлади, анъанавий давлат институтларининг дунё миқёсида ва шунингдек, ўз чегаралари ичида истисодий ва сиёсий жараёнларни назорат қилиши барҳам топади. Бунинг натижасида, давлат функцияларининг бир қисми миллий манфаатлардан устун даражадаги ҳолатларга берилади (бунда энг аввало, ТНК каби трансмиллий структуралар ёки МВФ, МБ, ЕС ва бошқа давлатлараро фаолиятга эга бўлган ташкилотлар назарда тутилади). Анъанавий – давлатчилик ваколатининг бошқа бир қисми эса – ҳудудлар ва минтақалар даражасидаги, шунингдек маълум бир ҳокимият ресурсларига эга бўлган ва глобал олам координаталарида маҳаллий ижтимоий жамиятларнинг функция бажаришни таъминлашга қодир бўлган, сиёсий – бошқарув фаолияти субъектларига берилади.

Таъкидлаб ўтилганидек, ҳокимият масаласи сиёсий ҳақиқий мавжудликни (воқелик) тадқиқ қилишда тамойил жиҳатидан муҳим масала ҳисобланади. Трансмиллийлик хусусиятлари билан тавсифланувчи, замонавий тавсифдаги ижтимоий ўзгаришлар ҳокимият шакллари ва ундан фойдаланиш усулларининг қайта ташкилланиши билан белгиланади.

Трансмиллийлик – бу миллий – давлатчилик чегараларининг маълум маънода барҳам топиши, шунингдек анъанавий, жумладан сиёсий тўсиқларнинг шаффофлигини ифодалаб беради. Ушбу кўринишдаги контекст нуқтаи назаридан, ҳокимиятнинг тарихий жиҳатдан таркиб топган легитимизацион боғлиқликка эга бўлган институт ва субъект сифатида функцияси барҳам топади ва у қайта концентрацияланишга жалб этилади ва ўз навбатида ижтимоий ҳолатлар таркибига қоришиб кетиши амалга ошади.

Ҳокимиятнинг бу кўринишдаги диффузияланиши, давлат ичидаги тузилмалар доирасида ва шунингдек, трансмиллий даражада мавжуд ижтимоий воқеликларнинг қайта ташкилланиши ва сиёсий жиҳатдан янги субъектларнинг вужудга келишига олиб келади.

Сиёсий фаолиятнинг янги шаклларининг вужудга келиши, ҳақиқий мавжуд воқеиликнинг структура жиҳатдан қайта ташкилланиши, ҳокимиятнинг вертикал ва горизонтал координаталар бўйлаб тақсимланувчи, кўп сондаги микро ва макро таркибий қисмларга парчаланиши ўз навбатида замонавий дунёда фуқоролик жамиятининг ўрни ва ролини қайта қараб чиқиш масаласини кўндаланг кўяди.

Фуқоролик жамияти – бу одамнинг табиий ва ижтимоий ҳақ – ҳуқуқларининг рўёбга оширилишини кафолатловчи, жамиятнинг нисбатан эркин ҳисобланган аъзоларининг турли хилдаги манфаатлари, қизиқишлари, эҳтиёжлари ва қадриятлари ўз аксини топувчи, давлат ичидаги муносабатлар ва институтлар тизими ҳисобланади.

Фуқоролик жамияти ғояси ижтимоий онг ва фан таркибида турли хил фикрлар орқали таърифланган бўлиб, уларда асосий куйидаги кўринишдаги учта йўналишни алоҳида даражада ажратиб кўрсатиш мумкин:

1) Идеал ижтимоий тартибларнинг меъёрий концепция сифатида қараб чиқилиши;

2) Замонавий оламда ҳақиқий мавжуд воқеилик изоҳланишининг таҳлилий схемаси сифатида қараб чиқилиши;

3) Ғоявий – мафкуравий конструкция сифатида қараб чиқилиши.

Фуқоролик жамиятининг марказий ғояси – ижтимоий ҳаётнинг хусусий ва оммавий сфераларининг ўзаро нисбатлари масаласи ҳисобланади. Шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан, фуқоролик жамиятининг тизимни ташкиллаштирувчи тамойиллари сифатида – шахсий эркинлик, фуқороларнинг даҳлсизлиги ва ҳавфсизлиги, хусусий мулк ҳуқуқи, мустақил тузилмалар таркибида эркин ҳолатда мавжуд бўлиш ва функция бажариш ҳуқуқи каби тамойилларни алоҳида ажратиб

кўрсатиш мумкин. Фуқороларнинг ҳуқуқлари ва шахс эркинлигининг рўёбга оширилиши нафақат ҳуқуқий тамойиллар ёрдамида кафолатланиши амалга оширилади, балки бунда шахс ва жамият ўртасида ўзаро барча муносабатларни регуляция қилувчи ҳуқуқий меъёрлар ҳам ҳисобга олиниши кайд қилинади. Шахсий автономия соҳаси етарлича даражада кенг маънога эга бўлиб, давлат органлари томонидан шахсий манфаатлар соҳасига таҳдид солинишига йўл қўйилмайди. Айтиш мумкинки, шахснинг ўзлиги қадрияти тамойили, унинг давлатга нисбатан муносабатларида автономияси масаласи айнан, фуқоролик жамияти асосини ташкил қилади.

Фуқоролик жамиятининг ўз – ўзидан ташкилланувчи ва ўз – ўзидан бошқарилувчи ижтимоий алоқалар ва муносабатлар умумийлиги сифатида қараб чиқилиши турли хилдаги ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг турли хил манфаатларини ифодалаш имконини беради ва оммавий сферадаги фаоллик даражасини белгилаб беради. Фуқоролик жамияти воситасида кўпчилиكنи ташкил қилувчи омманинг, энг аввало сараланишдан (*элита*) ташқари турли хилдаги аҳоли қатламлари ва гуруҳларнинг сиёсий жараён таркибида иқтисодий ва сиёсий манфаатларининг ташкилий нуқтаи назардан, институционал тавсифда амалга оширилиши таъминланади.

Манфаатларнинг институционаллаштирилиши – турли хил даражаларда манфаатлар ёқланиши тизимларининг намоён бўлиши сифатида «*манфаатлар гуруҳлари*» деб номланувчи, турли хилдаги ассоциациялар ва бирлашмалар томонидан амалга оширилади. Шундай қилиб, фуқороликка оид ва ҳудудий вакиллик билан бир қаторда, давлат структуралари таркибида уларнинг жойлашиш ўрни ва давлат структураларига нисбатан муносабатларидан қатъий назар, турли хил манфаатларнинг умумийликда бирлаштирилиши асосидаги ҳар хил ташкилотлар ва фаолиятларнинг фаоллашиши кузатилади. Манфаатларнинг ёқланишида кўп даражали тизим горизонтал интеграцион алоқаларнинг мавжудлигини белгилаб беради, шунингдек шахснинг турли хилдаги манфаатлари

кондирилишини таъминловчи, кенг кўламдаги сиёсий ва сиёсий ҳолатлардан ташқари тавсифга эга бўлган акторларнинг мавжудлик имкониятларини таъминлаб беради.

Фуқоролик жамиятининг асосий ижтимоий асоси сифатида – юқори даражада ишлаб чиқариш унумдорлиги ва юқори даражада касбий маҳорат билан тавсифланувчи, етарлича даражада юқори даромадларга эга бўлган, ташаббускор ва тезкор қарорларга кела олувчи ишчи – ходимлардан ташкил топган ўрта синфнинг тан олинishi шароитида, фуқоролик жамиятининг мувофиқликда функция бажариши учун шахсларнинг маълум бир типлари талаб қилиниши ҳақида фикрларга кўшилмасликнинг иложи йўқ. Жумладан, Ғарб оламида фуқоролик жамияти индивидуализм тамойилларига асосланади, бу тамойил воситасида индивид ўз ҳуқуқларини ифодалаб беради ва ўзини кўп сондаги партиялар, ассоциациялар, ҳаракатлар ва бошқа ижтимоий ҳаракатлар таркибида шахс сифатидаги фаолиятини намоён қилади.

Шунингдек, фуқоролик жамияти ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар масаласи тамойил жиҳатидан муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ғарб оламига хос бўлган, қарор топган демократик анъаналар учун асос сифатида давлат ва фуқоролик жамияти манфаатларининг тенг ҳуқуққа эгаллиги тан олинади ва уларнинг ўзаро муносабатларида манфаатдор гуруҳлар ва ҳокимият – давлат тузилмаларининг ўзаро бир – бирига таъсир кўрсатишида етарлича даражада самарали ҳисобланган воситалар ва усуллар амалиётда йўлга қўйилганлиги кўриш мумкин.

Фуқоролик жамияти ичида амалга оширилувчи муносабатлар ҳокимият ваколатига асосланилмайди, бунда ҳокимият маълум маънода унинг чегаралари доирасидан ташқарида жойлашади ва фақатгина барча умумий «ўйин қоидалари»га амал қилишни кафолатловчиси сифатида аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунинг натижасида, шахсий ва оммавий ҳуқуқларнинг ўзаро фарқланиши, шахсий, оммавий ва давлат манфаатларининг фарқланишлари юзага келади. Давлат бу ҳолатда фуқоролик жамиятининг барча аъзолари томонидан

тенг ҳуқуқийлик асосида умумий қабул қилинган барча қоида ва меъёрларнинг бажарилишига амал қилинишини назорат қилувчи, кафолотловчи сифатида ўринга эга ҳисобланади.

Фуқоролик жамияти ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар ижобий мазмунга эга бўлиши учун ҳар иккала институт томонидан маълум маънода ўз – ўзини чеклаш амалга оширилиши мақсадга мувофиқ ҳисобланади, бунда давлат маълум даражада хизмат кўрсатувчи функцияларни рўёбга ошириши талаб қилинади.

Бирок, фуқоролик жамияти ва давлат ўртасидаги ўзаро муносабатлар диалектикаси Собиқ Иттифок парчаланишидан кейин вужудга келган мустақил давлатларда фуқоролик жамияти институтларининг қарор топиши даврида, шунингдек бошқача ижтимоий – маданий анъаналар таъсири кучли ифодаланувчи социумларда кучли давлат нуқтаи назаридан силжишга урғу бериш эҳтиёжи юзага келиши қайд қилинади.

Фуқоролик жамиятининг функция бажариши билан боғлиқ бўлган, замонавий масалалар доирасида олдинги чегаравий ҳолатларга *«позитив фуқоролик ҳуқуқлари»* масаласи – яъни, асосий кўрсаткич сифатида фаоллик, ижодийлик, махсулдорлик, ассоциативлик ва бошқалар талаб қилувчи оммавий ҳаракатларда ва жамоавий амалга оширилувчи фаолиятларда иштирок этиш каби масалалар олиб чиқилувчи сиёсий иштирок масаласи билан қочиб бўлмайдиган даражада тўқнаш келиш қайд қилинади. Бунда гап турли хил соҳаларда сиёсий иштирокнинг институцион тавсифга эга бўлмаган воситалари ҳақида боради, яъни бунда саломатлик ва фаровонлик ҳақида қайғуриш, таълим соҳасида ҳуқуқ масаласи, ахлоқий – маънавий масалалар, гендер тавсифдаги масалалар ва бошқалар қараб чиқилиши назарда тутилади. Бу сиёсий сфера таркибини ташкил қилмайдиган, анъанавий талаблар кондирилишга йўналтирилган, Ғарб оламида кузатилувчи сиёсий ҳаракатлар феномени билан боғлиқ ҳисобланади.

Ушбу жараёнлар кенг кўламдаги, демократик жиҳатдан ташкиллаштирилган сиёсий ҳаёт спектри жамиятига нисбатан барқарорлаштирувчи таъсир кўрсатишини, демократик

тавсифдаги каналларидан бири – сайловлардан ташкил топган, фуқороларни сиёсий ҳаётда ва бошқарувда иштирок этишга жалб қилишни белгилаб берувчи сиёсий плюрализм масаласи билан боғлиқ ҳисобланади. Сиёсий сферада плюрализм диффузион ва фрагментлардан ташкил топиш тавсифини бериш учун ҳокимият ресурларининг тарқоқлаштирилишидан ташкил топади.

Ҳокимиятнинг бу кўринишдаги ташкилланиши шароитида ҳар бир ижтимоий гуруҳларнинг асосий пишанглари ва каналларнинг монополизацияланишисиз ҳолатда сиёсат майдони шаклланишидаги таъсири ва ўз навбатида, бунинг натижасида гуруҳларнинг бир – бири билан ўзаро таъсирлашишлари ва рақоботлашишлари амалга ошиши белгиланади.

Идел ҳолатда давлатнинг бу кўринишдаги тизим таркибида функция бажариши «*тунги соқчи*» [Ж.Локк] сифатида функцияларининг чекланишига олиб келади, бунда давлат турли хил даражаларда намоён бўлиш давомида жамиятдаги мавжуд манфатларнинг ўзаро муросасозлик асосида ривожланиши ва умумий ўйин қоидалари ва тартибларининг қарор топтирилишида нейтрал тавсифдаги атрибут сифатида ўринга эга ҳисобланади. Плюралистик тавсифдаги сиёсий тизим турли хилдаги ижтимоий гуруҳлар учун қулай ечимларга эришиш имконини беради ёки улар учун ноқулай ҳисобланган ечимларнинг қонуний йўл билан бартараф қилинишининг таъминланишини белгилаб беради. Бу кўринишдаги тизимларда манфаатларнинг устуворлигини намоён қилувчи иккита босим гуруҳларининг намоён бўлиши қайд қилинади, яъни сиёсий – партиялар воситасида, қонунчилик, ҳокимиятга оид, қоғозбозлик ва бошқа шу каби каналлар орқали, шунингдек омманинг фикрини йўналтириш ва ОАВ орқали устуворликка эришишга ҳаракат қилиш кузатилади.

Турли хил координаталар йўналишларида сиёсий жараёнларни ўзида акс эттирувчи, сиёсатнинг субъектив компоненти сиёсий онгда ўз ифодасини топади. *Сиёсий онг* – бу

одамнинг сиёсий соҳада функция бажаришини белгилаб берувчи ва унинг сиёсий тузилмалар билан ўзаро муносабатларида воситачи сифатида ўрин тутувчи, маънавий тузилмалар умумий бирлигини ифодаловчи сиёсий фанларнинг марказий категорияларидан бири ҳисобланади.

Сиёсий онг одам учун мўлжал олиш йўналишларига ойдинлик киритишда танланувчи меъёрлар, кадриятлар, идеаллар, қарор топишлар, кутилган мақсадга мувофиқликлар, ақлий йўналишлар ҳолатларининг чалкаш тўрлари ва шунингдек, одамнинг ҳокимият органлари фаолиятига нисбатан мослашиши усулларини ўз ичига олади. Сиёсий онг ички жиҳатдан қарама – қаршилиқларга бой бўлган ва бир жинсли тавсифга эга бўлмаган ҳолат бўлиб, одамнинг билишга оид ва мослашувчанлик асосидаги фаолияти бўйича шаклланади, одам фаолиятининг турли хил йўналишдаги сиёсий жараёнларга боғлиқлигини белгилаб беради.

Сиёсий онгнинг таркибини айнан, сиёсий фаолият билан боғлиқ бўлган, одамнинг ўзига хос специфик эҳтиёжлари ташкил қилади ва одамнинг маълум бир ҳаёт шароитлари ва ривожланишига бўлган талаб – эҳтиёжларини белгилаб беради. Сиёсий эҳтиёжларнинг қондирилишига интилиш маълум бир аниқ типдаги фаоллик ва эмоционал ва мулоҳаза юритишга оид тафаккурлаш жараёнлари ўйғонишига тўртки беради. Бу кўринишдаги фаоллик натижасида ижтимоий – сиёсий тавсифдаги маълум бир қарашлар, ғоялар мафкуралар, қарор топишлар, ишонч – эътиқодлар, ақлий йўналишлар, мўлжал олишлар шаклланади.

Функционал нуқтаи назардан олиб қаралганда, сиёсий онгнинг назарий ва ҳаётий – кундалик турмушга оид даражаларга ажратилиши муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Сиёсий онгнинг назарий даражаси сиёсий тавсифдаги турли хил мафкуравий кўрсатма – тавсиялар, ғоялар, концепциялар, нуқтаи назарларнинг мавжудлигини белгилаб беради. Ушбу кўринишдаги руқн асосида сиёсий онг қатъий тартибга эга бўлган дунёқарашлар тизими сифатида мавжуд сиёсий ҳақиқий воқеиликнинг рационал тавсифда англаниши, маълум бир аниқ

назарий – ғоявий координаталар буйича сиёсий онгнинг муҳокама қилинишидан ташкил топади. Сиёсий онгнинг ҳаётий – кундалик турмушга оид даражаси мазмун – моҳиятининг ювилиш тавсифига эга бўлиши, тизимлиликка эга эмаслиги, қарама – қаршилиқларга эгалиги, эмоционал жиҳатдан рангинлиги, ғайри ихтиёрий (*импульсив*) тавсифга эгалиги билан ажралиб туради. Бир вақтнинг ўзида, сиёсий онгнинг ҳаётий – кундалик турмушга оид даражаси юқори даражада барқарорлиги, таркибида стеротипларнинг мавжудлик даври давомийлиги, уларнинг ҳатто ғоявий омиллар ва маълум бир аниқ типдаги сиёсий ҳулқ – атвор таъсири остида ўзгаришга учрамаслиги билан тавсифланади.

Сиёсий онг билишга оид, ғоявий – мафкуравий, коммуникатив, олдиндан башорат қилишга оид, тарбиявий функцияларни бажаради. Ушбу кўрсатиб ўтилган ҳар бир функциянинг таркибидаги солиштирма улуши бир қатор кўрсаткичларга боғлиқ ҳисобланади, бунда энг аввало мамлакатнинг сиёсий жиҳатдан ривожланганлиги даражаси ва сиёсий жиҳатдан барқарорлиги, шунингдек жорий ва узоқ вақт давомийлигидаги сиёсий ва ижтимоий устуворликлар билан боғлиқлиги қайд қилиб ўтилади.

Сиёсий фанларда унинг манбаи нуқтаи назаридан оммавий, гуруҳларга оид ва якка тартибдаги (*индивидуал*) сиёсий онг ажратиб кўрсатилади. Оммавий тавсифдаги сиёсий онг нисбатан умумий ҳисобланган сиёсий ҳулқ – атвор алгоритмларини белгилаб беради ва ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади:

1) Одамларнинг истаклари ва орзу – умидлари, шунингдек ушбу орзуларнинг рўёбга оширилишига нисбатан таъсирларнинг баҳоланиши;

2) Қадриятларга оид мўлжал олиш йўналишлари;

3) Жорий сиёсий жараёнга нисбатан билдирилувчи нуқтаи назарлар ва кайфиятлар.

Гуруҳларга оид сиёсий онг маълум бир ижтимоий гуруҳлар учун умумий ҳисобланган тасаввурлар, уларнинг сиёсий фаолиятининг ўзига хос жиҳатларини белгилаб берувчи

хулк – атвор меъёрлари, қадриятлар, қарашлар, ғояларни ифодалайди.

Якка тартибдаги (*индивидуал*) сиёсий онг ижтимоий воқеиликнинг сиёсий сегменти таркибида ҳолатларни қабул қилиш, баҳолаш ва уларга нисбатан таъсир кўрсатиш кўринишидаги шахснинг сифат ва хусусиятларини белгилаб беради. Ушбу вазиятда асосий урғу унинг сиёсий иштироки шакли ва даражасини белгилаб берувчи, шахснинг руҳий (*психологик*) тавсифларига берилади.

Сиёсий онгнинг турли хил даражалари таркибини аниқлаш ва ҳолатини баҳолашни амалга ошириш оммавий фикрлар бўйича сўровлар ўтказиш воситасида амалга оширилади, шунингдек бу мақсадларда анкета саволларини тарқатиш, эксперт баҳолаш ва дастурлар хужжатларини ўрганиш усулларидан фойдаланилади, бу маълумотлар узок вақтга мўлжалланган вазиятларга оид умумий ва шунингдек, гуруҳларга оид ва якка тартибдаги шахсий нуқтаи назарлар ва фикрларни билиш имконини беради. Ушбу кўринишдаги контекстда қуйидаги икки блокдаги элементлар ажратиб кўрсатилади: яъни, мотивацион (сиёсий эҳтиёжлар, қарор топишлар, қадриятлар, сезгилар, эмоциялар) ва билишга оид (ахборотларга эга бўлиш, сиёсатга бўлган қизиқишлар, ишонч – эътиқод) элементлар қайд қилинади.

Бунда омманинг фикрини билиш нуқтаи назаридан ва шунингдек, электорат функциясига оид жараёнларда бошқариш – технологик стратегияларни танлаб олиш мақсадларида оммавий эҳтиёжларни, қарор топишларни, манфаатлар ва қизиқишларни, шунингдек қадриятларга оид мўлжал олишларни тадқиқ қилиш алоҳида даражада аҳамиятга эга ҳисобланади. Бунда танланган технологияларнинг самарадорлиги қуйидаги ҳолатларга боғлиқ ҳисобланади:

- Биринчидан, долзарблаштирилувчи оммавий эҳтиёжларнинг тўғри ҳолатда баҳоланиши ва уларни қондиришнинг ҳақиқий мавжуд имкониятларига боғлиқ ҳисобланади;

- Иккинчидан, барқарор ҳолатда, маълум бир аниқ фактларга, ҳодисаларга ва жараёнларга нисбатан турли хилдаги мулоҳаза юритишлар, баҳолашлар ва эмоциялар орқали диққат – эътиборнинг эмоционал бўёқларга эгаллигида ўзлигини намоён қилувчи оммавий кўринишдаги сиёсий қизиқиш ва манфаатларнинг мос равишда таҳлил қилинишига боғлиқ ҳисобланади;

- Учинчидан, турли хил объектларни ҳис қилишда ва уларга нисбатан муносабатларнинг ифодаланишида сиёсий онг субъектларининг жойлашиш ўрнини белгилаб берувчи, барқарор ҳолатдаги сиёсий қарор топишлар ва стереотипларни ҳисобга олишга боғлиқ ҳисобланади;

- Тўртинчидан, сиёсий мавжуд ҳақиқий воқеиликка нисбатан рационал муносабатларнинг симбиоз кўринишда акс этишини белгилаб берувчи ва сиёсий онг структура таркибида маълум бир аниқликдаги автономияни намоён қилувчи, оммавий қадриятларга нисбатан мўлжал олишларни ўрганиш эҳтиёжига боғлиқ ҳисобланади.

Замонавий даврда сиёсий онгни унинг ўзига хос бўлган мазмун – моҳиятдан фойдаланган ҳолда бошқариш масаласи алоҳида даражада долзарблашиши қайд қилинади. Сиёсий оламнинг замонавий ривожланиш босқичидаги таркибий тузилиши «*дастурлаштирилган*»¹²⁵ тавсифга эга ҳисобланади, яъни бунда қандайдир сиёсий лойиҳаларнинг онгли равишда қамраб олиниши билан уйғунликда боғлиқликлар кўзга ташланади.

Сиёсат махсули сифатида ҳодисаларнинг амалий текисликда онг таркибига жойлашиши жараёнида шаклланувчи ижтимоий феноменни кўрсатиб ўтиш мумкин. Символик коммуникация – бу сиёсатнинг асл мазмун – моҳиятини очиқ берувчи, ҳокимиятга оид мажбурлашларнинг алоҳида типини ўзида акс эттиради. «Ресурсларнинг тақсимооти ва улардан фойдаланиш кўпроқ даражада символик воситалар орқали амалга оширилади» ва шу сабабли, «сиёсатда тўғридан – тўғри,

¹²⁵ А.Турген Собрание сочинений в 11 томах. – М.: Правда, 1949.

бевосита кучнинг фойдаланилиши унчалик катта қийматга эга эмас»¹²⁶. Мажбурлашнинг символик тавсифи сиёсий маконнинг ижтимоий чегараларини белгилаб беради.

Замонавий шароитларда меъёрий – символик сферанинг трансформацияланиши ижтимоий – сиёсий матрица таркибида тизим ҳосил қилувчи асосий тузилма сифатида – қиёфа услуги (имидж) ўрин тутишига олиб келган, унинг тарқалиши ва фойдаланилиши фуқороликка оид идентификация шарти ва ҳаракатчан сиёсий жамоаларнинг шаклланиши манбаи сифатида қарор топган. Асл моҳият одамларни нимани сотиб олишларида (ёки сотиб олишлари мумкинлиги) акс этади, шу сабабли ахборот технологияларининг чексиз бепоён олами кўпинча ҳолатларда давлат тузилмаларига оид ёки оппозицион ғоялар ва мафкураларга тегишли тимсоллар (символлар) занжирининг ҳосил қилиниши мақсадларида фойдаланилади. Бошқача айтганда, одамлар фуқоролик статусига эга бўлиб боради ва сиёсий жиҳатдан идентиклик имиджлар кўринишида ахборотлар истеъмолчиси сифатида (ҳудди бошқа реклама маҳсулотларида кузатилгани каби) намоён бўлишда ўз аксини топади. Ушбу ўринда ғоя яратувчилари технологлардан узиб кетади. Ахборотларга оид мулоҳаза юритишларнинг фақат кўнгилочар шаклдаги қиёфада намоён бўлиши натижасида ходисалар сиёсий факт сифатида ўрин тутиши қайд қилинади.

Ушбу ўринда тамоийил жиҳатидан муҳим лаҳзалардан бири – бу ОАВ ва ҳокимият тузилмалари ўзларининг стратегиялари доирасида янгидан яратилмаган, балки мавжуд бўлган тайёр ечимларни босиб чиқиришга киришадилар, яъни фақат илгари сурилувчи масалаларга нисбатан мослашишни тарғиб қилиш мазмуни шакллантирилади.

Бу кўринишдаги жараёнларда сифат жиҳатидан трансформацияланиш амалга ошади, ўзининг моҳиятига кўра, бунда фуқороларнинг вакиллик механизмлари институционализацияланиши қайд қилинади.

Юзага келувчи сиёсий дизайн барқарор ва янгиланиб туриш хусусиятига эга ҳисобланади, яъни олдинги бирорта

¹²⁶ Ўша асарда.

мавжуд бўлган сиёсий институтлар юзага келувчи янги сиёсий коммуникацион макон бўйлаб ўзгаришларни амалга оширишга кодир ҳисобланмаган. Сиёсат тадбиркорлик (бизнес) фаолиятига ўхшаш ҳолатга кириб қолган, ташвиқотлар эса – реклама фаолиятига ўхшаш тавсифда қабул қилиниши қайд қилинади. Оммавий реклама «интеграцион маркетинг тавсифидаги коммуникация» сифатида ўринга эга ҳисобланади. Шу билан бир вақтда, сиёсий жиҳатдан «ижтимоий жамият билан ўзаро алоқалар» сифатида маркетингга айланиб бориши ва ҳақиқий сиёсатнинг қарор топиши кузатилади¹²⁷.

Сиёсат фалсафаси – бу сиёсатнинг нисбатан умумий асослари, чегаралари ва имкониятлари ҳақидаги, унинг таркибидаги объектив ва субъектив муносабатлар, қонуний тавсифдаги ва тасодифийлик асосидаги, мавжуд ва заруриятлар, рационал ва рационалликдан ташқари ҳолатлар ҳақидаги фан ҳисобланади. Сиёсат асослари ҳақида фикр билдирганда, шундай қийинчилик вазияти юзага келадикки, яъни бу асослар Шарқ ва Ғарб оламида ўзаро фарқланади, шунингдек анъанавий ва замонавий жамиятларда ҳам бу асослар ўзаро фарқланиши қайд қилинади. Шарқда ва умуман олганда, анъанавий оламда сиёсатнинг асосий масалалари сифатида ижтимоий тартибларнинг таъминланиши ва жамиятни тартибсизлик (хаос) ҳолатидан чегаралаш, муҳофаза қилиш масаласи кўрсатиб ўтилади. Тартибни, барқарорлик ва меросийликни қандай таъминлаш масаласи – бу анъанавий сиёсат фалсафаси томонидан қараб чиқилувчи масала ҳисобланади. Ғарб оламининг модернизацион жамиятларида тартиб масаласига урғу берилмайди, балки демократик тартибларнинг таъминланиш усуллари устувор масала сифатида қараб чиқилади. Тартиб ва хаос дилеммаси билан биргаликда демократик ёки авторитар тартиб дилеммаси муҳокама қилинади. Яъни, агар Шарқ оламида сиёсат тартибни таъминлашга қаратилган йўналишда амалга оширилувчи ишлар кетма – кетлигини англатса, ва бунда унинг манбалари

¹²⁷ К.С.Гаджиев Политология (Допущено Министерством образования РФ в качестве учебника для студентов вузов). Логос, 2000–2011. – С.486.

олдиндан маълум бўлса (бу ерда меросийлик асосида қарор топган ҳокимият ва ижтимоий функцияларнинг табақаларга оид тавсифда мустақамланиши назарда тутилади), у ҳолда Ғарб оламида эса – сиёсат сайловчилар томонидан билдирилган ишонч натижалари мандати эълон қилиниши асосида ким (яъни, қайси партия, президент ёки бошқалар) бошқарувни амалга ошириши масаласига ойдинлик киритишга қаратилган ишларни амалга ошириш кетма – кетлигидан ташкил топади.

Юқоридаги ҳолат фалсафий – услубий жиҳатидан моҳиятига кўра, Шарқ оламида сиёсат дунёси қатъий тартибдаги, қаттиқўлликка асосланилган, «Лаплас» детерминизми қонуниятларига бўйсиниши қайд қилинади, бу ҳолатда Ғарб оламида эса – ўз таркибига меъёрий ҳолатдан оғиш ва эксцесс ҳолати эмас, балки қоида ва тартиблар сифатида тавсифланувчи ҳавф – ҳатар ва ноаниқликни қамраб олувчи стохастик тамойлларга асосланилади. Сиёсат фалсафаси олдиндан аниқ бўлган ва шунингдек, ноаниқликдаги (*стохастик*) дилеммалар билан шуғулланиши билан биргаликда, анъанавий тавсифдаги фалсафий дилемма ҳисобланган – номинализм – реализм масалалари устида ҳам иш олиб боради. Шарқ оламида сиёсий ҳаёт моҳияти индивидуал ҳолатлар устидан реализм устуворлиги парадигмасида ойдинлашади. Бу кўринишдаги устуворликдан ташқари ҳолатларда асосий масала ҳисобланган – тартибсизлик (*хаос*) устидан эришилувчи ғолиблик масаласи ҳал қилинмайди. Ғарб оламида сиёсий дунё мазмун – моҳияти эса – номинализм парадигмасида ўзлигини намоён қилади, яъни агар бунда сайловчилар мустақил ҳолатда ўз сайловларини амалга оширувчи, ўзларини яққа тартибдаги автономия сифатида тутишлари билан биргаликда, фақат бунда бор – йўғи жамоавий гуруҳга (*синфий*) тегишли мазмун – моҳиятни ёки иродани намоёиш қилишлари қайд қилинади, бу ҳолатда сиёсий жараён ойдинлик киритиш сифатидаги амалга оширилувчи ишлар кетма – кетлиги мазмунини йўкотади, яъни ушбу вазиятда кўпчилик ва камчиликни ташкил қилувчилар олдиндан маълум ҳисобланади. Ниҳоят, сиёсат фалсафаси сиёсий ҳолатларнинг

туган ўрни ҳақидаги масалани ва унинг ижтимоий ҳаётнинг бошқа сфераларига нисбатан муносабатларда автономия сифатида ўлчовлари даражаси масалани ҳал қилади.

Сиёсатнинг базис (асос) устида қурилган устқурмаси парадигмаси мустақил аҳамиятга эга эмас. Ушбу кўринишдаги иктисодий – центристик тавсифдаги хато фикр нафақат марксизм учун, балки либерализм учун хос хусусият ҳисобланади. Либерал классика шундан келиб чиққанки, яъни салобатли ҳаёт тарзи – бу сиёсий тавсифга эга бўлмаган ҳаёт тарзи ҳисобланади, яъни ўзини ҳурмат қилувчи фукоро ҳокимиятга алоҳида даражада умид қилмасдан, балки ўз муаммоларини ўзи мустақил тарзда ҳал қилишни амалга оширади.

Рационализация ва модернизация назариялари постулатлари сиёсатнинг торайтирувчи, эквивалент алмашинув қоидаларининг бузилишига олиб келувчи иррационал омил сифатида қараб чиқилиши билан боғлиқ ҳисобланади. Бунда сиёсат алашинув доирасида бошқалар учун ҳеч нарса таклиф қила олмайдиганлар ва табиий бозор шароитида сараланиш танлови талабларига дош бериш нуқтаи назаридан ўз имкониятларига ишонч билдира олмайдиганлар учун ҳийла ва бошпана сифатида қабул қилинади. Бу ҳолат жумладан, сиёсий сахнада «кучсиз» ва «кучли» сифатида анъанавий баҳоланишларнинг Шарқ ва Ғарб оламида ўзаро фарқланишлари билан боғлиқ ҳисобланади.

Шарқ оламида сиёсат ижтимоий амалиёт иерархияси таркибида етакчи ўринни банд қилади, ҳимоя ва ҳокимият томонидан қўллаб – қувватланишга муҳтож бўлган «кучсиз»лар эса – «*наст руҳият шароитида ҳузур – ҳаловат*»нинг эҳтимоллик асосида фараз қилиниши (*презумпция*) руҳиятида тан олинисига эга ҳисобланади. «Кучли»лар ўз имкониятларига боғлиқ сабаб асосида олий ҳокимиятдан мустақил ҳолатда мавжуд бўлиши ва у томонидан қўллаб – қувватланилишга шубҳаланиш билан қараш ҳолатини намоён қилади. Аксинча, Ғарб оламида сиёсатдан ҳимоя ва ҳомийлик қилувчи хайрихоҳлик истаб мурожаат қилувчилар томонидан сиёсатга

нисбатан фуқоролик тартиблари ва мустақиллик тамойилларига нисбатан адоватли туртки берувчи манба сифатида бутунлай бошқача баҳо берилиши кузатилади. Бу ердан «минимум – давлат» либерал тамойили ва сиёсатнинг меъёрий ҳолатдаги фуқоролик муносабатларига аралашмаслиги тамойили келиб чиқади.

Шарқ ва Ғарб оламида сиёсатнинг тутган ўрнидаги яна бир фарқланиш – бу технологик мезон асосида келтирилиши мумкин. Ғарб оламида сиёсат Н.Макиавелли даврида оламга нисбатан технологик тамойилнинг тантана қилиши сифатида юзага чиққан: яъни, оламга нисбатан муносабатлар сиёсат ёрдамида ўзгартирилиши мумкинлиги таъкидланган. Ушбу маънода сиёсат ҳавф кузатилиши эҳтимоллиги мавжуд бўлган (яъни, кафолатланмаган) фаолият бўлиши мумкин, бунда унинг воситасида одамлар жамиятда ўзларининг тутган ўринлари ва позициясини яхшилашлари амалга оширилиши мумкин. Яъни, бунда сиёсат мавжуд қарор топган ва меросийлик асосидаги вазиятларга нисбатан қандайдир бошқача муқобил (*альтернатив*) имкониятлар белгиси остида майдонга чиқади. Ўзини бутун Коинотнинг юксак маҳсули деб ҳисобловчи Ғарб оламида ҳаёт кечирувчи одам хусусида фикр билдирганда, унга нисбатан табиий меъёрлар ва чеклашлар унинг учун мажбурий ҳолатлар сифатида қараб чиқилмайди ва сиёсат ижтимоий центрик тавсифда изоҳланиш асосида муҳокама қилинади, яъни сиёсат ушбу ўринда инсон эркинлиги Худоларидан ўғирланган сфера сифатида тушинилади. Шарқда сиёсий қарашлар космоцентрик тавсифга эга ҳисобланади: бунда сиёсат космик тартибларни бузмайди, балки унга тегишли бўлган алоҳида ўзига хос шаклларни ўз ичига қамраб олади. Шу сабабли, Шарқда сиёсий жиҳатдан қонунларга итоат этиш ҳуқуқий маънода эмас, балки космоцентрик жиҳатдан тушинилади – яъни, илоҳий, муқаддас олий тартиб маҳсули сифатида қараб чиқилади. Ғарб оламида одамларнинг сиёсий қарашларида аксинча, оламни ўзгартиришга даъвогарлик нуқтаи назаридан одамларнинг технологик қарашларида ўзаро фарқланишлар мавжуд ҳисобланади.

Сиёсат фалсафасининг алоҳида даражада муҳим ҳисобланган масалаларидан бири – бу сиёсий назарияларнинг предмети ва объекти тушинилиши билан бевосита боғлиқ бўлган, сиёсий ва сиёсий тавсифга эга бўлмаган муносабатлар ҳисобланади. Сиёсат фалсафаси бу ерда иккита парадигма билан тўқнаш келади, яъни улар ушбу парадигмаларнинг Ғарб оламидаги замонавий вакиллари ҳисобланган шахслар исмларидан ўз номланишларини олган ва *М.Фуко парадигмаси* ва *Г.Беккер парадигмаси* деб номланади. Бунда кўрсатиб ўтилган биринчи парадигма анъанавий француз этатизми анъаналарига асосланилган бўлиб, ҳокимият хусусий сиёсий сфера таркибида жойлашмаганлиги, балки ўзгаришга учраган шаклларда бизнинг атрофидамизда барча жойда – ҳар кунлик кундалик ҳаётда ўқитилувчи ва ўқитувчи иерархияси таркибида, бошқарувчи ва бошқарилувчи, катталар ва кичиклар ва ҳақозо иерархиялар таркибида намоён бўлиши қайд қилиб ўтилади. Шу сабабли, агар у иллюзиялар қурбони бўлишни хоҳламаса, у ҳолда ҳокимият ҳақидаги фан барча жойда ўз – ўзидан (*спонтан*) тарвсифда ифодаланувчи ҳаётни бузувчи таъсирга эга бўлган, ҳокимиятга оид зўравонлик манбаини очиб бериши талаб қилинади. Бу оламда сиёсат фалсафасининг асосий масаласи – ҳокимиятнинг расмий ва расмий бўлмаган, қонуний ва соя тавсифидаги амалиётлари нисбатлари ҳақидаги масала ҳисобланади. Сиёсий фанлар предмети – ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай ҳокимиятга оид ўлчовларга эга бўлган соҳалари бўлиб, унинг ўзи эса фан соҳалариаро иерархия сифатида ўрин тутади, ўз таркибида сиёсий иқтисодиёт, сиёсий руҳият-шунослик, ахлоқшунослик, демография, маданият-шунослик ва ҳақозо фан соҳаларини бирлаштиради. Бутунлай бошқача айтганда, сиёсий фанлар предмети сифатида Беккер парадигмаси ўрин тутади. Беккер Чикаго мактаби вакили сифатида «*минимум – давлат*» либерал тамойилини кенг маънода изоҳлашга мойилликни намоён қилган, бунда меъёрий ҳолатдаги фуқоролик жамиятининг ривожланиши узлуксиз тарзда ҳокимият ҳуқуқларининг босқичма – босқич чекланиши билан амалга ошиши кўрсатиб ўтилади. Бу ерда кўришимиз

мумкинки, либерал тавсифга эга бўлган анъаналар марксизм таълимоти қарашлари билан уйғунлашиб кетади, унинг асл моҳияти давлат ва сиёсатнинг «ўлими» назариясида ўз аксини топади.

Ғарб оламида сиёсий ҳаётнинг цикллари учун фазаларнинг ўзаро алмашинуви ҳолати хос хусусият ҳисобланади: яъни, кўпроқ даражада Фуко парадигмасига жавоб берувчи, «катта» ижтимоий давлат моделига йўналтирилган ижтимоий – демократик (кейнсиан) фаза билан Беккер парадигмасига жавоб берувчи, «минимум – давлат» моделига йўналтирилган либерал (монетаристик) фазаларнинг ўзаро ўрин алмашилиши қайд қилинади. Эҳтимол, кўрсатиб ўтилган парадигмаларнинг нисбатан аниқ кўринишдаги нисбатлар бўйича тўқнашилиши қўшимчавийлик тамойили асосида амалга ошади. Агар, сиёсат ва иқтисодиётнинг ўзаро нисбатларини маълум бир аниқ позиция нуқтаи назаридан, суъний (олдиндан ўйланган ҳолатда) ва спонтан (ўз – ўзидан ташкилланувчи) тартиблар нисбатлари тавсифида изоҳлашга ҳаракат қилсак, у ҳолда сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро нисбатлари рационалликнинг мақсадлари бўйича ва шунингдек, қиммати бўйича иккита ўзаро бир – бирига мос келмайдиган турлари сифатида тўқнаш келиши кузатилади¹²⁸. Биринчи ҳолатда самарадорлик тамойили устуворлик қилиши кузатилса (мақсадлар воситаларни оқлаши), иккинчи ҳолатда эса – асл ҳолатга мослик, яъни «асллик» тамойили устуворлик қилади. Гарчи, асл ҳолатга мосликни амалиётда верификациялаш қийин бўлсада, самарадорлик тамойилиги нисбатан олиб қаралганда, узок муддатли планда ахлоқий асл ҳолатга мослик мезони сўзсиз равишда «ишлаши» кузатилади ва назарий жиҳатдан ва шунингдек, амалий жиҳатдан тасдиқланади. Сиёсий самарадорлик тамойили нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда, тоталитар режим истиқболларини баҳолашни амалга оширувчи таҳлилчилар учун доимий равишда ушбу режимнинг узок муддатли амал қилиши ва «нозик демократия» олдида

¹²⁸ М. Вебер. Работы М. Вебера по социологии, религии и культуре / АН СССР, ИНИОН, Всесоюз. межвед. центр наук о человеке при президиуме. Вып. 2. – М.: ИНИОН, 1991.

устунликка эгалигини тасдиқлаш хос хусусият ҳисобланади. Аксинча, ушбу режимларнинг истиқболларини баҳоловчилар томонидан ахлоқий мулоҳазалар юритишга қодирликка асосланилган ҳолат олдиндан башорат қилиш нуқтаи нзаридан яхшироқ ҳисобланиши қайд қилинади. Функционал – технологик ёндошувга (Макиавеллига хос) нисбатан сиёсатнинг табиий фаровонлик ва инсон ҳуқуқларидан бегоналаштирилмаган атамалар асосидаги изоҳланилишига асосланилувчи ахлоқий фалсафага таянувчи субстанцияга оид ёндошув (Арастуга хос) етарлича даражада самарадорликка эга ҳисобланади.

«Фалсафа» ва «сиёсат» тушунчаларида нимани акс эттирамиз?

Агар, биз фалсафа ўз нима ва сиёсат ўзи нималигини аниқ била олганимизда эди, у ҳолда биз умуман бошқача, идеал оламда ҳаёт кечирган бўлар эдик. «*Ўйлаш – ўзи нима?*» (Мартин Хайдеггер) ёки «*Фалсафа – ўзи нима?*» (Жиль Делез) каби саволларга кўплаб энг яхши замонавий файласуфларнинг китоблари бағишланган. Жумладан, Мартин Хайдеггер қуйидаги фикрларни ёзиб қолдирган: «...*Биз йиллар давомида буюк донишмандларнинг тафаккур махсули ҳисобланган асарлар устида астойдил шуғулланар эканмиз, бу ҳолат бари – бир бизнинг фикрлай олишимиз ёки энг бўлмаганда фикрлай олишни ўрганишимизга кафолат бермайди*»¹²⁹.

«София» нинг ички олами. Фалсафа – бу ички оламга саёҳат ҳисобланади. Грек тилида «*фалсафа*» (*философия*) сўзи «*фило*» (*filos*) ва «*софия*» (*sofia*) кўринишидаги иккита ўзак сўзлардан ҳосил бўлган. Бунда «*фило*» сўзи – «*муҳаббат*», «*кўнгли кўйиши*», «*нимагадир интилиши*» деган маънони англатади, «*софия*» сўзи эса – «*донишмандлик*», деган маънони англатади, ўз навбатида «*фалсафа*» (*filosofia*) – бу «*донишмандликни севиши*» деган маънони англатади. Фалсафа «*билиши*», «*бажара олиши*» ёки «*эгаллаш*» эмас, балки айнан, «*донишмандлик*» ҳисобланади. Грек тилида «*софия*»

¹²⁹ Хайдеггер, М. Статьи и работы разных лет / Пер., сост. и вступ. ст. А. В. Михайлова. – М.: Гнозис, 1993. – С.228.

(«доншмандлик») сўзи қисмларга ажралмайдиган бир бутун ҳолатдаги, биздан ташқаридаги ҳақиқий воқеиликни англаш учун қийин амалга оширилувчи ҳолатни англатади.

«Доншмандлик» тушунчаси орқали қадимги даврда Илоҳий маъбудлар, худолар (жумладан, грекларда Паладда, Pallaz худоси), архетип, Заминда мавжуд бўлган воқеилик ва гоаяларнинг фалакдаги тимсолидан иборат моҳияти ва барча нарсаларнинг ичидаги мавжуд моҳиятдан ташкил топган олий инсоний мавжудлик сифатида таърифланган.

«София» – бу яширин тавсифдаги, бизнинг сезги органларимиздан ташқарида жойлашган ва ҳатто, бизнинг мулоҳазаларимиздан ташқари бўлган, нозик руҳий субстанция, «оламдаги нарсаларга қуйилган, қандайдир кўзга кўринмас ёғду» сифатида таърифланади. Уни қидириш, унинг ўзига тортиш кучи фалсафа юритиш жараёнининг асл таркибини ташкил қилади. Замоनावий тилда «доншмандлик» тушунчаси кам ишлатилади ва айрим ҳолатларда бу тушунча шунчаки, ҳазил тариқасида қўлланилади. Бизнинг жамиятимизда «доншмандлик» тушунчаси кучли даражада дискретлаштирилган бўлиб, бунда «доншманд» сифатида жиддий кўринишда фақат комик қаҳрамонлар қабул қилинади, ҳозирги кунда айнан ҳазиллар мазмунида асар қаҳрамонлари характерида бизнинг «доншманд» ҳақидаги тасавурларимиз уйғунлаштирилади.

«Философия» (фалсафа) атамасининг бевосита, тўғридан – тўғри славян тилига таржима қилиниши – «доншмандликни севити» шаклидаги атама қандайдир архаик ва бироз ёпишмайдиган маънони англатади. «Доншмандлик» тушунчаси – бу умумий фойдаланилувчи сўзлар арсеналида олиб қаралганда, яққол кўринишда айтиш мумкинки, замоनावий тавсифга эга эмас. Шу сабабли, файласуфлар кидирувчи ва «севувчи» ҳолат сифатидаги «софия» – ўзи нималиги ҳақида жиддий ўйлаб кўрилганда, бирорта яқуний тўхтамга келишимиз қийин кечади: яъни, бизни ўраб турган маданий олам ушбу нуқтаи назардан бирорта фикр билдиришга маълум даражада қаршилик кўрсатади, бизнинг жиддий

қарашларимизни парчалаб ташлашга интилади, барча келтирган фикрларимизни шунчаки ҳазил маъносига йўйиши ёки сўзлар ўйини (*каламбур*) сифатида қабул қилиши мумкин.

«*Ички*» тушунчаси. Фалсафа – бу нарсаларнинг ички томонидан «*жойлашган*» ва ўз моҳиятига кўра, уларнинг умумий ҳолатда бир – бирига мувофиқлигини белгилаб берувчи, нозик босқичга интилиш ҳисобланади. Ушбу ўринда «*ички*» тушунчасининг ўз нималигига ойдинлик киритиш эҳтиёжи юзага келади. Бу шунчаки оддий тушунча эмас. «*Ички*» тушунчасининг физик нуқтаи назардан жойлашиш ўрнини аниқ кўрсатиш мумкин эмаслиги аниқ ҳисобланади. Бу энг аввало, нарса, ҳодиса, жараён ва моҳиятнинг асл кўзга кўринмас илдизлари, манбаида жойлашган инстанция ҳисобланади. Биз нарсаларнинг кундалик ҳаётда қойил қолиш, чуқур тавсифдаги қоникмаслик, умидсизлик, қатъий тарздаги кўнгил қолиши каби ҳолатлар билан боғлиқ тарзда ҳар доим «*ички*» оламга мурожаат қиламиз.

Қоникмасликнинг кундалик ҳаётда ва сийқаси чиққан тавсифда биз учун тоқат қилиб бўлмайдиган даражага етган вазиятда, бизнинг онгимиз юзада ташқи томондан бизни қийнаётган, қидирган саволларимизга жавоблар акс этмаган ва бўлиши ҳам мумкин бўлмаган вазиятда, яъни «*ташқи*» бўшлиқ юзага келган вазиятда «*ички*» ўзини намоён қилади. Назарий жиҳатдан олиб қаралганда, одам «*ички*»сиз ҳаёт кечириши мумкин эмас. «*Ички*»сиз ҳам у шунчаки, туғилиши, ўқиши, ишлаши ва оламдан ўтиши мумкин. Бироқ, бу кўринишдаги ҳаёт ўзининг марказий моҳиятидан, яъни энг асосийси ҳисобланган – унингсиз, ҳаётнинг мазмун – моҳияти асл ҳаёт бўлмаган, тутиб бўлмас, сирпанувчи элементдан маҳрум ҳисобланади. Фалсафа ушбу нозик ўлчовлар билан касбий маҳорат (*профессинал*) доирасида шуғулланади, бу ҳолат бир томондан гўёки кўпчилик учун зарурий ҳисобланмагандек туюлсада, бошқа томондан олиб қаралганида эса – кундалик ҳаётнинг яширин ўқини ташкил қилувчи, зарурий фундаментал ташкилловчи сифатида ўрин тутаяди. Агар, биз «*ички*» нималигини тушуна олсак, у ҳолда биз фақат унинг

қисмларидан ташкил топган барча нарсани тезда англаб етамиз...

Биз анчадан буён «замонавий олам»да ҳаёт кечирамиз, бу ерда «софия», «ички» ва ҳақозо тушунчалар ҳақидаги тасаввурлар илмий ва ижтимоий диққат — эътиборнинг периферик қисмига ўтказилиши қайд қилинади. Шу сабабли, ҳозирги кунда «фалсафа» тушунчаси кўпроқ одатланилган тарзда, туртки бериш мазмунида фойдаланилади. Бу ўринда у қандайдир тахминий мазмунга эга ҳолат сифатида ўрин тутади. Бу атама қадимги дунёда таркиб топганлигига қарамасдан, биз бу тушунчанинг ҳолатини зўрға англаб етиш даражасида эканлигимиз таажубли ҳолат ҳисобланади.

Донишмандлик ва кундалик ҳаёт. Қадимги дунё файласуфлари томонидан билдирилган фикрларга кўра, донишмандлик нафақат билиш ва англаш билан боғлиқ ҳисобланади, балки у бевосита кундалик турмуш, ҳаёт, унинг сир — асрорлари, ҳақиқий воқеиликнинг яширин жиҳатлари билан ҳам боғлиқ ҳисобланади. Ушбу ҳолатга боғлиқ равишда, қадимги давр ва кейинги даврлардаги файласуфлар томонидан антик анъаналар асосида тафаккурлаш доирасида донишмандлик — бу онтологик воқеилик сифатида қараб чиқилади. Биринчи бўлиб, «философия» («донишмандликка муҳаббат») атамасидан фойдаланишган Қадимги Греция файласуфлари томонидан «файласуф» («донишмандликни қидирувчи») томонидан «софия» табиатида «интилишлар, истак — майллар» ҳис қилинади, бу ҳолат кундалик турмуш билан мос тушади. «София» нафақат оддий билимлар, «дунёқарашлар» ҳақидаги тасаввурлар эмас, балки «кундалик турмуш, ҳаётнинг Заминга оид кесими», унинг чуқур илдизига оид қисми ҳисобланади. «Фалсафа» унинг бошланғич мазмун — моҳиятига кўра, онтология, яъни «кундалик турмуш, ҳаёт ҳақидаги фан» ҳисобланади.

Сиёсатга таъриф бериш. Сиёсат — инсоний мавжудликнинг маълум бир аниқ воқеиликдаги олий имкониятлардан фойдаланиш соҳаси ҳисобланади. Сиёсатнинг мазмун — моҳиятини чуқур ҳолатда тавсифлаб берган донишмандлардан

бири – Арасту ҳисобланади. У томонидан сиёсат – «олий саънат» сифатида кўрсатиб ўтилади. Арасту сиёсатда «одамларнинг жамоавий тарзда ҳаёт кечиршининг олий шакли»ни кўра олган. У томонидан одам – бу сиёсий мавжудот (грек тилида – «*zoon politikon*») ҳисобланиши таъкидланади. «...Одам ўз табиатига кўра, сиёсий мавжудот ҳисобланади, кимки тасодифий ҳолатлар натижасида давлатдан ташқарида ҳаёт кечирса ёки бошқача айтганда, ахлоқий мояттига кўра ривожланмаган мавжудот сифатида қолиши қайд қилинади, аксинча одам ўз табиати кучи таъсири остида ҳаёт кечирса, у ҳолда у олий юксалишга эга бўлган одам сифатида қарор топади»¹³⁰.

Арасту ўзининг давлат ҳақидаги асарида «полис» тушунчаси ҳақида фикр билдиради ва «сиёсат» («политика») сўзи ҳам ушбу атама асосида келиб чиққан бўлиб, қуйидаги фикрлар қайд қилиб ўтилади: «...Ошлага ва алоҳида бизнинг ҳар биримизга нисбатан давлат ўз табиатига кўра, бирламчи мазмун – моҳиятга эга ҳисобланади, ахир қисмларнинг бир бутун ҳолатда бўлиши зарурияти мавжуд эмасми»¹³¹. Шунингдек, Арасту қуйидаги фикрларни билдиради: «...Давлат табиийлик асосида мавжуд ҳисобланади ва табиийлик асосида эса – ҳар бир одам мавжуд ҳисобланади, одамнинг алоҳидаланган тарзда мавжуд бўлиши етарлича даражада маънога эга эмас, яъни унинг давлатга нисбатан муносабатлари ҳар қандай қисмнинг ўзига тегишли бир бутунликка нисбатан муносабатларига ўхшаш маънога эга ҳисобланади. Кимки жамиятда умумий муносабатларга қодир бўлмаса, яъни ўзини алоҳида ҳолатда мазмунга эга деб ҳисобласа, яъни ўзининг эҳтиёжларини ушбу нуқтаи назардан қараб чиқмаса, у ҳолда у давлатнинг таркибий қисмига киритилмайди ёки шунчаки ҳайвонларга хос табиатга эга

¹³⁰ Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. – С.198.

¹³¹ Аристотель Уша асар.

бўлиши ёки илоҳий, маъбудларга хос табиатга эга бўлиши мумкин»¹³².

Сиёсат одамнинг мавжуд бўлишининг онгли тарзда умумлаштирилиши бўлиб, келтирилган ушбу англаб етишлардан келиб чиқувчи якуний хулосаларни тасдиқлашга қаратилган ҳаракатларнинг объектив тарзда ва кенг кўламда умумий боғланишлари, умумийлигига эришиш сферасини англатади. Бошқача айтганда, сиёсат ўз таркибида одамнинг (ижтимоий, жамоавий организм сифатида) қуйидаги қарашларини қамраб олади:

1) Ўтмишга нисбатан;

2) Ушбу ўтмишнинг кенг кўламда мазмун – моҳиятининг англаб етилиши;

3) Ҳаётда келтирилган хулосаларнинг навбатдаги қамраб олинислари, яъни келажакка ойдинлик киритиш нуқтаи назаридан ҳозирги, жорий атроф – оламнинг иродага оид проекцияси ҳақидаги нуқтаи назарлар ҳисобга олинади.

Сиёсат ўзи нималигига ойдинлик киритиш учун маълум бир аниқ тартибдаги мантиқ асосида (оила, иш, дам олиш) ҳаёт кечирувчи одамни тасаввур қилайлик, бунда ушбу одам кутилмаганда унинг ўзи қаердан келиб чиққанлиги, унинг ҳалқи, давлати, уни ўраб турган олам қандай пайдо бўлганлиги ҳақида фикрлай бошласа нима бўлади? Бунда аста – секин, босқичма – босқич тавсифда унда ўзининг ҳодисалар, воқеалар ва ҳолатлар оқимида тасодифий тарзда иштирок этмаслиги ҳақида тушунчалар шаклланади, унинг кундалик турмушга оид ҳаёти кенг маънода унинг уруғи, ҳалқи, маданияти, тарихи, тили билан белгиланиши, унинг ҳар бир ҳаракати ва ўй – фикрлари эса – қадимдан таркиб топган мазмун – моҳиятдан келиб чиқувчи чуқур мазмундаги моҳиятни баҳолаш ва у ҳақдаги нуқтаи назарлардан ташкил топганлиги кузатилади. Бу ҳолатда у ўзининг ўтмишига тегишли ҳолатлар билан қизиқа бошлайди, ундан олдин қандай ҳолатлар мавжуд бўлганлиги

¹³² Ўша жойда Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. – С.126.

ҳақида диққат – эътибор ва алоҳида даражада руҳий ва аклий зўриқиш асосида тафаккур юрита бошлайди.

Ўтмиш ҳақидаги афсона – асотирлар. Албатта, сўзсиз равишда одам ўтмишнинг барча алоҳида қисмлари ҳақида батафсил маълумотларни била олиши мумкин эмас, шу сабабли ўтмиш ҳақидаги тасаввурлар, ўтмиш қиёфаси алоҳида калит сифатидаги лаҳзалар қаторидан ташкил топади, уларни тўқима тарзидаги шаклини «*афсона – асотирлар*» деб номлаш мумкин. Ўтмиш ҳақидаги «*афсона – асотирлар*» ўзаро мазмун – моҳиятига кўра бир – биридан фарқланиши мумкин, бу ҳолатда мавжуд арсенал таркибидан одам айнан ўзи учун нисбатан кўпроқ даражада мос келувчи вариантларни танлашни амалга оширади. Мустасно тариқасидаги вазиятларда эса – одамнинг ўзи «*тарихий афсоналар*» ижодкори ва ҳаммуалиф ижодкори сифатида ўрин тутиши мумкин. Бироқ, ҳар қандай ҳолатда ҳам тарихий афсона – асотирларнинг нофаол тарзда ўзлаштирилиши амалга оширилади ва унинг фаол тарзда яратилиши тенг қийматда ўзининг хусусий тарихий илдизларига нисбатан, келиб чиқиш, жамоавий кўринишда ҳаёт кечириш сабаблари ва мақсадлари ҳақидаги фикрларни шакллантириш (ёки таклиф қилинувчи жавобларга нисбатан руҳий ҳамфикрлик) бўйича катта қийматдаги ички иш бажарилишини талаб қилади.

Танланган «*келиб чиқиш ҳақидаги афсона*»дан келиб чиққан ҳолатда, одам ўз аجدодлари турмуш тарзининг, анъанавий қадриятлар тизимлари сақланишига йўналтирилувчи ёки (маълум бир вазиятларда) ўзгартиришлар киритиш, такомиллаштириш, айрим ҳолатларда бу йўналишда қарор топган қўшилган ҳиссаларни қулатишга йўналтирилган ирода турткисини шакллантиради. Ҳар қандай вазияда тафаккурлашнинг маълум бир лаҳзаси ҳаракатларга айлантирилади. Ўтмиш ҳақидаги фикрларнинг умумлаштирилиши асосида ҳаракат қилиш давомида (одам ички руҳиятида энг асосий ҳолатлар ҳақида билдирилган фикрлар, сифат жиҳатидан амалга оширилган ўлчовлар

асосида) одам якуний тарзда Сиёсий сферада тўлақонли тарзда ўзлигини намоёниш қилади.

Ушбу ўринда биз «Сиёсий» атамасини катта ҳарфларда ва учинчи бирликда келтирмоқдамиз, яъни бунда унинг онтологик ва фалсафий мазмунда жаранглашига эътибор қаратишни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз [таъкид бизники]. Бу кўринишдаги ёндошув гап мустақил, бир бутунликдаги ҳодиса ҳақида масалани қараб чиқиш ҳақида боришини эслатиб кўйишдан келиб чиқади. Ўхшаш тарзда «инсон» ва «инсонийлик» тушунчаларини қайд қилиб ўтиш мумкин.

Сиёсийлик – бу кенг кўламдаги ўтмишга оид тажрибаларнинг умумлаштирилиши, бунда ўтмиш ҳақидаги афсона – асотирларнинг сифат жиҳатидан ўзлаштирилиши (ёки шакллантирилиши), одам томонидан тарихий кенг кўламдаги воқеилик таркибида ўзининг хусусий ўрнини қидириши ва якуний ҳолатда, одамнинг ҳаёт таркибида қамраб олиши белгиланувчи маълум бир ҳаракатларни амалга ошириш режаларини тузиб чиқиш, атроф – оламдаги ҳақиқий воқеиликка нисбатан мақсад ва вазифаларни ишлаб чиқишни ўзида ифодалайди.

Индивидуаллик ва жамоавийлик (жамиятга оидлик). Сиёсийлик интеллектуал умумлаштиришлар тезкор тарзда ва унинг қандай бўлса шундайлигича ёки келгусида қандай тавсифда бўлишга ойдинлик киритиш нуқтаи назардан ҳақиқий воқеиликка таъсир кўрсатишга қодир бўлган таъсирларга оид тавсифга эга бўлиши вазиятидан бошланади. Сиёсийлик – бу ижтимоий ва умумлаштирувчи сфера сифатида ўрин тутади. Алоҳида олинган одамга нисбатан қўлланилувчи сиёсат мавжуд эмас, яъни индивидуум ўз – ўзича сиёсат таркибида иштирок этмайди, қандайдир маънода унинг антитезаси ҳисобланади.

Ушбу ўринда Арасту томонидан келтирилган қуйидаги фикларни эслатиб ўтишимиз мақсадга мувофиқ ҳисобланади: *«...Кимки жамиятда умумий муносабатларга қодир бўлмаса, яъни ўзини алоҳида ҳолатда мазмунга эга деб ҳисобласа, яъни ўзининг эҳтиёжларини ушбу нуқтаи назардан қараб чиқмаса, у*

ҳолда у давлатнинг таркибий қисмига киритилмайди ёки шунчаки ҳайвонларга хос табиатга эга бўлиши ёки илоҳий, маъбудларга хос табиатга эга бўлиши мумкин»¹³³. Арастунинг билдирган ушбу нуқтаи назари шуни кўрсатадики, Сиёсийликка нисбатан умумий ҳолатда соф ҳолатдаги индивидуализм жиҳатидан ёндошув – бу «инсоний» тавсифга эга ҳолатларнинг намоён бўлиши ҳисобланмайди, бу кўринишдаги ҳолат одамни қандайдир «ҳайвонга хос» ёки «маъбудларга хос» қиёфада тасаввур қилинишига олиб келади. Индивидуал тарзда мавжудлик, индивидуал ҳис қилишлар, хусусий индивидуаллик доирасида ўз – ўзини англаш ҳақида тафаккурлаш сиёсий қиёфада бўлиши мумкин эмас. Бу қандайдир «аполития» (сиёсатга зид ҳолат) сифатида қараб чиқилади.

Сиёсат ўзи ва шунингдек бошқалар ҳақида юритилувчи фикрлар мавжуд бўлган, ҳақиқий воқеилик нисбатан кенг кўламда фаолият олиб борувчи лаҳзалардан бошланади. Алоҳида ҳолатда олинган индивидуум эса – бошқа одамлар оид бўлган олам, келиб чиқиш, табиат асл ҳақиқий воқеилик оқимида мансуб ҳисобланади. Сиёсат индивидуалликдан ҳоли бўлган фаолият соҳаси сифатида, индивидуумнинг индивидуумдан ташқари ҳолатлар (жумладан, жамоавий) билан онгли тарзда иродага оид тўқнашувлари енгиб ўтилиши тарзида ифодаланади.

Жамоавийлик – бу алоҳида олинган одам учун мулоқотларга киришишнинг энг муҳим шакли ҳисобланиб, «ўзи билан» эмас, балки индивидуаллик чегараларидан ташқарида жойлашувчи «бошқалар» билан энг кенг кўламдаги, бевосита ва тўғридан – тўғри, табиий тўқнашувларда намоён бўлади.

Ижтимоийлик, жамият орқали, одамнинг мулоқотларга киришиши орқали у ташқи оламнинг қийин англаб етилувчи асл моҳиятини тушиниб етади. Бу ерда у шу пайтгача ундан ташқарида бўлган ва ундан кейин жойлашувчи, олдиндан маълум бўлган ҳолатлар билан кўпроқ даражада тўқнаш

¹³³ Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. С-189.

келади. Таъриба тўплаш давомида ижтимоий тавсифга эга бўлган одам бир бутунликнинг қисмлари билан бошни айлантирадиган даражада тўқнашишларни ҳис қилиш жараёнига шўнғийди.

Одамлар, маъбудлар, ҳайвонлар ва цикллар. Бизнинг индивидуаллигимиз даражасидан юқори турувчи, ҳар қандай кенг кўламдаги ҳодисалар ҳақидаги тасаввурлар, ушбу тасаввурлардан келиб чиқувчи хулосалар ва улар асосидаги амалга оширилувчи ҳаракатлар бизни атроф – олам билан ўзаро муносабатлар тизими таркибига жалб қилади, ўз навбатида ушбу ҳолатлар акс таъсир (*рикошет*) асосида тезкор тарзда бизга ўз таъсирини кўрсатади. Сиёсат қисқа кўринишдаги, тескари цикл бўлиб, индивидуалликнинг жамоавийлик билан тўқнаш келиши шароитида тезкор тарзда тескари, акс таъсир эффеқтини намоён қилади.

Одам ўз табиатига кўра, «*ижтимоий мавжудот*» ҳисобланади (Арасту), чунки унинг учун табиий яшаш муҳити ижтимоий тавсифга эга ҳисобланади ва ушбу яшаш муҳитида ўзаро таъсирлашиш муносабатлари одамнинг ҳаёти ритми билан мосликдаги ритм асосида кечади. Сиёсатда одам учун индивидуаллик ҳолатларини енгиб ўтиш табиий ва оддий ҳолат ҳисобланади, бу таъсирлар натижаси кўзга кўринувчи ва сўзсиз равишда намоён бўлувчи тавсифга эга ҳисобланади.

Сиёсатдан ташқарида жойлашувчи мавжудот сифатида (Арасту томонидан келтирилган фикрларга кўра, бу – «*ҳайвон*» ёки «*олий тавсифдаги одам*») одам бошқача кўламдаги циклда фаолият кўрсатади. Агар, Арасту томонидан айрим менсимаслик нуқтаи назаридан «*ҳайвон*» сифатида кўрсатиб ўтилган одам фаолияти ҳақида фикр билдирилса, у ҳолда бунда ўзининг индивидуаллиги доирасидан чиқиб кета олмайдиган, ушбу даражадан юксалишга қодир бўлмаган одамлар ҳақида фикр билдириш ўз ифодасини топади. Ўз навбатида, уларнинг ҳаёт цикли микро олам доирасида кечади, бунда ташқи олам билан ўзаро муносабатлар тизими узилиб қолган ва тартибсиз тавсифда ифодаланади, бу ҳолатда ягона тизим сифатида қарор топиш ҳақида фикр билдириш мумкин эмас. Бу ҳолат

«аполитик» (сиёсий ҳолатга зид) ёки «мутлоқ индивидуализм» сифатида қараб чиқилади. Бу вазиятда ҳаёт цикли жуда кам қийматга эга бўлиб, Сиёсий даражадан пастда жойлашади.

Бошқа бир чегаравий ҳолат – бу «*олий тавсифдаги одам*» ҳисобланади. Бу ҳолатда гап қаҳрамонлар, тарки дунё қилган зоҳид – дарвешлар, буюк тафаккур соҳиблари, буюк шахслар ҳақида боради. Бу ерда ҳам худди сиёсатда бўлгани каби, индивидуалликнинг енгиб ўтилиши қайд қилинади, бироқ бу ҳолатда цикл нисбатан етарлича даражада катта қийматга эга ҳисобланади. Тарки дунё қилган зоҳидлар, қаҳрамонлар, қаландар – дарвешлар сиёсатдан узоқлашишлари билан ундан юқори даражага эришадилар, руҳият юксалишига эришади ва бунда ҳақиқий воқеилик ва мавжуд нарсалар билан ўзаро таъсирлашишларда, инсоний ахлоқ меъёрларидан юқори даражада турувчи соф ғояларнинг пишиб – етилиши кузатилади. Бу вазиятда улар сиёсат устидан ўрин эгаллайди ва атроф – олам билан ўзаро таъсирлашишлар нисбатан узоқроқ вақт давомийлигига эга ҳисобланади.

Қаҳрамоннинг жасорати мадҳ этилиши, доно кишининг тан олинishi ёки диндор қаландарнинг бутунлай тасдиқланиши бир қатор ҳолатларда улар оламдан ўтганидан кўп йиллардан кейин амалга ошади, улар тирик вақтда одатда кўпинча улар таъқиб ва тушунмовчилик қурбонига айланади, бу циклнинг у қамраб олган ҳолатда бўйича кенг кўламлилиги маҳсули ҳисобланади.

«*Олий тавсифга эга одам*» фундаментал жихатдан ўз аслидан каттароқ қийматдаги ҳолатлар ҳақида тафаккур юритади ва ушбу катта қиймат билан вертикал ўлчовлар бўйича таъсир кўрсатади, ўз навбатида ички оламнинг илоҳий қаъридан келувчи тесқари жавоб таъсирини қабул қилади (кўпинча ҳолатларда, вақт давомида муаммоли ва чўзилган тавсифда). Бу индивидуумнинг ўз чегараланишларини енгиб ўтиши кузатилувчи, бунда сиёсатдан ташқари қолиши кузатилувчи ягона соҳа ҳисобланади. Бу кўринишлар ижодкорликка оид, руҳий аполитеянинг турли – туманлигини ифодаб беради, бу ҳақда Арасту «*илоҳий йўл*» ҳақидаги

фикрларни билдирган бўлиб, илоҳий (*сакрал*) цивилизация жамиятнинг руҳий жиҳатдан сараланган маълум бир қисми учунгина қабул қилиш мумкин бўлган ҳолат ҳисобланади.

Барча қолган вазиятларда индивидуаллик доирасидан ташқарига чиқувчи одам ижтимоий атроф – муҳитдан жуда тезкор тарзда жавоб реакциясини қабул қилади. Биз нисбатан кенг кўламдаги, тарихий, руҳий, маданий, миллий контекстда ўзимиз ҳақимизда қандайдир тор маънога эга бўлган ҳолатларни ишлаб чиқишимиз давомида тезда жамиятнинг жавоб реакциясини ҳис қилишимиз мумкин. Бу ерда индивидуум ва жамоа ўртасидаги динамик, ҳаракатчан, зўриқиш тавсифдаги ўзаро муносабатлар тизими қарор топади ва биз бир бутунликда ва тўлиқ ҳолатда сиёсий стихия таъсирига тушишимиз қайд қилинади.

Сиёсатнинг оммавийлиги ва индивидуумнинг соҳталиги. Сиёсат одам учун барча нарсани англатади, яъни у оммавийлик тавсифга эга ҳисобланади. (Француз файласуфи – Жиль Делез томонидан билдирилган фикрларга кўра, «...барча нарсга якуний ҳолатда – сиёсатни ифодалайди»). Сиёсатдан ташқарида фақат ёпиқ тавсифдаги индивидуал мавжудликкина қолади. Бу кўринишдаги мавжудлик мавҳумлик ҳисобланиб, мушоҳадага асосланилган назарий концепцияни ифодалайди. Индивидуум ҳаёт кечирувчи маълум бир аниқ мавжуд воқеилик сифатидаги оила, жамият, жамоада кенг кўламда (ҳал қилувчи аҳамиятга эга) ўлчамда айнан сиёсий ҳақиқий воқеилик муҳим ўрин тутди. Ҳар қандай одамлар жамоалари, жумладан оилагача асосланилувчи барча психологик, дунёқарашларга оид, руҳий, маданий, ижтимоий, хўжалик ва ҳокимиятга оид қарор топишлар сиёсий асосда шакллантирилади.

Албатта, алоҳида олинган индивидуум ва алоҳида оила даражасида Сиёсийлик сўзсиз равишда мутлоқ қиёфада акс этмайди, балки яширин, ниқобланган тарзда намоён бўлади. Бундан ташқари, у барча жойда ва барчада ўзлигини намоён қилади. Шундай қилиб, Делез ва Гваттари томонидан илгари сурилган назарияга мувофиқ, одам ҳатто чуқур ишқий турткилар мавжудлиги шароитида ҳам сиёсий элементларга

эътибор қаратиши мумкин. Бу сферани руҳшунос – Феликс Гваттари «*микро – сиёсий майллар*» деб номлаган.

Одамнинг ижтимоий сферадаги ҳулқ – атворига нафақат жорий ҳодисалар катта таъсир кўрсатиши қайд қилинади, балки бунда ўтмиш меросийлиги – маданият, тилга оид, руҳий – психологик, генетик ва ҳақозо омиллар таъсир кўрсатиши кузатилади. Бу эса – ўз навбатида, сезиларли даражада сиёсийликнинг тарихнинг олдинги цикларида таъсир махсулотларида ўз ифодасини топади. Сиёсий циклнинг узлуксизлиги ва оммавийлиги одам авлодининг узлуксизлигини таъминлайди ва унинг алоҳида вакилларининг шаклланишини, истак – майлларнинг «*микро даражагача*» ва тана орқали ҳис қилишларгача белгилаб беради.

Жинс ва сиёсат. «*Микро – сиёсий майллар*» мавзуси кишилик жамиятининг қадимги даврлари билан боғлиқ ҳисобланади, бу даврда жинслар нисбатлари мувозанати ҳали қарор топмаган ва патриархат билан матриархат биринчилик учун рақобатлашиши кузатилган ¹³⁴.

Матриархат таркибида мавжуд бўлган сиёсий, маданий, психологик, маиший турмушга оид, диний, маросимларга оид амалиётлар навбатдаги патриархат тартибларига асосланилган тамаддунда (*цивилизация*) мавжуд бўлган ушбу ҳолатлардан кескин фарқланган. Даврлар ўтиши билан драматик сиёсий ва ҳарбий тўқнашувлар давомида цивилизациядаги оналарга тегишли устуворлик ҳуқуқи оталарга ўтган. Албатта, бу жараён машаққатли тарзда кечган. Иккита цивилизацион типларнинг ўзаро зиддиятлари оқибатида ва бирининг ўрнини иккинчиси эгаллаши натижалари Амазонкалар ҳақидаги афсоналарда ўз ифодасини топган, яъни ушбу қабила патриархал цивилизация вакиллари билан кураш олиб борган ва ёпиқ аёллар жамиятини бунёдга келтирган. Бироқ, бунда матриархат тартибларини сақлаб қолиш керакми ёки оталар ҳуқуқлари устуворлигини қарор топтиришни тасдиқлаш керакми, бирининг ўрнига иккинчисини модификациялаш талаб қилинадими?

¹³⁴ Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. С-198.

кўринишидаги саволлар оила даражасида эмас, балки бутун жамият даражасида ҳал қилинган, бунда ушбу ҳолатни қарор топтиришга бутун ижтимоий куч ва қувват зўриқишли кўринишда сафарбар қилинган. Ҳозирги кунда биз билувчи оила, айтиш мумкинки тарихий жараёнда оналаримиздан оталаримиз томонидан қонли курашлар ва сиёсий, ҳарбий юришлар эвазига тортиб олинган.

Жамиятда жинсларнинг тақсимланиши қандай бўлиши керак? масаласи цивилизациямизнинг асосий масалаларидан бири ҳисобланади, бу албатта бевосита сиёсатга боғлиқ ҳолатда ҳал қилинади. Бу ҳатто ҳозирги кунгача кишилик жамиятида оила модели, жинсларнинг стратегияси ва роли ҳақидаги масалаларга ойдинлик киритиш нуқтаи назаридан Сиёсийликнинг қанчалик чуқур илдизларга эгалигига бир мисол ҳисобланади.

Одам – сиёсатнинг субъекти ва объекти сифатида. Сиёсийлик – бу одамнинг асосий тавсифларидан бири ҳисобланади. Арасту одамни тасодифий ҳолатда *«сиёсий мавжудот»* (*«zwoon politikon»*) деб атамаган: *«...Сиёсатдан ташқарида мавжуд бўлган одам – ҳайвон тавсифидаги одам ҳисобланади, сиёсат эса тугалланган мазмун – моҳиятда ҳайвонларда мавжуд эмас»*¹³⁵.

Одам сиёсат сферасида ўзига хос тарзда мансубликни намоён қилади: яъни, у ҳақиқий сиёсий воқеиликда фаол тарзда иштирок этади ва маълум бир аниқ вазиятларда нафақат сиёсат объекти сифатида, балки сиёсий субъект сифатида намоён бўлади. Сиёсат одамга таъсир кўрсатади (бунда унинг объект сифатидаги роли намоён бўлади), шунингдек одам ҳам сиёсатга таъсир кўрсатади (бу ҳолатда унинг субъект сифатида намоён бўлиши кузатилади). Сиёсий жараёнда иштирок этиш, унинг мақсад ва тавсифларига аниқлик киритиш давомида одам кўпроқ даражада сиёсий фаолиятни олиб борувчи сифатида ўрин тутади.

¹³⁵ Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. С.185.

Фалсафа, сиёсат ва одамнинг тур сифатидаги афзалликлари. Ушбу ўринда, Арасту одамни бошқача номлайди — яъни, уни «*тафаккурловчи мавжудот*» деб кўрсатади, бунда у фикрлаш одам учун хос хусусиятлигини таъкидлайди. Фикрлаш нисбатан кенгрок маънода қараб чиқилиши мумкин, бунда биз «*фалсафа*»га аниқлик киритганимиз каби, Арасту томонидан фикрлар ҳам кенг маънода қараб чиқилади. «*Фалсафанинг отаси*» ҳисобланган Арасту томонидан келтирилган иккита фундаментал бошланғичлар — фалсафа ва сиёсат ўзаро жуда яқин нарсалар деб кўрсатилади. Шу сабабли, биз «*сиёсат фалсафаси*» ҳақида фикр юритганимизда суъний тарздаги турли хил тартибга эга бўлган ҳақиқий воқеилик умумийлигидан келиб чиққан ҳолатда иш тутмаймиз, балки кўпроқ ҳисобда инсонийлик ўлчови мазмун — моҳияти асосида фикрлашга эътибор қаратамиз.

Сиёсат фалсафаси орқали, фалсафа ва сиёсат орқали, ақл зўриқиши орқали ва олий индивидуаллик асосида (индивидуалликдан ташқари) фаол тарзда сиёсий жалб этилишда одам ўзининг турга оид асл афзалликларини намоён қилади. Қадимги донишмандлар — Афлотун, Арасту ва ундан кейинги даврларда яшаб, дунё микёсидаги қарашлар тарихи ва чизиғи бўйлаб фаолият олиб борган файласуфлар авлодлари томонидан ҳам камида ушбу кўринишда фикр юритилган.

Ушбу ҳолатдан келиб чиққан тарзда, қуйидаги кўринишда хулосага келиш мумкин: яъни, одамда сиёсий ўлчовлар даражаси қанчалик кам бўлса, унинг ақли шу даражада хира тортади ва унда кундалик турмуш ҳаётига нисбатан донишмандлик даражаси шунчалик даражаси кучсиз ифодаланади ва ўз навбатида у ўзининг инсоний хислатлари бўйича ҳам паст даражада намоён бўлади. Ақлнинг камайиб бориши (тенг ҳолатда сиёсий ўлчовларнинг камайиши) одамга хос хусусиятлар намоён бўлиши даражасини пасайтиради ва уни турга оид сифатлардан маҳрум қилади ёки камида уни одам сифатида белгилаб берувчи муҳим таркибий ҳолатлар даржасини камайтиради.

Сиёсат фалсафасининг сиёсатшуносликдан фарқи.
Кенг маънода ёки сиёсатга нисбатан ижтимоий ёндошувда сиёсат сиёсатшуносликдан нима билан фарқ қилади?

Сиёсат фалсафаси нафақат шунчаки, рационал фаолиятнинг механизмлари структурасини ўрганишни амалга ошириши (замонавий «фалсафа»нинг «софия» ҳақидаги бошланғич тасаввурларнинг сезиларли даражада ўз қимматини йўқотиши шароитида ўзининг номинал қизиқлари) ёки сиёсий функция бажариш механизмларини тавсифлаши ва сиёсий ғоя – мафкуралар, режимлар ва тизимларнинг тарихий нуқтаи назардан қараб чиқилишини (сиёсатшунослик нима билан машғуллиги) амалга ошириши, балки сиёсатнинг энг чуқур жиҳатларига кириб боришни амалга ошириши, ушбу ходисанинг ўзининг кундалик ҳаётга оид илдизлари яширин ҳолатда акс этган, одамнинг тур сифатидаги тавсифлари билан боғлиқ бўлган ички ўлчовларгача етиб бориши қайд қилинади.

Афлотун фикрларида сиёсий онтология. Қадимги Грециянинг йирик файласуфларидан бири ҳисобланган Афлотун ўзининг асосий асарини «Давлат» деб номлаган. Эҳтимол, бу китоб айнан сиёсат фалсафасига бағишланган дастлабки асарлардан бири ҳисобланади. Бу асарда Афлотун сиёсий жиҳатдан ўзининг мавжудлигида бутун Коинотга тегишли уйғунликнинг умумий қонуниятларига асосланилувчи идеал жамиятни тавсифлаб беради.

«Давлат» диалоги триптихнинг биринчи қисми бўлиб, ундан кейин «Тимей» диалоги яратилган (бу асарда идеал тарзда демиург томонидан Космоснинг яратилиши ҳақида баён қилинади) ва учинчи диалог – «Критий» деб номланади (бу асарда амалий жиҳатдан рўёбга оширилиш давомида идеал жамиятнинг тамойиллари баён қилинади). Бу асарларда тўла қимматли илоҳий тавсифдаги олам тавсифланади, унда кундалик турмушга оид ҳаётнинг ўлчови («ғоялар», «оламга оид руҳият») ташқи ҳис қилинувчи ҳақиқий воқеилик – ташкиловчи инстанция («демиург») ёрдамида ўзини намоён қилади. Давлат ва кенг маънода сиёсат ушбу кўринишдаги нуқтаи назарларда ўз таркибида оламнинг яратилишининг

умумий бошланғичлари сифатидаги ижтимоий ҳаётни ўзида акс эттирувчи, файласуфнинг теран ақл – идроки ва сиёсатчи – ҳукмдорнинг аниқ ва мустаҳкам иродасининг ҳаётга жорий қилиниши кўринишидаги оламнинг руҳий қонуниятларининг умумий жиҳатларидан бири сифатида қараб чиқилади. Бунда кўрсатиб ўтилган ҳар иккала фигура – яъни, файласуф ва ҳукмдор Афлотун фикрларига кўра, чегаравий даражада ўзаро мувофиқ келади ва умумий уйғунликка асосланилувчи унинг «*идеал давлат*»ида олий ҳокимият сифатида айнан «*донишмандлар*»га ишонч билдирилади.

«Давлат» таркибида бошқа типдаги одамлар уларнинг ички олами, яъни руҳиятининг сифат кўрсаткичларига боғлиқ ҳолатда бўйсинувчи ҳолатда акс этирилади. «*Етакчилик руҳияти*» устуворлик қилувчи фуқоролар, яъни ўртамиёналик даражасига эришган шахслар ҳисобланади, бироқ Афлотун томонидан ҳисобланилишича, жасурлик, мардлик эмас, балки кўпроқ донишмандлик сифатлари деҳқонлар, ҳунармандлар, сотувчилар (савдогарлар) тоифаларига хос бўлиши зарурлиги таъкидланади. Ирода, жасурлик руҳияти устуворлик қилувчи кишилар кўрикчилар сифатида вазифа бажаришлари ҳақида фикр юритилади ва фақат ўзининг руҳий жиҳатдан ривожланишида донишмандликнинг етук пағона даражасига эришган кишиларгина сиёсий ва давлат арбоблари сифатида бошқарув ҳуқуқига лойиқ кўрилади.

Бунда такомиллашган давлатда барча учала тоифалар ўртасида ўзаро уйғунлик ўрнатилиши талаб қилинади. Ҳар бир киши руҳиятнинг ҳолати бўйича талабгорлик қилиш ҳуқуқини рўёбга оширишга интилиши зарур ҳисобланади.

Айнан, Афлотун ўзининг «Давлат» асарида навбатдаги даврларда фалсафада ўқ сифатида ўрин тутувчи айрим ғоялар ҳақидаги таълимотларини кўрсатиб ўтган¹³⁶.

Унинг фалсафий фикрларининг энг марказий чўққиси айнан, асарда «*сиёсат фалсафаси*»га бағишланганлиги тасодифий ҳол ҳисобланмайди. «Давлат» асарида ва ундан кейин яратилган иккита диалог тавсифидаги асарларида

¹³⁶ Платон. // перевод. Ракчеева Н. Е. Государство. Платон. – М.: МАКС Пресс, 2001. – 202 с.

Афлотун донишмандликнинг кундалик турмуш ҳаёти билан тегиш соҳалари чегараларини кўрсатиб ўтади, бу ерда Сиёсий (аниқ тавсифда) сфера руҳий ва умумий ҳолатдаги сфера билан тегиш соҳасига эга бўлиб, бу ерда одамнинг ўзининг келиб чиқиши сабаблари ва сирларининг асл теран мазмун – моҳиятини англаб етиши амалга оширилади, ушбу англаш асосида унинг келгусида умумий ва шунингдек хусусий ҳолатларда мавжудлиги лойиҳаси шакллантирилади. Бу ерда биз тугалланган ва биринчи марта яққол тарзда шакллантирилган кўринишда ифодаланган «*сиёсат онтологияси*» устида иш олиб борамиз, бу ерда шундай қилиб сиёсат унинг кундалик турмуш ҳаётига нисбатан муносабатлар орқали қараб чиқилади.

Сиёсийлик – бир бутунликнинг мустаҳкам ушланмаслиги сифатида. Гарчи, бу ерда «*йиғилади*» атамаси тўлиқ аниқ бўлмасида, сиёсийлик бир нечта элементлардан йиғилади. Сиёсатни қандайдир компонентлар йиғиндиси сифатида ҳисоблаш тўғри эмас. Сиёсат ўз мазмун – моҳиятига кўра, ушбу барча таркибий компонентларда мавжуд ҳисобланади, уларгача ҳам мавжуд бўлиб, уларга боғлиқ эмас. Бироқ, у ўзини маълум бир аниқликдаги ҳодисалар гуруҳи орқали намоён қилади, бу ҳодисалар сиёсатнинг рўёбга оширилиши шакллари моҳиятини ифодалаб беради, унинг маҳсули аниқлаштиришлардан ташкил топади. Бу турли хилдаги жиҳатлар ягона фундаментал ҳақиқий мавжудлик – «*Сиёсий онтология*»га тегишли ҳисобланади.

Сиёсийликнинг ўзининг моҳияти доимий равишда якуний ҳолатдаги аниқлик киритишлардан четга сирпанишга эга ҳисобланади. Одам «*сиёсий мавжудот*» экан ва сиёсат фикрлар ва уларнинг турга оид аниқлик киритилишлари билан чуқур ҳолатда боғланишга эга экан, у ҳолда мос равишда Сиёсийлик бевосита, тўғридан – тўғри ва бир хилда якуний ҳолатда идентификацияланишга эга ҳисобланмайди. Барча уринишларда ушбу ҳақиқий воқеиликни таркибий қисмларга ажратиш мумкин эмас, қатъий таҳлил қилиш жараёнига фақат қандайдир миқдорий қисмигина жалб қилинади. Турмуш, одам,

ҳаёт тушунчаларининг моҳиятини кидириш – ҳар доим ўз камрови таркибига кутилмаган ва туганмас ҳолатлар захирасини яшириши қайд қилинади. Сиёсат онтологияга нисбатан диққат – эътибор қаратишда бизни дунёнинг яратилиши асослари билан боғлиқ бўлган, ноаниқлик сферасига жалб қилади. Шу билан биргаликда, Сиёсийлик доимий равишда ва фаол ҳолатда бизни ўраб турган атроф – оламда Заминга оид ҳақиқий мавжудлик асосида ўзини намоён қилади ва унинг намоён бўлишлари доираси тўлиқ ҳолатда ўрганилиши мумкин. Бунда Арасту томонидан келтирилган куйидаги кўринишдаги формулани эсдан чиқармаслик керак: «...Бир бутунлик ҳар доим унинг ўз таркибий қисмлари йиғиндисидан катта ҳисобланади»¹³⁷.

Сиёсийликнинг 7 та лаҳзаси (моменти). Тавсифланаётган Сиёсийликнинг 7 та асосий лаҳзаларини ажратиб кўрсатамиз:

- Ҳокимият;
- Ижтимоий функцияларнинг тақсимланиши, нотенглик билан операция бажарувчи иерархия;
- Ҳуқуқий тизим;
- Жамоавий идентификация;
- Зўравонлик, зўравонликнинг қонунийлаштирилиши, зўравонликдан ҳимоя қилиш (жамоавий ҳавфсизлик);
- Қадриятлар тизими.

Навбатда сиёсатнинг янада аниқлаштирилган масалаларини ўрганиш давомида, биз ушбу моделни турли хил ғояларни, сиёсий ва партияларга тегишли платформаларни ва ҳакозоларни тавсифлаш учун тадбиқ этамиз.

Ҳокимиятга интилиш. Сиёсат фалсафаси сиёсатшунослик ёки амалий сиёсий тадқиқотлардан фарқ қилиб, ўз олдига куйидаги масалаларни ҳал қилиш вазифасини кўндаланг қўяди: «Ҳокимиятнинг табиати қандай? Ҳокимият ўз нима? Ҳокимият онтологияси қандай? Ҳокимият кундалик ҳаёт, донишмандлик, нарсаларнинг ички ўзгаришлари билан қандай боғлиқликка эга?».

¹³⁷ Аристотель О сповидениях. / Пер. О.А.Чулкова. // Академия. Вып. 6. СПб., 2005. С. 423–432.

Ҳокимият ҳодисасининг ушбу кўринишдаги тушунилиши амалий ёки техник тавсифда қарор топишни ифодалаб бермайди. Агар, ҳокимиятни эгаллаш масаласи ёки ҳокимият учун кураш турли хил сиёсий таълимотларда муҳокама қилинса, у ҳолда ҳокимиятнинг табиати ҳақида фикр юритилади ва бу ҳолат фақат сиёсат фалсафаси доирасида англаб етилади.

Ницше ўзининг «Ҳокимиятга интилиш»¹³⁸ дастурий китобида ҳокимият ҳақида файласуф сифатида тафаккур юритади, инсониятнинг мавжудлигини белгилаб бервчи энг муҳим ўлчовлардан бири сифатида унинг онтологик мазмунда тушунилиши юзасидан мушоҳада юритади. У томонидан ҳокимият ва унга интилиш инсониятга хос ҳаётнинг мавжудлиги моҳиятини англатади. Ницше томонидан келтирилган фикрлар бўйича, ҳокимиятга интилиш бутун инсоният фаолиятининг базага оид мотивацияси ва мазмунини ташкил қилади. Ницше томонидан ҳокимият қандайдир оммавий умумийлик, туғма табиийлик, аниқлик киритиш мазмунига эга ҳолат сифатида тушинилади.

Ницше фикрларига биноан, ҳокимиятга интилиш истагига эга бўлмаган бирорта киши мавжуд эмас, одам борки ҳокимиятга ёмон даражада, камроқ ёки етарли бўлмаган даражада самарасиз интилишни намоён қилиши мумкин. Мос равишда, Ницше ҳокимиятни сиёсатнинг квинт эссенцияланиши сифатида эсга олади.

Ницше ўз қарашларида кейинчалик христин диний таълимотлари таъсирида, шунингдек Ғарб оламига оид рационалистик схоластика ва замонавий умумий Европа оид маданиятни белгилаб берувчи, «Заминга оид ахлоқшунослик» меъёрлари асосида ажратилган, турмуш ҳаёти ва онг, табиий ва суъний, табиий ва маданий, инсоний ва илоҳий кўринишларда хали ажратилмаган Қадимий Грецияга хос қадриятларга қайтиш тарафдори сифатида ўрин тутди. Ницше учун

¹³⁸ Ф. Ницше Полное собрание сочинений. В 13 томах / Пер. с нем. В. М. Бакусева, Ю. М. Антоновского, Я. Э. Голосовкера и др.; Ред. совет: А. А. Гусейнов и др.; Ин-т философии РАН. – М.: Культурная революция, 2005–2014.

«*ҳокимият*» категорияси «грекча» («Дионисча») устуворликни ифодалаб беради. Унда турли хилдаги чекланишлар ва тўхталишлар каналлари тизимларининг мураккаб жараёнидан хали ўтиб улгурмаган, соф ҳолатдаги турмуш ҳаётига оид ортикчаликлар концентрацияланиши қайд қилинади. Одам учун ҳокимият ҳузурланиш, қувонч ёки оғриқни ҳис қилиш каби табиийлик ҳисобланади. У турмуш ҳаётидан ахлоқийликнинг юқори бўлгани каби, у ахлоқийликдан юқори ҳисобланади. Ҳокимият ўз таркибига «*қарама – қарши томонларнинг синтезланиши*»ни қамраб олади, у «*фаровонлик, эзгулик*» ёки «*ёвузлик*» эмас, у улуғвор ва кичик, кучли ёки кучсиз бўлиши мумкин. Ницше ўзининг назариялари руҳиятида «*ҳокимият*» тушунчасини соф ҳолатдаги турмушга оид ҳаёт билан намоён қилишни кўрсатиб беради.

Турли хилдаги тарихий шароитларда, оламга нисбатан «грекча» муносабат билдиришнинг табиий ҳолатдалиги, «*тажовузкор қумсаиш*» эмаслик (Ницшедаги ҳолат сингари) асосида фикр юритувчи Афлотундан фарқ қилиб, Ницше идеал давлатда «универсал уйғунлик»нинг бутун турмуш ҳаётини қамраб олиши ҳақида қайғурмайди, балки ушбу турмуш ҳаётининг мавжудлик фактининг ўзига эътибор қаратади, бу ҳолат Ницше яшаб ижод қилган XIX аср Европасининг Қадимги Грециядан ажратиб турувчи минг йилдан ортик даврнинг таъсири сифатида баҳоланади. Шу сабабли, Ницше томонидан идеал давлат кенг кўламдаги трактатда эмас, балки қисқа кўринишдаги афоризмда ўз ифодасини топади. «*Давлат ёки уйғунликдаги ахлоқийлик: бу назоратни таъминловчи полиция тизимлари, табақалар, тижорат, оила каби зарурияти моҳияти асосида эмас, балки ҳокимиятга интилиш, урушларга, босиб олишлар, чанг кўтаришга интилишлар зарурияти асосида ифодаланади*»¹³⁹.

Ницше томонидан ва шунингдек, ундан кейинги даврларда фаолият олиб борган кўпгина файласуфлар

¹³⁹ Ницше Ф. Полное собрание сочинений: В 13 томах / Пер. с нем. В. М. Бакусева, Ю. М. Антоновского, Я. Э. Голосовкера и др.; Ред. совет: А. А. Гусейнов и др.; Ин-т философии РАН. – М.: Культурная революция, 2005–2014.

томонидан билдирилган фикрларга кўра, ушбу кўринишдаги ёндошувларда, биз ҳокимиятга оид тамойилнинг чегаравий даражадаги экзальтацион шаклига эга бўламиз. Бу ҳолат ўз моҳиятига кўра «*кўп марта ошириб кўрсатишувчи сиёсий максимализм*» ҳисобланиб, яъни ҳокимиятнинг ҳуқуқий жиҳатдан расмийлаштирилиши ва чекловчи қонунийлаштирилган тизимлар билан боғланишлари эмас, балки ҳокимият унсурларининг энг юксак бошланғичини тан олувчи сиёсат фалсафасини ўзида акс эттиради.

Ҳокимиятга, унинг онтологик тавсифларига нисбатан бу кўриниш муносабат билдириш сиёсий фундаментал сферани тан олувчи сиёсий таълимотлар учун хос хусусият ҳисобланади. Сиёсат қандайдир умумий оммавийлик сифатида қараб чиқилувчи жойда ҳокимият масаласи марказий таркибий тавсифга эга ҳисобланади. «*Кўп марта ошириб кўрсатишувчи сиёсий максимализм*» Сиёсийлик масаласига онтологик ёндошувнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

Ҳокимият: бевосита ва билвосита. Умумий оммавийлик ва чекланишга эга бўлган ҳодиса сифатида ҳокимиятга нисбатан муносабатлар уни турли – туман намоён бўлишларини қараб чиқшга мажбур қилади, бу турли хилликлар фақатгина бевосита ва ҳокимият функцияларининг ҳуқуқий асосланган тарзда йўналтирилишлари бўйича ифодаланиши мумкин эмас. «*Бевосита ҳокимият*» билан биргаликда «*билвосита ҳокимият*» ҳам мавжуд ҳисобланади. Карл Шмитт томонидан мос равишда ушбу категориялар латин тилида – «*potestas directa*» ва «*potestas indirecta*» атамалари билан ифодаланган.

«*Бевосита ҳокимият*» ва «*билвосита ҳокимият*» кўринишидаги тушунчалар жуфтлиги мавжудлиги ҳокимият муносабатлари бир марта ва бутунлай қайд қилиш амалга оширилиши мумкин бўлмаган, ҳаётий динамика стихияси билан боғлиқлигидан келиб чиқади. Ҳокимиятнинг расмий тасдиқланган ва умумий тан олинган структураси (*potestas directa*) ҳар доим ва ҳатто, энг тирания тавсифидаги режимларда ҳам бир қатор ҳуқуқий, кучга оид ахлоқий,

иктисодий ёки бошқа кўринишдаги чекланишларга эга ҳисобланади ва қўшимча воситалар ёрдамида ўзининг кудратини кенгайтиришга эҳтиёж сезади. Бу кўринишдаги воситалар ва усулларнинг барча умумийлиги устуворлиги ўзига хос қуролларга эга бўлган «*билвосита ҳокимият*»ни ташкил қилади. Бу ҳокимият ҳокимият функцияларининг потенциал тавсифда амалга оширилишига кодир бўлган, бунга тайёр бўлган, бутунлай ва бир қатор ҳолатларда жамиятда куч қуроли сифатида қарор топади, бироқ қонуний ҳокимият учун чиқиш у ёки бу сабабларга кўра қийинчилик билан амалга оширилади ёки бу йўл бутунлай ёпик ҳисобланади. Шундай қилиб, «*билвосита ҳокимият*» сиёсий жараёнда ошкоралик асосида иштирок этишида қандайдир сабабларга кўра қийинчилик туғилган сиёсий элементлардан шакллантирилиши мумкин. Ушбу элементлар «*билвосита ҳокимият*» секторида «*бевосита ҳокимият*» билан ҳамкорлик қилиши мумкин, улар билан қарама – қарши муносабатда бўлиши мумкин, шунингдек «*ўз чизиги бўйича амал қилиши*» мумкин. Маълум бир вазиятларда «*билвосита ҳокимият*»нинг рўёбга оширилиши сектори ўз мақсадларини «*бевосита ҳокимият*»ни ағдаришга қаратилган гуруҳлар томонидан банд қилиниши мумкин, бу ҳолатда ушбу қурол «*инқилобий*» аҳамиятга эга ҳисобланади ва муқобил сиёсий лойиҳа ядроси сифатида ўрин тутади.

2.4-§. Ҳуқуқ фалсафасида ҳокимият, ҳуқуқ ва ахлоқ муаммоларини тадқиқ этилиши

Жамиятни ташкил қилувчи инсонларнинг муносабатлари орасида сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий муносабатлар алоҳида ўрин эгаллайди. Бундай муносабатлар субъекти сифатида алоҳида инсон (индивид) ва муайян инсонлар тўплами (ижтимоий гуруҳ) намоён бўлиши мумкин. Шунга мувофиқ равишда сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий объекти деб субъект таъсири йўналтирилган алоҳида индивид, ижтимоий гуруҳ тушунилади. Ҳокимият муносабатларни амалга ошишида

муносабатларнинг икки томони, яъни индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг ўзаро ҳукмдорлик ва бўйсунувчи (тобеълик) муносабати бўлади. Бу ўзаро таъсир шундай специфик характерга эга бўладики, бунда муносабатнинг бир томони иккинчи томонига бирор тазйиқ ўтказди, муносабатни детерминация қилади.

Мажбур қилиш турли шаклларда-бевосита эзишдан ва зўрлаш сингари кескин шакллардан то ишонтириш ва ахлоқий обрўсини ишлатишгача бориб етиши мумкин, бу энди субъектнинг объектив манфатлари ва ҳокимият объектнинг мос келиши ёки мос келмаслигига боғлиқ бўлади. Одамлар томонидан амалга ошириладиган ижтимоий воқеа ва ҳаракатларнинг сабаблари манфатлар деб тушунилади. Бундай сабаб инсонлар (индивидлар, ижтимоий гуруҳлар, синфлар)нинг бевосита истаклари уларнинг мотивлари, фикр ва гоялари ортига яширинган бўлиши мумкин. Энг янги тарихда иқтисодий манфаатлар умуман манфаатларнинг энг асосий ва энг юқори аҳамиятга эга деб ҳисобланади.

Ҳокимият тушунчасига авторитет (обрў) ва бошқариш тушунчалари яқиндир. Обрў деганда индивид ёки ижтимоий гуруҳнинг бошқа индивид ёки ижтимоий гуруҳ хулқига уларнинг асосий манфаатларнинг умумийлиги асосида ўтказадиган кучга таянмаган таъсири тушунилади. Бошқариш деганда инсонларнинг биргаликда қўйилган мақсадни бажариладиган қарорларни ишлаб чиқиш, ташкил қилиш ва ҳастда амалга ошириш билан, системани мақсадга мувофиқ тартибга солиб бориш, ахборотларни системавий равишда қабул қилиш, қайта ишлаш ва фойдаланиш билан боғлиқ бўлган фолиятларни тушунилади.

Ҳокимият-ижтимоий реалликнинг фундаментал характеристика, эрк-эса унинг мағизидир. Бу Ницшенинг эрк ва ҳокимиятга беорилган метафизик талқини эътиборга сазовор. Ницше бўлажак китобхон учун ёзишни ўйлаган китобнинг мазмуни ва мақсади учун ўзини ҳам кўрқитиб юборган ва

дахшатга солган эди.¹⁴⁰ Унинг тушунишича, ҳокимиятга бўлган интилиш (майл) барча борлиқнинг бош асосидир. Табиатнинг ўзида босқинчилик, ўз-ўзини хурмат қилиш, забт этиш очкўзлик бор. Шунинг учун инсоннинг бу кучга тўлиқ мос келмайдиган ҳар қандай қилиши ҳаракатларининг сохталиги ва эрки- (интилишлари)нинг заифлигидан далолат беради. Ницше масалани шундай кўяди: инсон ўз ақлининг зукколиги ва хушёрлигини муайян қатъийлик ва табиий юзага келган инстинктлар билан бирлаштиргандагина ўзининг охирги камолига етади. Ницшега кўра, қадимги юнонлар ўзларининг эзгуликларининг ана шундай тушунган эдилар ва қадимги римликларнинг эзгуликлари ва жасоратларининг маъноси ҳам шунда. Масалан, Фридрих II, Наполеон ва Бисмарк максимал даражада ҳокимиятга интилиш билан фарқ қилган эдилар. Ницшеда ҳокимиятга интилиш асосий метафизик ғоялари нимадан иборат?

«Нигилизм» Европанинг маънавий ҳолатидир. Бундан янги ахлоқни ҳаётнинг экспансив асослари билан тушунтириш ғояси. Аввало, барча олдинги фалсафа ҳолатлари кескин танқид қилиш керак ва бу билан барча ўтмиш қадриятларни йўққа батамом чиқариш ва барча қадриятларни қайта баҳолашга йўл очиб бериш.

Ницше инсониятнинг келгусида янада олийжаноброк бўлган, хаосдан юқори турган, ташкилланганлик қобилиятга эришган кишисини яратишга умид бағишлайдиган ижтимоий синф, миллат, ирқ ёки инсониятнинг бир қисми мавжуд эканлигини кашф қимоқчи бўлади.

Ижтимоий тўнтариш ва уни амалга оширувчи синфлар бутун мавжудликларнинг устидан ҳукмрон бўлган ва бошқарувчи эрк асосларига эгадирлар. «Ҳокимият борлиғи»-эркнинг моҳияти ана шу. Ницшенинг айтишича, олам абадий ва абсалют (мутлақ) яратилишидир, унда на келаётган, на мавжуд бўлган субстанция, ва на эволюция интилиши мумкин бўлган

¹⁴⁰ Тўрт йилдан сунг тўрт томдан иборат ишимни тугатаман. Китобнинг «Ҳокимиятга бўлган интилиш: бутун қадриятларни қайта баҳолаш» деб аталиши дахшатга солиши мумкин «(Д.Гелевининг «Фридрих Ницше ҳаёти»)» китобидан олинди. Рига, 1994. 236-б).

ниҳоя мақсад йўқ. Олам-бу хаосдир. Унда на бирлик, на тартиб, на мантиқ ва на мақсадга мувофиқлик бор. Айнан эрк хаосга тартиб олиб киради. Пайдо бўлиш жараёнига қарама-қарши равишда ҳокимият абадий равишда ўз-ўзига интилади, ўзини ҳеч кўздан қочирмайди. Ницшенинг абадий ўз-ўзига қайтиш «тезиси ҳар қандай яратилиш» (тикланиш намоён бўлиш)га хос ва батун борлиқнинг ҳамма мавжудликларига хосдир, деб айтади. Ницшенинг «абадий ўзига қайтиш» ғоясини унинг «ўта инсон» ғоясидан ажратиб бўлмайди. «Ўта инсон» деганда Ницше бирор алоҳида жинсни назарда тутмаган, у бутун мавжудликнинг борлиги маъносида, яъни ҳокимиятга бўлган эрки (интилиши) заруратидан бутун олам устидан ҳукмрон бўлишга яратилган инсонни кўзда тутди. Қадриятга эга бўлган фикрлаш ҳамма вақт ҳукмрон фикрлашдир. Кўзда тутилдиган янги қадриятлар фақат ҳокимиятга бўлган эркини онгли равишда акс эттириш жиҳатларига эга бўлгандагина ҳокимият шароит-шартлари бўла олади.

Инсон жамиятнинг бутунтарихи бирҳокимият турининг иккинчиси билан кетма-кет алмашилиш манзарасини акс эттиради. Масалан, ибтидоий жамоа ҳокимияти кулдорлик жамиятҳокимияти билан алмашади ва давлат ҳам сиёсий ҳарактер касб этади, ҳуқуқий система юзага келади. Агар инсониятнинг синфийлик тарихини кўрадиган бўлсак, у бошидан охиригача эксплуатация қилинувчиларнинг эксплуатация қилувчиларга қарши кураши, ҳукмрон синфнинг турли партия ва фракциялари орасида кескин ҳокимият учун олишувларидан иборат эканлиги, ва уларнинг кўп ҳолларда ҳокимият ҳарактерини ўзгартирганларини кўрамиз.

Ҳокимият турлари ва хилларини классификацияларига бўлиш критерийлари ва усуллари ҳам хилма-хилдир. Ҳокимиятнинг марксча типологиясида ҳокимият институтлари турлари ва хиллари формацион таҳлил асосида ажратилади, ҳокимият институтларининг ҳарактеристика ижтимоий-иқтисодий формацияларидаги фарқлардан келиб чиқади. Ҳокимият тури шу ҳокимиятнинг ривожланиши ва мустаҳкамланишига хизмат қиладиган ишлаб чиқариш

муносабатларининг-аввало мулкчилик муносабатларининг турига мослиги орқали тушунилади. Ибтидоий, кулдорлик, феодализм, буржуа ва социалистик ҳокимият турлари санаб ўтилади. Ҳокимиятни тур нуктаи-назаридан классификация қилишга ижтимоий ҳаётнинг турли сфераларга: иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, маънавий-мафкуравий ҳокимиятларга бўлиниши асос қилиб олинди. Ҳокимият турларининг хиллари ичида ҳокимиятнинг янада торроқ бўлинишлари ҳам мумкин. Масалан, жамиятнинг сиёсий системаси ва сиёсий ҳаётини таҳлил қилишда давлат ҳокимияти, ҳуқуқий, партиявий ва бошқа ҳокимиятлар тўғрисида гапириш мумкин.

Ғарб ижтимоий фалсафасида ҳокимият йирик немис мутафаккири, социолог, тарихчи, иқтисодчи Макс Вебер (1864-1920) томонидан таклиф қилинган типологияси энг эътиборли саналади. Вебер концепциясида сиёсий муносабатларнинг бош пункти ҳозирги замонавий Европа давлатларнинг тарихда ўтган ёки дунёнинг турли қисмларида қайта пайдо бўлаётган қолган бошқа давлатлардан фарқ қилиш сабабларини излаш ётмоғи керак. Вебер ижтимоий ҳаётни уч асосий турга ажратади ва айни пайтда улар орасидаги, ўзаро алоқа, боғланишларни аниқлайди: ҳокимият сфераси (сиёсий аспект), иқтисод сфераси ва кадриятлар сфераси (кадриятлар сфераси, ёки маданий аспект — ҳокимиятнинг қонунлаштириш, легитимлаштириш билан боғланган). Веберга кўра, «барча ҳукмрон ҳокимиятларни дунёвий ёки диний, сиёсий — носиёсий ҳокимиятларини ҳокимиятнинг даъво қилаётган легитимлиги асосида тегишлича қуриладиган бир неча соф типлари, вариантлари сифатида қараш мумкин».¹⁴¹ Инсон жамиятнинг тарихи, Вебернинг фикрига кўра, ҳокимиятларнинг алмашилишидан иборат бўлиб, бу ерда бош критерий ижтимоий ҳаракат тури ва легитимлик тушунчасидир.

Ҳар қандай ижтимоий ҳаракат, Вебернинг таъкидлашича, икки моментни назарда тутди: индивид ёки гуруҳнинг субъектив мотивацияси бунингсиз умуман ҳаракат (таъсир)

¹⁴¹ М. Вебернинг социология, дин ва идеологияга доир ишлари. Работы М. Вебера по социологии, религии и идеологии. М., 1975. С- 71.

тўғрисида гапириш мумкин эмас, бошқача ориентирланиш – бунингсиз ҳаракатини (таъсирни) ижтимоий деб қараб бўлмайди (буни у «кутиш» деб ҳам атайди). Вебер ижтимоий (таъсир) тушунчасини киритар экан, ижтимоий фактнинг Дюркгейм томонидан изоҳланишига қарама – қарши талқинини беради. Дюркгеймдан фарқли ўлароқ, Вебер на жамият бутунлигича, на жамоатчиликнинг у ёки шакллари, агар масалага соф илмий нуқтаи – назардан қаралса, ҳаракат субъекти деб қаралиши мумкин эмас: фақат индивидларгина субъект бўлишлари мумкин.¹⁴²

Веберда сиёсий муносабатларда марказий социологик тушунча ҳукмронликдир. Вебер бу тушунчани умумий маънодаги иқтисодий кучга асосланган ҳокимиятдан гарчи жуда кескин бўлмаса – да, ажратади. Ҳукмронликни амалга ошириш учун бошқарилувчилар асосланнадиган маълум кадриятлар, эътиқодлар бўлмоғи керак, бу ҳукмронликнинг лигитимлаштириш усулларини таҳлил қилишда гавдалантирилган. Бу ерда гарчи ҳукмронлик системасининг юзага келиши, тўғри ва узок муддат амал қилиши учун зўравонликнинг ўзигина камлик қилишини кўрсатиб ўтилади. Бу муаммони таҳлил қилишда Вебер унинг тушуншидидаги уч турдаги идеал ҳукмронликни келтириб чиқарган эди.

Веберга кўра, хоризма деганда инсоннинг ҳар кунгидан ташқаридаги (майли улар ҳақиқий, мавхум ёки фараз қилинган бўлсин) сифатлари тушунилади. Харизматик авторитет, бинобарин, одамлар устидан шундай (ё ички, ёки ташқари характердаги) ҳукмронлигини, бунда улар бирор шахсда шундай сифатлар борлигига қараб бўйсундилар. Бундай хоризмларга фолбин, пайғамбар, овдаги йўл бошловчи, дохийлар эга бўлади. Улар ҳокимиятнинг лигитимлиги ғайри оддийликка ишонишига асосланади, оддий одамларга хос бўлган оддий хусусиятлардан бошқача хоссаларга асосланади, дастлабки қарашда ғайри табиий деб қабул қилинади». Ва сўнгра: «Ҳукмронлик умумий анъаналар ва рационал (ақл) нормаларига асосланиб амалга оширилмайди, бироқ – принцип

¹⁴² П. П. Гайдено. Социология М. Вебера. М., 1979. С-265.

жихатдан – конкрет янгилик яратишга мувофиқ амалга оширилади, бу маънода у «иррационалдир».¹⁴³

Традиционализм (анъанавийлик) деб Вебер «ҳар кунги одатдаги кўрсатмага қараб ва унга худди эътироз билдириб бўлмайдиган ҳулқ нормасидек тушуниладиган ҳукмронликни атади. Анъанавий авторитет – бу ҳақиқатан ҳам аввалдан мавжуд бўлган ҳукмронликдир. Традицион ҳукмронлик турига отанинг оила устидан, эрнинг, катта ёшнинг оиладаги ёки уруғлар устидан ҳукмронлиги, хўжайиннинг – крепостнойлар ёки крепостнойликдан озод қилинганлар устидан ҳукмронлиги ва шулар киради. Бу икки тур ҳукмронлик Вебер учун ҳозирги замон Европа жамиятларидаги ҳукмронликдан фарқни кўрсатиш учун зарур бўлди. Харизматик ва традиционлик Вебер учун очик (легаль) ҳукмронликни таҳлил қилиш учун «кириш» бўлди.

Вебер очик ҳукмронлигини Ғарбнинг сиёсий ўзига хослиги деб тушунилади: «Ғарбда формал юридик рационализм ғалаба қилгандан сўнг ҳукмронликнинг аввалги турлари каторида легал ҳукмронлик тури вужудга келди, унинг, гарчи бирдан – бир бўлмаса – да, асосий тури бюрократик ҳукмронлик эди, ва шундай бўлиб қолди. Унинг асосий хусусияти шуки, аввалгидек, харизматик шахсга, пайғамбарга, ёки қаҳрамон, ёки анъанага йўғрилган ҳукмронга эмас, балки шахсийликдан маҳрум бўлган объективланган «хизмат бурчи»га бўйисунади, бу «хизмат бурчи», ҳокимият ҳуқуқи сингари, рационал аниқланган нормалар (қонунлар, кўрсатмалар, фармойишлар) воситасида аниқланадики, унда ҳукмронликнинг легитимлиги умумий мақсадга мувофиқ йўналтирилган ҳолда аниқ белгиланган ва ҳалқга ҳавола қилинган қоидаларнинг легаллигида ўз аксини топади».¹⁴⁴

Легал (очик) ҳукмронлик системасини таҳлил қилар экан, Вебер ҳокимият аппаратини, яъни бюрократияни ўрганишга катта эътибор берди. Бюрократия ҳокимиятни амалга

¹⁴³ М.Вебернинг социология, дин ва идеологияга доир ишлари. Работы М.Вебера по социологии, религии и идеологии М., 1975. 71-72 б.

¹⁴⁴ М.Вебернинг социология, дин ва идеологияга доир ишлари. Работы М.Вебера по социологии, религии и идеологии М., 1975. 74-75 б.

оширишнинг энг рационал шакли эканлигига унинг имони комил эди, лекин шунга қарамай, унинг камчиликлари ва заифликларини кўра билган ва танқид остига олди.

Сиёсий ҳокимият, бутунича сиёсат бугунги кунда алоҳида ўрин тутди. Сиёсий ҳокимият политологияда, фалсафа, социология, юриспруденция ва бошқа шу жумладан, гуманитар ва табиий билим чегараларида пайдо бўлган янги фанларда ўрганилади.

Фалсафа доирасида сиёсат фалсафаси деб аталган бутун бир йўналиш ривож топмоқда. Сиёсат фалсафасининг предмети бутун эркинлик, эзгулик, бурч, масъулият, ижтимоий мақсадлар ва идеаллар, яъни ҳамма вақт ҳам умуман фалсафий таҳлил, жумладан, амалий фалсафа объекти бўлган тушунчалардир.

Бизнинг юз йилликда сиёсий – иқтисодий реаллик ҳукмрондир, у инсон ҳаётининг ташқи шароитларини ва инсон борлигининг ички характерини белгилайди.

Бу тушунча уйғониш даврида оламни антропоцентрик қабуллаш доирасида шаклланди, унинг регулятив (тартибга солувчи) цикли ҳаракат ва онг сферасида амалий ақл томонидан биринчи планга қўйилган антропоцентрик эркинликдир. Амалий ақл эрка эга ва фақат унинг кудратини узлуксиз кўпайтиришга ёрдам берадиган билимларнигина олишга даъво қилади. Бу энди айнан ахлоқий бўлиб, Аристотелдан кейин амалий ақл номини олган. Инсоннинг ҳақиқатни билишга оид фаляти албатта ҳал қилувчи аҳамиятга эга, бироқ бу фаолият «ахлоқий» субстанцияга эришишдан кўра кўпроқ самарадорликка қаратилгандир.

Ўз вақтида Бекон, билим – куч бўлмоғи керак, деб гапирган эди. Унга мувофиқ, фақат инсоннинг табиат устидан ва ижтимоий стихиялар устидан кудратини оширишга ёрдам берганидагина ҳақиқий билим бўлади. Тафаккурнинг бундай йўналганлиги (у фикрлашни хукмрон қилиш керак бўлгани учун) биринчи ўринга сиёсий – иқтисодий реалияларни олдинга суради. Кудратга интилиш ҳақиқатни билиш характерини белгилаб беради. Бошқачасига, ҳукмронлик интилиш тарзида на фақат бевосита инсон фаоляти сферасига, шу билан бирга,

бутун мавжудликнинг илмий билиш амалиётига ҳам жалб қилинган бўлади.

Янги Европа сиёсий тафаккурининг шаклланишида Макиавелли алоҳида ўрин тутади. Умуман ҳокимиятда оптимал ҳаракат тўғрисида у ўзининг «Государ» («Хукмдор») китобида фикр қилади¹⁴⁵. Уйғониш давридан сўнг фаолият принципи Янги Европа ижтимоий – фалсафий тафаккурида асосий бўлиб қолади. Бу принципга мувофиқ ҳаракатларида суверен фикрлаш ва ҳукмларида автоном бўлган субъект биринчи ўринга сурилди. Бундай субъект, аввало, сиёсий фикрлаш соҳасида суверен бўлиши керак. Бу ерда ўз ҳаракатларини ҳеч қандай ташқи инстанцияларга боғлиқ бўлмаган ўз фикрлари ва ҳукмларга келиб чиққан ҳолда асослаб ҳукмрон бўлишига интилади. Ҳеч қандай ташқи авторитетлар, ахлоқ ҳам, дин ҳам, унинг фикрлаш режасига киритилмайди, чунки у ўзини ўз баҳо ва ҳукмлари орқали ифодалайди. Бу ерда гап умуман ҳокимият тўғрисида кетаётгани учун ҳамма нарса унинг фаолиятидан келиб чиқади, бу фаолият ўз – ўзини самарали ва оптимал характерлиги билан асослайди. Феодал жамиятни ташкилланиши ҳокимият белги – символик ҳолда кийнган» эди. Бу ҳокимият сенъорлар орасидаги узлуксиз келишмовчиликлар ва тўқнашишлар шароитларида эришилган ва қўллаб – қувватланган ҳокимият, яъни талон – тарож ва ўлпонлпр ҳокимияти эди. Бу ҳокимият сенъорларга садоқат, церемония ва ритуалларга берилганликда намоён бўлар эди.

Макиавелли ҳокимият ҳақидаги «янги фанни» яратди: унда биринчи ўринга айнан сиёсий ҳаракатларда оптималлик ва самарадорлик чиқади. У Янги давр вақтида монарх бошқарувида ўзининг реалъ ифодасини топган янги «техника»ни яратди. Бу «техника» иқтисодий нуқтаи – назардан кам ҳаражат, сиёсий нуқтаи – назардан феодал жамиятда турли табақа ва ер мулкдорларидан келиб чиқадиган турли ўзбилармонликларга бефарқ қарган «техника»га нисбатан ҳавф – хатарлардан ҳолироқ эди. Ўрта асрларда

¹⁴⁵ Н.Макиавелли. Макиавелли Н. Государь. Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. Ростов н/Д, 1998, С- 68.

шаклланган монарх ҳокимиятининг зўравонлик ҳаракати худудий парчаланишларни ва феодал ҳокимият субъектларининг орасидаги донимий тўқнашишларни бартараф қилишга хизмат қилди. Монарх ўзини ер мулкдорлари орасидаги тўқнашишларни ва маҳаллий урушларни на фақат бартараф қилишнинг, балки халқни бир бутун миллий давлатга бирлаштиришга қурби етадиган ҳокимият деб тасаввур қилган эди. Бу ҳокимият ўзини кўпинча теология (энг юксак «фан») атамаларида ифодалар ва шунинг учун Рим черкови авторитетига ола қилар эди. Макиавеллининг сиёсий фани на фақат ҳеч қандай черков инстанцияларни, балки ҳар қандай ахлоқий чегараланишларни ҳам тан олмас эди. Давлат ҳокимиятини қарор топтириш, ёйиш ва сақлаш учун юқоридаги маънода нимаики таъсирчан ва оптимал бўлса, ҳаммасини ишлатиш мумкин.

Сиёсий ақлга мувофиқ ҳолда Макиавелли ҳукмдорларга шундай йўриқ беради: «Ҳукмдорлар муғомбир ва лақиллатишнинг юксак санъатини эгаллашлари керак, чунки алдашни яхши билган одам ҳамма вақт ҳам алдовга жон деб ишонадиган енгилтак кишиларни етарлича топа олади.. . Бинобарин, ҳукмдорларга аслида яхши сифатларга эга бўлишларининг ҳеч қандай зарури йўқ, бироқ уларга ўзларини ана шуларнинг ҳаммасига эга бўлган одамлардек кўрсатишлари шарт».¹⁴⁶

Инсон ҳақиқатда нимани билса, ўшани амалга ошириши мумкин. Демакки, Беконнинг гапига кўра, инсоннинг билими ва қудрати бир – бирига мосдир, мувофиқдир. Декарт ҳам шундай дейди: «Илмларни ўзлаштириб ва уларни амалда қўллаб, табиатнинг хўжайинни ва эгаси бўлиш мумкин».¹⁴⁷

Уйғониш даврида жамиятнинг янги сиёсий шаклланди, бу ташкилот энди инсондан табиатга антик полис ёки Худонинг дунёнинг яратилганлик сирини ҳақидаги буюрганларига кулок тутишини талаб қилмайди. Жамият сиёсий ташкилотининг янги

¹⁴⁶ Н.Макиавелли. Макиавелли Н. Государь. Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. Ростов н/Д., 1998, С 68.

¹⁴⁷ Р.Декарт. Рассуждения о методе. Соч.Т.1.М., 1989. 286 б.

шакли воқеаларнинг олдиндан ҳисоблаш ва режалаштириш масалаларини ечишни ва улар ҳатто стихияли рўй берсаларда, уларни олдини олиш, назорат қилиш ва бошқаришни кўзда тутиши керак эди. Бу шакл давлатни бадий асар сингари яратишини талаб қилар эди. Давлат, санъат асари қобилида, очикдан кўра кўпроқ яширин тарзда худо томонидан оламнинг ҳеч нарсадан яратилгани ҳақидаги ақидага қарама – қарши кўйилар эди. Бу нарса алоҳида тушунтиришни талаб қилади.

Бошиданок ахлоққа таянган черковча дунё тартибини бартараф қилишда доимо антик фуқароликка, яъни юнонларнинг демократик полиси ёки Рим республика жамияти, бутун ҳаёт тарзининг антик эстетикасига таянилар эди. Ўз асосига кўра дунёни антропоцентриқ қабулланган уйғониш даври онгнинг шавқ жўшқинлиги шунга асосланган эди. Ахлоқ ва ахлоқий хулқ ўз аҳамиятини йўқотиб, ўз ўрнини санъат «техникаси», яъни ранг – тасвир, архитектура ва ҳайкалтирошлиқ техникасининг аҳамиятлилиги билан алмашина бошлади. Асосий гоё шундай эдики, айнан ер шароитларида, фақат инсон ҳаракатлари билан эзгуликни ўрнатиш мумкин ва шу йўл билангина ҳар бир инсонни кутқариш, «уйқусизлик» ҳолатини йўқотиб, оламни инсон борлигининг уйига айлантириш мумкин. Шу мақсадда тадбиркорлик, ақлга асосланган тежамли фаолият қўллаб – қувватланди, бу нарса бозор муносабатлари босиб келаётган шароитда ҳар қандай тақиб ва чекланишларни чеккага суриб қўйишни талаб қиларди. Дунёнинг десакрализацияси муқаддасликдан озод қилиш шундай рўй берди. Бу ҳодиса черков жамоасини сиёсий – иқтисодий реалликка бўйсундиришга олиб келди. Макиавелли, аслида, политологияни фан сифатида асослайди. У ўрта асрча дунё тартибининг «ахлоқий субстанцияси»ни инсон учун фуқаролик кадр – қиммати нуқтаи – назаридан зарарли деб эълон қилди ва шундай фикрни таклиф қилади: «. . . босқинчи давлатни босиб олар экан, зарур бўлган» барча жабр – зулмни ўйлаши ва уни дарҳол амалга ошириш керак. . Гап шундаки, ҳар қандай озорларни дарҳол ва бирданига қилиш, эзгуликларни эса оз –

оздан қилинса, улар хотирада яхши қолади». . . Мен Цезарь Борджиа ва унинг ҳаракат тарзига мурожаат қилишдан ҳеч кўркмайман»¹⁴⁸, - деган эди.

Ҳукмрон ақл, аввало, таъсирчан бўлиши керак, ана шундагина у дин ва ахлоқдан ташқарида бўлади, чунки диний – ахлоқий фикр ўз самарадорлик аҳамиятини йўқотган эди. Макиавелли биринчи бўлиб, сиёсий – иқтисодий реалликни унинг ўз – ўзига етарлилигида фаҳмлади. У сиёсатни диний эътиқод ва ахлоқий насиҳатлардан ажратди, чунки бу вақтга келиб сиёсат фақат санъатгина бўлиб қолмай, ўз методига эга бўлган фанга айланган эди. У сиёсий ақлга «раҳбарлик» қиладиган равшан ва аниқ қоидаларини ишлаб чиқди. У қоидаларда диний – ахлоқий принциплар уларнинг ҳокимиятни қарор топиши ва сақланиши учун қай даражада фойда беришига кўра акс эттирилган бўлади. Ўз лойиҳаларининг ҳақиқатлигини билиш учун ҳеч қандай ахлоқ керак эмас. Ҳар қандай лойиҳа, агар амалга оширилса ва таъсирчан бўлса, у ҳақиқийдир.

Шу билан бирга, макиавеллизм бус – бутунича ахлоқсизлик эмас. Агар гап айнан ахлоқий муносабатлар ёки ижтимоий – сиёсий идеаллар устида кетаётган бўлса, бу принципсизлик эмас. Макиавеллизм жамиятнинг фуқаролик тузилишини яратишга интилувчи ҳукмронлик эркининг ифодасидир, бундай жамият қуриш, худди бир бадиий асарни яратишдаги сингари, қандай йўллардан фойдаланса ҳам ижтимоий «ўзбошимчалик»ни бартараф этиб, қонуний тартибни ўрнатса бас.

Сиёсат – юнонча *politike*, яъни «давлатни бошқариш санъати» деган маънони билдиради. (Антик дунёда шаҳар ва унинг атрофини ўраб олган худуддан иборат шаҳар - давлат «полис»(*polis*) деб аталган).

Сиёсат – давлатни бошқаришда иштирок этиш билан боғлиқ ижтимоий фаолият сферасидир. Инсонни сиёсий

¹⁴⁸ Н.Макиавелли. // Перевод Шульц Э.Э. Никколо Макиавелли и складывание основ теории социального протеста // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия «История. Политология. Экономика. Информатика». – 2014. – Вып. 29, № 1. – С. 198–201.

мавжудот деб тушуниш Аристотельдан бошланган, бу Афина эркин фуқароларининг шаҳар майдонига тўпланиб, ижтимоий ишларни муҳокама қилишларини ифодаловчи антик демократияга асосланган эди. Ақллилик, мутадиллик, маъсулият, эзгулик, жаъсурлик ва шунга ўхшаш сифатлар сиёсий инсоннинг хусусиятларидир. Сиёсат шунингдек, хўжалик юритиш ва уй – рўзгорни бошқариш, ўзи тўғрисида ғамхўрлик қилиб, оилани (ёки давлатни) бошқаришга тайёрлаш санъати ҳамдир.

Давлатнинг қурилиши турли – тумандир, Аристотель улар ичида учта «тўғри» (монархия, аристократия ва полиция)сини ва учта «нотўғриси» (тирания, олигархия ва демократия)ни кўрсатган эди. Бундай классификациялаш «демократик давлат»га тегишли ҳозирги замон тасаввурлари билан тўғри келмайди: Аристотель ҳокимият саводсиз ва купол кўпчиликка эмас, аристократларга, яъни кўпни кўрган ва маъсул фуқароларга берилиши керак, деб ҳисоблар эди. Бирок Аристотельнинг бу қараши ўша вақтда Афиналикларга хос бўлган давлат қурилишини билдирмас эди, бу ўзига хос утопия эди. XVIII аср маърифатчиларининг ижтимоий шартнома ҳақидаги фикрлари тўғрисида ҳам шунини айтиш мумкин. Бу фикрларда ҳам ҳокимият ва мажбуриятлар рационал – ҳуқуқ асосида бўлинади, одамлар ўз – ўзларини сақлаш маъносида ижтимоий бурчларни бажаришини ўз зиммаларига оладилар. Аслида, ҳокимиятнинг муносабати ҳамма вақт ҳам соф зўровонликка асосланмаса – да, жамиятнинг турли табақалари орасидаги ақлий музокаралар ва шартномаларга асосланишдан анча узоқ эди. Кейинроқ юзага келган бюрократик давлат модели тўғрисида ҳам яна юқоридаги утопиялиги ҳақидаги фикрни айтиш мумкин, унга мувофиқ, давлатни ўзларининг ғаразли манфаатларини эмас, фақат жамоат фойдасини кўзлаб бошқарувчи амалдорлар ва мутахассислар бошқарадилар.

Давлат – бу ижтимоий ҳаётни ташкил қилишнинг тарихий тараққий қилувчи шаклидир. Давлатнинг турли хиллари (кулдорлик давлати, феодал, буржуа давлати, социалистик)ни кўрсатиб ўтиш мумкин.

Давлат қурилишининг хиллари (унитар ва федератив) ҳам, идора қилиш шакллари (монархия ёки диктатура ва республика) ва сиёсий режимлар (парламентли, авторитар, диктаторлик)лари тўғрисида гапириш мумкин. Бироқ, бунда давлатнинг бир неча асосий белгилари ажратиб кўрсатилади: давлат ҳокимияти вазифасини бажарувчи органлар ва муассасаларнинг алоҳида системаси, ҳуқуқий нормалари: мазкур давлатнинг ҳудудий чегаралари ва бошқа шу кабилар.

Ҳар қандай давлат бир қатор вазифаларни бажаради. Мавжуд сиёсий системанинг барқарорлигини таъминлаш, иқтисодий ва ижтимоий муносабатларни тартибга солиш, ҳуқуқли нормаларни амалга ошириш, солиқлар йиғиш, Конституцияни ҳимоя қилишнинг ички вазифаларига киради. Мамлакатнинг халқаро ҳамжамият олдидаги манфаатларини ва бошқа ҳамкорликнинг бошқа шакллари давлатнинг ташқи вазифаларидир.

Н.Бердяев давлатнинг мистик табиатини кўрсатиб, уни нафақат ҳўжалик системаси ва ижтимоий структура мажмуи деб, балки аввало маънавий ва ҳатто «жисм» (тана) умумийлик деб тушунган эди¹⁴⁹. Давлат фақатгина зўравонликда яшай олмайди: давлат ўз фуқароларининг маънавий бирлиги, давлатнинг гуллаб – яшнаши йўлида берган қурбонлари ҳисобига ҳам мустаҳкам бўлади. Ўтмишдаги буюк салтанатлар ўзларидан зўрроқ бўлган кўшнилариининг таъсиридан эмас, одамларнинг умумий тараққиёти учун ўзларининг шахсий манфаатларини қурбон қилишдек маънавий руҳларининг парчалангани учун қулагандир. Шунинг учун одамларнинг давлатга бирлашишлари фақат «ақл худбинлигини (алоҳида мулкдорлар бозор ва айирбошларни кенгайтириш иттифоқларига бирлашганиликлари сингари) ёки эркинлик ва адолатни кафолатловчи ижтимоий шартномларни тақоза этиб қолмайди. Давлат ўз мамлакатига бўлган муҳаббатдан туғилган, унинг барқарорлиги ва тараққиёти йўлида қурбонлар беришга тайёр турган фуқароларнинг «тан» ва «жон» туйғуларига асосланиб қурилади.

¹⁴⁹Н.Бердяев Философия неравенства 2012 г.

Давлат табиатини аниқлашга доир барча бу назарий интилишлар, равшанки, янада мураккаброқ ва турли – туманликка эга бўлган манзарада бирлашади, бунда ижтимоий – иқтисодий омилларга ҳам, маънавий – ахлоқий омилларга ўз ўрни бор. Ҳақиқатан ҳам қудратли давлат мавжуд бўлишининг маъноси давлатни қурбонликларга тайёр бўлган фидойиликларнинг давлатнинг ер юзида амалга оширмоқчи бўлган маънавий мақсади, ғояси бўлишини ҳам тақозо қилади.

Анъанача кўра, жамиятда сиёсий ҳокимият давлат муассасалари ва сиёсий институтлар, ҳуқуқий нормалар ва мафкуравий мақсадлар мажмуадан иборат сиёсий система орқали амалга оширилади. Сиёсий система структурасини схематик равишда қуйидагича кўрсатиш мумкин:

- сиёсий институтлар (давлат ва унинг муассасалари, партиялар, ижтимоий ташкилолар ва бирлашмалар);
- сиёсий ва ҳуқуқий нормалар (сиёсий қарашлар, сиёсий онг, сиёсий маданият);
- сиёсий муносабатлар (ижтимоий гуруҳларнинг сиёсий ҳокимиятга муносабатлари, сиёсий фаолият).

Сиёсий системани характерлаш юридик тартибланган шаклланган институтлар мажмуини кўзда тутди. Ҳозирги замон давлатларида унинг фаолият кўрсатишида ҳокимият уч тармоқ:

- қонунчилик, ижрочилик ва суд тармоқларига бўлинади. Қонунчилик ҳокимиятининг органлари

- парламент ва жойлардаги маҳаллий қонунчилик муассасалари – қонунлар ишлаб чиқарадилар ва қабул қиладилар, қонунларнинг бажарилишини ва қабул қиладилар, қонунларнинг бажарилишининг назорат қиладилар. Ижрочилик ҳокимияти органлари - ҳукумат ва унга бўйсунувчи структуралар-қабул қилинган қонун ва қарорларни бажарадилар. Суд ҳокимияти органлари эса қонунларга риоя қилишни ва суд ишлари олиб борлигини назорат қиладилар.

-Давлатлар структураларига, ҳокимиятнинг тармоқлари ваколатларининг ўзаро муносабатига қараб идора қилиш шакллари бўйича ҳам фарқ қиладилар. Аввало, олий ҳокимият

ташкилланишининг икки хил бўлиниши бор: республика ва якка ҳокимлик Республикада ҳокимиятнинг юқори органлари ёки бевосита аҳоли томонидан сайланади, ёки умумийлий ваколат муассаси томонидан шакллантирилади. Ҳокимият турли тармоқларнинг сиёсий ҳолати ва муносабатларига кўра, республика идора қилиш шакли бир неча турга бўлинади:

Бир неча турга бўлинади:

-президент республикаси: давлат бошлиғи- президент парламентдан мустақил равишда умум овоз бериш йўли билан сайланади; унинг ўлида давлат бошлиғи ва парламент ваколатлари тўпланган; ҳукумат президент томонидан тайинланади ва унинг сиёсатини амалга оширади;

-парламент республикаси: президент сайланади, ҳукумат эса парламент томонидан шакллантирилади; бошқаришда ҳукумат бошлиғи (Бош министр) асосий роль ўйнайди; парламент президент ва ҳукумат фаолиятини назорат қилади;

-ярим президентлик республикаси: давлат бошлиғи парламентдан мустақил ҳолда умум овоз бериш йўли билан сайланади; ҳукумат парламент олдида маъсулдир; президент ҳукуматдан мустақил равишда сиёсат олиб бориши ҳам мумкин.

Давлат системасини таҳлил қилишда давлатнинг фақат шаклини эмас, унинг сиёсий режими бўйича ҳам фарқларига эътибор бериш керак бўлади. Бу тушунча давлат ҳокимиятининг фуқароларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминловчи методларни амалга ошириш системасини ва ҳокимиятнинг ҳаракатларининг ҳуқуқий ҳарактерини ўз ичига олади. Диктаторлик (тоталитар ёки авторитар) ва демократик сиёсий режимлар бўлади. Демократия қуйидаги белгилар билан ҳарактерланади: давлат аппаратини ҳокимиятлар бўлинишига таяниб тузилиши; вакиллик органларининг бўлиши ва уларнинг бошқарувда қатнашиши; кўп партиявийлик ва сайловларда ғалаба илган партияларнинг ҳокимият органларида вакиллик қилиши; умумий сайлов ҳуқуқи; фуқароларнинг қонун олдида тенглиги.

Диктатура сиёсий режим сифатида ҳокимиятнинг бир киши (якка ҳокимлик) ёки бир гуруҳ шахслар қўлида тўпланиши, ҳокимиятнинг назоратсизлиги ва чекланмаганлиги, унинг тармоқларга бўлиниши йўқлиги, реал фаолият кўрсатаётган парламентнинг йўқлиги, муҳолифатнинг бостирилиши, фуқароларнинг қонун билан муҳофаза қилинган ҳуқуқ ва эркинликларини йўқлиги, мафкуравий ёки миллий ва бошқа белгиларга кўра репрессиялар қилиши билан фарқ қилади. Бунда авторитар режимлар асосан сиёсий сферани назорат қиладилар, тоталитар тизимлар эса на фақат ижтимоий, балки фуқароларнинг шахсий ҳаётларини ҳам назорат қиладилар, унда репрессиянинг турли турлари, ҳатто террордан ҳам фойдаланадилар.

Масалан, Россияда зиёлилар ҳамма вақт ўзларини давлат тарихида репрессив, индивидуал эркинликларни паймол қилувчи кучга қарши қўйиб келувчи табақа деб ҳисоблаб келар эдилар. Бироқ ҳозир ҳокимият авваллардан бошқача равишда мавжуд. Агар давлатни борди-ю, зўравонликка асосланган дейилганда ҳам, унинг одамларнинг биргаликда фаолият юритаётганларда ишлаб чиққан анъаналар ва қонунлар билан компромисс топишга мажбур бўлаётганини инкор қилиб бўлмайди. Бундай ҳокимиятнинг аста-секин легитимлашиб беришда ҳуқуқ роль ўйнаётгани кўзга ташланади. Бу фақат кучни хас-тўплашгина эмас, балки уни чеклаш ҳамдир. Ҳуқуқий тилда гапирилса, куч адолат билан компромиска келиб, ўзини тутишни ва чеклашни ҳам ўрганиш керак.

Бироқ ҳуқуқ шаклидаги ҳокимият ҳам ҳокимият эволюциясининг энг охирги ва мукаммаллашган шакли эмас. Бугунги кунда ҳокимият ҳаётни бошқараётган билим сифатида мавжуддир. Агар ҳуқуқ ўз ниҳоясида қилинган гуноҳ учун таъқиқ ва жазо тарзидаги салбий чеклашлар ва репрессиялар шаклида ифодаланса, ҳолбуки ҳаётни бошқариш соғлом турмуш тарзи, ақл билан меҳнат қилиш ва дам олиш, эҳтиёж ва имкониятни мослаштириш, бир сўз билан айтганда, кундалик ҳаёт тартибини қарор топтиришда маслаҳат ва тавсиялар бериш билан характерланади. Бу, ҳокимиятнинг анъанавий

институтлари – ҳукумат, парламент сиёсий партиялар, эски «тарғибот машиналари» керак бўлмай қолади дегани эмас. Аксинча, улар қолади, бироқ эви билан ҳокимиятнинг маълум чегараларида фаолият кўрсатувчи шакллари сифатида қолади. Сиёсий институтлар барча соҳаларини эмас, ижтимоий ҳаётнинг баъзи масалаларини ҳал қиладиган бўладилар. Унинг устига сиёсат имкониятидагина амалга оширувчи кундалик тартибни ўрнатиш санъати сифатида бу тартибга қарши чиқиб, ўзининг ағдариб ташлаш хавфини туғдирмаслиги керак.

Амалий жиҳатдан олганда шахс ва ҳуқуқнинг ўзаро муносабати, муаммоси ниҳоятда аҳамиятлидир. Ҳуқуқ баъзилар ўйлагандек, бу таъқиқ эмас, бу бирор ижобийликка руҳсат ҳамдир. Бундан шахснинг ҳуқуқ билан боғланган масъуллиги билан характерланади. Масъуллик эрк эркинлиги ва ўз қилмишларига жавоб бериши билан, шунингдек, «мен» нинг «бошқа» билан ўзаро тан олиши билан боғлиқдир. Шахс – эркинлик ҳуқуқи ва мажбуриятига эга бўлган ўз ҳуқуқини назорат қила оладиган автоном ва ақлли мавжудод (моҳият) сифатида ишонч ва ҳурмат асосидагина шаклланади. Саҳийлик билан кредит бериш ва қатъий талаб қилиш – бу кўплаб ҳуқуқий ва ахлоқий баҳоларнинг чегараларидир. Ҳуқуқ бунда босиб ўтиш мумкин бўлмаган. Шу билан бирга, ахлоқ ва ҳуқуқнинг бир биридан ажратилиши баъзи негатив анъаналарнинг пайдо бўлишига ҳам олиб келди, улар тўғрисида Гегель формал қонуниятчиликни танқид қилганида гапириб, давлатни маънавийлаштиришни таъкидлаган эди. Кейинроқ бу рус зиёлиларига яқинроқ бўлиб қолди, улар Европа формал ҳуқуқини танқид қилишиб, буржуа ҳуқуқий давлати босқичини четлаб ўтиб, «рус социализми» ни куришга умид қилган эдилар, (Ф.М.Достаевский). Бироқ рус фалсафасида давлатни маънавийлаштиришга оид чақириқларни кўп ҳам учратилмайди. Аксинча, XIX асрнинг биринчи ярмида К.С.Аксаков рус халқи-нодавлатий халқ, у сиёсий ҳуқуқларни изламайди ва шунинг учун ҳуқуқнинг назоратсиз ҳуқумронлик қилишига йўл қўяди, деб гапирган эди. Бироқ бу куллик эмас, чунки рус халқи сиёсий эркинлик ўрнига ўзида

маънавий эркинликни ўстиради. Бундай ички эркинликнинг ташқи шароитларсиз намоён бўлишини тушуниш дархол англаб етилмади. Ҳатто Л.Н.Толстой фикрича ижтимоий масалани ҳал қилиш, шахснинг ахлоқий жасорати билан амалга оширилади. Яъни христианликнинг шахсий кутқариш ва улуглик схемасига мувофиқ бўлади деб ёзган эди.

Рус зиёлилари муҳотида ҳуқуқ ва ахлоқийликнинг мўтадиллигининг амалада тушуниб етиш аста секин ва маълим хатоларсиз бўлмайди масалан, аҳолий нормаларини тўғридан тўғри сиёсий амалиётган қўллаш салбий оқибатларга олиб келди. Масалан, халқни кутқариш учун курашаётган иттифоқлар ва партиялар ичида кескин репрессив нормалар бор эди. Ҳолиб чиққан партиялар «якобинча» террорга берилиб кетдилар, улар хатто аввалги режимда қонун асосида иш қўрганларни ҳам судладилар. Баъзилар бу нарсадан ҳуқуқ билан ахлоқнинг мужассамлашиши бефойда эканлиги ҳақидаги фикрга кела бошладилар. Бироқ тоталитар мафкуравий режимлар фанатик, диний давлатлар-булар ахлоқнинг ҳуқуқ устидан ҳуқумронлигига мисол бўлади. Гап мажбурлаш ва ҳуқуқий нормаларнинг адолатлилигини такомиллаштиришнинг доимий изга солиб туриладиган мўтадиллигини топиш тўғрисида, ва фақат макродаражада, балки микро даражада (яъни нафақат «катта сиёсат» да, хатто кундалик мулоқатда ҳам) амалга оширилиши устида кетмоқда. Ҳар иккала ҳолда ҳам ахлоқий мулоҳазалар ва принципларни иқтисодий, сиёсий, юридик ва ижтимоий дастурларига «сингдириб» бориш устида гап кетади. Ундан ташқари, олимлар, тиббиётчилар, юристлар, иқтисодчилар томонидан ўз мақсадларини рўёбга чиқаришда қийналаётган кишиларга бериладиган турли тавсия ва маслаҳат-насихатларни ҳам назарга олмоқ керак. Шахс эркинлигини ҳурматлаш, шахсга турли хил насихат ва тавсияларни мажбурламасликни назарда тутди, бироқ шунга қарамай бугун биз бирор даражадаги васийликсиз, ғамхўрликсиз бир қадам ҳам силжий олмаймиз.

Ҳуқуқнинг табиати ҳақидаги масалани кўриб ўтайлик, ҳозирги замондаги ҳуқуқ таърифларига кўра аввало «тартибга

солиш», «бошқариш», «регламентлаш» тушунчалари кўп ишлатилади. Ҳуқуқ давлат томонидан белгилаб берилган ва сангсияланган умум мажбурий нормалар бўлиб, одамларнинг шахсий эркинликлар асосида ва зўравонлик жазолари минимумида биргалашиб фуқаролик сиёсий яшашларини таъминлайди. Ҳуқуқ шунингдек шахсга нисбатан давлат томонидан мумкин бўлган репрессив ҳаракатларни қонуний чеклашлари, яъни конституцияси бўлишини назарда тутди. Конституция халқ эркининг ифодаси сифатида ҳуқуқий системанинг фундаментини ташкил қилади, давлат ва фуқароларнинг ўзаро мажбуриятларини белгилайди, фуқароларни полиция ва бошқа ўзбошимчаликлардан муҳофазалайди. Унда энг асосий инсон ҳуқуқлари ва уларнинг кенгайтирилиши-ижтимоий давлат ривожининг далолатидир.

Ҳуқуқни шаклан Аристотельнинг «пропорциялар» ёки ҳозирги замон утопистларининг тенгликлари маъносида тартиб ва мувозанат деб тушуниш мумкин. Бироқ ҳар қандай шакл бирор нарсанинг шаклидир, шунинг учун адолат ва тенгликнинг янада мураккаброқ муаммоси қалқиб чиқиши табиийдир. Аристотельнинг адолат назариясида мутаносиблик меёри ким томонидан белгиланган? Одамлар тенг эмаслар шунинг учун ҳар кимга ўзиники аталган. Бироқ бу меёр ким томонидан белгиланган. Шубҳасиз бу асосий масала Аристотельни хаяжонга солган эди ва у давлатнинг табиий келиб чиқиши ҳақидаги ғояга келган эди. Табиатан шундай тузилганки, хатарли одамлар мавжуддир, шунинг учун улар давлатда турли ўринларни эгаллайдилар ва турли вазифаларни бажарадилар. Айнан ана шу табиий тартиб адолатли қонунларни ифодалайди. Қонунлар авторитети (обрўси) ва кучи бу ерда табиий асос топади. Ана шундай асос ахлоққа ҳам нисбатан қўлланилади: дўстлик жамиятни маънавий тугунлар билан мустаҳкамлайди, боғлайди. Христианлик бундай оклашлар (асослар) системасини бошқа модель билан алмаштирди, бу моделда қонунлар авторитети ва кучи Худо билан боғлади, бироқ аста – секин секуляризация натижасида

авторитет инстанция ролини ахлоқ эгаллади. Ҳуқуқ ва ахлоқнинг автоном назарияларини бирлаштириб бўлмас экан, бироқ ҳаётда ҳуқуқ ва ахлоқ албатта бирлашиши керак.

Ҳатто ҳуқуқ кучдан озод қилинган ҳолда ҳам, яъни адолат тарзида бўлганда ҳам (масалан, келтирилган зарарга тенг товон тўлангандаги ҳол), у ҳар ҳолда жуда шаклан (формал) ва ўзи бажариши керак бўлган асосий мақсадни бажаришни таъминламайди. Бу масала давлатнинг бирлиги масаласидир. Гоббснинг назариясига кўра, табиий ҳолатда ҳамманинг ҳаммага қарши кураши бўлади, яъни одам – одамга-бўри. Яшаш ва бирликка эришиш учун одамлар табиий шартнома тузишлари керак, бунинг асосида улар ўзларининг куч ишлатиш ҳуқуқларидан воз кечадилар ва бу ҳуқуқларини давлат ҳокимиятини бажараётган ўз вакилларига берадилар. Айтайлик, бу вакиллар берилган ҳуқуқлардан ўз эҳтиёжларини қондириш учун фойдаланмайдилар ва батамом адолат ҳимоячилари бўлиб оладилар, яъни жиноятга яраша жазо бераверадилар. Бундай тартибнинг барқарор бўлмаслигини биринчи тушунганлардан бири Гегель эди. Жиноятчини жазолашдан иборат бўлган формал адолатлилик аслида одамларни яраштирамайди, балки ажратади: ҳар иккала томон ҳам норози ранжиб қолади ва бир – бирига нафрати сақланиб қолади. Фақат ўзаро бир – бирини тан олишгина жамият бирлигини таъминлайди.

2.5-§. Тарих фалсафаси ва унинг концептуал муаммолари

У ёки бу ижтимоий шаклларнинг келиб чиқиши ҳақидаги фикрлар мифологиядаёки мавжуд эди, бироқ тарих фалсафаси – жамият тараққиёти (одамлар ва халқлар боларидан нималарни ўтказдилар, шунингдек, ўтмиш тўғрисидаги мулоҳазалар)га доир мумкин бўлган қонуниятлар ҳақидаги назарий характерга эга бўлган алоҳида типдаги мулоҳазалар нисбатан яқинда, янги даврда пайдо бўлди. Бунинг сабаби шуки, дунёга фалсафий – тарихий қараш учун мураккаб тушунчалар – назарий шарт – шароитларни ишлаб чиқиш зарур эди. А.Ф.Лосевнинг фикрича,

ижтимоий қарор топиш, ҳаракат, тараққиёт ва ижитмий тараққиётнинг специфик тарзда интерпретация қилинган структураси тарих фалсафасини яратиш учун чегаравий асослар бўлди.¹⁵⁰ Бундан ташқари, муайян ижтимоий – тарихий тажриба ҳам керак эди. Бироқ тарих фалсафаси борди-ю файласуфнинг фикрлаш дунёнинг ҳаёт учун янада қулай бўлиши учун мавжуд дунёни қандай тартибга солиш кераклиги ҳақидаги мулоҳазаларга тўла бўлганида ҳам фикрлаш предмети бўла олмайди.

Бу ерда биринчи планга нима бўлмоғи керак ва нима ўзгармас бўлиши керак деган насихатли ўрганишлар чиққан бўларди. Гарчи бундай фикр амалиёти одатда оддий хроника қолдирса – да, у прагматик бўлади ва умумфалсафий хулосаларга йўналтирмайди.

Антик фалсафадаёқ одамлар ва худоларнинг келиб чиқиши, табиат ва жамиятнинг, халқларнинг юксалишига доир ходисаларни фикрлашга ҳаракат қилган эдилар, бироқ улар абадий нарсани ўткинчи воқеалардан ажрата олмаган, нарсалар тарихи билан жамият тарихини ажратадиган асосий фарқларни кўра олмаган эдилар. Тарих фалсафасининг куртак шарт – шароитлари христиан дини таълимотларида намоён бўла бошлади. Ҳозирги замон файласуфлари одатига кўра бу воқеани библия инқилоби¹⁵¹ деб аташ мумкин бўлар эди, аслида уни «Янги Аҳддан» келиб чиққан туғрисида гапириш мумкин эди. Бу ерда гап шундаки, «Янги Аҳд»да инсон борлиғи динамикасининг модели шакллантирилди. Бу динамика ўтмиш вақтидан (худо томонидан яратилишдан) ҳозирги замон орқали ўтиб келажак вақтга («қиёмат» куни тарзидаги апокалипсиз ғояси) етишади. Янги Аҳд таълимотининг марказий ғояси гўё инсониятнинг Халоскори бўлмиш Худо – одам Исонинг фигурасидир. Н.А. Бердяевнинг

¹⁵⁰ А.Ф. Лосев. Античная философия истории. М., 1977. с. 9.

¹⁵¹ Каранг. Дж. Реале, Д. Антисери. Западная философия от истоков до наших дней. Т.2 Средневековье. Спб., 1995. С. 8.

фикрича, Исо ғоясида «тарихий ва шу билан бирга, метафизик факт» гавдаланади¹⁵².

Библия – юнонча «китоблар», яъни китоб сўзининг кўплик маъносини билдиради. Библия бир дона ягона китоб эмас, китоблар тўплами бўлиб, бу китобларнинг ҳар бирининг ўз номи ва ўзига хослиги бор. Библия китоблари икки гуруҳга бўлинади: «Эски Аҳд» ва «Янги Аҳд» (русча «Ветхий Завет» ва «Новый Завет»). Эски Аҳд эрамиздан 1300 йилдан 100 йилгача аввал тузилган. Янги Аҳд китоблари эрамизнинг I асрида яратилган ва Исонинг ўзига ва у билан боғлиқ ходисаларга бағишланган.

Библия матнлари вақтига қараб уч тилда қадимий яхудий тили, III асрда барча матнларнинг юнон тилига таржимаси амалга оширилган. Эрамизнинг II асридан бошлаб Библия лотин тилига ҳам таржима қилина бошлаган.

Библияда илоҳий матнни илмий трактатдан ёки оддий баён қилишдан фарқ қиладиган концептуал мағизини ажратиш мумкин. Библия – насиҳат, васият концепцияси асосида қурилган. Васият – бу Худодан одамларга юборилган йўл – йўриқ, курсатма, насиҳатдир. Одамларнинг яшаши, мавжудлиги қонун билан белгиланади деб кўзда тутилади. Бу қонунни одамлар яратилмаган, у илоҳий табиатга эгадир. Худо одамларга насиҳат қилар экан, ўзи билан одамлар орасида унинг яхши ниятидан далолат берувчи алоҳида муносабатни ўрнатади. Худо маъсулликни ўз бўйнига олади. Айни вақтда насиҳат инсонни улуғлайди, уни Худога эркин интилувчан қилади. Шу муносабат билан Библия матни худо томонидан илҳомлантирувчи сифатида қаралади.¹⁵³ Бу дегани, гарчи у оддий ер инсонни – бандалар томонидан ёзилган бўлса – да, у орқали инсоний, инсонча хослик эмас, илоҳийлик кашф этилади. Матн худо томонидан илҳомлантирилган, у орқали худо Ўзини очиб беради, намоён қилади. Шунинг учун ҳам Библияни – Откровение (намоён бўлиш) деб ҳам аталади. Ўз

¹⁵² Николай Бердяев Русская идея (Основные проблемы русской мысли XIX века и начала XX века). – Париж, 1946. – 260 с.

¹⁵³ Библия – статья из Электронной еврейской энциклопедии.

табиатига кўра, Худони ҳиссий оламнинг одатдаги нарсалари каби тўғридан – тўғри тўлалигича ва батамом билиб бўлмайди. Худони тўғридан – тўғри ва батамом билиш – инсон имкониятлари доирасида эмас. Худо ўзини акидавий матнда намоён қилади, кимки ишонч, имон журъатига эга бўлса, худо ўша одамга ўз пардасини очади, биров кўтаради. Шу маънода Библия китобларига аҳд (худо билан инсон ўртасида) сўзи қўшилган. Ана шунинг учун Библия «Худонинг сўзи» бўлиб гавдаланади ва шу маънода у ишонч объекти деб тушунилади. Муқаддас китобларни ўқиганда ишончни «қавсдан ташқарига чиқариб» қўйиб, шунчаки ёт кишидек, алаҳсиган ҳолда ўқиб чиқиш мумкин эмас. Бунда жуда бўлмаганда асл яширин маънони тушуниш учун астойдил ихлос бўлиши зарурий минимумдир. Бу билан библия ғоялари дастлабки антик давр фалсафасидан радикал равишда фарқ қилади. Платон ёки Аристотель томонидан ёзилган матнларни ўқилганда улар ақлни чарҳлайди, бироқ уларни тушуниш учун инсондан бутун рухий кучларни тўплаш ва матнга алоҳида ишонч бўлиши талаб қилинмайди. Библия ғояларини ишончга асосланган ҳолда қилинмайди. Библия ғояларини ишончга асосланган ҳолда тўғри тушуниб етиш шундай куч бағишлайдики, бу кучни инсон ва инсонлар ҳамжамиятларининг маънавий киёфасини ўзгартиришга қурби етади.

Янги Аҳдни, яъни Библиянинг иккинчи қисмини кўпинча Евагелия деб юритилади. Евангелие – хуш хабар маъносида таржима қилинади. Бу ерда Исо Масихнинг пайдо бўлиши ва зўравонлик билан ўлдирилгандан сўнг мўжизавий қайта тирилишига оид хабар кўзда тутилади. Аслида Янги Аҳд Масихнинг шогирдлари апостол – евагелистлар томонидан ёзилган тўрт Евангелисдан иборат. Исо Масих оғзаки даъват қилган эди. Унинг таълимоти ва ҳаётида кечган асосий воқеалари тўрт китобда баён қилинган ва бу китоблар Евагелиялар деб, яъни Хушхабарлар деб номланган. Христианлик таълимотининг асосий маъноси айнан Янги Аҳдда, яъни Евагелимесларда акс этган, бироқ у қадимги яхудийларнинг муқаддас китоби бўлган эски Аҳд билан

чамбарчас боғланган. Ўз таълимотини баён қилишда ўзи айтган ҳар бир янги сўзни Исо Эски Адда мавжуд бўлган ҳақиқат билан солиштирар, такқослар ва бу билан ўз фикрини янада равшанроқ, тушунарлироқ қилишга эришарди. Эски Аҳднинг аҳамияти яна шундаки, унда яхудий халқининг Исо пайдо бўлгунга қадар илк тарихи батафсил баён қилинган ва унинг келажак тарихи қандай кечишига оид башоратлар қилинган. Худонинг ердаги элчиси сифатида, ўзида икки табиатни-илоҳийлик ва инсонийликни-мужассамлантирувчи Исонинг образи, ҳам худо сўзи ва, ҳам Худо одам тарзида намоён бўлиши христинликнинг бошқа фанлардан фарқ қилувчи ўзига хослигини равшан кўрсатади.

Христинлик таълимоти фалсафий-тарихий фикрлашнинг «бош нерви»ни яратадиган эмас, тарихни тушуниш принципини ҳам аниқлаб берди. Биринчидан, ҳаёт вақтининг ўтмиши, ҳозирги ва келажакнинг фарқ қилиш принципи. Иккинчидан, бутун олдинги тараққиёт маъносини билдирадиган бирор исталган ҳолатга отланганлик келажакка интилиш принципи. Учинчидан, инсон фаолиятининг янги ҳаёт сифатини шакллантирувчи кумулятив (йиғиш, тўплаш) характерда эканлиги принципи. Маълумки, христинлик юзага келгунча қадар мифологик генеалогиялар конкрет халқлар тарихини муайян аجدодлари (афсонавий персонапслар) билан боғлар эди, бу аجدодлар уларнинг ҳомийлари бўлар эди. Хатто эски Аҳд ҳам Худонинг умуман одамлар билан эмас, алоҳида танлаб олинган халқ билан ўзаро муносабатлари ҳақида баён қилади. Фақат янги Аҳд биринчи бўлиб ҳар қандай этник чекланганликни бартараф этиб, бирор танланган халққа эмас, умуман Инсонинг қайта Тирилиш мўжизасига ишонган барча одамларга мурожаат қилади. Шунинг учун айнан христинлик базасида, унинг новватирларча умуминсоний интилиши туфайли дунёвий тарихнинг ягона, биринчи анланган шакли юзага келади, буни, албатта, тарих тўғрисидаги ҳар қандай назарий мулоҳазаларнинг асосий илк бошланиши деб тан олиши керак.

Ҳар ҳолда христианча эсхатология¹⁵⁴ асл маънодаги тарих фалсафаси эмас эди.

Бу таълимотда тарихий вақтнинг «ўз - ўзидан» ҳаракатини тушунтириш ғояси кўзга ташланмайди, балки фақат худо томонидан яратилиш актларида аввалдан белгилаб қўйилган воқеаларнинг боғланиши кўрсатилган эди. Шунинг учун тарихи фалсафасини дунёвий таълимот сифатида қараш фақат Янги вақтга келиб илмий – фалсафий фикрларнинг рационал усуллари қарор топгандан сўнггина гапириш мумкин бўлди. Янги Европа фалсафасида дунёнинг маъносини излаш Худо билан эмас, дунёнинг ўзи билан боғланган эди. Бундай олманинг твсаввурдаги образи механик тушунчаларидан гавдаланган бўлиб, бунда фазо ва вақт мавхум шаклда тушунилар эди. Жамият табиатини унинг тарихий ўлчамларида аниқлашга интилишлар дастлаб назарий жихатидан унча қизиқарли туюлмади, масалан, Декарт шундай деб ўйлаган эди. XVII аср механистик дунёқараши учун жамиятнинг қайтмас ҳолатларининг ўзига хослиги ҳали тарихий тараққиёт моделини яратиш учун пишмаган хомашё эди. Гап шундаги, жамиятнинг универсаллиги ўзгармаслиги ва бирлигига асосланган эди. Уни асосий хоссаси ақллилик эди. Ақллилик хоссаси ёрдамида инсон ҳаётининг (мавжудлигини) икки асосий зарур характеристикасини аниқлаш мумкин бўлди, улардан бири (жамиятгача бўлган усули) иккинчидан (ижтимоий жамият усулидан) олдин келар эди. Инсон ҳаётининг ижтимоий усули одамларининг жамиятгача яшаш усулларида ақл принципи асосида тузилган «ижтимоий шартнома» туфайли ўзларининг «ҳақиқий табиий»лигини эгаллашлари йўли билан келиб чиқди.

Тарихни механистик тушуниш унинг ўзига хослигини механистик ҳаракат шакллари сифатида аниқлаб берди, бу қонунлар шакли тарихий ўзгаришларнинг хусусиятларини ифоламас эди. Тарихнинг механистик модели субстанция тушунчасига асосланиб қурилган ва шу туфайли унинг бирлиги қарор топар эди. Шу билан бирга, тарихнинг

¹⁵⁴ Эсхатология-«дунёнинг охири» тўғрисидаги таълимот (юнонча eschatos-охирги logos-таълимот).

субстанционаллиги ғояси тарихнинг сифат ўзгаришлари кўринишидаги жараён эканлиги, жамиятнинг бир ҳолатдан иккинчисига ўтиш жараёни¹⁵⁵ эканини тан олмас эди. Лекин шунга қарамай, шундай модель ҳам тарихни баён қилиш ва Европача триада тарзида ифодалаш учун етарли эди: антик давр, ўрта асрлар ва янги давр. Гарчи тарихни бундай тасвирлаш Уйғониш гуманистлари томонидан илгари сурилган бўлса-да, механистик ёндошув уни умумлаштирилган ва илмий асосланган концепцияга айлантирди.

XVIII асрда тарихни маърифат концепцияси шаклланди. У тарихни субстанциал (ўз – ўзига сабаб бўлган субстанция) ғоянинг ривожланиш жараёнидан келтириб чиқарар эди. Ижтимоий прогресс деган учуғ ғоя келиб чикди ва у Европа цивилизацияси учун характерли бўлиб қолди.

Тўғри, тарихнинг маърифатча моделда ижтимоий ҳаётнинг турли ҳолатларидаги барча фарқлар аввал бўлганидек, соф микдорий бўлади деб тушунилади. Фақат Г.Гегелнинг тарих фалсафасигина бутун Европа жамиятшунослигининг тараққиётидаги кескин ўзгариш чегараси бўлиб хизмат қилди. Гегелда тарихнинг ижтимоий ўзгаришларнинг тобора ривожланиб боровчи жараёнининг анонимлиги энди шахсга хос хусусиятлари олди. Тарихга инсон индивидуаллиги таъсир кўрсатади, тарих субъектнинг актив фаолиятининг майдонидир. Аввало бу нарса субъектнинг тарихда ақлли иштирокида ўз аксини топади. Субъект мантикий фикрлаши, бошқаларни у юрган йўналишда ҳаракатланишга ундаш йўлида айёрлик қилиш ва ҳатто муайян объектив ҳолатга айлантириши мумкин. Гегель тарих фалсафаси субстанция тушунчасида субъективлик жиҳатлари кўзда тутаяди, унда субъект, абсолют руҳ тарихнинг турли босқичларида жозибатор сюжетларни бошидан кечириб объективланади. Тарих айна бир субъект – абсолют руҳнинг биографияси ёки тарихий таржимаи ҳоли бўлиб намоён бўлади. У микдорий ўсишнинг абадий ва идеал шаблонлари асосига қурилмайди, балки субъектнинг тарихий фаолияти мантиқи асосида, чиниққан диалектик онг мантиқи асосига

¹⁵⁵ Қараңг: Ю.В.Перов. Историчность и историческая реальность. СПб. 2000. С- 27.

курулади. Бир тараққиёт босқичидан иккинчисига ўтиш мантиқ терминларида белгиланади. Ана шундай қилиб, тарих мантиққа, тарихийлик эса мантиқийликка мувофиқ келади, бир бўлади.

Албатта, бунда тарих воқеалар ва фактларнинг вақт давомида ёйилган кетма – кетлиги тарзида намоён бўлиши мумкин. Бироқ тарихнинг моҳияти фактлар тўпламида эмас, бу фактлар ортида яширинган воқеа ва ҳодисаларда намоён бўлади. Ана шу идеал – сабабият, тушунтирувчи боғланишлар – аслида тарих шу. Тарих у тўғрисидаги ёки уни билишга доир мулоҳазалар эмас, у ҳақиқий тарихдир, у тарихий борлиқдир.

XIX асрнинг иккинчи ярмида тарих табиатига қарашни ўзгартирадиган бошқа билиш вазияти буюк кашфиётлардан бири Ч.Дарвиннинг эволюция ғояси майдонга чиқди ва кенг тарқалди. Бу ғоя бутун фалсафага, хусусан тарих фалсафасига ҳам ўз таъсирини кўрсатди. Тарихни эволюцион биология нуқтаи – назаридан тушунтиришга уринган назария «ижтимоий дарвинизм»(социал дарвинизм) деб ном олди.

Бу назария жамиятнинг тарихий тараққиётини ҳайвонлар дунёсининг эволюциясига ўхшатиб ва унинг образида қарайди. Тирик табиат ва жамиятдаги жараёнлар тараққиётининг бир жинслилиги фақат миқдорий фарқларнигина кўзда тутди.¹⁵⁶ Тарих табиий тараққиётнинг бир турига айланиб қолади ва унинг характери табиий – илмий билишнинг идеаллари, нормалари ва қадриятларига бўйсунди. Бундай объективистик тарих умуман субъективлик жиҳатлари комплексидан маҳрум бўлиб қолди. Шундай тарзда ижтимоий физика асослари юзага келди ва у кейинчалик социология деб номланди.

Ижтимоий физиканинг асосий тушунчалари организм ва эволюция эди. Янги фан фақат текшириш мумкин бўлган фактларга ўз эътиборини қаратади ва улар асосида қонунларни ишлаб чиқарди. Бироқ, жамиятнинг тараққиётига доир фактларни табиий – илмий билишдагига ўхшаб тўплаш ва қонунларни чиқариш ўз – ўзидан тарихнинг ўзига ҳослигини тушунтириб берадиган назарияни ишлаб чиқишга олиб

¹⁵⁶ И.С. Кон. Позитивизм в социологии. Л., 1954. 23-35 б.

келмади. Тарихни тушуниш учун фақат фактни билишгина эмас, шу билан бирга давр тажрибасининг умумлашган характеристикасини ва унинг фалсафий кўринишини ҳам билиш керак эди. Ижтимоий физиканинг энг илғор позитивистик назариялари фактларни классификациялаш ва улар орасидан энг типикларини ажратиш билан чекланиб қолдилар. Бунинг натижасида улар асосида тарихий воқеаликни ниҳоятда содда ва ихтиёрий талқин қилувчи қарашлар пайдо бўлди. (Масалан, О.Контнинг тарих фалсафасидаги сингари). Бироқ уларнинг асосий ожизлиги шунда эдики, ҳеч бири ижтимоий тарихнинг бир бутун сифатида ўзига хослигини назарда олмаган, бу ўзига хосликни унинг қисмлари, элементлари хоссаларига шунчаки келтириб қўйиш мумкин эмаслигини унутган эдилар.

Тарихнинг ўзига хослигини излаш ҳаёт фалсафасида бошқа муаммовий ифода касб этди. Унинг нуқтаи – назарига кўра, тарихнинг моҳияти тўғрисида фикр юргизишдан аввал тарихнинг мавжудлик усули тарзидаги ўзига хослигини билиб олиш керак. Бошқача сўз билан айтганда, тарихнинг моҳияти мавжудлиги ҳақидаги саволга жавоб бериш зарур ва шу билан инсонлар тарихий ҳаётини равшанлаштириш керак. Ҳаёт фалсафаси тарихий ҳаётни инсон мавжудлигининг бир бутунлик хоссасига эга бўлган усули деб таърифлади. Тарихий билиш предмети радикал ўзгаришга дуч келади. Тарихнинг мавҳум моҳияти одамлар ҳаётининг конкрет усулига айланди ва уни ўрганиш методларини ҳам, билиш жараёнининг структурасини ҳам ўзгаришини талаб қилди. Янгиланган тарих фалсафаси энг мураккаб вазифани қўйди: ҳаммавақт тадқиқотчи эътиборидан чиқиб қолаётган ижтимоий – тарихий ҳаёт жараёнининг асл маъносини топишни қўйди.

Марксча тарих фалсафаси тарафдорлари, жумладан, амалий ҳаётнинг бошқа мавжудлик усулларига қараганда устуворлигини аниқладилар. Одамларнинг ҳаракатлари улар эгаллаган ғоялар томонидан илгари сурилиши тарихнинг марксча концепциясининг немис классик фалсафаси анъаналари билан боғлиқлигини билдирар эди. Марксизмнинг

асосий тезисларидан бири реаллик сифатидаги тарихда ўз мақсадларини кўзлаган одамларнинг онгланган ҳаракатларидан бошқа ҳеч нарса йўқ деб тасдиқлар эди. Тарих ўз – ўзича мавҳум субъект эмас, балки одамларнинг амалий ҳаёт фаолиятидир. Марксизмнинг бошқа асосий тезиси тарихнинг чуқур маъносини ифодалар эид. Бу тезисга кўра, одамлар ўзларининг индивидуал мақсадларини кўзлар эканлар, одамлар аслида анча катта ишни бажарадилар, улар айнан ўзларининг ҳаёт шароитларини, ўз муносабатларини ва ўз – ўзларини қайта тиклайдилар. Ана шунинг натижаси тарихдир. Айнан тарихнинг ана шундай яширилган жараёнларнинг натижаси сифатидаги характеристикаси унинг бошқа белгиларидан кўра энг аҳамиятлидир. Ана шу сўзнинг асл маъносидаги тарихдир, чунки ана шу чуқур тарих, оғир маънодаги тарих ортида одамларнинг иқтисодий ҳаётлари, уларнинг табиий дунёни ўз мақсадлари йўлида ўзгартиришга ва айни вақтда ўз – ўзларини ўзгартиришга ундайдиган эҳтиёж ва манфаатлари ётади. Шундай қилиб, маркча тарих фалсафаси тарихни иқтисодий ҳаёт тилида, бироқ амалий томондан эмас, балки инсон моҳияти билан боғлиқ ҳолда баён қилиб берди. Амалий фаолият ва иқтисодий ҳаётни жамиятни сабабий тушунтириш принципи сифатида таърифлаб К.Маркс тарихий тараққиётнинг стадиал (босқичли) моделини ва унинг асосий шаклларини асослаб берди. У тарихий жараённи жамият ҳаёти шаклларининг кетма – кет (ибтидоий шаклидан кулдорлик, феодал ва капитализм орқали коммунистик шаклига) алмашилиш жараёни деб қаради.

Тарих фалсафаси билан паралел равишда тарихни социологик билимнинг табиий – илмий методологияси атамалари ёрдамида тушунишга интилишлар амалга оширилди. Тарихийлик гоёси универсал категорияга айланди ва унинг ёрдамида жамиятнинг табиатини тарихи фалсафаси ва социологияда аниқлашга интилинди. Дунё (жаҳон) тарихнинг «бирлиги одамларнинг ва жамиятнинг тарихий ўзида намоёндыр. Борлиқ фақат тарих сифатида мумкиндир, барча қолган нотарихий борлиқ шакллари (агар улар бўлиши мумкин

бўлса) шунчаки бошқа тарихий ўлчамга эга бўлиб, уларни инсон тарихи метрикасига солиштириш кийин. XIX аср фалсафасининг йўналишлари турли – туман бўлишига қарамай, универсал тарихийлик принципи тарих фалсафасининг гуллаб – яшнашига олиб келмади, янги глобал тарихий ўзгаришларга ва умуман тарих фалсафаси соҳасида бирор даражада самарали ишга эришмади. Бунинг устига, XIX асрнинг охирига келиб тарихийлик янада кескинроқ тангликка дуч келди, бунинг қатор ички ва ташқи сабаблари мавжуд бўлиб улар қуйидагилардир.

Биринчидан, ҳаёт фалсафасининг тараққиёти (универсал тарихийлик ғоясининг асоси сифатида) XIX аср Ғарбий Европа ҳаётининг маънавий атмосферасининг либераллашуви билан бирга амалга ошди. Бундай вазият тарихий ҳаётга доир кўплаб фалсафий концепцияларнинг пайдо бўлишига ёрдам берди. Уларнинг ҳаммасини барчаси учун умумий бўлган оламни идрок қилиш бирлаштирар эди: ҳаёт ўзининг уникал ва такрорланмас турли – туманлиги жиҳатлари билан баён қилинар эди. Ҳаётни бундай тасаввур қилиш абсолют рух ҳаётининг намоён бўлишими, билишмиди ёки қадриятмиди – бу саволлар тарих фалсафасидан ташқарида қолди. Бундай дунёни идрок қилиш фақат гуманитар ва ижтимоий фанларгина қамраб қолмади. XX асрнинг бошларида микродунё физикаси соҳасидаги янги кашфиётлар натижасида микрообъектлар табиатини онглаб етиш уларнинг реал мавжудлиги ҳақидаги муаммони муҳокама қилишни келтириб чиқарди. Шу нарса маълумки бўлдики, табиат ва жамият дунёсида ҳеч қандай субстанционал ва абсолют асослар йўқ, бу олам тўлалигича ҳаёт ва энергия тўплами (мағиз)лардан иборат, уларнинг қийматлари кузатишдан кузатишга ўзгариб туриши мумкин.

Иккинчидан, тангликни юзага келтирган омил билишнинг методологик қийинчиликларидан келиб чиққан. XIX асрнинг охири ва XX асрнинг бошларидаги тарих фалсафасига доир ишлар тарихга оид янги назарий лойиҳаларни ишлаб чиқишга ва тарихий онтология муаммоларини муҳокама қилишни даъво қилмаган эдилар. Уларни биринчи навбатда методологик муаммолар, масалан, қандай шароитларда тарихни фалсафий

билиш мумкин, қандай шароитлар тарихий билишни юзага келтириши мумкин деган масалаларни қўйган эдилар. XIX асрдаги анъанавий тарихийлик қадриятлари ўз ўрнини бошқа ёндошувларга бўшатиб берди, бу ёндошувларга кўра тарихнинг ўзига хослиги уни билишга доир предмет соҳаси билангина эмас, балки уни ўрганиш методларининг хусусиятлари билан ҳам белгиланар эди. Тарихий билиш мумкин бўлган шароитларни аниқлашга доир қонуний қадам жамият ва тарихни культурологик тадқиқот қилишга ўтиш бўлди. Маълумки, маданият (культура) сўзи тадқиқот атамаси маъносида биринчи марта Э.Б.Тейлорнинг (1832-1917) «Первобытная культура» («Ибтидоий маданият») китобида пайдо бўлди. Маданият тушунчаси одамлар ва жамиятдаги маълум доирадаги маънавий (дин) ва моддий (меҳнат куруллари, уй анжомлари) ҳаётидаги предметларни қамраб олган эди. Жамият тарихига культурологик қараш инсонлар ҳаётининг конкрет шароитларга тегишли бўлган ижтимоий институтлар ва муносабларнинг кенг доирасини қамраб олди ва равшанлаштирди. Ундан ташқари, культурологик тадқиқотлар мақсадида турли – туман кузатиш, баён қилиш ва тушунтириш методлари жалб қилинди.

Айнан шу билан боғлиқ ҳолда тарихийлик танглигини келтириб чиқарган учинчи ҳолатни кўриш мумкин. Уни қадриятли ёки аксиологик омил деб аташ мумкин. Ахир кескин танглик «ижтимоий соҳада, яъни элементар зарралар ҳаёти ёки дрозифиллар ҳаёти эмас, одамларнинг ҳаёти ўрганиладиган соҳада кечди. Саёҳатчиларнинг ва миссионерларнинг XIX асрдаги денгиз орти мамлакатларидаги экзотик ҳаёт тўғрисидаги аввалги ҳикоялар ўрнини Европа маданиятига ўхшамаган бошқа маданиятларга тегишли одамларнинг ҳаётига тегишли илмий баёнлар эгаллади. Маданиятнинг бундай ҳаётий шакллари ҳаддан ташқари кўп экан. Уларни Европа анъанасига мослаб кетма – кетлигини чизикли жойлаштириш мумкин эмас эди. Европача қадриятларнинг бошқа маданиятларга оид қадриятлардан фарқ қилар экан, бу фарқлар уларнинг қандай умумий меъёрларга кўпроқ мос келиши ёки бизни бахтлироқ

қилишга тегишли эмас, фарқлилик уларнинг «бизники» эканлигидадир.

Тарих фалсафасидаги тангликдан чиқиш йўлларини методологик изланишлар билан бир қаторда XX асрнинг бошларида тарихий ва культурологик фанларнинг ўзларида ҳам тарихга тадқиқот жиҳатидан қизиқишнинг янги шакллари юзага келди, хусусан маданият фалсафасига қизиқиш кучайди.

Бундай кўринишдаги интилишлардан энг машҳури О.Шпенглернинг 1918 йилда нашр қилинган «Европа заволи» деб номланган таниқли китоби бўлди. Европа цивилизациясини таҳлил қилишда Шпенглер уни сабабий ва эволюцион усулларда тушунтиришдан воз кечиб, билишнинг структурувий ва функционал усулларида фойдалана бошлади. Тарихий вақт тушунчасига шундай структуравий хоссалар бердики, бу хоссалар тарихнинг тузилиши ва морфологиясини тасаввур қилишга имкон берар эди. Шпенглерга кўра, бу тараққиёт жараёни эмас, улкан планетарийдир, унда турли маданиятлар худди дам ёрқинланиб, дам сўниб турувчи юлдуз туркумлари сингари намоён бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир маданият ўзининг уникал архетипи (прообрази)га хос равишда қурилади. Морфологик нуқтаи – назардан маданиятларни субординация қилишга бўлган уринишлар ўринли эмас ва ихтиёрийдир, чунки бу ерда тарихий бирлик тўғрисида гапириш худди ўтлоқда ўсаётган турли – туман дала гулларининг бирлиги тўғрисида гапиришдек фойдасиздир. Шпенглернинг тарихни «даврдан даврга тизилган лентасимон чувалчанг» метафорасидан фойдаланиб менсимасликги мутлақо фалсафий – тарихий тафаккурнинг «заволи»ни билдирмайди. Янги Европа маданиятининг катта ютуғи бўлган тарихийликни дафн қилиш унчалик ҳам осон эмас¹⁵⁷.

Урушдан аввалги 1930 йилларга келиб фашизм вабоси туфайли интеллектуал фаоллик маркази инглиззабонли мамлакатларга кўча бошлади. Шунда маданиятлар эквивалентлиги концепцияси пайдо бўлди, бу концепция цивилизациялар эквивалентлиги назариясида ўз аксини топди.

¹⁵⁷ О.Шпенглер Закат Западного мира. – М: «Альфа-книга», 2014. – 1085 с

«Цивилизация» атамасининг «маданият» атамаси билан бир қаторда ишлатилиши ҳақли, масалан, қадимги цивилизациялар (Миср, Вавилон.) маданиятлари ибтидоий жамият (цивилизациясиз) маданиятидан фарқ қилади. Цивилизациянинг ўзига хосликлари тўғрисидаги масала фақат морфологик эмас, балки тарихий – генетик характер касб этади. Цивилизация тўғрисида биринчи бўлиб бу таҳлитда қўйган киши археология ва қадимги тарихи бўйича таниқли инглиз мутахассиси В.П.Чайлд¹⁵⁸ бўлди. Цивилизация прафемен (прообраз) деб аталиши мистик мавхумликдан эмас, жамият ва табиатнинг ўзаротаъсиридан вужудга келади. Унинг табиий тарихий қарор топиш жараёни сифатий сакрашлар (масалан, «неолитик инқилоб»), ва шу билан бирга, узок муддат амалга ошадиган кумулятив ўзгаришлар билан ҳам боғлиқ. Цивилизация ҳамма жойда пайдо бўлмайди, у тарихий воқеа сифатида муайян вақтда муайян жойда юзага келади. Масалан, биринчи цивилизациялардан бири бизнинг эрамизгача V минг йил Месопотамия текислигида юзага келган эди. Бу ерда мавжуд ажойиб географик шароитларга кўра Вавилон цивилизацияси Нилда тортиб то Ҳиндгача ёстанган унумдор ерлар ярим ойи бўйлаб тарқалди. Ҳар бир янги цивилизация ўчоғи Вавилон марказларидан тарқалган «тўлқин» таъсирида вужудга келди. Принцип жиҳатидан цивилизацияон ҳаёт автоном равишда параллер йўлларда ҳам пайдо бўлиши мумкин, бунга мисол тариқасида янги дунёнинг тарихий тажрибасини кўрсатиш мумкин. Бироқ, цивилизацияон ҳаётнинг автоном равишда вужудга келиш эҳтимоллиги унинг қадимийроқ бўлган цивилизация шаклларида пайдо бўлиши эҳтимоллигидан таққослаб бўлмайдиган даражада камдир.¹⁵⁹

Цивилизацияланган маданият билан ибтидоий жамиятдаги цивилизацияланмаган орасида қандай фарқ бор деган масала алоҳида муҳокамани талаб қилади. Масалан, ибтидоий маданиятда одамларнинг бир ҳамжамиятини иккинчи ҳамжамиятидан уларнинг тил белгиларига қараб ажратиш олиш

¹⁵⁸ V.G.Child. Man makes himself. London., 1936. С.225.

¹⁵⁹ Л.С.Васильев. Проблемы генезиса китайской цивилизации. М., 1976. С.36.

амалда мумкин эмас. Ибтидоий жамиятда бундай илк тилнинг бўлиши турли ибтидоий жамиятлар ҳаётида қандайдир айна бир умумий (умумлашган) шарт – шароитлар бўлган дейишга имкон беради. Бошқача айтганда, қандайдир умумлаштирилган ибтидоий маданият тушунчаси тўғрисида гапириш мумкин. Ҳолбуки, цивилизация тушунчаси одамларнинг ҳамжамиятлари орасида тил фарқликлари бўлишини тақозо қилади. Бу маънода Шпенглернинг ҳар бир маданият (цивилизация) нинг ўз «жони», «руҳи» бор деган гаплари унда бегона (ножинс) ҳодисаларнинг киришига йўл қўймайди. Цивилизацияланган жамиятларда махсус қадриятли ядронинг мавжудлиги тўғрисидаги гипотеза (худди реал атом ядросини бўлиб бўлмаганидек, уни ҳам парчалаб бўлмайди) муҳим тарихий асосга эга.

Шпенглер маданиятнинг морфологик модели, гоёси А.Тойинби (1889-1975) ишларидан янада ривожлантирилди. Шпенглернинг дунё тарихини таҳлил қилишда асосий бирлик тарзида цивилизация тушунчасидан фойдаланиш керак, деган тезисини сақалаб қолган ҳолда (цивилизация – ягона ва уникал тақдирлар, худудлар, маданиятлар умумийлиги билан маҳкамланган етарлича йирик бирлашма деб тан олган ҳолда) Тойинби фақат унинг морфологик баёни билан чекланиб қолмади. Тойинби цивилизацияларнинг ривожланиш назариясини ишлаб чиқди. У шундай бир қатор қонунлар ва тушунчаларни ишлаб чиқдики, уларнинг атамалари ёрдамида ҳар қандай алоҳида цивилизация ҳаётини, унинг ўз тараққиёти тарихининг қайси ҳолати ва босқичида эканидан қатъий назар, билиб олиш мумкин.¹⁶⁰

Даъват ва жавоб, кетиш ва қайтиш қонунлари, «ижодий озчилик» ёки «ташқи пролетариат» тушунчалари шулар жумласидандир, бу қонунлар ва тушунчалар ёрдамида ҳар қандай цивилизацияни таҳлил қилиш мумкин. Ҳар бир цивилизация ҳаётини шунингдек, айрим инсонларнинг ҳаётини анализ қилишда, универсал қолиплар бўлмаслиги керак. Ҳар қандай кузатишлар ва ҳулосалар императив кучига эга эмас,

¹⁶⁰ Каранг: А.Дж.Тойинби. Постигение истории. М.,1991. С.125.

улар фақат унинг ҳаракат йўналиши эҳтимолини беради. Тойинби фикрлари етарлича илмий қатъийликка эга бўлмай кўяқолсин (бунга ўз вақтида П.А.Сорокин (1889-1968)¹⁶¹ ўз эътиборини қаратган эди), лекин илмийлик идеалларининг ўзи ҳам бир қийматлик характерида эмас-ку. Масалан, генетикада ирсий механизмларнинг эҳтимолли таъсир хоссалари тўғрисида гапириш мумкин, ҳолбуки генетика барча тирик организмларнинг бирлигини етарлича зарурийликда ва ўтаумумийлик тарзида намойиш этмоқда. Биз тарих фанига маълум бўлган барча цивилизацияларнинг ҳаётини тушуниш ва тавсифлашга имкон берган илмий аппаратни ихтиро қилган эканмиз, нима учун бу цивилизацияларнинг тарихий ҳаётнинг ўзи хос субъектлари тарзида маълум бирлиги тўғрисида хулоса қилолмаслигимиз керак? Турли муаллифлар бундай субъектлар сонини турлича санашлари, маълум маънода, ҳал қилувчи аргумент бўла олмайди. Ибтидоий маданият умумийлигидан цивилизациялар маданиятларига ўтиши улар тарихий ҳаётлари усулларининг кўплиги билан характерланади. Агар уларнинг микроскопик қараб чиқилса, тарих кесишининг шунга ўхшаш усулларини чексиз кўп эканлигини кўриш мумкин. Ижтимоий ҳаёт тарихий турли – туманлигининг макродунё миқёсидаги таҳлили ўтказилса, у ҳолда тарихнинг тадқиқот манзараси сезиларли йириклашади. Масалан, Тойинбига тақлид қилиб цивилизацияларнинг бошланғич классификациясини амалга ошириш, улар орасида асосий (асосий қадимги шаклларга асосланиб бошланган) ва ҳосилавий (цивилизациялар асосий шаклларининг минтақавий модификацияларини) цивилизацияларни ажратиш кўрсатиш мумкин. Ҳосилавий цивилизациялар шакллари ичида Тойинби тарихийларини (ҳаёт йўли тугалланганлари) ва тириклари (ҳозирги замон тугалланганлари) ва тириклари (ҳозирги замон тақдирини ҳал қиладиган)ни ажратиш кўрсатади.

Цивилизациялар назариясида Иккинчи жаҳон урушидан кейинги қарор топган шароитлар билан боғлиқ янги жиҳатлар

¹⁶¹ П.А.Сорокин. О так называемых факторах социальной эволюции // Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992. С.522.

юзага келди. Капиталистик ва социалистик ижтимоий системаларнинг бир — бирига қарама — қарши туриши бошланди, уларнинг ҳар биридаги шароитларда ҳаётнинг яхшилигини оқлаш билан боғлиқ изланишлар авж олди. Масалан, Ғарб цивилизацияларида либерал — бозор кадриятлари, инсон эркинлиги ва ҳуқуқи ғоялари умуминсоний ютуқлар тарзида намоён бўлди. Умуминсоний кадриятлар устуворлиги айниқса «америкача мўжиза» содир бўлгач, мустаҳкам ўрнашиб қолди. Сўнгра «мўжизалар» эстафетаси Ғарбий Европа мамлакатлари ва ниҳоят, японча «мўжиза»га ўтди. Дунёдаги бундай барча ўзгаришларни назарий жиҳатдан тушунтириб бериш керак эди. Ғарб цивилизациясининг тарихий тараққиёт намунасининг қонуний эканлигини назарий тасдиқлаш ва уни Шарққа ёйиш лозимлигини асослаб бериш керак эди. Шунинг учун тарих фалсафасининг эски, дунёвий ҳамжамият ҳаётининг конкрет реалликларига жавоб бермайдиган анъанавий концепцияларини модернизация қилиш талаб қилинар эди. Шу аснода инсон жамиятининг стадиал тараққиёти глобал назариялари пайдо бўлди. 1960-1970 йилларда жамият тарихига доир назариялар учун тараққиётни куйидагича схемалаштириш типик эди. Улар учун жамиятнинг бош шакллари тарзида анъанавий жамиятлар (қадимги цивилизациялар ва ўрта аср жамиятлари) олинган эди. Анъанавий жамиятлар индустриал шаклларга эволюцияланди. Бугунги кунларда индустриал шакллар постиндустриал жамият шаклларига айланиши кузатилмоқда. Бундай тарих фалсафаси намунаси шуни кўрсатдики, бутун жаҳон тараққиётининг чизиқли характерда эканлиги ҳақидаги эски европача ғоя ўзининг аксини, ниҳоят, ҳозирги Америка Қўшма Штатлари бошлиқ ҳозирги замон ғарбий европача цивилизацияда топганлиги унинг ғўё иккинчи туғилиш, тарихнинг ўзи эса — йўқолган бирлигини қайта топгандек бўлди.

Бироқ ягона тарих, «томоша сифатидаги тарих» фақат кузга ташланадиган тарих бўлиши равшан. Ҳақиқатан ҳам, қандай қилиб бундай тарих, шу билан бирга, айнан тарих фақат

тарих тўғрисидаги фалсафий фикрлар эмас шундай бўлиши мумкин.

Классик фалсафа бундай «абдий тарих» моделини бир – бирига чирмашиб кетган «воқеалар тўрт» остидан топишга уринар эди. Унинг ғояси «инсон табиати»нинг ўзининг барқарорлиги ва ўзгармаслигига асосланган эди. Гегель тарихий жараённинг ана шундай икки сатҳли структурасини қабул қилди ва мантикий асослашни тарихий жараённинг реаллигидан устун қўйди¹⁶². Шундай қилиб, тарих фалсафаси мантиқ мавхум тилида ёзила бошланди, бундан «абсолют рух» келиб чиқди. Айнан «абсолют рух» эмпирик «бирламчи» тарихга тайинланган эди. Ҳозирги замон тарих фалсафаси шуни кўрсатдики, тарих ҳақидаги тушунча «метафизика булутларида сузиб юриши» шарт эмас, «иктисодий сабабларнинг ҳуқук тилида гапириши ва ёки тарихий қонунлар ва анъаналарни белгилаб бериши шарт эмас экан. Тарихнинг мазмунига турли – туман фактлар, воқеалар ва одамларнинг ҳаракатлари кириши мумкин, уларнинг таҳлилида эса мавхумлашган назариялар қатнашиши мумкин.

Жаҳон тарихининг асосий бўсағалари. Қадимги цивилизациялар умуман (ёки жуда бўлмаганда, биринчи цивилизация) ибтидоий жамоа маданияти харобаларидан қулай географик ва иқлимий шароитларда келиб чиққан. Гап Тигр ва Евфрат дарёлари оралиғидаги водий устида кетмоқда. Бу водий машҳур унумдор яримой деб аталган ва аслида олдинги Осиёни Африка ва Европа билан бирлаштирувчи ўзига хос қитъалараро чорраҳадир. Табиийки, бу чорраҳанинг тоғли водийлари ва текисликларида ўсимликлар ва жониворлар, қолаверса инсоннинг уникал генофондини тўпланадиган жойи бўлган (бу ерда ёввойий ҳолда буғдой ва арпа ўсган ва кейинчалик уй ҳайвонлари қилиб етиштирилган барча жониворлар яшар эди).

Дастлабки неолит даврдаёқ бу ерда биринчи одамлар жамоалари пайдо бўлган, улар овчилик ва йиғиш ҳисобига кун кўрмас, балки деҳқончилик меҳнати билан шуғулланар, яъни ишлаб чиқариш хўжалигига ўтиш бошланган эди. Бироқ бу

¹⁶² Каранг. Гегель "Энциклопедии философских наук" 1817 г.

ерлар тоғлик ёки лалими ерлар эди (сунъий сугорилмас эди, шунинг учун у ибтидоий ижтимоий институтларга чатишиб кетди ва жамиятда бирор бир сифат ўзгаришларига олиб келмади. Бирок, янги геологик эранинг бошланиши билан юзага келган жинснинг оқибатида жиддий ўзгаришлар юз берди. Хусусан, эски дунёнинг ўрта полосасида полеолит даврида энг ривожланган ибтидоий жамоалар яшаган жойларда иқлим исиши туфайли музликлар билан қопланган паст текисликлар ботқоқликларга айланади, тепаликлар эса ўрмонлар билан қопланади, буларнинг ҳаммаси иқлимни ўзгартириб юборади ва одамлар бошқа ерларга кетиб қолади бошладилар. Биринчи марта инсоннинг ҳаёти тасодифий табиий стихиялар билан эмас, биринчи галда уларнинг ўзлари яратган сунъий шароитлар билан белгилана бошлади. Одамларнинг сунъий яшаш муҳити яратишлари умуман цивилизациянинг асосий сифатларидан бири бўлди.

Миграцияланиб турувчи овчилар учун сунъий муҳит омили унчалик аҳамиятли эмас эди. Бирок ҳаёт тарзи учун сунъий муҳитнинг роли биринчи даражада эди, биринчидан, сунъий муҳит уни яратганларнинг бойлик даражасини билдиради. Шунинг учун одамлар бундай бойликни доимий ортиришга ҳаракат қилади. Иккинчидан, сунъий муҳитнинг ўрни одамларнинг ҳаёт тарзида ўзининг белгиси тил характери билан аҳамият касб этади. Гап шундаки, сунъий муҳит маданият тарзида ҳар бир предметга муайян маъно беради. Чунки, ҳар бир предмет инсон томонидан маълум мақсадда яратилади. Предметларнинг маданиятда ўзаро муносабатлари белгили тузилмалар – матнлар тарзида идрок қилина бошланади. Одамлар бу матнларни ўқиб ва уларнинг маъносини англаб, улар шу сунъий муҳит ва шу маданиятга тегишли бўлган тилни ўзлаштирадилар. Бундай шакллар – белгиларни ўзлаштириш малакаси эртами – кечми махсус белгилар ва ўзлаштириладиган ўқиш ва ёзиш малакасининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу шунчалик муҳитки, масалан, этнографияда халқларни ёзувли ва ёзувгача бўлган давр жамоаларига бўлиш

аслида уларни цивилизациялашан ва ибтидоий одамларга бўлишдир.

Ҳамонки фаровонлик фақат ўзлаштириладиган ёввойи табиатнинг бойликлари билан эмас, қайтадан яратиладиган бойлик билан белгиланар экан, бу бойлик инсон меҳнатининг натижаси бўлгани учун унинг соҳиби бўлган инсоннинг ҳам мавқеини юксалтиради, албатта.

Дехқончиликдаги меҳнатнинг самарадорлиги инсонни фақат оддий ошхўр, хўранда (тотемли жамоада у айнан шундай эди) қилиб қўймасдан, уни ўзининг яшашни таъминлашидан ортиб қоладиган даражада ишлаб чиқарувчи ишловчига айлантиради. Бунинг устига деҳқончилик ишларга амалда шу деҳқончилик марказининг барча аҳолиси (болалардан кексаларгача) жалб қилинар эди. Деҳқончилик ишлари туфайли одамларнинг умумий универсал кадриятлиги (тотем бўйича уруғларга хос кадриятлиликка эмас) мустаҳкамланди. Деҳқончилик марказида қанча кўп одамлар бўлса, улар томонидан бажариладиган ирригация ёки деҳқончилик ишлари ҳажми ҳам орта борди. Шу туфайли турмушнинг бошқа соҳаларида овқат топиш билан фақат билвосита боғланган соҳаларда ишлайдиган одамлар сони ҳам орта борди. Инсонлар жамоасининг меҳнатлари қанчалик унумли ва самарали бўлса, жамоа ҳам шунчалик бой ва кучли бўла борди. Авваллари тотемли жамоаларда овчилик қилинадиган ерлардаги овқатлар билан кун кўриш учун одамлар ёйилган ҳолда ва шунинг учун бундай жамоалар бир – бирларидан яккаланган ҳолда жойлашиб яшар эдилар. Энди уларнинг ўрнига тўпланиб, бир – бирларига кўни – кўшни булиб, биргаликда меҳнат қиладиган ҳолда яшаш юзага келди. Бундай одамларнинг ҳаётини энди тотемли даврдаги таъқиқлар ва одатлар билан бошқариб бўлмас эди, чунки фақат қариндош – уруғларгина эмас, балки деҳқончилик марказида яшаётган ҳар қандай одамлар кўшни бўлиши мумкин, улар орасидаги муносабатлар энди (аввалгидек) тўр қоидалари билан эмас, балки қавм, қабилага хос универсал қоидалар, яъни ахлоқ нормалари, сўнгра эса ҳуқуқ нормалари асосида бошқарила бошланди.

Цивилизациялашган инсон цивилизациялашмаган одамдан худди инсон ҳайвондан фарқ қилгандек фарклана бошлади. Одамлар орасидаги цивилизациялашган одамларга ёки ўзини ёввойидек тутадиган одамларга ажралиш келгусида қулчилик институтининг келиб чиқишига сабаб бўлди.

Цивилизациялашган жамиятлардаги одамларнинг онги сезиларли даражада антропоморф жиҳатларга эга бўлади. Антропоморф онг цивилизациялашган одамнинг ҳайвон билан таққослаганда анча юқори қадрият эканини тан олади. Бундай онг цивилизациялашган одамни тотем ҳайвондан келиб чиққан демайди, балки худолар ва қахрамонлардан, яъни ҳаётнинг яратувчилик хусусиятлари тўла – тўқис намоён бўлган мавжудотлардан келиб чиққан деб ҳисоблайди. (Ибтидоий онгда тотемлар ролини бажарувчи ҳайвонлар юқори мавқеига эга эдилар). Бизга маълум бўлган энг қадимги гуманизм ана шундай намоён бўлар эди, табиийки, ҳозирги замон нуқтаи – назаридан у ниҳоятда чекланган кўринади.

Шу билан бирга, тажриба шуни кўрсатадики, цивилизациялашган онг ибтидоий онгдан фақат ўзининг йўналганлиги билан эмас, балки психик жараёнларнинг ўз характери билан ҳам фарқ қилади. Гап шундаки, ибтидоий овчининг онги икки асосий ҳолатда намоён бўлади: бирор ҳиссий жиҳатдан ўта тўйинган объектга тўла тўпланган, сафарбарлик ҳолатида ва бўшашиб, эркинлик хис қилган ҳолатида (аслида инсоннинг ноаниқ ва ёқимлик қаноатлиниш ҳолатида) намоён бўлади. Бундай психик ҳолатни болаларда кузатиш мумкин. Цивилизациялашган одамнинг онги унинг турмуш тарзининг тузилишига қараб қайта қурилади. Деҳқоннинг меҳнати эскичасига тартибда (уйнинг ёнида) ва етарлича бир хилда бажарилаверади, эҳтирос кучайтиришни талаб қилмайди. Албатта, деҳқоннинг онги унинг ҳаракатларини назорат қилиб туради, тартибга солади, тузатади. Бу онг цивилизациялашган турмуш тарзининг энг муҳим омили бўлди, ҳаёт фаолиятининг образли – мифологик шаклларида рационал образнинг тушунчавий – мантиқий шаклларига томон ҳаракатига йўл очиб берди. Онгли тажриба

тобора силликланиб, оғзаки ва ёзма нутқ воситалари туфайли узатилиб, ҳар қандай цивилизациялашган инсоннинг бойлигига айланди.

Жамият тараққиётининг келгуси даври саноат давридир. Рим салтанати емирилгандан кейин Европа узок муддат Шарқнинг энг узок чеккаси бўлиб қолди. Янги даврда Ғарбий Европанинг ўрни ва ролини анча олдиндан белгилаб берган ишлаётган мулкдор фигураси анчагина аввал (ҳали антик кулчилик ҳукм сурган вақтда) пайдо бўлган эди. Бироқ, ҳатто «кибор» табақаларининг ҳаётлари ҳам ниҳоятда примитивлигича қолган ва фақат уларнинг ўзлари учунгина ишлашидан иборат эди. Бу тўғрида Салб юришлари даврига қараб ҳукм чиқариш мумкин, қайсики салбчиларнинг турмуш даражасини Яқин Шарқ аслзодаларининг дабдабали ва нафислиги билан таққослаш мумкин. Ахир уларнинг ҳаёт даражалари кўп жиҳатдан ҳунармандлик ишлаб чиқаришининг турли – туманлиги билан белгиланар эди, ҳолбуки ўрта аср Европасида касб ҳунармандчилиги суст ривожланган эди. Европада ҳунармандчиликнинг силжишлари деҳқонларнинг бир қисмлари сенъор зулмидан қутилиш учун ўзларининг ўтроы жойларидан қочиб, қироллик саройлари ёки монастырлар деворлари остида жойлаша бошлаганларидагина амалга ошди. Ана шулар ўзларининг энг содда ясаган буюмлари учун ҳам доим ҳаридор топар эдилар. Ҳунармандчилик ривожини иккинчи омили ўрта аср деҳқонининг ерни ишлаш меҳнатининг кам унумлилик характерида эди. Бу меҳнатнинг самарадорлиги Яқин Шарқдаги суғориладиган ерларда қилинадиган деҳқончилик унумлилигидан анчагина паст эди. Европача деҳқончилик деҳқоннинг меҳнат қуролини доимий янгиланиши ва мукаммаллаштирилишига муҳтож эди. Шунинг учун ҳунармандчилик ишлаб чиқаришининг ривожланишига бўлган талаб, эҳтиёж яхши ҳаёт кечиришни таъминлашда иқтисод жиҳатидан фойдали эди, у ўсди ва ривожлана бошлади.

Табиийки, эркин ҳуран одамлар ҳаётининг элементар даражасини кондиришга йўналтирилган эди, шунинг учун у бошиданок примитив савдо билан боғланган эди. Бундай

савдонинг қатор ўзига хосликлари мавжуд эди. Аввало у одамларнинг кундалик ҳаётига зарур бўлган оддий буюмлар олди – бердиси эди. Савдо маҳаллий харидорларга бевосита боғлиқ бўлгани учун фақат уларгина савдони қўллаб – қувватлашлари мумкин эди. Яна бир ҳолат шундан иборат эдики, бундай савдодан келладиган барча даромадлар ҳунарни ривожлантиришга сарфланар эди. Европача ўрта аср савдоси «янги савдо» деб ном олган эди ва сотиб олиш ва сотиш нархининг жуда катта фарқи туфайли улкан фойда келтирадиган Шарқдаги савдодан фарқ қилар эди. Савдо келтирадиган бойлик (шарқона қадимги анъаналарга мувофиқ ҳолда) капиталга айланмасдан, асосан даража ва унвонларни сотиб олишга сарфланар эди.

Айнан ўрта асрдаги Европанинг майда оммавий савдоси саноат техникаси ва молия капиталининг тараққиётига (қўш ишлаб чиқариш кредити, олтиннинг айирбошда универсал ва асосий роль ўйнайди) ёрдам берди. Шаҳарларда йирик бой савдогарлар ўтроқ бўлиб жойлаша бошладилар ва савдога ўз капиталларини киритдилар. Европа савдо инфраструктураси юзага кела бошлади. Энг асосийси шу бўлдики, оммавий ҳунармандлик меҳнати, яъни элементар саноатга йўналтирилган янги ҳаёт манбаи очган ва ўзлаштирган эркин шаҳарларда янги маданият таркиб топа бошлади, бу маданият тарихда маълум Уйғониш маданияти деган номни олди.¹⁶³ (Тўғри, одатда аввал Уйғониш санъати тўғрисида гапирилади). Ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан ўлчанадиган, яъни самарадорликнинг объектив меъёри бўлган саноат меҳнати Европада мавжуд бўлган ишчи қўлларнинг етишмаслиги шароитида техникага қизиқишни юзага келтирди. Айнан техника ишловчи ходим билан ишлаб чиқарилган товар масса ўртасидаги воситачи бўлиб хизмат қилди. Жонли инсон меҳнатининг тежамкори бўлган техникага эътиборнинг ўсиши биринчи машиналарнинг (масалан, сув ва шамол тегирмонлари, саноатлар, йигириш ва тўқиш дастгоҳлари, кўтариш ва транспорт қўрилмалари ва, ниҳоят, ҳарф териш

¹⁶³ Қараиғ: Сунаягин Г.Ф. Промышленный труд и культура Возрождения Л., 1987. С.206.

станокларининг) яратилишига сабаб бўлди. Саноат техникаси ва технологиясининг мукамаллаштирилиш фаннинг ривожланишига мадда берди.

Эркин бюргерлар шаҳарларининг улкан ютуғи ижтимоий ҳаётни янги сифатда қурилиши эди. Бундай ҳаёт ёлланма – шартномавий давлат бошқарувининг келгусида эса фуқаролик жамияти деб аталган ижтимоий шаклнинг вужудга келишида ўз ифодасини топди.

Шарқда шаҳар ҳамма вақт ҳокимиятнинг истиқомат қиладиган жойи бўлар ва унга қишлоққа қараганда кўпроқ эътибор берилар эди. Бундан фарқли равишда Ўрта аср Европасида ҳокимият бир жинсли бўлмади. Вассалик системаси ҳунармандлар шаҳарчаларининг юзага келишига имкон берди, улар кейинчалик эркин шаҳар – республикагача ўсиб етилдилар. Бундай ўзгаришлар кўпинча бюргерлар ўзларини тутиб олгандан сўнг фитналар уюштириб, маҳаллий сенъорни ҳайдаб юборишлари ва эркин шаҳар жамиятларини таъсис қилишлари туфайли юз берар эди; бу общиналарининг таркибида ҳар хил одамлар: машҳур шаҳарчи ҳам, қочок деҳқон, бой савдогарлар ва адоий – тамом бўлган рицарлар, саёҳатдаги монархлар ва майда ҳунармандлар бўлиши мумкин эди.

Бу одамлар қанчалик қатлам жиҳатидан турли – туман бўлмасинлар, улар бир нарсада тенг эдилар: уларнинг ҳаммалари таъсис қилган общиналарини эъзозлар эди, община уларни муайян минимум ҳуқуқ ва ҳавфсизликларини кафолатлар эди. Албатта, феодал жамият ҳам тенг одамлар уюшмаларини, масалан, пэрлар иттифоқи ёки шунчаки деҳқонлар иттифоқини билар эди. Бироқ буларда тенглик унча кирган одамларнинг ижтимоий бир хиллиги билан таъминланар эди. Эркин шаҳар жамияти эса бошиданок мутлақо турли хил одамлардан тузилар, лекин бу одамлар маълум муносабатда мутлақо тенг бўлар эдилар. Ана шундай йўл билан ўрта асрлар сўнгида фуқаролик жамиятининг асослари тузила бошлаган эди. Аслида бу моҳият жиҳатидан бозорда стихияли равишда таркиб топаётган ва бозордаги алмашишда сотувчи ва

хариддорнинг тенг мавқеъга эга бўлишидан иборат мамалиётни ижтимоий муносабатлар соҳасига кўчириш дегани эди. Бундай шаклланган умумийликда ҳокимият фақат шаҳар общинасига бирлашган одамларнинг эзгу хоҳиши ва моддий ҳаражатларига асосланган ҳолда таъсис қилинадиган, шартномавий бўлар эди. Анъанавий жамиятда ҳокимият универсаллиги ва «олижаноб» қатламига тегишли бўлар, бу қатлам жамиятни бошқаришга молик эди. Эркинлашган шаҳарларда шаҳарнинг энг ҳурматли кишиларининг мажлиси бўлар ва улар мустақилликни эълон қилар ва дастлабки низомни қабул қилар эдилар. Бирок кўп вақт ўтмасданок, ҳаракатчан шаҳарнинг фуқаролик ва ҳўжалик ҳаётини бундай бошқаришга таъсислик ҳокимияти етарли эмаслиги намоён бўлиб қолди. Ундан ташқари яна профессионаллар ижро қиладиган, шаҳардаги тартибни сақлаш бўлган ҳокимият керак эди. Шундай тарзда бозор ва фуқаролик жамиятининг юзага келиши билан бирга ижро ҳокимияти ҳам пайдо бўлди. Ҳудди шунда Ғарб зиёлари деб аталувчи қатлам юзага келди ва аъзолари маълум мояна эвазига ижтимоий вазифаларни бажарадиган касбий гуруҳ вужудга келдики, улар фаолиятининг натижалари шу фаолиятнинг самарадорлиги билан ўлчанадиган бўлди. Моҳияти жиҳатидан гап «бюрократлар», яъни ўз мажбуриятларини чин дилдан ва аноним равишда бажарадиган ва ҳаммадан аввал ўзларининг профессионалликлари билан ғурурланувчи одамлар тўғрисида кетмоқда.

Мана шундай янги сифатда инсон ҳам ўзгаради, у энди оммавий масштабда шахсга айланади, энди ўз ҳулқини янгича кура бошлайди. Гап шундаки, расмий равишда эркин бўлгач, бозор стихиясининг ҳар қандай агенти сингари, инсон «бутун бир умрга» кўрсатма берувчи анъанавий нормалар тўпламига бўйсунма олмас эди. Община ва худо ўрнига объективизм ва рационализм келади, дунё тўғрисида ўз тасаввурларини ўзининг кучлари шакллантириш малакасига эга бўлди, уни амалий самарасини баҳолайдиган бўлди. Дунёга объектив муносабатда бўлган ва ўз ҳулқини рационал (ақл билан) курадиган инсон эркин ва автоном индивидга айланади. Шахс

«ажралмас» ҳуқуқлари «бош масала» қилиб қўйилади, бу бир бутун ҳолда янги европача онгнинг «юридик» йўналганлигини билдиради. Диний ҳаётдаги ислоҳотлар ҳам соғлом ақл ва рационалликка асосланади, чунки ҳатто дин ҳам ижтимоий – иқтисодий тараққиётнинг қудратли стимули деб қаралади. Қадим замонларда ҳурмат шакли, ўрта асрларда эса «пасткаш» табақаларни тарбиялаш шакли бўлган меҳнат христианча «халос бўлиш»нинг оммавий шаклига айланади, рационал меҳнат аскетизми худо томонидан эъзозланишнинг ишончли белгиси сифатида бойлик билан тақдирланади. Албатта, бу янги жамият тўсатдан пайдо бўлмади ва узок муддат давомида шаклланди. Янги европача жамият ва янги европача онг Ўрта аср охирларининг биринчи савдо – саноат шаҳарларидан бошланади ва саноат революциясидан ва капиталистик Европанинг дунё цивилизация марказига айланганидан сўнг ўзининг классик ҳолатига эришади.

Тарих майдони. Тарих вақтининг узлуксиз кетма – кетлик характери – жаҳон тарихи «дарахтнинг ўзаги»дир. Ўзининг ўсишидаги муайян даврда бу «дарахт шахчалари» чиқара бошлайди, бироқ унинг шоҳлари шу даражада турли – туманки, уларни тарихий тараққиётнинг асл манзарасини бузмаган ҳолда ҳеч қандай тартибга солиш имконияти бўлмаяпти. Ибтидоий жамият ўзининг моддий ва маънавий маданиятларининг аҳамиятларининг принципиал бирлиги билан акс этган бўлса, ундан ўсиб чиққан цивилизациялар бир – биридан катта фарқлари билан ажралиб туради. Уларнинг тарихий тараққиёти қилиш сари цивилизациялар орасидаги фарқ тобора ортиб бормоқда. Бу «чинор»ни ҳозирги замон тарихий даври «нуктаи – назаридан қараладиган бўлса, цивилизацияларнинг бир неча тур «тирик» (Тойнбининг ифодалашича) хилларини кўриш мумкин. Ҳар қандай типология айна шу хилга асос бўлган умумий критерий бўлишини талаб қилади. Тойнбининг типологик таҳлилин фойдаланиб, ҳозирги замон цивилизацияларининг бешта асосий тўғрисида тўхталиб ўтамиз, уларнинг ҳар бири этник (барча асослар учун умумий бўлган) белгилар асосида ажратилади.

Гап хинд, хитой, араб – ислом, русча ва гарб цивилизация турлари хақида кетмоқда.

Хиндуист цивилизацияси энг қадимгилардан бири: унинг архитини тахминан бизнинг эрамизгача. II минг йилликнинг бошларига мос келадиган арийлар босқичилиги даврларига тўғри келади. Ҳар ҳолда эзотерик (яширин) культларнинг гўёки одамларни ердаги азоб – уқубатлардан ҳалос қилиши мумкинлиги тўғрисидаги мистик маънолари хинд жамиятининг (шубҳасиз, арийча келиб чиқишига эга бўлган) менталитетини асоси бўлиб қолди. Арийлар босқинидан кейин келгинди арий аҳолисининг маданий тараққиёти паст бўлган маҳаллий (дравид) аҳолиси билан тинч – тотув яшаш даври бошланди. Ана шу даврга жамиятнинг касталарга бўлиниши системаси тўғри келади. Арийлар аҳолисининг юқори қатламлари ўзларини жамиятдаги юқори ўринлар билан таъминлаб олдилар, кишиларни борлиқнинг юқори, «транцендент» шаклларига жалб қиладиган диний – маросимий фаолиятларни эгаллаб олдилар. Диний ритуаллар ва маросимлар диний обрўли кишилар (авторитетлар)ни шакллантирди. Жамиятдаги олий каста – брахманларнинг юқори ҳолати (ўрни) гўё уларнинг табиий ва аввалдан шу мансабга индивидуал белгилангани билан эришилади, улар бу мансабларни ҳеч қандай ташқи мажбурлашларсиз эгаллашлари керак деб тушунилади. Масалан, христиан – рицарлик муносабатлари намуналаридан фарқли равишда уларнинг устунликлари ахлоқ билан ва умуман одамларнинг яхши ва ёмонларга бўлинишлари билан бевосита боғланмаган. Одамларнинг «софликлари», уларнинг зўрлаб тузилмаган бир бутунликни ташкил қилиш мумкинлиги, бунда уларнинг ривожланганлиги ва келиб чиқишига боғлиқ ҳолда турли мажбуриятлар ва вазифалар берилишига имкон берадиган ўткир зеҳнлиликка ва универсалликка асосланган бўлиниши биринчи ўринга чиқади. Ана шу тарзда машҳур хиндча куч ишлатмаслик (зўравонликларсиз) принципига асос солинган эди, бунга кўра ҳаётини муҳим ва ички келишмовчиликлар зўравонлик ишлатиб

эмас, даъволаринг ҳақли, адолатли эканлигини оқлаш билан ҳал қилинади.

Хиндуизм, ягона диний символга эга бўлмаган, бирор ақидалашган диний таълимотга эга бўлмагани, ҳатто бирор индивидлардан юқори турувчи черков ташкилотига эга бўлмагани ҳолда ўз минтақасида ҳукмрон динга айланди. Бу нарсага ерес (кофир) ларга қарши кураш ғалабаси ҳисобига эмас (хиндиуизм бундайларни умуман билмайди), балки таниқли хиндуизм тарихчиси П.Хакер инклюзив қобилият деб ном берган, яъни бошқа (хиндуизм амалиёти учун муҳим бўлган) анъаналарни ўз маданиятига ўзига хос хусусий ҳоллар тарзида кирита олгани ҳисобига эришди. Бинобарин, хиндуизм ўзининг кўп асрлик тарихи давомида ўзининг ғояларидан бирортасини йўқотгани йўқ, у аслида на фақат жонли диний амалиёт, балки «ўз тарихининг музейи ҳамдир»!¹⁶⁴

Шу нарсани қайд қилиш керакка, хиндуизмда диний таълимотлар турли ва кўп бўлишига қарамай, қандайдир бир сакрал (яширин) анъанага, ягона қийин ифодаланадиган, бироқ осон пайқаб олинадиган дунёни идрок этишга содиқлик сезилиб туради. Дунёни бундай идрок этиш марказида инсоннинг ердаги мавжудликнинг чирик йўлларида руҳий – космик эркинлашишига универсал интилиши туради. Индуистлар диний топинишларнинг «ердаги асоси»ни машҳур хинд общинаси – «панчаят» ташкил қилади, бунинг ўзига хослиги ғаройиб барқарорлиги ва амалий функционаллигидир. Бу ерда одамларни ажратадиган каста системаси (машғулотларни ажратиш иерархик системаси билан биргаликда) бутун ҳаёт тарзини тартибга солар эди, у бир марта қарор топганича бирор янги ғоянинг пайдо бўлиш, бўлмаслигига боғлиқ бўлмайди ёки маҳаллий раджининг саройида голиб келадиган сиёсий кучларнинг бирор тарзда шаклланишига ҳам боғлиқ эмас эди.

Ердаги ҳаётнинг хиндуистик амалиёт таркибига интеграция қилиш учун ўзига хос халқчи «енгиллаштирилган»

¹⁶⁴ Каранг. Сравнительное изучение цивилизаций. Хрестоматия. / Б.К. Ерасов – тузувчи. М., 1999. С- 390.

варианти ишлаб чиқилди, бу вариант нирванага чўмиши мумкин бўлган брахман учунгина эмас, хиндларда кенг тарқалган худолар ва қаҳрамонлар ҳақидаги афсоналарни билган оддий одамлар учун ҳам тушунарли эди. Оммавий индуизмнинг моҳияти шундан иборат эдики, инсон ўзининг жамиятда тутган ўрнига қараб бажариши керак бўлган ишни чин билидан ва яхшилаб қилишга насиҳат қилиш эди, чунки анъанавий равишда бажариладиган ҳар қандай ақлга сиғмайдиган космик доиравий айланишининг бир заррасидир. Оддий одамнинг бу доиравий айланишига гармоник равишда киришиб олиши учун ягона имконият ўзининг келгуси намоён бўлишларида ўзининг софлик даражасини юксалтиришдир. Бу қадимдан маълум бўлган рухнинг кўчиши ҳақидаги пантеистик афсона нирванада тантанали сўниб боришидан иборат ўзига хос «хусусий варианты» инсоннинг янада юксакланган ҳолатига ўтиши учун инсоннинг ўз вужудий қиёфасини йўқотишини кўзда тутар эди, бироқ у одамдан итоат билан чиндиллик билан қаноатланиб бошқа бирор фавқулодда нарса талаб қилмас эди. Натижада аристократик аскет билан хинд общинасининг кундалик ҳаёти орасида ишончли «кўприк вужудга келди, бу нарса общинанинг функционал барқарорлигини ҳам мустаҳкамлади, индуизм онгидаги парадоксал монизмни ҳам қўллаб – қувватлади.

Кундалик ҳаётини даражада аристократик индуизмга хос интеллектуал – аскетик таркидунёлик, ва умумий хинд онгига хос бўлган ҳиссиётсизлик идрок ва четлашиш универсал сифати юзага келди. Бу сифат хинд маданияти вакиллари билан мулоқот қилиш вақтида уларнинг табиий хушрўйлиги ва ўзларини тутишларида жозибадор намоён бўлади ва шу билан бирга, бу сифат ижобий меҳнат этикасининг шаклланишига ижобий ёрдам бермаслиги ва маълум оқибатларга олиб келиши ҳам маълум. Шу нарсани такидлаш керакка, хиндуист цивилизациясининг амалдаги бутун кўп асрли тарихи давомида брахманлар эса бўлган ҳақиқий қутилишга доир монополиянинг шак – шубҳасизлигини бартараф этишга уринишлар тўхтамаган. Қутилишга эришишга интилишлар

турли усулларда амалга оширилган. Бундай интилишлардан бири медитация акс этади, яна бири фикрлашга нафис фалсафий кўмилиш, учинчиси инсон танаси билан турли манипуляциялар (тиббий, эротик) қилиш, тўртинчиси бадий ҳаяжонли эҳтирос ҳиссини кечириш буддизм шундай интилишлардан бири эди, бироқ буддизмда одамларнинг касталарга бўлинишлари системасини ортиқча деб билинарди. Буддизм ғоясига кўра, қачонлардир Буддага намоён бўлган ёрқинлашиш кимки бу дунёни Буддага ўхшаб унута олса, ўшандай одамларнинг барчасига ҳам хос бўлиши мумкин. Бироқ аслида буддизм анъанавий касталарга бўлиниши системасини, бундай пассив зўравонликни бартараф қила олмади, аксинча, хиндуизм унинг ёрдамида охир ниҳоясида (ўз вақтида ислом ва христианлик ғоялари экспансиясини бартараф қилганидек) буддизмни енгди. Бироқ хиндуизмга руҳи жиҳатидан қондош бўлган буддизмни енгилиши уни ажратиб ташлаш билан ифодаланмади. Индуистлик руҳида буддизмни бартараф этиш буддизмнинг индуизмнинг ўзига хос «экспорт» вариантча айланиши билан яқунланди, унинг ёрдамида дунёни индуистларча идрок этиш Шарқий ва Жанубий – Шарқий Осиёнинг деярли барча маданиятларига кириб борди.

Хитой цивилизацияси бутун Узоқ Шарқ дунёсининг ядросини ташкил қилади маълум муносабатда индуист цивилизацияга ўхшаб кетади. Индуист цивилизациясида худолардан ҳам юқори турадиган шундай олий дунёвий қонун мавжудки, у билан на фақат Вишну ва Шива, балки Брахманнинг ўзи ҳам ҳисоблашиши керак, деб ҳисобланади. Ҳитойда Осмон қонуни янада шак – шубҳасиз улуғдир. Гап шундаки, Осмон билан оддий одамлар дунёси орасида ҳеч қандай персоналашган (шахслашган) худолар йўқ. Худо каби таъзим қилинадиган император ҳам мўжизалар ярата оладиган худога айланмайди, балки «Осмон мандати»га эга бўлган (бундай мандатдан маҳрум бўлиши ҳам мумкин бўлган) реал одамдир. Хитой цивилизацияси индивидуал қурилиш (озод бўлиш) га унчалик аҳамият бермайди ва бунинг учун хинд донишмандлари томонидан ишлаб чиқилган мураккаб ментал

техникани билмайди. Ўзини нафис ҳаёлий усуллар ёрдамида кутқарадиган аристократ – аскетдан фарқли ўларок, Хитойда индивидни, у қандай мавқега эга бўлишидан қатъий назар, кутқаришга эмас, балки жамиятни «кутқариш»га зўр берилади, буни эса ҳаёлий усуллар билан амалга ошириб бўлмайди.

Хитой цивилизациясининг асосида умуман кутилиш ғояси ётмайди, унда гармония ғояси, тартиб ғояси ётади, чунки уйғунлашишсиз, тартибланишсиз ҳамавақт ҳам аҳоли кўплиги билан характерланиб келган хитойча общиналар тарзидаги жамият яшаб қолиши мумкин эмас эди. Шунини эса сақлаш керак, Хитой цивилизацияси – бу «гуруч» цивилизациясидир. Гуруч эса жуда ўзига хос экиндир. Бир томондан, ҳатто кичик майдончаларда ҳам йилига бир неча бор ҳосил бериб, катта оилани боқиши мумкин (бунинг натижасида Хитой аҳолиси жуда зич тўпланган бўлади).

Бошқа томондан, гуруч ишлаб чиқариш ниҳоятда сермеҳнат ишдир ва шоли далаларида меҳнат мавсумий узилишларсиз давом этади. Бу ерда бутун йил давомида тинмай ишлаш керак ва биров бўлса – да бефарқлик бутун бир жамоанинг ҳаракатини йўққа чиқариши мумкин.

Мана шуларнинг ҳаммаси исталган гармонияни фақат эстетик принцип сифатида илгари сурилган барчага йўналтирилган жамоанинг оддий аъзосидан тортиб то императоргача интилиши керак бўлган мутлақо амалий императив тартиб тарзида кўйилган эди. Бу нарсага алоҳида эътибор бериш муҳим, чунки бунда Хитойнинг Шарқдаги бошқа цивилизациялардан ҳам фарқи намоён бўлади. демократия ғоялари Хитой жамиятига мутлақо ёт бўлган, чунки у ерда оддий одамнинг овози маърифатли мандарин (олий даражадаги амалдор)нинг овози билан тенг бўлиши ҳақидаги фикр ҳеч қимнинг калласига ҳам келмас эди. Хитой жамиятининг асосий идеали ҳаммага баб – баровар қаратилган ва ҳамма учун тушунарлидир. Ўзининг тушунарли бўлиши билан бу идеал индуистик цивилизацияда сараланган касталаргагина тегишли бўлган аристокларча аскетизмдан мутлақо фарқ қилар эди. Хитой цивилизациясининг идеали

Яқин Шарқдаги ёки тақдирни ҳал қилувчи жасоратлар кўрсатувчи, ёки ўта кетган танбалликка берилган пайғамбар – жангчи идеалидан фарқ қилар эди. Хитой жамиятида «Осмон мандати»ни эътиборга олмаган, менсимаган император ўз ишини (бурчини) бажармаган оддий одам сингари бунга лойиқ саналади. Хитой тарихида бунга ўхшаган мисоллар кўплаб топилади, ва улар хитой хроникасида ибрат тариқасида батафсил баён қилинади, ҳолбуки хитойга хроника жанри бой ёзма меросга эга бўлган индуист маданиятида умуман йўқ. Бу ҳам тушунарли, чунки тарих-жамиятни қайта тиклаш ва «тўғрилаш», «тузатиш» техникасидир, (оний ўтиб кетадиган) айрим индивидуал ҳаётни кутқариш техникаси эмас. Нирванга чўқиниш-бу индивид абадийлигига чўқиниш техникасидир, ҳолбуки Узоқ Шарқда жамиятнинг ўзини «абадий двигател»га айлантириш тараддудида бўлганлар.

Абадий тартиб мавжуд бўлиши учун, одамлар бир-бирларига яхшилик истайдиган, соф кўнгилли бўлишлари керак, яъни яъни бошқа ҳаётда ҳашоратга айланмаслик ёки дўзаҳ оловида қовурилмаслик учунгина эзгулик қилишлари эмас, балки борлиқнинг ҳақиқий севинчини ташкил қилувчи шартланмаган ўзаро хушхулқлик кайфияти («Жень») га эга бўлмоқлари керак. Бир-бирларига ана шундай эзгулик кайфиятида бўлишининг энг табиий ифодаси «Сяо»дир, бу ҳолат фарзандларга иззат-икромдан бошланиб, кексалар ва ёшлар муносабатларига тарқаладиган, ёшига, ўрнига мувофиқ равишда қадимги афсонавий императорларнинг донишмандлигига бугунги ҳаётни бўйсундиришгача бориб етмоғи керак. Ана шундай тарзда муносиб муносабатларнинг универсал тўғри («Ли») юзага келади ва у жамиятни «оила»га айлантиради. Бу муносабатлар тўғри нафақат умумий қадриятлар билан, шу билан бирга, ҳулқий маросимлар шакллариининг бирдайлиги (бу нарсага Хитойда ҳамавакт алоҳида эътибор бериб келинган)¹⁶⁵ билан ҳам мустаҳкамланган. Конфуций давридаёқ жамият ҳаётининг стихияли шакллариини системалаштириш жараёни бошланган

¹⁶⁵ Л.С.Василов. Проблемы генезиса китайской мысли. М., 1989. С. 83.

эди, бундай системалаштириш рационалштирилган шаклдаги динга айланиб кетган эди. Эрамизгача бўлган I мингйилликнинг ўрталарида Хитойда шундай рационаллашган динни амалиётда қарор топтириш билан шуғулланувчи мавқеъи жуда юқори бўлган интиллекуллар гуруҳи шаклланган эди. Кибор уруғлардан чиққанлиги шарт бўлмаган ана шу одамлар жойлардаги ҳаёт амалий бошқариб турар эдилар

Гап шундаки, парча-парча уруғлик удел (мулк) ларнинг этник таркиби деярли бир жинсли бўлган буюк «салтанат-оила»га айланиши фақат эътиборли «цинлар»нинг феодал жамиятга одам бўлган ўзаро урушларда бир-бирларини фаол кирганлари туфайли бўлмади. Қакшатқич ўзаро урушлар борган сари оқсуяк мулкдор куйи табақаларининг роли тобора ортиб боришга олиб келди, улар аристократик уруғларнинг қадимги ёки четдаги (ён) чўлларидан келиб чиққан ва «ши»лар деб ном олган эдилар. Улар ўзларининг ҳолатда эдилар ва шунинг учун ўзларининг қандайдир шахсий афзалликлари билан ўзларини кўрсатишга ҳаракат қилар эдилар. Ўша вазиятда конфуцийча донишмандликни билиш, унга мувофиқ ҳолда яшаш, виждон кодексига энди уришда эмас, фуқаролик ишларида риоя қилиш керак эди. Ана шундай муҳитдан хизматчилар табақаси юзага келди, бу табақа бирор конкрет шахсга эмас, буюк жаҳон тартибини гавдалантирувчи умуман улуғ осмон ости содиқ эди. Кўп жиҳатдан айнан ана шу кишиларнинг ҳарактерлари туфайли аввалда парчаланган ва этник жиҳатдан биржинсли бўлмаган Хитой марказлашган ва ягона салтанатга айланди, энди у улкан оила ва универсал «абадий двигател» бўлиб яшамокда¹⁶⁶.

Императорлик Хитойнинг юксак обрўсини таъминлаган нарсаси виждон кодексига риоя қиладиган конфуцийга амалдорлардагина бўлмаган. Асосий устунлик маънавий тўла-тўқис ва ахлоқий донишмандликни бирлаштирадиган, универсал ҳаётнинг универсал, аввало, амалий тартибига қўллаб-қўллай билишга интилишда, уни ўзининг жўшқин ва узлуксиз меҳнати билан яна ва яна тиклашга сафарбарликда намоён бўлади.

¹⁶⁶ Л.С.Васильев. История Востока. Т. I. М., 1993. С.198.

Амалда бу хусусият шунда ифодаланадика, Хитойда цивилизацияси буюк ва ўзига хос маънавий маданиятга эга бўлган бошқалардан кам бўлмаган Ватангина бўлиб қолмасдан, ижобий меҳнат этикасига эришган-меҳнат нафақат ташқи зарурат балки олий жаҳон қонунига хос қадрият деб қараладиган Ватанга айланди. Ҳамон бизни ўраб олган реал олам фақат забт этиш ва бўйсундириш объекти эмас, балки бизнинг доимий ғамхўрлик қилишимиз ва севишимиз, лаззатланишимиз предмети экан, уни баркамол қиладиган ва тартибга солиб турадиган меҳнат маънавий қадрият бўлади. Шунинг учун ҳам «муваффақият принципи» ва «юридик онг устуворлигига» таянган ва бошқа шароитларда шаклланган ғарбий европача қадриятлар системасининг хитойча қадриятлар билан органик равишда муштараклашаётгани ва бунинг ҳаёт бахш ижтимоий бирикмалар бераётгани ажабланарли ҳол эмас. Яна қаранки, европаликларнинг кўплаб асрлар давомида Ҳиндистонда ҳам, ва ислом дунёсида бўлишлари ҳам бундай натижага олиб келмаган эди.

Араб – ислом цивилизацияси. Исломнинг асосий ғояси бўлмиш – инсон ўзини итоатгўйлик ва хурсандлик билан қандайдир олий ғайриисоний асосга бағишлаши ва фақат ана шундай илоҳий асосгина инсоннинг индивидуал борлигига ҳақиқий маъно ва моҳият беришга қобил эканлиги ғояси қадимги, «гидравлик» цивилизациялар деб ном олган цивилизацияларга бориб тақалади. У вақтда алоҳида инсон субъект эмас, балки тирик материалдан қурилган ва ҳамма нарсага қодир мустабидлик ҳокимиятига эга бўлган «улкан машина»нинг бир «детали» ҳисобланар эди. Биринчи минг йилликнинг охирларида Мағрибдан то Ўрта Осиёгача бўлган фазоларда қарор топган Буюк Ислом салтанати ўз қадриятлари бир жинслигини (ягона уюшиқлилигини) ҳатто давлатлар ва сиёсатнинг парчаланишидан кейин ҳам сақлаб қолди, бу қадриятлар ҳаётнинг жамоавий қурилишини индивидуал хўжалиқдан кўра устун кўради.

Араб – ислом цивилизациясининг айнан шу чуқур тарихий илдизлари унинг кўплаб идеалларини қандайдир асл,

ва ҳатто мумкин бўлган ягона маънога эга эканлигини ифодалади. Ислом цивилизациясининг бошланғич даврларидаги хайратомуз муваффақиятларини эсласак, бунга янада ишончимиз комил бўлади.

Бу араб – ислом архетипи Муҳаммад бошлик биринчи ислом уламоларининг қонунлаштирилган тарихи билан тасдиқланади. Бу араб – ислом архетипи Муҳаммад бошлик биринчи ислом уламоларининг қонунларга айлантирилган тарихи билан ҳам тасдиқланади. Унинг ўта юксак маҳорат билан баён қилинган, халқчил (ҳозирги тилда айтсак, «популситик») хутбалари судхўрликни қоралаш, тенгликка чақирувчи даъватлардан иборат эди. Уларда ҳаётнинг қийинчилиги ва машаққатлари ва шубҳалардан қутилиш йўллари – ягона, ҳамма нарсага қодир, ғамхўр Худога ишонишда деб кўртилган эди. Муҳаммад жамоа ҳаётини шундай қайта қуришни таклиф қилдики, бундай жамоа диний уюшмадан одамларнинг иттифоқига айлансин, унинг йўлбошчиси нафақат диний обрўга, мавқега, балки ўз тарафдорларининг ҳулки ва руҳларининг ҳам ягона ҳокимига айлансин. У ўша ҳаётнинг қийинчилиги машаққатлари ва шубҳаларидан қутқарувчи одамлар ўзларини фидо қиладиган қодир Худонинг ердаги ноиб бўлиб қолди. Турли турдаги ҳокимиятни диний асосда бирлаштириш принципи туфайли Муҳаммад жамият ҳаётининг «макродаражада» ташкиллашда ҳам катта имкониятга эга бўлди. Бу принцип асосида ўз динини жанговар равишда сақлаб қолишга интилган диний қардошликкина эмас, балки ҳарбий – давлат тузилмасининг ҳаёти ҳам кечар ва ўз кўлида мавжуд бўлган барча кучлар воситасида бошқа халқлар ва давлатлар орасида ҳам ўз позициясини тиклаб ва кенгайтириб борар эди.

Бундай бирлик дини ижтимоий бир бутунликка киритишга доир тегишли ташкилий шакллари воситасида ҳам мустаҳкамланган эди. Исломда қандайдир алоҳида христианликдаги сингари черков ташкилотини тузмади ва ҳатто бир системалаштирилган профессионал алоҳида диний мафқурани ҳам тузмади. Бундай қилиш ҳам керак эмас эди:

черков вазифалари давлатнинг ўзига юкланган ва давлатнинг энг олий вазифаси сифатида амалга оширилар эди.¹⁶⁷ Устига устак, кўпинча дунёвий вазифалар ҳам диний матнларда онгланар ва диний мушоахада ва журъат билан қайта баён қилинар эди. Уруш Оллоҳнинг қодирлигига шак келтирувчи мушрикларга қарши жиҳод тарзида муқаддас жазо саналар эди. Одамлараро муносабатларда адолат Қуръони Карим ва суннатларда айтилган ахлоқий ҳақиқатларни амалга ошириш услуби, воситаси сифатида қаралар эди.

Ҳатто ҳар кунги маъмурий тартиб ҳам шундай амалга оширилар эдики, диний мавқеъ нафақат ҳамҳоким, балки дунёвий ҳокимиятнинг хаками ҳам эди. Мутахассислар «ислом тарихи асл маънода сиёсий тарихга эга эмас, балки профессионал жамоа тарихи сифатида мавжуддир», деб ҳисоблайдилар.¹⁶⁸

Ислом жамияти ҳаётининг ялпи муқаддаслашуви бу жамиятга ниҳоятда сафарбарликка универсал бошқарув хусусиятларини ато этган, бу нарса айниқса танглик ҳолатларида, масалан, урушлар вақтида ёрқин намоён бўлган. Шу билан бирга, тарихий шаклланган (шартланган) ижтимоий нормаларнинг диний амалиётга бевосита чатишиб кетиши ҳаётнинг бузилишларсиз сақланишига олиб келган. Яқин Шарқ жамиятлари тарихида ислом консерватив роль ўйнаган. Араб – мусулмон маданиятининг энг юксак парвози – «ислом ренессанси» - исломнинг сиёсий қудрати заифлашган даврга, ҳаёт прагматик ва анча дуруст ҳолга келган даврга тўғри келади. Диний урушлар вақтида қўлга киритган бойликлар, ресурсларга эга бўлган амирлар, юқори авторитет бўлган Боғдод ҳалифалигидан мустақил бўлгач, уларни боғ – роғлар, ўз саройлари ва бошқа ҳовли ободончиликларига ишлата бошлаганлар. Улар ўз саройларига шоирлар, файласуфлар,

¹⁶⁷ Каранг. Общество, элита и бюрократия в развивающихся странах Востока. I китоб. М., 1974. - С.104.

¹⁶⁸ Каранг-Л.С.Васильев. История Востока. М., 1993. Т.1. С.265.

Бу соҳада мушоахада бой бўлиши учун ҳозирда мавжуд бўлган кўплаб манбалар билан таншиш лозим. Талабалар учун «Фалсафа: қомусий лугат. Т.; 2004. даги «Мухаммад ибн Абдуллоҳ», «Ислом тарихи ва фалсафаси», «Қуръони Карим» мақолалари ва бошқа адабиётларни ўқишни тавсия қиламиз.

анфақат ислом ақидасини ўрганувчи, балки қадимий эллин, рим – христиан ва форс анъаналарини билувчи олимларни тўплай бошлаганлар. Буларнинг ҳаммаси маърифатли ва маълумотли кишиларнинг кўпайишга, маданиятнинг гуллаб – яшнашига таъсир қилмай қолмас эди. Бироқ инсонга хос кундалик ҳуқуқ ва манфаатларининг диний тазъийқдан озод бўлиши ҳамма вақт ҳам мусулмон жамиятларида ўзига хос қийинчиликка дуч келган. Ҳатто улардан кўплари учун дунёвий давлат ҳанузгача ҳам ечимсиз муаммолигича қолмоқда. (Бу тўғрида мулоҳаза ва мушоҳада қилиш домла ва талабалар фаолиятида амалга оширилади).

2.6-§. Жамият фалсафаси ва унинг ижтимоий муаммолари доираси

Ижтимоий фалсафа ижтимоий реаллик ва ижтимоий инсоннинг (одамни унинг ижтимоий сифатларида) умумий характеристикаларини аниқлашдан бошланади, бунинг натижасида ўз предметини бир бутунликда ва унинг таърифлари турли – туманлиги тўғрисида конкрет билим олади. Бу йўлда биринчи қадам: фалсафий нуқтаи – назардан жамият нима, - деган саволга жавоб беришдан бошланади. Бу ерда гап қачондир ўтмишда (тарихда) мавжуд бўлган ёки ҳозир мавжуд конкрет жамият тўғрисида эмас, балки «умуман жамият» (унинг борлигича) устида кетаяпти.

Равшанки, «умуман жамият» - абстракт (назарий) тушунчадир. «Умуман жамият» амалда бўлмаган ва мавжуд эмас. аслида бўлалигича конкрет жамиятлар бўлган ва мавжуд. Улар жамиятнинг турли тарихий шакллари дир – қадимги қабилалар, Юнон полислари, Осиё монархлари, феодал, ўрта аср ва ҳозирги замонавий жамиятлар. Жамиятни конкрет ташкилот ёки кишилар гуруҳи деб таърифлаганда, одатда уларнинг формал белгилари кўрсатилади. Масалан, оила ҳақида «жамиятнинг элементар ячейкаси», турли – туман ижтимоий, ёш, этник гуруҳлар ёки бирлашмалар ҳақида гапирилади. Ёки

«жамият» тушунчасини замонавий давлат билан, шунингдек, глобал «жаҳон ҳамжамияти» билан айнийлаштирилади.

«Умуман жамият» тилидаги универсал абстракциянинг мазмуни жуда камбағал. Ундан мантиқий йўл билан тарихда қачондир мавжуд бўлган турли жамиятларнинг қандайдир конкрет белгиларини чиқариш мумкин эмас. Шунга қарамай, бундай абстракциялар бўлиши мумкингина эмас, балки зарурдир. Улар хилма – хил турдаги – турли тарихий даврларда мавжуд бўлган жамиятлар ҳозирги замонда яшаётган одамларнинг турли жамоаларини таққослаш мумкин бўлган асосдирлар. Бошқача айтганда, жамият деган фалсафий тушунча ихтиёрий конкрет жамиятни, қандайдир ижтимоий ҳодисани, ҳосса ёки муносабатни билишнинг ўзига хос шароитлари родини ўйнайди. Ушбу параграфда биз ана шу «умуман жамият» тушунчасининг имкониятлари ва самарадорлигини равшанлаштиришни мақсад қилиб кўямиз.

Ҳатто энг абстракт фалсафий тушунчалар ҳам кундалик ҳаётинг фалсафий бўлмаган тасаввурлари билан солиштирилганда маъно кашф этади. Биз жамият нима деб фикрламас эканмиз, бу тушунча жуда яхши маълумдек туюлади. «Жамият» сўзини мутлақо эркин, унинг маъносининг муаммо эканини онгламасдан ва ҳатто қилишимиз мумкин эканлигидан кўркмасдан фойдаланаверамиз, биз учун жамият – барча бошқа одамлар- биз ўз ҳаётимизда туғилгандан ўлгунча бевосита мулоқот қиладиганлар ҳам, шунингдек, борлигини биз ҳатто билмайдиганлар ҳам. Биз жамиятда яшаймиз ва у (табиат билан бир қаторда) ҳаётимизнинг мухити ҳамда шароитини ташкил қилади. Одам учун барча «бошқа одамлар» - жамият бўлса, унинг ўзи ҳам бошқалар учун ва улар нуқтаи – назарида «жамиятнинг бир қисми», жамиятга тегишли. Кўп тилларда жамият ва ижтимоий ҳаётни характерловчи сўзлар этимологик жиҳатдан изоляцияланган ягона одамни эмас, қандайдир тўплам, индивидлар тўпамини характерлайдиган умумий сўзларга бориб тақалади, уларнинг ҳаммасига тегишли бўлади ва уларни бирлаштиради.

Жамият уни ташкил этувчи (унга кирувчи) индивидларсиз мавжуд бўлмайди, ҳатто бундай ўйланмайди ҳам. Бироқ шунини ҳам кўриш муҳимки, ҳар қандай жамият – бу шунчаки одамлар эмас, фақат одамларнинг ўзи эмас. Бу одамлар бизнинг диёримизда икки юз йил аввал яшашган одамлар ҳам, ҳозирги жамиятимизнинг яшаши давом этаётган даврдаги одамлар ҳам. Бу фақат «катта» жамиятлар инсоният, халқлар, давлатларга тегишли, бу «кичиклар» ҳам. Университетлар, театрлар, ижтимоий ташкилотларнинг юбилейлари байрам қилинаётганда улар ўнлаб, юзлаб йиллар мавжуд бўлган бўлсалар, бу узок йиллар давомида талабалар ва ўқитувчиларнинг, актёрлар ва тамошабинларнинг, ташкилот аъзоларининг авлоди кўп марта янгиланган бўлади. Жамият ҳаёти, одамларнинг умрлари давомийлигидан факрли ўларок, узлуксизлиги билан характерланади, ва бу узлуксизлик унинг таркибига кирувчи индивидларнинг ҳаёти ва ўлими билан боғланмаган. Жамиятларнинг ҳалок бўлиши ва парчаланиши – бу уларнинг ташкил этувчи индивидларнинг жисмоний ўлими эмас. Тарихчилар йўқ бўлиб кетган цивилизациялар ва ҳозирги қирилиб кетган халқлар тўғрисида ёзганларида улар бу жамиятда ўша вақтда яшаган одамлар ўзларидан ворис қолдирмаганликларини назарда тутмайдилар, улар конкрет жамиятлар тарихий мавжудлигининг узлуклилигини қайд қиладилар. Бу деган сўз, жамият уни ташкил қилувчи индивидларнинг тўплами (йиғиндиси)га келтирилмайди ва алоҳида, кишиларнинг индивидуал ҳаётидан фарқ қилувчи, индивидуалликдан юқори борлик усулига эга.

Ижтимоий реаллик ташқи аниқланишининг ўзига хослиги реалликнинг бошқа турлари билан таққосланганда қайд қилиниши мумкин. Ҳар бир одам ва инсонларнинг барча авлоди туғилар экан, мавжуд жамиятни ўзининг ҳаётига берилган муҳити, шароити, асоси сифатида олади. Бу маънода жамият – объектив реалликдир, яъни у ёки бу индивидларнинг тасаввурларидагина эмас, ҳатто уларнинг индивидуал борлигидан ҳам мустақил мавжуд бўлган реалликдир. Бирор

кишининг жамиятнинг объектив мавжудлигига бўлган шубҳасидан у мавжуд бўлмай қолмайди.

Бироқ бу дегани, «жамият»нинг характеристикасида индивидлар (одамлар) эътиборсиз қолдирилиши мумкин ва уларни (уларнинг мавжудлиги конкрет тарихий ва индивидуал белгиланишлари билан) назарга олмаслик мумкин, дегани эмас. Тўғри, ижтимоий фалсафа тарихида жамият турлича тушунилган ва тушунилмоқда. Жамият деб қонунлар системаси ва бошқариш шакллари, норматив ижтимоий тартибни, қадриятлар мажмуини, ижтимоий муносабатлар мажмуи, схематик ёки коммуникатив системаларини назарда тутганлар. Жамият моделини муҳокама қилганларида баъзида тадқиқотчилар индивидларнинг (уларга хос конкрет тарихий, индивидуал ва бошқа шунга ўхшаш хоссалар билан бирга) мавжудлигидан абстракцияланиш мумкин деб ҳисоблаганлар. Бироқ улар айнан шу индивидуалларнинг мавжудлигидан абстракцияланишда ҳақ эдилар, бироқ умуман жамиятни ташкил қилган одамлар мавжудлигидан эмас. Файласуфнинг ўз таҳлилида индивидларнинг хоссаларидан абстракцияланиб, уларни назарга олмасликлари ўринли ва фақат маълум чегаралардагина мумкин, бу чегарадан ташқарида ўзининг ҳақлигини йўқотади. Жамият — шу маънода объектив реаллики, у ҳар бир индивид ва унинг боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд, бироқ барча одамларнинг мавжудлигидан ажралган ва ҳолда ва мустақил ҳолда мавжуд бўла олмайди. Жамият тирик одамларга қай даражада боғлиқ ҳолда мавжуд экан, ўзининг боғлиқ услубига кўра, субъектив реаллик бўлиб қолади, ҳолбуки, ҳар бир айрим одам учун у ана шу одамга боғлиқ бўлмаган объектив реаллик тарзида намоён бўлади. Тирик одамларнинг конкрет сифатларидан мавҳумлашиш фақат тадқиқотчининг ижтимоий ҳаётни ўрганиш учун турли ўлчамларда ва аспектларда қайд қилиш усулидир. Бундай усуллар жамиятни билишда оралик қадамлар бўлиб хизмат қилади. Бу усуллар ижтимоий реалликни унинг кўп ўлчамлиги ва бир бутунлиги тарзида назарий тафаккур қилиш учун зарурдир.

Тилда ва кундалик онгда мустаҳкамланган яна бошқа жамиятнинг барқарор тушунчаси ва ижтимоий сифатлар одатда табиат ҳақидаги тушунча ва табиий сифатларга қарама – қарши қўйилар эди. Ижтимоий фалсафа тараққиётининг бутун давомида «ижтимоийликни» «индивидуалликка», «ижтимоийлик»ни «табиийлик»ка қарама –қарши қўйиш даврдан даврга ўтгувчи мавзу бўлиб қолди, унинг турли вариацияда қўйилиши жамият ҳақидаги концепцияларнинг турли- туманлигини белгилар эди.

Ижтимоий ҳаёт ва табиат. Объектив реаллик (яъни бизнинг онгимиздан ташқарида ва унга боғлиқ бўлмаган реаллик) нинг турлари тарзида одамда табиий реаллик ва ижтимоий реалликни фарқ қилинади. Ижтимоий реаллик табиат билан таққосланганда унинг ўзига хослигини аниқлаш учун ва шунингдек, қандай қилиб ва қай даражада жамият ва тарих табиатдан боғлиқ эканини аниқлаш мақсади қўйилади. Албатта, биринчи навбатда жамият билан жонли табиатнинг муносабати тўғрисида гап кетади. Ҳаёт – бу алоҳида турдаги борлиқдир ва барча жонли нарса туғилади, яшайди, умри тугаб ўлади. Ижтимоий фалсафада ҳаёт тушунчаси ижтимоий ҳаёт деб тушунилади.

Ҳаёт – у алоҳида организмлар ҳаётими, биологик популяциялар, жинслар ёки турлар ҳаётими, ёки Ерда мавжуд «бир бутун» ҳаётми, биосферами – ҳаммаси узлуксиз янгилашиб турувчи жараёндир. Маълумки, ўз – ўзидан яралиш қобилияти ҳаётнинг энг умумий ва зарурий белгисидир. Шубҳасиз, жамият ҳаётининг ўз – ўзини тиклаш қобилияти унинг бутун тараққиёти давомида ҳаёт эволюциясининг биологик процессларидан фарқ қилади. Бироқ барча ҳолларда ҳаёт организмларнинг (жумладан, ижтимоий организмларнинг) яшаш (мавжудлик) усули бўлгани учун ўз – ўзини қайта тиклаб туради. Бундай «ўзидаги ҳаёт» одамларнинг мақсадга мқвофик фаолияти туфайли сунъий қуроллар ва воситалар яратишдан фарқли ўлароқ, ўз – ўзини яратувчи жараён, унга ўзининг яшаши ва қайта яратилишидан бошқа мақсадлар бегона. Барча тирикнинг мақсади ўз ҳаётини давом эттириш, барча тирикнинг

хаёт фаолиятининг бош маҳсули ўзининг ҳаётини давом эттирувчи тирик организмда ўзини қайта тиклаб туришдир. Ҳаёт, унинг барча шакллари ва модификацияларида ўз – ўзини сақлайди, ривожлантиради ва ташқаридан ўзининг ҳаётий фаолияти маҳсулотларини «объективлайди».

Жамиятлар ва уларни ташкил қилувчи одамларнинг яшаш усули – бу ҳам шунингдек уларнинг биргаликдаги ҳаёти, фақат биологик эмас, хос ижтимоий ҳаёти ҳамдир. Ижтимоий фалсафада «ҳаёт» тушунчаси – бу метафара ёки аналогия эмас, ундан анча юқорирокдир. Бу тушунча жамиятнинг ўзига хос ижтимоий реаллик тарзида яшаш усули (борлиғи)ни очиб беради, у умуман ҳаётга ўхшаб, жамият ва индивидларнинг ўз – ўзини узлуксиз равишда ўз – ўзидан қайта тиклаш жараёнидир, бундай ўз – ўзидан тикланиш манбалари ва мақсадлари уларнинг ўз – ўзида. Ижтимоий ҳаётни қайта ишлаб чиқариш жараёнининг субъекти ва маҳсули жамиятнинг ўзидир, у ҳаётлари вақтда чекланган одамларнинг яшаш усулидир.

Алоҳида индивидлар ҳаёти ва жамият ҳаёти – бир нарса эмас, балки одамларнинг индивидуалларнинг тирик мавжудотлар организмдаги бевосита биологик ҳаёти планидир. Иккинчидан, индивидларнинг конкрет жамият таркибидаги (тегишли ижтимоий сифатлар билан йўғрилган) ижтимоий мавжудлигидир. Бу икки ҳар хил ҳаёт эмас, айтиб бир инсон ҳаётининг икки ўлчамидир. Одамлар – тирик мавжудотлар органик маънода ҳайвонлар бўлгани меъёрида жамиятда уларнинг бевосита биологик ҳаётлари (туғилиш, яшаш, ўлиш) қайта тикланиш амалга оширилади. Бироқ инсон тури ва инсон жамоасига хос бўлган қайта тикланиш усули фақат биологик қайта тикланиши билан тамом бўлмайди ва қолган тирик мавжудотларнинг борлиқ усулидан катта фарқ қилади. Табиийлик ва ижтимоийликнинг одамда ва жамиятда ўзаро таъсирнинг конкрет шакллари – фалсафий антропологиянинг ва ижтимоий фалсафанинг алоҳида мавзусидир. Ижтимоий реалликнинг ички манбалари ва ўз – ўзидан ҳаракат механизмининг устуворлигини тан олган ҳолда, жамият ва индивидларнинг табиий муҳит билан узлуксиз ўзаро таъсирда

бўлиши ҳолидан четлаша олмаймиз. Ҳар қандай инсон ҳаёт эволюциясининг умумий қонуниятларидан тўлиқ боғлиқда бўлади. Айнан шунинг учун одамларнинг ижтимоий ҳаётининг фаолиятлари шакллари ва усуллари зарурий равишда инсон турининг биологик қайта тикланиш табиий жараёнлари фундаментининг устига қурилади.

Ерда ҳаёт табиат дунёси атроф муҳити билан доимий ўзаро таъсири жараёнида мавжуд бўлади, бу жараён давомида моддалар алмашинуви рўй беради ва атроф муҳитга мослашиш рўй беради. Бир томондан, жамият ва одамларнинг ҳаёти ҳам бундан истисно эмас, чунки, улар ҳам табиат билан ўзаро таъсирда бўлади ва худди бошқа жонзот жамоалари сингари атроф муҳитга мослашади. Иккинчи томондан, одамлар шунингдек, бутун ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳам ўзининг яшаш шароитига мослашибгина қолмай, атроф муҳитни ҳам ўзгартиради. Тўғри, буни одамлар ва ҳайвонлар турлича бажаради. Ҳайвонларнинг муҳитни ўзгартиришда уни ўзининг табиий хулки (уларнинг яшаш тарзи) усули билан амалга оширади, уларнинг бу ишининг характери улар эволюцияси ва генетикаси қонуниятларига бўйсунди. Одамлар ҳаёт фаолиятининг белгилари уларнинг биологик белгиларидангина иборат бўлмайди. Одамларнинг табиат билан муносабатлари маданият билан билвоситаланади, маданият уларнинг бутун ҳаётлари тарихи давомида яратган сунъий муҳитларидир. Одамлар худди шу моддий ва маънавий маданиятининг сунъий воситалари орқали табиат дунёсининг ўзгартиради ва янгилайди. Гарчи бунда одамлар онгли мақсадларга бўйсундилар дейилса ҳам, улар ўзларининг табиат билан ўзаро таъсирини тўла назорат қиладилар дейиш янглиш бўларди. Гап шундаки, одамларнинг табиат билан амалий ўзаро таъсирларининг анча катта қисмдаги оқибатлари инсон фаолиятининг уларинг аввалдан назарда тутилмаган ва мақсад қилинмаган шаклларида намоён бўлади. Ҳозирги даврдаги экологик вазият, унга хос бўлган таназзул анъаналари ва бошқа катор глобал муаммолар бунинг яққол далилидир .

Ҳаёт фалсафий тушунчаси ижтимоий ва биологик ҳаётни ягона бир ҳаётнинг турли турлари сифатида яқинлаштиради, инсон жамияти ҳаёт фаолияти усули билан ҳайвонларнинг биологик жараёнлардаги ҳулкини таққослаш уларнинг принципиал фарқини намоён қилади. Ҳайвонлар ўзларининг яшаш муҳитларини тайёр ҳолда оладилар, унга ирсий бўлган генетик дастурларга мувофиқ, мослашадилар, улар инстинктларига бўйсунадилар ва фақат қисмангина ҳулк – атвор индивидуал усулларини ҳосил қиладилар. Жамиятлар ҳам муайян табиий шароитларда мавжуд бўлади, табиат муҳитини ўзгартириб, қўшимча сунъий муҳит ҳосил қилади.

Жамият – одамларнинг онгли мақсадга мувофиқ фаолиятidir. Равшанки, одамларнинг амалий фаолияти ҳайвонларнинг ҳулки – атворидан худди «маданий» нарса «табиий» нарсадан фарқ қилгандай фарқланади. Жониворлар ўзига ўнг бўлган овқатни топади ва ейди. Яшаш жойларини ясайди (инлар, чуқурлар ва бошқалар), рақибларидан ҳимояланади, наслни юзага келтиради ва уни ўстиради. Атроф муҳит ҳақидаги информация уларга бу муҳитга мослашиш ва бир – бири билан мулоқот қилиш учун керак. Улар ҳаётини тажриба тўплайди, уни қайта тиклайди, ўз турининг келгуси авлодларга ўзига ҳослиги уларнинг ўз амалий фаолиятлари мақсадини ва воситаларини аниқлаш қобилиятларида яққол намоён бўлади. Анъанавий фалсафа ўз вақтидаёқ одамнинг амалий фаолиятини унинг оламга билиш (ёки назарий) муносабати билан солиштирган эди. Шундай фарз қилинадикки, инсон назарий жиҳатдан воқеъиликни у қандай бўлса, шундайлигича билади, амалий жиҳатдан эса у ўз мақсадларини амалга ошириб, воқеиликда ҳали бўлмаган натижаларга эришишга интилади. Бу ерда инсон оламни билар экан, у билан аслида қандай мавжуд бўлса, шундай дуч келмаслиги масаласидан мавҳумланиш мумкин. Чунки билиш жараёни – бу ҳамма вақт инсоннинг реал олам билан ўзаро таъсирлашиши бўлиб, унинг давомида дунёни амалда ўзгартириши ҳам, у билан фикран дунёни амалда

ўзгартирилиши ҳам, у билан фикран эксперимент олиб бориши ҳам мумкин.

Кант бу фалсафий традицияни қуйидагича хулоса қилган эди. Одамнинг дунёга назарий (билиш) муносабатида предметлар (нарсалар, объектлар)нинг мавжудлиги тасаввуримизда улар тўғрисидаги билимларимиздан аввал келади. Амалий муносабатда эса, аксинча, предмет ҳақидаги тасавур мақсад шаклида унинг мавжудлигидан аввал келади. Бу ҳолда предмет ниҳоятда кенг тушунилади: бу ерда предмет ўзгартиришга киришилган табиий ёки сунъий нарсалар, қилмишлар, ҳаракатлар, ҳолатлар бўлиши мумкин. Мақсад — ҳали мавжуд бўлмаган предмет, ҳали амалга оширилмаган ҳаракат ёки ҳали эришилмаган ҳолат тўғрисидаги фикрий тасаввурдир.

Ўз мақсадларини белгилар эканлар, одамлар гўё ўз фаолиятлари йўналтирилган предметлар соҳасининг образларини иккилантиради. Бир образ реалликни унинг объектив кўринишида намоён қилади. Бошқаси эса реалликни инсон истаган кўрнишда намоён қилади. Аслида, мақсадни аниқлаш гўё реалликни унинг объективлик маъносида инкор қилиш (мавжуд бўлган нарсани инкор қилиш) деган гап, чунки бор нарса фаолият мақсади бўла олмайди. Онг одамлар ўз ҳаётларида улар иш кўраётган предметлар реаллиги соҳасида ўзлари дуч келадиган, чекланишларни бартараф этиш қобилиятига эга. Ўз мақсадларига эришиш жараёнида улар атроф муҳитларини ва ўз — ўзларини бирор даражада ўзгартирадилар. Шунинг учун одамларнинг фаолиятлари, жониворларнинг мослашиш турмуш фаолиятларидан фаркли ўларок, амалда ўзгартирувчи фаолиятдир.

Инсон онгининг аввал бошданок амалий эканлиги тўғрисида гапирилганда шу назарда тутиладики, маданий — тарихий маънода билиш актлари инсонлар амалий ҳаёт фаолиятининг «тан — тани»га сингиб кетган, билиш мақсадлари эса амалий мақсадларига бўйсундирилган. Уларга эришишнинг мақсад ва воситаларини белгилаш инсонларнинг атроф дунё билан ва бошқа одамлар билан ўзаро алоқалар амалиёти билан

шартланган. Билиш амалиётдан ажрала борган (дифференцияланиб борган) сари одамлар ўз ҳаётий мақсадларини келажак замон маъносида белгилай бошладилар, бунда уларга эришиш жараёнлари долзарб белгилар билан фарқлана борди. Инсон ва жамият ўзларининг келажакларини лойиҳалаш қобилиятини яратдилар. Бунда мақсадлар ва воситаларнинг бир – бирига «мос келмаслик» ҳоллари ҳам кузатилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Одамлар шундай мақсадлар кўйидиларки, уларни амалга ошириш учун тегишли воситалар йўқ эди.

Инсон – барча жонзотлар ичида ўз олдига онгли мақсад қилиб, бу мақсадларнинг амалга ошишига эришиш учун ҳаракат қиладиган ягона тирик зотдир. Инсон ижтимоий ҳаётий фаолиятларининг ўзига хослиги шундаки, унинг онги бу ҳаётий фаолиятнинг мақсадини белгилай олади. Одамларнинг мақсадга йўналтирилган имкониятлари улар ижтимоий ҳаётининг ҳар қандай жараёнларида намоён бўлади. Бу имкониятлар уларнинг муомала ва ҳаракатларига тегишли зарурий шароитларни ифодалайди, уларсиз жамиятда ҳеч нима пайдо ҳам бўлмайди, яшамайди ҳам. Албатта, бунда онгининг роли амалий ҳаётий фаолиятнинг таркибида мақсадни кўзлаган вазифаларни бажариш билан чекланиб қолмайди. Одамнинг унга табиат дунёси, бошқа инсонлар дунёси ва ўз – ўзи билан бўлган барча муносабатларини ифодалашга имкон беради. Алоҳида инсон ўзини онглайдиган ва шу сабабли, дунёни билишга қодир бўлган мавжудот бўлгани учун ижтимоий реаллик ҳам бутунича онг белгиларига эга бўлган реалликдир. Ижтимоий реаллик – одамларнинг онланган ҳаётлари, уларнинг онланган ҳаракат ижтимоий реалликнинг ички сифати ва унинг яшашининг зарурий шароитлари ифодаланади. Инсонлар ижтимоий фаолияти ва ўзаро таъсирлари онгли характерда бўлиши ижтимоий реалликнинг ички табиатини ифодалайди. Бутун ижтимоий ҳаёт онг хоссалари, эмоциялар, эрк, тил, маъно ва мазмун билан тўлгандир. Ижтимоий реаллик ичида бирор алоҳида онг блокини ажратиш нотўғри бўлур эди. ижтимоий онгни алоҳида мустақил ҳодиса деб ажратиш амали

фақат тадқиқот, билиш қизиқишлари хосдир. Одамларнинг ўз мақсадларини (сабабни ёки мотивацияли омилларга боғлиқ ҳолда) онгли равишда тасаввур қилишлари ҳақиқат белгиларига эга бўлмаслиги мумкин. Ёлгон, иллюзор тасаввурлар, жумладан, йўқ нарсалар, маъхум объектлар (масалан, иблис образи, кентавр, вампир ва шунга ўхшаш образлар) ҳам одамларни ҳақиқатда инсонлар фаолиятига асл билимлар ёки реал персоналар таъсиридан кам бўлмаган илҳом мотивлари бўлиб хизмат қилиш ҳам мумкин.

Онгнинг мақсадга йўналтирувчи механизмлари (бошқа сабабий омиллар билан биргаликда) одамлар ҳаётида турли – туман ижтимоий вазиятларнинг шаклланишида иштирок этиб, бу вазиятларни ҳал қилишга доир альтернатив (муқобил) ечиш йўлларини беради. Ҳатто анъанавий маданиятларда амалда бўлган ва одамларнинг жамиятдаги ҳулқ – атворларини майда – чудасигача аввалдан белгилаб берувчи қатъий ижтимоий таъқиблар ва кўрсатмалар ҳам ҳар қанча қатъий бўлмасин, одамларнинг альтернатив ҳулқ – атвор ва ҳаракатларни намоён қилишларига ҳалал бера олмаган.

Ахлоқ нормалари бошқача ҳаракат вариантларига йўл қўймаган. Бироқ ҳар қандай норма ҳам уни бузиш имкониятини яратади. Ҳақиқатан ҳам, жамиятнинг маданий – тарихий ва ҳаётий тажрибаси кўрсатидики, ҳар қандай «аввалдан белгилаб берувчи норматив қонунлар» ҳам одамлар томонидан бузилиши мумкин экан (табитанинг истисно билмайдиган «объектив» қонунлардан фарқли ўлароқ). Алоҳида кишилар томонидан яратиладиган ижтимоий ҳаёт ва мақсадларнинг турли – туманлиги уларни ҳал қилишнинг бошқа ситуация ва усулларининг пайдо бўлиш имкониятини анча кенгайтиради.

Онгнинг на фақат алоҳида индивидуалларнинг қобилияти бўлибгина қолмай, бутун ижтимоий ҳаётнинг интеграл сифати тарзида қаралиши факти кўплаб файласуфларга бутун ижтимоий ҳаёт ва жамият тарихини «мақсад», «восита», «натижа», тушунчалардан фойдаланган ҳолда индивидларнинг мақсадга мувофиқ инструментал фаолиятига ўзшатиб қарашга мойиллик берган эди. аслида мақсадни кўзловчи бундай

инструментал ҳаракат модели ҳатто индивидларга қўлланилганда ҳам одамлар фаолиятининг барча турдаги мотивациясини қамраб ололмайди. Бундай модель билан бирга (ўша вақтлар ва у ёки бу маданиятларда) бошқа ҳаракат турлари ҳам бор ҳатто кўп эди, уларда «мақсад - восита» муносабатлари томомила бошқача талқин қилинар эди. Қандай вазиятларда ва қандай меъёрда жамоавий ижтимоий субъектларнинг (жамоавий гуруҳлар, ҳаракатлар, ижтимоий институтларни ҳам) фаолиятлари алоҳида индивидларнинг онгли мақсадларни аниқлаб ва уларга кўзлаб қиладиган фаолиятлари сингари қаралиши масаласи ҳар бир ҳолда конкрет ҳал қилиниши лозим. Умуман олганда, индивидлар учун характерли бўлган онгли равишда мақсадни кўзлаб амалга ошириладиган фаолият моделини бир бутун жамиятга кўчириш нотўғри бўлади.

Мавжуд ижтимоий тартибни сақлаш, ўзгариши ёки парчалаб ташлашга махсус ва бевосита қаратилган фаолиятлар, яъни ижтимоий ҳаётнинг ўзини қайта тиклаш ва ўзгартиришга қаратилган фаолиятлар тури ҳам бор. бироқ кўп ҳолларда инсонлар ўз ҳаётларида ўз мақсадларини кўзлайдилар, ўз эҳтиёжларини кондирадилар ва шахсий ва ижтимоий манфаатларини рўёбга чиқарадилар, бунда бир бутун жамиятнинг ҳаётини қайта тиклашни ўйламайдилар ҳам, буни мутлақо кўпинча сезмайдилар ҳам. Ижтимоий шароитлар ва фаолият усулларини қайта тиклаш ва ўзгартириш одамлар орасидаги муносабатларни мукамаллаштириш уларнинг бевосита мақсадлари бўла олмайди: бундай мақсад қандайдир ўз – ўзидан, худди уларнинг табиатга кўзда тутмай кўрсатган таъсирлари сингари амалга ошади. Бунда одамларнинг кундалик ҳаётдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Одамлар дўконлардан харидорлар қиладилар, лекин бунда товар ишлаб чиқариш ва алмаштиришини ижтимоий ташкиллантиришни мақсад қилиб қўймайдилар, ўқиш ва мутахассислик учун университетларга кирадилар, лекин бунда олий таълимнинг ижтимоий системасининг амалдаги системасини айни вақтда қайта тиклаётганларини ва меҳнатни

касбий тақсимланишини таъминлаётганларини ўйлаб ҳам ўтирмайдилар. Бутун ижтимоий ҳаёт ўзининг бир бутунлигида ва унинг ичида мавжуд бўлган, қайта тикланадиган ва ўзгартириладиган барча нарса фақат тирик одамларнинг фаолиятида ва шу фаолият туфайли амалга оширилади. Бу фаолият — жамият мавжудлигининг зарур шarti ва мазмунидир. Одамлар томонидан уларнинг индивидуал ҳаётий тажрибаси қайта яратиш айна вақтда ижтимоий ҳаётни бир бутунлигича қайта яратишдир. Бироқ, ижтимоий қайта яратиш жараёнининг мазмуни ва қонуниятларини индивидларнинг онгли мақсадни кўзлаб амалга оширадиган фаолиятлари механизмларидан келтириб чиқарилмайди, шунингдек, бир ижтимоий бутунликни ташкил қилувчи алоҳида индивидларнинг хоссаларига келтириб ҳам бўлмайди.

Жамият сунъий реаллик сифатида. Деярли узок тарихий давр давомида фалсафа ўзининг тушунчалар аппаратини асосан табиатга мурожаат қилган ва унинг қонуниятларини билишга таянган ҳолда шакллантирди ва ишлаб чиқди. Фалсафий фикр жамиятни тадқиқ қилишни бошлаганда унинг ўзига хослиги табиат ва жамиятни бир — бирига қарама — қарши қўйиш билан ифодаланди, яъни, бир томондан, «табиатан» яратилган ва ундан табиий равишда келиб чиққан ва иккинчи томондан. Одамлар томонидан сунъий яратилган мавжуд деб қаралди. Шундай қилиб, ижтимоий реалликнинг ўзига хослиги ҳақидаги масала дастлаб табиий ва сунъийликни бир — бирига солиштириш, таққослаш шаклида онгланган эди.

Табиат томонидан яратилган табиийликдан фаркли ўлароқ, жамиятда мавжуд барча нарсалар: яшаш жойлари ва меҳнат қуроллари, кийим ва рўзғор асбоблари, қонунлар ва оммавий ҳокимият, одатлар ва турмушлар тарзлари, ёзув, пул ва кўплаб бошқа нарсалар ўз — ўзидан пайдо бўлмаган, одамлар томонидан яратилган. Қадимги юнон фалсафасида ҳукмрон бўлган сунъий яратилган нарсаларга ҳавотир билан бундай қараш ўша вақтдаги мавжуд бўлган ва ич — ичидан мукамалликка эришган Космос мавжуд деб тушунишга

асосланган эди. Аристотель томонидан «технэ» (сунъий яратилган нарсалар), «праксис» (одамлар фаолияти, ҳаракатлари), «поэзис» (ҳозирги) замондаги ижод тушунчасининг аналоги) сингари тушунчаларни киритди. Космос табиат қонунларига бўйсунган, ўз – ўзича мавжуд бўлгани сингари. Одамларнинг ижтимоий ҳаёти (бунинг устига) одамларнинг ўзлари яратган ва нимани ва қандай қилиш керак ва нимани қандай қилмаслик кераклигини кўрсатиб берувчи қонунлар билан тартибга солинади, деб фараз қилинар эди. Сунъий ўрнатилган ижтимоий тартиб табиий космик тартибнинг аналоги деб намоён қилинар эди.

Фалсафий фикрнинг келгуси эволюциясида одамларнинг ижтимоий ҳаётидаги ва маданиятдаги сунъийликнинг табиийлик билан ўзаро таъсир муаммоси сунъийнинг моҳияти, мавжудлик усуллари ва ролига доир фалсафий тасаввурлар моҳияти жиҳатлари билан ўзгартирилди, бироқ (табиат томонидан яратилган) табиийлик билан (одамлар томонидан яратилган) сунъийликнинг булиниши сақланиб қолди. Аристотель қуллар «ўз табиатига кўра» (яъни туғулганидаёқ, ўзининг туғма ички моҳиятига кўра) қулдирлар, деб фараз қилиши мумкин эди. Ўрта асрларнинг феодал жамиятида қироллик ва табақалик ҳуқуқлари имтиёзлар улар эгаларининг (субъектларининг) қондошлигидан келиб чиқади, деб саналар эди. Кейинчалик, табиат ўз – ўзидан қуллар ва қулдорлар, компаниялар президентлари ва официантларни, профессорлар ва конвейер ишчиларини яратмаслигини тан олишга тўғри келди. Буларнинг ҳаммаси – одамлар томонидан сунъий яратилган ва ўзлаштирилган уларнинг ижтимоий (касбий) сифатларидир.

Инсонларнинг одам ҳаётини сақлаш ва қайта тиклаш учун зарур бўлган барча эҳтиёжлари (жумладан биологик эҳтиёжлари ҳам) жамиятда ижтимоий шаклда қондириладиган характер касб этади. Масалан, одамлар овқатланишлари керак ва улар рационининг асосини табиий ўсимликлар ва ҳайвонлари маҳсулотлари ташкил қилади. Бироқ бу маҳсулотлар сунъий яратилган қуроллар ва воситалар ёрдамида

ишлаб чиқарилади ва қайта ишланади ёки бошқа одамлардан муайян ижтимоий ишлаб чиқариш ва тақсимотнинг ижтимоий шаклларида сотиб олинади. Бу озиқ – авқатлар ушбу жамиятда яратилган ва қабул қилинган кулинария технологиялар асосида қайта сунъий ишланади ва тайёрланади, бунда одат бўлган овқатланиш шаклларига мувофиқ индивидуал ёки кўплашиб истеъмол қилинади, бунда кўзга яққол ташланувчи белги – символик характердаги процедураларга (ритуаллар. Байрам тантаналари, қабуллар ва х.к.) риоя қилинади. Худди шунга ўхшаш одамларнинг жинсий инстинктни ва биологик қайта тиклаш эҳтиёжларини қондиришнинг кўплаб ижтимоий ва маданий шаклларини кўз олдимизга келтириш мумкин, масалан дейлик, қандошлик ва оилавий боғланишлар, одатлар ва анъаналар, мулкӣ системалари, индивидларнинг жинсий – ёш ахлоқӣ, никоҳ ва никоҳдан ташқари муносабатларни қадрият – норматив тасаввурлари ва эмоциал ҳолатларини ҳам санаб ўтиш мумкин. Инсоннинг жисмоний маданияти шаклларида, яшаш жойлари, кийимларида шунга ўхшаш боғланишни кузатиш мумкин. Бу ерда ижтимоий реалликнинг (табиатдан ташқари) энг умумий фалсафӣй характеристикаларини муҳокама қилаёلمиз. Шунинг учун ижтимоийлик ва маданийликни фарқ қиладиган. Одатда социологик ва культурологик билимлар предметига хос жиҳатлар эътиборга олинмаслиги мумкин. Бу даражада маданият ижтимоий ҳаётнинг унинг ичидан туриб ишлайдиган фаоллик қиладиган томони, шакли, функцияси тарзида намоён бўлади.

Ҳамон сунъий компонент биологик (жсмоний) мавжудлиги қайта тикланиш жараёнларида шунчалик аҳамиятли экан, бундан равшанки, бутун жамият (унинг барча компонентлар)нинг ижтимоий ҳаёт фаолиятининг сунъий маҳсуллари дир.

Жамиятнинг сунъий реаллик эканлиги ҳақидаги концепцияни биринчи таклиф этган мутаффақир янги Европалик XVII асрда яшаган Ф.Бекон эди¹⁶⁹. Сунъийликни

¹⁶⁹ Фрэнсис Бэкон и принципы его философии // Фрэнсис Бэкон: Сочинения в двух томах / Сост., общая ред. и вступит. статья - А. Л. Субботин (пер. Н. А. Федорова, Я. М. Боровского). -

(табийликдан фаркли равишда) инсоннинг эрки билан яратилган деб тушунилган анъанавий ёндошувга асосланган ҳолда, у сунъийликни инсон фаолияти туфайли ўзгартирилган табийлик деб таърифлади.

Сунъийлик бор – йўғи табийликнинг ўзгартирилгани, материали жиҳатидан унинг турланишлари (метаморфозалари)дан экан, шу билан бирга, унинг ўзгартирилиши ҳам табиат қонунлари асосида амалга оширилиши мумкин экан. Беконни бевосита қизиқтирган нарса шу эдики, унга кура, сунъийлик сфераси, биринчи галда, инсон эҳтиёжларини қондириш учун яратиладиган сунъий нарсаларни яратишдир. Инсон фаолиятининг бундай нарсаларни яратишдаги самарадорлигининг асосий ва зарур шартига табиат қонунларини билиш экан. Ана шу маънода – Беконга кура – барча «сунъий нарса»лар инсонлар эркининг ва табиат қонунларини билишнинг объективлаштирилиши («нарсага айланиши»)дир¹⁷⁰.

Беконнинг бу концепцияси ижтимоий фалсафанинг Б.Спиноза, Т.Гоббс, Ж.Локк ва бошқа классиклари ишларида ривожлантирилди¹⁷¹. Ижтимоий реаллик мавжудлиги ва инсон ижтимоий сифатларининг сунъий усулининг асоси деб улар давлатни, яъни сунъий ҳуқуқий тартибни тушундилар. Масалан, ижтимоий шартнома назарияси давлат индивидларнинг кўнгилли, онгли келишувлари натижасида оммавий ҳокимият ва бошқариш шаклини таъсис қилишдан келиб чиқди, деган фикрни илгари суради. Сунъий равишда қурилган ҳуқуқий ва сиёсий тартибнинг самарадорлиги унинг қонунлари қай даражада инсон табиатига мос келишига боғлиқ бўлади. Ижтимоий – сунъийлик онгли ижтимоий қурилиш деб, бунда ижтимоий шартнома сунъий келишув бўлгани ҳолда бир бутун фуқаролик жамиятини ҳам, унинг ичида мавжуд қолган сунъий қурилма шаклларини ҳам яратади, деб фараз қилинар эди.

М.: АН СССР, Ин-т философии, изд-во соц.-эк. лит-ры "Мысль", 1971. – Т. I. – С. 5–55. – 590 с. – (Философское наследие).

¹⁷⁰ Ўша жойда.

¹⁷¹ Каранг : Ф. Бэкон, Соч. в 2-х тт, т.2-я, Опыт XVI «О безбожии», М., «Мысль», 1972, С.-386.

Жамиятни индивидлар томонидан онгли равишда сунъий реаллик деб тушунишнинг чекланганлиги кўп ўтмай билиниб қолди. Бу чекланганлик шунда эдики, бу назариётчилар сунъийликни фақат «субъект томонидан» унинг онгли мақсадларининг объектланиши деб қараганлар. Бундай бир томонламалик ижтимоий реаллик сунъий дунёсининг «тайёрлаб бериш» жараёнининг ўзини механистик тасаввур қилиш билан янада чуқурлашиб кетар эди, яъни бунда бу жараён гўё ҳунарманд – устанинг унинг ўзига хос индивидуал сифатларига мос келадиган инструментал ҳаракатларига ўзшаб қолар эди. Масалан, сиз Архимед қонунини билган ва ундан фойдаланган ҳолда солиштирма оғирлиги сувнинг солиштирма оғирлигидан катта бўлган темирдан кема ясамоқчисиз. Бу ҳолда инсон ўз фаолиятининг барча моментларини – мақсад, восита ва натижани – тўла равишда онгли нахорат қила олади. Бироқ, жамият ва давлат (гарчи уларнинг сунъийлиги тан олинган ҳолда ҳам), бундай шакллантирилмайди. Индивидуал ёки жамоа бўлиб ягона акт билан сунъий ижтимоий тартиб ўрнатиш модели «чегаравий идеаллаштириш» сифатида ҳам ярамайди.

Биринчидан, бир – биридан айрим ҳолда, жамиятдан ташқарида яшаётган одамларнинг ўз – ўзидан тўсатдан кунгилли ва онгли равишда улар ишлаб чиққан шартлар асосида жамият тузишга келишишганлар деб фарқ қилиш қизиқ. Бир томондан жамият йўқ деб, иккинчи томондан, индивидлар томонидан унинг «изидан» таъсис этиладиган вазият бўлиши ҳақида фараз қилиш «тарихий уйдирма»ни эслатади. Аслида, одамлар ҳама вақт муайян жамоада яшаганлар ва нимаики қилган бўлсалар, бу фақат бор жамиятни мукамаллаштиришда ўз аксини топган. XVII асрдаёқ француз маърифатчилари жамиятнинг сунъий равишда келиб чиққанлигининг объективлигига эътибор берганлар, ана шундай келиб чиқиш одамларнинг онги, турмуш тарзи ва ҳулқ – атворлари шаклланишига фаол таъсир кўрсатган. Инсон сунъий ижтимоий муҳитга нисбатан унинг яратувчиси эмас, унинг таъсирининг маҳсули бўлган.

Иккинчидан, одамларнинг биргаликдаги ижтимоий фаолиятларини индивидуал инструментал ҳаракат актларини тушунтириш учун яратилган «мақсад», «восита», «натижа», системасидаги тушунчалар билан тушунтириб бўлмайди. Ҳатто одамлар томонидан илгари сурилган мақсадларга эришилганда ҳам ижтимоий ҳаёт шароитларида мақсадни аниқлашда кўзда мутлақо тутилмаган турли оқибатлар келиб чиқиши кузатилади. Бу дегани, жамиятда шундай жараёнлар ва ҳодисалар ҳам бўладики, улар «онгли режа» асосида яратилмайди ва одамларнинг қандай мақсадлар қўйганларига боғлиқ бўлмайди. Бундай ижтимоий жараёнлар ва ҳодисалар инсонлар онги ва эркининг объектив ифодаланиши деб қаралиши мумкин эмас. Кейинроқ Гегель ва Маркс ижтимоий жараёнлар ва ҳодисаларнинг объективлиги уларнинг индивидлар хоши, мақсадлари ва ҳаракатларидан мустақиллигида эканини ишлаб чиқдилар. Унинг устига, жамиятдаги объект жараён ва ҳодисалар одамлар фаолиятидан бегоналашуви ва мустақиллик, автономлик ҳолида мавжуд бўлишга қобил эканлар. Масалан, жамият тараққиёти тарихининг муайян босқичида вужудга келган ва ҳозир ҳам ўзининг объектив қонунлари асосида яшаётган бозор жараёнлари ва ҳодисалари бунга мисол бўла олади. Жамиятда табиий (миллий) тилларнинг пайдо бўлиши ҳам яққол мисол, бу жараённинг тараққиёти ҳам ўзининг объектив қонуниятлари асосида кечади.

Бу ерда шуни кўрамизки, ижтимоий реаллик ҳақидаги фалсафий тасаввурларнинг тобора чуқурлашиб бориши у тўғрисидаги бир ёқлама ва соддалаштирилган тасаввурларни бартараф қилишга олиб келди, бироқ ижтимоий реалликнинг (унинг табиий асоси ва манбаларидан ташқари) сунъий эканлиги ҳамда одамлар фаолиятининг маҳсули эканлиги далилини йўққа чиқаргани йўқ. Буни тушуниш муҳим. Жамиятдаги ва тарихдаги ҳамма нарса шу фаолият туфайли яратилган, албатта ҳаммаси ҳам кўнгилли ва онгли, унинг устига, ихтиёрий равишда эмас.

Ижтимоий ҳаётнинг тарихийлиги. Фалсафа кўплаб юз йиллар давомида борлиқни, ҳақиқий оламни билишга интилиб келади. Платоннинг «нимаики ҳамма вақт ва ўзгармай мавжуд экан – шугина ҳақиқий мавжуддир» деган формуласи остига антик давр, ўрта асрлар ва Янги даврнинг кўплаб файласуфлари ўз имзоларини қўйган бўлардилар. Фалсафа ўз вазифасини шундай қўйган эди: нарсаларни уларнинг зарурлигида билиш керак, зарурий эса (таърифга кўра) – бу мавжуд бўлмаслиги мумкин бўлмаган ёки бошқача мавжуд бўлиши, яъни ўзгариши мумкин бўлмаган нарсадир. Барча «чекланган» ўзгарувчан, пайдо бўлган ва йўқ бўлган нарсани фалсафа абадий ўзгармас моҳиятларни тасодифий ифодалаган қуйи рангдаги борлиқ деб қарар эди. Борлиқ фалсафаси шундай эди. Тўғри, Гераклит давридаёқ бошқа фалсафий анъана ҳам мавжуд эди, унга кўра, барча мавжуд нарса ўзгаришларининг зиддиятли, узлуксиз жараёнидир. Борлиқ фалсафаси ва пайдо бўлиш (тикланиш) фалсафаси деярли икки минг йил давомида бир – бири билан «рақобатлашиб» келдилар.

Бу принципал фалсафий позицияларни қайта куриш немис классик фалсафасидан (Г.Фихте, Ф.Шеллинг, айниқса, Гегельдан) бошланди. Классик фалсафий қарашлардан замонавий ноклассик қарашларга ўтилганда бутун олам, бутун мавжуд нарсалар ҳаётини жаарён сифатида намоён бўлди. Универсумни нарсалардан, уларнинг хоссалари ва ўзаро таъсиридан тузилган деб тушуниш ўрнига дунёни ўзгармайдиган ҳеч нарса қолмайдиган жараёнлар мажмуи деб тушунтириш келди. Аввал доимий, барқарор деб тасаввур қилинадиган барча жиҳатлар («нарса»лик, «предметлик») энди ўткинчи (вақтли) жаарённинг моменти, ҳолати сифатида, бу жараённинг ичида мавжуд бўлади ва ундан ўзининг сифат аниқликларини олади деб талқин қилина бошлади. Барча мавжудликнинг энг асосий характеристикаси «тарихийлик» деб эълон қилинди.

Тарихийликнинг оддий вақтли – жараёнлиликдан («диахронликдан») асосий фарқи шунда эдики, тарихий жараёнликда қайтмас ўзгаришлар рўй берарди. Ижтимоий

ҳаётни жамиятни қайта яратувчи узлуксиз жараён деб тушунишда ҳали ўз – ўзидан тарихий жараённинг («тарихийликни») қайтмаслиги унинг зарурий моменти деб қараш даъвоси йўқ эди. Унинг устига «тарихгача бўлган» деб номланган архаик анъанавий жамиятлар «тарихсиз» ва «тарихдан ташқари» жамиятларнинг мумкинлигина эмас, балки ҳақиқатда бўлган эканликларини намойиш қилганда бўларди.

Аслида воқеъликнинг бизга маълум бўлган барча жараёнлари (микродунё жараёнларидан тортиб Коинотдаги жараёнларгача) вақтда қайтмаслик хусусиятидадирлар, шунинг учун эса бу маънода мажудликлар қайтмас тарихга эгадирлар. Ҳеч нима, ҳеч қачон. Ҳеч қаерда мутлоқ ўша шароитларда ва ўша шаклларда такрорланмайди (қайтмайди) ва шунга мувофиқ табиий ва тарихий жараённинг қайтмаслиги табиий ва ижтимоий реаллик мавжудлигининг универсал хусусиятидир. Фалсафада шу фактнинг тан олиниши бутун мавжудликнинг, яъни борлиқнинг универсал тарихийлиги гоёси деб аталади.

Равшанки, билиш мақсадларида қайтмаслик хоссасидан мавҳумланиш мумкин. Масалан, классик механиканинг механикавий жараёнлари айти бир шароитларда ҳамма вақт ва ҳамма жойда қайта тиклаш мумкин эканлигини қайд қиладиган қонунлари шундайдир. Бундай фараз қилиш табиатда ва жамиятда рўй берадиган жараёнлар ўзгаришлар шиддати бирдай эмас. Космик эволюциянинг табиий жараёнлари миллиардлаб йилларга тенг улкан вақт масштабларда ўлчанади. Худди шунинг учун ҳам классик механикада (ва бошқа шунга ўхшаш ҳолларда) вақтнинг қайтмаслиги хоссасини назарда олмаслик мумкин, чунки табиатда тарихий ўзгаришлар шиддати юқори эмас. табиатдаги жараёнларнинг инсон эмас. табиатдаги жараёнларнинг шиддати инсон ҳаётининг вақт масштаблари билан ўлчамдош эмас, лекин нарсани қайд қилиш керакки, қайтмас жараёнларнинг кечиш тезлиги бу қайтмасликнинг фактини ҳам, моҳиятини ҳам ўзгартирмайди.

Ижтимоий фалсафанинг муҳим вазифаларидан бири ижтимоий – тарихий жараёнлар қайтмаслигининг белгиларини аниқлашдир. Тасодифий анъаналар ва жараёнлар барқарор,

такрорланувчи ва зарурий қонунлар билан шартланган. Одамлар тарихида ҳам шундай ҳолатлар эҳтимоли бор ва бўлганки, уларни шартли равишда ижтимоий ҳаётни оддий қайта тиклаш деб аташ мумкин. Ижтимоий ҳаётни қайта тиклашда доир бу ҳарактердаги жараёнлар баъзида мазкур жамоанинг куч ва воситаларини максимал зўриқишни талаб максимал зўриқишни талаб қилган. Бу ерда мисол тариқасида юзлаб йиллар давомида бир – биридан алоҳида яшаган примитив қабилалар ва жамоаларнинг жамоани қайта тиклаш нисбатан элементар жараёнларини кўрсатиш мумкин. Бирок бундай примитив жамоаларга нисбатан уларнинг «тарихдан ташқарида» ва «тарихгача» мавжуд бўлганликлари тўғрисида гапириш тарихий уйдирмадир. Аслида гап қайтмас ижтимоий – тарихий жараённинг вақтнинг турли конкрет пайтлардаги конкрет инсон жамоаларини ифодаловчи турли шакллари (вариантлари) тўғрисида кетмоқда.

Фалсафа ҳатто ўзининг вазифасини абадий, ўзгармас моҳиятларни билиш билан чекланган даврларида ҳам ҳодисалар дунёсидаги барча мавжудликлар ўткинчи ва ўзгарувчан эканлигини инкор қилмаган эди. Бирок универсал тарихийликни тан олиниши дунёдаги барча мавжудликлар қайтмас ўзгаришларни бошидан кечиради, у пайдо бўлади ва йўқ бўлади, яъни у чекланган деган фактни фақат қайд қилиш эмас, унинг моҳияти янада чуқурроқ. Тарихийликнинг қарор топиши бу қайтмас ўзгартиришлар тасодифий ва иккинчи даражали ҳодисалар билан чекланмайди, балки реалликни ўлчашнинг барча асосий ўлчамликларини қамраб олади, яъни бошқача айтганда ижтимоий ҳаётнинг қонунлари тарихий ва унинг қонуний анъаналари ҳам тарихийлигини қамраб олади, деган ақидани илгари суради.

Классик фалсафа инсон моҳиятининг, инсон табиатининг абадийлиги ва ўзгармаслиги абадийлиги ва ўзгармаслиги ғоясини тасдиқларди. Инсон табиати деган тушунча инсонда ҳамма вақтларда ва ҳар қандай шарт – шароитларда ҳам ҳар қанақа инсонга зарур ва хос бўлган нарсани қайд қилар эди. Шундай ишонч мавжуд эдики, инсон табиатини бундай тавсиф

қилиш инсон мавжудлигининг энг умумий ва зарур параметрларини дедуктив йўл билан келтириб чиқариш мумкин. Бунда инсон ва инсоният мавжудлигининг ҳар қандай усуллари инсоннинг универсал табиатининг тарихда турли вариантларда, модификацияларда намоён бўлиши деб қаралар эди. Ҳозирда инсонда бундай олдиндан берилган ва универсал моҳият йўқ деган фикр устун туради. Инсон ўзининг барча ижтимоий сифатларини жамиятнинг тарихий ривожланиши жараёнида ҳосил қиларди. Тарихий тараққиётнинг ҳар бир босқичида инсоният (ёки ҳар бир инсон) ундан тарихнинг ўзи ва жамиятнинг ўзи «яратган» ҳолида мавжуддир. Албатта, бундан тарих ёки жамият уни онгли равишда ва ўз ихтиёри билан шундай қилади, деган маъно келиб чиқмайди. Агар ижтимоий реалликнинг яшаш усулини унинг ўзини қайта тиклаш жараёни деб қаралса, бу жараённинг энг асосий хусусияти унинг тарихийлигидир. Бу деган сўз, тарихий ўлчамлилик ижтимоий ҳаётнинг энг асосий характеристикаси экан, яъни жамиятнинг моҳияти ва ижтимоий (ижтимоий сифатлар билан белгиланадиган) инсоннинг моҳияти тарихда шаклланади ва тарихий ўзгартирилади, тарихга моликдир ва фақат тарихдан билиниши мумкин. Ижтимоий ҳаёт биринчи навбатда тарихий ҳаётдир.

Фалсафада тарихий ғоянинг қарор топиши жамиятга ва унинг тарихига бўлган қарашларнинг кескин ўзгаришини билдирар эди. яшаб турган жамиятнинг тарихий ўзгаришларга эга бўлишини қандай кўрсатиш мумкин? Агар санок системаси сифатида «жамият» тушунчасининг ўзини қабул қилинса, унда қайтмас «тарихни» кўриш ниҳоятда қийин, бу тушунчада у йўқ. Статик ҳолатига (ҳамма нарсанинг ҳам) таянган ҳолда бундай ҳолатнинг қатмас тарихий жараён натижаси эканини тасдиқ қилиб бўлинмайди. Тадқиқот масаласининг янгича шакллантирилиши тарих тушунчасини бошланғич санок системаси деб қабул қилади. Шунинг учун ҳар қандай жамиятнинг таърифи дастлабдан (бошиданок) тарихий квалификация олган. Жамият тарихи тарихий жараённинг алмашилиб турувчи ҳолатларининг асосий сифат фарқларидан

шаклланади. Бундай фарқлар булмаган жойда воқеалар хроникаси бору, тарих бўлмайди. Гап биринчи навбатда, бизга билиш жараёнида кўзга ташланадиган (пайкаб олинадиган) фарқлар тўғрисидагина кетаётгани йўқ. Тарихий жараён тушунчасининг ўзи жамиятнинг конкрет тараккиёт фазасидаги табиатини белгиловчи фарқлар бўлишини кўзда тутди. Тарих тушунчаси турли ижтимоий ҳолатлар орасидаги айнан шундай жараёний боғланишларни ифодалайди. Ижтимоий ҳаёт ҳаммасини бошқатдан бошлаш учун узилмайди. Жамиятни ўзгартиришга доир ҳар қандай ўзгартиришлар фақат уни қайта тиклашнинг узлуксиз жараёни ичида ва унинг асосида амалга оширилиши мумкин. Бу нарса ижтимоий ҳаётнинг зарур қабулчанлигини, унинг ворислигини ва тарихий тажрибани тўплашини ифодалайди. Тажрибани ўзгартириш ва қайта тиклаш (танланганларини ҳам, ўзгартирилган шаклларини ҳам) ижтимоий ҳаётнинг ҳар қандай соҳаларидаги турли – туман анъаналар тарзида ўз аксини топади. Биринчи томондан, ҳар қандай ижтимоий новациялар, ҳатто онгли ва изчил равишда анъанавий (ҳатто ҳар қандай аввалги шаклини) ижтимоий фаолиятини инкор этадиган новациялар ҳам бирор даражада аввалги ўтган ҳолатлар билан белгиланади ва бу билан ўзининг тарихий илдиҳзларини кўрсатади. Бошқа томондан, ҳар қандай ижтимоий – тарихий ҳолат ўзининг номукамал эканлигини намоён қилади ва тарих давом этаётган бўлгани туфайли келажакка йўналтирилганини, келгусида мумкин бўлган ҳар қандай ўзгартиришлар учун очик эканлигини курсатади.

Ўсимликлар ва жониволар ўз тарихини ва тарихнинг улар билан қилмишларини пассив бошидан ўтказади. Улар фақат ўзларининг табиий эволюциялари объектларидир. Одамлар эса ўз тарихларини онгли равишда ўзлари яратишга, жуда бўлмаганда унда фаол қатнашишни даъво қиладилар (бу даъвонинг қанчалик тўғри эканлиги масаласига ҳозирча тўхталмаймиз). Одамларнинг тарихга ана шу аралашишлари тарихнинг субъективлигини белгилайди. XX аср фалсафий антропологияси ва экзистенциал фалсафа ўз эътиборини инсон мавжудлигининг (ҳаётининг) вақтинча, ниҳояли ва проектив

характерга қаратганлиги бежиз эмас. Бизга маълум бўлган жонзодлар ичида фақат одамгина ўзининг ўлишини, «чекли» эканлигини ва шу билан бирга, туғилишини ва ўлишини (дунёга меҳмон эканини) билади. Инсоннинг фаолияти яқин ситуацион ҳолатлар хоҳиш ва интилишлар билан чегараланмайди, аксинча келгуси давр истиқболига юз тутган. Бу келажак истиқболи баъзида жуда узок тасвирланади. Мақсадларининг ва бу мақсадларга эришишга доир ўз ҳаракатларини бўлгуси аҳволини доимий ҳисобга олишга мажбур бўлган инсон ўзининг келгусида мавжуд бўлишининг проектига (лойҳасига) айланади. Ўзининг чекланганлигини, ўз ҳаёт тарзининг проекциясини билиши инсон учун вақт жиҳатидан ўтмишдаги чуқурлигини (ретроспективасини) ва келажак вақтдаги истиқболини очиб беради. Барча, бор нарсаларнинг ўз тарихи бор, бироқ фақат инсонгина ўз тарихини билиш имконига эга ва ўзининг тарихий мавжудот эканини билади. Одамлар томонидан тарихни англаб етиш, ижтимоий ҳаётни англаш сингари, ташқаридан амалга оширилмайди, унинг ичидан амалга оширилади: инсон тарихдан ташқарида була олмайди, ва у ташқаридан туриб ўзини билинадиган объект эмас. Ижтимоий тарих фақат онгланмайди, худди инсоннинг индивидуал ҳаётини яшаб ўтган сингари, одамлар томонидан яшаб ўтилади.

Тарихийлик тушунчаси грамматик ва маъно жиҳатидан «тарих» тушунчасидан келиб чиққан, унинг маъноси ҳам кейинги юз йиллар давомида бир мунча ўзгартиришларга дуч келган. Дастлаб тарих деб фактларни, бўлаётган ҳодисалар, рўй берган нарсаларни баён қилиб беришни, ҳикояни тушунган эдилар ва шунинг учун XVII ва XVIII асрларда «фуқаролик тарихи» билан бир қаторда табиат фактларини баён қилиб берувчи «табий тарих» деган тушунча ҳам бор эди. «Тарих» атамаси назарий билимга карама – қарши ўларок, бевосита кузатувларда тўпланган ёки курганларнинг гувоҳликлариндан ва ҳужжатлардан олинган, шунингдек, баён этилган воқеа ва далиллардан иборат ҳар қандай эмпирик билимни билдирар эди. Анча кейинроқ тарих ҳақида бирор объект ҳолатларининг

вакт давомида алмашинишлари (жамият тарихи ва табиат тарихи) ҳақидаги тасаввур шаклланди ва шунга мувофиқ ҳолда тарихий билиш ва бу жараён тўғрисида билим тарих деб гапириладиган бўлди. Ижтимоий – тарихий жараённинг зарурий ва қонуний деб тан олинishi турли тарих фалсафий ривоятларда назарий рақобатлашуви фикрларнинг пайдо бўлишини бошлаб берди.

XIX аср бошларидан тарихни тушунишнинг яна бир муҳим белгиси пайдо бўлди. Тарихий реаллик тушунчаси қарор топди. Бу тушунча шунчаки ниманидир (давлат, уруш, санъат, техника ва шунга ўхшаш.) тарихни ифодаламас эди, у тарихий борлиқнинг алоҳида турдаги реаллигини (табиий борлиқ реаллигига ўхшаб) ифодалар эди. тарихий реаллик тарзида тушунилган тарих предметли тарихий борлиқдир, бунда тарихда рўй берадиган (воқеалар, жараёнлар, одамлар ва уларнинг ишлари турли ижтимоий ва маданий шакллари) барча нарсалар қачондир пайдо бўлади, яшайди ва йўқ бўлишга мажбурдирлар. Бундай тушунишда тарих – унда рўй берадиган барчанинг тўпламигина эмас, балки ана шу рўй беришлар содир бўладиган «жой» ҳамдир, бу жойда «тарихий борлиқ ёки мавжудлик» мавжуддир. Тарих – тарихий борлиқ ва ҳар қандай тарихий ҳодисанинг имкони учун зарур шароитдир. Табор бўлиши керак, у одамлар яшаши ва ҳаракат қилиши учун ҳамма нарса турадиган «жой».

Шундай қилиб, тарих тушунчаси бутун ижтимоий – тарихий мавжудлик ва унинг ўзгаришлари; буни «воқеалар тарихи» деб ном олган. Тарих унда пайдо бўлиб, унда мавжуд бўладиган барча нарсаларнинг борлиқ усулидир. Тарихни қайтмаслик вақтли жараён деб тушуниш бизнинг кунларимизда унинг махсус реаллик сифатида кўриш ғояси билан тўлдирилган. Кўрпалаб мутафаккирлар учун «жамият» ва «тарих» жуда яқин тушунилади; тарих тушунчасига афзаллик бериш асоси шундаки, тарих мавжудлик усули жамиятнинг фундаментал характеристикасидир, ижтимоий ҳаёт ўз моҳиятига кўра тарихнинг ўзидир. Жамият ва тарих тўтсида

алоҳида нарсалар деб қараш маънога эга эмас, чунки у ягона ижтимоий – тарихий реалликдир.

Жамиятнинг реаллик сифатидаги аспектлари. Ижтимоий реалликни шу вақтгача, биринчидан, кишиларнинг биргаликдаги ижтимоий ҳаётларини қайта тиклаш жараёни деб, иккинчидан, қайтмас тарихий жараён тарих деб тушундик. У ва бу тушунишимиз ижтимоий реалликни унинг борлиги томонидан характерлайди, яъни унга хос бўлган специфик мавжудлик усулидир. Бироқ, биз юқорида гапирган универсал тарихийлик ғояси ҳар қандай ижтимоий воқеа ва ҳодисалар мавжудлигининг қайтмаслигини қайд қилади. Агар орамизда кимдир бирор конкрет жамиятни тафсиф қилишни хоҳласа. Биринчи қарадаёқ, бу жамиятда уни ташкил қилган турли – туман компонентлар, даража ва бўлинишлари бўлишини пайқаган бўлар эди.

Жамиятни тирик одамлар, индивидлар ташкил қилади. Юқорида таъкидланганидек, жамият – бу фақат одамларгина эмас, у индивидлар тўплами ҳам эмас десак ҳам, уларсиз ҳеч қандай жамият бўлиши мумкин эмас. Агар ижтимоий ҳаётга ташқи табиий шароитларнинг бевосита таъсирини бир четга қўйиб турсак – да, биз шуни кўрамизки, жамиятда бўладиган ҳамма нарсалар ва уларнинг табиатга курсатадиган таъсири тирик одамлар томонидан амалга оширилади. Шунинг учун ҳар қандай жамият мавжудлигининг биринчи ва энг умумий шarti индивидларнинг бевосита жисмоний (биологик) ҳаётларини қайта тиклашдир. Қолган бошқа нарсалар, жумладан, фаолиятнинг энг юқори турлари билан шуғулланиш учун одамлар овқатланиши, авлод қолдирилиш, яшайдиган уй жой, кийим. Рўзғор асбобларига эга бўлишлари керак, яъни улар яшашнинг минимум шароитлари билан таъминлинишлари керак. Бундан ташқари, улар ҳаётининг хусусиятлари улар яшайдиган географик шароитларга, маданият ва жамият анъаналарига ва б.га боғлиқ бўлади. Масалан, Марксча нуқтаи – назарига кўра, ижтимоий ҳаётнинг ана шу яшаш учун зарур бўлган воситаларни (моддий бойликларни) ўз ичига олган сфера, яъни ишлаб чиқариш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш

сфераси — моддий ишлаб чиқариш ёки кенг маънода жамиятнинг моддий ҳаёти деб номланади. К.Марксга кўра, жамиятни материалситик тушунишнинг мохияти шунда эдики, моддий ҳаётни ишлаб чиқариш жараёни бевосита ёки билвосита ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларининг барча жараёнлари ва муносабатларини белгилайди. Гарчи, бу «материализм гоёси» умум томонидан тан олинмаган бўлса — да, жамият мавжудлиги учун одамларнинг моддий ҳаётларини қайта тиклашнинг зарурлиги фактини шубҳа остига қўйиб бўлмайди.

Одамлар ижтимоий ҳаётда биологик мавжудотлар тарзида, балки ижтимоий аниқ индивидлар бўлиб қатнашадилар. Уларнинг биологик ва психологик сифатлари устига уларнинг ижтимоий сифатлари юкланади. (курулади). Ҳар бир одам ўз ижтимоий сифатларини ўзи яшаётган жамият таъсирида ва ўз имкониятларини намоён қила оладиган шароитларда намоён қилади. Жамият инсондан фақат «ташқарида» эмас, унинг «ичида» ҳам мавжуд бўлади, жамият унинг жисм — танасида, яшаш тарзида, фикрлари ва қилмишларида ўз ифодасини топган бўлади. Бундай аргументга Робинзон Крузонинг ҳаёти классик мисол бўла олади. Кема ҳалокати туфайли инсон яшамайдиган оролга бориб қолган Крузо, ўзи билан оролга XVIII аср инглиз жамият одамига тегишли ўз табақасига ва касбига хос бўлган ижтимоий сифатлар (элементар малака ва одатлардан тортиб дунёқарашгача) ни «олиб келади»¹⁷².

Жамият ўзича турли — туман сунъий нарсаларнинг мажмуи ҳамдир. Муайян жамиятда яшовчи барча кишилар йўқолиб, фақат нарсалар қоладиган вазиятни кўз олдига келтириш қийин эмас. Масалан, нейтрон бомба портласа, у барча одамларни қириб юборади, бироқ барча моддий нарсалар бутунлигича қолаверади. Маълумки, одамлар озик — овқатларнинг бир қисмини тайёр ҳолда табиат мухитидан ёки қайта ишлаб оладилар. Қолган предметлар ва нарсаларни

¹⁷² Марк Твен в воспоминаниях современников. / Сост. А. Николюкина; вступ. статья, коммент., указ. В. Олейника. — М.: Худож. лит.; Терра, 1994. — С. 348.

ўзларининг турли эҳтиёжларини кониктириш учун ўзлари ишлаб чиқарадилар. Ижтимоий ҳаётда техника, техник қурилмалар, одамларнинг фаолият воситаларининг роли алоҳида муҳим ва тобора ўсиб бормоқда. Бу биринчи навбатда моддий ишлаб чиқаришда ва ҳаётнинг бошқа барча соҳаларида кўзга яққол ташланади. Археологлар ва моддий маданият тарихчилари қадимда йўқ бўлиб кетган жамият ва цивилизациялар тўғрисида айнан сунъий яратилган моддий қолдиқлар билан бевосита иш кўрадилар.

Жамиятда мавжуд бўлган барча нарсалар, қандай материалдан қилингани ва қандай пайдо бўлганларидан қатъий назар, ўзларининг бевосита вазифаларини ўташ билан бирга, албатта, ижтимоий сифатларга ҳам эга бўлади. Нарсалар ижтимоий ҳаёт жараёнларидан чиқариб ташланганларида ўзгаларнинг ижтимоий сифатларини йўқотадилар ва ўз ҳаётларини табиат қонунларига кўра охирига етказиб, вайрон бўлади. Нарсаларнинг шундай тақдирига кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Масалан, Колумб Америкасини бугунга қадар бўлган даврлардаги аллақачон йўқ бўлиб кетган цивилизациялардан қолган моддий қолдиқларнинг вайрон бўлиб жараёни, ёки дейлик, муомаладан чиққан пул белгиларининг йўқ қилиниши жараёни бунга мисол бўла олади.

Ижтимоий ҳаёт - бу одамлар фаолиятининг жараёнлари ва усуллари мажмуидир. Ижтимоий ҳаётни қайта тиклашнинг узлуксиз жараёнини индивидлар ва улар жамоаларининг фаол ҳаракатлари туфайлигина амалга ошириш мумкин. Турли жамиятларда инсон фаолиятининг турлари уларнинг ижтимоий фаолиятини амалга ошириш технологиялари, усуллари, воситалари ва ташкил этиш шаклларига кўра ва бу фаолият қаратилган предметларига кўра хилма - хил бўлади. Инсон фаолиятининг предметлари турли - тумандир. Улар орасида табиатдан олинган предметлар ҳам, сунъий яратилганлари, ҳам (техника), ижтимоий институтлар, бирор нарса ёки инсон тўғрисидаги ғоялар ва образлар ҳам бўлиши мумкин. Инсон ўзини ҳам ўз фаолияти ёки ўзгалар фаолият предметига айлантириши мумкин, ижтимоий реалликнинг бирор

компоненти (жараёнлари, муносабати, структурасига ва ҳ.к.) таъсир кўрсатиши мумкин. Одамларнинг турли фаолият шакллари ўртасида турли ўзаро боғланишлар ва уларга мос координация воситалари вужудга келиши мумкин.

Одамларнинг биргаликда фаолият кўрсатишларида агар уларнинг ҳар бирининг қатнашиш шакли ва улуши аниқ қайд қилинмаган бўлса (йиғиш – териш ишларими, балиқ тутиш, ов қилиш, чорвачилик, деҳқончилик ёки ҳунармандчилик бўладими) ундаги натижалар ҳаммани ютуғи бўлади. Кишиларнинг алоҳида «хусусий» меҳнати унинг натижаларига мулкчилик ҳуқуқини беради. Ижтимоий меҳант тақсимооти хусусий мулкнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу ўз навбатида уни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан бирга жамият аъзолари орасида мулкий тенгсизлигининг келиб чиқишига асос бўлади.

Жамият, оила ва индивидлар ишлаб чиқариш самараси ошган сари ўзлари истеъмол қилишларидан ортиқча даражада маҳсулот ишлаб чиқара бошлаганларида иқтисодда қўшимча маҳсулот тушунчаси келиб чиқди. Бу қўшимча маҳсулотнинг уни совға қилиш ёки алмаштириш вақтида уни ишлаб чиқарган кишидан бегоналашувчи имкони пайдо бўлди, унинг устига, бошлиқлар ва шаманлар, фолбинлар, кохинлар сингари муҳим ижтимоий вазифаларни бажарувчи одамларга ўзларининг яшашларини (мавжудликларини) таъминлаш учун воситалар ишлаб чиқармасдан уни жамиятнинг бошқа аъзоларидан олишга имкон берди. Энг қадимий ва доимий ижтимоий фаолиятлардан бири (унга ахлоқ нуқтаи назаридан қандай қаралишидан қатъий назар) уруш эди. Ҳали меҳнат самарадорлиги ишлаб чиқарувчилардан ортиқча маҳсулотни олишни таъминламас экан, урушлардаги ғалабалар талон – тарожлик ва территорияларни босиб олиш билан яқунланар эди. Кейинчалик мағлубиятга учраган қабилилар ва жамоаларни қул қилиб олиш ёки уларнинг қўшимча маҳсулотларини (унинг маълум қисмларини) олиб қўйиш имконияти пайдо бўлди.

Жамиятнинг мавжудлиги (яшаши) ва фаолият кўрсатиб туриши учун зарур бўлган ижтимоий фаолият турларининг тобора прогрессив дифференцияланиб бориши маъносидаги меҳнат тақсимооти жамият ижтимоий ҳаётининг ва ижтимоий структурасининг нисбатан мустақил бўлган соҳаларининг шаклланишига асосий бошланғич ҳолат ва асос бўлди. Одамларнинг гуруҳлари ўзларининг бажарган аниқ фаолият турларига кўра ижтимоий ҳаётда ўз вазифаларига, мансабларига ва ўринларига эга бўлдилар.

Жамият муомала шакллари, коммуникатив ва информацион жараёнларининг мажмуидир. Ижтимоий ҳаёт – фаолиятлари ўзаро мулоқот жараёнлари давомида амалга ошадиган индивидларнинг биргаликдаги турмушидир. Индивидларнинг бутун ҳаёти туғулгандан то қазога қадар тарихнинг барча босқичларида бошқа одамлар билан мулоқотда ўтади, бу маънода инсон мулоқот қилувчи мавжудотдир. Ҳозирги вақтда мулоқот тўғрисида гап кетганда одатда информация узатишнинг турли шакллари узатиши, яъни вербаль, аудио ва кўриш (визуаль) алоқалар технологиялари кўзда тутилади. Ҳозирги замон энг янги коммуникация технологиялари қанча мукамал бўлмасин, улар инсон тили (нутқи) ва онги русурслари билан шартлангандир. Информация узатиш воситаларининг тарихий роли аҳамиятлидир. Ёзувнинг келиб чиқишининг ўзиёқ бошқа зарур шароитлар билан бирга биринчи цивилизацияларнинг шаклланишига восита бўлган эди. Китоб чоп этиш коммуникация воситаларининг инқилобий ўзгаришларида интеграл бошланғич манба бўлган эди. Китоб нашр этиш, ва оммавий ахборот воситаларинин (матбуот, радио, телевидение) ривожланиши ижтимоий ҳаётнинг барча томонлари (иқтисодий, сиёсий)нинг кескин ўзгаришига ўз таъсирини кўрсатди. (Ўтган минг йиллик натижаларига кўра И.Гутенберг томонидан рамаларга маҳкамланган кўзгалувчан металл литерлардан фойдаланиш инсоният эришган ютуқлар рўйхатига киритилгани бежиз эмас. У 1436 йили биринчи марта матбаада қўлланган эди). Ҳозирги компьютер технологияларининг Интернет ва мобиль алоқани ҳам

киритилганда глобал масштабларда тараккиёти ва тарқалиши бир қатор янги глобал постиндустриал, ёки информацион жамиятнинг шаклланишини даъво қиладилар.

Бироқ мазкур контекстда гап ижтимоий муомаланинг моҳиятини аниқлаш устида кетмоқда ва биз учун муҳим бўлган нарса бу эмас гарчи бу ҳам аҳамиятли бўлса-да, балки ижтимоий мулоқот фақат одамлар орасида ахборот узатиш эмаслигини қайд қилишдир. Ахборот узатиш унинг турларидан биридир. Хусусан ҳозирда баъзи архаик анъаналарни тадқиқ қилувчилар бу анъаналарда шахслараро бўлгани, ахборот узатиш деб биз атайдиган нарса деярли бўлмаган дейишга мойилдирлар. Ижтимоий мулоқот – кенг маънода одамлар орасида турли – туман шаклларда, турли умуллар ва воситалар орқали амалга ошириладиган ўзаро таъсир жараёнларидир. Бу ўзаро таъсирларнинг одатда сўз ташкил этувчиларидан ҳам маҳрум эмас, чунки нутқ ва тил ҳам (жуда бўлмаганда фикрлаш жараёнларидаги ички нутқ тарзида) одамларнинг фаолиятларида мавжуд бўлади. Ижтимоий мулоқотда шундай жараёнлар ҳам борки, уларнинг моҳияти мутлақо вербаль ахборотлар узатиш эмас, бироқ уларда ҳам одатда сўз ахборотларни ташиш имкони бўлади.

Бир мунча мисоллар келтирамиз. Тарихий анъаналарда (айниқса архаик ва анъанавий жамиятларда) авлодлар ва индивидлар орасида ўзаро алоқа шаклида мулоқот – бу биринчи навбатда амалий ўзлаштириш ўз ҳаракатларида қайта тиклаш ва бирор даражада ўзгартиришдан иборат бўлган.

Фаолиятнинг кўплаб турлари ва хулқ – атворлар одамлар томонидан мисоллар ва намуналар тарзида ўзлаштирилади, бу тегишли малакалар ва кўникмаларни бевосита амалий эгаллашда («менга ўхшаб бажар», «мен билан бирга бажар») тарзида амалга оширилади. Биргаликдаги жамоавий фаолиятда ҳар бир одам тегишли вазифалардан бирини бажараётган ва маҳсулот ҳар бир иштирокчи томонидан қилинадиган кетма – кет амалларни бажарган (мануфактурада ва конвейр ишлаб чиқаришда) да бу предметни – амалий мулоқот бўлади. Товарларни бозорда алмашиш (олди - сотди) ҳам предметлар

орқали қилинадиган мулоқот турларидан биридир. Ота – оналарнинг болалар билан ритуалларни бажаришдаги, диний ибодатлар, биргаликдаги овқатланишлар, байрам тантаналари, церемония ва жамоавий ҳаракатлари ва шунга ўхшаш кўплаб тадбирдаги мулоқотларида ҳам мулоқот фақат ахборот узатишдангина иборат бўлмайди.

Мулоқотнинг кўплаб турли – туман тарихий турлари, кўринишлари ва шакллари бор. эркин, кўнгилли ва тенг ҳуқуқли мулоқот бор, бироқ аксинча, мажбурий, бир – бирига боғлиқ индивидлар орасида нотенглик шароитларида бўладиган, хўжайинлик – тобеъилик, токи зўрлаш, куч ишлатиш мулоқот турлари бор. Муҳаббат, севгидаги ёки дўстликдаги индивидлашган интим – шахсий мулоқот ўзига карама – қарши мавжуд бўлган кураш ва душманлик ёки бир – бирига бажариладиган вазифа доирасидаги мутлақо бефарқ мулоқотлар билан биргаликда намоён бўлади. Кишиларнинг «юзма - юз» бевосита контактли мулоқотларининг антиподи сифатида техника воситалари орқали боғланган аноним оммавий мулоқотлар ҳам бўлади, бунда иштирокчилар ҳатто бир – бирларини реал мавжуд эканликларини билмайдилар ҳам. Мулоқот бир мартали, тасодифий, шунингдек доимий, кўп марта такрорланадиган бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, одамларнинг ҳар қандай фаолиятлари ва бутун ҳаётлари бошқа одамлар билан бевосита ёки билвосита олиб бориладиган кўплаб мулоқотлар актларида ёки шароитларида олиб борилади – бу мулоқотлашаётган одамларнинг ҳаёти ва фаолиятидир.

XX аср ижтимоий фалсафасида инструментал ва коммуникатив ҳаракатлари фарқ қилинади. Бундай ёндо-шувнинг етакчи тарафдорларидан бири немис файласуфи Юрген Хабермасдир (1929 й.туғилган). Унинг қарашларига кўра, инструмен мулоқотлар – бу инсоннинг таъсир предметига, у моддий бўладими ёки тасаввурдаги предмет бўладими, бўлган мулоқоти. Бундай мулоқотлар «мақсад – предмет – восита - натижа» тушунчалари системасида тавсиф қилинади¹⁷³.

¹⁷³ Хабермас Ю. Европейское национальное государство: его достижения и пределы. О прошлом и будущем суверенитета и гражданства // Нации и национализм / Б. Андерсон, О.

Инструментал ҳаракатларда ҳам коммуникатив моментлар бўлади, чунки улар ва уларнинг натижасилари бошқа одамларга ҳам қаратилган ёки ўтмишдаги ва замонавий одамлар билан бевосита ёки билвосита алоқаларда амалга оширилади (айнан момент сифатида). Коммуникатив ҳаракатлар предметларга эмас, балки бошқа одамларга ва уларнинг онгларига биргаликдаги фаолиятни амалга ошириш, шартномаларга етишиш, компромиссларга келишишга оритланган ҳолда қаратилган бўлади. Одамлар коммуникатив ҳаракатларининг (таъсирининг) предмети – бу мулоқот жараёнининг ўзидир, яъни мустақил фаолият сифатидаги мулоқотдир. Коммуникатив ҳаракатлар лоқал икки томон бор бўладиган мулоқот шароитларини кўзда тутди. Улардан бири – «адресат» (ахборот бораётган одам). Шундай қилиб, коммуникатив актлар ҳамма вақт диалог тарзига эгадир, улар одамларнинг бир – бирига муружаат қилишларини ва тушунишга интилишларини назарда тутди.

Индивидларнинг ўзаро муносабати тарзида тушунилан ижтимоий мулоқот ижтимоий ҳаётнинг бевосита намоён қилинганидир. Мулоқот актлари, вазиятлари ва вокеларида ижтимоий реалликнинг ўзини намоён қиладиган, пайқаладиган ва ўзини амалга ошираган механизмлари ва бошқа қолган жиҳатлари, ўлчамлари, жумладан, қуйида баён қилинадиган юзага чиқади. Ижтимоий ҳаётда ижтимоий мулоқот икки вазифани бажаради. Улардан бири бутун жамият ва унинг тарихига тегишли бўлиб, ҳар қандай жамиятнинг фаолият кўрсатиши учун индивидлар ва авлодлар орасидаги мулоқот, айнан у туфайли тарихий ворислик алоқаси, анъаналарининг қабулчанлиги ва шу билан жамиятнинг давом этаётган мавжудлиги таъминланади. Бирок, мулоқот ҳар бир одамга ҳам зарурдир. Айнан мулоқотда, ижтимоийлашиш жараёнларида индивидлар ўзларининг ижтимоий сифатларини пайдо қиладилар, жамиятнинг тўлақонли аъзоларига айланадилар. Унинг устига, фақат мулоқот туфайлигина ва фақат унда

одамлар ўзларининг индивидуал ўз – ўзини онглашларини шакллантира оладилар. Бошқа одамларни тушуниш ўзининг «Мен» ини онглашга ёрдам беради, ўзининг «Мен»ини онглаш орқали бошқа одамларни онглаш имконини пайдо бўлади. Шахс ўз воқеилигида онглаш имконияти пайдо бўлади. Шахс ўз воқеилигида ва ўз – ўзини онглашда туғилади. Тескари йўналган жараёнлари билан ўзаро таъсирида ўзини бошқалар билан идентификация (айнийлаштириш) лайди ва улардан ажратади (индивидуаллашади).

Жамият – гуруҳлар ва жамоаларнинг ижтимоий структураси, системасидир. Бироқ бир жамият ҳам ҳар бири алоҳидалашган индивиди худди шундай алоҳидалашган тузилма эмас. Одамлар жамиятда ёши билан, шугулланадиган фаолиятлари тури билан, ижтимоий ҳаётда тутган ўрни ва мавқеи билан фарқ қиладилар. Бизга маълум бўлган ижтимоий гуруҳлардан бирламчилари – бу оилалар, ёш – жинс гуруҳлари ва қондошлик ҳамда никоҳ муносабатлари системаларида қайд қилинадиган «оилавий синф»лардир. Кейинчалик жамиятда асосий ижтимоий моддий бойлик ишлаб чиқаришда аниқ белгилаб қўйилган вазифаларни бажаришдаги, жамиятни ташкил қилиш ва фаолият кўрсатишдаги ўрни одатлар ва ҳуқуқий кўрсатмалар асосида (касталар, табақалар ва бошқалар) қайд қилинадиган бўлди.

Тарих давомида ижтимоий дифференциаллик чуқурлашиб бораверди. Ҳозирги замон жамиятларининг ёш – иқтисодий, худудий, касбий ва бошқа жамоалар ва гуруҳлардан тузилиши таркиби нуқтаи – назаридан мураккаб система эканлиги равшан. Бу гуруҳ ва жамоалар индивидлари ўзларини ўз фаолиятлари ва онгида бошқалар билан айнйлаштирадилар. Жамият – шунингдек. Одамлар кўнгилли тарзда кирадиган кўплаб бирлашмалар мажмуи ҳамдир. Ижтимоий жамоалар ва гуруҳлар орасида мураккаб, баъзан зид таъсир ва ўзаро муносабатлар системаси юзага келади, бу уларнинг ижтимоий структурадаги ўрни ва роли билан белгиланадиган манфаатларидан келиб чиқади.

Бу жамоалар, гуруҳлар, бирлашмалар эмпирик муайянлашган конкрет тирик индивидлардан ташкил топади. Бирок, тадқиқотчилар жамиятнинг ижтимоий структурасини (бир бутун жамиятнинг ўзини ҳам) конкрет индивидлардан мавҳумлашган ҳолда кўриш мумкин эканлигини ҳақли равишда гапирадилар. Ҳозирги замон жамиятида оммавий ҳокимиятни амалга оширувчи одамлар ёлланма ишчилар ва тадбиркорлар, аскар ва зобитлар, банкирлар ва ўқитувчилар, сотувчилар ва шифокорлар ва б. инсонлар гуруҳлари мавжуд. Бундай гуруҳларга айнан кимлар кириш бу гуруҳдаги индивидларнинг ижтимоий ва мулкӣ аҳволларига, фаолият шакллари ва онглари учун жуда аҳамиятлидир.

Конкрет жамиятнинг ижтимоий структурасининг асосий характеристикалари у ёки бу гуруҳларни айнан қандай индивидлар ташкил қилишига боғлиқ бўлмаган ҳолда намоён қилинади. Бунинг натижасида бутун жамият ижтимоий позиция (ўрин)ларнинг ва уларга мос келадиган ижтимоий функцияларнинг (вазифаларнинг) иерархиявий тузилган системаси тарзида намоён қилинади. Бу характеристика «Ижтимоий роль» деб номланган. Шундай фараз қилинадики, инсон ўзининг ижтимоий сифатларини мужассамлаштирилган шахс сифатида ўз ҳаёти давомида эгаллаган ва йўқотган турли – туман ролларнинг ташувчиси деб тушунилади.

Жамиятлар онг структураси ва семиотик системалардир. Ижтимоий ҳаёт тасаввурлар, фикр ва туйғулар билан тўла, ўзига одамларнинг уларнинг дунёга ва бир – бирига муносабатларини онглашларини ҳам қамраб олади. Файласуфлар бир бутун жамиятларга тегишли бўлган нисбатан мустақил бўлган маънавий тузилмалар, жамоалар, гуруҳлар ва ижтимоий ҳаракатларни ифодаловчи қатор тушунчаларни ишлаб чиққанлар. Бу тушунчалар айна шу жамиятда яшовчи кўплаб индивидларнинг индивидуал онгларининг эмпирик тупламидан фаркланади. Уларга, масалан, Гегель томонидан киритилган «абъектив рух», француз социологи – позитивист Эмиль Дюркгейм (1858 - 1917) томонидан (У жамиятнинг қадриятли – норматив системаларини таҳлил қилишга катта

хисса қўшган) киритилган «жамоавий онг», Марксдаги «Ижтимоий онг», Э.Кассирер киритган онгнинг символик шакллари» ва шу каби тушунчаларни кўрсатиш мумкин¹⁷⁴. Бироқ, бундай жамоавий (коллектив) онгнинг яшаш усуллари аниқлашда қийинчиликлар пайдо бўлиб қолди. Гарчи ижтимоий реалликни «ҳаёт» деган тушунча билан номланса — да, жамиятларни «ижтимоий организмлар» деб юритилади, бу атамаларда метафорик маъно борлиги кузатилади. Жамиятнинг онги унда яшаётган шахсларнинг онгига ухшатиб талқин қилинмайди, ахир жамиятда ўзининг фикрловчи органи йўқ — ку, демак, унинг индивидуал онглاردан ташқарида бўлган бошқа ўз онги ҳам йўқ. Жамият бир бутун тарзида ягона фикрловчи субъект бўла олмагани учун, бинобарин, жамоавий (коллектив) онг фақат тирик шахсларнинг индивидуал онгларида ва қандайдир «объективланган» шаклларда мавжуд бўла олади.

Ҳақиқатан ҳам, тарих давомида барча жамиятлар турли онг шакллари ишлаб чиққанлар: мифологиялар, фалсафий, таълимотни фанлар, динлар ва санъатлар, ахлоқий, ҳуқуқий, ҳуқуқий ва бошқа тасаввурлар, уларни намоён қилган билимлар, кадриятлар, идеаллар, нормалар ва ҳ.к. Бу барча тасаввурлар индивидлар, идеаллар, нормалар ва ҳ.к. Бу барча тасаввурлар индивидлар томонидан яратилган. Сўнгра улар одамларнинг интеллектуал (диний, бадий, илмий ва хоказо) фаолият маҳсулларида акс этганлар ва тарихий анъана, ижтимоий тан олмиш, ижтимоий тарбия системаси тарзида мустаҳкамланганлар. Бироқ, одамларнинг меҳнатларида, матнлар ёки санъат асарларида гавдаланган фикрлари, образ ва туйғулари агар шу жамият аъзолари томонидан қабул қилинса, тан олинса, ўзлаштирилсагина у ижтимоий онгга киради. Акс ҳолда улар ўтган ва бегона жамият ва маданиятларнинг гувоҳи, баъзан эса тушунарсиз белгилар ва артефактлар бўлиб қолади, холос (таъбирлаш имкони бўлмаган миср иероглифлари ва майя ёзувлари сингари).

¹⁷⁴ Кассирер, Э. *Натуралистическое и гуманистическое обоснование философии культуры* // *Постижение культуры. Ежегодник, вып. 7.* — М., 1998. С-236.

Ижтимоий (коллектив) онгнинг икки энг муҳим сифати кенг тан олинган: айнан унинг объективлиги ва индивидлар онгларига нисбатан ясамалиги (мажбурийлиги). Ҳар бир инсон учун жамиятда юзага келган ва тан олинган фикрлар, ғоялар ва тасаввурлар унга боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлган объективликдир. Бу коллектив онг индивидлар томонидан ўзлаштирилади ва келгусида улар томонидан ўзгартирилиши мумкин, бироқ унинг мавжудлиги ва мазмуни билан ҳисоблашишга мажбурдирлар. Индивидуал онгларга нисбатан ижтимоий онг шакллантирувчи ва обрўли мажбурийлик аҳамиятига эгадир. Мазкур жамиятдаги эътиқод, диний ва қадрият тасаввурлари билан, ҳуқуқ ва ахлоқ нормаларини назарга олмаган индивид ўзларига коллектив онгнинг мажбурий маъсирини ўз тақдирларида бошдан ўтказадилар.

Шу муносабат билан кўплаб ижтимоий – фалсафий назариялар ижтимоий – тарихий реалликни коллектив онгга боғлиқ ҳолда тушунтиришга интилдилар. Коллектив онг жамиятнинг барча қолган ижтимоий жараён ва ҳодисаларини аниқловчи маънавий асоси деб талқин қилинди. Ижтимоий ҳаётда онгнинг, ғоялар, қадрият ва норматив тасаввурларнинг роллини тан олмаслик мумкин эмас, бироқ шуни ҳам тан олиш керакки, бундай тасаввурларга муносабатни бўрттиришлага қарши айтиладиган аргументлар ҳам анча асослидир. Асосий икки аргументни кўрсатиб ўтиш етарли. Биринчидан, юқорида баён қилинганидек, ижтимоий ҳаётнинг, одамлар фаолиятининг оқибати сифатидаги кўплаб жараёнлари, механизмлари ва структуралари уларнинг онгланган мақсадларидан ташқарида, уларни четлаб рўй беради, одатда уларнинг онгларида адекват равишда фаҳмланмайди ва назорат қилинмайди. Бинобарин, улар ушбу онг билан тушунтирилиши мумкин эмас. Иккинчидан, мазкур тарихий конкрет жамиятнинг (гуруҳ, табақа, синф ва шунга ўхшаш) онгида айнан шу ғоялар ҳукмронлик қилади, бошқалари ғоя ва қадриятлар эмас, деган нарсани таҳлил қилишда шу нарсани пайқаш сасноки, уларнинг ўзи – реал ижтимоий – тарихий жамиятнинг яратганлари ва ифодаланишидир. Ғоялар ва қадриятлар ҳаммадан аввал тарихи

ва маданиятнинг илдизлари бўлишдан кўпроқ меvasидир – онг реал ҳаётга тегишли, реал ҳаёт онгга эмас.

Ижтимоий – тарихий реалликка семиотик талқин берган XX асрдаги лингвистик фалсафа вакилларига ҳам шундай жавоб бериш мумкин. Ижтимоий реалликни семиотик талқин қилишнинг тўғрилигига шубҳа бўлмаса – да, бундай талқин ижтимоий – тарихий реалликнинг турли – туман табиатини камраган ҳолда тушунтира олиши гумон. Ҳақиқатан ҳам, одамларнинг бутун ижтимоий – тарихий ва шахсий ҳаётлари ва унинг компонентлари (нарсалардаги, бошқа индивидлар, ижтимоий кўрсатмалар, шартлар, шароитлар, ўзларининг ва бегоналарнинг ҳаракатларида)да маъно ва мазмун бор. Ҳар қандай белгининг шакли у билдираётган реалликни ўрнини босиш мумкин, бироқ унинг ўзи бўла олмайди. Шунинг учун ижтимоий – тарихий реалликнинг ролини кўрсатувчи бошқа фикр тўғри бўлса керак, яъни ижтимоий – тарихий реаллик ҳар қандай белги, тил ёки симвлик шаклларнинг манбаи ва прототипидир.

Жамиятни ижтимоий муносабатлар системаси сифатида қараш мумкинлиги ижтимоий реалликнинг ўлчамлари ва кичик системаларнинг (подсистемаларнинг) характеристикасидан келиб чиқади.

Жамиятнинг ижтимоий структураси бошидан элементлар (жамоалар, бирлашмалар)нинг ва улар орасидаги муносабатлар системаси деб характерланган. Бироқ, бу барча элементлар ичида уларни ташкил қилган индивидлар орасида кўплаб муносабатлар юзага келади ва фаолият кўрсатади. Ижтимоий мулоқот ўз моҳиятига кўра, шундай муносабатки, у одамларнинг ўзларининг эмпирик ўзаро таъсир жараёнларида бевосита намоён бўлади ва қайта тикланади. Бироқ, мулоқот ва муносабат бир нарса эмас. Аввало, улар бир – биридан мавжудлик усули билан фарқ қилади: нимаики процессуал (амал тарзида) бўлса, у мулоқот актидир, структура сифатида бўлса – муносабатдир. Ижтимоий ташкиллаш ва ижтимоий тартиб – бу фақат координация, созлаш, бошқариш (буларнинг бевосита «предмети» одамларнинг ўзаро муносабатларидир)

жараёнлари ва муносабатлари системасигина эмас. Ижтимоий онг структура шаклида ифодаланган, бироқ у ҳам ўзининг мавжудлик усулига кўра онг ташувчиларининг ўзаро таъсирлари жараёнининг мажмуидир, улар бу гоё ва қадриятларни яратадилар, тарқатадилар. Ўзлаштирадилар ва ўз фаолиятларида бўйсундилар.

Ижтимоий фалсафа (социология)да «ижтимоий муносабат» тушунчаси иккита ўзаро боғланган ва айна вақтда фарқ қилувчи маъноларга эга. Биринчидан, муносабат, худди табиий жараёнларидаги ўзаро таъсир маъносида фалсафий фикрланганидек, кенг алоқа ва ўзаро таъсирдир. Иккинчидан, муносабат бу инсоннинг бирор нарсага нисбатан субъектив қараш (позицияси), яъни унинг бошқа одамларга, нарсаларга, воқеалар ва вазиятларга қандай қарашидир.

Жамиятларда одамлар орасида турли типдаги, даражадаги ва шаклдаги муносабатлар бўлади. Бу оилада ва яқинлари билан бўладиган шахслараро муносабатлар, биргаликда коллектив фаолиятда бўладиган ҳамкорлик муносабатлари ёки тенгсизлик муносабатлари, хўжайинлик ва мутъелик муносабатлари, Индивидлар ва ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларига яраша тўқнашувлар ва кураш муносабатлари бўлиши мумкин. Аянин шахслараро муносабат шакллари, индивидларнинг шахсий боғланиш муносабатларини ҳам, жумладан ҳуқумронлик ва тобеъилик муносабатлари (кулдор ва кул, феодал ва деҳқон, сеньор ва вассал, патрон ва клиент ҳамда шунга ўхшаш) архиак, қадимги, ўрта аср жамиятларининг тарихида ҳуқумрон бўлганлар. Бароқ тарих давомида ҳатто бир-бирини бор эканлигини билмайдиган одамлар орасида ҳам бир-бирига боғлиқлик муносабатлари шаклланди. Фуқаролик жамиятини шахсий кишиларнинг турли-туман эҳтиёжлари ва манфаатлари ва уларни қониқтириш системасидир ва унда ҳар бир шахс ўзи учун ўз мақсади, барча бошқа кишилар эса унинг ана шу мақсадни амалга ошириш воситаларидир деб тушунган В.Гегель бу жамиятда индивидларнинг объектив ўзаро боғлиқликлар яратилади, деб пайқаган эди. Бундай вазиятнинг элементар

мисоли сифатида Ернинг турли континентларида яшайдиган товар ишлаб чиқарувчилар ва истеъмолчилар муносабатини келтириш мумкин. Унда ишлаб чиқарган, қайта ишланган, транспортда ташиган, сотиб олган ва сотган кўплаб бошқа кишиларнинг иштироки орқали билвосита боғланади. Гегель томонидан киритилган атама бўлган «Энг умумий ижитмой боғланиш»нинг асосини ривожланган ижтимоий меҳнат тақсимооти ва бозор ташкил қилади, бундай боғланиш (алоқа) индивидларнинг бир – бирига ҳар томонлама ўзаро боғлиқликларидан келиб чиқади, жамиятда стихияли тарзда шаклланади ва улар томонидан назорат қилинмайди.

Янги Европа фалсафасида Дж.Локк биринчилардан бири бўлиб, индивидларнинг барча ижтимоий сифатлари одамларнинг бир – бирига муносабатларини белгилашига эътибор қаратди. (Бунда индивидларнинг хукмрон ёки тобъе, сеньор ёки клиент, констебль, генерал ёки яна бошқа ким бўлиши аҳамиятсиз деб кўрсатган эди). Маркс ижтимоий муносабатни индивидларнинг ва ижтимоий гуруҳларнинг объектив мавжуд бўлган тарихий шаклланган, барқарор ўзаро боғланишлари деб талқин қилган эди, бундай ўзаро боғланишлар (алоқалар)ни уларнинг ташувчилари (сохиблари) билмасликлари ҳам мумкин. Шундан бери жамиятни одамларнинг (инсонларнинг) ўзаро боғланганликлари ва ўзаро муносабатлари системаси деб қараш ижтимоий – фалсафий ва социологик назарияларда кенг тарқалди. Ижтимоий ҳаётнинг моддий ташкил этувчисини муҳокама қилишда, нарсалар – ижтимоий мавжудлик ва фаолият кўрсатиш жараёнларига киришиб, ижтимоий сифатлар касб этади, деб айтган эдик. Бу ерда шуни қўшимча қилиш керакки, жониворлар озик – овқатни топадилар, оладилар ва ейдилар, одамларнинг эса нарсаларга бўлган барча муносабатлари уларнинг бошқа одамларга бўлган муносабатлари билан билвоситалангандир. Инсоннинг нарсаларга энг содда муносабатлари: эга бўлиш, нима қилиш ва фойдаланиш (айниқса, уларни ишлаб чиқариш ва тақсимлаш) – бу энди «инсон - нарса» муносабати эмас,

балки одамлар орасидаги нарсага бўлган ижтимоий муносабатлардир.

Ижтимоий фаолиятнинг турли – туман турларида ҳам шунга ўхшаш муносабатлар мавжуддир. Ҳар бир фаолиятда ҳам унинг мазмунини (технологиясини) ва одамлараро айти шу жамият доирасида амалга ошириладиган бу фаолият бўйича, унинг ичидаги муносабатларни ажратиш мумкин. Масалан, арпани етиштиришда тупрокни ишлаш ва агротехникадаги прогресс шубҳасиз. Масалан, арпани қадимги Мисрда ўстириб етиштириш немис қабилалари жамоаларида, деҳқон хўжаликларида ёки аграр индустрия воситалари ёрдамида етиштиришдан фарқ қилади. Арпа ўстириш ва етиштириш турли ижтимоий системаларнинг ресурслари билан белгиланиши равшан. Ишлаётган инсон ўзининг меҳнат предметиға, жараёниға ва маҳсулиға турлича муносабатда бўлади, бу унинг мустақил ишлаб чиқарувчими, ёнланиб ишляптими, ёки унинг меҳнати (кулларда ёки крепостнойларда бўлгани каби озод эмас, мажбурий меҳнатми эканлиғиға боғлиқ. Одамларнинг бирор ижтимоий фаолият бўлаётгандаги ижтимоий муносабатлари ва ўзаро таъсирлари бу фаолиятнинг тарихий ўзгарувчи «ижтимоий шакллариға боғлиқ.

Ижтимоий шакллар сифатида тарихий равишда қарор топган ижтимоий муносабатлар моддий ишлаб чиқаришдан тортиб энг юқори интеллектуал ёки бадий шакллариғача бўлган барча фаолият турлариға хосдир.

Тарихий мавжуд (яшаётган) жамиятлар бир – биридан юқорида санаб ўтилган барча ташкил этувчи моментларнинг мазмуни билан фарқ қилади. Бундай жиҳатлар (моментлар) бир бўлишиб у ёки бу жамиятға хос бўлган муайян ҳаёт фаолияти усулини, унинг яшаш тарзини ташкил қилади. Ҳар қандай жамиятнинг ҳар қандай компоненти (одамлар, нарсалар, ҳаракатлар, мулоқот, ижтимоий ташкилот ва ш.ў.) ўзининг мустақиллиғидан маҳрум. Улар ўзларининг моҳияти жиҳатидан фақат ижтимоий реалликнинг намоён бўлишидир, ягона ижтимоий ҳаёт фаолиятининг томонлари, моментларидир. Ҳар

бир тарихий жамият ягона кўп ўлчамли системадир, системагина эмас, ҳатто «системаларнинг системаси»дир. Бироқ системани тўлиқроқ система деб аташ кам, бу тўлиқ бир бутунликнинг принципини ёки бир бутунликнинг кўриниш турини аниқлаш керак.

Фалсафий фикрга элементларнинг системага бирлашишининг турли усуллари маълум. Ўша вақтдаёқ, Гегель таклиф қилган схемага кўра, бир бутунликнинг энг содда тури – бу механик бир бутунлик, бундай бутун ўша шаклда мустақил мавжуд бўла оладиган қисмлардан тузилган. Бундай бир бутунликка типик намуна – бу механик қурилма, механизмдир. Системавий бир бутунликнинг янада юқорироқ даражаси – бу «химизм», бунда системанинг элементлари (молекуладаги атом сингари) системадан ташқарида ҳам мустақил мавжуд бўла олади, бироқ системанинг ичида ўз сифатларини ўзгартиради. Аввалги фалсафага маълум бўлган энг юқори бир бутунлик шакли – тирих организмларга хос бўлган органик бир бутунлик. Бундай бир бутунликнинг исталган компоненти фақат унинг конкрет органлари функциялари, хоссалари бўлиши мумкин ва улар мустақил мавжуд бўла олмайдилар.

Жамиятни бир бутун деб фақат органик системалар билан таққослаш мумкин. Бироқ жамият бир бутунликнинг янада юқорироқ туридир. Ҳар бир жамият – бу бутунлик тараққиётининг тарихий жараёнидир. Органик ва тарихий бутунликлар мустақил мавжуд бўлган компонент (индивид) лардан тузилмайди ва ташкил топмайди, аксинча, уларнинг функциялари ва мазмунини белгилаб беради. Ижтимоий ҳаётнинг зарурий компонентлари – унинг подсистемалари (кичик системалари) ва ўлчамлари – улар ракурслар ёки кўриш проекциялари бўлиб, уларнинг ҳар бирида бутун кўриш проекциялари бўлиб, уларнинг ва ифодаланган бўлиши мумкин. Аввалги фалсафий ва социологик тафаккур кўпинча ана шу ўлчамлардан бирини ижтимоий ҳаётнинг ҳаётнинг бош ва универсал сифатида қабул қилишга майил эди. Натижада жамият тўғрисида турли – туман назариялар пайдо бўлди:

Жамиятни норматив ижтимоий тартиб тарзида тушунувчи индивидлар томонидан деб онгли курилган жамиятни бир бутун ижтимоий фаолиятни дифференциаллашиб борувчи ва ўзаро таъсирлашуви турларининг системаси деб, ёки ижтимоий муносабатлар ва ижтимоий институтлар системаси деб; ёки ижтимоий ҳаётнинг фундаментал асослари – бу дунёқараш. Дин, қадриятли – норматив тасаввурлар деб тушуниладиган бир неча, назарияни санаш мумкин. Бу назариялар ижтимоий реалликни тадқиқ қилишда унга тегишли бўлган қайси ҳақиқий муҳим характеристикасини тавсифлашга асосланган бўлса, уларда шу маънода ҳақиқат моменти акс этган эди. Бундай назарияларнинг камчилиги уларда танлаб олинган йўналиш бир томонлама. Универсал сифат деб саналар эди, ижтимоий реалликнинг қолган барча томонлари шу жиҳат туфайли пайдо бўлади ва аниқланади, деб фалсафий монизм бўлишини талаб қилиши эди.

Жамиятни қайта тиклаш (қайта ишлаб чиқариш) тўғрисида. Классик ижтимоий фалсафанинг бутун таракқиёт даври давомида икки назарий ва методологик позиция ўзаро баҳслашиб келади. Улардан биринчиси «ижтимоий атомизм» деб ном олган («методологик индивидуализм», ёки «сингуляризм» - лотинча *singular* – «ягона» деган сўздан келиб чиққан). Унга кўра, жамият индивидларга нисбатан бир ҳосилавий курилма тарзида кўрилади. Ижтимоий атомизм жамият шакллангунга қадар индивидлар жамиятгача бўлган ва жамиятдан ташқарида бўлган ҳаётни босиб ўтганлар. Тарихнинг бирор муайян босқичига келгандан кейингина бу босқич ўрнини уларнинг жамиятга кўнгилли равишда ёки зўрлаб бириктирилган даври эгаллайди. Деб тушунилади. Ижтимоий атомизм ғоясининг кенг қамровли ғоялари XVII асрда Т.Гоббс, Б.Спиноза ва Ж.Локк томонидан яратилган табиий ҳолат ва ижтимоий шартнома назарияларида ўз аксини топган. Бу назарияларга кўра, одамлар табиий ҳолатнинг фалокатларидан жафо чекиб, ижтимоий ҳаёт афзалликларини англаб етганларидан сўнггина биргаликда яшаш ва унга мос оммавий – давлат шакллари тўғрисида онгли равишда келишувга келганлар деб фараз

килинади. Ижтимоий атомизмни «силлик» тушунтириш усуллари одамларнинг жамият шаклини тузгунларига қадар ундан алоҳида яшаганликлари фактини тан олмайди. Бирок бунда унинг атомистик кўрсатмаси, яъни индивидларнинг жамиятга нисбатан мустақил яшаганликлари масаласи сақаланиб қолди.

Ижтимоий атомизмига ижтимоий универсализм концепцияси қарама – қарши туради. Унга кўра, жамият индивидга нисбатан бирламчидир. Унинг бирламчилиги вақт жиҳатидан эмас (чунки одамларсиз жамиятнинг борлигини фикрлаб бўлмайди), балки «табиати» жиҳатидандир, яъни инсон аввалдан бошлаб ижтимоий мавжудотдир, у фақат жамиятда мавжуд бўлиши мумкин ва фақат жамият инсоннинг асосий сифатларини шакллантиради ва шу билан индивидлар борлигининг субстанцияси бўлади. Аввало Платон ва Аристотелининг позицияси шундай эди, классик янги Европа фалсафасида бундай қараш изчил равишда Гегель томонидан асосланган эди.

Ҳар икки концепцияда (ижтимоий атомизм ва ижтимоий универсализм) ҳам «ҳақиқат зарраси» бор, шу билан бирга ҳар иккаласида ҳам бир ёқламалик мавжуд. Ижтимоий атомизмдаги ҳақиқат шундаки, жамият ва ундаги ҳамма мавжуд нарсалар одамлар томонидан яратилган. Жамият фақат индивидлар фаолияти туфайли мавжуд бўлади, унинг одамларсиз бўлишини тасаввур қилиб бўлмайди. Ижтимоий универсализмдаги ҳақиқат шундаки, жамият индивидларга бўлган нисбатан объектив реалликдир, мустақил мавжуд бўлиши усулларида яшаш қобилиятига эга. Жамият индивидларнинг фаолиятини шартлайди, уларнинг ижтимоий сифатларини шакллантиради.

Ижтимоий атомизм тарафдорлари ҳеч қандай жамият ҳеч қачон одамлар томонидан «нолдан бошлаб» қурилмаслиги, одамларнинг барча авлоди мавжуд бўлган ижтимоий шароитларни ижтимоий фаолияти усуллари ва шаклларини тайёр ҳолда олишларидан иборат элементар фактни рад қиладилар. Улар жамият ҳаётини реал имконларга мувофиқ қайта тиклаши ва ўзгартириши мумкин, бироқ ижтимоий

ҳаётни бекор қилиш ёки бошқатдан бошлаш кучига эга эмаслар. Ижтимоий универсализм тарафдорлари эса, аксинча, жамиятнинг нисбий мустақиллигини мутлоқлаштиришга мойилдирлар. Бунинг натижасида жамият ва тарих эгасиз универсал куч ва қонунларнинг амалга оширилиши реализацияси тарзида намоён бўлади. Бундай позиция ижтимоий жараёнларнинг субъектив хусусиятларини назарга олмайди, индивидлар унинг манфаатлари, эҳтиёжлари, онги, эрки билан ҳисоблашмайди.

Ижтимоий универсализмнинг бир томонламалик хусусияти шундаки, жамият табиатини одамларнинг ҳаётӣ фаолияти субъектив хоссаларидан ажралган ҳолда тушунтириб бўлмайди. Ижтимоий атомизм методологиясининг камчилиги эса унинг жамият реаллигини индивидларнинг фаолияти призмаси орқали қараш жамиятнинг бир бутунлик хоссаларини рад этиш эканини, бу хоссаларни унинг қисмлари бўлган индивидлар хоссаларига келтириб бўлмаслигини тушунмасликдадир. Бу икки бир ёқлама поцизияларни келтиришга уринишлар муваффақият келтирмайди, чунки индивидларсиз жамият, ёки аксинча, индивидларнинг жамиятсиз яшай олиши фикрлари уларнинг ҳақиқий ўзаро муносабатларини тан олмайдиган уйдирмалардир. Бу қарама – қаршилиқни енгиш учун жамият ва индивидлар қарама – қаршилигидан чуқурроқ турадиган фундаменталроқ асослар топиш керак бўлади, бу асослар айна бир вақтда бир бутун ижтимоий реалликнинг элементлари ҳам бўлсин, индивидларнинг ижтимоий сифатларини манбалари ҳам бўлсин. Бундай тажрибаларидан бири жамиятни марксча фалсафада таҳлил қилиш балан боғланган. Марксча фалсафага кўра, жамият ижтимоий муносабатлар мажмуи, инсон эса уларнинг соҳиби (ташувчиси) деб тушунилади. Бошқа назарий анъаналарда ишлаб чиқилган «ижтимоий роль» тушунча (биз у тўғрисида юқорида гапирган эдик) бу жиҳатдан шунга ўхшаш вазифани бажаради: жамият ижтимоий позициялар ва роллардан иборат мураккаб система, шахс эса – уларнинг қайд қилинган тўпламининг соҳиблари (ташувчилари) деб

тушунилади. Шу йўналишда ижтимоий ҳаракат назариялари вариантлари ҳам ишлаб чиқилган: ижтимоий реаллик – ижтимоий ҳаракатлар системаси, индивидуал ҳаракатлар эса бу системанинг «атомлари», деб тушунилган.

Инсонларнинг фаолияти ҳамма вақт ҳам предмети бўлган, бунда предметнинг реал мавжуд бўлиши ёки фикрий тасаввурда бўлишига боғлиқ эмас. Фаолиятнинг предметга таъсири, ўзгартиришининг натижаси предметда гавдаланган (предметлашган) фаолият (объектив фаолият) тарзида бўлади. Ижтимоий фалсафасининг қизиқишлари ижтимоий ўзаро таъсир жараёнларида акс этган объективлаштиришларга қаратилган, чунки улар ижтимоий реалликнинг муҳим ижтимоий элементлари ва ижтимоий – тарихий ҳаётда қатъи тикланадилар, бундай объективлаштиришларга техника, тиллар, анъаналар, одатлар, барқарор хулқ шакллари, пул системалари, ижтимоий институтлар киради.

Юқорида таъкидланганидек, жамиятни сунъий реаллик деб характерлаганда янги давр ижтимоий фалсафасида ижтимоий объективлаштиришларни фалсафий фикрлаш имкониятлари аввалдан шу билан чекланган эдики, улар одамлар мақсадлари, эрклари, билимларининг гавдаланиши деб тушунилар эди. Ижтимоий объективлаштиришлар дунёси одамларнинг субъектив онги ва эрки ҳосиласигина бўлмай, шу билан бирга, шу онг, эрк ва мақсадларига боғлиқ бўлган ҳолда мавжуд бўлади, деб тушунилган эди.

XVIII асрда жамият ва тарихда шундай бир нарса борки, бу нарса одамларнинг онгли мақсадларида бўлмайди, онгда қамраб олинмайди, шунинг учун ижтимоий тарих фаолият кўрсатаётган индивидларнинг мақсад ва истакларидан билиб бўлмайди. Ижтимоий ҳаётда одамларнинг онгига боғлиқ бўлмаган ҳолда объектив механизм ва қонуниятлар мавжудлиги тўғрисидаги фикрни биринчилардан бўлиб Монтексье илгари сурди. Унинг фикрига кўра, ҳатто норматив кўрсатмалар (шу қаторда ҳуқуқий кўрсатмалар ҳам) одамлар томонидан тасодифий ва ихтиёрий бўлмайди, балки географик шароитлар ва ижтимоий – тарихий вазиятлар билан боғлиқ ҳолда юзага

келади. Бу қонунларни яратаётган одамлар буни билмасликлари ҳам мумкин.

Монтескьедан сўнг маърифатчилик фикрларида жамият ва тарихда «табий қонунлар» амал қилиш ҳақидаги ва одамлар фаолиятининг объектив детерминацияга эга эканлиги ҳақидаги фикрлар кенг тан олинди. Тарих одамларнинг мақсад ва аҳдлари таъсирида тараққий қилиш мумкинлиги ҳақидаги тасаввурлар ўз давомини Вико томонидан илгари сурилди «абдий тарих» талқинида, «табиат режаси» асосида ривожланиши тўғрисидаги Кант фикрларида ва Шеллингнинг «тарихий онгсизлик» ғояларида ривожини топди ва Гегельнинг «ақл айёрлиги» тарзидаги фикрларида изчил гавдалантирилди. «Ақл айёрлиги» одамларнинг ўз субъектив мақсадларини ҳатто баъзида маълум эгоизм билан кўйишига қарамасдан шу фаолиятда ва унинг натижаларида тарихнинг қандайдир қонуний мантиқий ривожини (одамлар эркига боғлиқ бўлмаган ва «дунёвий ақл» томонидан яратилган) бажаришлари ҳақидаги ғоя ётади. Ўзининг абсолют идеализм системасида ижтимоий фалсафанинг муҳим масалаларидан бири — ижтимоий — тарихий жараёнлар ичида объектив қонуниятлар ва одамларнинг онгли фаолияти муносабати масаласини ҳал қилган эди, шу масала юзасидан Маркс «улар буни билмайдилар, лекин шундай қиладилар»¹⁷⁵ деб айтган эди.

Гегель одамларнинг ижтимоий фаолиятлари маҳсулотлари мустақил мавжудлик усуллари ва тарихий тараққиёт усулларига эга бўлиб, индивидлардан бир мунча даражада мустақил эканлиги кўрсатган эди. Гегельга мувофиқ бутун ижтимоий — тарихий реаллик — бу «объективлаштиришлар дунёси»дир, шу билан бирга, бунда инсоний (охирги, субъектив) рух бевосита объективлангандир. Шундай қилиб, жамият ва тарихда мавжуд бўлган барча нарса инсон фаолиятининг, унинг онги ва эркининг яратган натижасидир. Айни шу билан бирга, инсонни ҳам кўшиб ҳисоблаган ҳолда барча насра маънавий субстанциянинг,

¹⁷⁵ К. Маркс Предисловие ко второму изданию I тома «Капитала» // К. Маркс, Ф. Энгельс Сочинения, т. 23, М., Политиздат, 1957, С- 17-18.

абсолют ғоянинг объективланиши эди. Абсолют ғоя шу нарсани тушунтириши керак эдики, инсон фаолиятлари туфайли яратилган объективлаштиришлар ва уларнинг кўрсатаётган индивидларнинг фақат онглари ва мақсадларига боғлиқ бўлиб қолмай, уларда объективлаштирилган тушунчаларининг мантиқига Гегель фикрича мос қонунлар асосидаги ўз қонунларига мувофиқ ривожланади ҳам.

Ижтимоий – тарихий объективлаштиришларнинг турмушдаги автономиясини асослашни Маркс анча илгари силжитди. Унинг талқинида одамлар томонидан амалга оширилади, бироқ ихтиёрий равишда эмас, шу билан бирга, улар амалга ошириладиган ва қайта тикланадиган объективлаштиришлар одамларга боғлиқ бўлмаган мустақилликка эга, уларга ичдан характерли ўзига хос тарихий тараққиёт мантиқига эга. Булар турли технологиялар, ижтимоий муносабатлар, фаолият усуллари ва шакллари, эҳтиёжлар ва манфаатлар, ижтимоий структуралар, институтлар, ижтимоий тартиб, техника, билим, санъат, символик системалар, норматив тартиблар, коллектив онг, ижтимоий коммуникациялар системалари, турли – туман амалиётлар ва бошқалардир. Буларнинг барчасида инсонлар, уларнинг фаолиятлари объективлаштирилган ва аксинча, объективлаштиришларнинг тарихий мавжудлиги фақат инсонлар фаолияти иштироқи туфайлигина мумкиндир. Объективлаштиришларнинг (объективацияларнинг) яратаётган мавжудлигини таъминлаётган ва ўзгартираётган ижтимоий индивидлар бу фаолиятларида ўзлари ҳам уларни гавдалантириш (персонлаштириш)нинг бир бўлаги сифатида объектив ва субъектив компонентлари ўзаро таъсирида вақтда қайтмаган мавжудлик усулига эга бўлган объективлаштириш сифатида гавдаланади.

Инсонларнинг ўз фаолиятларини маълум даражада назорат қила олмайдиган ҳолатда бўладилар. Фаолият натижалари эса бегоналашган шаклларга кириб қолиши ва унинг онгли равишда қўйилган мақсадларига зид келиб қолиши мумкин. Мана шу жаарён ва унинг натижасини «бегоналашиш»

атамаси билан номланилган. Инсонлардан улар фаолиятти жараёнининг ва маҳсулотининг бегоналашуви иллюзия эмас, у аслида зарурат асосида мавжуддир. Маркс ҳам, унинг маслаҳатдошлари ҳам объективлаштиришларни бегоналашуви асосларини унинг ўзидан, предметлаш механизмида ёки барча сунъийликнинг яшаш усулида эмас, балки тарихий шароитлардан кидирдилар ва айнан шу шароитлар, улардан энг асосийси – меҳнатнинг тақсимланиши ва хусусий мулкнинг юзага келиши – худди ана шундай инсондан бегоналашган объективлаштиришларнинг мавжудлик воситаси эканлигини кўрсатадилар. Одамлардан объективлаштиришларнинг бегоналашуви фақат тарихий ўткинчи ҳолат, унинг ортидан бошқа ҳолат юзага келади, бу ҳолатда одамлар ўз фаолияти жараёнлари ва натижаларини онгли равишда ва режа асосида назорат қила олиш қобилиятига эга бўладилар ва объективлаштиришлар ўзларининг одамлардан бегоналашувини йўқотадилар. Объективлаштиришлар бўлмаслиги кераклиги билан эмас, тарихий жараённинг объектив қонуниятлари, тараққиётни шу йўналишда ҳаракатлантиргани учун шундай бўлади. Ҳозирги даврда кўплаб бундай фаразни ҳаддан ташқари оптимистик деб баҳолайдилар.

Ижтимоий – тарихий реаллик тирик инсонлар туфайлигина пайдо бўлади, яшайди ва ўзгаради, одамлар уларни қайта тиклаш жаарёнида унга борлиқ ато этадилар ва ушлаб турадилар. Бироқ бу реаллик одамлар онгига боғлиқ бўлмаган қонуниятларга эга, зарурий каузал, структуравий ва функционал барқарор боғланишларни кўзда тутди. Ижтимоий объектлаштиришлар ўз – ўзини фаоллик кўрсатадилар. Бутунича олганда, ижтимоий – тарихий реаллик – бу унинг қайта тикланиши ва ягона ҳамма нарсани қамровчи объективлаштиришдир.

2.7-§. Ҳаёт фалсафаси ва унинг эволюцияси

Тирик ва нотирик мавжудот орасидаги фаркнинг реаллиги тўғрисида ҳеч бир киши шубҳа қилмаса керак. Шундай осон фактни қайд қилишнинг ўзи ҳам кўп асрлар давомида «Ҳаёт ўзи нима?» деган саволга қадимги мифологиялардан тортиб бутунги фалсафа ва фанигача жавоб излаб келади. Ҳаётнинг келиб чиқиши, унинг ўзига хос хусусиятлари, жонзотларнинг шакллари турли-туманлиги, уларнинг қайта тикланиш механизмлари, кўпайиши, тараққиёт омиллари каби саволларга жавоб берар экан, одамзод ўз табиатини билиб олишга, ўз ҳаётий фаолиятини характерини аниқлашга интилади.

Ҳаёт мазмуни инсонни тушуниш учун муҳимдир ва шунинг учун файласуфлар ва олимларнинг диққат марказида туради. Ушбу бобда биз ана шу ниҳоятда мураккаб ва ўзига хос мавзунинг баъзи жиҳатларига тўхталиб ўтамиз.

Биринчидан, ҳаёт таърифланадиган атамаларга тегишли асосий белгиларни санаб ўтамиз. Иккинчидан, ҳаётнинг келиб чиқиши муаммосига эътибор қаратамиз. Учинчидан, тирик организмларнинг тараққиёти ҳақида умумий – генетик тасаввур берамиз. Тўртинчидан, муҳокама қиламиз.

Ҳаётни таърифлашнинг фавқулодда қийинлиги тўғрисидаги гаплар бу мавзуга тегишли ҳар бир муҳокамада албатта тилга олинмай иложи йўқ. Тирик табиат тўғрисидаги фан бўлган биология ҳам бундан истисно эмас. Ҳаётга тегишли кўплаб таърифларда унинг специфик маъноси тўғрисида ҳеч нима кўрсатилмайди. Масалан, ҳаётни унинг ташувчиси (соҳиби) характеристикалари асосида масалан, оқсил характеристикалари тушуниш ана шундай тушунишлардандир. Хусусан, кенг тарқалган таъриф шундай: Ҳаёт – бу оқсил жисмларининг мавжудлик усули бўлиб, бу жараённинг асосий жиҳати уларнинг ўзини ўраб турган ташқи табиат билан модда алмашилишидир. Бундай таърифда оқсилнинг мавжудлиги белгилари ва модда алмашилиши унинг специфик маъноларини бермайди ва бошқа физика – химиявий структуралар ва жараёнларни характерлашда критерий сифатида фойдаланиши

мумкин. Ҳаётни кўпинча физика – химиявий жараёнларнинг ўзига хос ўзаро таъсири деб ҳам қаралади. Масалан, Дж.Берналнинг китобда шундай ёзилади: «Ҳаёт – атом электрон ҳолатларининг атроф муҳит билан қисман, узлуксиз, ўсиб боровчи, кўп томонлама ва ўзаро таъсирлашувчи потенциал имкониятларининг ўз – ўзидан амалга ошишидир».¹⁷⁶ Ҳаётни бунга ўзаш таърифлари кўпроқ ҳаётнинг ўзига хос белгиларини кўрсатмайди, балки тирикнинг нотирик билан боғлиқлигини кўрсатади, холос.

Фалсафий – онтологик нуқтаи – назардан ҳаёт – бу жараёндир, бу жараёнда борлиқнинг потенциал сифатлари унинг актуал қийматларига айланади. Ҳаёт борлиқнинг актуаллашиш жараёнидир, бу жараённинг турли шаклларида борлиқнинг имкониятлари очилади. Ҳаёт тиллари эса борлиққа муаммо сифатини бериб, борлиқ ифодаланишининг асосий усуллари бўлади. Шу аснода фалсафа олдида ҳаётнинг турли тиллари ресурсларидан фойдаланиб, борлиқнинг ҳаёт тарзидаги аниқланиш зарурати пайдо бўлади. Тирик ва нотирикни қиёслаш кузатув маълумотлари асосида ҳаётнинг барча специфик хоссалари: овқатланиш, нафас олиш, сесканиш, фаоллик, купайиш, ўсишни характерлаш мумкин.

Ҳақиқатан ҳам, тирик мавжудот нимаики бўлмайсин модда ва энергия манбаи тарзида овқатга муҳтож бўлади, бунда ўсимликлар ва жониворлар овқатини қандай топишларига кўра фарқ қиладилар. Нафас олиш эса организмда органик моддаларнинг оксидланиши туфайли энергия чиқариш жараёнидир.

Барча тирик моддалар ташқи ва ички муҳит ўзгаришларига реакция қилиш қобилиятига эгадир. Сесканишнинг турли шакллари уларнинг тирик қолишларига имкон беради. Организмларнинг фаоллиги уларнинг ҳаракатланиши ёки ҳулқига оид қобилиятида намоён бўлади. Жониворларнинг фаоллиги ўсимликларнинг фаоллигидан сезиларли даражада фарқ қилади, чунки улар овқат топиб

¹⁷⁶ Дж.Берналъ. Возникновение жизни. М., 1969. 20 б. Джон Десмонд Берналъ. (1901-1971) – машҳур инглиз биохимиги ва физиги.

ейишлари учун атроф муҳитда ҳаракатланишлари лозим. Турнинг яшаб қолиши ота – она авлодидаги энг муҳим белгиларининг келгуси авлодга кўпайиши орқали сақлаб қолинади. Тирик организмлар озик – овқат моддарини истеъмол қилишга доир ички жараёнлар ҳисобига ўсади.

Организмларнинг юқорида санаб ўтилган белгилари уларнинг тирик ёки ўлик эканини билдиради. Тирик табиатда бу белгиларни кузатиш ҳаётнинг интеграл характеристикаларини аниқлашга имкон беради: 1) модда алмашинувига доир энергетик жараёнлар; 2) ўз – ўзидан ташкилланиш белгилари; 3) информация – генетик белгилар; 4) эволюцион белгилар.

Организмларнинг овқатланиши, нафас олиши, сесканиш, фаоллиги, кўпайиши ва ўсиши энергетик ресурсларга муҳтождир, организм уларни ташқи муҳитдан олади. Табиат энергияси организмларнинг яшаб қолиш ва адаптацияси (мослашиши)да йўқотган энергияси ўрнини тўлдириш учун фойдаланилади. Масалан, деярли барча ўсимликлар фотосинтез қилиш хусусиятига эга. Бу жараён Қуёш энергияси ёки бошқа ёруғлик манбалари энергиясидан фойдаланиш ҳисобига озик – овқат моддалари синтез қилиш жараёнидир. Организмлар модда алмашинушининг энергетик жараёнлари улар ташкилланишини сақлаб туриш ва қайта тиклаш учун зарур шартдир. Тирик шаклларнинг юксак тартибланишда тузилиши ўз – ўзидан ташкилланиш ва ўз – ўзидан созланиш (саморегуляция) хоссаларига эга бўлади. Организмлар учун «қурилиш материаллари» бўлиб хизмат қиладиган химиявий моддалар нотирик объектлар моддаларига қараганда юксак ташкилланган бўлади. Химиявий структуралар ва функцияларнинг тартибланганлиги ҳар қандай тирик организмларнинг ўзига хослиги бўлиб, улар ўз – йўналишда ўсишга ёрдам беради.

Кўпайишида тирик организмлар структураларининг ҳар бир келгуси авлодда янгидан вужудга келишини турлича талқин қиладилар. Бундай талқинлар преформистик ва эпигенетик нуқтаи – назарлар номини олган. Ҳаётнинг ташкилланишига доир бу икки нуқтаи – назар фалсафа ва

биологияда узок муддат мавжуд ва бир – бири билан рақобатлашиб келади.

Преформизм атамаси лотинчадан «аввалдан ташкиллайман» деган маънони билдиради. Преформистик гипотезага мувофиқ организмнинг таракқиёти ва белгилари унинг пушт структураларида, яъни унинг жинсий хужайралари структураларидаёқ маълум бўлади. Преформизминг радикал қарашлари тирик мавжудотлар барча келгуси авлодларининг пушт куртаклари улар яратилган вақтнинг ўзидаёқ аввалдан белгиланган деб даъво қилишга олиб келади. Преформистик нуқтаи – назар организмларнинг «матрешка модели»да ўз аксини топади: ҳар бир келажак авлод пушти ундан олдинги ўтган авлод пуштида «яшириб» қўйилган бўлади (худди ҳар бир матрешка узидан каттаси ичида яширингани сингари).

Эпигенетик гипотеза эса аксинча, организмнинг таракқиёти турли сабаб, куч ва мақсадларга боғлиқ бўлган кетма – кет янги тузилмаларнинг юзага келиши йўли билан амалга ошади деб ҳисоблайди. Аристотель ўз вақтидаёқ организм пуштида тайёр структуралар йўқ деб айтган эди. улар организм таракқиётининг ҳар бир босқичида янги тузилмалар тарзида пайдо бўлади. Организм структураларининг ўзининг таракқиёти эса мақсадга мувофиқ (теологик) характерда бўлади. Юнон тилида «эпигенез» сўзиданги «эпи» олд қўшимчаси ҳаракат йўналишини унинг потенциал хоссаларидан уларнинг реаллашишига қараб йўналганини билдиради.

Преформистик ва эпигенетик қарашлардаги организмлар структураларининг қайта тикланишига оид ҳатоликлар ва уйдирмалар фақат XX асрга келиб, генларнинг химиявий структуралари равшанлашиб, ирсий информацияни сақлаш ва узатиш механизмлари топилгандан сўнг бартараф этилди.

Ҳар бир организм учун зарур бўлган информация унинг келгуси насларига ирсият йўли билан узатилади. Информация генетик структураларда – организм генлари ва хромосомаларида бўлади. (Ген сўзи юнончадан «тур» деб таржима қилинади. Ген ирсий материалнинг майдаланмаган

элементар бирлигини билдиради. Хромосома (хромо – ранг, сома - хисм) – ганлар соҳиби бўлган хужайранинг структуравий ядросидир). Ирсий ҳолда структуралар эмас, уларнинг хоссаларининг тавсифи узатилади. Ҳар қандай бундай тасниф организмнинг ирсий программаси бўлиб, шу программани у келгуси авлодларга узатилиши мумкин. Бундан ташқари, организм структурасининг ҳар бир таснифига уни тайёрлаш инструкцияси (технологияси) кирган бўлади. Бошқача айтганда, ирсий программада организм тузилишининг ўзига хосликларининг таснифи, ва шунингдек, унинг структураларининг тайёрлаш амалларининг кетма-кетлиги механизмини эса ота-она организми (аждод организми) генетик структураларини авлодлар (насллар) томонидан нусхалаш процедурасига ўхшатиш мумкин. Бунда аждод структуралари келгуси авлод структураларини тайёрлаш учун матрицалар сифатида фойдаланилади. Бир аждод генетик структураларининг бошқача авлодларга узатишда мутациялар (хатоликлар, ўзгаришлар) рўй бериши мумкин, уларнинг сабаби табиий ва сунъий омиллар таъсирида бўлади. Мутациялар организмнинг ҳар қандай хоссаларига ҳам тегишли бўлиши мумкин, шундай эканлиги уларнинг модификацияларининг кўринишларининг турли-туманлигида намоён бўлади. Генетик механизмлар организмлар структураларининг сақланиш, қайта тиклаш, программалаш функцияларини таъминлаб, уларнинг энергетик ресурсларга эҳтиёжини, ривожланиш чегараларига ва табиатини белгилаб беради.

Тирик организмлар эволюцияси уларнинг атроф муҳитга адаптацияланиш (мослашиш) қобилатларини шакллантиради. Ҳар бир жонзот тури ўзининг яшаш тарзига мувофиқ ҳолда мавжуд бўлади, яъни у ўзининг мерос қилиб олган тузилиши ва функциялари туфайли атроф муҳитга мослашган. Организмлар ҳаёт тарзининг фаоллиги атроф муҳит таъсирига шу организм кўрсатадиган реакциясининг ўзига хосликлари билан белгиланади. Эволюция натижасида ҳар бир турнинг ҳаёт тарзи ўзгариши, унинг фаоллиги каманиши ёки ортиши мумкин. Ирсият программаларини ўзгаришлари ёки мутациялари

эволюция давомида табиий танланишни бошидан кечиради. Бунинг натижасида организмларнинг тузилиши мураккаблашиши ёки соддалашиши мумкин, улар органлари ёки функциялари мукаммаллашиши, ёки янгилари шаклланиши мумкин: бир организмлар яшаб кетиши мумкин, ва ниҳоят, тирик организмларнинг янги турлари пайдо бўлиши мумкин. Тирик табиатда мутация жараёнлари вақти жиҳатидан анча давомий бўлади, уларнинг турли фавқулодда хилма-хил, тасодифий, келиб чиқиши йўналтирилмаган характерда бўлиши мумкин.

Ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақида масалалари ҳақли равишда инсон билишнинг «қизгин сирли» масалалари ҳисобланади. Фалсафий маънода ҳаётнинг келиб чиқиши масалаларига мурожат қилиш умуман ҳаётнинг маъносини, жумладан, инсон ҳаётнинг маъносини чиқишга бўлган интилишлар йўлида силжишга эришиш деганидир. Мифология, дин, фалсафа ва фанда ҳаётнинг келиб чиқишига оид мулоҳазаларга доир бой тажриба тўпланган. Бу мулоҳазалар қанчалик турли-туман бўлмасин, уларнинг барча юксак даражада аклий, муаммоли ва фаразийдир.

Ҳаётнинг келиб чиқишига доир энг содда ва фантастик тасаввурлар барча даврлар ва барча халқларга тегишли мифологик ёки диний қарашларга хосдир. Масалан, ҳаётнинг келиб чиқиши оламнинг яратилган эканлигининг актларидан биридир, деб ҳисоблайдиган космогоник ривоятлар шулар жумласидан. Уларда ўсимликлар дунёси ва ҳайвонлар дунёсининг келиб чиқишини Ернинг ўзининг, океанлар, осмон, ҳаво, ҳуруқлик, дарёлар, тоғларнинг юзага келиши кетма-кетлигида кўрилди. Оламдаги барча ман ҳодисалари пайдо бўлишини баёнқилувчи олам тухуми ҳақидаги ривоят жуда конкретдир. Алоҳида ўсимликлар ёки ҳайвонларнинг пайдо бўлишини тушунтирувчи этиологик, ёки сабабий ривоятлар яхши келиб чиқиши ҳақидаги масала алоҳида аниқ кўйилган доирасига киритган ҳолда унинг ўзига ҳослигини ҳисобга олмайди. Ҳодисалар оламининг жонли ва жонсизлик чегараси кескин эмас, фарқ қилиб бўлмайди, уларнинг ўзаро

айланишларининг эса чеки йўқ. Ер, сув, шамол, тошлар, ўт-ўланлар, ҳайвонлар, одамлар ўзларининг мистикалоқалари туфайли ўзаро бир-бирига айлана олидилар. Мифологик метаморфазалар одамларнинг зарур эҳтиёжлари ва ҳар кунги машғулотлар билан боғланган бўлади. Жонли мавжудодларни илоҳийлаштирилиши ва ҳаётнинг айрим хоссаларига сиғинишини юзага келтириш энг қадимги ритуаллар, ўйинлар, маросимлар, одатларнинг ажралмас элементларига айланиб қолади; Қадимги Мисрда осмонда сигирга сиғиниш, қадим Юнонда ҳосилдорлик худоси Деметри, ёки шароб худоси Дионисга сиғиниш, ўлиш ва қайта тирилиш ҳақидаги ривоятлар. Энг машҳур мифлардан бири жонларнинг ҳақидаги ривоят (бу ривоят, жумладан, Платон томонидан баён қилинган) жонли олам билан жонсиз оламни айнийлаштириб, бир-биридан фарқ қилинмайди. Шунинг учун ривоятда ҳаётнинг келиб чиқиши тўғрисидаги масала аниқ кўйилиши мумкин эмас эди. Аниқроғи, ривоятларда бу масалани кўйишга мойиллик сезилади, холос. Ҳозиргача ҳам одамлар ривоятлардаги ана шунга ўхшаш ҳаёлий фикрларга ишониб келадилар.

Ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги кеинйроқ юзага келган диний фикрлар (иудаизм, буддизм, христианлик, ислом) ҳам аввалги мифологик тушунтиришга принцип жиҳатидан ўхшашдир. Албатта, диний моделлар рационаллашган шакли билан, бошқа символикаси билан фарқ қилади, улар соғлом ақлга «яқинроқ» келади. Масалан, ҳаётининг юзага келишига доир библия схемаси яратувчи – Худо борлигини кўзда тутди ва худо томонидан оламни яратганлиги ғояларига киритилади. Тартибланган олам хаосдан келиб чиқади. Яратишнинг биринчи актлари оламни осмон ва ер оламларига бўлишдан иборат бўлади, сўнгра қоронғиликдан ёруғлик юзага келади ва сўнгра – сомон гумбазида Қуёш, Ой, юлдузлар пайдо бўлади. Ўсимликлар ва ер ва сув жониворлари кейинги яратилиш актларида юзага келадилар. Ҳар қандай ўсимликлар ва ҳайвонлар уста – яратувчининг хоҳишига мос бўлиб гавдаланади. Тирикнинг идеал прототипларига Худо уларнинг

хар бирининг ўзига хос модда киритади ва бирин «ҳаёт нафаси» билан тақдирлайди. Худди шундай йўл билан Худо одамни ҳам яратади. Одамнинг лойдан тайёрланган моделига у ҳаёт бағишлайди. Барча тирик мавжудотлар муайян иерархик тартибда яратилади. Масалан, «ҳаёт пиллапоялари» модели мана шундай, унинг ҳар бир зинаси оламнинг нотирик шаклидан ўсимликлар – турли – туманлигига, сўнгра – жониворларга ва шу тариқа инсонгача яратилади.

Ҳаётнинг келиб чиқиши ҳақидаги кўпсонли фалсафий ва илмий қарашларга келсак, уларнинг рационалиги шундаки, уларда яратувчи – Худонинг ғайритабиий функцияларидан воз кечиш, ҳақиқатга яқин баён қилиш, умумлашмалар ва тушунтиришлар мавжуддир. Тирик зотнинг пайдо бўлиши, ўсиши ва турли – туманлигига тегишли модель кенг ва ҳамма нарса камраб олинган систематик жавоб Аристотель томонидан берилди, унда фалсафий фаразлар табиатни табиий – илмий кузатишлар натижалари билан тўлдирилган эди. Аристотель антик даврдаги ҳаётнинг ўз – ўзидан назарий константа тарзида келиб чиққанлиги кенг тарқалган ғояни мустаҳкамлади. Жумладан, у тирик шакллар (турлар) нам тупрокда ўз – ўзидан туғилади, деб ёзган эди. масалан, Аристотель фикрига кўра, ҳашоратлар ва қурбақалар нам лойқада пайдо бўлади. Деярли икки минг йиллар давомида ҳаётнинг ўз – ўзидан пайдо бўлиши (туғилиши) ғояси христиан – библия ривоятидаги жонлининг жонсиздан Худо томонидан яратилиш акти эканлиги ғояси билан муваффақият билан рақобатлашиб келди.

Бироқ XVII асрга келибоқ, бу ғоя экспериментал қаршиликларга дуч келди, бу айниқса Л.Пастернинг XIX асрдаги машҳур тажрибаларида ўз аксини топди. Бу тажрибаларда бактериялар ҳаво орқали тарқалади, агар ҳаво стерилизация қилинса, стерилизация қилинган колбадаги бульонда улар вужудга келмайди. Бундай қараганда, ҳаётнинг жонсиз дунёдан ўз – ўзидан туғилиши ҳақидаги масала кун тартибидан олингандек туюлади. Ч.Дарвин ҳаётнинг ўз – ўзидан туғилиши тўғрисида гапириш маъносиз, чунки у ҳолда оламнинг Худо томонидан яратилганлигини тан олишга тўғри

келар эди, деб ёзган эди. Кўпчилик олимлар тирик организмларнинг бошқа тирик организмлардан келиб чиққанлиги тўғрисидаги фақат эволюцион тезис билан чекланиб қолдилар. Охир ниҳоятда, бундай чекланганлик энг биринчи организмларнинг қандай келиб чиққанлиги масаласини илгари сураб эди.

Фақат XX асрдаги кўплаб биохимиклар, биологлар, палеонтологларнинг ишлари туфайли ҳаётнинг ўз – ўзидан келиб чиққанлиги тўғрисидаги гоё кузатишларга ва лаборатория экспериментлари натижаларига асосланган вазмин назарий хулосаларга келдилар. Бу ерда Дж. Берналь, В.И.Вернадский, А.И.Опарин, Дж.Холдейн, Т. де Шардек ва бошқаларнинг номларини биринчи навбатда тилга олиш мумкин. Уларнинг қарашларидаги фарқлар улар келган айрим умумлаштиришлар ўхшаш эканини йўққа чиқармайди. Ҳаётнинг ўз – ўзидан туғилишини юқоридаги умумлашмалар асосида қуйидаги схематик кўринишда баён қилиш мумкин.

Ҳаётнинг нотирик материядан келиб чиқиши бизнинг давримиздан 3-3,5 млрд йил аввалги даврга тўғри келади. Бу давр Ер қобиғи шаклланишининг тугалланиши ва «бирламчи океан бульони»нинг юзага келиш вақтига тўғри келади. Ҳаёт пайдо бўлиши учун мос шарт – шароитлар юзага келиши керак эди.

Нотирик асослардан ҳаётнинг келиб чиқиши вақт давомийлиги кўп ўнлаб миллионлар йиларга чўзилган. У қайд қилган чегара Ер қобиғидаги физика – химиявий ўзгаришларнинг абиоген даврини тегишли моддий шароитлар юзага келган биоген даврдан, яъни энг содда тирик шаклларнинг пайдо бўлиши ва уларнинг келгусидаги эволюциясини билдирувчи даврдан ажратиб туради. Ҳаётнинг пайдо бўлишига узоқ вақт давомийлигидан ташқари Ер сирти температурасининг сезиларли пасайиши, газсимон кислороднинг йўқ бўлиши, муайян химиявий моддалар ва энергия манбаларининг бўлиши каби шароитлар ҳам бўлмоғи керак.

Ҳаётнинг пайдо бўлиши даврининг давомийлиги органик реакцияларда моддларнинг бир турдан иккинчи турга айланиш фактлари билан тасдиқланади. Агар катализатор вазифасини бажарувчи оксил бўлганида модда айланишлари жараёни бир неча секунд давом этса, катализатор бўлмаганда шунга ўхшаш реакциялар миллионлаб йилларда амалга ошади. Ҳаётнинг содда шакллари пайдо бўладиган ҳодисаларнинг эҳтимоллиги ниҳоятда кичик бўлса – да, уларнинг юзага келиши учун вақт етарли эди. Агар геологлар қайд қилганларидек, Ернинг тузилганига 4 млрд йил бўлган бўлса, биринчи ҳаётнинг протоҳужайра шакллари фақат 1-1,5 млрд йил ўтгандан сўнг пайдо бўлган. Шундай қилиб, давомийлиги улкан масштабдаги вақт оралиғи ҳаётнинг юзага келишдек эҳтимоллиги кам бўлган воқеанинг амалга ошишига зарурат бўлган.

Ҳаётнинг юзага келишига иккинчи зарур шароит – Ер сиртининг совиши бўлган. Оксилнинг (бошқа моддалар қаторида) ҳаётнинг ажралмас компоненти эканлиги маълум. Оксил парчаланиб кетмаслиги учун Ер сиртининг температураси анча пасайиши керак эди. Температуранинг керакли бу қиймати Цельсий бўйича 90° лар билан ўлчанади. Бундай температурада баъзи иссиқ манбалар (булоқлар)да баъзи бактериялар яшашда давом этади (ўлмайди), оксилни ташкил қилувчи муайян органик бирикмалар юзага келади, бу тегишли кузатишларда тасдиқланган. Эрнинг сиртий керак бўлган температурага ўзи пайдо бўлганидан 1-1,5 млрд йил ўтгач эришган.

Ҳаёт пайдо бўлишининг учинчи зарур шарти – Ер атмосферасида кислороднинг бўлмаслигидир.

Гап шундаки, кислород органик моддалар билан ўзаро таъсирлашганда тирикликнинг содда шакллари юзага келиши учун зарур фойдали бўлган хоссаларини бузиб юборади. Органик молекулалар, кислород билан тўқнашиб, кўп яшамайди ва янада мураккаброқ структураларга трансформация қила олмайди (айлана олмайди). Шунинг учун ҳам бизнинг давримиз шароитларида ҳаётнинг нотирик жисмлардан юзага келиши мумкин эмас.

Химиявий моддалар ва энергия манбаларининг мавжуд бўлиши ҳаётнинг юзага келишининг тўртинчи ва бешинчи гуруҳ зарур шартларидир. Умумлаштирилган фаразларга кўра, ҳаётнинг ўз – ўзидан юзага келиши аввалдан қуйидагиларни кўзда тутди: а) моддаларнинг элементар структуралардан тирик шаклларга хос бўлган мураккаб структураларгача кетма – кет айланишларидан иборат химиявий эволюцияси; б) химиявий эволюцияни таъминловчи ва ҳаётини жараёнларни таъминловчи энергетик айланишлар кетма – кетлиги; энергия аввалдан етарли даражада тўплаб олинган, унинг запаслари эса ташқи манбалар ҳисобига тўлдириб турилиши лозим.

Ҳаётнинг келиб чиқиш жараёнини реконструкциясини юқорида айтилган шартлар билан боғлиқ ҳолда узок муддат вақт давомида бир – бири билан алмашинган уч фаза тарзида кўрсатиш мумкин.

Биринчи фаза – «атомдан молекулагача». Бу фаза химиявий моддаларнинг эволюциясидан иборат бўлиб, унинг жараёнида борган сари мураккаблашган молекулалар структуралар пайдо бўлади. Сув, метан ва аммиакдан ҳаёт олди шаклларининг қурилиш материаллари бўлган органик бирикмалар шакланган. Шу фазанинг ўзидаёқ моддаларнинг химиявий айланишларнинг кетишини тезлатиш ва энергия олиб ўтиш элементар қобилиятига эга бўлган бирикмалари пайдо бўлишлари мумкин.

Иккинчи фаза – «алоҳида молекулалардан полимерли уюшмаларга». Йирик органик тузилмалар – полимерлар, мономерлар, яъни элементар органик молекулалардан тўқилган. Опарин – Холдейн фаразларига кўра, полимерлардан иборат «бирламчи бульон»нинг юзага келиш жараёни кетган. Бу сув кўтарилиши – пасайишидан кейин вужудга келадиган денгиз саёзликларида кўплаб иссиқлик энергияси ажралиб чиқадиган интенсив буғланишлар кетаётганда рўй берган бўлса керак. Бу ерда химиявий айланишларнинг кетишини тезлатувчи катализаторлик хусусиятларига эга бўлган оксилларга ўхшаш моддалар шакланган.

Учинчи – фаза «полимерлардан энг содда хужайрали организмлар агрегатларига». Ҳаёт юзага келишининг кунловчи бу фазасида полимер структуралар йирик агрегат шаклларга – полимерларнинг узун занжирларига бирлашадилар. Бундай агрегат шакллар хужайраларга айланиши учун улар учта муҳим хоссага эга бўлишлари керак. Биринчидан, бу оксил мембранаси хоссаси бўлиб, у хужайрани ташқи муҳитдан ажратиб туриши ва улар орасидаги моддалар алмашувини воситалаб туриши керак. Иккинчиси, организм ва муҳит орасида моддалар алмашинувига, шунингдек структура ҳосил қилиш ва функцияларни йўлга қўйишга ишлайдиган оксиллик хоссаси. Учинчидан, оксилларнинг синтези учун информацияга эга бўлган нуклеин кислоталар хоссалари. Примитив молекуляр агрегатларнинг энг содда тирик организмларга айлангунларига қадар ўнлаб миллионлаб йиллик химиявий эволюцияси керак бўлган.

Атомлар шаклдаги моддаларнинг молекуляр ва макромолекуляр структуралар орқали энг содда бир хужайрали организмларга химиявий эволюцияланишида шундай комбинациялар танлови амалга оширганки, бу танловда парчаланмасдан яшаш қобилиятига эга бўлган комбинацияларгина қолган. Молекуляр структураларнинг агрегат ҳолатлари оксил моддаларининг катализаторлир сифатларга эга бўлгани туфайли юқори стабилликка эга бўлганлар ва узок муддат яшаганлар. Хужайравий агрегатларда бўладиган химиявий реакциялар уларда нафас олиш ва силжиш (ҳаракатланиш) функциялари энергетикаси функцияларини шакллантириш, полимерларни қайта тикланиш, ташқи муҳитдан келадиган моддаларнинг йиғилиш функциялари, бир хил моддалар функцияларини бошқа хил моддалар функцияларига айлантириш, яъни хужайранинг метаболик функциялари деб аталадиган барча функцияларнинг шаклланишини таъминлайди. Биринчидан, энг содда организмлар «бирламчи океан бульони»да яшаганлар ва ўлганлар. Бундай жисмларнинг қолдиқлари археологлар ва палеонтологлар томонидан топилган Ер қобиғининг энг

кадимги қатламларида топилган, уларнинг ёши 3-3,5 млрд. йиллар билан ҳисобланади. Электрон микроскоплар ёрдамида уларнинг бактерияларга ўхшаш эканликларини кўриш мумкин. Дастлаб энг содда бир хужайрали организмлар фақат органик моддалар билан озикландилар. Кейинчалик улар фотосинтез қилиш қобилиятига эга бўладилар ва қайта тикланиш реакциялари учун водороддан фойдаланадилар, ҳамда карбонат ангидрид газини углеводларга айлантиради. Фотосинтез қилувчи организмларда бўладиган ички химиявий реакциялар ноорганик моддаларни органик моддаларга айланишига ёрдам берадилар. Шу пайтдан бошлаб атмосферада кислород тўпланабошларди ва органик моддаларнинг тобора кучайиб боровчи интенсивлашган эволюцияси бошланади.

Биохимиявий эволюциянинг марказий моменти энг содда тирик шаклларнинг молекулаларни қайта тиклаш қобилиятларининг пайдо бўлишидир. Молекуляр репликация, яъни молекулаларни қайта тиклаш механизми энг мослашган тирик организмлар яшаб кетишининг эволюцион жараёнининг асосида ётади. Агар молекула репликация қобилиятига эса бўлса, демак у ўзининг копияларини яратиши мумкин эди. репликатор – молекулалар яшаётган «бирламчи бульон» энг оддий тирик жисмларнинг хаотик ҳаракатидан иборат эди. Элементларнинг тасодифий бирлашишлари мураккаб агрегатларни ҳосил қилар эди ва уларнинг турли типларини вужудга келтирар эди. бир хил мураккаб молекуляр жисмларида уларнинг нусхаланишидаги ҳатоларнинг сабаби бўлар эди. нусхалашдаги ҳатолар давом этаверар ва бу нарса айни бир аждоддан бир неча типдаги молекулалар пайдо бўлишига олиб келар эди. Бир хил молекулалар бошқаларидан барқарорроқ бўлар эди. Улар «бирламчи бульон»да катта стабилликка эга эдилар ва унда умрилари узокроқ бўлар эди.

Молекуляр репликациясининг яна бир хоссаси, купайиш тезлигида ёки «серпуштлиги»да намоён бўлади. «Бирламчи бульон»даги молекула – репликаторлар орасида серпуштлироқ эканлиги билан фарқ қиладиган молекулалар ҳам бор эди. Ҳаётнинг Ер юзини эгаллаб, тарқалиб кетаётган ва асосан

биологик эволюция пайтида «бирламчи бульон»нинг энг содда организмлари ўз турли – туманлик даражаларига эга эдилар. Улардан баъзилари кўп яшашлик, қолганлари эса серпуштлик қобилиятига эга эдилар.

Ҳаётнинг юзага келиш жараёнлари қайдаражада зарурий ва қай даражада тасодифий эди деб ҳисоблаш мумкин? Бу саволга бир қийматли аниқ жавоб бериб бўлмайди. Фақат бизнинг Ермизгина ҳозирча ҳаёт юзага келган ва мажуд бўлган сайёра эканлиги факти уникал, тасодифий ҳодисалар қаторига киради. Ерга ҳаёт Космосдан, бошқа сайёралардан келган деган гипотезаларда ҳам (пансперма гипотезаси) тасодифий устун келиши сезилиб туради. Бу гипотеза характери ҳаётнинг Космосдан келиб тушганлиги ҳақидаги саволга бир қийматли давоб беришга имкон бермайди. Равшанки, бундай воқеанинг тасдиқланиб ёки рад қилинишига доир аргументларни топиш мумкин эмас. Шу билан бирга, панспермия гипотезасини муҳокама қилиш ҳаётнинг Ер юзидан шароитлари ҳақидаги масалани ҳал қилиб бермайди. Ҳаётнинг Ерда пайдо бўлишининг тасодифийлиги шундай шароитлар тўплами билан қўшилиб кетадики, уларнинг таъсири зарурийлик ва етарлилик хоссасига эгадир. Ҳар ҳолда вақт, температура, ер атмосферасида кислороднинг йўқлиги, химиявий моддалар ва энергия манбаларининг борлиги сингари омилларнинг тўплами тирик организмларнинг пайдо бўлиши имкониятига зарурий асос бўлган.

Тирик организмларнинг эволюцияси ўзининг бошланғич санок нуқтасини биздан тахминан 3 млрд йил узоқдан ҳаётнинг ўз – ўзидан пайдо бўлганлиги давридан бошлайди. Ўсимликлар ва ҳавонларнинг биринчи прототиплари бир жинсли тирик масса тарзидаги микроскопик ва бир хужайрали мажудотлар бўлган. Сўнгра, В.И. Вернадскийнинг фикрига қараганда, тирик массанинг ортиши унинг Ер сиртида «ёйилиш оқишига»¹⁷⁷ сабаб бўлган. Тирик массанинг ёйилиш жаранлари иккита асосий анъаналар билан биргаликда содир бўлгандир. Биринчидан, тирик масса геохимик жараёнларга таъсир

¹⁷⁷ В.И.Вернадский «Научная мысль как планетное явление» готовилось с конца 1999 года

кўрсатиб уларни сув, қуруқлик, ҳаводаги биологик айланишларга жалб қилади, кўшиб юборади. Иккинчидан, тирик организмларнинг ўзаро таъсири уларнинг мураккаблашиши, кўпайиши ва турли – туманлашишига ёрдам беради. Ҳаёт интенфикация бўла боргани сари бир ҳужайрали тузилмалар кўп ҳужайрали организмларга айланади (трансформацияланади). Уларнинг жисмлари айрим ҳужайралардан ва турли шаклдаги, турли вазифалардаги ҳужайралар группаларидан ташкил топган. Тирик мавжудотларнинг кўп ҳужайрали колониялари эволюцияланади, ўсиб, ривожланиб ва кўпайиб ёрдаги флора ва фаунанинг ҳаддан ташқари турли – туманлигини вужудга келтиради. Бир эволюцион даврдан бошқасига ўтганида кўп ҳужайрали жониворлар турлари бир – бири ўрнини олади, алмашинади. Турларнинг пайдо бўлиш анъаналари (тирик организмлар янги турларнинг пайдо бўлиши) айниқса сув муҳитидан қуруқликка ўтганида, ҳавога тарқалганида айниқса сезиларли бўлади. Биологик турларнинг умурқасизлардан умурқалиларга, ер – сувда яшовчилардан судралиб юрувчиларга, судралиб юрувчилардан қушларга ва ҳоказо одамсимонлар ва одамгача тараққиёти – эволюция даврларининг схемаси ана шундай.

Эволюция назарияси ҳаёт, унинг вужудга келиши ва тараққиётига доир фалсафий мулоҳазаларда алоҳида аҳамият касб этади. Бу назария тирик табиат ва одам ҳақидаги фанлар комплексининг илмий фундаменти бўлиб хизмат қилади. Эволюция тирик организмларнинг уларнинг барча хоссалари билан биргаликда энг умумий ўзгариш жараёнларининг тартибланган ва кетма – кет (изчил) тараққиётини уларнинг энг содда тузилиши ва ҳулқидан то мураккаб шаклларига қадар қамраб олади.

Гарчи Дарвинга қадар ҳам тирик организмларнинг структуравий ва функционал ўзига хосликларини ўхшаш эканлигини тушунтиришга доир уринишлар бўлган бўлса – да,

фақат Ч.Дарвин ўзининг «Турларнинг келиб чиқиши»¹⁷⁸ асарида эволюцияни тўла равишда илмий асослаб берди. Эволюция назариясини кейинги ишлаб чиқишларда у кўп сонли кузатишлар ва экспериментлар билан бойитилди ва бугунги кунда биологик билимнинг тармоқланган бир бутун системасига айланди. Эволюция ҳақидаги ҳозирги замон билимларнинг мағзини фанлараро тадқиқотлар: генетика, памонтология, молекуляр биология, экология ва этология, тегишли маълумотлар ташкил қилади.

Эволюцион жараёнларнинг интеграл механизми табиий танланишнинг таъсирида ифодалангандир. Кузатишлар шуни кўрсатадики, кўплаб организмлар яшаб қола олмайди ва насл қолдира олмайди. Организмлар орасида ташқи муҳит омилларини эгаллаб олишга тинимсиз рақобати яшаб қолиш учун курашни келтириб чиқаради. Рақобат бир турнинг ичида (тур ичидаги), турли турлар вакиллари орасида (турлараро) бўлиши мумкин. Биологик турлар эволюция давомида ўзгаради. Бунда ҳар бир келгуси авлод ўзидан аввалги авлоднинг белгиларини маълум бир модификацияларда ўзида олади. Ҳозирги замондаги организмлар ўзларининг аجدодлари билан оралиқ модификациялар ёки гапиришларга тўла занжири билан боғланган. Турнинг ўзгаришлари ирсий информация кодини ўзгартириб юбориши мумкин ва шундай бўлганда улар «мутация» - узатиладиган янги белги ва хоссаларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун мутациялар эволюцион жараённи генетик материал билан таъминлаб туради. Генетик материалнинг мутацион ўзгаришлари стихияли равишда, йўналтирилмаган ҳолда кечади. Айни бир мутациялар такрор бўлиши узатилади. Бир организмларнинг ирсий белгилари бошқалариникига қараганда озми ёки кўп равишда, кам ёки кўп даражада уларнинг яшаб қоилишига, ўсиб етилишига ва кўпайишига ёрдам бериши мумкин. Ирсият (мерос қолдириш) давомида белгиларни нусхалашдаги ҳатликлар ижодий мутацияларга олиб келиб, организмнинг мослашиш

¹⁷⁸ Ч.Дарвин . Сочинения / пер. С. Л. Соболя под ред. акад. В. Н. Сукачева. – М: Изд. АН СССР, 1959. – Т. 9.

фаоллигини ошириши ҳам, негатив мутацияларга олиб келиб, унинг яшаб кетишга бўлган потенциясини пасайтириши ҳам мумкин. Табiiй танланиш таъсири туфайли айнаи шу муҳитга ўзининг тузилиши, физиологияси ва ҳулки билан яхшироқ мослашган организмлар яшаб қолади ва кўпаяди.

Табiiй танланиш асосан икки вазифани бажаради: айнан мазкур турнинг сақланиб қолиши учун энг катта имкониятларга эга бўлган организмларнинг сақланиши; 1) бу вазифанинг адаптив сифатларини ирсий материал негатив мутациялардан ҳимоя қилади; 2) турларнинг ташкилланиш даражалари ва мослашишини юксалтирувчи янги генларни ва генлар комбинацияларини шаклланишига мойиллик бериш; бу вазифа турларнинг адаптив имкониятларини кенгайтиради.

Ўзгарувчанлик, ирсий ва эволюциянинг моҳиятлари ҳозирги вақтда популяцион генетика маълумотлари ёрдамида тушунилади. Агар классик, дарвинча эволюция назариясида таҳлил бирлиги учун айрим насл (жинс) – алоҳида организм қабул қилинган бўлса, ҳозирги замон эволюция назариясида бундай бирлик тарзида популяция қабул қилинади. Популяция деб – айнаи бир турга тегишли бўлган ва одатда аниқ чегараланган географик соҳани эгаллаган организмлар гуруҳига айтилади. Организмларнинг генетик ёки ирсий белгилари улар ашаётган ташқи муҳит омиллари билан биргаликда, ёки алоҳида мустақил равишда организмларнинг фенотипик белгиларини билдиради ва популяциялардаги ўзгарувчанликни шартлайди. Фенотипик белгилар ёки фенотип дегани организмнинг генетик белгилари ва ташқи муҳит билан ўзаро таъсир жараёнида шаклланадига барча хоссалари тўпламидир. Мазкур муҳит шароитларига мослашган фенотиплар табiiй танловда сақланади, ҳолбуки, адаптацияланмаган фенотиплар чеккага сурилади ва охир ниҳояда эволюция давомида йўқ қилинади. Табiiй танлов берилган (мазкур) фенотипли организмларнинг яшаб қолишига ёрдам бериб, шу билан уларнинг генетик белгиларига ҳам таъсир кўрсатади. Бирок, фақат популяциянинг бир бутун генетик фаоллиги тўпламигина

мазкур турнинг яшаб қолишини таъминлайди ва бошқа турларнинг пайдо бўлишига ҳам ёрдам беради.

Эволюциянинг амалга ошишга ва табиий танланишнинг таъсирига доир материаллар популяцион генетикадан ташқари бошқа манбалар — палеонтология, биография, биологик классификациялар, ўсимликлар ва ҳайвонлар селекцияси, таққослаш эмбриология ва биохимия сингари фан соҳаларидан ҳам олинади. Масалан, палеонтология Ер қобиғида сақланиб қолган организмлар топилмаларини ўрганади. Қазиб олинган организм ҳақидаги маълумотлар турлар ташкилланишининг тобора прогрессия мураккаблашиб боришини тасдиқлайди. Эволюция назариясида прогресс деб шундай йўналган тараққиёт кўзда тутиладики, бунда ҳар бир кейинги босқич аввалги босқичлардан бирор белгиси билан юқори туришини хусусан, ташкилланиш белгиларининг юксалиши, паст ташкилланган шакллардан юқори ташкилланган шаклларнинг келиб чиқишини билдиради.

Биогеографик маълумотлар биологик турлар Ернинг айрим районларида шаклланганлар ва сўнгра бу минтақалар чегараларидан ташқарига ёйилганини кўрсатади. Бунда кўплаб турлар учун қуруқлик массивлари бир — биридан узок бўлмаган ҳолда жойлашганларида турларнинг тарқалиши осонроқ кечгани кузатилади. Ўсимликшунослик ва чорвачилик танлов айрим турларнинг қиёфасини ва сифатини қай даражада ўзгартириб юбориши тўғрисида кўплаб ижобий маълумотлар беради. Ўсимликлар ва ҳайвонларни селекция қилишда инсон танлаб урчитиш ва чанглатиш орқали ўзига керакли хусусиятларга эга бўлган ўсимлик навлари ва ҳайвон зотларини яратиш оладиган бўлди.

Таққослаш, эмбриологиясида тирик организмларнинг индивидуал тараққиётини ўрганиб, турларнинг келиб чиқиши ва бошқа турлар билан тарихий алоқаларини билиб олиш мумкин. Даврин таъкидлаб ўтган эдики, «пуштдаёқ ўтган аждоднинг хира (ноаник) портретини кўриш мумкин»¹⁷⁹. Рус

¹⁷⁹ Ч. Дарвин. Сочинения / пер. С. Л. Соболя под ред. акад. В. Н. Сукачева. — М.: Изд. АН СССР, 1959. — Т. 9.

табиатшуноси К.М.Бэрнинг (1792-1876) пуштий ўхшашлик назариясига мувофик дастлабки тараққиёт стадиялари (босқичлари) қанча яхши ўрганилса, организмлар орасида шунча кўп ўхшашликлар топилади. Масалан, дастлаки тараққиёт босқичларида барча умуртқалилар эмбрионларининг амалда бир – биридан фарқи бўлмайди. Биогенетик қонуннинг умумийлаштирилган ифодаланиши организмнинг индивидуал тараққиёти эволюция фазаларининг қисқа ва тез такрорланишидир, деб тасдиқлайди.

Шундай қилиб, эволюция жараёни «юқорида», «мақсадлардан келиб чиқиб» ретроспектив қаралса, унинг йўналганлиги ҳақидаги масала албатта келиб чиқади. Ҳар ҳолда турлар эволюциясининг мақсадга мувофиқлик хоссаси, шунингдек, унинг телеологик характери масаласи биология, фалсафа ва теологияда дискуссия предмети бўлиб хизмат қилади. Агар турларнинг генетик ўзгаришларининг ва уларнинг мутациясининг ҳам тасодифий вақт перспективаси ҳисобга олинса, эволюция қайтмас тенденцияларга ва йўналмаган характерга эга бўлиши тўғрисида гапириш мумкин. Бу ҳақда илгари сурилган гипотезалар ҳаёлий характерга эга ва бир – биридан анча фарқ қилади. Ҳозиргача сақланиб келаётган асосий келишмовчилик пунктларидан бири ҳаётнинг келиб чиқиши тарихига илмий ва диний ёндошишнинг ўзаро муносабати масаласидир. Агар олим учун ҳақиқатда ҳаммавақт ҳам эҳтимоллик элементи бор эканлиги, ўзининг тасдиғини топиши ёки рад этилиши мумкин эканлиги аниқ бўлса, диндор одам учун илоҳий ҳақиқат абсолютдир. Ҳаётни Худо томонидан яратилиши актлари абсолют даражада яширин ва сирли бўлгани сабабли уларни кузатиб бўлмайди. Фан эса, аксинча, табиий шароитда кузатиладиган ёки лаборатория шароитида эксперимент ўтказиш мумкин бўлган ҳодисалар билан иш кўради. Шунинг учун илмий методлар ёрдамида ҳаётга диний ёки мифологик қараш тасаввурларини тасдиқлаб ҳам, рад қилиб ҳам бўлмайди. Улар фақат ҳаётни илмий билиш чегараларидан ташқарида эканлигини таъкидлаб ўтиш мумкин.

Ҳаётни тушунтириш, унинг кўпдан – кўп шакллари таракқиётининг ўзига хослигини, эволюциянинг аҳамиятини шу нарсани қайд қилиш керакка, эволюция гоёси инсон тўғрисидаги фалсафий таълимотнинг рационал бошланиши ролини ўйнайди. Одатда инсон ҳаёт эволюциясининг тирик табиат дунёсини инсон маданияти ва тарихи дунёсидан ажратиб турадиган чегараси деб тушунилади. Бизнинг бирортамиз учун инсон ҳаёт тарзида табиат зарур шароит бўлганини уқтириш шарт бўлмаса керак. Инсон ҳам худди бошқа барча жониворлар сингари ўзига қулай бўлган атроф табиат муҳитида унга керакли ҳаво, озиқ – овқат, сув, иссиқлик, хомашё, энергия ва иноформация бўлган шароитлардагина яшаши мумкин. Бироқ бошқа барча тирик мавжудотлардан фарқли равишда инсон ўзи учун сунъий дунёсини – маданият дунёсини яратиш имконига эгадир. Айнан маданият дунёсигина одам билан табиат муносабатида восита бўлиб хизмат қилади. Узок вақтлар оралиғида одамлар табиий яшаш муҳитида бўлганлари ҳолда сунъий муҳитни яратиб келдилар, бу муҳит уларнинг турмуш тарзларини сезиларли ўзгартириб юборди. Ҳозир инсоннинг инсон бўлиш учун босиб ўтган узундан – узок маданий – тарихий йўлини тасаввур қилиш мушкул ишдир. Шунчаки одамлар буни уйлаб ҳам ўтирмайдилар. Туғилган ҳар бир инсон дастлаб ўз оила аъзолари муносабатлари ичида бўлади, сўнграгина ўз тилини ўрганиш, муомала кўникмалари, қарор топган анъаналарни ўргангачгина ўз жамияти билан маданий алоқаларга киришади. Ўзининг бутун ҳаёти давомида ҳар бир инсон мослашади, ўқийди, ўрганади, меҳнат қилади, атрофидагиларга ўз таъсирини ўтказади ва ўз маданияти дунёсини яратади. Маданият ва жамиятнинг турли – туман дунёлари билан дуч келиб, уларнинг таъсирини сезади ва ўзгаради.

Бироқ инсонлардан бирортаси ўз ҳаётининг мазмуни тўғрисида уйлаб кўрганда ҳам ўзини аввал ўтган ва келгуси авлодалар билан боғловчи бир звено сифатида кўриши қийин. Алоҳида инсон умрининг қисқа муддатлилиги бир – бирининг ўрнини олувчи ўзаро боғланган авлодларнинг маданий –

тарихий бирлиги бўлган инсоният ҳаёти билан такқослашни қийинлаштиради. Бу бобда ана шундай такқослаш тўғрисида гапириб ўтайлик. Ҳар қандай инсоннинг оламда алоҳида яшаши содда бўлиб кўринса – да, аслида унинг тана ва психик тузилиши, ҳаёт тархзининг эволюцияси, ҳулқи, онқи, билиш ва коммуникатив қобилиятларининг эволюцияси ниҳоятда узок муддатли ва мураккабдир. Ҳозирги вақтда инсоннинг ҳаётий эволюция, бу эволюцияга хос бўлган антропологик, культурологик ва ижтимоий – тарихий хусусиятларини ҳисобга олмайдиган инсон ҳақидаги таълимотни кўрсатиш қийин.

Инсон биологик нуқтаи – назардан сут эмизувчиларнинг бир отрядига, тўғрироғи, одамсимон маймунлар кичик отрядига (турли «*homo sapiens*» - ақлли одам) тегишли деб ҳисобланади. Биохимиявий маълумотлар инсоннинг бошқа отрядлар билан ҳам қардош эканлигини кўрсатади, чунки улар оксиллари таркиби 99% ўзшашдир. Ўз – ўзича бу факт одамнинг маймундан келиб чиққанлигига асос бўлиб хизмат қила олмайди. Бироқ, одам билан маймуннинг умумий эволюцион аждоди бўлган эканлиги, унинг бир неча миллион йил аввал ўлиб кетганлиги ҳақидаги гипотезада ҳақиқат бордек туюлади. Инсоннинг келиб чиқишидаги ўзига хосликлар жонли мавжудотлар эволюциясининг қадим – қадим ноаниқликларида йўқолиб кетади. Бироқ, инсоннинг тур сифатида шаклланиши барча жониворлар турларига тегишли бўлган эволюцион қонуниятларни босиб ўтган деб тасдиқлаш мумкин. Инсоннинг келиб чиқиши ва шаклланишига доир эволюцион жараёнлар даврини «антропогенез» тушунчаси билан ифодаланади.

Бугунги кунда инсон тарихининг бошланишига доир барча масалаларини библияда қайд қилинганидек инсоннинг худо томонидан яратилганлигига доир кам информацион фаразга кўра асослаб бўлмайди. Одамнинг келиб чиқиши ва қарор топиши масаласи ниҳоятда мураккаб ва сер машаққат. Уларнинг ҳал қилиниши масалалари инсоннинг эволюцияланиши ҳақида билимларимизнинг қай даражада кўпайиб ва кенгайиб боришига қарамай, уларнинг ҳал қилинмаганлиги қолаверади. Антропогенетик билимлар инсон

архаик тарихига доир биологик, антропологик ва археологик маълумотларнинг анчагина турли – туман тўпламидан иборат (масалан, қадимги одамлар яшаган жойлар, одам скелетларининг қолдиқлари, меҳнат қуроллари, турар жой, уй асбоб – анжомлари ва ҳ.к.лар ҳам шуларга киради). Ана шунга ўхшаган далиллар ибтидоий жамоалар ҳаётининг турли жиҳатларига (оила, хўжалик, ҳунар, санъат, дин, ижтимоий гуруҳлар, ҳокимият ва ҳ.к.) тегишли гипотезалар билан ёритилади.

Антропогенетик аргументлашда онг ва тил, билиш ва коммуникация масалаларига катта ўрин берилади. Ҳозирги замон фалсафаси ва фанида ишлаб чиқилган кўплаб антропогенезга оид гипотезаларнинг бирортасига афзаллик бериш қийин. Шунинг учун айрим далиллар, гипотеза ва фанларга, шунингдек, диний ақидаларга берилмай туриб, фалсафа антропогенетик билимларни фанлараро туташтириш ҳамда бир қатор универсал тушунчаларни келтириб чиқариш йўли билан антропогенетик билимларни интеграциялашга имкон беради. Уларнинг афзаллиги шандаки, улар ёрдамида инсон эволюцион тарихининг тушунчалар каркасининг асосий тугунлари шаклланади.

Биричи навбатда эволюцион тарих ўлчанадиган вақтнинг улкан масштабда бўлишини назарда тутиш керак. Антропогенез кейинги 5-4 миллион йил олдиндан бошланади, яъни ҳаёт эволюцияси «чўққиси» деб олинади. Антропогенетик муаммолар фанда, фалсафада ва теологияда қайси томондан ўрганилмасин, ҳамавақт уларни таҳлил қилишда вақтни назарда тутиш керак. Ибтидоий давр одами учун одатдаги тарихий тушунчалар – «тарихий воқеа», «тарихий вазият», «алоҳида шахс биографияси» ва ш.ў. тушунчалар тўғри келмайди, чунки уларга конкрет тарихий мазмун сингдириб бўлмайди. Бундай тарихий – маданий тушунчалар ёрдамида инсон эволюциясининг вақт маъноларини (худди шунингдек қадимги эволюцион фазосининг худудий хусусиятларини ҳам) тушунтириб бўлмайди. Антропогенетик вақт масштабларини одатдаги маънода ҳаётимизнинг ҳар кунги вақти билан

солиштириб бўлмайди. Лекин, ҳар ҳолда, инсон эволюцияси давлат изчиллигини вақтга кўра аёний тасвирлаш мумкин. (1.1-расм).

Бу схемада антропогенез тўғрисидаги ҳозирги замон тасаввурларига мувофиқ инсоннинг келиб чиқиши ва қарор топиши стадияларининг соддалаштирилган кетма – кетлиги қайд қилинган. Одатда антропогенез приматларнинг тараккиёт даври эволюцион давомийлиги учун 25 млн дан 4 млн гача йил вақтни олади. Ана шу кўп миллион йиллик вақт оралиғида приматлар эволюция йўллари таралувчи ёки паралел чизиқлар бўйича ажралган деб фараз қилиш мумкин. Антропогенетик нуқтаи – назардан бир эволюцион йўллар инсон турининг шаклланишига ёрдам берган, бошқа эволюция йўллари боши берк бўлган бўлиши мумкин. Аҳир, табиий танланиш таъсири жонзот олами эволюциясининг универсал механизми бўлган – ку. Танлов бир организмлар ва турларни танлаб йўқотиш ва ҳаётнинг доимо ўзгарувчан шароитларига мослашган бошқаларини сақлаб қолиш жараёнларида ўз ифодасини топган эди.

Антропологлар антропогенезни палеолит даври ёки қадимги тош давридан бошланган деб ҳисоблайдилар. Унинг пастки чегара жуда аниқ эмас ва 4 млндан 2 млн йилгача вақт давоми билан ўлчанади. Бироқ, айнан ана шу йиллар даври инсон эволюциясининг бошланғич даврини характерлашга асос бўла олади, бунда инсоннинг ҳаёт тарзи ҳайвон ҳулқидан оз фарқ қилар эди. Инсон эволюциясининг стафияли характерда бўлганлиги (бир қатор стадиялар, фаразлар бўлганлиги) ҳамма томонидан тан олинган факт ва биология, антропология, археология, этрография, палелингвичтика ва бошқа ижтимоий – тарихий ва культурологик фанлар бераётган кўплаб далиллар воситасида тасдиқланади. Антропогенезни таърифловчи турли моделларда стадия (босқич)лар сони ихтиёрий аниқланади.

Бундай босқичлар катта ва кичик бўлиши мумкин ва антропогенетик билимдаги тадқиқот амалиётига боғлиқ равишда турли сонда олиниши мумкин. Бироқ, антропогенезнинг ҳар бир стадиясида одамларнинг яшаш

тарзини критерийлар вазифасини бажарувчи универсал белги – хусусиятлар ёрдамида аниқлаш мумкин.

Архаик одамнинг энг муҳим белгилари қуйидагилар ҳисобланади.

- Инсон тана тузилиши белгилари ва танадаги алоҳида органларнинг фаолияти ўзига хосликлар (қўлларнинг вазифаси, калла, кўз, кекирдак, мия ва ш.ў. органлар вазифалари);

- инсоннинг қуроллар таъминланиш характери (меҳнат қуроллари, уларни тайёрлаш ва фойдаланиш технологиялари);

- Психикаси, тили, онги, билиш ва коммуникатив қобилиятларининг ривожланганлик даражаси;

- моддий ва маънавий маданиятнинг ўзига хослиги (хўжалик фаолияти, ижтимоий муносабатлар ва институтлар, оила, санъат, дин ва ш.ў.).

Бизнинг схемамизда антропогенезнинг тўрт стадияси:

- одамлар олди одамлар (протоантроплардан) архантроплар (энг қадимги одамлар) ва палеоантроплар (қадимги одамлар) стадиялари орқали неоантроплар (янги одамлар ва ҳозирги замон одамлари)га етиб келиш босқичлари курсатилган.

Одамлар олди одамлар ва архантроплар палеолитнинг пастки ва юқори чегаралари ичида яшаганлар. Одамлардан аввал яшаган одамлар – одамлар олди одамлар – қазиб олинган қолидқлари 3,5 млн дан 1,5 млн йилгача узоқликдар ўтган австралопитекка доир археологик топилмалар билан боғланади. Бу стадияда рўй берган кескин иқлим ўзгаришлари одамларнинг яшаш шароитларини радикал ўзгартириб юбордилар ва одамларнинг биринчи ўзига хос хусусиятларининг шаклланишига ёрдам берди. Австралопитекларнинг юзага келган улкан ўрмон – дашт ва дашт зоналарга адаптацияланиши (мослашиши) ва ўша шароитларда овқат топиб ейиш зарурати уларнинг икки оёқда ҳаракатланишга мажбур этди ва уларни тик юриш қобилияти қўлларни озиқ – овқат йиғишда самаралироқ ишлатишга ва сўнгра ов қилишга чорлади. Яшаб қолиши учун австралопитек ўсимликларни йиғишдан ташқари овчилик билан шуғулланиши

ва жониворлардан иборат овқат топиши керак эди. Албатта, бундай ов жуда примитив эди ва жуда кичик жониворлар овланар эди. Антропологларнинг тадқиқотларга кўра, австралопитекнинг кўлларига овчилик қуроли сифатида ҳар қандай тасодифий нарса тушиб қолар эди. Улар таёқлар, тошлар, суяклар бўлиб, уларни тасодифан кўл чўзиб олар ва жониворларга қарата отар эдилар. Ана шу йўсинда ҳар қандай хўрандаси бўлган австралопитек ўз рационига гўштли овқатни ҳам қўшди.

Ўрта палеолит даврдаги одамнинг яна мукаммаллашган тури «уддабурон одам» («ўкувли одам») ёки хабилис (*homo habilis*) бўлиб, у 1,5 млн йиллар олдин яшаган. Қазилмалар маълумотларига кўра хабилислар одам олди одамларнинг энг кейинги вакиллари дир. Австралопитеклар билан таққослаганда хабилисда кўллар янада мукаммалроқ тузилган, топилган нарсалар билан мураккаб бўлмаган манипуляцияларни бажара олар эди. Хабилис кўллари (тишлари) билан қилинган манипуляциялар энг примитив ов қуроллар кетма – кетлигига ўхшаб кетарди. Хабилис тишлари ёрдамида таёқларни ўткир учли қилар, тошлар воситасида керакли ўлчамдаги тошларни кесар, таёқлардан сўйил ясай олар эди. Агар австралопитек тасодифий қуроллардан фойдаланган бўлса, энди хабилис уларни мақсадга мувофиқлик элементлари тарзида танлар эди. Хабилис давридан топилган қуролларга дастлабки ишлов бериш бошланди, топилган қуролларга дастлабки ишлов бериш бошланди, бирор қуролни бошқа шунга ўхшаган дағал ва примитив қуролни ишлатиб яшашнинг биринчи белгилари пайдо бўлди. Хабилиснинг иккинчи ажойиб ўзига хослиги шу бўлдики, у овларда бирлашиб, мувофиқлашиб ишлаш учун ўз танасини турлича ҳаракатлантириш билан коммуникатив амаллар бажара бошлади (кўллар имо – ишораси, юз мимикаси, алоҳида тана ҳолатлари).

Инсон эволюциясининг келгуси стадияси палеолитнинг юқори чегарасига мос келади, унда 1000000-500000 йиллар оралиғида архантроплар, ёки энг қадимги одамлар яшаган эдилар. Улар синантроплар, питекантроплар ва ш.ў.

одамларнинг антропологик топилмалари хосдир. Уларнинг ҳаммаси бир умумий тур – «homo erectus» - «тик юрувчи одам» турига киритилади. Тик юриш қобилиятларининг мукаммалаша бориши инсон қўлларининг вазифаларининг ривожига, инсон организмнинг кўриш, эшитиш ва бошқа системаларининг ривожига ўз таъсирини кўрсатади. Айниқса, мия структуралари ва функцияларининг прогрессив ўзгаришига, мия ҳажмининг ортиши, пешона бўлақларининг ўсишига ва тажрибани сақаловчи хотира марказларининг ўсишига олиб келди. Архантроплар деярли ҳозирги замон одамларига яқин гавда мутаносибликларига эга бўладилар: оёқлари узаяди, қўллари қисқаради, қўл кафти ва бармоқларининг функционал ҳаракатлари ортади, бу қўл ўзгаришлари қуроллар тайёрлаш жараёнларига мослашади; тана ҳаракатлари ва сезги органлари мия томонидан координация қилинади, тана ҳаракатини ва унинг айрим органлари ҳаракатини солиштириб, режалаш учун ҳисоблаш қобилиятлари шаклланади. Архантропларга тегишли топилмаларни (мия бош суяги, скелетларни) палеонтопологик тадқиқ қилиш бошланғич ва охириги вакил архантропларнинг таналари ва мия параметрларининг сезиларли даражада миқдорий фарққилишини кўрсатади. Масалан, аввалги (давр бошидаги) архантропларнинг мия суяги ҳажми 900 см³ гача бўлса, даврнинг сўнгидаги архантропларнинг мия суяклари 1600 см³ гача боради. Маълумки, нутқ қобилияти муайян мия марказларига боғлиқ – пешона бўлагининг чап яримшари артикуляция аппаратининг бошқа қисмлари (юз мускуллари, лаб, кекирдак, тил) билан бирга талаффуз қилишни координациялайди. Бундан ташқари, нутқ марказлари нерв толалари орқали хотира марказлари билан боғланган. Бу боғланишларнинг излари суяк қобиғининг ички гумбазида қолади, ана шуларнинг бўлақлари археологлар томонидан ва унинг саънаси синантроп, питекантроп ёки архантропнинг бошқа вакилларининг ҳаёти даври билан характерланади. Шу муносабат билан энг қадимги одамлар муомаланинг тана – қўл воситаларидан ташқри мулоқотнинг нутқ воситалари – ҳайвонларнинг товуши мулоқотига тақлид қилиб – бақирик,

хайқириклардан ҳам фойдаланганлар. чиқариладиган товушлар овчиликда, ҳаракатланиб юришда ва ҳ.к. мувофиқлашиш ҳақидаги сигналларнигина билдириб қолмаган. Уларда қандайдир ҳаракат шаклига хос бўлган ҳиссий образ тарзидаги информацияон – маъно элементлари ҳам бўлган, бу шакллар тушунчалар олди шакллари эди. товуш бирикмаларининг баъзилари эмоционал тонларда бўлган, баҳолаш энг қадимги одамларнинг мақсадни кузлашини (иродавий интилишларини) билдирган.

Энг қадимги одамларнинг ҳаёт характериға таъсир қилувчи омиллардан бири олов омили эди. 500000 йил ибтидоий одамнинг ўз ҳаётида оловни эгаллаган даврининг бошланиши деб олиниси мумкин. Олов хом овқатни ўрниға пишган овқатни истеъмол қилишға ўтишни билдирар эди, бу энди ов амалиётиға ўзгартиришлар киритди. Сўнги архантроплар овда энди йирикрок йиртқични эгаллаш пайиға тушадилар. Бу эса, ўз навбатида, янада мукамал қуролларни тайёрлаш ва қўллашни тақозо қилади. Архантроплар стадиясида пайдо бўлган барча янги белгилар ибтидоий одамнинг келгуси эволюциясида ўзининг ривожини топди.

Қадимги одамлар, ёки палеонтроплар, неандертальц тури атрофида гуруҳланган ва мезолит – тош асрининг ўрталарида (500000-50000 йиллар олдин) яшаганлар. Неандертальцлар музликлар даври вақтида уларни совуқдан сақлайдиган ғояларда яшаганлар.

Улар йирик йиртқичларни (жумладан, мамонт ва носорогни) овлай бошладилар, бу эса ов қуролларини янгилашни овчиларнинг гуруҳ бўлиб ҳаракатланишлари стратегия ва тактикасини ўзгартиришларини талаб қилар эди. Масалан, бир антропогенетик реконструкцияға мувофиқ неандертальцлар жониворни ўлдиргач, тош пичоқ пластиналар ёрдамида терисини шилар эдилар, унинг суякларидан гўшти адратиб оладилар. Улар гўшти хомлигича ер эдилар ёки олдин уни гулҳанларда пиширар эдилар, ҳайвон териларидан эса ўзларининг таналарини ёпиш ва ғорларни иситиш учун фойдаланар эдилар. Ибтидоий ҳамкорликнинг ичидаги

муносабатлар ва коллектив ҳаракатларнинг мураккаблашиши бош миянинг прогрессив ривожланишига, айниқса унинг нутқ қобилиятининг ривожланишига таъсир интанация курилишлари билан товуш бақирик ва кичқириклари ўрнини ола бошлайди. Нутқ элементлари тана ва унинг органларининг ҳаракат ва ҳаолатларининг ўрнини босадиган мулоқот воситаларига айланди. Қадимги одамларда хўжалик функциялари бўлишини кузатилади: бирлари олов ёқади, иккинчилари овқат пиширади, бошқалари ов билан шуғулланади. Шу билан бирга, жамоадан малакали, тажрибали овчилар ажралиб, уларга ташкилотчилик вазифалари юкланади. Сўнгги неандертальцларда дин кутаклари пайдо бўла бошлайди, бунга топилмаларда кўриладиган диний кўмиш (дафн) маросимлари далил бўла олади. Инсон эволюциясининг учинчи стадияси – палеонтроплар стадиясида ҳаётнинг ижтимоий ва маданий омилларининг ўрни тобора равшанроқ қайд қилина бошлайди. Бу омилларнинг устунлиги шунда ўз ифодасини топдики, инсон эволюциясининг 50000 йилликлари чегарасида инсон турмуш тарзининг биологик омилларини иккинчи планга суриб қўйди.

Антропогенезнинг якунловчи стадияси давомида 0 неолит даври ёки янги тош асрида ижтимоий омилларнинг таъсири, моддий манъавий маданият омилларининг таъсири инсон ҳаётининг барча соҳаларида сезиларли кучайди.

50000 дан 10000 йилларгача олдин яшаган Неоантроплар (янги одамлар) ўзларининг тараққиёти жиҳатидан ҳозирги замон одами типига жуда яқин келганлар. Краманьонц типигаги аввалги неантропларни ҳам, кейинги неантропларни ҳам К. Линней ибораси билан ақлли одамлар («*homo sapiens*» - ақл эгаси бўлган одам) деб номлай бошладилар. Антропогенезнинг охириги стадиясида ибтидоий одамнинг ҳаёти янги қиёфа қабул қилади, бунга неолитик революция деб ном олган ҳодиса таъсири сабаб бўлади. Қадимги одамнинг кўчманчилик ҳаёти аввал ярим ўтроқ ва сўнгра ўтроқ тарзда кеча бошлайди. Сўнгги неолитда деҳқончилик ва чорвачилик юзага келади.

Берк ғоялар ва табиий ёпилган яшаш жойлари ўрнига биринчи примитив уй – жойлар пайдо бўлади. Овнинг ўзи ҳам курол сифатида тайёрланган камон ва ўқ ёйдан, тош ўткирлаб тайёрлаган учликлар, ҳандақлар, тузоқлардан фойдаланган холда олиб бориладиган махсуслашган машғулотга айланади. Балиқчилар тўхтайдиган, одамлар яшайдиган жойларда балиқ тутиш учун тўрлар, матраплар ўрнатила бошлайди. Бирок, неолитик революциянинг асосий якуни тошни ишлаш, унга ишлов бериш, тарашлаш, ўткирлашга доир янги технологияларнинг кашф қилиниши бўлди. Меҳнат куроллари ишлаб чиқаришнинг янги технологиялари деҳқончиликда ишлатиладиган янги меҳнат куролларининг (қазиш куроли, тош омочлар, ариқ очиш асбоблари) ишлаб чиқарилишга, транспорт ускуналари (тош ғилдирак, аравалар, судратмалар, қайиқлар), қурилиш ва ирригация техникаларининг яратилишга олиб келди. Иютидой ҳаётнинг хўжалик укладининг ўзгаришлари ўзлаштирувчи иқтисоддан (йиғнаш ва ов қилишдан) ишлаб чиқариш (деҳқончилик ва чорвачилик) иқтисодига ўтиш билан боғлангандир. Шундай қилиб, антропогенезнинг якунловчи неолитик стадиясида ижтимоий ва маданий омилларнинг биргаликдаги таъсири инсон жамиятида инсон ҳаётининг цивилизацион шаклларига ўтишда етакчилик ролини ўйнай бошлайди.

2.8-§. Инсон ҳозирги замон фалсафий антропологиясининг муаммоси сифатида

«Биз қаерданми? Биз киммиз? Биз қаёққа кетаяпмиз?» - бу Поля Гоненнинг машҳур картинасининг номи. Бу рассом ҳаётининг энг фожиали йилларида яратилган ана шу энг улкан полотносининг номи рассомнинг маънавий васияти бўлиб қолди. Картинанинг антропологик сюжети – Гогеннинг дунёнинг абадий айланиб туришида инсониятнинг тақдири, унинг боши, туғилиш сирлари, ўз – ўзини онглаши ва ўлими тўғрисидаги ижодий мулоҳазаларининг ҳосилидир. Одамлар ҳаммавақт ўз ҳаётлари тўғрисида ўйлаганларида, ўзининг

қеардан келиб чиққанларини аниқлаш устида бош қотирганларида, ўзларини бошқа одамлардан ва бошқа жонзотлардан фарқ қилишга ҳаракат қилганларида шу оддий саволларга жавоб беришга тўғри келади. Одамлар бу саволларга жавоб бериш учун турли тиллардан фойдаланадилар. Баъзилар учун ривоятлар ва динлар тилининг ўзи етарли, бошқалар учун санъатлар тиллари, учинчилари – фанлар ва фалсафа тилидан фойдаланишни хоҳлайдилар, тўртинчилари эса кундалик ҳаёт тили билан чекланадилар. Ўзининг табиати тўғрисида мулоҳаза қилар экан, инсон ўзи учун тушуннарли, унинг фикрича бу масалани кенг ва чуқур аниқлаб берадиган тилни танлайди. Бу масалаларни ўрганишга табиий фанлар, гуманитар, ижтимоий, техник фанлар тилларида қатъий ёндашувлар илгари сурилади. Инсонни ўзининг ўрганиш предмети бўлишига биология, физиология, археология, социология, психология, лингвистика, тиббиёт, педагогика ва бошқа фанлар даъво қиладилар. Бирок, табиат масалаларига санъат, илоҳиёт, сунъий интеллект назарияси, иқтисод, сиёсат ва инсонлар ҳаётини бошқача гавдалантирадиган қолган соҳаларнинг қизиқишини ҳам кам деб бўлмайди. Улар билан таққослаганда фалсафа инсон муаммосини унинг борлиғи, ҳаёти, тарихи, маданияти, жамият, шахснинг энг кенг маънолари асосида ўрганишга интилади. Ушбу бобда фалсафада, биринчидан, инсон ҳақидаги тушунчанинг тараққиёт характеристикаси, иккинчидан, инсоннинг фалсафий антропология муаммоси эканлиги ҳақидаги ва учинчидан, инсоннинг шахс сифатидаги ҳаётининг дунёсининг индивидуал жиҳатлари тўғрисида гап беради.

Борлиқ, билиш ва мулоқотнинг кўплаб сирлари инсонда илдиз отгандир. Инсон доимо ўзининг табиат дунёсига, бошқа одамлар дунёсига, ўз тарихи ва маданиятига муносабатини, ўзининг ўзига муносабатини билишга интилади, ўз ҳаётининг идеаллари, қадриятлари ва нормаларини аниқлаб олишни истайди. Ҳар бир тарихий даврда маданият инсон табиати ҳақидаги масалани ўзича қўйган ва ўзича ҳал қилган.

Инсон – бу шундай жонли мавжудотки, унда (бошқа жонли мавжудотларга караганда) борлиқнинг онтологик даражаси бошқача намоён бўлади. Аввалги бобда курсатганимиздек, инсон ҳаётининг табиий, табиатли хоссалари эволюцион – генетик тарихнинг ўзоқ давомли жараёнида шаклланди. Ҳолбуки, инсоннинг маданий – тарихий, ижтимоий ва индивидуал – шахсий сифатлари ўз ҳаётининг цивилизацион уклади давридагина шакллана бошлади. Фақат цивилизация инсон борлигининг маъноси ва мақсадларини излашга мумкинлик берди. Тарихнинг ҳар қандай даврида, ҳар қандай маданиятда ва жамиятда, эртами – кечми инсон ўзининг мавжудлиги ва вазифасини бевосита ёки билвосита аниқлашга ҳаракат қилади. «Ё ҳаёт, ё ўлим», - («быть или не быть») – мана инсон мавжудлигининг чегараларини белгиловчи чегараси. Инсон ўз борлигининг чегараларини билгиси ва унда чеккаларга ҳам назар солгиси келади. У ўзининг борлигини борлиқ бўлмаслик нуқтаи – назаридан қараши мумкин. Ҳар биримиз ҳам ўз борлигимиз шароитлари ва ўз ҳаётий истиқболимизни ўйлаймиз. Инсоннинг ҳар кунги интилишлари, безовталиги кўп даражада унинг кечаги ёки бугунги куни билан эмас, эртанги куни билан боғланган.

Ҳар ҳолда инсонларнинг ҳаётий тажрибаларини фақат ўзларининг борлиқларини аниқлаб олишга ёрдам берадиган манба ва усул бўлибгина қолмасдан, фалсафа тараққиётнинг бизнинг кунларимизгача инсон ҳақидаги таълимотининг асосий муаммоларидан бири бўлиб келади. Инсон ҳақидаги энг қадимги юнон фалсафий таълимотларининг манбаи бўлиб, инсоннинг коинот архетипи эканлиги ҳақидаги мифологик ғояси хизмат қилган эди. Унинг маъноси макрокосмос (катта дунё) ва микрокосмос (кичик дунё)нинг паралеллиги ҳақидаги, яъни Коинот (Космос) ва инсоннинг паралеллиги ҳақидаги космологик мифдан келтириб чиқарилган эди. Бу ривоятга кўра, инсоннинг коинотий архетипи жисмидан Ернинг пайдо бўлиши келиб чиқар эди. Унинг суякларидан – тошлар, қонидан – дарёлар, сочларидан – дарахтлар, нафас олишидан – шамол пайдо бўлади ва ш.ў.

Қадимги хинд, ҳитой ва илк юнон фалсафасида инсоннинг табиати ҳақидаги сюжетлар рационал жиҳатлар ола бошлади. Инсон Коинотнинг жон хоссаларига эга бўлган символи деб қарала бошлади. Демокрит инсонни макрокосмоснинг унинг жон хоссаларини ўзида камроқ мукаммаликда акс эттирган аналогич микрокосмос деб фараз қилган эди. Макро ва микрокосмос орасидаги антик аналогия турлича аргументация қилинар эди. Агар одам макрокосмосга ўхшатиlsa, у ҳолда инсон ҳақидаги тушунча натуралистик, табиий белгиларга эга бўлар эди. (Демокрит варианты). Агар мулоҳазалар микрокосмосдан макрокосмосга йўналтирилса, у ҳолда космик жон ёки руҳ борлиги худди инсондаги қобилият сингари тушунтириллар эди. (Масалан, Анаксагор ёки Платон) шундай ўйлар эдилар.

Протагор «инсон ҳамма нарса учун меъёрдир» деб тасдиқлар экан, инсонларнинг биргаликдаги яшашларига космик қонунлар эмас, инсон табиати қонунлари асос қилиб олинади, деб уқтирган эди. Бунда оламни билиш ўз – ўзини билишга айланар эди. «Ўз – ўзингни бил!» деганда шу нарса кўзда тутилган эди. Кейинги юнон фалсафаси (масалан, Платон ёки Порфирий) космос тўғрисидаги тасаввурнинг жон (руҳ) тушунчаси билан, руҳни эса ақл тушунчаси билан қориштириб юборди. Шунини айтиб ўтиш керакки, инсоннинг Коинотнинг аналогич бўлган микрокосмос эканлиги ҳақидаги гипотеза вақти – вақти билан ўрта аср фалсафасида (диний – фалсафий, ёки шунингдек, мистик таълимотларда) ва Янги давр фалсафасида (масалан, Лейбницнинг «монода космик универсумнинг инъикосидир», - деган монадологиясида) учраб турди.

Инсон ҳақидаги таълимотда бошидан охиригача мавжуд бўлган мавзулардан бири руҳ ва жисм (жон ва тана)нинг муносабати масаласидир. Инсон руҳи ва жисми турли асосларининг комбинацияси инсон табиатини белгилайди. Пифогорга хос анъана руҳни демоник асосга эга, у ўлмайди ва жониворлар ҳамда ўсимликлар таналари бўйлаб сайр этиб юради, деб тасдиқлайди. Жисм руҳнинг гўркови ҳисобланади. Бироқ, пифагорчи Филолайнинг қилган фаразига кўра,

инсоннинг тақводорлик ҳаётининг мақсади ифлосликлардан тозалаш» катарсис бўлгани учун одамларда ўз айбларини ювиб, ўз руҳларини космик асл ватанига қайтариш имкони бор. Гераклит ва Анаксименда руҳнинг аҳамияти худди ҳаёт, ҳаво, нафас олиш аҳамиятини касб этиб, дунёвий руҳ тушунчаси билан мос келади. Платоннинг фикрига кўра, руҳнинг ўлмаслиги ва бошиданок жисмий эмаслиги (танасининг йўклиги) уни ҳис – туйғудан юқори бўлган оламга, ғоялар оламига яқинлаштиради ва бу билан, уларни эслаш, хотирлаш орқали билиш имконини яратади. Платон руҳни, пастдаги жисмга асира бўлган руҳни юксалтиради, унга нисбатан баландларга кўтаради. Руҳ (жон) фақат инсон ўлганидагина жисм зиндонидан қутилади ва унинг чегараларидан ташқарига чиқади. Ўлим танани (жисмни) табиатнинг бир бўлагига айлантиргани сингари, руҳ ҳам идеал дунёга аралашиб кетади, турли айланишларни, метаморфозаларни бошидан кечиради ва олам бўйлаб чексиз саёҳатларга киришиб кетади. Аристотель жонни (руҳни) космологик шарқлашлардан воз кечди ва унинг уч қобилиятини санаб ўтди: озиқланиш, сезги – туйғули ва аклий қобилиятлари. Озиқланиш қобилияти фақат ўсимликларга, озиқланиш ва ҳис – туйғу қобилияти – жониворларга, ҳар учала ҳосияти – инсонларга хосдир. Бундан ташқари, Аристотель жисм ва руҳнинг ўзаро таъсирига эътибор берди. Улар ўзаро шакл ва материя, акт ва потенция нисбатида бўладилар, шу билан бирга инсоннинг фақат интеллектуал (аклий) руҳигина ўлмаслик, абадийликка эга бўлади.

Антик даврлардан бошлаб инсоннинг Ғарб моделида унинг танаси ва руҳининг дихотомик бўлинишига асосланган бўлса, унинг Шарқ модели руҳий ва жисмоний асослари орасида гармоник муносабатлар бўлишлигига асосланади. Христианлик ғояларининг бутун ўрта аср маданияти ва фалсафасида ҳал қилувчи роль ўйнагани маълум. Христиан динининг Ғарб ҳамкорлиги ҳаётига таъсири ҳозиргача ҳам сезиларли акс этади. Ўрта аср христиан антропологиясига келсак, у инсонни илоҳий ва табиийлик, табиатан дунёси орасидаги зиддиятларнинг кесишиш жойига тақаб кўйди.

Августин инсон ҳаётини тарихий ўлчамларга олиб келди, у тарихнинг илгариланма ҳаракатининг чизикли динамикасини ишлаб, уни ўтмишдан ҳозир орқали келажак вақтга йўнлантирди. Христиан ақидасига кўра, инсон жисми нарса сингари «ясалган», унинг руҳи эса худо шамоли таъсири туфайли шаклланган. Шунинг учун руҳ Худо билан диалог қила олади. Ўзини худо томонидан унинг образига мос, ўхшатиб яратилгани билганидан сўнг у худонинг насиҳатларига амал қилиш ҳам, уларга кулоқ солмай, ўзининг худога ўхшаш жиҳатларини йўқотиш ҳам мумкин. Инсоннинг аввал қилган гуноҳларига иқрорлик ҳисси уларни ювишга интилиш билан қўшилиб кетади. Христиан антропологияси жисм ва руҳ орасидаги антик қарама – қаршилиқни модификация қилди: асл ажралиш улар орасида эмас, балки «руҳга ва танага эга бўлган одамлар» орасида экан. Бу фаразга кўра, инсон жисми руҳ хоссаларига йўғрилган ва руҳланган жисмга айланиш аъъанасига эгадир. Ўзининг танасига оид хоҳишларини бартараф эта бориб, инсон ўз танасининг (жисмининг) руҳланишига эришади (антик қарашдаги руҳнинг танада тутқинлигидан кутқарилишидан факрли ўларок). Тўғри, худонинг инсонга муҳаббати билан инсон кечадиган жабру – жафоларини қандай келиштириш мумкин деган масала очик қолади. Ахир инсонни севгувчи Оллоҳ ўзи бандасини жабру – жафоларга дучор қиладими? Христиан ақидаси бунга инсон кейинчалик ўз руҳини кутқариш учун бир кун дунёга келади, деб ўргатади. Ўзининг тортган жабру – жафолари орқали инсон ўз руҳини борликда ҳозир ўзи яшаётган дунёдан батамом фарқ қилувчи янги, асл дунёга тайёрлайди. Унинг кундалик ҳаёти – ўзининг жисмоний ҳузур – ҳаловати учун узлуксиз жафо чекишдир. Руҳни кутқариш йўли Оллоҳ томонидан енгиллатиб бериладиган жафолар орқали ўтади. Руҳни кутқариш йўли жафолар орқали ўтади, бу жафоларни Оллоҳ енгиллатишга интилади.

Христианлик насиҳатларига кўра, инсоннинг руҳи бошқа одам руҳига «кўрингандагина», яъни бошқа одам руҳига ёришиб, диалогга киришгандагина уни севгандагина, у билан

дардлашгандагина унга симпатия ёки антипатия муносабатидагина инсон ҳаётининг муҳим актига айланади. Дух ролига бундай қараш инсонда эзгуликнинг уйғонишига сабаб бўлди.

Уйғониш даврида инсонга ва шу билан жисм ва рух масаласига янгича ёндошув шакллана бошлади. Фалсафа христианлик догматикасидан воз кечсади ва инсонни ўзининг предметли манфаатлари марказига қўяди. Уйғониш даври мутафаккирлари инсоннинг ўзи ўз борлигининг эркин ўзлаштиришга қодир, деб фараз қилади. Инсон танаси гуноҳкорлигини бартараф этиш Уйғониш маданиятида амалга оширилди. Рух ва жисмни дастлаб рассомлар ва шоирлар тенг ҳуқуқлилик даражасига олиб чиқдилар. Уларда рух метафорик жисмийликка эришди, жисм эса тасвирий руҳланиш касб этди. Улар инсоннинг руҳи ва жисмида инсон шахснинг индивидуаллиги, уникаллиги, такрорланмаслиги, алмаштирилиб бўлмаслиги сингари жиҳатларини кўрдилар. Сўнгра рух ва жисм файласуфларнинг столига «кўчди». Бироқ Янги давр классик фалсафаси христиан ақидачилигидан узоқлашаолмай, тадқиқотларда рух ва жисм орасидаги масофани сақлашда давом этдилар. Жисмнинг ролини аргументлар асосида муҳокама қилиш ўрнига у тўғрисида гапирмай қўя қолдилар. Тўғри, Б.Спиноза масалан, Библия ақидаларига қарши чиққанларнинг бири бўлди. Унинг жисмга ахлоқий тус бериши бу ақидага зид эди. Барча одамларда руҳи ва жисмини мувофиқлаштириш учун, Спинозага кўра, ягона «рух жисм»га тўплаш керак. Р.Декарт фалсафасида рух жисмнинг муносабатини ҳал қилишдаги дуализм узоқ муддат антропологик муаммоларни муҳокамасини белгилаб турди. Декарт икки субстанционал асос – фикрловчи рух ва фазодаги жисм (тана) нинг паритетини тасдиқлади. Ундан фаркли равишда француз маърифатчилари орасидан чиққан «жанговор» атеистлар (П.Голбах, Ф.Вольтер, Ж. Ламетри ва бошқалар.) тухнинг жисмга бўлган аҳамиятини пасайтириб, уни руҳнинг ишини машинанинг ишига ўхшатиб талқин қилдилар. Бироқ, руҳни механистик вульгарлаштириш ва

жисмни машинага тенглаш кўпларнинг ҳушига ёкмади. Жисм, илгариги ҳатто сенсуализм ва рационализмнинг интенсив танқидий зиддиятли бўлган даврда ҳам фалсафий тафаккурнинг чекка масаласи бўлиб қолаверди. Тана, жисм ҳақида гуноҳга таалукли бўлган салбий атамалар билан гапирар эдилар, ҳолбуки, бегуноҳ руҳ инсоний қадриятлар орасида юқори ўрни эгаллар эди. масалан, руҳ ва жисм муносабати тўғрисида гапирганида Г.Лейбниц, гарчи жисм гуноҳ ва ёмонликнинг мажмуи бўлса – да, у ҳам ҳақиқатни билиш учун ишлайди ва руҳ сирларининг очилишига ёрдам беради, деб гапирган эди. И.Кант ўзининг «Соф ақлни танқид» асарида жисмнинг ресурслари ва қобилиятсиз руҳнинг маҳсулдор ишлаши мумкин эмаслигини кўрсатади. Тана тузилиши фазо ва вақт шакллари атамаларида идрок қилиш ёки хис қилишининг априор қобилиятларининг асоси бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқарида, танада тасаввурнинг трансцендентал қобилияти илдиз отган деб ўйлайшга асос бор. Кантнинг «Амалий ақлни танқид» асарига келсак, унга мувофиқ жисмнинг инстинктив механизмлари ёмонлик механизмларига ўхшатилади ва бу христианликдаги «биринчи тур гуноҳ» ақидаси сифатида руҳ хоссаларига қарама – қарши қўйилган.

Ҳозирги кунда руҳ ва жисмнинг анъанавий антиномияси сезиларли даражада тўлдиришлар ва ўзгаришларга дуч келган. Инсоннинг руҳий ва танавий жиҳатларини ўрганувчи фанлар нуқтаи – назаридан улар тўғрисидаги масала алоҳида долзарблик кашф этади. Биринчидан, руҳ ва тана орасидаги ўтиб бўлмас чегара борлиги ҳақида тезис «вайрон» бўлди. Уларнинг бир – бири билан шартланганлигига шубҳа қолмади. Руҳ – инсоннинг универсал ва интеграл қобилияти сифатида ўзининг соҳиби – тирик организм, яъни жисм билан алоқадорликда қаралади. Ўз навбатида жисм ҳам юқори даражада дифференциаллашган психик имкониятларга эгадир. Иккинчидан, шу нарса маълум бўлдики, жисмга нописанд ва богматик қарашни Библиянинг авторитети ҳам ёки рационализмнинг фалсафий идеаллари билан ҳам оқлаб бўлмас экан. Айнан уларнинг айтганлари таъсирида фалсафада

ханузгача жисмни файласуф таҳлил қилиши лозим бўлмаган предмет деб ғайри олмий қараш мавжуд бўлиб келмоқда. Ҳар ҳолда Вена тўғараги файласуфларининг умуман метафизикани, хусусан жисм тана метафизикаси, фантастик ёзувлар қаторига киритишларига оид қарашларида ҳам худди жисмга нисбатан Библиядаги сингари қаллобларга қарашдек догматиклик бор деб айтишимиз мумкин. Шу билан бир қаторда руҳ тушунчаси, ҳақида унинг механистик тасаввури сингари ҳар қандай вульгарлаштиришларни ҳам қабул қилиб бўлмайди. Бу охириги гапимизни айтишимиздан мақсад шуки, бундай вульгарлаштиришлар ҳозир ҳам учраб туради. Биз бу ерда ўзининг маънавийсиз ёки жисмлиликсизлиги билан классик фалсафадаги механистик конструкцияларни эслатувчи «сунъий интеллект» моделларини кўзда тутмоқдамиз. Руҳ ва жисмни вульгарлаштиришга оид энг янги компютер усулларининг ҳавфлилиги шундаки, улар виртуаль реалликнинг самараси ва имкониятларига кўра ниҳоятда ниқобланган бўлиши мумкин.

Фалсафада инсон тушунчасининг тараққиётига тегишли мавзунини тугаллар эканмиз, инсон табиатининг рационаллиги масаласига тўхтаб ўтиш лозим бўлади ва бу ерда гап, аввалги бобда айтганимиздек, инсоннинг ақлли, рационал мавжудот деб таърифланишида эмас. Фалсафий концепциялар инсон табиатининг тушунтиришни даъво қилар эканлар, кўпинча аниқ равшан бўлмайдилар, бунинг сабаби улар рационаллик тушунчасини ё юқори кўтариб юбордилар, ёки мутлақо паст баҳолайдилар. Рационаллик масаласи инсонни ҳар қандай фалсафий аргументлашда ҳал қилувчи роль ўйнайди. Парменид ёки Анаксагордан бошлаб классик фалсафа рационалликни кўздан қочирмай келади. Р.Декартнинг классик нуқтаи – назарига кўра, ақл дунёни онглашнинг, инсоннинг ҳар қандай билиш, амалий ёки коммуникатив ҳаракатларининг барча усули ҳисобланади. Инсон қобилиятларининг барча илдизлари унинг рационаллигидадир. Бу фақат сезгилар, қабуллаш ёки тасаввурга тегишли, бу ҳатто эмоция ва иродага ҳам тегишлидир. Инсонларнинг эҳтирос – эмоционал ҳаётлари

фақат иррационал механизмларга асосланган, деб айтиб бўлмайди. Платон, ўз даврида, эрос акли ҳақиқатга томон йўллайди, деган эди, Аристотель эса муҳаббат (севги) барча нарсаларни ҳаракатлантиради (уларга таъсир қилади, уларни уйғотади) деб гапирган эди. рационалликнинг когнитив табиати (унинг мантикий ва тил афзалликларини киритганда) инсон борлигининг бошқа категориал аспекти (амалий ва назарий, субъектив ва объектив, эмоционал ва иродавий, интуитив ва коммуникатив) билан ҳаммавақт пайваста бўлади. Умуман айтганда, рационалликка беписандлик, фалсафий аргументлашга қарама – қарши ўларок, тўла қувватли фалсафий позиция ёки фалсафий нуқтаи – назар бўлмайди. Спиноза таъкидалаган эдики, инсоннинг ўзининг борлиги тўғрисидаги билими руҳнинг тўғри ғояларга эга бўлишлик қобилияти тарзидаги ақл туфайли таъминланади. Инсон ақлга мувофиқ иш қўриб, ўзининг эзгулик сифатларини намоён қилади. Инсоннинг эзгу ниятлари рационал воситалар билан қарор топади, бу унинг ҳаракатларига ҳақиқий маъно беради. Инсоннинг Ницше «ҳокимиятга бўлган ирода» деб атаган сифати ҳам рационаллик билан чамбарчас боғланган. Одатда Платон ва Аристотелдан бошлаб ҳокимият тушунчаси куч ва қудрат билан боғланар эди. Августин, Шеллинг, Шопенгауэр «ирода» тушунчасини куч сифатлар билан йўғрилтирдилар, бу билан инсон муносабатларининг чуқуқр динамикасини очиқ беришга интилдилар. Бироқ, Ницшенинг ҳаёт фалсафасидаги «ҳокимият иродаси» иборасида на «ҳокимият» ва на «ирода» тушунчаси бу тушунчаларнинг одатдаги ижтимоий ва психологик маънолари билан боғланмаган. Ницше «ҳокимият иродаси» тушунчасини инсоннинг ўз ҳаётида ўз – ўзидан қарор топиш, ўз – ўзини сақланиш қобилиятларини белгилаш маъносида қўллайди. «Ҳокимият иродаси» - ироданинг инсоннинг ниҳоявий онтологик сифати тарзида ўз – ўзидан тасдиқланиши (қарор топиши) ироданинг ўз устидан ҳукмронлиги деб тушунилади.

Рух, жисм, рационаллик ҳақидаги тасаввурлар инсон ҳақидаги умумий тушунчанинг маъно мағизи бўлишига қарамай, уларнинг характеристикалари инсон тушунчаси мазмунининг барча бойлигини етарлича ҳажмда ва кенгликда қамраб ололмайди. Инсон тарих, маданият ва жамиятнинг турли – туман омилларининг бевосита таъсирида шаклланади. Шунинг учун фалсафада инсон тушунчаси унинг тарихий, культурологик ва ижтимоий сифатларини янада равшанлаштириш давомида бойиб боради. Уларнинг таҳлили фалсафий антропологиянинг тушунчавий ва тил воситалари ёрдамида тўла қонли акс эттирилади.

Классик фалсафада ҳам, ҳозирги замон фалсафасида ҳам инсон ҳақида бир бутун таълимотни ишлаб чиқиш одатда фалсафий антропология билан боғланган.

Одам ва жониворлар орасидаги (тилнинг келиб чиқиш масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда) фарқ, жониворлар ва инсонлар ҳаётининг ижтимоий шакллари, инсон цивилизациясининг архаик тарихи – буларнинг ҳаммаси инсонни фалсафий антропология муаммоси сифатида ўрганишнинг энг муҳим мавзуларидир.¹⁸⁰ Инсон табиати ҳақидаги фалсафий мулоҳазаларни қуйидаги умумлашмалар тарзида кўрсатиш мумкин.

1. Жониворлар ва одамларнинг эволюцион тарихи улар табиати (хулқи)нинг ўхшашлиги ва фарқлилигини аниқлаб берди. Табиат жониворлар учун ҳам, одамлар учун ҳам умумий яшаш муҳитидир. Масалан, жониворлар ҳам, одамлар ҳам табиий (содда) қуроллар (таёқлар, тошлар)ни фойдаланишлари, ҳатто, тишлари ва қўл – оёқлари, бармоқлари ёрдамида маълум мақсадларни амалга ошириш учун (шоҳни шоҳчалардан тозалаш, тош билан ёнғоқ чақиш) қуроллар ясашлари мумкин. Бундай ўхшашлик ташқидир, уларнинг орқасида жониворлар ва одамлар томонидан қуроллардан фойдаланиш ва яшаш

¹⁸⁰ Каранг : И. Кант. Антропология с прагматической точки зрения // соч. Т. 6. М., 1966. М. Шелер. Положение человека в Космосе // Проблема человека в западной философии. М. 1988. Х. Плеснер. Ступени органического и чело. Ўша асарда; А. Гелен. О систематике антропологии. // Ўша асарда. Б. В. Марков. Философия антропологии. Очерки истории и теории СПб. 1997.

усулларидаги катта фарк яшириниб туради. Бундай фарқлар одамларнинг бошқа сунъий куруллар воситасида куруллар яшашларида (техника) жуда яққол кўзга ташланади. Биологияда жониворларнинг ҳеч бир тури аввал ясалган воситаларидан фойдаланиб меҳнат курули ясалгани маълум эмас. Бундай курул яшаш фаолияти фақат инсоннинг имтиёзидир. Инсоннинг асбоблар билан таъминлангани туфайли ўз – ўзининг яшаш муҳитини янгилайди. Бу нарса маданият деб аталарид. Маданият – бу инсон томонидан яратилган ҳамма нарсадир. Жонивордан фарқли равишда маданиятнинг турли жиҳатларини ўзлаштиради ва бу билан ўзининг борлиғи учун зарур бўлган сунъий оламни яратади ва шакллантиради. «Cultura» «Natura»дан худди «сунъий» «табиий»дан фарқлангандек фарқ қилади. Маданият инсоннинг табиат билан муносабатининг воситачиси бўлган реалликдир. Маданият инсон ҳаёт тарзининг жониворлар ҳаёт тарзидан фарқлайди. Маданият – табиатда инсон ҳаётини талқин қилиш усулидир, ҳолбуки бошқа ҳар қандай тирик мавжудот ўзининг табиатдаги ҳаёт шароитларига бевосита боғлиқ бўлиб қолаверади.

Кузатиш маълумотлари шу нарсадан дарак беради; жониворлар ҳулқининг мураккаб шакллари (элементар информацион – ориентирли ва эмоционал – психик ҳаракатлар, ўргатишлари, ритуаллари, мулоқот ва шунга ўхшаш.) ўзларининг яшаш муҳитларининг ўзгаришларига мослашишга ёрдам берувчи генетик программалашган қоидаларга бўйсунди. Жониворларнинг ҳулқи одатда вазиятга мослашганлиги ва инстинктивлиги билан характерланади, ҳолбуки инсоннинг ҳаракатларида эволюция бўлган сари қарорлар қабул қилиш ва уларни амалга оширишда ўз ҳулқини оптималлаштиришига қаратилган ихтиёрий элементлар кўпайиб боради. Бу жиҳатдан инсоннинг амалга оширадиган маъносиз ҳаракатлари диққатга сазовордир. Инсон ҳулқида маъносиз ҳаракатларнинг бўлиши унинг ўз иродасини амалга ошираётганини билдирадиган эркин танлаш актларидир. Жониворларда эса ҳулқ мотивациялари ва мақсадлари программалашгани сабабли маъносиз ҳаракатлар бўлмайди.

Инсон ҳулкида маъносиз ҳаракатларнинг борлиги факти унинг курул яшаш, ишлатиш функцияларининг жониворлар курул ишлатиш функцияларига қараганда ишончли аргумент бўлади.

2. Инсоннинг нутқий (тил) қобилияти борлиги эволюция давомида уни жониворлар дунёсидан фарқ қилувчи бошқа муҳим омилдир. Жониворларнинг ҳар қандай тури шундай информация алмашилиш воситаларига эгаки, бунинг ёрдамида улар ўз ҳаракатларини координация қиладилар ва йўналтирадилар, ҳавф тўғрисида огоҳлантирадилар, ўзларига эътибор қаратадилар, ўз яшаши ҳудудларини белгилайдилар. Жониворларнинг ҳуққлари ва ўзаро таъсирлишиш сигнал – информация усуллари турли – туман бўлишига қарамай, барибир улар эволюцион – генетик чекланишларини сақайди. Бу жониворларнинг тур ичидаги ва шунингдек турлараро коммуникацияларига тегишлидир. Уларнинг ўзига хослиги ҳар бир тур ҳуққининг генетик программалари ва эволюцион механизмларига боғлиқдир. Масалан, қушларда ҳавф – хатарни, бир – бирига ташланганда дўқ қилиш, очликни ифодалаш, бир – бирини эркалашдаги товушларини фарқ қилиш мумкин. Баъзи турлар фақат битта товуш беради, баъзилари иккита, яна бошқалари бир – бирига боғланган кўплаб турли сигналлар берадилар. Инсон қай даражада юксак ташкилланган бўлмасин, экспериментда уни инсон нутқи сигнал товушлар беришга ўргатиш, ҳар ҳолда ҳозирча бўлса – да, ҳали бирор натижа бергани йўқ. Тўтиларнинг сўз ибораларини қайта тиклашга оид бизга маълум ҳаракатлари коммуникатив мақсадлардан йироқ. Ўзининг келиб чиқиш табиатига кўра жониворларнинг коммуникация усуллари ихтиёрий эмас ва табиий. Улардан фарқли равишда инсон нутқи эволюция жараёнида мулоқот қилиш, ҳаракатларни ифодалаш, фикрлар, ҳохишлар ва баҳоларни ифодалашнинг ихтиёрий ва сунъий воситалар тўпламига айланди. Бунга инсоннинг эволюцион – генетик сабаблардан ташқари инсон шаклланишининг антропологик, ижтимоий ва маданий омилларлари ҳам улкан ёрдам берди.

3. Маълумки, тилнинг келиб чиқишига доир барча гипотезалар муаммолидир. Фақат бир нарса равшан: инсон ва

жониворларни тил қобилиятлари ажратиб тутурвчи оралик жуда катта. Уларнинг орасидаги фарқ муаммоси инсон тил қобилиятининг ўзига хослигини исботлаш учун нимани асос қилиб олишга бориб тақалади. Агар инсон нутки ва мулоқотининг бошланиш ирмоқлари инсон танасида деб фарз қилинса, у ҳолда унинг белги хоссаларига: яъни жисм имо – ишоралари, ҳаракатлари, турмушлари келади. Жисм тиллари нутқнинг товуш ва ёзув элементларидан анча қадимий деб одатланишни назарда тренировка қилиш ва одатланишни назарда тутсак, жисмнинг қобилиятлари равшан ва аён. Жисм ёрдамида мулоқот қилиш ва информация узатишга доир қатор усулларни кўрсатиш мумкин. Масалан, қўллар, бош, оёқ, гавда имо – ишоралари ва х.к.лар бунга мисол бўла олади. Ҳолат ва пантомима, одоб тегишлари қараш табассуми, бир – бири билан алмашиш сингариларнинг кинетикаси (динамик схемалари) ва уларнинг ҳосилавий шакллари – буларнинг ҳаммаси инсонлар мулоқотининг актив усуллари дир. Инсон тили спецификасининг бошқа исботлари туғма белгилар деб қаралади. Хусусан, инсон миясининг тузилиши, нутқ артикуляция аппаратининг физиологик спецификаси, мия структуралари функцияларининг юксак даражада хусусийлиги одамлар психик тузилишининг хусусиятларининг ниҳоятда нафис тузилганлиги ўқтириб ўтилади. Ҳулқнинг ташкилланиши ва мия тузилишининг ўзаро боғланганлигини инкор қилиб бўлмайди. Жониворлар ва инсоннинг атроф муҳитга адаптацияланиши (кўриқиб мослашиши) характери қанча мураккаб бўлса, уларнинг миялари шунча мураккаб ва ўзига хос, унинг тузилиши ва функциялари шунча мураккаб ва ўзига хос, унинг тузилиши ва функциялари шунча мураккаб бўлади. Ҳар ҳолда инсоннинг мияси унинг нутқ функцияларининг потенциалини ҳам, жисмий ҳаракатлари ва имо – ишораларнинг имкониятини ҳам белгилаб беради.

3. Тил келиб чиқишини инсоннинг талаффуз қилиш қобилиятига катта аҳамият берадиган гипотезаси фоноцентрик гипотеза номини олган. Бу гипотезага кўра, нутқий мулоқотнинг товуш шакли узоқ таракқиёт даври анча давоми

бўлган ва бир неча фазаларни ўтган. Бошлангич фазаларда товуш жисмий (танавий) имо – ишоралар кўринишида бўлган. Кўплаб примитив (содда) тилларда овоз ўзшатиш фактлари мавжудлиги маълум. Одамлар жониворларга ўхшатиб товуш чиқарадилар. Худди шунингдек, инсон танасининг ҳаракатлари (унинг рақслари ва ўйинлари) ҳам жониворларнинг ҳаракатини эслатиши мумкин. Тақлид қилиб қилинадиган ҳаракатлар – архаик ов ритуалларининг асосидир. Бугунги кунда хинду қабилаларининг пантомималари айрим тур жониворларининг, масалан, уйланиш (никоҳ) рақсларини ҳайратда қоладиган даражада акс эттиради. Инсоннинг мимика, пантомима, алоҳида товушларни ва товушлар бирикмаларини талаффуз қилишини жониворлар ҳулқига тақлид қилиш ҳаракатларининг ривожланиши билан боғлашади. Келажакда актёр бўладиган кишилар дастлаб турли жониворлар ҳулқига тақлид қилишга доир ўқув машқларидан бошланиши маълум. Кейинги босқичда товушлар кетма – кет терилади ва интонация тус олади. унли ва ундош товушларнинг комбинациялари муайян интонация ва маъно касб этади. Товушларнинг интонацион терилиши (қатори) инсоннинг кайфиятини ифодалайди., товушнинг нимани намоён этаётганини билдиради. Сизга бирор тил таниш бўлмаса, суҳбат чоғида интонация муҳим рол ўйнашини эслатиб ўтайлик. Суҳбат чоғида одамлар бир – бирларини тушуниш учун одамлар интонация ва имо – ишоралардан кенг фойдаланадилар. Товушнинг интонацияли тасвирланиши учинчи босқичда товуш бирикмаларида ва баъзи сўзларни такрор айтиш, тушунча элементларидан фойдаланиб талаффузда янада муҳим ўрин тутади. Ов ва овчилар ҳаракатини тартибга солиш, мувофиқлаштиришнинг зарурлиги товушлар алмашилиб, мураккаброқ, мазмунлироқ, информация бериш ва олиш имконини беради. Бундан ташқари, гуруҳлар ичида ва гуруҳлараро инсонларнинг ўзаро муносабатлари координация ва ўзаро тушунишни талаб қилди, бу ўз навбитади товушнинг товуш бирикмалари, турли – туман сўзларнинг нутқий жамғармасининг бойишига олиб келди. Тараққиётнинг тўртинчи босқичида нутқ шакллари сўзлар бирикмалари ва

синтаксис нутқай — назаридан энг оддий нутк ифодаларида қатнашади. Инсоннинг нутқий қобилияти ўзининг қўлланиш соҳасини тобора кенгайтира бориб, тажриба, билим, малакаларни тўплаш, сақлаш ва узатишнинг оптимал воситаларидан бирига айланди. Нуткнинг тасвирий характери аста — секин символик характер касб эта бошлади. Ўзининг символик хоссаларига кўра, нутқ инсоннинг атроф дунёда мослашиши ва яшаб қолишининг таъсирчан куроли бўлиб қолди. Унинг ёрдамида бир авлод бошидан кечирган барча нарсани кейинги авлодага ўтказишнинг оғзаки воситаси пайдо бўлди, маданий анъана шакллана бошлади. Охирги босқичда нутқ мулоқотнинг дифференциаллашган шакллари мақомига эга бўлади, фикрлар, хохишлар, баҳолар ва информация алмашилишнинг турли турларини ифодалайдиган бўлди. Нутқ таракқиётининг бу даврда унинг фонологик, синтаксис, семантик ва прогматик усулларида нуткнинг шартномавий, конвенционал табиати тўла намоён бўла бошлади. Тана инсоннинг нутқ қобилиятини таракқиётида мислсиз хизмат кўрсатган бўлса — да, бу қобилият уз моҳиятига кўра ундан мулоқотнинг мустақил бўлган инструменти бўлиб қолди — конвенциялари, ўзаро таъсирлари, мувофиқлашганлиги, ўзаро тушунишлари воситаси бўлиб қолди. Нутқ инсон коммуникациянинг самарали усулига айланди.

4. Яна бир гуруҳ фаразлар борки, улар ёзув центрик гипотеза атрофида бирлашади. Бу гипотезага кўра, тилнинг келиб чиқиши асосида инсоннинг ёзув (ёзма нутқ) интилиш қобилиятидир. Инсоннинг ёзма нутқ асосида мулоқот қилишининг прототипи сифатида инсоннинг тасвирлаш қобилияти ва ундан келиб чиқадиган схемалар, расмлар, символлар орқали информация узатиш ва фикрлар алмашилишини кўрсатиш мумкин. Бу нуктаи — назардан марказида ёзув бўлган гипотеза бошқа фаразлардан кам самарали эмас. Ҳақиқатда, шакл топган оғзаки мулоқот бошқа коммуникация воситалари ўрнини боса олмайди. Одамлар баъзан шундай экстремал вазиятларга тушиб қоладикки, у

холларда оғзаки хабар ёзилган маълумотни ўрнини ололмайди (масалан, пиктограмма ёки расмлар тарзида).

Палеолингвистика (қадимги тиллар ҳақидаги фан) маълумотлари қадимги инсон ёзувининг шаклланиш асослари тўғрисида фикрлашга имкон беради. Энг қадим ёзувнинг график шакллари архаик давр инсонлар ҳаётининг айрим эпизодларини қайд қилган ва шу йўл билан бизгача сақлаб келган. Хабарлар узатиш мақсадлари учун пиктографик ёзувнинг энг содда воситалари қўлланилади: биркалар, ўймалар, кўрсаткичлар ва ш.ў. Масалан, энг қадимги қоялардаги расмларда ўйилган белгиларни (санчиш жароҳатлари), ўткир бурчаклар (кесилиш жароҳатлари), крестик белгилар (олов ёқиш учун тарашалар), охра доғлари (қон доғлари каби) кўрсаткич стрелкалар (ҳаракат йўналишини белгилайди) ва ҳоказолар. Дастлаб пиктографик белгилар фақат ҳар кунлик, амалий, хўжалик мақсадларига эга эди. Уларнинг асосий вазифалари – кўрсатиш: нима рўй берганини кўрсатиш, қаёққа юриш, нимани олиш ва нима қилиш керакк. Пиктографик ёзувда белгилар таркиби бирдай бўлган. Ҳар бир белги бир бутун сўзни, алоҳида товуш, ёки ишорани билдиради. Пиктографик ёзувнинг сўнги шаклларида – пикрограмма ва идеограммаларда – сўзлар кетма – кетлиги, гаплар пиктографик конференцияларда расм тарзидаги гаплар орқали берилган. Дарвоқе, «пиктография» сўзининг маъноси «бўялган расм» кўринишидаги ёзув» дегани. Бундай ёзувнинг кўрсатиш хоссасидан ташқари унинг кейинги шаклларида тасвирлаш ва символик хоссалари кўпроқ гавдаланган. Пиктография тараққиётида ёзувда символик тенденцияларнинг кучайиши тарзида рўй берган деса бўлади. Ёзув нутқининг символлашиши иероглифли ёзувларда (иероглифлар – муқаддас ёзувлар) диний – ритеал маълумотлар ифодаланишида айникса ажралиб туради.

Пиктографик сюжетларда тасвирий сифатлар коммуникатив мақсаддаги деталларга акцент беради.

Келгусида айнан шу деталлар тобора мавҳумлашиб бориб, белгили ёзувнинг шартли ва ихтиёрий атрибутларига айланиб

боради. Пиктографик белгиларнинг шартлилиги ва ихтиёрийлиги уларни мулоқотда қўлланишини қўлайлаштиради ва символик қобилиятларини кучайтиради. Символик сифатлари туфайли пиктографик информация фақат уни биладиганлар учун, яъни айрим гуруҳ шахслар, муаян этнослар учунгина таниш бўлади. Белги инфраструктуралари инсон ҳаётининг турли сфераларига кириб боради, инсонга унинг ўз фикри ва туйғуларини ифодалаш, ўзгалар билан мулоқот қилиш, хўжалик ҳаётини ташкиллаш, тажрибасини сақлаш, маданий анъаналарини шакллантириб, одамларнинг турли авлодлари орасидаги алоқаларни мустаҳкамлайди. Улар ёрдамида одамлар ўтмиш воқеаларини тиклайдилар ва келажак вазиятларини прогнозлайдилар. Оғзаки ва ёзма нутқнинг кўрсаткичли, тасвири ва символик хоссалари уларни тилнинг диалект, график ва бошқа фарқлари билан қўшилиб коммуникациянинг асосий усулларига айланишига ёрдам беради.

5. Қора одамнинг қурол ва тил билан таъминланишининг мукамаллашиши унинг ижтимоий ҳаётининг ва онгининг турли томонлари эволюцияга прогрессив таъсир кўрсатди. Энди қадимги дайдиб ва кўчиб юриб кун кўрадиган йиғувчи ва овчи одамларнинг ночор турмуши ўтроқ аҳолининг доимий яшайдиган маданияти билан алмашди. Балиқчилик, деҳқончилик, чорвачилик ва ҳунамандлик қадимги жамиятларнинг иқтисодий ва ижтимоий ташкилланишига самарали таъсир кўрсатди. Бир – бирига яқин бўлган қабилалар орасида айирбошлаш ва никоҳга кириш амалга оша бошлади. Бир – бирлари билан никоҳга кирган қабилалар уруғ деб ном олди. Оила – никоҳ муносабатларини, уруғ ичи муносабатлари ва уруғлараро муносабатларни тартибга солиш, созлаш зарурияти юзага келди. Айирбошлаш – савдо алоқалари кенгаяди, этник бирлик (умумийлик) лар шакллари қонунийлашади, одамларнинг ҳулки ва ўзаро муносабатларини тартибга солувчи таъқиқлар рўй хати қарор топади, ота – оналар ва болаларнинг мавқелари белгиланади, диний ритуалларни бажариш анъаналари шаклланади, бадий касб –

хунар малака ва шакллари мукаммаллашади. Одамларнинг ўтрок ҳаёт тарзи айрим бирлашмалар тарзида бир – биридан қатор иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ва маданий белгилари билан фарқ қилувчи этносларнинг юзага келишига кўмаклашди.

Қабилаларда меҳнатнинг махсуслашиши ва тақсимооти юзага келди: бировлар, қабилада хўжалик (ов, дехқончилик, чорвачилик) билан, тўртиинчилар – буюм ва озик – овқатларни айирбошлаш, бешинчилар эса ўзларига ҳимоя қилиш вазифасини олдилар ва ҳ.к. ва энди бунинг натижасида одамлар орасидаги муносабат вертикал жиҳатдан қатламлашди. Қабила ёки уруғнинг ҳокимияти ва мулки билан, малака ва тажрибаси билан фарқ қиладиган юқори қатлами ажралиб чиқди. Ишлабчиқарувчи ибтидоий хўжалик бирикмаларнинг уларнинг яшаш минтақаларида яшовчи аҳолисининг ўсишга олиб келди. Бунинг оқибатида этносларнинг ўзаро муносабатлари жараёнлари фаоллашди. Миграция анъаналари бошқа қабилалар ва жамоаларга тегишли туташ худудларни ягаллаш (босиб олиш)ни юзага келтирди. Биринчи томондан, келгинди этнослар туб аҳолини сиқиб чиқариши ва ҳатто қириб юбориши ёки маҳаллий этносга ўзларининг маданияти, тил, тажриба ва одатларини мажбурлаб ўтказиб, интеграллашиб кетиши мумкин эди. Иккинчидан томондан, аксинча жараёнлар кузатилар эди, келгуси этнослар маҳаллий қабилаларнинг маданияти, тили, тажрибаси ва одатларини, хўжалик юритиш, аҳоли яшайдиган жойларни қуришини ўзлаштириб, улар билан ассимиляциялашиб (бирлашиб) кетар эдилар.

Архаик яшаш жойларининг қурилишлари ўрни ва характери жамоавий ва қабилавий шаклларнинг истиқболда цивилизациялашган бирлашмаларга айланиши (трансформацияланиши)га шароит яратиб берар эди. Бундай яшаш жойлари конкрет одамлар уюшмаларининг маданий марказлари ролини ўйнаб, улар маданиятига бир бутунлик ва тугаллик жиҳатларини ато этар эдилар.

Аҳоли яшаш жойлари тарикбида ижтимоий, хўжалик – турмуш, диний маросим ишлари ўтказиладиган, хунар – касб,

аграр, фортификация учун хизмат киладиган иншоот ва курилишлар бўлар эди. Уларнинг сони ва ўлчамлари экология, иктисодий, ижтимоий, сиёсий (масалан, ҳарбий), техника – технологиявий, диний ёки бошқа маданий мулоҳазаларни ҳисобга олиб режалаштирилар эди. Археологик қазилмалар шундан дарак берадики, катта ибтидоий яшаш жойларидаги ўтроқ ҳаёт тарзи қабилалараро агрессивлик (уришқоклик) кайфиятларининг келиб чиқишига тўсқинлик қилар эди. Агар йиғувчилик ва овчилик турмуш тарзи бўлган даврдаги қабилада одамлар сони 30-50 тадан ошмасдан, улар 100 км² ҳудуддаги ресурслар билан кун кўрган (бу ресурсларни еб бўлгандан сўнг кўшни жойларга кўчган) бўлсалар, ўтроқ ҳаёт тарзида ўтган аҳоли яшаш жойлари 4-5 минг кишини ташкил қилар ва шунга мувофиқ 10 дан 400 км² гача бўлган ҳудудни қамраб олар эди.

Қадимги уюшмаларнинг курилиш индустриясининг қуввати тўғрисида диний ёки дунёвий мақсадларда ишлатиладиган турли архитектурадаги монументал курилиш ёдгорликларига қараб фикр юритиш мумкин. Уларда топилган ҳунармандлик буюмлари бадий касб – ҳунарнинг юксак санъат даражасида бўлганидан дарак беради. Бунга уй – рўзгор буюмларидан тортиб хўжалик нарсаларигача: кулолчилик доираси, ғилдираклар, аравалар, сопол кўвачалар, тўкиш дастгоҳлари, плуглар, чўян қуйиш қолиплари, тош, суяк, сопол буюмлари – ҳозирги музейларда кўриш мумкин бўлган барча ибтидоий давр санъатига хос бўлган топилмалар киради. Шунга айтиш керакки, Ғарб ва Шарқ архаик маданиятига тегишли предметлар таркиби бир – биридан сезиларли фарқ қилади. Масалан, Колумбгача бўлган Америка маданиятида плуг, арава ва жониворларни қўшиб ишлатиладиган буюмлар бўлмаган.

6. Қадимги уюшмалар (бирлашмалар) маданиятларининг ўзига хослиги тўғрисидаги мулоҳазалар билан бир қаторда архаик онгнинг аҳарактери тўғрисида ҳам гапириш лозим. Биринчи навбатда бу одамлар орасидаги муносабатларнинг онгли равишда тартибга солиниши, диний ва бадий онгнинг шаклланиши ва онгнинг предметли – мантикий умумий механизмларининг шаклланишига тегишлидир.

Маълумки, архаик маданиятларда инсон хулқини тартибга солиш (регуляция қилиш) одамларнинг улар ҳаётига ҳавф туғдирадиган ва амалга ошириш учун ақл талаб қилинадиган қилинадиган ҳаракатларига қарши қўйиладиган тақиқлар (табу) тарзида олиб борилар эди. Архаик табулар фарқат тақиқларгина эмас, шу билан бирга, одамларнинг бир – бирларига ва табиатларига муносабатларини тартибга солиб турувчи регуляторлар бўлиб ҳам хизмат қилар эди. Бунга ҳавфли ҳаракатларни билиш ва уларга эътибор қаратиш кўникмаларини мужассамлаштирган салбий тажрибаларнинг тўпланиши ёрдам берган эди. Архаик табулар таркибида мураккаб тақиқ нормалар мавжуд. Масалан, табунинг информацион билиш элементлари ҳавфли ҳаракатларнинг предметли маънлари ва уларнинг салбий оқибатларини билишга имкон берарди. Бу билимлар вақт ўтиш билан ҳаёт учун ҳавфли бўлган ҳаракатларга қарши чеклашлар ҳатто тақиқлар қўшиш кераклигига одамларнинг ишончларини юзага келтирар эди. бундай тақиқларни назарга илмаган одам на фақат бошқа одамларга, ҳатто ўзига ҳам ҳавф туғдириши мумкин эди. Табунинг бошқа элементи эмоционал баҳолаш элементлари эди. Одамларнинг ҳавфли ҳаракатлари кўркув, ваҳима, ҳавотирлик туйғусини уйғотиш, ёйиш мумкин бўлар ва одамларда нигоронлик, аниқсизлик, муваффақиятсизликни аввалдан сезиш сингари ҳолатларни юзага келтириш мумкин. Бундай ҳолатларни эмоционал таҳлил қилиш ҳимоя, муҳофазалаш функцияларни амалга ошириш орқали одамларни ҳаётнинг критик. Экстремал шароитларга кўникишларига ўргатди. Табунинг учинчи элементи онгнинг иродавий омилида намоён бўлади. Иродавий зўриқишлар ҳаракатларни тартибга солиб (регуляция қилиб) ва уларни мақсадларга мувофиқлаштириб, инсонни тўсиқларни бартараф этиб ҳаётнинг қийинчиликларини енгишга йўналтиради. Агар қийинчиликларни бартараф этиш ҳаёт учун ҳатарли бўлса, у ҳолда ирода тақиқ функцияларини бажарар эди. одам ана шу ҳаракатни амалга оширишга қарши қарор қабул эди. Ниҳоят, табунинг тўртинчи компоненти одамларнинг мулоқотида

шаклланди. Бу элемент жамоа аъзоларининг ҳатарли ҳаракатларини тақиқловчи умумий норма мавқеига эга эди. Табунинг нормативлик мавқеи унга ўз – ўзига етарлилик мақомини беради. Тарихий – юридик маънода табу архаик даврдаги ҳуқуқий онгни ифодалар эди. Ҳавф келтиришга интилиш олдида билим, ишонч, кечинма ва иродага эга бўлиш камчилик қилади. Инсон вэволюцияси шундан далолат берадики, у тақиқлар билан, айниқса, ҳаётга ҳавф солувчи тақиқлар билан ҳеч келиша олмайди. Одатда (хатар) ижтимоий жалб қилувчанликка эга. Кимки ҳавфга таваккал қилса, ўзи учун ниманидир «исбот» қилмоқчи бўлар, табиат ва одамлар олдида ҳавфни ва кўрқувни назар писанд қилмас ва шу билан табуни бузар эди. тақиқловчи норма алоҳида одамга нисбатан ташқи омил сифатида таъсир қилар, уни ва жамоанинг бошқа аъзоларини таваккал қилинадиган ҳаракатлардан огоҳлантирар эди.

Архаик онгнинг диний хоссалари анимизм, тотемизм ва фетишизм сингари диний энг барқарор бўлган расм – русумларида ўз аксини топади ва ҳозир ҳам одамларга ўз таъсирини ўтказиб келмоқда.

Анимизм оламнинг универсал руҳий асоси борлигига, ходисаларнинг барчаси жонли, руҳланган жканига ишончни билдиради. Қадимги одам барча ходисаларни ўта табиий (ғайри табиий, табиатдан юқори) жон ато этувчи сифатлари бор ва у ҳаёт ҳамда ўлимнинг алмашилишларини, руҳнинг метаморфозаларини бошқаради деб билар эди. Жон (руҳ) ҳаётнинг гўё сояси, қони, нафаси, қўйинки сабаби деб тушунилар эди; у танани тарк этиши ва бошқа одамларики, жониворники, ўсимликларники бўлган ва ҳ.к. бошқа жисмга (танага) кўчиб ўтиши мумкин эди. Жон жисмнинг шаклини сақлаши ёки ўзгариши, бузилиши мумкин эди. Инсон мулоқотда бўладиган руҳ кўп бўлиши мумкин – бу ажододлар руҳи, жониворлар руҳи, ёвуз ва раҳмдил ва ш.ў. бўлиши мумкин. Уларга бўлган ишонч магия ҳаракатлари (таъсирлари), ритуаллар, афсунлар, жодулар воситасида мустаҳкамланар эди. Тотемизм инсоннинг ўзи ёки унинг жамоасидаги киши билан

уруғ – аймоқлик алоқалари орқали боғланган ўз уруғдошларининг фойдасини кўзлайдиган ва улар олдида бирор жонивор, ўсимлик ёки бирор бошқа предмет тарзида намоён бўладиган аждоди борлигига ишончини намоён бўладиган аждоди борлигига ишончини билдиради.

3.Фрейднинг фикрига кўра, тотем – бу бутун бир уруғнинг аждоди, бутун оиланинг катта додаси, унинг аъзоларининг ҳимояси – фаригштаси, у келажакни каромат қилади, уларни муҳофаза қилади ва уларга раҳм – шафқат кўрсатиб, кечиради. Бирор тотемга ишонувчи кишилар ритуалларда, байрам тантаналарда уни эъзозлайдилар, юксаларга кўтарадилар. Тотем уларни бир – бири билан илоҳий мажбуриятлар билан боғлайди. Одатда, тотем ролида ўсимликлар ёки ҳайвонлар дунёсидан бирор персонаж танланади. Кенг тарқалган тотем мотиви, масалан, бирор қабила аъзоларининг никоҳ алоқаларини шундай бир ўсимлик ёки ҳайвон аждоди билан тасдиқланишида ўз аксини топади. Ўз тотемларини танлаб одамлар ни сиғиниш шахсига айлантирганлар. Архаик ривоятлар ва эътиқодларда бўрига, айниқса. Қуёнга ва бошқа персонажларга сажда қилишлар шундан қолган. Тотем бўлган аждод ҳар қандай айланишларни бошидан кечириши мумкин. Унинг гайритабиий вазиятлари нафақат айна шу уруғ ёки оила аъзолари устидан патронажлик қилиши ёки қўллаб – қувватлаши билан чекланади, балки уларга бошқа уюшмадаги бошқа тотемларга содиқ бўлган одамлар билан, табиатнинг ҳар қандай ҳодисаси билан боғланишга ҳам имкон бериши билан характерланади. Фетишизм ибтидоий одамнинг жонсиз нарсаларнинг сеҳрлилик қобилиятларига анимистик ишончларининг рационаллашган шаклидир. Фетишизм онгига мувофиқ рухлар нарсаларда гавдаланган ва улар орқали одамга таъсир қилади. Дарахтлар, тошлар, ер, сув, олов, шунингдек, сўзлар, сонлар, қурол – асбоблар, турли – туман рўзғор анжомларига мистик хоссалар талқин қилинади. Одамлар ўз фетишларига ихлос қўйиб, у билан ўз тақдирларини боғлайдилар, уларни бахт – саодат деб асрайдилар. Шу йўл билан фетиш идолга айланган ва символ маъносини касб этган.

У фақат оддий насра символгина бўлиб қолмаган, ишонч сирларини очувчи восита бўлган.

Дин қандай шаклда ифодаланмасин, у ҳаммвақт конкрет инсоннинг тасаввуридаги дунёга муносабатини билдиради. Бунда инсон ҳеч вақт худо билан яккама – якка қолмаган. У ўзини бирор худоликка ишонган жамоаси, қабиласи, уруғидан ажралган ҳолда тутолмаган. Жамоада динга бўладиган сизгиниш амалларини бажарувчи одамлар қавми афсунлар – шаманлар, фолбинлар, дуолар, кохинлар пайдо бўлган. Ана шулар жамоа аъзоларининг худо билан муносабатининг воситачилари бўлганлар. Энг қадимги диний маросимлар тош бўлаклари ичида вертикал турғазиб кўйилган ягона тошлар – меҳроблар ўрнатилган очик жойларда ўтказилган. Кейинчалик махсус қурилмалар – улкан тош плиталар пайдо бўлди. Неолит даврида энди турли диний маросимлар ўтказиш ва қурбонликлар қилиш учун ҳар бири ўзича интерьер ва чирой билан ажралиб турадиган ибодатхоналар қурилган эди.

7. Қадимги инсоннинг диний қизиқишлари унинг бадий қобилиятлари билан ёнма – ён мавжуд бўлган. Улар нафақат уй рўзғор предметлари ва хўжалик анжомларини безатишда ёки қурол – яроғ, асбоб – ускуналарни безашдагина намоён бўлмаганлар. Ибтидоий жамоа даврининг типик мисоли сифатида ғояларда ва қоялар устида чизилган тасвирларни кўрсатиш мумкин, уларда анималистик (жониворлар иштирок этган) орнаментал сюжетлар, текисликдаги барельефлар, символик композициялар тасвирларнаган. Маълум ва машҳур бўлган Альтамир ғорини ибтидоий санъатнинг Сикстинг капелласи деб бекорга атамайдилар. Тасвирий асарлар ғор фазосининг ниҳоятда чуқурда бўлгани сабабли минглаб йиллар давомида оптимал атмосфера – ҳарорат шароитларида бўлганлиги учун ҳам сақаланиб қолган. Ғорлардаги тасвирлар учун уч нарса характерлидир. Ов ва озиқ – овқат топиш билан боғлиқ мақсад элементи. Одатда расмларда жониворлар ва уларни ов қилиш схемаси тасвирланган. Ғор тасвирларидаги иккинчи элемент ов қилиш маросимлари. Учинчи элемент театр тамошаси сингари ўйин вазиятини акс эттиради. Ибтидоий

тасвирий санъатнинг ҳар учала элементи қадимги одамларнинг кундалик ҳаётида бир – бирига аралашган, алоҳида адралиб кетмаган маданият ва онг маданият шакллари мавжуд бўлгани – овчилик, диний, ўйин ритуллари қўшилиб акс этгани тўғрисида ҳукм чиқариш имконини беради.

8. Қадимги одамнинг онгли тажрибаси ниҳоятда чекланган. Минг йиллар давомида жуда секин тўпланади ва умумлаштирилади. Қадимги дунё одами ўзини табиатдан, ўзининг ижтимоий муҳитдан ажрата олмайди. Унинг онгли тажрибаси – бу асосан унинг организмнинг жисмоний кучлари, энергетикаси, ҳаракат қобилияти, тана органларидан чиқариладиган жисмоний – психик информацияси билан мустаҳкамланган жисмоний (тана) тажрибасидир. Инсон оламни жисмий – ҳиссий моделликлар: ҳаракат, маза сезиш, хид билиш орқали қабуллайди: у кўради, эштади, татиб кўради, хидлайди. Оламнинг ҳиссий – жисмий образида турли информация маъноларига эга бўлиб, улар бир бутун диффузланган (аралашган) шаклда берилган. Информациyani ҳиссий – образли қайта ишлаш ассоциатив механизми энди – энди шаклланаётган бўлади. Фазо вақтнингбирлашган принципи бўйича, частотаси, ўхшашлиги бўйича тасаввурда нарсанинг ўзини, унинг образидан, нарса ва унинг хоссаларини ажратишга имкон бермайди. Ҳар бир хосса конкрет нарсанинг маъносини беради, бир нарсалар ёки хоссалар иккинчи нарса ва хоссаларга айланади, сўз билан шу сўз билдирган нарса орасида фарқ йўқ. Ҳиссий – образли бирлашишлар симбиози кўркув, хурсандчилик, қаҳр – ғазаб, шубҳа, антипатия, симпатия, безовталаниш ва шунга ўхшаш. ларнинг эмоционал тусланишларига бўялади. Ибтидоий эмоцияларнинг кучи шундайки, уларда аёний ақиллик элементлари қўшилиб кетади, эҳтирослар ақллилик куртакларини босиб кетади. Ана шунда реалъ (ҳақиқий) дунё билан тасаввурлар дунёси (иллюзияли дунё) орасида фарқ қолмайди, барча нарса руҳлантирилган ва мантиқий жиҳатлари унинг ягона (айрим) предметлар, хоссалар ва муносабатларда эгоцентрик йиғналганлиги билан шартланади; эмоционал – иллюзор схемалардаги мулоҳазалар

исбот қиладиган қурилмалар ўрнини олади; реал сабаб ва оқибат муносабатлари ўрнига «бундан кейинми, демак шу сабабли» деган принцип ишлайди; ҳар бир воқеа ёки хабар рост деб қабул қилинаверади. Қадимги инсон ҳаракатлари ва мулоҳазаларининг интуитив «мантиғи» бир ҳодисадан иккинчи хусусий ҳодисага, бир хусусий мулоҳазадан иккинчи мулоҳазага оддийгина кўчиришдан иборат бўлади. Унда ҳали индуктив ёки дедуктив шаклларда ҳулоса чиқаришга доир мантиқий умумлашмалар қилиш қобилияти шаклланган эмас. интуитив мантиқ ҳали зиддиятни сезувчан эмас. бундай мантиқ «юқори - паст», «ўнг - чап», «эзгулик - ёмонлик», «аччиқ - ширин» ва ш.ў. типдаги муносабатлар улардан бирини иккинчисига келтириш, ёки қандайдир учинчи бир қарама – қаршилик ўтиш йўли билан бартараф қилинади. «Предметга айланма йўл билан келиш» архаик билишда «синаб кўриш ва ҳатолар» йўли билан (инсон синаб кўради ва янлишади ва яна синайди ва ҳоказо.) турли четланишлар ва такрор қайтишлар орқали билишни эслатади. Примитив тушунчаларда улар ҳажми билан мазмуни ўртасида мувофиқлик бўлмайди, шу туфайли ҳодисалар, уларнинг хоссалари ва муносабатларини уруғчилик ва турларга тегишлилик принципи сақлаган ҳолда шу синфга тегишли бўлган «барчаси», «баъзилари» ва шунга ўхшаш каби мантиқий кванторларда ифодалаб бўлмайди. Тилнинг тараққиёти (товушлардан иборат нутқ ва ёзув нутқи) одамларнинг билиш ва коммуникатив қобилиятларини шаклланишига ижобий ёрдам беради.

Шундай қилиб, ҳозирги замон фалсафий антропологияси инсон муаммосини унинг табиатининг тарихий, маданий ва ижтимоий сифатларининг ўзаро таъсирида тасаввур қилади. Инсонга фалсафий – антропологик қараш унинг тили ва онгининг илк шаклланишини равшанлаштириш, унинг ҳаёт фаолияти, билиш ва мулоқотининг инструментал хусусиятларини аниқлаб олишга имкон беради. Бироқ бизнинг инсон тўғрисидаги фалсафий таълимотга берган баёнимиз тўлиқ бўлиши учун инсон ҳаётининг дунёсининг индивидуал – шахсий хусусиятлари билан ҳам танишиб чиқишимиз керак.

Ҳар қандай одам ҳам ўзининг ягона умрини бир марта ўтишини ва унинг бошқа имконияти ўқлигини инкор қила олмайди. Болаликда у одатда ўйнайди, ўспиринлик ва ёшликда ўқийди, етук ёшларда ишлайди ва кексайганда қандай имкон топса, шундай дам олади. Ўзининг бутун умри давомида у турли-туман ҳаётӣй вазиятларда бўлади, ўзини у учраган вазиятларга мувофиқ тутуди, дуч келган қийинчиликларни енгишга интилади, бир неча марта ўзининг ҳаётӣй кадриятлари баҳолайди ва қайта боғлайди, бошқа одамлар билан мулоқотда бўлади. Унинг ҳаёти воқеаларга тўлиб тошган, ўзининг ва бошқаларнинг қилган ишларига тўғри келади, турли масалалар борасида улар билан муносабатга киришади, бир-бирлари билан дўстлашади, бировини севади, оила куради, ўз болаларини тарбиялайди, хизмат зиналаридан кўтарилади, ўз ишларида ютуқларга эришиб, юқори мансабларга кўтарилади. Инсон ўзининг ҳаётӣй дунёси билан чатишиб кетади, бу дунё унинг ички дунёсига айланади, бу ерда у ўзини хўжайин деб билади ва одатда ўзининг истиқболдаги ҳаёти тўғрисида ўйлагани ўйлаган. Инсон режалар тузиб, ўзининг истиқболдаги ҳаётини мулоҳаза қилиш хосдир. «Инсон ўйлайди, худо эса бажаради» («Человек предлагает, а Бог располагает») деган мақолни ҳамма эшитган бўлса-да, бироқ ўзининг келажагини бефарқ қарайдиган эс-хушли одамни топиш қийин. Одатда инсон келажак ҳақидаги тасаввурлардан унинг ҳаётӣй дунёсининг ҳолати ва истиқболдаги ривожии бевосита ёки билвосита боғлиқ эканини тушуниб етади. Шундай қилиб, инсоннинг ҳаётӣй дунёси ҳақида биринчи тасаввур ушбу параграфни ўқиб чиққан киши учун тушунарлидек туюлади. Бироқ «индивидуаллиги» ва «шахс» тушунчалари нимани билдириши ҳақидаги саволлар нафақат фалсафани билмайдиган одамларни, балки ҳатто гуманитар фанларнинг ҳар қандай вакилларини ҳам довдиратиб «Индивидуаллик» ва «шахс» тушунчалари гуманитар фанлар вакилларининг бутун фаолиятида учрайверади, бироқ улардан тегишлича методологик ақллилик билан фойдаланиш ҳаддан ташқари қийин. Бу тушунчаларга боғлиқ ҳолда гуманитар билимда ва

хусусан, фалсафий билимда, пайдо бўладиган масалалар анча турли-тумандир. Агар инсон тўғрисидаги базавий тушунча бу тушунчалар учун умумий асос бўлса, у ҳолда улар бир-бирига қандай муносабатда? Бу тушунчаларнинг ривожини тўғрисидаги масала билан қаторда уларнинг хоссаларини табиат, маданият ва жамият контекстида конкретлаштиришга ҳаракат қилинади. Шунинг учун бу тушунчаларнинг табиий, тарихий, культурологик ва ижтимоий сифатлари ҳақидаги масалаларнинг қўйилиши ҳақлидир.

Ҳар биримиз жинсларнинг икки тури – инсон ҳаётининг табиий ташкилланиши эркеклар ва аёллар тарзида бўлигани – бу ташкилланишнинг чегаравий асосларидан биридир. Эркек ва аёл зотларининг вакили сифатида ҳар бир алоҳида одам (инсон) ўзининг биологик хоссаларига кўра индивиддир. Тирик мавжудотлар турларини биологик классификация қилинишига кўра, инсоннинг тур тарзидаги тушунчасига уни бошқа тирик мавжудотлардан фарқловчи турга хос умумий белгилари киради. «Индивид» тушунчаси айрим одамнинг белгиларини билдиради, бу белгилар инсоннинг тур тарзидаги тушунчасилан боғлиқ (тобе) бўлишини кўрсатади. Агар биз конкрет индивидга нисбатан «шахс» сўзини фойдалансак, бу билан биз унинг ҳаётининг индивидуал сифатларига, унинг ҳаётининг дунёсининг индивидуаллигига эътибор берган бўламиз. Инсоннинг ўзининг шахси ва индивидуаллигини англаши фақат унинг одамлараро муносабатлари туфайли, конкрет жамият туфайли, конкрет ижтимоий гуруҳ, ёки ижтимоий институт туфайли эришилади. Шахс ҳаётининг фаолиятининг индивидуал чегаралари конкрет маданиятнинг ва конкрет тарихий даврнинг фазоси ва вақти билан берилади.

Шахс – инсоннинг ижтимоий сифати бўлиб, бу сифат жамият ҳаётида унинг ўйнайдиган роллари тўплами билан конкретлаштирилади. Шахснинг соҳиби (ташувчиси) индивиддир, ундан ҳосила сифатида «индивидуаллик» тушунчаси келиб чиқади. Ўз навбатида инсон индивидуаллигининг маъно жиҳатидан ўзига хослиги индивиднинг биологик белгилари билангина тамом бўлмайди.

Индивидуаллик инсон ички дунёсининг маъносини, унинг конкрет маданият ва муайян тарихий давр шароитларида рухий потенциални ифодалайди. Инсоннинг индивид сифатидаги ҳаётӣ дунёси унинг биологик афзалликларининг (тана конституцияси) такрорланмаслиги ва уникаллиги (мукаммал) билан, ижтимоий ва маданий-тарихий белгилари билан фарқ қилади. Инсон нафақат индивид маъносида, балки тарих, маданият ва жамият маъноларида ҳам такрорланмас ва уникалдир. Ҳолбуки, шахснинг такрорланмаслиги ва уникаллиги ҳамда унинг ҳаётӣ дунёсининг индивидуаллиги уларга мувофиқ маданият ва жамиятнинг тарихий контекстлари томонидан юзага келтирилади. Одамларнинг шахс ва индивидуаллиги орасидаги маънолар чегараси ихтиёрий ва аниқ эмас (ёйилган)дир. Инсоннинг жамиятдаги шахсий позицияси кўп даражада унинг индивидуаллигига боғлиқдир. У фақатгина мазкур жамият ҳаётининг эҳтиёжлари, нормалари ва идеаллари билан белгиланмайди. Гуманитар ижтимоий фанларда индивидуаллик ва шахс тушунчаларининг кўп маънолилигидан қутилишга интилиш ҳаммавақт ҳам ўринли эмас. Шахс тушунчаси индивидланинг муайян ижтимоий-тарихий умумийлик (этник умумийлик) чегараларидаги идеал типиклаш билан белгилангандир. Бу тушунчанинг бошқа маънолари қадрият характериға эға. Бир томондан, шахс универсал тушунча бўлиб, инсоннинг маълум қиёфасини белгилаш учун қўлланилади, бу қиёфада мазкур маданиятнинг маънавий, ахлоқий ва ҳулқий қадриятлари аксланган. Шахс ўзининг ишларида намоён бўлади. Бошқа томондан шахс тушунчасининг шаклланиши Европа маданияти ва фалсафасининг чегаралари билан чеклангандир. Шахс тушунчаси кўпинча ўз-ўзини англаш ўв ўз-ўзини баҳолаш билан ўхшатилади. Европа фалсафаси (жумладан, рус фалсафаси) анъаналарида шахсни виждон, жавобгарлик (маъсуллик) ва инсоннинг танлаш эркинлиги маъноларида тарифланади. Шахснинг ички дунёси инсон ҳулқининг стратегия ва тактикасини ички танлаш акти билан боғланиб кетган. Албатта, инсон ўз дунёсида ўзини «мослашувчи»

тарзида эркин тутиши ва бу билан маданият ва жамиятда ҳар қандай ҳаётӣ вазиятларга мослашиб (адаптирланиб) ўтиши мумкин. Шахснинг индивидуал қоблиятлари унинг оригинал хулққа бўлган кўрсатмаларида гавдаланади. Шахснинг индивидуал қоблияти унинг мустақил ишларида ва фаолиятининг инновацион актларида тўлалигича очилади. Маданиятларнинг конвергенцияси ва инсон тажрибасининг универсаллашиб бориши шароитларида инсоннинг ҳаётӣ дунёсини характерлашда «шахс» ва «индивидуаллик» сўзларининг ўзаро боғланган эканлиги ҳақида гапириш мумкин.

Бугунги кунда шахс турли тадқиқот қизиқишларининг марказида бўлиб келади. Масалан, социологик нуқтаи-назаридан шахс инсоннинг жамиятдаги ўрни вазифаларининг (оилавий, касбий, иқтисодий, сиёсий) тўплами бир бутунлиги тарзида таърифланади. Шахсга культурологик ва тарихий ёндашувлар унинг конкрет маданиятлар контекстидаги хусусиятлари (масалан, Ғарб, Шарқ, Африка турли маданиятларида шахснинг ўзига хослиги) ёки қандай ўз конкрет тарихий давр контекстида (масалан, Қадимги Рим эркин фуқаросининг, ўрта аср рицарининг ёки Давлат думаси депутати шахсининг) ўзига хос хусусиятлари тўғрисида гапириш мумкин. Шахс психологияси инсон ҳаётининг турли ёшлари давридаги индивидуал таракқиётини ўрганади (масалан, боланинг, ўсмир ёки қизнинг, кекса эркак ёки аёлнинг шахси).

Шахснинг ҳаётӣ динамик (ҳаракатчан) ва доимо у ҳаракатланаётган маданиятнинг ва жамиятнинг ўзгаришида ўзини муайян даражада тутди. Инсоннинг ўзининг ҳаётӣ дунёси инсонга унинг эркинлиги ва тарихий ўзгаришлари нимада эканлигини аниқ кўрсатиб беради. И.Кант айтган эдики, эркинлик амалдаги ахлоқий қонуннинг ишонч ёрлиги орқали мавжуд бўлади. Файласуфнинг айнан шу таърифидан индивидуалликни тушунишнинг калитини топиш мумкин. Жамиятда одамлар орасидаги муносабатларнинг индивидуаллашиб бориши жараёнлари амалдаги умум яшаш

нормалари (бурчлар, касбий иқтидорлар, ҳуқуқ) ва уларнинг модификациялари билан шартлашган бўлади. Индивид бурчларга мослашган бўлади, иқтидор ўзида инсон индивидуаллигини гавдалантиради, ҳуқуқ эса шахс мақомини кафолатлайди. Ҳаёт дунёсининг саналган учта инсоний сифати ўзаро боғланган ва унинг чегаравий асосларини ташкил қилади.

Одамларнинг бурчлари – уларнинг умум яшашларининг, жамиятдаги ўзаро таъсирининг ажралмас шартидир. Шундай жамоани тасаввур қилиш мумкинки, унда одамларнинг хусусий ҳаёти бўлмасин. Бироқ тақик тарзида амал қилувчи мажбуриятлари бўлмаган жамиятнинг мавжудлиги мумкин эмас. Ҳар бир индивид жамият аъзоси сифатида амалда барқарор бўлган тақикларнинг бузилиши учун жавоб беради. Барча примитив жамиятларнинг репрессив амалиёти бу жиҳатдан ниҳоятда равшан. Жамиятдан бадарга қилинган инсон ёлғизланиб қолади, у ўз-ўзига яшайди. Унинг айби аввалида тақикларни бузилишида унинг иштироки билан боғлиқ фикрларга асосланади. Жамиятда амалда бўлган тақикларни бузишга доир мотивларни излаш цивилизациянинг куртак ёзаётганидан далолатдир. Шахсининг жамият олдида индивидуал маъсуллигини тушунишга доир радикал ўзгаришлар янги монистик динлар шаклланиши билан рўй берди. Жамият аъзоси ўзининг индивидуал фикрларини амалга оширгани учун қораланди. Христианлик дини ҳатто амалга оширилмаган фикрлар (бу айниқса инсон ҳаётидаги интим ва хирс интилишларига тегишли) учун ҳам одамга айб кўяди.

Шахс ҳаёт дунёсининг индивидуаллиги англанган ҳуқуқи билан, бу ҳуқуқда барча ижтимоий бурчларнинг муштараклиги билан боғланади. Жамият олдидаги ўз бурчларини англаб етиш инсоннинг эмансипация жараёнини жонлантиради. Инсоннинг иқтидори унинг ташаббускорлик ҳаракатлари билан боғланган ва ўз ҳаёт дунёсининг мақсадлари ва идеалларига мувофиқ иш кўриш ҳуқуқи тарзида шаклланади. Кант асосан одамларни уларнинг ўз бурчларини кўрқувга асосланиб эмас, балки осмондан ва ердан уларга нима хавф солаётганига қарамай, соф виждон билан бажарганликлари орқали баҳоланар эди. Шахс

хаётий дунёсининг индивидуаллиги конструктив маъно касб этиш учун ҳуқуқ-тартиботни ёймоқ керак. Ҳар бир жазо инсон айби билан монандланган.

Ўз хаётий дунёсини чуқур (шу жумладан айбини) чуқур ҳис қилиш (таҳлил этиш) инсон ҳаётида қадриятларни қайта баҳолаш ва янги қадрият ўйналишларнинг шаклланишига олиб келади. Ҳар бир конкрет маданият ёки тарихий даврга ўз қадриятлари хосдир. Масалан, япон маданиятининг машҳур жиҳати инсонлар конкрет уюшмасининг (бирлашмасининг) талабларига мослашиш, уларга тенглашиш хусусиятидир. Агар инсоннинг қадриятли ҳаёт уклади ана шундай мослашиш актларига ориентирланган, йўналтирилган бўлса, у ҳолда барча қийинчиликлар ечилган, муаммолар ҳал бўлган бўлади. Японнинг ҳаётида мослашиш актлари маълум гуруҳга, уюшмага (оила, уруғ, клан, қишлоқ ва шунга ўзшаш) бирикиш (қўшилиш) тарзида амалга ошади. Ҳатто унинг ўз исми ҳам умри давомида қандай гуруҳга тегишли бўлганига қараб бир неча марта ўзгариши мумкин. Маданиятда шахсга асосланишининг йўқлиги, тўғрироғи унинг бирмунча чеккада гавдалантирилиши ранг тасвир анъаналарида ишонарли намоиш қилинади, бунда пейзаж ёрқин ифодаланади, портретга эса ниҳоятда кам аҳамият берилади. Портрет схемалаштирилади ва унга индивидуалликка эга бўлмаган ижтимоий мавқеъ берилади. Адабиётда бундай ҳодисага биз портретни сўз билан таърифлаётганда унинг кийим-бошига ва ижтимоий мавқеъига эътибор тўла қаратилган ҳолларда дуч келамиз (яъни индивидуал хусусиятлари гапиримаётганда). Шундай қилиб, Шарқ маданиятида инсон маданият, жамият безак, нақшларига чизилиб кетади, дунёнинг ижтимоий тизимида мос ячейкани эгаллайди, унга эзгулик тарзида ўсиб-униб бирикади.

Европа анъанасида ягона Худога эришиш шахс санок нуқтасидан бошланади, чунки инсоннинг жонивор, маҳлуқлик табиатини тасдиқлайди. Ғурур инсонни улуғлайди. Ғарб маданиятда инсон индивидуалликка ўзининг хаётий дунёсида биқиқ ҳолида, бошқа одамлардан бегоналашган тарзда

интилади. Ғарб маданиятда инсон ўз нуқтаи назари, ўз фикри ёки позицияси билан гавдаланади. Масалан, ранг тасвирда рассомнинг нуқтаи назари перспектив қурилмалар усулида гавдаланади. Символик шакл сифатида перспектива рассом дунёқарашининг проекциясидир, унинг яратувчи сифатидаги шахсийлик потенциясини (имконини) ифодалайди. Ҳолбуки, Шарқ ранг тасвирида (Хитой, япон рассомларида) на тўғри, на тесқари перспектива йўқ, картинада на ташқаридан ва на ичкаридан ягона марказ бўлмайди. Бу картинада рассомнинг нуқтаи-назари пайқалмайди. Тасвирланаётган дунёда рассомнинг ўзининг ўрни йўқ. Рассомнинг марказсиз позицияси тасвирланаётган дунёни қандайдир марказдан маҳрум қилган. Шунинг учун Шарқ маданиятида шахс текисланиб кетади, четлаштирилади. Бизнинг мулоҳазамизни тасдиқлайдиган конкрет мисолга муножаат қилайлик. Санъат тарихидан маълумки, Микеланджело ва унинг замондоши япониялик рассом Эйтоку монументал ишларга буюртма оладилар (албатта, улар бир-бирларининг бор эканликларини билмас ҳам эдилар). Микеланджело фигуравий композицияларни Синкстинк капелласи плафонида бутун фазони берқ қисимларга бўлиб тасвирлади. Япон рассоми эса сарой деворининг бутун улкан фазосида битта ягона пейзаж сюжети-шоҳлари ҳар ёққа ёйилган улкан биргина қарағай бўлган бир бутун композицияни чизди. У дарахтни, деворнинг ўзининг архитектуравий жиҳатдан бўлиши хусусиятларига эътибор бермай, бутун деворга чизди. Эйтоки ўз шогирдлари билан ишлади, Микеланджело ёлғизликда тўрт йил бериб ишлади.

Ҳаёт дунёсининг тарихийлиги инсон ҳаётининг динамиклиги билан ифодаланади. М.Хайдеггер, инсон борлигининг чегаравий асоси вақтидир, деб уқтирган эди. Вақт-бу инсон ҳаётидан ташқаридаги нарса эмас, балки вақт бу дунё инсон учун нима эканида, ўтмишда нима бўлганида ва келажакда нима бўлиши мумкинлигидадир. Инсон бошқа одамлар билан ҳаракат қилганида, мулоқотда бўлганида ўз дунёсида ўзгаришлар содир бўлаётганини сезади ва бу билан ҳаёт вақтининг ўтишини ҳам пайқайди. Вақат унинг ҳаётининг

хар бир пайтини белгилайди. Хар кунги хаётимизда биз доим соатлар билан иш кўрамиз ва улар билан вақтнинг ўтишини, давомийлигини текширамиз. Биз «ҳозир», «бўлади», «бўлган эди» деймиз ва вақтининг сечтиги бўлган соатларнинг кўрсатишларини гапирамиз. Бизнинг ташвиш ва уринишларимиз бизнинг келажакка интилишимиз ва каратилганимиздир. Уринишлар бизнинг хаётий дунёмизнинг келажак ҳолатларни конкрет кутишимиздир. Биз бирор нарсани эсдан чиққанини, эътибордан четда қолганини тушуниб етсак, бу деган сўз, бизнинг хаётимизда вақт ўтганини онглаганимиз бўлади. Эсдан чиқаришнинг йўналиши ретроспективдир, кутиш перспективасига карама-қаршидир. Бизнинг кундалик дунёмиз ҳозирги вақт маъноларида намоён бўлади. Улар менинг ихтиёримда бўлган соатларда қайд қилинади. Биз «ҳозир» деб гапирганимизда ўз хаётимиз ҳозирги вақтининг ўтаётган моментларини қайд қилишга ҳаракат қиламиз. Шу нарсани эслатиб ўтамизки, тарихий маънода вақтнинг ўлчаш мотивлари қадим-қадим замонлардан кун ва туннинг алмашилишини аниқлаш эҳтиёжидан келиб чиққан. Инсон боши устида мавж урган юлдузли осмон гўё унинг хаётий дунёсини юқоридан етиб тургандек бўлади. Қуёшга караб одамлар кун ва туннинг давомийлигини ўлчашга ўрганганлар. Вақт инсонларнинг хаётий дунёсини бир бутунлигини худди фазо сингшари аниқ ифодалар эди.

Бирок шахснинг фазоси мутлақо геометрик фазо эмас. Агар шундай ифодалаш жоиз бўлса, фазода бир ходиса бизга нисбатан (бизга муносабатда) яқин, иккинчиси узокрок, бири пастда, иккинчиси юқорида, бири ўнгда, иккинчиси чапда ва ҳ.к. жойлашган деганидир. Одамлар хаётнинг умумий мулоқот фазосида жойлашганлари ҳолда, бир-бирига нисбатан юз томон ўгирилишлари, орқа билан, ёнма-ён туришлари, ўтиришлари, сакрашлари мумкин. Инсон муносабатлари фазосида одамларни ўрин эгаллашлари, улар орасида масофалар, уларнинг яқинлиги ёки узоклиги, кўл етмаслиги ёки кўринмаслиги, шунингдек, одамлар ва нарсаларнинг «кўл етар»лиги қобилияти намоён бўлади. Юқори, паст, ўнг, чап ва

ш.ў. ҳаёт дунёси фазосининг хоссалари бизга мактабдан маълум бўлган Евклид геометрияси учун факсиздир. Бу геометрия теоремаларининг исботлари одамларнинг силжиши, бурилиши, эгилиши ва уларнинг ишлари, хохишлари ёки мотивларига боғлиқ бўлмайди.

Шахснинг ҳаётий дунёси бошқа одамлар билан мулоқот учун очик бўлиб, улар учун фазода ва вақтда умумийлик яратади. Шунинг учун бизларнинг ҳар биримиз ўзимизнинг ҳаётий дунёмизни бошқа одамларнинг ҳаётий дунёлари билан бирга ташкил қиламиз. Бироқ инсоннинг бундай биргаликдаги ҳаётда яшаши мавжудлиги - бу ҳамавақт унинг мавжудлигидир. Ўзганинг ҳаёти ҳеч вақт унинг ўзининг ҳаёти ўрнини боса олмайди. Худди шунингдек бошқа инсоннинг ўлими-унинг ўлими эмас. Ҳолбуки, ҳаёт ўз имкониятларини тамом қилгандан сўнг ўлим келишини ҳамма ҳам тушунади. Ўлим-бу шахс ҳаётий дунёсининг мавжудлик чегараси, чекланишидир. Унинг ҳаётий дунёси характери унинг ўзининг ҳаётидан ажралмаган ва унинг маъноси ана шундадир. Фақат шахснинг кечинмаларигина маданий, тарихий ва ижтимоий фактларни ўзининг ҳаётий дунёси фактлари тарзида тушунишининг асосида ётади. Маданиятнинг ўзи кечинмаларни аналитик актлари сифатида фараз қилинади, уларнинг кетма-кетлиги ва динамиклиги маданиятнинг бирлигини белгилайди. Дедуктив ва индуктив мулоҳазалар кечинмалар аналiziда, Гете айтганидек, нафас олиш ва нафас чиқариш сингари ўзаро боғланган бўлади. Қабуллаш ва эсда сақлаш жараёнлари-кечинмаларнинг ўзига хос актларидир. Қабуллаш ҳаётдан ва унинг кечинмаларидан бевосита таассурот олиш самараси (эффeкти)дир. Шу асосда шахсда ҳаётни таассуротлар тажрибаси шаклланади ва у ўтаётган ҳозирги замондаги ҳар бир моментда тўлдириб берилади. Эсда сақлаб қолиш худди ўтмиш ҳаётий тажрибасини қайта тиклаш каби ўтган ҳаётнинг кечинмалари акти сифатида ўтиб беради. Бу ерда ҳиссий тасаввурлар ёки эслашларнинг устунлигини тасдиқлаш кийин. Худди таассурот ўтмиш тажрибасисиз мумкин бўлмагани ва кечинмалар технологиясини талаб қилганидек, эслаш ҳам

қабуллашнинг бевосита актларнинг кечинмалари билан актуаллашади.

Шахснинг ички ҳаёти унинг онгли кечинмалари орқали қай даражада очилади? Унинг ҳаётӣ дунёсининг ташқи пландаги қабуллашларидан қай даражада фарқ қилади? В.Дильтейнинг уқтиришига кўра, ички кечинмаларни қабуллаш бевосита моҳиятни кўришдир, у бевосита берилади. Кечинмаларнинг мазмуни ҳар қандай ўзгарувчан бўлишига қарамасдан, айна бир комбинациялар, айна бир муносабат сақлаб қолади. Кечинмаларнинг бир акти иккинчисини, иккинчиси учинчисини ва ш.ў. эргаштириб келади. Кечинмалар актларини боғлаш усулининг ўзини умумлаштириш имкони туғилади. Умумлаштириш процедураси оддатда мантиқий амалларини-фарқ қилиш, ўхшашлик, фарқларни даражали аниқлаш, айнийлик ва шунга ўхшаш. ўз ичига олади. Фарқлаш, тенглаштириш, фарқ даражаларини аниқлаш, бирлаштириш, бўлақлар, абстрактлаш, бир қанча комплексларни кетма-кет боғлаш буларнинг ҳаммаси онг актларини ички қабуллашнинг турли процедураларидир. В.Дильтейга мувофиқ ўз ҳаётӣ дунёсига дотр кечинмалар шахс ўзи томонидан уни тушунишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки фақат кечинмалар индивидуал-шахсий фарқларнинг қимматини кўтаради. Хусусан бу қуйидагиларга тегишли; а) туйғуларни уларнинг маъноларини бошқа объект ёки ҳодисаларга кўчириб ўтказиш (масалан мақсаддан воситага, ҳаракатдан сабабга ва шунга ўхшаш.);

б) Шахснинг ўз-ўзини сақлаш феномени, бу нарса маънавий (руҳий) ҳолатларнинг, эҳтиёжларининг тўлалигига эришишга интилишда намоён бўлади. Шахснинг ушлаб турилган эҳтиёжлари ёриб ўтиши мумкин ва бунда уни эмоциялар «тезлайди», унинг завқи-шавқи озод бўлиб улгуради; в) ўтмишнинг ҳаётӣ дунёнинг ҳозирги ҳолатига таъсир қилиши ҳам кечинмаларга ва кадриятларни қайта баҳолаш характерига боғлиқ бўлади.

Инсоннинг ҳозирги дунёда мавжуд бўлиши муаммосини ҳал қилишга эътибори бугун унинг ўз келажаги учун ҳавотирли

безоталикларидида кучли намоён бўлаяпти. Бунда одамлар ўзларининг келажаклари шундай мумкин бўлган ҳолатлар, ҳаётний режалар, прогноз ва лойиҳалар тўплами тарзида кўрадиларки, уларнинг ёрдамида улар ўзларининг келажакларини тасаввур қила олсинлар. Келажак ҳаётний дунёси кечинмаларининг самаралилиги ва ҳақиқатга яқин бўлиши кўп жиҳатдан маданият ва жамиятнинг вақтнинг ҳозирги пайтидаги ҳолатларига боғлиқ. Одамлар шуни сездилар: улар ҳаётний дунёсида мумкин бўлган имкониятларнинг амалга ошириш бошқа имкониятларнинг йўқотилишига олиб келар экан. Йўқотилган имкониятлар орасида кўпинча энг ёмон бўлмаганлари, баъзи эса, ўзларининг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ёки қайсидир культуролик параметрларига кўра энг қизиқарлилари йўқотилиши мумкин экан. Бунинг устига амалга оширилмаган кўплаб имкониятлар батамом, қайтмас бўлиб йўқолиб кетар эканлар. Шунинг учун ҳам инсон олдида ўзининг ҳаётний дунёсини лойиҳалашдек маъсул вазифа турар экан. Бу масаланинг ечилиши унинг прагматик қийматига боғлиқ бўлар экан. Инсоннинг кутишлари унинг орзу-тилакларига мос бўлиши учун уларни рационаллик, самарадорлик ва оптималлигини экспертиздан ўтказиши лозим экан. Шу муносабат билан инсониятнинг маданий-тарихий тажрибаси нечалаб рўёбга чиқмаган ҳаёлларни, утопия ва келажакка қаратилган турли-туман ҳато прогноз ва лойиҳаларни биледи. У келажакни ҳато тақдимот қиладиган ҳар қандай янглиш лойиҳалар учун синаш майдони бўлиб хизмат қилиши мумкин эди. Бироқ инсонларнинг ҳарбир авлоди ва ҳар бир инсон ўз ҳатоларидан сабоқ олишни афзал кўради, ва гарчи ўзининг тажрибаси билими, малакаси ва интуицияси ўзининг келажак ҳаётний дунёсини тасаввур қилиш учун салбий таъсир кўрсатса ҳам, одамзодга шу нарса хосдир.

2.9-§. Фан фалсафаси ва методологияси

Фан фалсафаси – шундай мақсадли боғланган мажмуаки, унинг мақсад ва вазифалари фаннинг турли туман соҳаларида ишлаётган кишиларнинг билиш фаолиятларининг ўзига хос хусусиятлари билан ҳам, одамларнинг бир бутун билиш фаолиятлари билан ҳам белгиланар экан. Маълумки, турли фанлар бор: табиётшунослик, математика, гуманитар ва ижтимоий фанлар, техника фанлари. Ҳар қандай илмий фандаги билимлар даражаси шу соҳанинг тарихий тараққиётига, жамият маданиятининг ҳолати, олим шахсининг ижодий имконига боғлиқ ҳолда сезиларли ўзгариб боради. Илмий билимнинг ўзгаришида фан фалсафасидаги ўзгаришларга ҳам олиб келади. Табора дифференциацияланиб ва махсусллашиб бораётган ҳозирги замон фанида бундай ўзгаришлар айниқса сезиларли кўринади. Бундан айрим илмий фанларда билишнинг ўзига хос хусусиятларини фалсафий фикрлаш зарурияти келиб чиқади. Демак, фан фалсафаси илмий билишнинг умумий масалалари билан бир қаторда конкрет фанлардаги махсус масалаларни ҳам ҳал қилишга мажбур. Масалан, физиканинг фалсафаси, ёки физиканинг фалсафий масалалари, математиканинг фалсафий масалалари, биология фалсафаси ёки биологиянинг фалсафий масалалари тўғрисида гапириш мумкин. Ижтимоий ва гуманитар фанларнинг фалсафасига келсак, масалан, фалсафий антропология, ёки антропология циклидаги фанларнинг фалсафий масалалари, тил фалсафий, ёки тилшуносликнинг фалсафий масалалари, тарих фалсафаси, ёки тарих фанларининг фалсафий масалалари ажратиб кўрсатиш мумкин.

Албатта, фан фалсафаси ва бирор конкрет фаннинг фалсафаси фалсафий масалалари орасида кескин бўлиниш йўқ.

Фаннинг ўзи нима деган саволга жавоб бериш учун фанни икки жиҳатдан қараш мумкин. Бир томонидан, фан анчагина турли – туман билимлар ва бу билимларни ҳосил қилиш жараёнлари, яъни билиш жараёниларининг мажмуи деб таърифланади. Иккинчи томондан, фан ижтимоий институтдир,

яъни жамият ва маданият тарихий тараққиётининг конкрет даврида шаклланган муайян ташкилотдир. Фанни ташкил қилишнинг ижтимоий муассасалари жамиятда хилма – хилдир, масалан, университетлар, илмий – тадқиқот институтлари, фанлар академиялари, кафедралар, лабораториялар ва ҳоказо. Бу ташкилотларда ишловчи илмий жамоалар фақат билимлар яратибгина қолмай, турли шаклдаги илмий мулоқотлар (бахслар, анжуманлар, симпозиумлар)да қатнашадилар, илмий тадқиқотлари натижаларини чоп эттирадилар (даврий нашрлар, монографиялар, дарсликлар), маърузалар ўқийдилар. Дарслик доирасида фаннинг фалсафий билиш предмети эканлигига тегишли барча масалаларни муҳокама қилиб бўлмайди, албатта. Шунинг учун биз фан фалсафасига тегишли асосий тушунчалар ва муаммолар тўғрисида тасаввур бериш билан чекланишни мақсадга мувофиқ деб ҳисобладик.

Фалсафани ўрганаётган ҳар бир талаба эртами – кечми «Мен бевосита иш кўраётган фан соҳасининг фалсафага қандай муносабати бор?» Мен шуғулланаёт фан масалаларини ечишга фалсафий билимларнинг фойдаси қандай? – деган саволларга дуч келади.

Бизнинг давримизда билимнинг барча соҳалари бир – биридан жуда узоқлашиб кетди, фан эса билимлар соҳасининг тобора дифференциаллашиб бораётган соҳасига айланди. Фалсафа ва фан ҳам бир – биридан худди фан ва санъат, фан ва мифология сингари фарқ қилади, деган тасаввур пайдо бўлиши мумкин. Ҳақиқатан ҳам, фалсафада ҳам маъно, муайян маънода, «абдий» масалалар қўйилаяпти ва муҳокама қилинаяпти – ку. Бу масалалар бир бутун олам ҳақидаги, ҳаётнинг маъноси, онг ва билишнинг табиати, инсонларнинг ҳаёти ва ўзаро мулоқоти ҳақидаги, бурч, виждон, яхшилик ҳақидаги ахлоқий масалалар ва шунга ўхшаш масалалардир. Биз масалалар одамларни ҳамма вақт ҳам қизиқтириб келган, улар тўғрисидаги фикрлар эса баъзан бир – биридан жиддий фарқ қилган. Ҳар ҳолда, бу масалалар турли тарихий даврда, ҳар бир жамиятда ва ҳар бир маданиятда турлича муҳокама қилинади ва уларга бир қийматли бўлган охириги жавобларни

топиш ҳам мумкин бўлмаса керак. Фан эса, фалсафадан фаркли ўларок, конкрет муайян масалалар билан шуғулланади, ундаги саволларга етарлича аниқ жавоблар беради. Масалан, биология тирик мавжудотларни тасниф этади ва синфларга бўлади, уларнинг тарқалиши, ҳаёт тарзи, ҳулқи –атворини ўрганади, турли организмлар ва улар оилаларининг ўзаро муносабатларини, ҳаёти фаолиятлари механизмини, индивидуал ва тарихий қонуниятларини аниқлайди. Фундаментал тиббиёт касалликларни тасниф қилади ва синфларга бўлади, уларнинг келиб чиқиш сабаблари ва шароитлари (этиология) ва ривожланиш «механизмлари»ни (патогенез) аниқлайди, уларни ташхис қилиш усулларини ишлаб чиқади, касалликларнинг олдини олиш йўллари ва воситаларини топади, организмнинг нормал ҳаёт фаолиятини тиклаш йўллари кидиради.

Шунга қарамасдан, фақат биринчи қарашдагина фалсафа ва фан (фундаментал ва амалий фанлар) орасида умумийлик йўқдек туюлади. Олим томонидан ҳар қандай конкрет муаммонинг ечилиши унинг дунёқараш ва методологик принциплари билан шартланган, бу дунёқараш ва методологик кўрсатмалар ҳамавақт бевосита фалсафа таъсирида бўлади. Масалан, физик конкрет объектнинг ҳаракати тўғрисидаги масалани ечар экан, у умуман ҳаракатнинг табиати ҳақидаги тасаввурларга таянади. Шифокор тана анатомиясини ўрганар экан, унинг тузилишини умумлаштиради. Ана шу умумий белгиларни билиш шифокорнинг муолажа олиб боришида бемор организмдаги хасталик ва бузилишларни аниқлашга имкон беради. Конкрет илмий фандаги масаланинг математик ечимини топиш кўпинча математикнинг масалаларнинг умумий методларини қай даражада билишга боғлиқ. Тилшунос бирор миллий тилнинг ўзига хос хусусиятларини ўрганар экан, тилнинг табиати, унинг одамлараро муомаладаги ўрни ҳақидаги умумий тасаввурларга асосланади. Табиий – илмий, ижтимоий, гуманитар ёки техникавий билимларнинг турли соҳаларидек фаолият кўрсатаётган ҳар қандай кишиларнинг илмий ижодига назар ташлаб, бундай мисолларни кўплаб

келтириш мумкин. Бундай мисоллар фалсафанинг нафақат фаннинг асосларида мавжуд бўлмай, унинг ғоялари, фикрлари ва умумлашмалари илмий билишнинг қон – қонига органик равишда сингиб кетишини кўрсатади.

Аввало, илмий билимнинг энг характерли жиҳатларини кўрсатиб ўтайлик.

1. **Системавийлик.** Кант ўша вақтдаёқ илмий билимнинг системавийлиги унинг доимий жиҳати эканини қайд қилган эди: у ўзининг «Мантик» асарида фан айнан системавийлиги туфайли «оддий агрегат»¹⁸¹ бўлган кундалик ҳаётий билимдан фарқ қилишини кўрсатган эди. Кант ўзининг асосий асари бўлмиш «Соф ақлни танқид»да шундай ёзган эди: «. . .кундалик ҳаётий билим системавий бирликка эришгандагина, яъни оддий билимлар агрегатидан системага айлангандагина фан бўлади».¹⁸²

2. **Илмий натижани такрорлаш мумкинлиги имконияти.** Бу хусусият илмини ҳосил қилиш учун зарур бўлган шароитларда кўплаб марта қайтариш мумкинлигидир.

3. **Келтириб чиқаришлик.** Илмий билишда янги билимни мавжуд далиллардан натижалар тарзида мантиқий хулосалар ҳамда математик ўзгартиришлар кўринишидаги таҳлиллар тарзида чиқариш имконияти бор.

4. **Умумлаштиришлар ва олдиндан башорат қилиш учун қулайлиги.** Илмий билим шундай ташкилланганки, уни ўзи олинган соҳа чегараларидан кенгроқ қамровларга қўллаш мумкин. Бу ерда «олдиндан башорат» қилишни фақат вақтга нисбатан маънода эмас, иложи борича кенгроқ, яъни бу билим олинган соҳа чегарасидан чиқиш маъносида тушунмоқ керак.

5. **Илмий билимнинг муаммовийлик шаклда эканлиги шуки,** бу билимда бирор муаммонинг ҳал қилишидан иккинчи муаммони келтириб чиқаради. Шундай бўладики, навбатдаги муаммо ечилиши билан бу фан соҳасидаги муаммоларнинг умумий миқдори камаймайди, аксинча, ортади.

¹⁸¹ Каранг : Кант И. Логика. // Кант И. Трактаты и письма М., 1980С- 379.

¹⁸² Кант И. Критика чистого разума. М., 1994.С- 486.

6. Илмий билимни текшириб кўриш имконияти. Бундай фанда ҳосил қилинган натижалар (даъволар, умумлашувчи амалларни) уларни тасдиқловчи ёки рад қилувчи амалларни (кузатишлар, экспериментлар) бажариш мумкин. Агар қандайдир натижани тажриба воситалари орқали тасдиқлаш ҳам, рад қилиш ҳам мумкин бўлмаса, уни илмий билим деб бўлмайди.

7. Танқидийлик. Илмий даъволар вақти – вақти билан, янги далиллар пайдо бўлганида ва янги назариялар яратилганда, қайта кўриб чиқилади.

8. Амалиётга йўлланганлик. Илмий билим қай шаклда бўлмасин жамиятнинг амалий эҳтиёжларига йўлланган бўлади. Айнан амалиёт илмий билимнинг ҳаракатлантирувчи кучи бўлади, илмий тадқиқотларнинг устувор йўналишларини белгилади, тадқиқотларнинг «буюртма жилд»ларини тўлдириб туради.

Келтирилган хусусиятлар орасида илмий билимдаги ҳақиқатлиги хоссасини алоҳида кўрсатмадик, одатда билимнинг ҳақиқатлик хоссаси даъволар, умумлаштиришлар ёки илмий назариянинг тажрибада текширишда намоён бўлади. Фанда ҳақиқий билим тўғрисида уни тажрибада синаб кўргандан сўнггина гапириш мумкин. Ҳолбуки, ҳақиқат нима деганини тушунтириб бериш на фақат фалсафанинг, балки илоҳиёт илмининг ҳам, шунингдек, бадий билимнинг ҳам асосий мавзуларидан бири ҳисобланади.

Илмий билиш даражалари

Фан методологиясида илмий билишнинг икки даражаси – эмпирик ва назарий даражалари фарқ қилинади. (Буни яна эмпирик ва назарий тадқиқотлар ҳам дейиш мумкин).

Илмий билишнинг эмпирик даражаси кузатиш, эксперимент, ўлчаш, гуруҳларга ажратиш, синфларга бўлиш, илмий таснифга доир амалларни ўз ичига олади.

Илмий билишнинг назарий даражасида гипотезаларни илгари суриш, илмий назарийни яратиш, конунларни таърифлаш, бир гипотеза ва назарияни бошқалари билан

таккослаш, шунингдек, умумлаштириш, тушунтириш ва аввалдан айтиш амаллари бажарилади.

Маълумки, эмпирик билиш билувчи инсон – субъектнинг хиссий қобилиятлари билан ҳамбарчас боғланган бўлади. Бироқ тажрибанинг восита ва шакллари хиссий қабуллашга нисбатан муайян автономликда бўлади. Масалан, босимни аниқловчи асбобнинг кўрсатиши қайд қилинса, бу билиш амали ҳали илмий далил бўла олмайди. Илмий далил кузатишлар натижаларини бирор фикр кўринишида – яъни «стрелка шкала бўлимларининг 760 мм симоб устунини кўрсатапти», дегандан бошланади. Агар назарий билиш тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу билишда бизнинг хиссий қобилиятларимиз қатнашади. Бунинг учун элементар геометриядаги теоремаларни исботлашни кўрсатишимиз мумкин, бу ердаги фикрлар геометрик шаклларни учбурчаклар, квадратлар, айланалар ва шунга ўхшаш қабуллашимизга асосланади.

Бироқ илмий билиш методологиясида эмпирик ва назарий билиш даражаларининг ўхшашлиги масаласига эмас, уларнинг фарқлари, ўзига хосликларига эътибор бериш муҳимдир.

Аввало, бу билиш даражалари ўзларининг предметлари бўйича фарқланади. Тадқиқотчи илмий билишнинг бу икки даражасида ҳам айна бир объект билан иш кўради, бироқ объект ҳар бир даражада турлича намоён бўлади. Эмпирик боскичда субъект ҳодисаларни кузатиш билан банд бўлади, ҳодисаларнинг муносабатлари – боғланишларини қайд қилади. Назарий даражада эса кузатилаётган ҳодисаларни юзага келтирган сабаблари тўғрисидаги гипотезалар айтилади. Одатда сабабларни аниқлаш ўрганилаётган объектнинг моҳиятини очиш билан боғлиқдир. Назариянинг вазифаси, жумладан сабабни аниқлаган ҳолда ҳодисанинг табиатини тушунтиришдир.

Эмпирик ва назарий илмий билиш даражалари билиш воситалари бўйича фарқ қилади. Эмпирик даражада тадқиқотчи – субъект ўзи ўрганаётган объект билан бевосита ўзаро таъсирда бўлади: уни кузатади ёки параметрларини ўлчайди.

Бунда билиш воситаси сифатида объект тўғрисида информация олиб берадиган тегишли асбоблар билан курулланган ҳолда кўриш ёки эшитиш қобилиятидан фойдаланиш мумкин. Назарий даражада субъект билиш объекти тўғрисида билвосита фикрлаши мумкин, яъни бунда у тажрибада олинган натижалар асосида иш кўради. Бундан ташқари, назарий даражанинг гипотеза ёки назария сингари компонентлари тажрибага нисбатан муайян автономияга эга бўлиб, улар мантиқ ва амалдаги фан методологиясига қатъий асосланишини талаб қилади.

Илмий билиш даражалари шунингдек, тушунча воситалари ва тили билан ҳам фарқ қилади. Эмпирик атамалар белгиларини системалаштириш (тавсифлаш) асосида шаклланади. Ҳосил қилинган тушунчалар (атамалар) эмпирик тавсифлаш системасини ташкил қилувчи фикр – даъволар тарзида тартибланади. Бундай эмпирик фикрларни бевосита текшириш имкони бўлади. Масалан, «динамометрнинг стрелкаси 100 бўлиниш шкаласини кўрсатиб турипти», - деган фикр ҳақиқий бўлади, агар ўша асбоб ростдан ҳам шкаланинг шу бўлимини кўрсатаётган бўлса. Назарий фикрларга келсак, уларнинг маъноси эмпирик фикрлардан анчагина фарқ қилади. Назариянинг тушунчалари – атамалар назарий билиш даражаларига хос воситалари билан ўрганиладиган объектларнинг юксак абстракциялар, идеаллаштиришлардир. «Моддий нукта», «абсолют қаттиқ жисм», «идеал газ» сингари идеаллаштирилган тушунчалар мактаб курсиданок яхши таниш. Бундай идеаллаштиришларни ўз ичига олган назарий фикрларнинг ҳам ҳақиқийлиги синаб кўрилади. Бирок бундай синов – текширишларда тажрибага бевосита «чиқиш» бўлмайди, бундай уларни назария ичида ҳам, эмпирик фикрларни амалларни талаб қилади.

Илмий билишнинг эмпирик ва назарий даражалари орасидаги фарқ улар орасида ўзаро боғлиқлик ва ўзаро шартланганликни йўққа чиқармай. Фан методологиясида одатда эмпирик фикрлар ҳам назарий юкламага эга эканлиги кўрсатиб ўтилади. Назариясиз тадқиқотчи ўзи аслида нимани

кузатаётганини ва нима учун эксперимент ўтказаётганини, яъни у нимани излаётганини, нимани ўрганаётганини билмаган бўларди. Масалан, кузатишлар асосида «ожисм тўғри чизикли текис ҳаракат қилапти» деб айтилаган фикр бундай ҳаракатни тасниф қилиш мумкин бўлган идеал схемага таяниш талаб қилади, бу ўз навбатида, классик механикадаги тўғри чизикли текис ҳаракат назариясини фойдаланишни тақозо қилади. Тажриба далилларининг назарияга боғлиқлиги баъзан гўё кузатишлар ва экспериментларнинг натижалари турли назариялар учун бирдай бўлмайди. Бироқ бундай даъво билан келишиб бўлмайди, чунки кузатишлар ва ўлчаш амалларида айна бир восита, асбоб, сонли шкалалар ва шунга ўхшаганлардан фойдаланилади. Бундан ташқари, фан тарихи шуни кўрсатадики, эмпирик билиш натижалари узоқ вақтгача ўзининг автономлиги сақлаш ва маълум вақт ўтгандан кейингина назарий билишга ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Масалан, француз физиги А.Беккерелнинг 1896 йилда кашф этган уран тузининг табиий нур активлиги физиканинг тараққиёти учун улкан аҳамиятга эга бўлди. Фақат йиллар ўтгандан сўнггина «радиоактивлик», яъни нур активлиги номини олди ва аввал М.Кюри назарияси ва сўнгра, Э.Резерфорд назариясида тушунтириб берилди. Биологиядаги буюк воқеалар 1668 йилда англиялик олим Роберт Гук хужайранинг мавжудлигини айтганда бошланди. Бироқ юз эллик йил ўтгач, 1838 – 1839 йиллардагина М. Шлейден ва Т. Шван ҳозирда хужайра назарияси деб аталган концепцияни илгари суриб, шакллантирдилар.

Илмий билиш методлари. Кузатиш – объектни уни табиий ўраб турган муҳитда мақсадга мувофиқ ўрганиш ва у тўғрисидаги далилларни қайд қилишдир (кузатиш одамнинг асосан сезги, қабуллаш, тасаввур сингари хиссий қобилиятига асосланишини эслатиб ўтайлик). Кузатишларнинг натижалари илмий далиллар олиш ва уларни табиий тилди ҳам, махсус атамалардан фойдаланган ҳолда ҳам тавсифлашдир. Кузатиш маълумотлари схемалар, графиклар, диаграммаларда қайд қилиниши, математик кўринишда ёзилиши мумкин ва ҳ.к.

Кузатиш структурасида кузатувчи, тадқиқот объекти, кузатиш, шароитлари, кузатиш воситалари (қурилмалар, асбоблар, ўлчов асбоблари, табиий тил ва махсус атамалар) унинг тараққий қисмлари бўлади.

Биринчи қарашда кузатиш актларида тадқиқотчи ўзини суст (фаолиятсиз) тутаётгандек кўринади. Аслида йўқ, бундай эмас. кузатувчининг фаоллиги кузатишнинг мақсадга йўналтиришида, «нимани кузатиш керак» - лигини танлашда, «. . . биринчи галда қайси ҳодисага эътибор бериш» да намоён бўлади. Албатта, мутахассис тадқиқотчи ушбу кузатишнинг асл мақсадига қирмайдиган ҳодисаларни ҳам назардан четда қолдирмайди: улар ҳам қайд қилинади ва кузатувчига ўрганилаётган нарсани билишда ас қотиши мумкин. Кузатиш актида тадқиқотчининг фаоллиги кузатиш натижалари мазмунининг назарий шартланганидир. Кузатишда фақат ҳиссий қобилиятгина эмас, шу билан бирга, назарий даъволар ва илмий стандартлар тарзидаги аклий қобилият ҳам қатнашади. «Олим кўзлари билан қарайди, бироқ боши билан кўради», - деб бекорга айтилмайди. Кузатишдаги фаоллик кузатиш воситаларини танлаш ва яшашдан ҳам намоён бўлади. Ниҳоят, шунга ҳам эътибор бериш керакки, объектни кузатиш табиий шароитларда амалга оширилади ва бу шароитларни ўзгартириш мумкин эмас.

Икки тур асосий кузатишлар бўлади: сифатий ва миқдорий кузатишлар. Сифатий кузатишни одамлар қадимги вақтларданок фойдаланар эдилар, унда ҳали ҳозир биз тушунган маънодаги фан шаклланмаган эди. Миқдорий кузатишлардан янги даврда фаннинг юзага келиши билан фойдаланила бошланди. Миқдорий кузатишлар, табиyki, ўлчамлар назарияси ва техникасининг тараққиёти билан боғланган. Ўлчамларнинг ва миқдорий кузатишларнинг пайдо бўлиши фаннинг математикалашишининг бошланиш остонаси эди.

Эксперимент – субъектнинг актив фаолияти бўлиб, бу фаолият объектни аввалдан яратилган ва экспериментаторнинг назоратида бўлган сунъий шароитларда ўрганишга қаратилган.

Экспериментнинг структураси тадқиқотчи – экспериментатор (субъект)нинг ўрганилаётган объектга муносабати билан белгиланади. Бу структурага яна: муайян фазо – вақт соҳаси (масалан, лаборатория); экспериментал қурилмалар (асбоблар, энергия манбалари, назорат ва ўлчов асбоблари ва ш.ў.); эксперимент баённомаси (бунда экспериментга тайёргарлик ва уни ўтказиш жараёнидаги барча зарур ёзувлар табиий тилда ёки махсус тилда баён қилинган бўлади) ҳам киради.

Кузатиш қобилияти инсонга архаик даврдан ҳозирги бавргача хос бўлган бўлса – да, экспериментдан билиш воситаси сифатида фойдаланиш нисбатан яқиндан бошланди. XIII асрдаёқ Роджер Бекон олим бирор обрўли кишиларнинг айтганларига тўғридан – тўғри ишонавермаслиги, илмий билиш экспериментал методга асосланиши ҳақида гапирган эди. Бирок фақат XVII асрдагина эксперимент илмий билишнинг мустақил усули сифатида қарор топди. Экспериментал амалиётнинг мукаммаллашуви янги давр классик фанининг таракқиётига ёрдам берди. Аввал физика фанида қарор топган эксперимент сўнг химия, биология, физиологияга, XIX асрда эса психологияда ҳам қўлланила бошланди. Ҳозирги вақтда эксперимент социология, лингвистика ва илмий билишнинг бошқа соҳаларида борган сари кенг қўлланилмоқда.

Эксперимент кузатишга нисбатан куйидаги афзалликларга эга:

- ўрганилаётган ҳодисаларни тадқиқотчининг хоҳишига кўра қайта тиклаш мумкин;
- экспериментда ҳодисанинг шундай характеристикаларини пайқаш мумкинки, уларни табиий шароитларда кузатиб бўлмайди: масалан, худди шундай равишда 1940 йилларда физикада нептунийдан бошлаб трансуран элементларни ўрганиш бошланди;
- экспериментда шундай шароитлар яратиш мумкинки, бунда ўрганилаётган ҳодиса ташқаридан вазиятни мураккаблаштириб юборувчи ҳар қандай таъсирлардан изоляция қилиниши мумкин, бу ҳол ҳодисани «соф» тарзда ўрганишга имкон беради;

- экспериментда асбоб – ускуналардан фойдаланиш имконияти кескин ортади, демак экспериментни автоматлаштириш ва компьютерлаштириш мумкин бўлади.

Илмий билишнинг умумий структурасида эксперимент алоҳида ўрин тутади. Биринчидан, эксперимент билимнинг эмпирик ва назарий даражаларини бир – бири билан боғлайди. Экспериментдан аввал олим нима килишини (муддаосини) фикрлаб олади. Ўз моҳиятига кўра эксперимент ўзидан олдина бўладиган назарий тадқиқот ва унинг натижалари билан воситаланган: у муайян назарий билимларга асосланган ҳолда янги маълумотлар тўплаш ёки маълум гипотеза (назария) ни текшириш (тасдиқлаш ёки рад этиш) мақсадида кўзланади. Эксперимент натижалари ҳамма вақт муайян назария нуқтаи – назаридан тавсифланади. Шу билан бирга, фойдаланиладиган воситаларининг характериға кўра эксперимент эмпирик билиш даражасига тегишли ва унинг натижалари – илмий далиллар ҳамда бу далилларнинг боғланишларидир.

Иккинчидан, эксперимент айнаи бир вақтда ҳам билиш ҳам амалиёт фаолиятиға тегишлидир. Экспериментдан мақсад фақат янги билим олишгина бу билан (билимни орттиришгина) эмас, шу билан бирга, унинг ёрдамида атроф воқеилигига таъсир кўрсатиш, уни ўзгартиришға ҳам муваффақ бўлинади. Агар, масалан, йирик масштабни ишлабчиқариш ёки ижтимоий экспериментни амалға ошириш кишиларнинг билиш – амалиёт фаолиятлари тарзида намоён бўлади.

Эксперимент тўғрисидаги умумий тушунча унинг ўтказилиш шароитлари, мақсад ва предметига қараб бир неча турға бўлинади. Масалан, ўтказилиш шароитига кўра, лаборатория эксперименти, айнан ўзи билан (натурали), модели, фикрий, компьютерли (ҳисоблов) экспериментлари тўғрисида гапириш мумкин.

Билиш мақсадларига кўра, тадқиқот ёки излаш эксперименти, текшириш, ёки назорат эксперименти; кайта тиклаш ва изоляцияловчи экспериментлари бўлади. Предметига кўра, физикавий, химиявий, биологиявий, ижтимоий ва бошқа тур экспериментларға бўлиш мумкин.

Кузатиш ва эксперимент натижалари уларда фойдаланиладиган асбобларга ниҳоятда бевосита боғлиқ бўлади. Инсоннинг ҳиссий ва аклий қобилиятлари ажратиш ресурси нуқтаи – наз Масалан, одамлар маълум масофадагина эшита оладилар ва кўра оладилар, сезги органлари воситасида уларнинг олган информациялари анчагина тахминий ва ноаниқ бўлиши мумкин. Бизнинг ҳисоблашларимиз ҳам ҳажми ва вақт нуқтаи – назаридан чекланган, шунингдек, фикр – нуқт имкониятларимиз ҳам чекли. Кибернетика асосчиларидан бири, Англиялик олим У.Р.Эмбининг таъбири билан айтганда, «биз фикрий қобилиятларимизни кучайтиргичларига муҳтожмиз». Илмий билишда инсоннинг билиш қобилиятларини кучайтириш вазифаси асбобларга берилади. Асбоблар биринчидан, бизнинг сезги органларимизни бу сўзнинг энг кенг маъносида кучайтиради, уларнинг ҳаракат доирасини турли муносабатларда (сезгирлик, аксил фаоллик, аниқлик ва ҳ.к. маъноларда) кенгайтиради.

Иккинчидан, улар бизнинг сезги органларимизни турли – туман моддаликлар тўлдиради, бу билан бизни уларсиз онгли равишда сезмайдиган ҳодисаларни сезиш имконини беради. Масалан, магнит майдонларини сезишни мисол келтириш мумкин. Ниҳоят, алоҳида хусусиятли асбоблар дейиш мумкин бўлган компьютерлар юқорида биз гапирган икки вазифани анча бойитади ва самарадорлигини оширади, информация олиш, уни танлаш, сақлаш ва қайта ишлашда ва баъзи фикрлаш амалларини автоматлаштиришда вақтни тежашдан иборат мутлақо янги вазифани ҳам бажаради.

Шундай қилиб, ҳозирги вақтда билишда асбобларнинг ролини етарлича баҳоламай, уларни қандайдир «ёрдамчи» воситалар деб қараш мумкин эмас. Бу гапимиз илмий билишнинг эмпирик даражасига ҳам, назарий даражасига ҳам бирдай мос.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар қандай асбоб қандайдир ҳаракат принципига асосланган, бу деган сўз, бу асбобни ясаган конструкторлар ва технологларнинг саъий ҳаракати билан текширувлар ўтказилган ва системалаштирилган методдан (ёки

усуллар мажмуидан) бошқа нарса эмас, ана шу ишларнинг бир махсус курилмада рўёбга чиқишидир. Ва илмий билишда қандайдир асбоблардан фойдаланилар экан, бу асбобларнинг одамлар томонидан тўпланган амалий ва билишга онд тажрибаларидан фойдаланиб ясалганини доимо эсда тутиш лозим. Асбоблар реалликнинг бизни билишимиз мумкин бўлган қисмларининг чегараларини кенгайтиради, бу деганимиз «лаборатория» деб аталган юқоридаги фазо – вақт соҳаси кенгаяди.

Бирок, асбобларнинг билишдаги ўрни ва ролини ҳаддан ташқари бўрттириб юбориш ҳам тўғри бўлмайди. Билишда улардан фойдаланиш тадқиқотчини ҳатолардан холи қила олмайди. Асбоб – бу техникавий восита, ҳар қандай восита ҳам «камчиликсиз», идеал, нуқсонсиз бўла олмайди, жумладан, энг яхши асбоб ҳам шундай. Унда ҳамма вақт ҳам «ускунавий ҳатолик» мавжуд, бунда фақат асбобнинг ишлаши билан боғлиқ бўлган методнинг камчиликлари, яна асбоблар тайёрланаётган технологиядаги ҳатоликлар ҳам бор. асбоблардан тадқиқотчи фойдаланади, унинг томонидан ҳам бир мунча бошқача бўлса – да, ҳатоларга йўл қўйилади.

Бундан ташқари, билишда асбоблардан фойдаланишда ўзига хос мураккабликлар ҳам юзага келади. Гап шундаки, асбоблар ўзлари ўрганаётган ҳодисаларда муайян «қўзғатишлар» ни юзага келтиради. Масалан, кўпинча шундай вазият юзага келдики, ўрганилаётган ҳодисанинг бир мунча характеристикаларини айти бир пайтда қайд қилиш ва ўлчаш имконияти бўлмайди. Бу жиҳатдан В.Гейзенбергнинг элементар зарралар физикасидаги «ноаниқликлар принципи» диққатга сазовордир. Унинг маъноси шундай: «зарранинг координатасини қанчалик аниқ ўлчанса, унинг импульсини ўлчаш шунча ноаниқ бўлади». Масалан, электроннинг унинг бирор орбитасидаги импульс (бу дегани унинг энергия даражаси)ни аниқ белгилаш мумкин бўлса, бунда унинг жойлашган ўрни шунча ноаниқ бўлади. Бу ерда шуни таъкидлаш лозимки, гап ақлда, эътиборда ёки техникада эмас. Ҳаёлда (фикрда) электронни кузатиш учун «ўта микроскоп»

ясадик, деб тасаввур қилишлик. Шундай бўлганда электронни координатаси ва импульси аниқ ўлчаб бўлади, деб ишониш мумкинми? Йўқ, албатта. Бундай «ўта микроскопда» бирор ёруғликдан фойдаланиш керак-ка: «ўта микроскоп»да электронни биз кўришимиз учун электронда локал битта ёруғлик кванти нурланиши керак. Бироқ электроннинг шу квант билан тўқнашишидан электроннинг ҳаракатида ўзгариш юзага келади, бу эса унинг импульсини аввалдан назарда тутилмаган ўзгаришига олиб келади, бу ходиса «комптон эффекти»¹⁸³ деб аталади.

Бошқа фанларда ўрганиладиган ходисаларда ҳам шунга ўхшаш қийинчиликлар юзага келади. Масалан. Электрон микроскопда тўқима тасвирини аниқ ҳосил қилиш, айна вақтда шу тўқимани ўлдирадиган тирик организмларни ўрганаётган зоолог ҳеч вақт мутлоқ соғ, нормал экземляр билан тажриба ўтказа олмайди, чунки эксперимент ўтказиш ва асбоблардан фойдаланиш организмларда ва уларнинг табиатида ўзгаришларга олиб келади. «Ибтидоий тафаккур»ни ўрганаётган этнограф, аҳоли гуруҳларини сўров йўли билан тажриба ўтказаётган социолог тадқиқотида ҳам худди шундай мураккабликлар, чигалликлар юзага келади.

Модель – бу билиш жараёнида ўрганилаётган объектнинг ўрнини босиш ва уни намоён этиш қобилиятига эга бўлган билиш воситасидир. Моделаштириш – бирор объектни унинг модели устида олиб бориладиган кузатишлар ва экспериментлар воситасида ўрганишдир. Моделлашда сунъий («артефактлар») ҳам, табиий модел воситаларидан ҳам фойдаланиш мумкин. Тўртта моделлаш жараёнини кўрсатиб ўтиш мумкин.

- Сунъий объект сунъий шароитларга жойлаштирилади.
- Сунъий объект табиий шароитларга, яъни ўрганилаётган объектнинг ўзи турган шароитларга жойлаштирилади.
- Табиий объект сунъий шароитларга жойлаштирилади.

¹⁸³ Артур Холли Комптон. (1892-1962) – америкалик физик. 1928 йилда унга юкоридаги ходисани кашф қилгани учун физика соҳасида Нобел мукофоти берилган.

- Табиий объект табиий шароитларга жойлаштирилади. Биринчи ва учинчи ҳолларни баъзи вақтда «моделли эксперимент» деб ҳам юритилади.

«Модель» атамасининг маъно – мазмуни анча кенг. Модель деб ҳар қандай табиатга эга бўлган ўрганилаётган ҳодисанинг оддий механик макетни ҳам, иккинчи томондан, махсус (формаллашган) тил воситасида батафсил қурилишини ҳам айтиш мумкин. Билишни компьютерлаштириш ва ахборотлаштириш ортиб борган сари энг сўнгги моделни билиш амалда назарияга яқинлашиб бормоқда.

Моделни таърифлашда марказий жиҳат унинг билинаётган объект билан ўзшашлигини кўрсатишдир. Умуман олганда, ҳар қандай предмет ихтиёрий бошқа предмет билан ўхшашдир, унинг устига ўзшашлик айти биргина муносабатда ҳам эмас, кўплаб муносабатда. Шунга кўра, ўхшашликнинг жиддий эканлиги ҳисобга олинмаса, ҳар қандай предмет бошқа ҳар қандай предметнинг модели сифатида фойдаланиши мумкин. Бундай моделлаштиришга ҳеч қандай чеклаш йўқ. Масалан, бир неча ўн дона ёнғоқларни турли тузилишларда жойлаштирилиши, бўлажак жангда ҳарбий бўлинмалар жойлашишининг модели деб қаралиши мумкин. Агар ўзшашликлар юзаки бўлса, бунда энди қатъий маънодаги моделлаштириш эмас, балки бирор мақсадда, масалан, ўқув – машқ мақсадида олиб борилаётган фойдали тасвирлаш деб қараш мумкин. Шунга қарамай, ана шуни ҳам моделлаш воситаси ҳисобласа бўлади. Аслида, бирор объектни ўрганаётган субъект (хусусан ўқув мақсадида) объект моделидан объектни ўзи истаган муносабатига оид саволига жавоб олиши мумкин. Демак, оддий кўргазмали моделларнинг аҳамиятини мутлоқ пасайтириб бўлмайди. Бундай моделлаштириш кўргазма, ёрдамчи ўқув воситаси бўлибгина қолмай, бордию шундай бўлганда ҳам кам эмас. Бу маънода Кельвин томонидан илгари сурилган «тушуниш – бу механик моделни яратишдир»,¹⁸⁴ - деган афоризмни эслаш кифоя. Бирок

¹⁸⁴ Уильям Томсон, лорд Кельвин (1824-1907) – инглиз физиги, дунёда биринчи физика лабораториялардан бирини (1846 йилда Глазго университетиде) ташкил қилган.

бундан ташқари, содда моделлар янада мураккаб, нафис модел яратиш учун гоё бўлиб хизмат қилади. Кельвин атомнинг барча қисмларида электронлар худди пирогдаги магизлар сингари жойлашганлиги ҳақидаги моделни илгари сурган эди.

Шундай қилиб, модель норматив ва мақсадга мувофиқ йўналтирилган моделларга бўлинади: модель ўз прототипининг муайян характеристикаларини, чунончи, энг жиддий, аҳамиятли ва қийматли хусусиятларини намоён қилади, моделнинг аҳамияти ва қиймати у хизмат қилиш керак бўлган мақсадга мувофиқлиги билан белгиланади. Биз турли сабабларга кўра моделлашга мурожат қиламиз. Аввало шундайки, кузатиш имкониятлари чекланган, эксперимент олиб боришда эса баъзан у жуда қимматга тушиши етмагандай, нохуш оқибатларга ҳам олиб келади; масалан, социал билишда кўпинча шундай бўлади, масалан, ресурслардан оқилона фойдаланишга оид олиб борилган экспериментларни мисолга келтириш мумкин. Тарихга доир тадқиқотларда бевосита эксперимент ўтказиб бўлмайди, чунки ходиса ва жараёнлар ўтмишда қолиб кетган. Бундан ташқари, тарихчи деярли ҳеч вақт ўзини қизиқтирган оммавий (тасодифий) воқеалар ҳақида тўла қамровли маълумотларга эга бўла олмайди, у кузатишлар йўли билан ўрганаётган нарсасига доир қонуниятларни шакллантира олмайди. У воқеалар ичида қандайдир танлаш билан чекланадики, бу ҳам моделлашга эҳтиёж тугдиради.

Ўз имкониятларига кўра ижтимоий – сиёсий жараёнларни тадқиқ қилишда ҳам бевосита эксперимент чекланган. Чунки, бирор гуруҳ одамларни жамиятдан тўла тўсилган ҳолда уларни алоҳида ҳаёт ёки бошқарув шароитига қўйиш мумкин эмас. Бу ҳолларда моделлар ролига гап йўқ. Ижтимоий – психологик ходисаларни тадқиқ қилишда ҳам экспериментатор шундай мушкулликка дуч келади. Ҳатто алоҳида шахсни электроэнцефалограмма методи билан ўрганишда ҳам лаборатория шароитларининг сунъийлиги бевосита эксперимент ўтказишдан воз кечиб моделлаштиришга мурожаат қилишга мажбур қилади. Масалан, нохуш кўзгатувчилар таъсир қилганида ҳатто етарлича босик

одамларда ҳам электроэнцефалограммаларида ўзига хос ритм кўрсаткичлари пайдо бўлади, улар одатдаги (таъсирсиз) вазиятларда унчалик сезилмаган бўларди. Бирок уларни лабораторияда батафсил ўрганиб бўлмайди, чунки, эксперимент ўтказилаётган одам учун ҳам, экспериментатор учун ҳам вазиятнинг сунъийлиги бирдай таъсир қилади. Бундай ҳолатни бартараф этишнинг ягона йўли моделлаштиришдир, ноҳуш кўзгатувчи таъсири пайдо бўлишини ҳуш келган кўзгатувчини тажриба шароитида аста – секин бериб, кескин равишда уни олиш йўли билан йўқ қилишдир.

Моделлаш техника фанларида ҳам, инженерлик ишларида ҳам тарқалган. Янги хил самолётни моделлаш классик мисол бўлиб хизмат қила олади: дастлаб бўлажак реал самолётдан ниҳоятда кичик масштабда модель ясалади; бу модель учмайди, балки аэродинамик трубада кучли ҳаво оқимиға куйилади. Бу ҳолда модел самолётни, ҳаво оқими эса учиш жараёнини иминация қилади. Шуни таъкидлаш керакки, модел фақат кўплаб марта кичиклаштирилган самолётгина эмас, унинг кўплаб параметрлари (масалан, қанотларининг қиялик бурчаги, унинг стрелкасимонлиги) ҳам самолёт ва моделнинг ўлчамларига мувофиқ равишда ҳисоблаб чиқилган бўлади.

Моделларни классификация қилиш моделининг ва унинг прототипини (ўрганилаётган ёки лойиҳаланаётган объект) табиатларини таққослашни тақозо этади. Улар мос тушиши ва мос тушмаслиги ҳам мумкин. Моддий прототип ва моддий домел, моддий прототип ва идеал (фикрий) модел, идеал прототип ва моддий модел, идеал прототип ва идеал моделлар тўғрисида гапириш мумкин. Албатта, прототип ва модел (айниқса социал билишда) янада мураккаб табиатға бўлиши, унда ҳам моддий, ҳам идеал компонентлар бўлиши мумкин. Янада нозикроқ фарқлар ҳам маълум аҳамиятға эға: масалан, бир томондан, химиявий объектнинг механик модели (кристалл панжара), иккинчи томондан, худди шу химиявий объектнинг моддий модели, бироқ физикавий модели бўлади.

Ҳозирги илмий билишда ва инженерлик – техникавий ижодиётда «информацион моделлаштириш» алоҳида ўрни

тутади. Гап, масалан, компьютер программалари тарзида тузилган объектлар моделлари билан амалга ошириладиган экспериментлар тўғрисида кетаяпти.

Объектни намоён қилиш воситаси бўйича бу моделларни алоҳида моделлар турига — «автоматлашган фикрий моделлар»га киритиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, улардан фойдаланиб, биз аслида фикрий модел экспериментни автоматлаштирамиз, ҳолбуки, бу ерда моддий тузилма — компьютердан фойдаланамиз. Бу ҳолда моделнинг фаолияти биз ўзимиз қилишимиз мумкин бўлган, модел устида олиб бориладиган фикрий амалларни янада мукамалроқ (информация ўзгартиришлар кетма — кетлиги оралиғи ва ҳисоблашлар тезлигини кучайтириш нуктаи — назаридан) бажаришдир. «Фикрий эксперимент» тўғрисида гап кетаётгани учун уни формал, техникавий ишлаб чиқиш жуда жиддийдир. Амалда биз бу ерда формаллаштириш методидан фойдаланамиз: бизни қизиқтираётган объект ҳақидаги ўзимизда бор бўлган билимларимиз шаклини ўрганамиз.

Моделлаштириш аниқлигини тобора ошириб бориш фақат ўхшашлик назариясига мурожаат қилишни тақозо қилади, деган фикр кенг тарқалган. Ўхшашлик назарияси ҳақиқатан ҳам муҳим. Самолёт қуриш мисолида самолёт билан унинг модели орасидаги муносабат унинг миқдорий характеристикалари орасидаги оддий муносабатдан анча мураккаб бўлиши тўғрисида гапирдик: ҳар жойда бўлгани каби миқдорий ўзгаришлар тегишли сифат фарқ мавжудлигини ҳам тақозо қилади. Ҳақиқатан ҳам, агар гап «информацион моделлаш» устида кетаётган бўлса, моделлашнинг мантиқий — математик назариясига мурожаат қилишга тўғри келади. Нозиддиятлиликни, эҳтиёткорликни (корректлик), сематик адекватлик ва бинобарин, модел қурилаётган формаллаштирилган системанинг тўла — тўқислигини белгилаш (аниқлаш) — «информацион моделлаш»нинг яроқлилигини асослашнинг энг муҳим звеносидир.

Формаллаштириш ёки формаллаштириш методи шундай илмий билиш методикаси, унинг ёрдамида предметнинг

мазмунидан мавҳумланиб, бутун эътибор фақат предмет шаклини ўрганишга қаратилган. Предметнинг формал белгилари махсус, формаллашган тил воситасида ифодаланади. Предметни билиш шакли бизнинг предмет ҳақидаги мулоҳазаларимизнинг муайян тарзда боғланиш эканлигини эслаб ўтайлик. Бу боғланишлар тушунчаларнинг тарифлари шаклида, ҳукм ва хулосаларнинг структураларида намоён бўлади. Формаллаштиришнинг объектив асоси бор эканлигини шундай характерлаш мумкин. Билим шакли унинг мазмунига бефарқ бўлмайди. Аксинча, шакл маълум тарзда мазмун ортидан боради. Масалан, норелятивистик квант механикаси тенгламалари Ньютон қонунларига асосланган классик физика назариялари тенгламаларидан анча мураккаброқ кўринади. Бунинг сабаби шуки, квант механикасининг мазмуни классик назария мазмунидан мураккаброқ. Билим шакли унинг мазмунига боғлиқ бўлгани учун, билимнинг шаклини диққат билан мақсадга мувофиқ кузатиш янги билим олишга имкон беради.

Билим шаклини ўрганиш мумкин бўлиши учун унинг элементлари ва улар орасидаги боғланишлар билиш ва аниқлаш зарур. Бу билан фикр қилинаётган мазмуннинг таркибий қисмларининг боғланиш воситалари аниқлаштирилади.

Биз формаллаштириш методидан фойдаланганимизда айнан шу бор билимимизнинг аниқлашган шаклини айнан шаклини, билимнинг шаклини (предметнинг шаклини эмас) ўрганамиз. Формаллашган тиллар бизнинг билимларининг шакли нуқтаи – назаридан аниқлашган қисмини ифодалаш учун яратилади. Бу нарса уларни бир қийматли бўлмаган ҳолда талқин қилиш имнонини йўқотади. Фараз қилайлик, ўрганаётган предмет ҳақида тегишли фанга оид бўлган «табiiй» тилда баён қилинган бир мунча билимлар бор ва уларнинг баёни аниқ ва равшан. Бу ҳолда формаллаштириш методи механизмнинг асосий бўғинлари (ёки кўллаш амаллари босқилари) куйидагилар бўлади.

- символлаштириш, яъни предмет ҳақидаги бор бўлган билимларни формаллаштирилган тилга ўтказиш. Бу мақсадда

махсус символлар ва формал ифодалар (формаллар, математик тенгламалар, графиклар, диаграммалар ва ҳаказолар.) дан фойдаланилади, бу ифодалар бирламчи символлардан муайян синтаксис қоидалар бўйича яратилади, худди шу йўл билан билим шаклини ўрганиш қоидалар бўлган кўринишга келтиралади.

- олинган формал ифодалар муайян формал қоидаларга мувофиқ келадиган ўзгартиришлар амалга оширилади, масалан: тузилган математик тенгламалар ечимлари, тригонометрик ифодалар ўзгартирилади, лингвистик конструкциялар трансформация қилинади.

- интеграция (талқин қилиш) ёки қайта ўгириш, яъни олинган формал ифодалар ва уларнинг талқини табиий тилда баён этилади. Сўнгра олинган натижаларни амалда текшириш ёки уларни аввал текшириб кўрилган илмий маълумотлар (фактлар) билан таққослаш йўли билан амалда текшириб кўриш амалга оширилиши маълум.

Формаллаштириш методи билан биринчи танишишда биринчи «кўзга ташланадиган нарса» махсус символикадан фойдаланишдир. Бу нарса аслида ҳам муҳим рол ўйнайди. Символларни киритиш фикр шакллари бирор символик ифода тарзида бир қийматли ифода кўринишда бўлишини таъминлайди. Бу ифода ўрганилаётган (ёки баён қилинаётган) материалнинг компакт ва равшан, яққол кўзга ташланадиган бўлишини таъминлайди. Айнан символлаштириш ўрганилаётган материални кераклича «четлашишига», унга объектив муносабатда бўлишига имкон беради. Махсус символлар ўзининг «бегоналиги» билан шаклини ўрганишга фикрни қаратишни енгиллаштиради, унда табиий тилдаги сўзларга боғлиқ «фикрий» маъноларни ортиқча ўйлаб ўтиришдан ҳоли қилади.

Формаллаштириш методининг моҳияти унинг иккинчи бўғинида мужассамлашган – бунда символик ифодаларни ўзгартириш амаллари, формал ўзгартиришларнинг муайян назарияси қабул қилинади. Бинобарин, бундай тур назарияларнинг яратиш муҳим илмий натижалардир.

Маълумки, формаллаштириш механизми турли билиш соҳаларида ўзининг тўлалигини турлича намоён қилади. Шунга карамай, формаллаштириш методларидан тобора кенг фойдаланиш тўла равишда ўз ўрнини топган ва ҳозирги замон илмий билишнинг методологик асосларидан бири бўлиб хизмат қилади.

Формал тадқиқотлар олиб бориш жараёни муайян зарурий стандартларни қониктириши зарур.

- ўрганилаётган материални формал ифодалашнинг зиддиятсизлиги.

- корректлик. Биз формаллашган тил атамалари билан ифодаланаётган (ечаётган, хулосалаётган, исбот қилаётган) нарса далилларни нормал, ҳақиқатлик мақомида, мазмунли намоён қилишимизга мувофиқ келиши.

- адекватлик. Материалнинг мазмунини идрок қилиш ҳақиқий бўлиши, фактларга мос келиши, исботланадиган, ҳисоблаш имкони бўлган ва ҳ.к. бўлиши. Корректлик ва адекватли биргаликда формаллаштиришнинг тўлиқ бўлишини таъминлайди. (тўлалик ўрганилаётган предмет соҳасидаги мавжуд формал тасаввурларимиз тўлиқлигини билдиради).

- ажрата олишлик, яъни формал ифоданинг кўринишига қараб бу ифоданинг хулосалаш, исботлаб кўриш мумкин эканлигини аниқлаш имконияти борлиги. Формал ўзгартиришларни маълум даражадаги батафсиллик билан амалга ошириш керак. Биринчи томондан, барча амалларни ҳаддан ташқари тўлиқ баён этиш барча мантикий кийнчиликларни бартараф этса – да, шу билан бирга, ноҳуш психологик ҳодисаларга олиб келган бўларди, масалан сатр орқасидан сатр, бет кетидан бетни тўлдириб формаллашган тилда бир маънодаги фикр – мулоҳазалар такрорланаверса, зерикарли бўлади. Иккинчи томондан, мулоҳаза – фикрларни формаллашган тил атамаларида ҳаддан ташқари қисқа баён қилинса, улар орасидаги боғланиш кўзга яққол ташланмайди.

Формаллаштириш методларини ишлаб чиқишда мантик ва математика алоҳида рол ўйнайди. Ҳақиқатан ҳам, амалий ва назарий характердаги масалалар фақат уларни ечишда

катнашадиган фикрлар тўғри бўлсагина, яъни аниқ, изчил (зиддиятсиз) ва исботланувчи бўлсагина, бирор такрорланиш билан тўғри ечилади (агар улар ечиладиган бўлса). Ҳар қандай билиш методи, жумладан, формаллаштириш методи ҳам, бу талабларни қондириш лозим. Бироқ формаллаштириш методларида мантиқ алоҳида роль ўйнайди, бунда унинг роли «мазмуний, нормал илмий билиш методлардагидан анча юқори бўлади. Гап шундаки, ҳар турли сабаблар туфайли юзага келадиган фикрдаги ҳатоликларни мазмуний методларда топиб олиш осон: объект «кўз ўнгида», тадқиқотчининг назарида ёки ўз – ўзича, ёки у тўғрисидаги билим мазмунида билвосита намоён бўлади. Бироқ формаллаштириш методидан фойдаланилганда бирор сабаб билан фикрлашда ҳатога йўл қўйилса, уни топиш анча қийин ва бу ерда мантиққа таянмай бўлмайди. Бундай хусусият символиллаштириш билан боғлиқ ва шу нуқтаи – назардан ўйлаб кўрилиши керак.

Символлаштиришга, формал ифодаларни ишлаб чиқиш ва ўзгартиришларга асосланган формаллаштирилган тиллар табиий тилларга қараганда ўрганилаётган предметларнинг кўпроқ миқдорий жиҳатларини назарга олиш ва фиодалаш имконини беради. Математик символлар ва математик ўзгартиришлар деярли барча символлаштириш ва формал ўзгартиришларнинг бир тури ва таркибий қисмидир. Шунинг учун формаллаштиришда математиканинг роли бошқа билиш методларидагидан кўра муҳимроқдир.

Формаллаштиришнинг афзалликлари анча аҳамиятли. Аввало бу бирор концепция ёки назарияни баён этишда биз илгари сурган даъволарнинг энг аниқ ажратилиши ва идрок этилишидир.

Формаллаштириш туфайли маъносиз, мазмунсиз фикрлар ва «исботлар» ни минимумга келтириш мумкин, бу билан таҳлил қилиш имкониенгиллашади. Яна шуни айтиш лозимки, ҳатто формаллаштириш қисман фойдаланилганда ҳам бирор муаммо ҳақидаги қоидаларнинг у ёки бу қисмларига ўзгартиришлар киритавериш одатини бартараф қилади,

фойдаланилаётган тушунча (атама) ларнинг мазмунини «контекстдан ташқари» ўзгартиришларга имкон бермайди. Яна бошқа жиҳати ҳам катта аҳамиятга эга: формаллаштириш математик текшириш ва математик моделлаштиришга кўпроқ имкон беради, чунончи социал билим соҳасида ҳам шундай бўлади. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, формаллашган тилларни қўлламасак, кўплаб илмий муаммоларнинг ечимига ҳатто ёндошолмаган ҳам бўлар эдик, чунки, табиий тилда ҳатто уларни шакллантириб беришнинг ўзи қийин. Албатта, формаллаштириш предметнинг мазмунини маълум даражада тахминий ҳолда акс эттиради. Бироқ шунга қарамай, «ўз интилишларининг бош йўли қилиб фантазия образларини эмас, аниқ онланган тушунчаларни танлаш керак», - деб ўқтирган эди А.Шопенгауэр.¹⁸⁵

Баъзан формаллаштиришнинг чекланганлиги ҳақидаги тезис тарафдорлари К.Гегель, А.А.Марков, А.Тарский, А.Чёрч номлари билан боғлиқ ҳозирги замондаги мантик илми ютуқларини ваъж қиладилар. Аслида бундай даъволарни ҳазил тарзида айтиладиган бу гаплар тўғри, бироқ «тесқари ишорали аниқликда тўғри» деган ибора билан ифодалаш мумкин. Масалан чекланганлик тўғрисида гегель теоремасида айтиладики, формал математик назариялар ўзларининг мазмуни жиҳатидан ўз ичига арифметикани киритишни талаб этса – да, ҳамма вақт ўз таркибига исбот қилиб бўлмайдиган ҳақиқий ифодаларга эга бўладилар. Бундан формаллаштиришнинг чекланганлиги ҳақидаги тезисни тасдиқловчи фикр келиб чиқадими? Йўқ. Бундан айна бир формал системани яратиш билан иш ниҳоясига етмайди: унинг кетидан бошқа тилдан фойдаланадиган бошқа системани яратишга тўғри келади. Бу иккинчи система дастлабки системага нисбатан меганазария ролини ўйнайди. Агар биз буни ҳам формаллаштирилган кўринишига келтирсак, унда ҳам ҳақиқийлигини исбот қилиб бўлмайдиган даъволар мавжуд бўлади.

¹⁸⁵ Қараңг : Шопенгауэр А. Афоризмы житейской мудрости. // Избр. произведения. М., 1992, С-312.

Умуман олганда, ҳеч қандай метод ҳам чексиз (чекланмаган) имкониятларга эга бўлмайди, жумладан, улар етолмайдиган мазмун бўлиши ҳам табиий. Демак, гап формаллаштириш методининг чекланганлигида эмас, формал бўладими, ноформал бўладими бизнинг билимларимизнинг ва илмий билиш методларининг тугалланмаган характерда эканидадир. Албатта, билимларимизнинг формаллаштиришлар воситасида аниқлаштирилиши ноформал методлар соҳасидаги ютуқлардан кейин келди (вақт жиҳатидан). Бундан ташқари, ҳозирча формал ўзгартиришларнинг тўлиқ назарияси яратилмаган экан, бинобарин, у ёки бу ҳолда керак бўлган формаллаштириш ҳам йўқ, гарчи у бўлгани тақдирда ҳам бор материални ишлов беришга киришиш мумкин бўларди. Бироқ формаллаш методларининг фаннинг умуман барча методларидан фарқ қиладиган (мукамал эмаслиги ва ҳатоси нуқтаи – назаридан) чекланишлари йўқ эканлигини такрор таъкидлаб ўтамиз. Бунинг устига, илмий билишнинг ривожланиши ҳали тўла бўлмаган билимнинг янада тўлларок билишга алмашилишига олиб келади ва бу билимларни аниқлаштириш учун формаллаштириш методларининг ўрни тобора ортиб боради.

Ўлчаш муаммоси. Илмий тушунчаларнинг уч турини ажратиш мумкин: классификацияси ёки сифат тушунчалари, таққослаш тушунчалари ва миқдорий тушунчалар. (Баъзи миқдорий тушунчаларни «метрий» тушунчалар деб ва бу ҳолда қолган икки хилини «топологик» тушунчалар деб юритилади).

Классификацион тушунчалар предметларни муайян синфлар (класслар) га бўлади. Бирор предметлар соҳасини ўрганишда бундай тушунчаларни киритиш имконияти уни ўрганишда «биринчи ютуқ» бўлади: бу тушунчалар киритилгунча бу предметлар соҳаси ноаниқ ва тармоқланмаган ҳолда, монлит ёки аморф ҳолида эди. Тўғри классификациялашга доир принципиал талабларни сақланилган ҳолда на фақат конкрет предметлар соҳасини кўрсатиш, балки уни тавсиф қилишга доир фикрларни ҳосил қилиш имкон беради. Бундай талаблар ичида ҳосил бўлаётган классларнинг

ўлчамдошлиги талаблари ва классификациялашнинг умумий асосини (меъёри)ни аниқлаш талабини айтиш мумкин. Классификацион тушунчалар ва ҳукмлар ўзлари эга бўлган информация миқдори билан фарқ қилади. Масалан, «бу – металл стержен» ва «бу – тобланган пўлатдан ясалган стержен» деган икки ҳукм орасидаги фарқни сезиш қийин эмас. классификацион ҳукмлар шу предмет соҳасининг билишдаги ва идрок қилишдаги фақат биринчи кадамдир.

Такқословчи тушунчалар ва улардан келиб чиқадиган ҳукмлар янада информацияли бўлади. Агар «қаттик» ёки «иссик» сингари классификацион тушунчалар предметни бирор классга таалукли эканини билдирса, улар билан боғланган такқословчи тушунчалар бир предметни иккинчи предметга муносабатини билдиради, такқослайди; масалан юқоридаги мисолда «қаттиқроқ» ёки «иссиқроқ» тушунчалари шундай. Илмий билишда қаттиқликни ёки иссиқликни (температурани) ўлчаш амаллари пайдо бўлгуничаёқ «бу предмет унисидан қаттиқроқ (иссиқроқ)», деган ҳукмларга эга бўлиш умумкин эди.

Такқословчи тушунчалар классификацион тушунчалар билан миқдорий тушунчалар орасидаги оралик ҳолатни эгаллайди. Бирор предметлар соҳасини ўзлаштиришнинг бошларида фақат классификацион тушунчалар бўлади, улардан самаралироқ такқослаш тушунчаларини яратиш ва киритиш энг муҳим (назарий ва методологик) масала бўлади. Бундан ташқари, такқослаш тушунчаларини кириш миқдорий тушунчаларни ишлаб чиқиш ва киритиш учун асос бўладиган ҳолатлар ҳам кўп бўлади. Шундай қилиб, фанда фойдаланиладиган такқослаш тушунчалари тўла равишда шартли эмас: улар аниқланган фактларга қўлланилади ва киритиладиган муносабатларнинг мантиқий структурасига мос бўлишлари керак. К. Гемпелнинг фикрига кўра, такқослаш тушунчаларининг киритилиши билишда классификацион тушунчаларга инсбатан сезиларли илгарилашдир, уларнинг киритилиши қўшимча чекланишларни кўзда тутди.

Микдорий тушунчалар – сон қийматларига эга бўлган тушунчалардир. Сон қийматларни киритиш ўлчаш амалларини бажаришни, бинобарин, зарур қоидаларнинг бўлишини тақозо этади. Одатда ўлчаш деб шундай билиш жараёни тушуниладики, бунда ўлчанаётган катталиқни ўлчаш бирлиги ёки эталон бўлиб хизмат қиладиган бошқа катталиққа микдорий муносабатини аниқланади. Ўлчашга мисол келтирамиз. Температурани ўлчашда эмпирик шароитлар «ишчи жисм» сифатида (термометр мисолида ундаги симоб) фойдаланилаётган модда ҳажмига нисбатан муносабатланади. Термометр яшашда унинг шкаласи текис бўлиши керак, яъни симобнинг ихтиёрий икки ҳажми орасидаги айирма бошқа икки ҳажмлар айирмасига тенг бўлганда унга мувофиқ келган шкаладаги белгилар орасидаги айирмалар ҳам тенг бўлади. Агар термометр юз градусли шкалали бўлса, у ҳолда бажарилиши керак бўлган шартларни шундай қилиш мумкин. Симоб ингичка найча учидаги баллончага жойланади. Найчанинг ингичкалиги амалий нуқтаи – назардан муҳим аҳамиятга эга: найча қанчалик ингичка бўлса, ҳарорат ўлчанганда симоб ҳажмининг ўзгаришини кузатамиз шунча осонроқ бўлади. Шкала бир текис бўлиши найча диаметри бошдан охиригача бирдай бўлиши керак. Ўлчаш шкаласини 100 тенг қисмларга бўлиш керак, пастки белгини «0» ва юқори белгини «100» деб қайд қилинади. Бунинг учун термометрни музлаётган сувга жойлаштирилади ва «0» белгини аниқлаб оламиз, сўнгра термометрни қайнаётган сувга соламиз ва «100» белгини чизиб оламиз. Бу ишларни термометрни Цельсий бўйича юз градусли шкалада даражада бажарамиз. Агар шкала даражалаш Фаронгейт ёки Кельвин абсолют шкаласини даражалашда сувнинг музлаш ва қайнаш ҳолатига мос чекка нуқталари ўрнига фойдаланилаётган моддаларнинг бошқа ҳолатлари танланган бўларди. Бироқ амаллар бажариш процедураси методологик жиҳатдан шундайлигича қолади: бу жараён беш микдорий тушунчани киритишга оид беш қоида ва ўлчаш амалиётига асосланади. Шкалалар бир – биридан фақат калибровка қилиш усули билан фарқланади. Шунинг учун

қийматларни бир шкаладан иккинчи шкалага ўтказиш унчалик қийинчиликлар тугдирмайди.

Яна шуни ҳам қайд қилиш керакки, аслида биз аслида токи катталиқни ўлчаш қоидалари аниқланмагунга қадар бирор катталиқ деганда нимани тушунишимизни ҳам айта олмаймиз. Микдорий тушунчаларни киритишда келишувлар жуда муҳим роль ўйнайди. Келишувлар воситасида ва уларнинг афзал эканлигини амалда текширгандан кейин биз тушунчалар системамизни қайта қурамиз ва реалликка тегишли фактларга мослаймиз.

Сифатий ва микдорий тушунчалар орасидаги фарқланиш реалликнинг эмас, бизнинг тушунчалар системамизнинг характеристикаси бўлади. Айтиш мумкинки, бу ерда гап озроқ аниқликдаги тил билан кўпроқ аниқликдаги тил орасидаги (ва шунинг учун илмий мақсадлар учун қулайроқ бўлган тил орасидаги) фарқ орасида кетаяпти. Ҳаётий тил предмет сифатини кўрсатувчи хукмлар билан чегараланди. Масалан, «металл – сарик», «қор – оқ», «ўт – яшил» ва шунга ўхшаш. Фан тили эса функционал белгиларнинг микдорий жиҳатларини киритади, яъни сон қийматида эга бўлган функциялар билдирадиган микдорий тушунчаларни киритади. Фанда микдорий тушунчалар фойдаланиладиган метод Галилей томонидан киритилган: унгача бошқа олимлар ҳам бу методдан фойдаланган бўлса – да, Галилей буни метод сифатида биринчи бўлиб аниқ таърифлади. Микдорий тушунчалар фан тили луғатининг самарадорлигини ошириши равшан. Бундай тушунчалар пайдо бўлгунга қадар одамлар кўплаб сифатий тушунчалардан ёки катталиқлар воситасида ифодаланадиган сифатлардан фойдаланиб келганлар. Масалан, «температура катталиги» тушунчасини билмаганларида, бу хоссалар ҳақида «қайноқ» иссиқ, иссиқроқ», «совук, совукроқ ёки жуда совук» ҳақидаги тасаввурлардан фойдаланганлар. «Бугун 20°C иссиқ» дейиш учун одатдаги хона температурасига мувофиқ келадиган температурани билдирувчи алоҳида сифатни излаб топиш керак бўларди.

Шундай зайилда биз ўз хотирамизни қийнаган ва бир – биримиз билан мулоқотда жиддий қийинчиликларни бошдан кечирган бўлардик. Ахир бошимизда кўплаб турли сифатларни сақлаган, уларни муайян тарзда тартиблаштирган, бу тартибланишни ҳам эсда тутишимиз керак бўларди. Масалан, температура мисолида бизга бирор атама (сифатли ёки бирор даражадаги мураккаб боғланиш) тасаввурдаги шкалада бошқасига нисбатан юқорироқ ёки пастроқ жойлашганини аниқ тасаввур қилишимиз керак эди. Агар биз муайян шкала бўйича температура стандарт тушунчасини киритсак, бу тушунча жисмларнинг ҳолатини сонлар билан ифодалаган бўлади ва биздан ягона атамани эсда сақлаш талаб қилинади, катталиклар тартиби эса сонлар тартиби билан ишончли таъминланади. Равшанки, бу ҳолда тартиби кетма – кетлигини ҳам эсда сақлашдан иборат яна бир шарт бор. Бирок, бу тартиб кетма – кетлиги исталган миқдорий тушунчаларга тегишли, ҳолбуки кўплаб сифатлардан фойданиш «махсуслаштирилган» йўл эди: тартиби мавжуд эди.

Ҳар ҳолда миқдорий тушунчалардан фойдаланганимиздаги асосий афзаллик шуки, улар миқдорий қонунларни шакллантириш имконини беради. Бу қонунлар эса кузатиладиган ҳодисаларни тушунтириш нуқтаи – назаридан ҳам анча самаралироқдир. Равшанки, сифатий тил ҳатто содда қонунларни ифодалаганимизда ҳам хотирамизни улкан қийинчиликлардан озод этмаган бўларди. Бундан ташқари, миқдорий тилда ифодаланган қонун анча содда ва ёзувда ҳам қиска бўлади. Шундай қилиб, агар бирор предметлар соҳасида бизга етарлича тартибни фаҳмлаш мумкин бўлганида ва бу тартиб бир предмет бирор муносабатда иккинчисидан катта, униси учинчисидан катта деб таққослаш ва гапириш учун етарли бўлганида, ўлчаш имконияти пайдо бўлади. Биз муваффақиятли ўлчаганимизда ҳодисаларга сон катталикларини берар эканмиз, бу катталиклар «тўғрими» деб савол беришнинг маъноси йўқ. Биз бунда катталикларни қандай ёзиш қоидаларини аниқлаган бўламиз. Шундай қилиб, ўлчаб

бўлмайдиган ҳеч нима йўқ. Ўлчаш асосий илмий процедураларидан биридир.

Шу билан бирга, ўлчаш имкониятларини ўта юкори баҳолаб юбориш, уларнинг қўлланиш соҳаларини, миқдорий тушунчалар мазмуни характеристикаси муносабатида кенгайтириб юбориш ҳам керак эмас. Аввало, ўлчаш аниқлиги тўғрисида бирор аниқ амалий ёки назарий контекстда гапириш мумкин, ана шу контекстда қандайдир ўлчаш натижалари бошқаларига нисбатан аниқроқ бўлади. Масалан, биз 0,1 мм ҳатолик аниқми ёки йўқми деб айтаолмаймиз (XVII асрда бундай аниқликка эришишни ҳаёлга ҳам келтириб бўлмасди, ҳозир эса бундай аниқликка таажубланиб бўлмайди). Ёки иккита темир йўл вагонини тортиб кўрганимизда бири иккинчисидан 1 г оғирроқ эканини аниқласак, бир ўлчаш бошқасидан аниқроқ деб гапиришимиз ақлдан бўлмас эди.

Шундай қилиб, ўлчанаётган катталиқнинг ҳеч қандай аниқ, ҳақиқий қийматини билиб бўлмайди. Бу масала катталиқнинг ўлчаш бирлиги бўлган эталонни аниқлаш билангина ҳал қилинади.

2.10-§. Илмий билим тараққиётининг гипотетик – дедуктив схемаси.

Гипотетик – дедуктив методи ғоясига биз шундай келамиз. Агар бирор даъвони бевосита текшириш имконияти бўлса, унинг ҳақиқатлиги ёки нотўғри ёлғон эканлиги албатта кузатишлар ва эксперимент воситасида ҳал қилинади. Агар даъвони бевосита текшириш имконияти бўлмаса, бундай масалани ҳам қилиш учун биз ундан келиб чиқадиган бевосита текшириладиган натижаларини текшириладиган натижаларини текширишга ўтамиз. Мана шу илмий билим тараққиётининг гипотетик – дедуктив методининг асосий ғоясидир. Бу ғояга кўра, билишнинг моҳияти муайян гипотезаларни илгари суриш ва сўнгра ундан мантиқий келиб чиқадиган ва бевосита текшириш мумкин бўлган натижаларни текширишдир.

Одатда биз бевосита текшириб бўлмайдиган даъволар тарзидаги гипотезалар билан кўрамиз. Кўпинча биз алоҳида гипотеза билан эмас, бир мунча гипотезалар тўплами билан иш кўрамиз. Тадқиқот қилиш учун турли даражадаги гипотезаларни фарқ қилиш керак бўлади, улар бевосита текшириш мумкин бўлган даъволарга яқинлик даражаларига қараб жойлашган бир система тарзида кўрилади. Гипотезалар даражалари орасидаги боғланишлар мантиқий, дедуктивдир. Паст даражадаги гипотезалар юқори даражадаги гипотезаларнинг мантиқий натижаларидир, бу гипотезалар ҳақиқатлиги аниқланган юқори даражали гипотезалар ва бошқа баъзи қоидалар ва даъволарга асосланади. Қуйи даражадаги гипотезалар – барчаси бевосита текшириладиган даъволардир. Бу гипотезалар тажриба маълумотларига мос келиши ёки мос келмаслигига қараб, сақланади ёки рад этилади. Шундай тарзда гипотезаларни текшириб, қуйи даражадаги гипотезалардан юқори даражадаги гипотезаларга ўтилади.

Худди шундай ёндошувга мисол тариқасида Галилейнинг Аристотель томонидан илгари сурилган ҳаракатга доир таълимотни текширишга доир ишларини келтириш мумкин. Бу таълимотга мувофиқ жисм қанча оғир бўлса, унинг тушиш тезлиги шунча катта бўлади. Галилей мантиқий тарзда бундан оғир ва енгил икки бир – бири билан маҳкамланган жисмлардан иборат система ўзини қандай тутиши тўғрисидаги икки даъвони келтириб чиқарди. Биринчи даъвога кўра енгил жисм оғир жисм ҳаракатини секинлаштириши керак, бинобарин, ҳосил қилинган жисмлар системасининг тезлиги ягона бир оғир жисм тезлигидан кичик бўлиши керак. Бироқ, иккинчи даъвога кўра, мураккаб система уни ташкил қилган дастлабки жисм оғирлигидан катта бўлгани учун унинг тезлиги жисм тезлигидан катта бўлиши керак. Бу икки даъвонинг зидлигини бартараф этиш учун барча жисмлар бирдай тезлик билан тушади деган фаразни илгари суришга тўғри келади. Буни текшириш учун Галилей тажриба ўтказди. 60 м баландликдан айнаи бир пайтда тўп ядроси 80 кг ва мушкет ўқи 200 г ташлаб

юборилади. Галилейнинг фарази тўғри чикди: ҳар икки жисм Ерга бир пайтда тушди.

Гипотетик – дедуктив методнинг умумий жиҳатларини характерлайлик. Тажриба маълумотлари тўпламини тушунтириш учун даъводан ёки фаразлар тўпламидан иборат гипотеза илгари сурилади. Гипотезани текшириш керак бўлади (шунини қайд қиламизки, гарчи бу маълумотларга зид ҳам эмас, маълумотларга мазмунан боғлиқ эмас, унинг мазмунида маълумотларда бўлмаган нимадир бор). Гипотеза бевосита тажрибада текширилади ёки текшириб бўлинган илмий даъволар билан солиштирилиб текширилади. Агар гипотеза бевосита текшириладиган даъво бўлса, у ҳолда тегишли кузатувлар ва экспериментлар ўтказилади. Бу ҳолда гипотетик – дедуктив метод керак эмаслиги равшан. Бу метод гипотеза бевосита текширилмайдиган бўлган ҳолда фойдаланилади (албатта, гипотеза текшириладиган бўлиши талаб қилинади). Биз, юқорида айтганимиздек, бу гипотезадан бевосита текшириладиган натижалар чиқарамиз ва уларни текшираемиз.

Агар гипотезадан чиқарилган бевосита текшириладиган натижа текширишда рад этилса, бу дегани нотўғри, ёлғон дегани бўлади. Агар гипотеза икки ёки бир неча даъволарнинг бирикмаси (конъюнкцияси) бўлмаса, текшириш шу билан тамом бўлади: гипотеза рад этилди. Бироқ камдан кам ҳолда бундай бўлади. Чунки юқорида таъкидлаганимиздек, одатда гипотеза даъволар системаси бўлади. Демак, бу системадаги қайси конъюнкт ёки конъюнктлар, яъни компонент ёки компонентлар ёлғон эканлигини аниқлаш керак бўлади. Шундай қилиб, натижани йўққа чиқариш (рад этиш) гипотезадан воз кечиш учун асос бўлолмайди: бундай рад этиш келгуси тадқиқотлар ва ишловларга ундов бўлади. Аслида айтсак, гипотезани илгари суришнинг ўзи ҳам шундай шароитларда рўй берган эди: мавжуд бўлган назарий билим аниқланган далилларни тушунтиришга имкон бермаган эди. Бу масалага бир мунча мунозара тарзи бериб М.Планк шундай ёзган эди: «Ҳақиқий назариётчи учун далилларнинг умумтанолинган назарияга тўғридан – тўғри зид келадиган

холатдан қизикрок ҳол бўлмайди: аслида шу ердан унинг иши бошланади – да».¹⁸⁶ Агар гипотезадан чиқарилган бевосита текшириладиган натижа текширишдан муваффақиятли ўтса, бундай гипотеза келгуси текширишлар учун сақланади.

Тушунтириш, аввалдан айтиш (башорат қилиш). Тушунтириш ва аввалдан айтишдан иборат илмий процедуралар структураси биринчи марта К.Поппер томонидан унинг «Логика научного открытия» китобида (1935) мантиқчи – методологик схема тарзида баён қилинган. Кейинги бу схема К.Гемпель ва П.Оппенгейм томонидан мукаммаллаштирилди, шунинг учун Гемпель Оппенгейм схемаси деб ном олган. Улар тушунтириш схемасининг методологик адекватилигининг тўрт шартини ишлаб чиқдилар. Бу схеманинг чап қисми тушунтирувчи қисм, ўнг қисми эса тушунтирилувчи қисм деб аталади.

1. Тушунтирилувчи қисм тушунтирувчи қисмнинг мантиқий натижаси унингсиз керак.

2. Тушунтирувчи қисмда жуда бўлмаганда битта умумий қонун бўлмоғи шарт, унингсиз тушунувчи қисмни чиқариш мумкин эмас.

3. Тушунтирувчи қисмнинг мазмунида эмпирик (далилий) компонентлар бўлмоғи керак.

4. Тушунтирувчи қисмга кирувчи даъволар ҳақиқат бўлмоғи керак.

Кейинчалик Гемпель тўртинчи шартга тузатиш киритди. Ҳақиқатан ҳам, бу шарт фаннинг реал тарихига мос келмайди, масалан, «теплород» назарияси етарлича узоқ муддат давомида химиявий жараёнларни тушунтиришда анча муваффақиятли қўлланилди. Гемпель заифроқ қилиб бу гапларни алмаштирди.

(4) Тушунтирувчи қисмга кирувчи даъволар юқори даражада тасдиқланиши керак.

Бироқ бу шарт ҳам ҳаддан ташқари кучли шарт эди. Фанда кўпинча тушунтирувчи қисмнинг мазмуни айнан

¹⁸⁶ Планк М. Единство физической картины мира. М., 1966, 73 – б. Макс Планк (1858-1947) йирик немис назариятчи физиги, квант физикасининг асосчиси, 1918 йилда «таъсир кванти»ни кашф қилгани учун физика соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлган. Фундаментал физик константалардан бири – «Планк доимийси» унинг номи билан аталган.

тажриба маълумотлари муваффақиятли тушунтирилгандан кейингина тасдикланади. Шунинг учун уни (4") шарт билан алмаштириш мумкин. Бу шартга кўра, тушунтирувчи қисмни ташкил этувчи даъволар мантикий мослашган бўлиши керак.

(3) шартга кўра тушунтирувчи қисмда эмпирик мазмун бўлади, шунинг учун унга ихтиёрий гипотезани (унинг тасдикланиш даражасидан катъий назар) киритиш мумкин, фақат у тушунтирувчи қисм мазмуни билан мос бўлса етарли. Бундан ташқари, (1) шартни қуйидагича тўлдириш мумкин.

(1+) Тушунтирилувчи қисм тушунтирувчи қисмдан фарқланиши керак ва тушунтирувчи қисмда шундай даъволар бўлмаслиги керакки, тушунтирилувчи қисмни тушунтирилувчи қисмдан чиқаришда улардан фойдаланилмаса.

Бу баён қилинган схема кўпинча тушунтириш ва аввалдан айтиб беришнинг «айнийлик схемаси» деб характерланади. Ҳақиқатда эса тушунтириш ва аввалдан айтиб бериш схемадан умумийлик бўлгани ҳолда бу процедуралар орасида фарқ ҳам бор: схема аввалдан айтишда фойдаланилганда унда схемани бошланишлардан хулосага қараб «ўқиш» керак; схема тушунтириш учун фойдаланилганда эса у хулосадан бошланишлар томон «ўқилади».

Агар эмпирик гипотезадан бир мунча башоратлар аввалдан айтиш келиб чиқса, уларнинг ҳаммаси бир – бирига мувофиқ ва уларнинг ҳаммасини конъюнкция воситасида битта мураккаб даъвога бирлаштириш мумкин. Тушунтириш бир қийматли бўлмайди. Айтиб беришнинг турли қонунлар ва шартлардан келтириб чиқарилиши мумкин. Масалан, металл стерженнинг узатишини жисмларнинг иссиқликдан кенгайиш қонуни асосида ҳам, шу металлнинг стерженни чўзишга имкон берадиган пластик хоссалари асосида ҳам тушунтириш мумкин.

Бошқа асосий фарқи аниқликка тегишлидир. Башорат тарзида айтиладиган даъво максимал даражада аниқ бўлиши керак: фақат ана шундай бўлгандагина башорат тасдиқландими ёки йўқми аниқ айтиш мумкин. Бу нуқтаи – назардан башорат тарзида айтилган миқдорий ҳукмлар сифатий ёки таққословчи ҳукмларга қараганда катта аҳамиятлидир. Схемани

тушунилувчи қисмини билдирувчи даъволарнинг аҳамияти (қиймати) тушунтирувчи қисми аниқлигига гарчи боғлиқ бўлса – да, жуда сезиларли даражада эмас: тўғри тушунишдан шу нарса талаб қилинадикки, тушунилувчи қисм тушунтирувчи қисмнинг мантиқий натижаси бўлмоғи керак.

Гемпель – Оппенгейм схемаси илмий тушунтириш ва башорат қисмида мантиқий муҳим ўрин тутишини билдиради, мантиқ уларнинг асосини ташкил қилади: мантиқий муносабат белгиланмаса, тушунтирувчи ва тушунилувчи қисм бир – биридан ажрат қоларди ва бизга тушунтириш ҳам башорат ҳам бўлмасди.

Энди тушунтириш ва башоратнинг ижтимоий – гуманитар билишдаги хусусиятларини кўрайлик. Ижтимоий – гуманитар билишнинг принципиал ўзига хослиги унда билиш субъекти ва объектининг бир – бири билан тенг хослиги унда билиш субъект ва объектининг бир – бири билан тенг экалиги, эрк, ақл ва қобилиятга эга бўлгани ҳолда ўз ҳаётининг фаолиятининг мақсадларини аниқлашдир. Шу натижасида субъект ўрганаётган ҳодиса ва ўзида пайдо бўлаётган хис – туйғулари ҳақидаги ўз фикрларини бу ҳодисаларнинг мазмуни деб қабул қилиш мумкин. Масалан, тарих фанида шундай хатолик кўп тарқалган, уни ҳозирги замон француз тарихчиси Л.Февр «психологик анахронизм» деб атаган. Психологик анахронизм – бу ўтмишни ўзини – ўзига проекциялашга мойилликдир, ўз хис – туйғулари, фикрлари, иқтидор ва ахлоқий бидъатларига йўналтирилган ҳолда ўрганиш.¹⁸⁷ Бирок албатта билиш хатолиги эмас, чунки ўрганилаётган ҳодисалар одамларнинг онгида ва хис – туйғуларида бирор жавоб, «садо» беришига ҳисобланган; бу ҳодисалар ана шундай «жавоб» борлиги учун ҳам мавжуддирлар.

Ижтимоий ва гуманитар муаммоларни муҳокама қилишнинг бошқа бир ўзига хослиги жамият маънавий ҳаётининг нисбий мустақиллиги тезиси билан боғлиқдир. Хусусан, маънавий ҳаётнинг фавқулодда мураккаблиги, мутахассисланганлиги, структурасининг ножинслиги тўғрисида

¹⁸⁷ Февр Л. Бой за историю. М., 1991. С- 104-106

гапириш мумкин, бу нарса маънавий ҳаётда турли – туман жараёнлар ва ҳодисаларни келтириб чиқаради. Маънавий ҳаёт анъанавий шаклларининг унинг ҳозирги ҳолатига таъсирини эътибордан четда қолдириш мумкин эмас. Ниҳоят, турли маданиятларнинг ўзаро таъсирининг ўрни ҳам катта. Бу кўрсатиб ўтилган барча жиҳатларни назарга олинса, ижтимоий ва гуманитар билимда тушунтириш процедурасини қуйидаги кўринишда тавсифлаш мумкин.

- Тушунтириш процедурасида ҳам башорат қилиш (прогнозлаш) процедурасида ҳам одатда бир нечта қонунлардан фойдаланилади. Бирор жамият ҳаётидаги муайян жараёнларни тушунтирар эканмиз, биз албатта айтилган жараёнларни ҳисобга олишимиз зарур. Шунинг учун ижтимоий ёки гуманитар тушунтириш бир қатор сабабларни аниқлаш билан боғланади. «Сабабни аниқлашдаги монизм – у соғлом фикрдаги бирор хурофот туфайлими, мантиқ постулати ёки суд амалдорининг малакаси туфайлими юзага келишидан қатъий назар – тарихий тушунтириш учун фақат тўсиқдир. Тарих каузал тўлқинлар занжирини қидиради ва улар агар кўплаб бўлсалар – да (ҳаётда ўзи шундай бўлади) чўчимайди».¹⁸⁸

- Ижтимоий тушунишда «қонунлар – анъаналар» муҳим роль ўйнайди, улар бир – бирига нисбатан кўпинча қарама – қаршидир. Бу қонунлар тўпламлари кўплаб турли – туман ноаниқликларни юзага келтиради. Ҳудди шунинг учун ҳам уларни таҳлил қилишдан қандайдир бир қийматли хулосалар (тушунтиришлар ва башоратлар) кутиш қийин. Ҳолбуки, табиий ва техникавий фанлар соҳаларида буни кутиш мумкин бўларди.

- Ижтимоий тушунтиришда коллектив психологияга ҳам, индивидуал психологияга ҳам тегишли бўлган психологик маълумотларга таянмоқ муҳим аҳамиятга эга, чунки М.Блокнинг таъкидлашича, ҳатто «Ижтимоий бир жинслилик ҳам унчалик мутлоқ кучли эмас, чунки ундан баъзи индивидуумлар ёки кичик гуруҳлар четга чиқишлари

¹⁸⁸ Блок М. Апология истории, или Ремесло историка. М., 1973 г. с.104. Макс Блок йирик француз тарихчиси (1886-1941).

мумкин». ¹⁸⁹ Бундан ташқари, агар борди – ю, биз бирор одамнинг ҳаракатлари ғайриодатий эканини кўрсата олганимиз тақдирида ҳам, бу деган сўз унинг маъносизлигини кўрсатдик деганини эмас.

- Ижтимоий тушунтиришда одатда бирор ижтимоий ҳодисанинг келиб чиқиши (манбалари), пайдо бўлиш шароитлари ва генезиси билан боғлиқ генетик компонент мавжуд бўлади. Бу ерда бир ҳатар мавжуд – яъни келиб чиқиш манбаларини тушунтиришни ҳодисанинг ўзини тушунтириш деб қабул қилиш ҳатари бор. Масалан, чала билимли этимологларда шундай ҳатолар учраб туради: улар сўзнинг замонавий маъносини талқин қилар эканлар сўзнинг ўзлари билган энг қадимий маъноларидан бирини аниқлаб, «ҳамма нарсани» тушунтиридик деб ўйлайдилар, ҳолбуки масаланинг моҳияти қандай қилиб «маъно ўзгаришини» содир бўлганини аниқлашдир.

Фан методологиясида тушунтириш ва башорат процедуралари тушуниш учун мўлжалланган деб қабул қилинган. Бироқ бир томондан, тушунишнишнинг ва башоратнинг мазмуни ҳамда сифати билан ва иккинчи томондан, тушунишга эришиш орасида «қаттиқ» боғланиш йўқ. Гап шундаки, тушунтириш ва башорат фақат қонун ҳамда бошланғич шароитларга таянади, ҳолбуки тушуниш эса яна бирор концептуал асосга ва қонунлар талқинига ва фаннинг фойдаланаётган тилига ҳам муҳтож, яъни тушуниш имантик табиатга эга. Физика тўғрисида гапирар экан М.Борн шундай ўқтирган эди: «кўпинча улкан экспериментал материал асосида формал муносабатни келтириб чиқариш унинг асл маъносини фикрлаб олишдан осонроқ бўлади». ¹⁹⁰

Илмий маънода тушуниш жараёни, албатта мантик қонунларига зид бўла олмайди: «тўғри, чунки маъносиз», - деган гап тушунтирилаётган нарсага нотанқидий, бинобарин, ноилмий муносабат характеристикасидир. Бироқ тушуниш соф

¹⁸⁹ Ўша асар. 67-б.

¹⁹⁰ М.Борн. Физика в жизни моего поколения. М., 1963 г. с.50. Макс Борн (1882-1970) атоқли немис физиги, 1957 йилда унга физика соҳасида Нобел мукофоти берилган.

мантикий табиатга эга эмас. А.Пуанкаре шундай ёзган эди: «деярли барча одамлар ўта талабчандирлар; улар исботловчи силлогизмларнинг тўғрими йўқми эканлигинигина эмас, нима учун силлогизмлар бошқача тартибда эмас, айнан шу тартибда боғланган эканлигини ҳам билишни хоҳлайдилар. Улар учун бу боғланишнинг инжиқлик туфайли эмас, балки кўзланган мақсадни доимий онгланган ҳолда ақл томонидан юзага келгани тушунилмас экан, улар исботни тушунмадик деб ўйлайверадилар».¹⁹¹

Равшанки, шу муаммога қизиқиш ва тавсия қилинаётган тушунтириш (ёки башоратни) фаҳмлаш ҳошиш ҳам бўлиши керак. Тушунтириш бирор нарсани ёки шу нарсанинг бошқа бирор нарсадан келиб чиққаннини фақат билишдангина иборат эмас. Аниқланажиган мазмуннинг маъноси бирор парадигмага оид бўлган ижтимоий, маданий ва норматив – қадрият омилларига ҳам боғланган бўлади. Шундай экан, айна бир тушунтиришни (ёки башоратни) турлича тушуниш ҳоллари бўлади. Ҳатто тушунмаган ҳолда тушунтириш ҳам мумкин, шу жумладан тушунтираётган одамнинг ўзи етарлича тушунмаслиги ҳам мумкин. Ҳар бир одамнинг шахсий амалиётида бир нарсани тушунтиришга уринаётганида «ичида» ёки товуш чиқариб: «Тавба, ўзим тушундим – ку, у бўлса хануз тушунмайди», - деб юборган ҳоллар бўлади – ку.

Тушунишдаги фарқлар, бизнингча, одамларнинг ақлий фаолият турларидаги фарқларга боғлиқ бўлса керак. Бу нарса одамларнинг бирор нарсага ўзиборли бўлиш қобилиятларга, тасаввур қилиш қобилиятига, ҳукмларга ва уларни аргументлашга бўлган талабчанлигига ва ш.ў. га тегишлидир. Тушуниш кўпинча бирор турдаги фикрий экспериментни ва унинг қандай фикрлаш турига боғлиқлигини назарда тутди. Баъзи одамлар, агар яна А.Пуанкаре сўзларидан фойдаланадиган бўлсак, «агар атрофларида амалда ёки табиатда у ёки бу математик тушунчаларга асос топмасалар, улар силлогизмни тушунмайдилар. Ҳар бир сўзда хиссий

¹⁹¹ А.Пуанкаре. О науке. М., 1983. с.353. Анри Жюль Пуанкаре (1854-1912) атокли француз математиги, физиги ва фан фалсафаси олимия.

образни кўришни истайдилар; улар таърифнинг шу образни юзага келтириши зарур деб ҳисоблайдилар, исботлашнинг ҳар бир босқичида унинг эволюцияга айланишини кўришни хоҳлайдилар».¹⁹² Бошқа бировлар учун эса фикрий эксперимент ўз ичига тасаввурдаги, кўргазмали механик моделни олади деб тушунилади. Яна бошқалари учун модель комбинаторли бўлиши керак.

Илмий назарияни тушунмаслик сабаби шу вақтда унинг концептуал тугалланмаганлиги бўлиши мумкин. Бундай шароитларда тегишли тушунчаларнинг етишмаслиги метафора воситалари, эски тушунчаларни янги маънода қўллаш ёки кундалик ҳаётий тил ибораларини ишлатиш билан тўлдирилиши мумкин. Ҳақиқатда ҳатто четлаб ўтолмайди. Масалан, табиий мантикий хулосани автоматик излаш системасини тавсифлашда «ўтоқ қилиш», «ёпиштириш» блоклари дейилган гапларни учратамиз ва шунга ўхшаш. физикларда биз «тўлқин ва зарра дуализми», «резонанс зарралар» деган ибораларни учратамиз.

2.11-§. Назария ва тажриба мазмуни

Тажриба ва назария муносабатларига доир мунозарага киришдан аввал умумий назария тушунчасини аниқлаб оламиз. Назария муайян объектлар тўплами тўғрисидаги аниқ (тўғри) илмий билим шаклидир. У бир система бўлиб ўз ичига маълум предметлар соҳасидаги ҳодисаларни тушунтириш ва аввалдан айтиш (башорат қилиш) га доир ўзаро боғланган даъволар ва исботларни, шунингдек, уларни билиш методлари ҳақидаги кўрсатмаларни ўз ичига олади.¹⁹³

Илгаридан назария ва тажрибанинг ўзаро муносабатига икки хил ёндашув мавжуд: эмпирик анъанага асосланган ёндашув ва рационалик анъанасига асосланган ёндашув. Эмпирик ёндошувда изланаётган қонун фактларда бўлади, фақат уни далиллардагина пайқаш мумкин: агар биз фактларни

¹⁹² Ўша асар. 354-бет.

¹⁹³ Каранг. Попович М.В. Садовский В.Н. Теория. // Философия энциклопедия. Т., 5.М., 1970. С-205.

тўғри классификация қила олсак, демак, фактларнинг ўзида бунга қандайдир асос бор ва бу нарса конундир. Иккинчи қарашга кўра, конунни аниқлаш ақлнинг ижодий фаолияти натижасидир: инсон ёмон ёзувдан кўчирма ёзиб оломайди (эмпиризмга мувофиқ конун фактларда мавжуд деган гапига ишонсак, конунни шундай ифодалаш мумкин), бу ёзувнинг тилини тушунмаса, ёзув тўғри чиқмайди. Шундай қилиб эмпиризм бизнинг барча билимимиз тажрибадан келиб чиқади, деб тасдиқлайди. хусусан, бу сенсуализм, яъни билим хиссий тажрибадан келиб чиқади дейдиган таълимот. Эмпиризмга қарши турувчи бироқ иррационализмга эмас рационализм билимларимизни тажрибадан келиб чиқади деган тезисни тан олмайди.

Эмпиризмда тажриба билимнинг ягона манбаидир деган генетик характерни тасдиқланганини фарқ қилиш мумкин, ундан ташқари, методологик характердаги даъво, яъни билишда ақлнинг тажрибавий маълумотларини оддийгина қайд қилишдан фарқ қилувчи алоҳида ролини инкор ҳам бор.¹⁹⁴

Методологик эмпиризм Локкда яққол намоён бўлган. Локка кўра биринчидан, идрок қилиш жараёнида ақл пассив роль ўйнайди, ва фақатгина «содда ғоялар»ни, яъни сезгилар материални қабул қилади. Иккинчидан, ақлнинг ўз қобилиятларини намоён қилиши асосан «қуйидаги уч ҳолда» рўй беради.¹⁹⁵ Биринчи амал бир неча содда ғояларни бир мураккаб ғояга бирлаштиради барча мураккаб ғоялар шу тарика ҳосил бўлади. Иккинчи амал содда ва мураккаб ғоялар билан бошқарилади, бир 0 бири билан солиштириб, уларни бирга шундай кўради, лекин уларни ягона қилиб бирлаштирамайди (шундай йўл билан ақл ўзининг ҳамма муносабатлар ғоясини ҳосил қилади). Учинчи амал бир ғояни бошқа ғоялардан алоҳидалайди, махсуслаштиради. Бундай амал абстракцияниш (мавхумланиш) деб юритилади, ва унинг ёрдамида ақлда барча умумий ғоялар ҳосил бўлган. Д. Юм бу фикрларни шундай яқунлаган эди: «Бир сўз билан айтганда,

¹⁹⁴ Қаранг: Л.Б. Баженов. Структура и функция естественнонаучной теории. М., 1978. С-27.

¹⁹⁵ Ж. Локк. Опыт о человеческом разумении. // Локк Дж. Соч. Т. 1. М., 1985. С-212.

бизга фикрлашга доир барча материал ташки ва ички туйғулар томонидан берилади, уларни аралаштириш ва бирлаштиришгина ақл ва майлнинг ишидир».¹⁹⁶ Ж. С.Милль ҳам шундай мулоҳаза қилган эди: «Агар бизда ниҳоят кенг камровли хотира бўлганида эди, агар биз улкан кўп батафсилликларни маълум тартибда эслаб қолиш қобилияти бўлганида эди, у ҳолда мутлақо биз умумий гапларсиз ақлда хулосалар чиқара олар эдик, чунки бу фақат хусусийдан умумийликка қараб хулосалар қилиш учун формулалардир».¹⁹⁷

Рационализмда ҳам генетик характерга – «ақл тажрибадан (хиссий тажрибадан) мустақил тарздаги ва шу билан бирга муҳим билим манбаидир», - деган даъво; методологик характердаги – «билишда ақл тажриба маълумотларини оддийгина қайд этиш ва комбинациялашдан фарқли алоҳида роль ўйнайди», - деган даъво кўрсатиш мумкин. Мантикий жиҳатдан рационализм эмпиризмнинг методологик даъвосини улоқтириб ташлашдан келиб чиқади. Бу тушунарли: ўз – ўзидан равшан – айниқса математик билимга нисбатан олсак ва микдорий тушунчалар ва математик методларнинг турли фанларга борган сари кенгрок қилиб бораётганини назарга олсак, - фикрлаш билишда алоҳида роль ўйнайди, фикрлашнинг ўрни «тажриба маълумотларини фақатгина оддий қайд қилиш ва комбинациялаш» билан тамом бўлмайди. Бошқача айтганда, ақлда яна «нимадир» бор. агар шундай бўлса, методологик рационализм ўз ортидан генетик рационализмни эргаштиради: ақлнинг ўзи ўзидан мазмунининг бош қисмини – айнан тажриба маълумотларида йўқ бўлган қисмини ишлаб чиқиш мумкин. Бундай аргументни Декартда унинг «туғма ғоялар» мавжудлиги тўғрисида постулатида топиш мумкин. Бу Лейбница батафсил ишланган. Лейбниц эмпиризмнинг юқорида баён қилинган даъвосига киноя билан «ақлнинг ўзидан бошқа» деган фаразни қўшимча қилади. Ҳар ҳолда генетик эмпиризм методологик эмпиризмдан ажралмас,

¹⁹⁶ Д. Юм. Исследование о человеческом познании. // Юм. Д. соч. Т.2 М., 1965.С- 191.

¹⁹⁷ Милль Дж.С. Система логики силлогической и индуктивной. Изложение принципов доказательства в связи с методами научного исследования. М., 1914.С- 191.

методологик рационализм эса генетик рационализмдан ажралмасдир.

Якин ўтмишдаги рус фалсафасида Л.Б.Баженов томонидан эмпиризм ва рационализм орасидаги қарама – қарши туришни куйидагича ҳал қилиш таклиф қилинган эди. Эмпиризмда «бизнинг барча билимларимиз тажрибасиз мумкин эмас»; керак: «бизнинг ҳеч қандай билимимиз тажрибасиз мумкин эмас»; хусусан, априор гипотезалар фақат «синаб кўриш ва ҳатолар» методидан фойдаланилсагина билмига айланади (агар умуман шундай бўлса). Рационализмда эса унинг: «билишда ақл алоҳида рол ўйнайди, бу роль тажриба маълумотларини оддийгина қайд этиш ва комбинациялашдангина иборат эмас, - деган методологик даъвосини бу ерда ҳам ақлнинг синаб куриш ва ҳатолар методи» даги танқидий аҳамиятиҳақидаги аниқлаштирувчи кўшимча билан қабул қилиш керак.

Илмий назарияни шакллантиришда унда фойдаланиладиган атамаларнинг зарурича аниқлаб (таърифлаб) олишни талаб қилинади. Аниқлаш процедулари икки асосий вазифани бажаради: 1) мавжуд назарияга янги атамаларни киритиш; 2) бирор атамани уни бошқа атамалар воситасида тавсифлаш орқали маъносини намоён қилиш. Шунга мос равишда икки комплекс масала юзага келади: атамалар киритишга оид масалалар ва атамаларнинг бошқа атамалар орқали аниқланишига оид масалалар. Шундай ҳам бўлиши мумкинки, назариянинг бирор атамаси «ортиқча»лик қилади. Бунда бу атамага тегишли тушунчани қолган тушунчалар орқали ифодалаш мумкин. Бошқача сўз билан айтганда, назарияни бошқа атамалар орқали аниқланмайдиган атамалар сонини камайтириш йўли билан соддалаштириш мумкин.

Эмпирик ва назарий тушунча ва атамаларни солиштиришда баъзи қийинчиликлар мавжуд. Ҳақиқатан ҳам, биринчи томондан, бўлиниш дихотомик бўлади, яъни одатда бу класс тушунчалар ўзаро кесишмайди ва унинг биргаликда бутун тушунчалар ва атамалар кўплигини қамраб олади, деб ҳисобланади. Иккинчи томондан, уларнинг назарий предикати

белгиси сифатида «кузатиш тилида аниқланмайдиганлик» хоссаси, илгари сурилади кузатиш предикати сифатида эса – хукмлик хоссаси, бунда энди «кузатиш асосида руҳсат этилганлик предикати фойдаланилган бўлади».

Тушунчанинг аниқлана олиш (ёки ноаниқланиш) мазмуни куйидаги процедуралардан бирини ўз ичига олишини билдиради: 1) янги атама киритиш учун восита бўлган процедура; 2) тушунча маъносини бошқа тушунчалар орқали аниқлаш процедура; 3) бир тилдан иккинчи тилга ўгириш процедураси. Худди шундай, руҳсат этилганлик тушунчаси ҳам бирор процедурани назарда тутади. Хукмнинг руҳсат этилганлиги шуни билдирадики, агар унинг ҳақиқатлиги масаласига тажриба ўтказиш (кузатув ёки эксперимент) воситасида кузатиш асосида тасдиқ ёки инкор даражасида жавоб бериш мумкин бўлса, у руҳсат этилган; агар бундай қилиш мумкин бўлмаса, бу хукм руҳсат этилмайдиган деб номланади.

Одатда кузатишлар тилида предикат аниқланувчанлиги ўз ортидан кузатишлар асосида руҳсат этилганликни эргаштиради деб фараз этилади. Бироқ бу нотўғри: кузатишлар тилида аниқланадиган предикатлар танланган кузатув методлари воситасида руҳсат этиладиган бўлиши шарт эмас.

Яна шундайки, аниқланувчанлик руҳсат этилишни назарда тутмаган ҳолларда назарияга мос атамани киритиш (албатта, корректлиликни сақлашга амал қилинганда) назарияни бойитиб юборади.

Шундай қилиб, бирор назариянинг дастлабки (асос) атамаларидан ташкил топган «атомар гаплар»нинг кузатувларга асосланган руҳсат этилганлиги мантиқдан ташқари омиллар билан белгиланади ва тадқиқотчи ихтиёрида тажриба олиб бориш учун қандай воситалар борилигига боғлиқ бўлади. Бундан ташқари, ушбу назариянинг айнан қайси мақсад учун қўлланилаётганини ҳам ҳисобга олиш керак бўлади. Бошқача айтганда, агар бирор назария берилган бўлса, унинг дастлабки (асос) атамаларининг қайси бири эмпирик ва қайсилари назарий эканлигига бўлиш доимий бирдай ва ўзгармас

бўлмайди, аксинча, бу назария қўлланиладиган ҳар бир конкрет ҳолда бундай бўлинишни қайтадан бажарилиши лозим бўлади. Бу гап назариянинг яратилишига асос бўлган дастлабки (асос) атамалар учун тегишли эканини қайд қилиб ўтамиз. Шундай қилиб, ҳар қандай назария тироида атамаларни биринчи табиий бўлинишни тажриба методларини мукаммаллаштирадиган (мантикдан ташқари) омиллар, фойдаланилаётган асбоблар, баъзи ҳолларда эса ҳатто тадқиқотчининг тажрибалилиги ва сезги органларининг ривожланганлик даражасига – кўзининг ўткирлиги, рангли тўғри қабул қила олиши, маълум сондаги хидларни ва товушларни ва ҳ.к. ажрата олиш қобилияти сингари омиллар билан ҳам аниқланар экан.

«Назария луғатининг барча қолган атамалари» синфига қабул қилинган кузатиш тили атамалари воситасида аниқланадиган атамалар киритишини кўриш қийин эмас. Бу атамаларни эмпирик дейиш керакли ёки назарий дейиш керакми? – деган табиий савол туғилади. Одатда шундай жавоб кенг тарқалган. Кузатиш тилида аниқланадиган барча атамаларни «кенг маънода» эмпирик атамалар деб аташ мумкин. Бироқ янада батафсил ўтказилган таҳлил масаланинг бундай ечилиши унчалик коррект (тўғри) эмаслигини кўрсатади.¹⁹⁸

Мисол кўрайлик. Астрономик назариянинг галактикаларга тегишли қисм галактикаларни ташқи кўринишларига қараб классификациялашни ўз ичига олади: Э.Хабби томонидан таклиф қилинган бу булиниш уларни эмпирик, линзасимон кўринишидаги, спиралсимон ва нотўғри кўринишдагиларга ажратади. «Галактика» яъни юлдузларнинг энг катта бирлик агрегати тушунчаси астрономик асбобларнинг (телескоп) тараққиёти муайян даражасига боғлиқ равишда эмпирик тушунча. Бироқ линзасимон галактиканинг бундай деб аниқланишига асбоб телескоп қуролланган нинг асбоб ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмас, бу ерда телескоп билан қуролланган астроном кўзининг ажрата олиш қобилияти ва

¹⁹⁸ Қараңг.: Карпович В.Н. Термины в структуре теорий. (Логический анализ) Новосибирск. 1975. С- 56-62.

унинг ўзининг маълум шаклдаги галактикани линзасимон деб аташни эркин ҳал қилган мужассамлашган. Демак, атама «назария луғатининг барча қолган атамалари» синфига киради. Ва ушбу атама ишлатиладиган хукм руҳсат этилган (ажратилган) бўлади, чунки галактика ва «линзасимон шаклга эга бўлиш» атамалари ишлатилган хукмлари руҳсат этилган синфига киради.

Шундай қилиб, бу мисол шуни кўрсатадики, биринчи босқичда бизнинг «Назария луғатининг барча қолган атамалари» деб атаган синфимиз ўзи бўлиниши керак экан. Ҳар қандай назария луғати умумий ҳолда тўрт (ўзаро кесишмайдиган) атамалар синфига бўлинади.

1. Қўлланилган эмпирик методлар туфайли руҳсат бериладиган атомлар хукмли предметлар, чунки ишлатиладиган асбоб – ускуналар маълум тушунчалар запаси билан, асбобларнинг тузилиши ва вазифасини тавсиф қилувчи муайян тил билан чамбарчас боғлиқ.

2. Кузатишлар тилида аниқланадиган тадқиқот мақсадлари ва методларига боғлиқ ҳолда қабул қилинган ва атомлар гапларга улар кузатиш методлари билан руҳсат этилади олиб келувчи предикатлар.

3. Кузатиш тилида аниқланадиган, бироқ қабул қилинган кузатиш методлари воситасида руҳсат этилмадиган атомлар гапларга олиб келувчи предикатлар.

4. Қабул қилинган кузатиш тилида ёки бошқа сўзлар билан умуман аниқлаш мумкин бўлмаган предикатлар, кузатиш тилига боғлиқ бўлмайдиган предикатлар.

Албатта, конкрет назарияда бу синфлардан ихтиёрий бири бўш бўлиши мумкин.

Назария мазмуни ва тажриба муносабати муаммосининг яна бир муҳим томони назарий атамаларни чиқариб ташлаш имконияти масаласидир. Фан фалсафасининг бу масалага тегишли асосий эришган натижаларига тўхталайлик. «Назариётчи дилеммаси». Бундай ном билан аталган мулоҳаза 1950

йилларда К.Гемпель томонидан илгари сурилган ва куйидаги аргументни кўтаради.¹⁹⁹

(1) Илмий назариянинг назарий атамалари ва умумий принциплари ўз вазифасига ё хизмат қилади, ёки хизмат қилмайди.

(2) Агар улар ўз вазифасига хизмат қилаётган бўлса, у ҳолда улар кузатилаётган ҳодисалар орасидаги алоқаларни аниқлайди.

(3) Агар ўз вазифаларига хизмат қилаётган бўлса, у ҳолда улар керак эмас, ёки зарур эмас.

(4) Агар назарий атамалар ва умумий принциплар кузатиладиган ҳодисалар боғланишларини аниқласа, у ҳолда уларни ишламаслик қоидалари бундай боғланишни аниқлайдиган ҳар қандай қонунлар занжири ва мувофиқлик қоидалари Гемпель уларни «интерпретатив гаплар» деб атайди кузатиладиган «антецедент»ларни кузатилаётган «консеквент»лар билан бевосита боғлайдиган бирор қонун воситаси билан алмаштириш мумкинлиги бор.

(5) Агар бундай боғланишларни назарий атамалар ва илмий назариянинг умумий принциплари билан аниқлаш мумкин бўлса, бу ҳолда бу назарий атамалар ва умумий принциплар зарур эмас.

(6) Бинобарин, назарий атамалар ва илмий назариянинг умумий принциплари зарур эмас.

Бинобарин, ҳар қандай назариянинг назарий атамалари назариянинг умумий принциплари ҳам, чунки улар ҳам атамалар ёрдамида белгиланади – ку зарурий эмас гўёки!: агар улар ҳатто кузатилаётган ҳодисалар орасидаги муайян боғланишларни белгилаб берса ҳам, уларни худди шу ҳодисаларни боғловчи соф эмпирик боғланишлар билан алмаштириш воситасида уларни четлаштириш (бартараф этиш) мумкин.

Бу келтирилган аргумент билан «тўсатдан» келишишимиз қийин. Чунки «назариянинг вазифаси», «зарурий эмас» ва

¹⁹⁹ Қараи: Гемпель К.Г. Дилемма теоретика. // Гемпель К.Г. Логика объяснения. М., 1998. С. 126.

«кузатилаётган ҳодисалар орасидаги боғланиш» деганда нима кўзда тутилаётганини аниқлаш керакку! 4 ва 5 қоидаларни ҳақиқий деб тан олиш учун айнан шундай аниқлашлар талаб қилинади.

1920 йилларда Англиялик мантиқчи Ф.Рамсей шундай факт устида ўйлаб қолди: назарий атамалар (назария тавсиф қиладиган объектлар, хоссалар, кучлар ва воқеалар учун) нима учундир «кузатишлар тили»да билишнинг эмпирик босқичида фойдаланиладиган атамалар фикрланганлиги даражада фикрланмайди. У ҳолда назарий атамалар қандай қилиб ўз аҳамияти ва маъносини топади? Албатта, айтиш мумкинки, «назариянинг контекстидан» ўз аҳамияти ва маъносини топади. Масалан, «электрон» атамаси элементар зарралар физикаси постулатлари ёрдамида маъно касб этади; масалан, В. Паулининг «тақиқлаш принципи»²⁰⁰ да атомда барча тўртта квант сонлари: спини, тезлиги, фазовий ва квант координаталари бирдай бўлган икки электронлар бўлмайди, деб гапирилади. «Ген» атамаси генетик назариянинг (контекстидан) худди шундай фирланади.

Бироқ, назарий атаманинг тажрибавий, эмпирик аҳамияти қандай маълум назария бизга ҳақиқий дунё ҳақида нима дейди тажрибада берилган. Назария реалликнинг структурасини тавсифлайдими, ёки бўлмаса, худди счетлар системаси фирнинг молиявий фаолияти ҳисоботларини тартибда сақлагани сингари, назария ҳам кўплаб сонда ўтказилган тажрибаларни шунчаки тартиблайдиган воситами? (Рамсейнинг таниқли иқтисодчи бўлганнини эслатиб ўтайлик).

Электрон ҳам худди темир исрежен мавжудлиги ҳақида гапирганимиздек «мавжуд» деб гапира оламизми? Аслида шундай стерженни хоссаларини ўлчайдиган процедуралар борми? Унинг оғирлиги, узунлиги ва ҳажмини осон ва юқори аниқликда билиш мумкин. Агар биз кучли қиздирилган темир стерженнинг рангини билмоқчи бўлсак, унинг сиртидан нурланаётган ёруғликнинг тўлқин узунлигини юқорида

²⁰⁰ Вольфганг Паули (1900-1958) – атоқли немис физик назариётчиси. 1945 йилда у физика соҳасидаги 1925 йилда кашф қилган ихтироси учун Нобель мукофотига сазовор бўлган.

аникликда ўлчашимиз ва бу ерда «қизил» деган атама ўрнили эканига осон ишонишимиз мумкин.

Элементар зарранинг «спини» назарий атамасига эътибор берайлик. Зарранинг бу характеристикаси ҳақида билвосита ва анча мураккаб процедура асосида мулоҳаза юритишимиз мумкин: лаборатория, кузатувлари натижалари мослик — мувофиқлик қоидаларига асосан назариянинг мазмуни билан боғланади, унинг контекстига «спин» атамасини киритамиз, яъни «спин» эмпирик ва бевосита, усул билан, чўғланган темир стержен қизил рангда бўлган ҳолдаги каби, асосланмайди.

Шундай қилиб, Рамеей натижалари дедуктив системалаштиришда назарий атамалардан фойдаланишнинг асосли эканлигини исботлайди. Назария — назарий атамалар туфайли — бошқа бундай шароитларда анча «хушбичим», унинг исботланишлар эса янада соддароқ ва яққолроқ бўлади. Бунинг устига назарий атамаларни киритиш ниҳояли — аксиомалаштирилган назарияни шакллантиришга имкон беради, бу назария дастлабки асос назариянинг консерватив кенгйтирилиши, яъни дедуктив системалаштириш сақланган кенгайтиришни амалга оширишга имкон беради.

У ёки бу назариянинг турли формулировкалари таърифлари турли умумлаштиришлар қилишга имкон беради ва шу маънода муайян эвристик аҳамият касб этади.

Назарий атамаларни фан тилидан жиддий оқибатларсиз чиқариб ташлаш мумкин эмас, улар бўлмаса, назариянинг тушунтириш ва аввалдан башорат қилиш кучлари заифлашади». Мантиқий таҳлил асосида назарий атамаларни бартараф қилишнинг мумкин бўлган методларини диққат билан қараб чиқиш шуни кўрсатадики, назарий атамаларни қўллаш назарияни янада аниқ, унинг исботланишларини эса янада тушунарли, содда ва аён қилади. Назарий атамаларни бартараф этиш методларининг бўлиши фақатгина «негатив» аҳамиятга эга деб бўлмайди.

Назарияни текшириш, тасдиқлаш ва назарияни танлаш критерийлари. Биз назария ва тажрибанинг ўзаро таъсирининг мазмуний белгиларига қараб чиқдик. Биринчи

томондан назариянинг эмпирик талқини (интерпретацияси), яъни унинг тажриба маълумотлари билан муносабати тўғрисида гапирдик. Шу билан бирга назарияни тажрибада текшириш унинг тушунча ва атамалари эга бўлган барча бой имкониятларни қамраб олмайди. Иккинчи томондан биз назариянинг тажриба маълумотларини тартибга солиш ва маъносига етишдаги аҳамиятига эътибор қилдик. Бироқ назария ва тажрибанинг ўзаро муносабатининг бошқа муҳим жиҳати – «тасдиқлаш аспекти ҳам бор. Г.Рейхенбай «фан маънавий фаолиятнинг махсус шакли сифатида айнан назарияни текшириш мақсадида назария ва тажрибани (кенгроқ қилиб айтсак, «назария ва амалиётни») солиштириш зарурати онглаб етилгандан сўнггина бошланди», - деган гапни айтган эди.

«Соф фан» яъни илмий назария ва эксперимен ҳеч қандай амалий аҳамиятга эга, деган аввалдан қолган бидъат бор. Биринчидан, инсонда биологик ва ижтимоий эҳтиёжлар билан биргаликда турли – туман билишга бўлган эҳтиёжлар ҳам мавжудлигини ҳеч ким рад этолмайди. Инсон маданияти тарихининг муайян босқичида илмий билиш унинг асосий ҳаётий эҳтиёжларидан бирига айланди.

Иккинчидан, билиш маъносида «соф» эксперимент сўзларидан воз кечиш жиддий мураккабликларга олиб келади. Инсон тафаккури тарихи шундан далолат берадики, унинг баъзан амалиётдан батамом узук бўлган билишга оид қизиқувчанлиги вақти келиб прогрессив тараққиётда ҳал қилувчи роль ўйнади. Ўтган давр математикларининг ғирт назарий изланишлари ҳозирги замон табиатшунослигининг ва унга асосланган «амалий» техниканинг бош инструменти бўлиб хизмат қилди. Худди шу гапни мантиқ тўғрисида ҳам тўла ҳақли равишда айтиш мумкин. Мантиқ икки ярим минг йил илгари Европа фақат «интеллектуаллар»нинггина бойлиги ва нафис машки эди, ундан фақат риторикада ва юристларгина ўз фаолиятларида фойдаланар эдилар. XX асрга келиб мантиқ математика ва табиатшунослик бир қаторда кибернетикага асос бўлди. Кибернетикадан информатика ўсиб чикди, янги

информация техникаси ва технология шунчалик «амалиёт» фани бўлиб қолдики, бутун ҳаётимизни ўзгартириб юбораётгани аниқ кўришиб турипти. «Микро дунёни» ўрганиш соҳасида олиб борилаётган тадқиқотлар тўғрисида ҳам шунини айтиш мумкин, қачондир «соф назарий» бўлган бу соҳа сўнгра атом энергиясини буйсундиришга олиб келди.

Илмий амалиёт шундан далолат берадики, илмий назария ва экспериментнинг биринчи қарашда жамиятнинг кундалик тараққиётидан узилиб қолгандай кўринишига қарама – қарши ўлароқ, уларнинг амалий аҳамиятини сезмаслик мумкин эмас. Л.Больцманнинг «яхши назариядан амалийроқ ҳеч нарса йўқ» деган фикрига қўшилмаслик қийин. Гап шундаки, назария ҳам, эксперимент ҳам амалиётга насбатан мустақил чиқишга эга. Одатда назариянинг амалиёт билан боғлиқлиги эксперимент орқали амалга ошар эди.

Фан тарихи илмий назариянинг тараққиёти унинг эксперимент билан муносабати орқали ва бир назариянинг бошқа назариялар билан алоқаси муҳитида рўй беришини кўрсатади. Бир назариянинг бошқа назария билан муносабатлари эски ва янги назариялар, шунингдек, бир – бири билан билиш жараёнида рақобатлашаётган муносабатда бўлган назариялар орасида ҳам бўлади. Назария изоляцияланган ҳолда, ўз атрофидан ажралган ҳолда мавжуд бўла олмайди, у бошқа назарияларни эски ёки рақобатлашувчи ҳам ўз ичига олган «интерназарий контекст»да ўралган бўлади. Бундан ташқари, назариялар орасида шундай муносабатлар ҳам бўладики, бунда камроқ даражадаги умумлаштиришларга эга бўлган назарий бошқа умумлаштирилиши юқорироқ бўлган назария билан муносабатга киришади. Охир ниҳоятда шундайки, ҳозирги замон фан методологияси назарияни иажриба маълумотлари қийматлари билан солиштириш йўли билан текшириш назариянинг амалий аҳамиятини аниқлашнинг ягона воситаси эмас. Назарий билимни апробация қилишнинг бошқа йўллари ҳам бор, уларда ҳам тажрибага тегишли бўлмаган восита ва шакллари ишлатилади. М.Бунгенинг «Нозмпирик текширишлар устуворлиги» концепцияси хусусан шундай. У

шундай ёзади: «Бу бизга ёқадими йўқми, ҳар қандай органик илмий ғоялар бир бутун системаси тўрт босқичдаги текширишлар асосида баҳоланади: метаназарий. Интерназарий. Фалсафий ва эмпирик текширишлар. Биринчи учта босқич ноэмпирик текширишни ташкил қилади, ҳамма тўртталаси биргаликда назариянинг ҳаётийлиги ёки ҳақиқатлиги ҳақида бирор нарса дейиш мумкин».²⁰¹

Назарияни метаназарий текшириш унинг зиддиятсизлигини, далиллар қийматига эгами йўқми эканлигини аниқлайди. Бошқача айтганда, агар кўшимча ишчи тушунчалар ва гипотезаларни жалб қилинса, кузатилмайдиган омилларни кузатиладиган омиллар билан боғловчи бундай назарияни тажрибада текшириш имкони борми ёки йўқми аниқланади. Масалан, касалнинг сабаби ва симптомларини аниқлаш.

Интерназарий текшириш янги назариянинг бошқа назариялар, аввал қабул қилинган назариялар, жумладан, янги назариянинг ўзи мантиқий кўзда назариялар билан мос келишини аниқлашга қаратилган. Бундай мос келиш муайян характерли параметрларнинг (жуда) катта ва (жуда) кичик қийматларида эришилади.

Фалсафий текширишда назарий тушунчалар ва фаразларни умумфалсафий ёки назарий-билиш сифатларини (конкрет фалсафий концепция нуқтаи назаридан) тадқиқот қилинади. Масалан, позитивистик фалсафа нуқтаи-назаридан феноменологик назариялар (термодинамика, ўқитишнинг ҳулк – атвор назарияси типидеги)га устунлик берилади, ўрганилаётган объектларнинг келиб чиқиши (генезиси) ёки тузилишини тушунтирувчи назарияларни эса назарга олмайди.

Назарияни текширишда тилга олинган процедуралар ичида уни зиддиятсизлигини текшириш асосий аҳамият касб этади. Маълумки, назария қарама – қарши даъволарни илгари сурса, унинг ёрдамида ҳамма нарсани нима бўлсаям тушунтириш ва башорат қилиш мумкин бўлади. 1981 йилда

²⁰¹ Каранг: Бунге М. Философия физики. М., 1975. 299 б. Марио Бунге (1927 й.) – аргентиналик физик ва файласуф, ўзининг фан фалсафасига оид асарлари билан машхур.

Таллинда ўтказилган «Коинотда ақлли ҳаётни излаш» мавзуидаги Халқаро конференцияда унинг ташкилотчилари ва раҳбарларидан бири бўлган академик Г.И.Наан биринчи мажлисни очар экан, қатнашчилардан қуйидагиларни илтимос қилган эди. Ҳар кимё факультети ўзининг оригинал ғояларини «ақлли пўпанаклар» ёки «фикрловчи булутлар» сингари баён қилишдан аввал бу ғояларини зиддиятсизлик нуқтаи – назаридан метаназарий ва интерназарий текширишдан ўтказиб олсин.

Илмий назарияларни бир – бири билан таққослаганда тушунтириш ва башорат қилишда зиддиятсиз бўлган назария катта муваффақиятларга эришиш имкони кўп бўлади. Фалсафий текширишга келганда, бу ерда амалда илмий назариялар тузиладиган ва текшириладиган контекстаги билиш муҳитини муҳокама қилиш ҳақида гап боради. Назарияни фалсафий текшириш уни эмпирик текширишдан кўра иккиламчи. Фан методологиясида одатда назарияларни биридан иккинчисини афзал эканини кўрсатадиган критерийлардан фойдаланилади.

Назарияни танлаш критерийси – бу бирор фалсафий – методологик характердаги талаблардир. Илмий гипотеза ёки назария ўзини принципиал текшириш имконияти бўлиши керак эканлигига эътиборни қаратиб ўтган эдик. Биламизки, айти бир тажриба маълумотлари мажмуини тушунтириш учун турли назариялари мажмуини тушунтириш учун турли назарияларни тавсия қилиш мумкин. Қайси назарияни тажрибада текшириш ва ундан зарур натижаларни чиқариш имконини берса, ўшани афзал кўрган яхши. Албатта, бундай текширишнинг принципиал имкони мавжудлиги тўғрисида гап кетаяпти, чунки турли сабаблар (масалан, керакли асбобларнинг йўқлиги, эксперимент методикасининг йўқлиги ва ш.ў) туфайли текшириш процедураси кейинга қолдирилиши мумкин. Бундан ташқари, назариядан тажриба қийматларига эга бўлган натижаларнинг келиб чиқмаслиги назария рад қилиб, йўққа чиқариши шарт дегани эмас. Эҳтимол бундай натижалар учун янада аниқроқ ҳисоблашар, алоҳида текшириш шароитлари

керакдир. Методологик нуқтаи – назардан шу нарсага эътибор бериш мақсадга мувофиқки, ҳар қандай илмий назария текшириш процедураларида тасдиқланиши ҳам, рад этилиши ҳам мумкин.

Назария танлашнинг иккинчи критерийси назариянинг максимал умумийликда бўлиш заруратидир. Методологик нуқтаи – назардан илмий назариянинг тушунчалари, принциплари, қонунлари, мулоҳазалари бошқа назария мазмунидан қанчалик умумийроқ бўлса, ўша назарияга афзаллик бериш керак. Назариянинг умумлаштирувчи ресурслари бу назариянинг ўзи тушунтириш ва башорат қилиш компетентлиги қамраб оладиган предметлар соҳасидаги ҳодисаларнинг турли – туманлиги ва масшабига боғлиқ бўлади.

Албатта, илмий назариянинг максимал умумлашганлиги критерийси унинг ижтимоий ва гуманитар фанларнинг конкрет контекстидаги функционал фаолияти хусусиятларини йўққа чиқармайди. Масалан, тарихий билиш методологиясида шунақа вазият бўлади, унинг конкрет индивидуал а такрорланмас воқеа, ёки инсон ҳаракатини тушунтириши керак бўлганда бу яққол намоён бўлади. Принципиал текшириш имконияти критерийси ва назариянинг максимал умумлашиши критерийси илмий мулоҳазаларни ноилмий мулоҳазалардан ажратиб олишга имкон беради. Масалан, бизга «учувчи ликоблар» ёки «билилмаган учувчи объектлар» (НЛЮ) тўғрисида савол берилган бўлсин. Айтайлик, биз «учувчи ликоблар», яъни ўзга сайёралардан келадиган космик кемалар йўқ, деб жавоб бердик, дейлик. Сўраганлардан бири хуноб бўлиб: «Нима «учувчи ликобча»ларнинг мавжуд эмаслиги исботланганми?, - деб сўрайди. «Йўқ, биз бунини исботлай олмаймиз. Фақат бунинг эҳтимоли кам», - деймиз биз. «Бироқ бундай мулоҳаза қилиш илмий эмас. Агар Сиз унинг мумкин эмаслигини исбот қилаолмасангиз, унинг эҳтимоли камлиги тўғрисида қандай гапира оласи», - дейди тингловчи. Юқорида биз тилга олган «ақлли пўпанаклар» ёки «фикрловчи булутлар» ҳақидаги гипотезалар ҳам шу ҳолатдаги масалалардир. Аслида бизнинг

фикрлаш усулимиз айнан илмий усулдир. Фанда айнан ҳар гал нима мумкину, ниманинг имакони йўқлигини эмас, ниманинг бўлиш эҳтимоллиги каму, ниманинг эҳтимоллиги кўплиги тўғрисида фикр юритилади. «Учувчи ликоблар» ҳақидаги хабарлар бизнинг сайёрамизда яшаётган иррационалнинг маълум даражада ўзига хослигини билдиради, улар текшириш ва илмий умумлаштириш талабларини назарга олмайди.

Назарияни танлашнинг яна бир критерийси унинг авалдан айтиш кучи (башорат қилиш кучи)дир. Бу критерийнинг талаби шуки, назария янги фактларни аввалдан кўра билсин. Олимлар назариялар ичида бошқаларига нисбатан прогностик кучи катта бўлган назарияни танлайди. Бундай кучга эга бўлган назария инновацияларга интилади, изланаётган билимни аввалдан кўра билади. Назариянинг бу қобилияти илмий билим таракқиётидаги унинг ўрни билан боғлиқ. Илмий тадқиқотда тажриба шунчаки, тасодифан, аввалдан мақсад қўйилмаган ҳолда ўтказилмайди. Тажриба бирор конкрет аввалдан айтилган даъвони текшириш учун қўйилади, ёки излаш характериға эга бўлади. Бу ҳолда гарчи тажрибани батафсил баён қилиш бевосита назариядан келиб чиқмайди, бироқ шунга қарамасдан, уни умумий йўналганлиги» барибир прогноз ёки маълум гипотезани кўзда тутди. Шундай қилиб, прогноз қила оладиган назария унумли бўлади, у «ишлайди». Биз доим ҳам аввал назарий масалаларни қўйиб, сўнгра тажрибада текшириш олиб бормаймиз, бунда эксперимент бўйсунвчи роль ўйнаган бўлиб қолади. Аслида бундай эмас. масалан, тю – мезон деб аталадиган элементар зарра ҳеч қандай назарий фараз айтилмасдан, унинг мавжудлигини ҳеч ким ўйламаган ҳолда, гирт экспериментал йўл билан топилган. Бунинг устига, Р.Фейман айтадики, «энди бундай зарранинг мавжудлиги тўғрисида қандай қилиб фахмлаш мумкин бўлганини ҳеч ким билмайди».²⁰²

Назариянинг яна бир қиммати унинг шунчаки тажриба маълумотларини қайд қилиши эмас, гарчи бундай нарса унинг далиллар билан «тўла мувофиқ» келишини таъминласа – да,

²⁰² Фрейшман Р. Характер физических законов. М., 1968. С-172

назария содда бўлиш қобилиятлига эга бўлиши керак. Бирок, назариянинг «принципиал соддалиги» назария тилининг ёки тушунчасининг соддалиги билан бевосита ва қаттиқ ҳолда боғланган эмас. шундай дейиш мумкин: назариянинг принципиал соддалиги унинг чекланган сондаги фаразлар орқали иложи борича кўп ҳодиса ва воқеаларни тушунтира олиш имкониятидадир. Аксинча, назариянинг мураккаблиги унда бир – бири билан унинг асосий қоидалари билан боғланмаган кўплаб сунъий ва етарлича ихтиёрий фаразларнинг кўплигида ва шу сабабли назарияни бутунича шаклини катта қилиб юборишидир. Назарияни принципиал содда бўлиши ҳақидаги бизнинг талабимизнинг объектив асоси, биринчидан, бизнинг назария ўзида бирор объектив ҳақиқий мазмунни акс эттираётганлиги ҳақидаги тасаввурларимиздир. Принципиал соддалик талаби айрим олинган алоҳида назарияга эмас. бир – бири билан рақобатлашаётган назариялар тўпламига нисбатан қўйилади. Назариянинг принципиал соддалиги жиҳатидан такқосланаётган нуқтаи – назарлар тажриба маълумотларига эквивалент бўлиши керак. Агар бу критерийни назарга олмасак, ҳар қандай назария ҳам етарлича содда бўлиб туюлиши мумкин.

Тарихий – илмий тараққиётга доир тадқиқотлар шуни кўрсатадики, илмий назарияни тахлилий баҳолаш асосан шу назария ривожланаётган контекстни ташкил қилувчи парадигма билан белгиланади. Парадигма тушунчаси Т.Кун томонидан таклиф қилинган ва ўзида тўрт компонентни акс эттиради.

- Иложи борича математик шаклда миқдорий тушунчалар ва тушунчалар ва ҳукмларни жалб қилган ҳолда ифодаланган ва илмий билимнинг конкрет предметлар соҳасига мос келадиган «символик умумлашмалар».

- Берилган илмий бирлашмада ҳамкорликга умумтан олинган «концептуал моделлар»: «иссиқлик жисмни ташкил қилган зарраларнинг кинетик энергиясидир» сингари.

- «Қадриятлар», яъни тадқиқотлар, ишланишлар, лойиҳалар, прогнозлар стандартлари. Куннинг айтишича энг

асосий кадриятлар аввалдан айтишга прогноз, башоратларга қаратилган бўлиши керак, чунки улар аниқ бўлмоғи керак. Шунинг учун миқдорий башоратларга афзаллик берилади.

- Илмий муаммоларни ечишга доир, илмий жамоа томонидан тан олинган, аниқланган қонуниятларни фикрлаб олишга ёрдам берадиган ва шунингдек, ушбу фан соҳасининг янада тараққий қилишини прогнозлашга ишлайдиган идеаллар, «намуналар».

Парадигма шу фан тараққиёти давомида ҳосил қилинган муайян стандартларни ўз ичига олади, шу стандартлардан паст даражада бажарилган нарсалар муҳокамага қўйилмайди. Бу стандартларни қўллаб – қувватлаш илмий иш мутахассисининг муҳим компонентларидан биридир. Албатта, янги парадигмаларнинг шаклланиши фан тараққиётида ўз ортидан бор бўлган стандартлар, илмий билишининг идеал ва нормаларини ўзгариб боришини юзага келтиради. Шу билан бирга, илмий билимни унинг тарққиётидаги парадигмалар атамаларида баён қилиш концепцияси кумулятив омилдан келиб чиқади. Илмий билимлар тараққиётида кумулятив жараёнларнинг моҳияти шундаки, бирор алоҳида фанда ёки бутун фанда эришилган стандартлар, идеаллар, нормалар ва кадриятлар «фаннинг умуман» намоён қилади ва фаннинг билимлар системаси эканлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилади.

Ушбу бобни тугаллар эканмиз, илмий билимнинг системавийлиги, унинг ўзи бир бутунлик эканининг қандайдир «химоя механизми» бўлиб хизмат қилишини таъкидлаб ўтамиз. Буни хусусан фан методологиясида маълум бўлган «мувофиқлик принципи»ни қўллашда яққол намойиш қилиш мумкин. Бу принципнинг маъноси янги назарий қурилмаларни мавжуд илмий билимлар системасига киритишга доир шартларни ифодалашдан иборат. Бу принцип янги назариянинг амалдаги шаклланган билимлар системасига қабулчанлигини ифодалайди. Шу муносабат билан Нильс Бор таърифи билан «телба (сумасшедшие) ғоялар» деб аталган, яъни мавжуд парадигмага кириб кетмайдиган (сингиб кетмайдиган) янги, радикал илмий ғоялар тўғрисида тўхтаб ўтсак. Баъзилар бу

телбаликни мантикда зидлик деб тушунадилар, бу ерда зидлик қонунининг бузилиши кўзда тутилади. Аслида янги ғоя мантикка эмас, ушбу предметлар соҳаси ҳақидаги бор бўлган билимлар системасига зид бўлади. Айнан мантик туфайли бу зиддият пайқалади, намоён бўлади. Бундан ташқари, бу ғоя «тривиал – телба» (Л.Б.Баженов ифодаси) бўлмаслиги керак. Бу ғоя «нима бўлса шу» бўлмаслиги керак, чунки у амалдаги (мавжуд) билимлар системасига ва шунингдек, амалдаги (мавжуд) назария доирасида тушунтириб бўлмайдиган янги тажриба маълумотларига боғлиқ – ку. Албатта, бу ғояни шакллантиришда тасаввур (фантазия) ҳам қатнашади.

2.12-§. Тил фалсафаси ва унинг муаммолари таснифи

Инсон нима билан шуғулланмасин, ҳатто ишлайдими ёки дам оладими, тинглайдими ёки фикрлайдими, ҳамавақт узлуксиз гапиради. Инсонга, ҳаракатланиш ва нафас олиш сингари, гапириш ҳам хосдир. Биз тил нима ва бошқа одамлар билан қандай қилиб мулоқот қиламиз, деган нарсалар устида камдан – кам ўйлаймиз. Тилнинг бизга таъсири шундай универсалки, уни бизга туғма қобилият сифатида берилганми ёки аста – секин уни ўзлаштириб, гапиришга ўрганамизми, бир қийматли айтиш қийин. Бироқ бир нарса равшанки, инсон томонидан ўзининг борлигини онглаш, оламга, бошқа одамларга ва ўз – ўзига муносабатини онглаш асосан унинг тилининг имкониятлари билан боғлиқ. Тил унга ўзининг психосоматик тажрибалари чекланишларини енгиб, унинг чегараларидан чиқиш ва ўзининг ҳаётий, билиш ва коммуникатив эҳтиёжларини қондириш учун зарур шароитлар ва воситаларни беради.

Инсоннинг онгли фаолиятида тилнинг бундай принципиал ўрни табиий психик ва тана ва маданий – тарихий табиати билан боғлиқ. Инсон тилни ўзининг ҳаётий фаолияти учун восита сифатида яратган, унинг ёрдамида атроф муҳитга мослашишга, табиат сирларини очишга ва унга таъсир кўрсатишга имкон яратди, ва шу билан бирга, ўзининг онг

фикрлар кечинмалари, хошишлари эсдаликларини ифодалаш ҳамда бошқа одамларга бирор бир нарсани хабар қилиш имконига эга бўлди.

Бизларнинг ҳар биримиз туғилган пайтимиздан бошлаб оқиллар билан мулоқотимиз учун тайёр воситалар, қоидалар, нормалар тўплами деб қабул қиламиз. Инсон уларни ўз фикрларини бировга оғзаки ёки ёзма равишда узатиш учун фойдаланади. Нутқ тил қоидаларига мувофиқ тузилганда бошқа одамга тушунарли бўлади. Бизнинг нутқимиз – бу бизнинг тилни мулоқотнинг ижтимоий – маъноли боғланган восита сифатида ишлата олишимизга доир индивидуал қобилиятимиздир. «Нутқ тухфа»си (машҳур тилшунос олими Ф.Соссюрнинг ибораси) – бу инсон психикаси ва жисмининг туб қаъирдан «униб чиқадиган қобилияти бўлиб, ёрқин ифодаланган биогенетик боғланишга эга ва тилдан фойдаланади. Нутқ ва тилнинг фарқларига батафсил берилмаган ҳолда уларни тарих, маданият, жамият, одамлар мулоқоти, инсон психикаси ва жисмидаги боғланишларининг умумий эканлигини кўрсатиб ўтамиз. Тил ва онгнинг пайваста бўлиб туташиб кетганидан, унинг онг актларидаги ролдан келиб чиқиб, инсоннинг нутқий – онгли фаолияти иборасини ишлатиб гапиришимиз мумкин. Нутқда гавдаланган тил онгда инсоннинг кундалик ҳаётида ва мулоқотида, билишида ва баҳолашида, қарорлар қабул қилиши, ўз тажрибасини сақлаш, қайта тиклаш ва бошқа авлодларга узатишдаги эҳтиёж ва мақсадларига мувофиқлашган ҳолда функцияланади деб айтиш мумкин. Жисми, унинг органлари, психика ва онги нутқнинг хоссалари билан «сингдирилган».

Белги деб ифодаловчи ёзув, расм ёки товуш билан ифодаланувчи сўз ёки тушунчанинг маъноси орасидаги ўзаро боғланишга айтилади. Тил белгиси одатда сўз билан шундай боғланадики, бунда сўз тилнинг минимал бирлиги деб қабул қилинади. Ҳар қандай белгининг қандайдир ходиса, хосса, муносабатни ифодалаш қобилияти унинг маъноси ёки тушунча деб аталади. Масалан, тош деган тушунчада каттиклик, оғирлик, шакл ва бошқа хоссаларга эга бўлган предмет

гавдаланади. Тош ҳақидаги тушунчани ташкил қилган хоссаларнинг тўплами ёки «тош» сўзининг маъноси, уни ифодалайдиган ихтиёрий танлаб олинган ҳарф белгилари ёки т-о-ш деб айтиладиган товушлар билан мутлақо боғлиқ эмас. Бу тушунча бошқача ҳар қандай белги билан ифодаланиши мумкин эди, ахир тош тушунчаси турли тилларда турлича ёзилади ва гапирилади – ку.

Бу билан айтмоқчимизки, белги ва маъно орасидаги, белгиловчи ва белгиланувчи орасидаги боғланиш ихтиёрийдир, яъни бу боғланиш белги томонидан ҳам, маъно томонидан ҳам ҳеч нима билан детерминация қилинган эмас. Белги ва маъно ўзаро аниқланувчидир: белги – бу ҳамавақт маънога эга бўлган нарса десак, маъно – бу белги билан белгиланадиган, ифодаланадиган (ёзувда), тасвирланадиган ва товуш шаклида бериладиган нарсадир.

Шуни қайд қилиш лозимки, «белги» атамаси антик фалсафадан тортиб то бизнинг замондаги бутунги компьютерли моделлашгача бўлган узок тарихга эгадир. Платон ўз давридаёқ тилнинг предметларни белгиловчи ва белгиланувчи орасидаги ўзшашлик муносабатини билдириш қобилиятини тилнинг келигув. Шартнома асосида ишлаши қобилиятидан фарқ қилиш ҳақида гапирган эди. Белгининг ихтиёрий эканлиги стоикларда равшанроқ кўринади. Белгиловчи сифатида улар қабулланувчини, белгиланувчи сифатида – тушунилувчини назарда тутган эдилар. Тилнинг ҳодисаларни белгиловчи қобилиятини ифодаловчи семиотик хоссалари Августиндан токи Фома Аквинскийгача изланиш мавзулари бўлган эди. Белгининг хоссалари ўзининг изланувчанлиги, универсаллиги ва унинг қўлланиш имкониятларининг турли – туманлиги билан ўзига жалб қилади. Бир хил белгилар иккинчиларидан ўзларининг предметларни қандай белгилаши билан фарқ қилади. Шунинг учун белгиларни синфларга бўлиб ташлашга интилар эдилар. Ҳар бир белги кўриниши унинг инсон ҳаётининг фаолиятида ўйнайдиган роли гавдаланар эди.

Ҳозирги замонда белгиларни классификация қилишнинг биринчи уринишлари Ч.Пирс томонидан уларнинг асосий уч

турга бўлиниши деб айтишимиз мумкин. Пирс белгиларни «иконик белгилар», «индекс - белгилар» ва «символик - белги»ларга бўлади. Иконик белги ўзи белгилаган нарсага ўхшашлиги билан, индекс – белги эса аломат, нишонани (масалан, тутун – алангандан нишона, аланга аломати), ёки симптомни иситма – юқори температура симптоми; символик – белги нимани белгилашни келишиб олиш, шартнома асосида ишлайди.

Белгилар классификациясининг энг кўп тарқалгани одатда уларни тилга тегишли ва тилга тегишли бўлмаган турларга бўлишидир, бу бўлинишни табиий ва сунъийга бўлиш деб ҳам юритилади. Масалан, Гуссерль белгиларни «кўрсаткич - белгилар» ва «ифода - белгилари»га ажратади²⁰³. «Белги - кўрсаткич»лар – бирор предметни намоён этадиган ёки ўрнини босадиган – тилга тегишли бўлмаган белгилардир. Бу белгилар онгни ифодаламайди ва мулоқот воситаси бўлолмайди. «Белги – фода»лар – тилга тегишли белгилардир. Улар онг актларини белгилайди ва одамлар орасидаги мулоқот воситаси бўлиб хизмат қилади. Янада умумийроқ бўлган бўлиниш ҳам мавжуд. Бу классификацияда барча белгилар табиий ва сунъий белгиларга бўлинади; шу билан бирга сунъий белгилар ўз навбатида – тил белгилари ва тилга тегишли бўлмаган белгиларга бўлинади. Бундан ташқари, тил белгилари – табиий тил (миллий тил) белгилар ва сунъий тил (масалан, фан тил) белгиларга бўлинади. Тилга тегишли бўлмаган белгилар – буларга сигналлар, символлар ва бошқа белгилар киради. Математиканинг символик мантиқнинг, химиянинг сунъий тиллари хоссалари инсон мулоқотидаги табиий тилларининг белги хусусиятларининг ҳосиласи сифатида пайдо бўлади.

Белги қайси классификацияга кирмасин, ҳар қандай кўринишда ҳам белгиланувчи ва белгиловчи орасидаги муносабатни кўзда тутаяди. Тўғри, бундай ўзаро муносабатлари характери ўзлари намоён қилаётган хоссаларнинг турлилигидан боғлиқ ҳолда вариацияга эгадир.

²⁰³ Гуссерль. Идеи к чистой феноменологии и феноменологической философии. Т. 1. – М.: ДИК, 1999. – С. 227.

Масалан, табиий белги – аломатлар белгиловчининг белгиланувчи орасида амалдаги детерминацияга асосланган.

Масалан, белги – расмларда белгиловчи ва белгиланувчи орасидаги ўхшашлик муайян келишувлар билан ушлаб турилади. Миллий тиллардаги ёки белги – символилларнинг ихтиёрий характери асосан конвенционал (шартнома) шартлари билан аниқланади. Масалан, стол сўзи – атрофида ўтириш мумкин бўлган предметлар белгиларини бажарувчи функцияни бажаради деб келишиб олинганини билдиради. + белгиси конвенционал қоида – символ бўлиб, арифметикада сонларнинг йиғиндисини ёки (агар у қизил рангда бўлса) – тиббий ёрдам символидир. Агар биз, масалан, белги – аллегорияларга дуч келсак, улар бадиий образ – символ шаклида ифодаланиши мумкин масалан, И.А.Ганчаровнинг «Обрыз» (Узилиш, «Жар») романинг номи – роман қаҳрамонининг ҳаётини, рухий драмасининг аллегорик символидир. Бундай аллегорик символларни ўзбек бадиий адабиётида кўплаб топилади, деб кўя қоламиз. Уларни мисол тариқасида топиш китобхонга ҳавола. Кўллар, бармоқларнинг имо – ишора ҳаракати, юз миминакси гавда сумбати, пантомималар ва ш.ў. иккиламчи белги хоссаларига эга ва инсонлар мулоқоти усуллари родини ўйнайди (масалан, «кўзини сузиб» - инсоннинг ўзига бировнинг эътиборини қаратиш ишораси; «пешонаси тиришди» - нимадандир, кимдандир норозилигини билдирувчи ишора ва хоказо) Белги – сигналлар ўзининг манбаи ва соҳиби орасидаги бевосита боғлиқликни қайд қилувчи информацияни ўзида тўплаган (масалан, информацияни радио ёки телеграф сигналлари воситасида бериш).

Шундай қилиб, қандай классификацияга кирган бўлмасин белгиларнинг фарқи нисбийдир. Белги билан у белгилаган нарса орасида ҳеч қандай сабабий боғланиш бўлмайди. Фақат белги ўзи белгилаган нарсанинг элементлари билан ўхшашликка эга бўлиши мумкин, у билан ҳеч қандай ўхшашликка эга бўлмаслиги ҳам мумкин. Ўзи қандай ўзшашликка эга бўлмаслиги предметли хоссалар ва муносабатларни умумлаштиришда белгининг ўрнини ҳеч нима

боса олмаслигини билдиради. Ҳар қанақа кўринишдаги белгиларнинг маъноси «ўқилиши» учун унинг қандай вазифани бажариши белгиланган шартнома қоидалари ва шартлари келишиб олинishi, шунингдек, белгиланишдаги ўхшашлик муносабатлари тил соҳиблари ўхшалик характерини белгилаб бериш керак. Тил белгисининг ихтиёрийлиги одамларнинг хошишларига мувофиқ унинг хоссасини бирор бир предметга ўхшатган ҳолда коррекцияланиши, ёки аксинча, белгиловчи билан белгиланувчининг ўзшашлик даражаси одамлар ҳамкорлигида келишиб олинган қоида – конвенцияларга мос равишда камайishi ёки зўрайishi мумкин. Сўз – белги маъносида мустаҳкамланган билим инсон хотирасининг тил қобилиятлари туфайли қабул қилиниши ва маъноси ўқилиши мумкин.

Одамларнинг хотираси ўзида мантиқий, энциклопедик, мантиқий – семантик ва прагматик қобилиятлар элементларига эга. Мантиқий қобилиятлар дедуктив ва индуктив хулосаларда ёки тегишли мос белгилар билан қилинадиган амалларда гавдаланади. Энциклопедик қобилиятлар бизнинг тил билишимизни ифодалайди. Лексик – семантик кўникмалар турли синонимия, полисемия, омонимияларнинг турли усулларини билиш, шунингдек метафора, метонимия ва тилнинг бошқа маъноли фигураларни ишлата билишни тақозо қилади. Прагматик кўникмалар бизнинг тил тажрибаларимизга боғлиқ, бундай тажриба маскур маданият тилини унинг тарихий, ижтимоий ва бошқа ҳаётий чекланишларини ва бизнинг мақсадларимиз, эҳтиёжларимиз, хошиш ва манфаатларимизга мувофиқ фойдаланишга имкон беради. Тил ёрдамида биз ҳаётимизда олган билимларни қайд қиламиз, эслаймиз, сақлаймиз, қайта тиклаймиз ва авлоддан авлодга узатамиз, турли маданиятларда тўпланган билимлар билан алмашамиз.

Тилнинг ихтиёрий сифатлари уни одамлар билан мулоқотида эркинлик даражалари сонини нафақат чеклайди, шу билан бирга, тилни бизнинг онгимизнинг турли – туман: фикрлаш, ҳиссий, эмоционал, иродавий, мнемик ҳолатлари ва

актларини ва улардан ҳосилавий келиб чиқадиган ишонч, ирода, шубҳа, иккиланиш, кўрқув, айб ва кўплаб бошқа ҳолатларни ҳам ифодалаш учун ҳеч нима билан алмаштириб бўлмайдиган восита бўлиб хизмат қилади. Тил онгининг мулоқот ва ифодалаш мақсадларида фойдаланиш оғзаки ва ёзув шаклларидаги нутқ билан мужассамлашади. Бунда, аввалги параграфда айтганимиздек, нутқнинг ички шакли унинг ташқи шаклидан анча фарқ қилади. Эшитаётган одам ёки адресат нутқдан стимул, қандайдир билим ёки фрагментини оғзаки, товуш ёки ёзувда ифодаланган сўз тарзида олади. Адресат нутқ йўналтирилган эшитувчи одам олган хабарининг маъносини конкрет вазиятдвги мулоқот ва борлиқ муҳитида чақиш учун зарур куч сарфлайди. Ҳар бир сўз – мулоҳаза предметларни, ҳаракат, хосса, муносабатни билдиради. Уларни билдирган тил белгилар системаси сифатида предметлар дунёсини унинг хосса ва муносабатларини ўрнини олади. масалан, «мушук» сўзи муайян турдаги жониворни билдиради. Унинг ёрдамида биз бу жониворнинг ҳаракатини қайд қиламиз – «мушук югуряпти», конкрет хоссасини ажратамиз – «кулранг мушук», мушукнинг хулқини маълум вазитга мувофиқлаштирамиз – «мушук ховлида югурмоқда» ва ш.ў.

Нутқ инсоннинг тилга ижтимоий ва маданӣ ҳодиса сифатида индивидуал мурожаат акти ҳисобланади. Нутқ гапираётган одамнинг қомбинаторлик қобилиятини, унинг хиссий образлар, фикрлар, эмоция, ирода, хотирани тилдан фойдаланиб ифодалаш малакасини кўзда тутди. Нутқ инсон сўзлаш органларининг ресурслари билан таъминланади, бу ресурслар артикуляция (имо - ишора) қилиш, товушлар ва товуш бирикмаларини айтишга имкон беради. Белгиларни эркин комбинация қилиш ва уларни керакли кетма – кетликда жойлаштириш – оғзаки ёки ёзма шаклида айтилган гаплар – нутқнинг асосий вазифасидир. Шунинг учун нуқтсиз тил бўлмайди, деб гапирилади, бироқ аксинча айтиш ҳам тўғри бўларди: тил бўлмаса, инсоннинг нутқий қобилияти тўғрисида ҳукм қилиб бўлмайди. Инсонлар мулоқоти эҳтиёжлари нутқда тилнинг шаклий ва норматив қоидаларига: орфографик

(ёзувдаги), фонологик (талаффуздаги), синтактик (гап ташкил қилиниши), семантик (сўз ва тилнинг бошқа элементлари) ва прагматик (тилни конкрет вазиятларда фойдаланиш хусусиятлари) қоидаларига риоя қилишни талаб қилади. Онг актлари ва жараёнларини нутқ билан шакллантириш тилнинг фонология, синтаксис, семантика ва прагматикаси воситаларда амалга оширилади. Тил ва нутқ биргаликдаги кучлари билан онгнинг ифодавийлигини (аёнийлигини) таъминлайди.

Ёзма ёки оғзаки нутқнинг орфографик ва фонологик хоссалари (харфлар ёки товушлар комбинацияси, ҳарф бирикмалари ёки товуш бирикмалари, сўзларни ёзиш ёки айтиш, гапларни, матнларни ўқиш) тилнинг қолган бошқа барча таъсирларининг ўзига хослигини ҳисобга олган ҳолда корреккланади (тўғриланади). Худди шундай йўл билан, масалан, фикрлашни, эмоциялар, ирода ёки онгнинг ҳар қандай бошқа ҳолат ва актларини тилнинг синтаксис воситалари («синтаксис» - юнончадан тузиш, тартиблаштириш, ташкилланиш маъноларини билдиради) орқали нутқий шаклланиши фонология, семантика ва прагматика таъсирида амалга ошади. Семантик хоссалар (полисемия, синонимия) фикрлашнинг тилнинг бошқа омиллари таъсирида бўлгани ҳолда тушунчавий тўйинишини таъминлайди. Ниҳоят, нутқнинг прагматик хусусиятлари тилдан, унинг соҳиби қандай фойдаланишга боғлиқ бўлган ҳолда, фонологик, синтаксис, семантик коррекцияларига бўйсунди. Онгни нутқий шакллантириш тилнинг норма ва қоидаларига қанча «яқин» турса, тил билан нутқ «оралиғи» шунча кичик бўлади. Прагматик нуқтаи – назардан тил инсон фаолиятининг шундай усули сифатида қараладики, бунда у асосан инструментал, операционал ва ситуацион аҳамият касб этади.

Тилга эга бўлар экан, инсон ўзининг дунёга онгли муносабати имкониятларини икки қарра кўпайтиради, дунёни ўзининг ҳиссий ва тил тажрибаси воситалари билан очади, аниқлайди. Тил бу ерда онг ва борликнинг муносабатларида универсал воситачи бўлиб қолади. Инсоннинг онги тилнинг ўзи билан ҳам, худди ташқи дунёнинг мавжудлигини тан олгандек,

аниқликда иш кўриш мумкин. Бундан, мутлақо тилнинг борлик ва онг билан айнийлиги келиб чиқмайди.

Тил ва нутқнинг бизнинг дунё тўғрисидаги онгимизга таъсири ҳақидаги масалани кўришда ҳозирги замон тил фалсафасига ҳам мурожаат қилишга тўғри келади. XX асрда тил фалсафасининг шаклланиши тилнинг табиатига қизиқишни уйғотади, турли қарашлар ва улар орасида рақобатни кучайтиради. Бирок анъанавий онтология ва билиш назариясида эмпирик ва рационаллик парадигмаларидан фарқли ўларок, тилнинг янги моделлари умумий тезисни бирлаштирди, бу тезисга кўра, онгнинг борликқа муносабати тил орқалидир. Тил онг ва борликнинг барча структуралари ичига кириб кетади. Албатта, ташқи дунёнинг мавжудлигини тилдан ажрата билиш керак, шунингдек, тилни онгдан ҳам ажратиш лозим. Бирок инсон томонидан ташқи дунёни онглаб етиш тил билан шу даражада мустақкам боғланганки, айрим файласуфларнинг онг ва борликни тилдан ажратиб олишга интилишлари – бу ғайри табиий акт ва буни амалга ошириш моҳиятан мумкин эмас. Ахир, борликни онглаш фақат тил шаклларида ва тил воситалари ёрдамидагина зарурийча тўлиқ бўлади, ва онг актларини ва улар билан алмашилишни мулоқотни тилсиз амалга оширишни тасаввур қилиш қийин. Масалан, Гадемернинг фикрига кўра, тил онгни гапга, ва шу билан, мулоқотга айлантиради. Қонунлар, сабаблар, ҳоисалар, хоссалар, муносабатлар аввалдан тилнинг маънолари билан аниқланади. Оламда ҳодисалар, хоссалар ва муносабатларнинг мавжудлиги ҳеч кимни шубҳа солмайди. Бирок, улар тил томонидан конструкция қилинади (ясалади) ва тилнинг конструкциялари бўлади. Тил оламни онланган ҳолда конструкция қилиш воситаси бўлиб қолади.

Тил жиҳатдан нисбийлик гипотезасига мувофиқ, одамлар ҳаётининг «реаль дунёси» маълум даражада онланмаган ҳолда у ёки бу халқнинг тил одатлари, кўникмалари асосида курилади. Турли тиллар одамларнинг дунёқарашларини турлича шакллантиради, бу уларнинг оламни қандай тушунишларига ва унга ўзларининг муносабатларини қандай

ифодалашларига боғлиқ ҳолда рўй беради. Ўзга юртга бориб қолганимизда биз дастлаб тил муаммосини сезмаймиз. Тил ўрганишга интиламиз ва луғатлар, маҳаллий аҳоли ёрдамига таяниб, бизга таниш бўлган нарсаларни нотаниш сўзлар билан мослаймиз, мувофиқлаймиз. Бироқ, оз муддат ўтгач, бегона маданияни тушуниб етгандан сўнг луғатларнинг самарасиз эканига дуч келамиз. Бегона тил дунёни мутлақо бошқача ҳолда бўлаклайди, фарқ қилади, классификация қилади ва ўлчайди. Баъзи миллий тилларда ҳатто биз учун одатий бўлган сўзлар, маслан дейлик, «қонун», «ҳаракат», «иш» ва шунга ўхшаш сўзлар, йўқ эканлигини пайқаймиз. Бегона тилларда ҳар кунги ҳаётдаги кўплаб ҳодиса ва муносабатларни бошқача таърифлайди. Ҳар бир тил ҳодисалар дунёсини ўзининг маъно имкониятларида баён қилади. Бир тиллар ҳодисаларни тури ва хиллари принципига қараб тасвирлайди, баъзи бошқа тилларда умумий тушунчалар бўлмаслиги мумкин, масалан, бир – бирига яқин бўлган турлари, қўй ва қўчқор, бир – биридан фарқ қилувчи предметлилик белгиларига эга.

Агар онг ва тилни ажратишни шундай тушунчак, юқоридаги сингари қийинчиликлар келиб чиқади. Биринчи томондан, масалан, гапириш ва ёзишдан аввал, ўйлаш кераклиги ақлга мувофиқ. Бироқ, иккинчи томондан, тил шакллари ва воситаларига таянмаган ҳолда қандай қилиб ўйлаш мумкин. Агар биров бирор фикрни ўйлаб кўраман деса, у онгли ёки онгсиз равишда, тил талаблари чегарасида бўлибгина, шундай қила олади. Фикр тил талабларига мувофиқ ҳолда нутқда шакллангандагина фикр бўлади. Ҳар қандай ҳолда ҳам фикр тилда ифодасини топиши керак ва шундагина у бошқалар томонидан англонадиган фикр бўлади ва улар томонидан тушунилади. Нафақат фикр, балки кечинмалар, эмоционал ҳолдатлар, иродани намоён қилишар ҳам тилнинг қаршиликларига дуч келади, тил гоҳ уларни ифодалайдиган восита бўлишига осон кулоқ солади, гоҳ ўжарлик билан уларни ифодалашга восита бўла қолмайди.

Анъанавий фалсафада мустақамланиб қолмаган «онг салтанати» ва «тил салтанати» автономияси бугунги кунда

жуда соддалик ва дангаллик бўлиб туюлади. Гапнинг маъносини унинг шаклига мослаш ва бу гапни фикрнинг тугалланган ифодаланиш шакли деб аташ учун биз онг билан тил ўзаро мустаҳкам боғлаганлиги фактини доимо назарда тутишимиз керак. Бошқача айтганда, фикр ва тил бир – бири билан нутқ воситалари орқали оддийгина шаклан боғланган эмас. тил инсоннинг нутқ қобилияти орқали унинг энг чуқур жисмоний, танавий даражаларига кириб бориб, психик, онгсизлик ташкилланишларига етиб боради ва унда онгнинг табиий механизмига айланади. Агар инсон бирор нарсани ўз нутқида гапира олмаётган бўлса, бинобарин, уни онглаб етолмаган, ва аксинча, нимаики онгланмаган бўлса, у тўғрида бирор ибора тарзида бирор нарса дейиш қийин, уни бошқаларга тушунтириш қийин.

Онгимиз тилни борлиқни ифодалаш учун инструмент сифатида фойдаланади. Тилнинг қурилиши онгнинг қурилишидан фарқ қилади. Бирок тилнинг ҳар бир сўзига, ҳар бир гапига борлиқнинг муайян бир реаллиги, бошқа одамларнинг реаллиги тўғри келади. Сўз бизга нимадир, тўғрисида, кимдир тўғрисида бирор хабар берибгина қолмайди. Унинг ёрдамида биз бошқа одамнинг онгини тасдиқлаймиз, гувоҳлик берамиз. Бошқа одамларнинг онги биз учун сўзда очилади. Сўз маданият анъанасига киради, унинг ўз тақдири бор. Сўз орқали, матн орқали инсоннинг ўзи, унинг онги анъанага ва маданиятга кириб «қўшилади». Агар булар инсон предметини тушунар экан, у буни бошқалардан бошқачарок қилади. Принцип жиҳатидан оламни билиш ва бошқани билиш кандайдир берона билан мулоқат қилишдек бўлади. Ҳамма нарса: бошқа дунёлар, тарихлар, маданиятлар, жамиятлар, онглар бегона бўлиши мумкин. Бегонани билиш учун «бегона» тилдан «ўз» тилига ўгириш, таржима қилиш керак. Бир тилдан иккинчи тилга ўгириш механизми одамлар ҳаёт фаолиятларининг, баҳоласа ва мулоқатининг универсал механизмидир. Бу универсал механизм туфайли одамлар бар-барларини тушунадилар, ҳозирги замон одамларининг ўзга тарихий давр одамларини тушунишларига, бир маданият, бир

жамият одамларининг бошқа маданият, бошқа жамият одамларини тушунишларига эришиш мумкин бўлади. Тил орқали онг маданият билан боғланади, маданият эса онгга тил орқали таъсир қилади. Маданият - бу одамларнинг қилган ва қилаётган барча нарсалари, тил эса, Сепир таъкидлаганидек, одамлар нимани ўйлаганлари ва онглаганлари, нимани ўйлаётганлари ва онглаётганларидир. Культуралогия нуқтаи назаридан тил маданиятнинг, ворисликнинг, билимлар тўпланишининг, тажраба ва билимлар алмашилишининг механизмигина эмас, балки маданиятни онглаб етиш.

Биз тил табиати тўғрисида қанча чуқур мулоҳаза юритсак, тилнинг онгга ва борлиққа яқинлиги, уни ифодалашдаги ва белгилашдаги ролини ниҳоятда юқори эканлигини шунча кўп хис қиламиз. Айнан шунинг учун турли фалсафий позициялар инсон ҳаётий фаолиятида тилнинг роли борасида ягона фикрга бирлашганлар. Худди борлақ ташқаридан қараш ва билиш предмети бўла олмагани (чунки инсон унинг чегараларидан чиқиб, бегона кузатувчи позицияни эгаллаб ололмайди) сингари, тил ҳам инсон билан чамбарчарс боғланган ва ундан озод бўлиб, қандайдир бошқа, тилдан ташқари воситаларга ўтолмайди. Витгенштейн таъкидлаганидек, ўзининг «лингвистик қобиғидан» дан ёриб чиқа олмайди.

Бугунги кунда билишда ва мулоқатда тилнинг ролини тадқиқ қилиш энг маҳсулдар ёндашувлардан бири бўлиб, унинг табиати тўғрисида етарлича тўлиқ тасаввур беради. Биринчи томондан, тил онгнинг органик қобилятидир ва онгнинг барча қолган структуралари, шунингдек, психикаси, онгсизлиги, танаси билан боғланган. Иккинчи томондан, тил мулоқатнинг универсал воситасидир ва бундан ижтимоий ва маданий-тарихий оқибатларини ҳам ўз ичига олади. Тилга бундай муносабатнинг афзаллиги фанлараро имкониятларнинг кўплигидадир, бундай имкониятлар фалсафий кузатишларнинг универсаллигини ва билимнинг бир қатор махсусланган соҳалари лингвистика, психоллингвистика, психология, шунингдек, тарихий, ижтимоий ва культуралогик циклдаги

фанларнинг конкрет маъноларининг бирлаштиришини таъминлайди. Тилнинг функционал вазифаларини бу парадигма доирасида муҳокама қилиш онгнинг турли-туман механизмлари ва структураларига равшанлик киритади. Тилнинг фонологик, синтактик, семантик ва прагматик ўзига хосликлари туфайли унинг онгда фаолият кўрсатишига зарурий шароитлар яратилади. Тилнинг фаолияти вазифалари онгнинг янги билимлар яратишидаги ижодий потенциалини амалга оширади, бошқа одамга бизнинг онгимиз мазмунини, бизга бошқа одам онгининг мазмунини тушуниш имконини беради. Онгнинг бундай когнитив ва коммуникатив актлари билиш ва мулоқат қилиш кишиларнинг биргаликда фаолият кўрсатишлари усули бўлганида алоҳида аҳамият касб этади.

Борлиқни инсон онгида репрезентация қилиш қобилияти ҳақли равишда тилнинг базис вазифаси(функцияси) ҳисобланади. Бу функция тил билгисининг предметлар дунёсини, унинг хоссалари ва муносабатларини белгилаши, ўрнини олиши ва умумлаштириши қобилиятларида амалга ошади. Тил дунёни онгда репрезентация қилади, бунда унинг репрезентация қилиш қобилиятига таянади. репрезентация- бу инсоннинг фақат тилининггина эмас, унинг танаси (жисм)нинг, тана алоҳида органлари психик ташкилланишининг, онгсизлик психикасининг, онгининг тур тарзидаги (турга хос бўлган) характери онг ва тил келиб чиқилишининг фақат ижтимоий, маданий - тарихий, психик ва танавий (жисмоний) умумийлигини кўрсатибгина қолмайди. Борлиқни онгда репрезентация қилишнинг уч асосий усули мавжуд: ҳаракат орқали репрезентация қилиш. Бу уч репрезентация усуллри нисбатан автаном ва бир-бири билан ўзаро таъсирда бўлади.

Ҳаракат орқали репрезентация қилиш тананинг ва унинг алоҳида органларининг мотор ҳаракатланиш актлари ҳисобига бажарилади. Баъзида бу репрезентация турини кинестатик репрезентация деб аталади. Унинг самараси бирор нима билан ҳаракат қилиш малакасини яратишдан иборат бўлади. Масалан, тугунни боғлаш ҳақидаги тасаввур маълум ҳаракатлар кетма-кетлиги тарзида бўлади. Биз тугунни боғлашга ўрганганимизда

уни бирор ҳиссий схема ёки образга солиб, малака ҳосил қиламиз. Тугун боғлаш ҳақидаги билимларни ҳиссий репрезентация қилиш одатдаги схемага «ўралади» ва муайян сезги ва қабуллашлар кўринишида «мустақилликка» эришади. Тугун тугиш амалини тилда репрезентация қилиш, шубҳасиз, уни тасаввур қилишнинг кинестатик, ҳаракат ва ҳиссий тажрибасини назарга олади. Бундай репрезентация тўла равишда автаном ва у билан фазовий муносабатда ҳам, вақт муносабатида ҳам боғланган эмас. Унинг сўзланган шакли тугунни умумлашган, белги кўринишида қандай боғлаш кераклигини билдирадиган гапларнинг кетма-кетлигини қайд қилади. Сўз инструкциялари ёрдамида тугун боғлаш амалини биз ҳиссий-образ шаклида тасаввур қилишимиз ва ҳаракатда гавдалантиришимиз, бу амал ҳақида бировга айтишимиз, тугун боғлаш тажрибамизни бошқа авлодга узатишимиз мумкин. Квазистатик ва ҳиссий репрезентацияларнинг тилдаги аналоглар билан алоқалари бизни уларнинг илдизи тил белгиларининг коммуникатив ва билиш қобилятларида эканига ишонтиради.

Сўз билан белгиланган предмет тилда белги статусини олади ва унга конвенсуанал ҳоссалар тегишли бўлади. Бундан ташқари, ҳар бир сўз-белги фақат белгилабгина қолмайди, балки умулаштиради ҳам. Предметнинг ёки предмет ҳақидаги билимнинг умумий белгилари фақат белгиларда репрезентация қилиниши орқали идентификация қилинади. Шунинг учун ҳар бир белги-сўз ҳамма вақт предметни умулашган кўринишида намоён қилади. Белгининг билишдаги роли шундаки, у предметларни уларнинг белгиларининг мос келиши ёки фарқига асосланиб белгилайди ва умумлаштиради. Белгининг умумий маъноси ҳақидаги билим инсоннинг доимо ўзгариб турадиган дунёда, турли-туман ҳодисалар, маданиятлар орасида йўл танлаб олишга имкон беради. Белгиловчи билан белгиланувчи муносабатларнинг ихтиёрийлиги тил репрезентациясида принципиал аҳамият касб этади. Гап шундаки, айнан бир предметлар соҳасининг ўзи турли тил белгилари билан, турли

белгилар ситемаси билан намоён қилиниши мумкин. Бошқа одамларга сиз предметни ўз онгингизда қандай тасаввур қилишингиз тўғрисида хабар қилар экансиз, сиз энг аҳамиятли сўз ва гапларни ажратасиз, уларни биринчи ўринга олиб чиқасиз ва аввал орқа планга суриб қўйган иккинчи даражали мулоҳазаларингизни ҳам илгари сурасиз.

Тил белгилари фақат воқеълик предметларинигина эмас, балки ўйлаб тўқилган предмет ва ҳодисаларни ҳам билдириши мумкин масалан, ўйлаб чиқарилган мавжудод - кентавр образи. Бадиий воситалар билан презентация қилишда тасаввурдаги сюжетлар ва тилнинг ўйлаб тўқилган конфигурациялари ҳам бўлиши мумкин. Кузатиладиган предметлар, ҳодисалар ва воқеалар ўйлаб чиқарилган (тасаввур қиладиган) белгили репрезентация қилиш хусусиятларининг бўлиниш чегаралари қатъий аниқланган бўлиши керак. Айниқса санъатда ўйналадиган образларни репрезентация қилиш қоидалрига аниқ риоя қилиш зарур. Масалан, актёр бирор ролни ўйнаётганда образнинг ҳаддан ташқари реаллигига интиладиган бўлса, унда ўйлаб чиқарилган оламнинг белгилиги афзалликларининг йўқ бўлишига сабаб бўлади, бунда ўйин онгида бу оламнинг ғаройиботлари камбағаллашиб қолади ва бундай силжиш кўзланган натижаларга олиб келиши мумкин. Бизда Шекспирнинг «Отелло» трагедиясида машҳур актёр Аброр Хидоятлов Дездемонани бўғиш сахнасида шундай реалистик ўйнаганки, залдагилар ундан ҳам машҳур бўлган Сора Эшонтўраевага раҳимлари келиб, ўринларидан туриб кетишган.

Тилнинг репрезентатив функцияси унинг интенционал қобилияти билан жуда мустаҳкам ўзаро таъсирда бўлади. Тилнинг йўналганлиги ёки интенционаллик ҳоссаси инсон мулоқоти ва онгининг энг умумий ва чуқур сифатларини ифодалайди. Тилнинг интенционаллиги аввало кўрсатгич-сўзларда намоён бўлади (масалан, жой кўрсатгичлари «у ерда», «бу ерда», «у ёққа», «бу ёққа» ва шунга ўшшаш сабаб кўрсатгичларида «нима учун», «нимага», «қандай қилиб», ва

шунга ўхшаш, вақт кўрсатгичлари «ўшанда», «қачон», «энди» ва шенга ўхшаш.)

«Кўрсатгич сўзлар» сони жуда кўп ва жестлар (ишоралар) кўрсатгич ролини ўйнайди. Витгенштейн хатто кўлни кўтариш ҳам интенционал таъсир кўрсатади ва унга куч (энергетик), билиш (информацион, умумлаштириш) ва коммуникатив (белгили, символли) сифатлар хосдир деб кўрсатган эди²⁰⁴. Тилнинг йўналтириш, кўрсатиш функциялари онгнинг билиш ва коммуникатив потенциалини кучайтириб юборади.

Тилнинг номинатив функциясида сўзнинг предметларни номлаш, уларни билиб олиш ва маълумотларни узатиш қобилияти амалга ошади. Шунини айтиш керакки, номинация фақат тил ва онгнинг репрезентатив ва интенционал ресурслар тугайли амалга ошиши мумкин бўлади. Предметни номлар эканми, биз айна вақтда ёки уни, ёки унинг хоссасини бирор сўз ёки сўз иборасида намоён қилинади. ҳар бир сўзнинг маъноси бу-у билдирадиган кўплаб предметлар, хоссалар ёки муносабатларни умумлаштириб олинган билим информациядир. Масалан, «уй» сўзи одамлар яшайдиган ҳар қандай қурилишни умумлаштиради. «мен», «сен», «у», «бу», «ана», «у ерда», «ўшанда» ва шунга ўхшаш сўзлари бирор предметларга муносабатни кўрсатишни умумлаштиришлардир масалан, «бу уй», «ана одам» ва ҳоказо. Сўзнинг инструментал-билиш имкониятлари унинг коммуникатив қимматларидан келиб чиқади. Номлаш фақат билишнинг тугалланувчи натижаси, шу билан бирга, ухабарни узатиш учун коммуникатив акт ҳамдир, деб кўзда тутилади. Инсоннинг мулоқат тарихида сўзнинг маъноси ўзгариши мумкин, сўз кўп маъноли бўлиб қолиши ёки бошқа сўзларнинг синоними бўлиб қолиши мумкин.

Номинацияда прагматик омилларнинг таъсири пайқалади, бу омиллар ҳар кунги ҳаёт мулоқат, билим мақсадларида инсоннинг шу ном билан аталувчи муносабатини беради ва корректлаштиради (тўғрилайди). Номинация орқали инсоннинг онгли ҳаёти мулоқатнинг воситалари, усуллари ва шаклларига хос умумлаштирадиган статус олади. Тилнинг номинатив

²⁰⁴ Витгенштейн Л. «Логико-философского трактата» // Перевод.

воситалари, биринчидан, онгнинг тушунчавий шаклини аниқлайлиган билиш функциясини амалга оширишга имкон беради, иккинчидан, бу тушунчалар шаклининг мулоқот талабларига мувофиқлаштурувчи коммуникатив функциясини амалга оширишни таъминлайди. Бундай мувофиқлаштириш ишлари онг структураларининг тилнинг фонологик, синтаксистик, семантик ва прагматик талабларига мос ҳолда нутқий шакллантиришни кўзда тутди. Л.С. Виготский: фикр сўзда шунчаки ифодаланмайди, балки унла мукаммаллашади, деб ёзган эди. Номинация ёки номлаштиришнинг ҳамма нутқда мулоқат қилишга бориб етади. У инсоннинг ана шу сўз билан номланадиган предметни соҳа тўғрисидаги информацияларга қай даражада эгаллиги, компетенцияси билан мувофиқ келади.

Номинациянинг кенглиги ва чуқурлиги сўз ва гаплар маъноларининг тўғрилигининг зарур шarti бўлади. Ном орқасида онгнинг янглишиш ҳолати, нотўғри ёки ҳаёлий қабуллаши, онгли ҳаракатларда ҳатолар ёки ҳақиқатни ёпиш мўлжаллари ҳам яширинган бўлиши мумкин. Номинациялашга иккита кўрсатма таъсир қилиши мумкин: улардан бири баҳо – фикри, иккинчиси – «тасдиқ - фикри» ёки фараз бўлади. Масалан, номинацияда «ҳисобламоқ» сўзи баҳо – фикр ёки баҳоловчи ҳукм бўлади ва ҳақиқат ёки ёлғон маъносини беради («сен бу ерда ноҳақсан деб ҳисоблайман»). «Ўйламоқ», «фараз қилмоқ» сўзи эса фараз – фикри бўлиб, ва улар ишлатиладиган гаплар фаразийлик, тўғрисига ўхшашликни билдиради («мен ўйлайманки, унинг кечикишининг сабаби бор»). Гапираётган ва эшитаётган одам орасидаги муносабат мулоқотнинг нутқ вазиятидаги умумий контексти билан аниқланади ва фазо, вақт чекланганликларга эга бўлади.

Реаль нутқ вазиятларида номланиш, масалан, сўзлаб бериш (ҳикоя қилиш) вазиятидан адабий, тарихий, ҳужжатли. фарқ қилади. Бунда гапирувчи куч функцияни бажаради: 1) нутқ вазиятида нима референт эканини кўрсатиш функцияси вазифаси; информациялаш функцияси эшитувчига нимани айтиши кераклигини ёки айтишни хохлаётганини хабар қилиш; 3) эшитувчига нутқни эҳтирос билан бўрттирган ҳолда гапириб,

шарҳлаш ёки баҳолаш. Агар Сиз ўзининг ёки бировнинг ҳаракатларини гапириб бераётган бўлсангиз, Сиз «хаётий мантикни эсдан чиқармаслигингиз керак, яъни шундай ҳаракатлар кетма –кетлиги бўлсинки, «ухлаб ётган талаба кўчада кетаётган» бўлиб қолмасин.

Тилнинг экспрессив функцияси инсоннинг онгли фаолиятида кўп воситалар билан амалга ошади. Албатта, тилнинг экспрессив имкониятлари унинг репрезентатив, интенционал ва номинатив қобилиятларининг ресурсларидан фойдаланади. Тил воситалари билан биз дунё билан, бошқа одамлар билан, аввал авлод ва келажак авлод билан ҳар қандай муносабатларимизнинг ифодалаймиз. Бироқ гап фақат тилнинг инсоннинг ўз ҳаётида дуч келадиган ҳар қандай ҳар қандай нарсани ифодалаган универсал воситаси эканида эмас. Тилнинг ифодалаш воситаси эканидан ташқари, унинг онг структураларига нисбатан махсус экспрессив ролини ҳам кўрсатиб ўтиш керак.

Ҳаммадан аввал онгнинг эмоционал дунёсининг, кечинмаларнинг ифодаланишига тегишлидир. Инсон ҳамма вақт шундай вазиятда бўлаки, у ўз мотивларини бошқаларга нисбатан афзал бўлган тил воситаларида ифодалашни лозим кўради. У ўзининг баҳолаган, қайта баҳолайдиган нарсаларига муносабатини эмоционал сўз ва сўз бирикмалари орқали ифодалайди. Айтиб ўтиш керакки, эҳтиросни ифодалайдиган сўз ўз структурасига кўра эҳтирос структурасига мос келмайди. Бироқ у орқали эмоционал кечинмаларнинг нафис нюансларини узатиш мумкин. Тил инсоннинг кайфияти, унинг ижобий ва салбий жиҳатларини узатишнинг бой имкониятларига эгадир. Эҳтиросли (эмоционал) нутқ турли – туман тил воситаларини ишга туширади. Бу баҳолаш ёки қадрият ҳукмлари, оддий эҳтиросли ундовлар (масалан, «О»! ёки «эх», «вой бу» сингари) бўлиши мумкин, улар ҳам ташвиш белгилари, ажабланиш, қизиқиш ва ш.ў. бўлиши мумкин.

Сўз онгнинг акт ва ҳолатларини ифодалайди ва тил онгида фаол ҳаёт билан яшайди. Сўзнинг маъноли кўриниши уларнинг турли жамиятлардаги тарихи ва маданияти

ривожланиши давомида пайдо бўлади, ўзгаради ва бойийди. Онгнинг нутқий шаклланишида сўз иштирок этар экан, ўзининг ўтмишидаги барча маъноларини ўзи билан «орқалаб» юради. Билиш имкониятларида унинг барча ўтмиш ва ҳозирги маънолари кесишади, яқинлашади, бирлашади. Шундай кесишишда қаердадир сўз маъносининг янги имкониятлари юзага келади, уларнинг шаклларида онг ҳолати ёки структурасининг конкрет ҳиссий образлари, фикрлаш амаллари, эмоциялар, ирода ва бошқа жараёнлари амалга ошади.

2.13-§. Ҳозирги замон ва келажак фалсафаси

Ҳозирги замон ва келажак – инсон ҳаёти давомийлигини ўлчаш доимийлари (модуслари) бўлиб, бу ҳаётинг ҳозирги ҳолати ва истиқболини характерлайди. Бу характеристикаларда ҳар бир одамнинг жамиятдаги ўрни, ҳар кунги ҳаётининг сифати ва тарзи, унга давлатнинг муносабати, бошқа одамлар билан мулоқоти, қисқаси ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва маданий хусусиятларининг бутун тўплами яшиниб ётади. Инсон фақат бугунги куни ташвишини қилмайди, балки эртага уни нима кутишини ҳам ўйлайди. Бугунги кунида яшаб турган ҳолда эртаги кунини лойиҳалайди. Албатта, у ўз келажакнинг қандай бўлишини фараз қилиш мумкин. Бироқ бу фаразлар бўш жойда пайдо бўлмайди, улар ўтмиш тажрибаси ва ҳозирги кун тажрибасига асосланади.

Бутун олам ҳамжамияти ва алоҳида ҳамжамиятлар ҳаётида бурилиш даврлари маълумки, бу даврларда уларнинг ҳаётлари танглик ҳолатлари, кескин ижтимоий конфликтларни бошларидан кесирганлар. Танглик вазиятларида инсонлар ўз кучларини иложи борича ишга солганлар, бу тангликларни бартараф қилиш учун инсонларнинг онг ва иродаларини сафарбар қилганлар. Тангликлардан чиқишнинг тарихий тажрибаси шуни кўрсатадики, жамият амалга оширадиган ҳаётини танлов ҳозирги кундан қаноатланмагани, ўтмишни идеаллаштиргани ва келажакнинг ноаниқлиги билан

аникланади. Ҳозирги вазиятлар оламнинг турли минтакаларида рўй бераётган табиий катастрофалар тарзида дейсизми, ҳарбий ва фуқаровий келишмовчиликлар тарзида ёки кескин ижтимоий, иқтисодий, сиёсий силкинишлар дейсми намоён бўлаётган ниҳоятда танг белгиларга тўлиб кетаяпти. Уларни санаб ўтмасак ҳам ҳамма билади. Мустақил мамлакатлар ҳамкорлигидаги мамлакатларнинг ҳеч бири ҳам ана шундай ҳолатлардан холи эмас. Ҳозирги кунларда ноҳуш прогнозлар ва пессимистик башоратлар ҳар қанча кўп бўлмасин, барибир, одамларнинг орзу – умидлари келажакнинг яхши бўлишига қаратилган.

Ҳозирги давр остонасида жаҳон ҳамжамиятидаги тангликлар жамиятни қайта қуришга доир заруриятлар (ижтимоий эҳтиёжлар) лозим эканлигини, иқтисодий, сиёсий ўзгаришларнинг балансланган мутаносиблиги ўрнатилиб, шу билан жамиятнинг ҳаётий фаолият қобилиятини таъминлаш лозим эканлигини равшан кўрсатди. Иқтисодий ҳавф ҳар ким томонидан ҳар хил онгланди, бундай ҳавфни бартараф этишга доир тавсиялар эса ундан ҳам турли – туман эди. Масалан, марксчилар ҳозирги шароитларда чидаб бўлмас стихияларни юзага келтираётган нарса хусусий мулкдир, деб билдилар. Шунинг учун улар хусусий мулкчилик ўрнига ижтимоий (давлат) мулкчилиги билан алмаштиришни ва унинг асосида хўжаликни режали асосда юритишни ўрнатишни таклиф қилиб чиқдилар. СССРда социализм қуриш тажрибасини жамиятнинг кескин ўзгартиришга бўлган биринчи уриниш деб тушуниш мумкин эди. Маълумки, бу йўл билан жамиятни қайта қуриш мавафақият билан тугалланмади.

Ижтимоий ўзгаришларнинг иккинчи йўли Америка Қўшма Штатларида Т.Рузвельт президентлик қилган даврда амалга оширилган ислохотлардир. Ижтимоий ҳаётни ўзгартиришга доир ислохотлар америка жамиятини 1929-1933 йиллардаги тангликдан олби чиқишининг сифатли ва ҳаётбахш эканлигини яққол намоёиш қилди. Америкача ислохотлар иқтисодга давлатнинг аралашиш характерини ўзгартирдилар: иқтисодни регуляция қилиш ва ижтимоий сиёсат ижтимоий

барқарорликни ушлаб туришга қаратилган зарур элементлар билан тўлдирилди. Бу ислохотларда ижтимоий қурилишнинг асоси сифатида мулкнинг турли шакллари хил – хиллиги янгилик, аралаш иқтисоднинг мулк шакллари хилма – хиллиги сақланган анчагина кучли давлат сектори ва хусусий мулк ҳукмронлиги мавжуд эди. Иккинчи янгилик турли ижтимоий гуруҳлар ва аҳолининг турли барча қатламларининг манфаатларини ҳисобга олиш имкониятини берди. Айнан шу чоралар Америка ҳамжамиятининг яна барқарор тараққий этишига асос бўлди. Шундай тадбирларнинг амалга ошириш туфайли ҳозирги Америка жамиятини «демократик жамият», «демократик капитализм», «эркин бозор иқтисодиётли жамият» деб атаб келадилар. Кейинги йилларда «либерал – демократик система» деган тушунча кенг тарқалди.

Ҳозирги замон либерал – демократик системаси ўз тараққиётида катр босқичларни ўтди. 1950 йилларгача фақат унинг асослари шаклланди. 1960-1970 йилларга келиб асосан илмий – техника революцияси ва кенг меҳнаткашлар оммасининг тазийқида туфайли ўзининг ривож топган шаклига эришди. Ҳар иккала жиҳат ҳам иқтисодда созлаш (регулировка қилиш) асосларининг кучайишига ва умуман жамиятда унинг ўрни кўтарилишига олиб келди. Ҳодимларнинг касбий маҳоратини ўстириш ва қайта тайёрлаш системаси қайта тайёрлаш системаси қайта қурилди, таълим ва соғлиқни сақлашда ислохотлар амалга оширилди тараққий топган ижтимоий сфера вужудга келди, унинг эҳтиёжларига миллий даромаднинг каттагина қисми ажратила бошлади. Ишлаб чиқаришнинг кўтарилиб борган самарадорлиги кенг аҳоли қатламларининг моддий эҳтиёжларини қониқтира бошлади ва истеъмол маҳсулотларининг кўплаб чиқарилишини тақозо этди. Жамиятнинг фаровонлигини оширишга, аҳоли турли қатламлари ва гуруҳларининг манфаатларини қондиришга зарур шароитлар яратилди. Жамиятда айнан бозор иқтисоди асосида ривожланиши мумкин бўлмаган фан, таълим, маданият, экология тиббиёт спорт сингари соҳаларининг тез ўсиши кузатилди. Ўртача умр кўриш ёшининг ортиб бориши ва

бунга боғлиқ ҳолда нафақат хўрлар сонининг ортиб бориши билан боғлиқ социал таъминот институтларининг юзага келишини ҳам шу қаторда айтиб ўтиш керак. Уларнинг ҳаммаси бюджет томонидан таъминлангандирлар, бу нарсаларнинг ҳаммаси жамиятни созлаб туришда давлатнинг ролини ошириб юборди.

Бугунги кунда ҳозирги замон ижтимоий системасига бўлган энг катта талаб хўжаликни балансланган ва барқарор фаолият юритадиган бўлишини таъминлашдан иборатдир. Бу нарсага давлат томонидан бозор муносабатларини созлаб турилиши билан эришилади. Бунинг устига ҳамма ишлаб чиқариш элементлари, шунингдек, ишлаётган одамлар ҳам созланиб туради, чунки балансланганлик фақат керагидан ортиқ маҳсулот чиқариб юборилгани учун бирор ишлабчиқариш тармоғининг тўхталиши билангина эмас, одамларнинг забастовкаси (иш ташлашлари) туфайли ҳам бузилиши мумкин. Шунинг учун ишлаётган одамларнинг нормал ҳаёт даражасини таъминлаб турувчи ижтимоий сиёсат ҳам регулировка қилишнинг зарур элементи ҳисобланади. Бироқ меҳнат қилаётган кишиларнинг ҳаёти улар оиласидаги ишлаб, яшашларига керакли емиш топа олмайдиган бола – чақалари, ота – оналари, хуллас қарамоғидаги меҳант қилмайдиган оила аъзолари ҳаётидан айри кечмайди. Шунинг созлаб туриладиган, барқарор жамият фақат озчиликнинг эмас, аҳолининг барча қатлам ва табақаларининг манфаатлари ҳисобга олиниши керак

Либерал – демократик системада нимаики созлаш учун имкон яратса, ўша нарса базис ролини ўйнайди. Бу асосий ва зарур элементи давлат сектори бўлган аралаш иқтисод – регулировка қилишнинг энг муҳим ричагидир. Аралаш иқтисод дегани фақат ва хусусий (гуруҳ ва индивидуал) мулкларнинг бирга яшашидан иборат мулк шакллари мажмуи эмас, бу уларнинг бир – бирига чатишиб кетиши, ўзига хос қотишмасидир. Бу мулк шаклларининг меҳнат тақсимоти, ишлабчиқариш кооперацияси орқали боғланганлигидан ташқариш функцияларнинг бўлиниши орқали ҳам

боғлангандир. Мулк функциялари орасида: эга бўлмоқ, ишламоқ, хукмронлик, ва фойдаланилмоқ асосан хусусий эгалар кўлида бўлади, бу нарса бозор муҳитини юзага келтиради ва хўжаликни самарали юритишни таъминлайди. Шу билан бирга, тақсимот ва хўжаликни регулировка қилиш (айниқса, узок муддат истикболда) ишларига давлат аралашади. Давлат хўжалик юритишни бир рамкага соладиган тегишли қонунчиликни яратади. Давлат солиқ йиғиш йўли билан улкан бойлик тўплайди ва сўнгра уни умуммиллий вазифаларни ечиш, узок муддатга мўлжалланган мақсадларни бажариш, устувор йўналишларни таъминлаш, барқарорликни ушлаб туриш, жамиятга зарур бўлган ижтимоий эҳтиёжларга йўналтириш, бозор иқтисодига кирмаган соҳаларни қўллаб – қувватлаш сингариларга ишлатади.

Жамият тараққиётининг янги фазасида ишлаб чиқариш янада ижтимоийлашади, янги босқичга кўтарилади, унинг самарадорлиги юқори бўлади, кўпроқ эгилувчан ва динамик ва шу билан бирга, барқарор, балансланган бўлади. Ижтимоий ҳаётни бундай ташкилланиши одамлар фаолиятини кучайтиради, ташаббусни оширади, уларни самарали, оптимал ақл – идрок хўжалик юритишга чорлайди. Бундай ташкилланиш (ташкилаш) иқтисоднинг давлат ва хусусий омилларини муштарак қилади (албатта, муаммолар бўлмаслиги мумкин эмас), капитализм бошланишига хос бўлган давлат мулкани хусусий мулк бсотириб қўйишига, ёки социализмга хос хусусий мулкчиликнинг давлат мулки томонидан эзиб ташлашидек камчиликни бартараф этади. Давлат ва хусусий мулкнинг чатишиб кетиши либера – демократик системанинг муҳим жихати бўлади, бироқ албатта, турли мамлакатларда ва турли вақтларда давлат ва хусусий мулк асосларини пропорцияси, уларни хўжаликнинг у ёки бу соҳаларга қаратиш, солиқларнинг йиғилиши, уларнинг кўп ёки оз миқдорда олиниши, сарфланиши ва ш.ў. ўзига хосликларга эга бўлади.

Янги турдаги иқтисодий муносабатларнинг асосида бир – бирлари орасида муайян муносабатларга киришуви ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар юзага келади, янги сифатдаги янги

ижтимоий дифференциаллашиш пайдо бўлади, яъни янги ижтимоий структура юзага келади. Унинг ўзига хос хусусияти шундаки, аввалги алоҳида ижтимоий гуруҳлар (синфлар) орасидаги аниқ чегара ёйилиб кетади, уларнинг янада ижтимоий дифференцияланиши, махсусланиши жараёнлари рўй беради, ўз мутахассислиги, оладиган даромадлари, маданият даражаси, фаолият тури, сиёсий мавқеи билан фарқ қилувчи кўп сонли қатламлар ва гуруҳлар пайдо бўлади. Ишлабчиқариш соҳасида ишловчилар сони камаяди, маиший хизмат соҳасида ишловчилар сони тез ортиб кетади, улар иқтисодий фаол аҳолининг катта қисмини ташкил қиладилар. Ишловчи аёллар фоизи кўпаяди.

Меҳнат ишлабчиқаришининг ўсиши ва барча ижтимоий гуруҳлар учун яхши ҳаёт даражасини таъминлашга қаратилган ижтимоий сиёсат даромадларда катта фарқ бўлишига олибкелмайди. Ривожланган мамлакатларда у одатда 1:10 нисбатдан ортиб кетмайди. Шунга мувофиқ ҳолда жамият ижтимоий структурасида мулкнинг турига ёки синфларга тегишлилик жиҳатидан фарқ солиштирма оғирлиги камайиб, саноатда, маиший хизмат, фан, давлат хизмати, ҳарбий муассасада ишлаш характериға қараб фаолият турлари бўйича фарқлар орта боради. Кўп ўлчамли ижтимоий структура шаклланади. Бу структуранинг характерли жиҳати шундаки, асосий қисм ўрта синфга тўғри келади, бу синф асосан юқори тоифали, тухника прогресси давриға хос аклий меҳнат билан шуғулланувчи, тез ривожланиб бораётган фан ва маданият эгаси бўлган одамлардан иборат янги ўрта синф бўлади. созланиб турувчи тараққиётдан келиб чиқувчи сиёсатда барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламлар манфаатларини ҳисобға олиш зарурити шунга олиб келадикки, ижтимоий зиддият муносабатлари компромисс, келишув, ўзаро таъсир муносабатлари томонидан сиқиб чиқарилади. Бу албатта, жамиятда мутлақо зиддиятлар қолмайди дегани эмас, улар юзага келади ва юзага келмоқда ҳам. Буни иш ташлашлар ва шунингдек, миллий, минтақавий, жинсий, ёш келишмовчиликлари асосида келиб чиқаётган турли

тўқнашишлар кўрсатиб турипти. Бирок барчанинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш мурасага келиш, ўзаро келишилган томонлар учун маъкул бўлган қарорларга келишга имкон беради. Синфий кураш, айниқса, унинг кескин шакллари либерал – демократик системаларда энди ҳаракатлантирувчи куч бўла олмайди.

Иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тегишли сиёсий муносабатларнинг шаклланишига ёрдам беради. Барча ижтимоий қатламлар ва гуруҳларнинг ижтимоий мавқега эга бўлиши уларнинг сиёсий жиҳатдан тенг бўлишларини, улар вакилларининг сиёсий соҳада тенг ҳуқуқли бўлишларини тақоза этади. Одатда ижтимоий гуруҳнинг манфаатларини сиёсий партиялар ифодалайди: бундан кўппартиявийлик, сиёсий плюрализм, сиёсий қарорларни манфаатларни мувофиқлаштириш, сиёсий компромисс зарурати келиб чиқади.

Сиёсатда ҳал қилувчи ролни халқ ўйнайди, чунки у миллатнинг асосий қисмини ташкил қилади ва асосан «ўрта синфга» мансубдир. Шунинг учун халқ у ёки бу шаклда юксак арбитр, қонунларнинг манбаи бўлиб хизмат қилади. Шунинг учун сиёсий ҳаётда сайловлар, референдумлар, сўровлар, оммавий ахборот воситаларининг фаолиятларига катта ўрин берилади. Оммавий ахборот воситалари ижтимоий манфаатларни ифодаловчи вазифаларини бажаришлари учун мустақил бўлмоғи керак.

Сиёсий плюрализмга мафкуравий плюрализм мувофиқ келади, фикрлар эркинлиги, ҳукмрон фикр бўлмаслиги, эркин ахборот алмашинуви бўлмоғи керак. Оммавий ахборот воситаларининг мустақиллиги дегани у ёки бу оммавий ахборот воситасида ўзининг муайян позицияси бўлмайди дегани эмас, бу дегани бирор қандайдир информация учун таъқиқнинг йўқ эканлигидир. Фақат ижтимоий ҳавfli доктриналар, миллий адоват, зўравонлик, фашизм ва шунга ўзшашлар таъқиқланади. Ҳозирги даврда мавжуд бўлган либерал – демократик система тараққиётининг янги босқичи 1980-1990 йилларда бошланди, бунга информацион революция ва 1974-1975 йиллардаги жиҳон иқтисодий танглиги сабаб

бўлди. Танглик шуни кўрсатдики, ҳаддан ташқари катта бўлган давлат сектори самарасиз бўлар экан, батафсил (майда - чуйдасигача) ва ҳаммани камраб олган иқтисодий созлаш ошиб кетган ижтимоий сиёсат, юқори солиқлар ҳам самара беравермас экан. Ижтимоий системанинг янги ишлаб чиқариш ва тарихий шароитларга мослашиш АКШ ва Англияда бошланган ва бошқа мамлакатларга ҳам қандайдир даражада тарқалган янги консерватив курс тарзида амалга оширилди. Бошланган ислоҳотлар давомида давлат секори қисман хусусийлаштирилиб, қисқартирилди, ижтимоий эҳтиёжларга қилинадиган харажатлар камайтирилди, солиқлар пасайтирилди, иқтисодий жиҳатдан мукаммаллаштирилди. Информацион инқилоб ҳокимият характерини ўзгартиради, энди у кучга таянавермай, билимга, ахборотга таянади ва ишонтириш, тушунтириш йўли билан йўли билан ишлайди. Информацион техникасининг кенг қўлланиши бошқаришни мукаммаллаштиради, давлат бошқарув аппаратини қисқартириш, бюрократияни камайтиради, ҳокимият ва бошқарувни демократлаштиришга олиб келади.

Ижтимоий системадаги ўзгаришлар мулкнинг аҳамиятини пасайтиради ва кимни ахборотга эга бўлса, ўшанинг ролини оширади. Умумий ахборотнинг, жумладан, даромадлар тўғрисида, маблағларни тасдиқлашнинг ҳамма учун бориб етиши эксплуатация қилиш имкониятини қисқартиради. Одамлар орасидаги ижтимоий фарқлар асосан мулкка эга бўлиш туфайли эмас, уларнинг фаолиятлари қайси соҳада (саноат, давлат хизматчиси, маданият, фан, маориф, армия ва ҳоказо) фаолият кўрсатишларига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, либерал-демократик система вақт ўтиши билан маълум ўзгаришларни бошидан кечиради, бироқ унинг аралаш иқтисод, бозор муносабатларини давлат томонидан созлаб (регулировка қилиб турилиши), ижтимоий сиёсат, дифференциациялашган ижтимоий структураси, сиёсий демократия, мафкуравий плюрализм сингари асослари сақланиб қолади. Бу система қозирги кунда ҳам энг илғор таракқий қилган ижтимоий тузилма бўлиб қолмоқда.

Либерал-демократик ижтимоий система ҳозирги замонни дунё тарихининг бир даври, ҳозирги замон босқичи деб намоён қилади. Бирок ҳозирги замон тарихий ҳодиса сифатида жуда кендир. Ҳозирги замон, яъни шу босқич ўз ичига ҳозирги вақтда мавжуд бўлган ҳамма нарсанни, барча ижтимоий системаларни, барча ижтимоий организмларни олади. Ҳозирги замонавий ижтимоий-тарихий олам ниҳоятда мураккаб ва турли-тумандир. Унда салкам олти миллиард одам яшайди. Демографларнинг башоратига кўра, ХХІ асрда аҳоли сони ўсишда давом этади. Ҳозирги вақтда сайёрамизда икки юздан ортиқ давлатлар мавжуд, ва улар сони ортиб боради, деб олимлар олдиндан айтмоқдалар²⁰⁵.

Мавжуд давлатлар ўзларининг кўп сонли хусусиятлари билан фарқ қиладилар, уларнинг тараққиёт даражалари ҳам ҳар хил ривожланган АҚШ, Япония ва бир қатор Европа давлатлари билан бир қаторда Лотин Америкаси, Осиё ва Африка қатор мамлакатлар борки, у ерларда халқлар амалда примитив маданиятлар босқичида яшамоқдалар. Турли тараққиёт даражасидаги мамлакатлар ва халқларнинг бундай тўплами (бирикмасини) турли даврлиликнинг бирвақтлилиги деб аталади.

Умумдунёвий жараёнлар бизнинг вақтимизда одамларнинг ҳаётга жуда катта таъсир ўтказаётгани учун ҳозирги оламни (даврни) ўрганиш ижтимоий фалсафанинг долзарб масаласидир. Ижтимоий фалсафа ҳозирги замонда ижтимоий дунёсининг энг умумий хусусиятларини ўрганишга йўналган экан., аввало унинг икки жиҳатини кўриб чиқади: ижтимоий организмларнинг ўхшашлиги ва уларнинг ўзаро алоқадорликлари. Бирчи масала ҳозирги замон олимининг ягона манзарасини яратишга имкон беради, иккинчиси-уни бир бутун тарзида кўришга имкон беради. Ижтимоий организмларнинг бир-бири билан алоқасининг тараққиёт жараёни глабаллашув деб ном олган. Глабаллашув ҳозирги замон ижтимоий билишининг энг муҳим мавзусидир.

²⁰⁵ И.К. Назаров. Географик башорат ва амалиёт 2010 йил

Ҳозирги оламнинг ягона манзараси анча мураккаб. Ижтимоий организмларнинг бирлиги (ўхшашлиги) уч аспектда намоён бўлади. Биринчидан, бу ихтиёрий танлаб олинган белгилар, алоҳида олинган элементлари бўйича ўхшашлик. Бундай ўхшашлик умумий, универсал ҳаёт тарзи деб аталади. Иккинчидан, энг асосий система ташкил этувчи, яъни мамлакатларда бир-бирига ўхшаш айти бир хусусиятлари бўйича ўхшашлик. Учинчидан, ягона жаҳон тарихий жараёнининг турли даражаларида бўлган мамлакатлар бирлигининг ўхшашлиги, чунки кўпроқ ривожланган босқич аввалги босқичларни ўтган бўлади, ва ўтмишидаги тараққиётдан барча ноёб ҳаётий муҳим жиҳатларни ўзида олиб қолган бўлади.

Ҳозирги замоннинг ягоналиги катор омиллардан келиб чиқади, уларнинг сони ҳам ортиб бормоқда, ва уларнинг уларнинг ўхшашликлари ҳам кучайиб бормоқда. Биринчидан, бу техникавий илмий прогресс, ҳозирги замон инфор­мацион революцияси, бу омиллар ҳар бир мамлакатга бирор даражада тегишли ва бирдан ижтимоий оқибатларга олиб келади. Иккинчидан, ҳозирда, ҳозирги дунёда мамлакатларнинг бирлашиб кетган ўзаро таъсири. Ҳолбуки, давлатлар орасидаги ҳамдўстлик ҳам, рақобат ҳам айти бир натижаларга олиб келади. Ва ниҳоят, бир ҳиллаштирувчи таъсир кескинлашиб кетган глобал муаммолардан келиб чиқади.

Универсал ҳаёт тарзи жаҳон иқтисоди, трансмилий компанияларнинг фаолияти, халқаро савдо, телевидение, маданий алоқалар таъсирида вужудга келди. Ҳозирги замон тараққиётининг таҳлили тадқиқотчилари Д.Нэсбит ва П.Эбурдин таъкидлаб ўтганларидек, “ривожланаётган дунёнинг барча шаҳарларида ёшлар маданиятининг халқаро жиҳатлари мавжуддир. Биз емишларимиз, музикамиз, модалар ҳам Сизта ҳам янги универсал ҳаёт тарзи кечмоқда. Бу ҳаёт тарзи ягона истеъмолни юзага келтиради, одамлар бирдай кофе, бирдай маданли сув ичадилар, бирдай мебель билан ясайдилар, ягона фирма кийимини киядилар, “Хонда” ёки “Ауди”

машиналарида юрганларида ёки Макдонлье га кирганларида бирдай рок музыкасини тинглайдилар”.²⁰⁶

Универсал ҳаёт тарзи одамларнинг ҳар кунги ҳаётининг катта қисмини ўз таъсирига олади, гарчи ҳозирча у фақат истеъмол соҳасини камраган бўлса-да. Интенсив маданий алоқа, алмашинувлари рўй бермоқда. Ғарбда Шарқона турли маданий –диний системалар, шарқона тиббиёт, шарқона одатлар оммалашиб, расм бўлмоқда. Ғарбдан Шарқ томон янада куяли маданий оқим оқмоқда. Инглиз тили деярли бутунжаҳон тилига айланиб бомоқда. Телевидение ва кинотеатрлар асоси ғарб ва америкача филмларни номойиш қилмоқдалар. Шарқ кишилари кўпроқ ғарб кадриятларини ўзлаштирмоқдалар. ғарб асоси америкача маданиятининг бундай босиб киришини “маданий империализм” деб атамоқдалар. Бундай босиб кириш, забт этиш ўз-ўзидан унга карама - қарши –«маданий миллатчилик»ни, миллий анъаналар, одатлар, институтлар, кадриятларни сақлаб қолиш, ҳимоя қилишга интилишни юзага келтиради. Бундай анъаналар айниқса ислом мамлкатларида сезиларни акс этмоқда. Ҳоирги замонда миллий манфаатларни ҳимоя қилишга интилишлар Ғарбнинг иқтисодий, сиёсий ва маданий тазъийки билан боғланган бўлиб, уларга бирор тўсиқ қўйиш ниҳоятда қийин.

Турли ижтимоий организацияларнинг ўхшашлиги кўп жиҳатдан уларнинг у ёки бу цивилизацияларга тегишли эканлиги билан белгиланди. Ўтган параграфларда қайд қилиб ўтганимиздек, одатда цивилизацияларни диний-маданий белгиларига бутун ижтимоий организмга ўз таъсирини ўтказди. Америкалик олим С.Хантингтоннинг фикрига кўра, дунёда ғарб, конфуцион, япон, ислом, хинду, православ – славян цивилизациялари мавжуддир. Бу «цивилизациялар тарих, дин, одатлар, институтлар сингари объектив ҳислатга эга бўлган умумий белгилар ва одатларнинг субъектив ўз – ўзидан идентификациялланиши билан белгиланади». ²⁰⁷ Цивилиза-

²⁰⁶ Каранг :Д.Несбит, П.Эбурдин. Что нас ждёт в 90-е годы., М., 1992.С- 135 .

²⁰⁷Каранг: С.Хантингтон. Столкновение цивилизаций. // Политическая исследования. 1994. № 1. С-34.

циялар орасидаги фарқлар уларнинг моҳиятларини йўққа чиқариб юбормайди. Бироқ ҳозирги бирлигининг муҳим кўрсаткичи унда турли ижтимоий ситемаларнинг мавжудлиги, бу системалар турли даражада ривожланган ижтимоий организмлар бор эканлигини акс эттириши, уларнинг барчаси ҳозирги замон шароитларида биргаликда яшаётган дунё тарихий жараёнининг кетма-кет келадиган босқичлари эканлигини билдиради. Аксинча, ҳеч қандай халқларнинг ва мамлакатларнинг «мутлақ глобаллашувчи ҳам», «мутлоқ изоляциялашув» ҳам бўлмаган. Бироқ, тарих давомида бу алоқаларнинг даражаси ҳам, характери ҳам ўзгариб турган. Бу жараёнда урта босқични ажратиш мумкин. XV-XVI асргача бўлган босқич даврида ўзаро заиф алоқада бўган, ўзларини – ўзлари уддалай оладиган ижтимоий организмлар. XVII асрдан XX асргача бир-бирлари билан чамбарчас боғланган ўзаро алоқадорликда бўлган давлатлар шакланди. XX асрнинг иккинчи ярмидан давлатларнинг миллатлардан баланд турувчи, глобал структуралар билан ўзаро боғланган бир бутун дунё юзага келди. Ўзининг ташкил этувчиларга келтириб бўлмайдиган бир бутунликнинг вужудга келди. Бир бутун дунё қатор омиллар таъсирида вужудга келди. Бу омиллар асосийлари халқаро меҳнат тақсимооти, жаҳон савдоси бўлиб, улар иқтисодларнинг интеграллашувига ва жаҳон иқтисодининг вужудга келишига сабаб бўлди. Бу жараён трансмиллий корпорациялар (ТМК) ларнинг пайдо бўлишида ўз ифодасини топди. Ҳозирги замон иқтисодида 37 минг ТМК лар бўлиб, улар ўзарининг 200 дан ортиқ филиаллари билан бутун сайёрамизни қамараб олдгандир. Улар бутун ишлаб чиқариш фондларининг учдан бирига эга, умумсайёравий маҳсулотнинг 40% дан ортиғини ишлаб чиқаради, ташқи савдо айланмасининг яримидан кўпи бўлган банкларнинг 100 га яқини трансмиллий банклар бўлиб, уларнинг учдан бир амаллари ўз мамлакатларидан ташқарида амалга оширилади.

Иккинчи жаҳон уриши ва ундан сўнг социализм билан капитализм орасидаги бир-бирига қарама-қарши (бу фақат 1990 йилларга келибгина тугалланди) ҳарбий соҳада глобаллашувни

юзага келтириди-глобал ҳарбий структуралар-ҳозирги замон куруллари (ядровий, бактериологик, химиявий) ва уларни сайёранинг исталган нуқтасига элтувчи воситалар юзага келди. Бу куруллар нафақат айрим мамлакатларнинг, балки бутун инсониятнинг яшаб қолишига ҳавф туғдириши бошлади. Бунга дунёвий курул-яроғ савдоси кўплаб миллионли армиянинг юзага келиши, унинг кўпинча дунё сиёсатида фойдаланишига сабаб бўлади. Глобал ҳарбий струкурага НАТО ҳарбий балки ва бутун дунё бўйлаб жойлаштрилган америка ҳарбий базалари мисол бўла олади.

Бунинг давримиз ер цивилизациясининг барча аввалги тараққиёт даврларидан баъзи принципиал жиҳатлари билан фарқ қилади. Инсоният цивилизацияси тарихида ҳозирги дунё ҳамжамиятига хос ҳаётий жараёнларнинг бундай юксак интергацияси кузатилмаган эди. Бир маданият ва бир жамиятдаги ижобий ва салбий ўзгаришлар бошқа маданиятлар ва жамиятларни ўз ортидан эргаштиради. Ҳозирги кунда ер борлиги фазосини алоҳида ҳамжамиятлар изоляцияланган ҳолда яшовчи бўлмайди. Ҳозирги замон транспорт ва информацион оммавий коммуникациялари Ер юзида етмайдиган жой қолмади. Энг узок жойлашагн ҳудудларга, агар 1950-1960 йилларда мавжуд бўлган аҳборот воситаларига қиёслайдиган бўлсак, алоқа бир онда етиб боради дейишимиз мумкин. Ҳозирги замон цивилизациясининг аввал ўтган цивилизациялардан яна бир фарқли жиҳати сайёрамиздаги ҳом ашъё ва энергетик ресурсларнинг чекланганлиги тўғрисидаги маълум тезис билан боғлиқ. Ҳозиргача Ермиз ресурслари цивилизацияларнинг муваффақият билан яшаб келишини таъминлаб келмоқда эди, бироқ уларнинг тамом бўлиши тенденияси тобора барқарорлашиб бормоқда. Яна бир муҳим фарқи сайёрамизнинг ифлосланиб бораётгани ва инсоннинг борган сари табиат органик, ноорганик тирикга салбий ҳужумнинг ортиб бораётгани масаласидир. Ҳар ҳолда инсоннинг бугунги табиатдан фойдаланиш характери катострофик оқибатларга олиб келиб, унинг кейинги яшашига ҳавф туғдирмоқда.

Биз санаб ўтган жамият ҳаётининг ҳозирги тараққиётига хос жиҳатлар глобал муаммолар деб аталади. «Глобал муаммолар» иборасининг ўзи бутун Ер цивилизациясига таалукли бўлган энг умумий муаммоларни билдиради. Энг муҳим глобал муаммолар тарзида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин.

- Инсон ва инсон жамиятининг табиатга муносабати муаммолари. Улар Ер биосферасининг ҳолатини, у ёки бу одамлар ва одамлар ҳамжамияти яшаб ҳаёт кечираётган минтақалар муҳитининг экологик ҳолатини (ифлосланган ёки софлигини) белилайди.

- Ҳозирги замон жамиятида кузатилаётган универсал анъаналар, жараёнлар ва ўзгаришларни ифодаловчи муаммолар. Гар бу ерда ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий зиддиятлар, ҳарбий конфликтлар, ядро хавфи, оммавий террор, бизнинг сайёрамиздаги аҳоли ҳолат динамикаси, одамларнинг яшаш даражалари, хусусан уларни озиқ-овқат билан таъминлаш оммавий очлик, аҳоли сиҳатл саломатлиги ва шунга ўхшаш) муаммолар.

- Жамият ҳаётига индустрал-саноатнинг таъсир кўрсатиши ва ижтимоий ҳаётга информацион-коммуникация технологияларининг тараққиётининг истиқболлари муаммолари.

Келажакни скептик башорат қилишлар ҳам бор. Бизнинг сайёрамизнинг ресурслари тамом бўлиб бораётгани муаммоси тўла асосга эга. Бу ресурслар табиат тамонидан уларнинг тўлдириб боришга нисбатан интенсивроқ ва тезроқ сарф қилинмоқда. Инсоннинг Ер табиатига таъсири шундайки, табиат ернинг аввалгидек ҳаётини таъминлай олмайди. Инсоннинг атроф муҳитга шафқатсиз таъсири, тирик дунёсининг қириб юборилиши, энергетик ва ҳомашъё ресурсларини узлуксиз эксплуатация қилиниши, ташқи оламнинг ифлосланиши улкан масштабларда ўсиши, эпидемиялар, касалликлар ва х.к.лар – бу булар бизнинг кунларда одамларнинг ҳаётига кўп салбий таъсирини ўтказётган асосий сабабларнинг ҳамаси эмас. Агар инсон ўзининг табиатига йиртқичларча муносабат потенциалини

ортириб борраверса ўзининг ирриоцианал боқимандалик муносабатларини ўзгартирмаса табиат бир вақтлар худди шундай зарурат билан йўқ қилиби кўяқолади.

Озиқ овқат муаммосининг глобал характерини муҳокама қилиш одамларнинг конкрет ҳамжамиятлар чегараларида ва бутун жаҳон ҳамжамияти миқёсида озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлаш маъносида олиб борилиши билан боғлиқ. Бир жамиятларда озиқ-овқат маҳсулотларининг истеъмол қилиш эҳтиёжи уларнинг хилма-хил ва сифатли бўлиши маъносида ошиб бормоқда. Бошқа жамиятлар оч ва ярим оч ҳолда ҳаёт кечирмоқдалар. Тарққий қилган ва бой мамлакатлар билан рифожланаётган камбағал мамлакатлар орасида ўта хавфли узилиш юзага келган ва у ҳамон мавжуд. Бой мамлакатларнинг аҳолиси ҳаддан ташқари истемолига йўналган бутун дунёнинг ресурсларини тупланишини ва иқтисодий ўсишни юқори шиддатни талаб қилиш характерли бўлиб қолган. Ривожланган мамлакатларда киши бошига материаллар ва энергия ресурсларини сарф қилиш камбағал мамлакатлардагидан ўртача марта максимал даражаси эса 100 марта ортиқдир. Бироқ ривожланган мамлакатлар ўттизга яқин ва уларда яшаётганлар «олтин миллиард» кишилар деб ном олган, ҳолбуки 130-140 мамлакат камбағалдир. Бу мамлакатларда ер юзи аҳолисининг учдан икки қисмидан ачинарли ҳаёт кечирмоқда, бу ерда миллиардлаб оч-яланғочлар, саводсизлик, назоратсиз туғилиш, кучли равишда бузилган экология, тиббиётнинг аҳволи ниҳоятда танг ёки ўзи бўлмагани ҳолда кўпсонли касалликлар ва этник урушлар. Ҳозирнинг ўзидаёқ камбағал мамлакатлардан аҳолининг «ғарбга» тузукроқ ҳаёт излаб қочиб ўтиши тараққий қилган мамлакатлар учун жиддий хавф туғдирмоқда уларнинг иммиграция сезиларли камайтиришга мажбур қилмоқда. Бундай аҳвол келгусида Шимол ва Жанубнинг хавфли тўқнашувини юзага келтириш хавфи бор. Жаҳон даромадларини мамлакатлар орасида адолатлироқ тақсимлаш зарурати мавжуд, бироқ ҳозирги шароитларда уни амалга ошириш мушукул.

Инсониятга бошқа томондан ҳам ҳавф тугилмоқда. Бу Ғарб мамлакатларининг ҳаддан ташқари истеъмол талабларига боғлиқ ҳолда иқтисодий ўсишларнинг юқори суратидир. Қолган мамлакатлар ҳам улардан ўрناق олмақдалар. Бунинг натижасида атроф муҳитга мумкин бўлмаган юк тушмоқда бу юк атроф муҳитнинг деградациясига олиб келмоқда. Озиқ-овқат муаммосини ҳал қилиш ерни ва чорвачилик хўжаликларининг ишлаш технологиясини рациоллаштириш ва ташкил қилишни мукамаллаштиришниталаб қилади. Шунини айтиш керакки, ерлар ҳам қашшоқлашиб борди ва сахро —чўлга айланиб боради. Жамиятнинг сув, ўрмон, ов ва бошқа бойликлари ресурслари ҳам тугаб боради. Энергетик муаммо-«қаерга қанча энергия зарур» деган масалани ечиш нефт, кўмир ва табиий газнинг сарфи билан боғлиқ, улар ҳам абадий эмаслиги маълум.

Гидроэнергетика экин экиладиган ерларни эгаллаб олган. Иқлим ўзгаришлари содир бўлмоқда, музларнинг эриши туфайли океан сатҳи кўтарилиб бормоқда. Олимларнинг ҳисоблашларига кўра, ҳозирги вақтда биосферага мумкин бўлган таъсир ҳажми 8-10 марта кўпдир. Кейинги ўн йилликда 200 млн га ўрмонлар йўқ бўлиб кетибди, сахролар майдонга 120 млн га кўпайган, 150 млн га ҳайдов қатлами йўқотилган. Эколог олимлар иқтисодий ўсиш суръатини пасайтиришни, истеъмолни ақлга мувофиқ тарзда камайтиришни, табиат билан мувофиқлашиб, гармоник барқарор тараққётга эришишни талаб қилмоқдалар. Бирок, «олтин миллиард» вакилларининг ўз истеъмол манфаатларини жон деб камайтиришга рози бўлишларини, бошқа мамлакатлар аҳолисининг уларга интилишини бас қилишларини умид қилиш соддалик бўлур эди. Буларнинг ҳаммаси либерал — демократик система ва дунёнинг ҳозирги замон тузилишининг умри узок бўлиши масаласини жиддий муаммога айлантиради. XXI асрда ҳозирги замон ижтимоий дунёси жиддий янгиланишга муҳтож бўлади.

Пессимизм, кўркўв ва ҳавфсирашларнинг яна бир комплекс сабаби — бу уруш ҳавфидир. Одамлар ўзларининг узок тарихи давомида узлуксиз урушлар шароитида яшаб

келганлар, бу нарса кўпинча инсон табиатининг агрессивлиги тўғрисида гапиришга мажбур қилади. Бундай фикрлаш одам зотининг агрессивликка биологик мойиллиги тўғрисидаги тезисга асосланади. Барча заиф жониворлар сингари одам ҳам гўё агрессив бўлмоғи лозим эмиш. Унинг устига, табиат билан ва бошқа одамлар билан курашда одам ан шундай ўзидаги агрессивлик ва ҳукмронликни ўтказиш керак эмиш. Ер юзасидаги энг қудратли маҳлуқот бўлган одамлар ўз агрессивликларини ўзларига қарши қарайдилар ва бу билан ўзларининг ҳаётларига яна бир ҳавфни вужудга келтирдилар. Инсон ўзининг босиқлиги ўз – ўзича интизомлиги, ақллиги ва ахлоқийлиги билангина яшаб қолди. У ўзининг агрессив мойилликларини жиловлаш ва тўхтатиб қўйишга қодир, шунинг учун тарбия доимо инсон зотининг сақлаб қолиш функциясини бажариб келган. Бироқ урушларни бартараф қилиш учун тарбия восита ва амаллари етарли эмаслиги, аниқ, албатта. Ахир одамлар сўзда ҳеч ким урушни ҳохламаган, ва аксинча ҳамма тинчлик тўғрисида гапирган вақтларда ҳам урушлар бўлаверган – ку. Моҳияти жиҳатидан ХХ асрдаги ҳаддан ташқари қуролланиш пойгаси ҳеч ким бир – бирига биринчи бўлиб ҳужум қилмасликни ҳохлаган, фақат агрессиянинг амалга ошишини олдини олишга қаратилган мудофаа доктринасининг ақлли ва асосли равишда амалга ошириш туфайли юзага келгани сир эмас. Бироқ натижада шунча кўп қурол – яроғ тўпландики, ер юзи аҳолисини бир неча марта қириб ташлаш ва Ер сайёрасини ҳаёт мумкин бўлмайдиган ҳолатга келтириш мумкин. Бу нарсалар келажакка нисбатан пессимистик башоратларга олиб келувчи яширин, ошкора бўлмаган кўрқувларни юзага келтирди. Агарки инсоният ўзининг яшаб қолиши учун қайғураётган бўлса, у урушнинг айниқса, атом урушининг олдини олиш шароитлар яратиб берадиган мураккаб ҳарбий – сиёсий музокаралар олиб боришга ўрганмоғи керак.

Бир бутун дунёнинг ички структураси ўзгариб бормоқда. Давлатлар сони ошиб бориши билан бир вақтда интеграция жараёни рўй бермоқда, йирик минтақавий бирлашмалар юзага

келмоқда, масалан, Европа Иттифоқи, эркин савдо ҳақида Шимолий Америка келишуви (НАФТА), Осиё – Тинч океани иқтисодий ҳамкорлиги ташкилоти (АТЭС), бундай бирлашмалардан бир неча ўнлаб аташ мумкин. Улардан ҳар бири бир неча миллионлаб аҳолини қамраб олган. Европа Иттифоқи ички интеграция жиҳатидан бошқаларга анча ривожланган, унда борган сари кўп томонлама умумий ҳаётини фазо юзага келмоқда, унда катта ҳуқуқларга эга бўлган умумий бошқарув органлари ташкил этилмоқда. Бу минтақавий бирлашма интеграция жараёнларининг катта имкониятларини намойиш қилмоқда ва бу жараёнларни юзага келтирмоқда.

Бир бутун дунё ўзининг бир бутунлик қонуниятларига мувофиқ яшамоғи мумкин ва лозим. Бугунги кунда ва яқин келажакда бир бутун дунёнинг асосий субъектлари, аввало, ўзларининг миллий манфаатларини юқори қўювчи мустақил, суверен давлатлар бўладилар. Бинобарин, давлатларнинг мустақиллиги ҳозирги замон дунё қурилишининг мустаҳкам асоси бўлиб қолади. Барчага хавф туғдирувчи глобал муаммолар тарзидаги зиддиятлар юзага келмоқда. Бундан ҳозирги замон дунёсида умумий тартибни тутиб туриш қобилиятига эга бўлган глобал бошқарув муаммоси турипти, бу бир бутун дунёнинг яшаб қолиши ва мавжуд бўлиши учун зарурдир. Бу зарурий тартиб стихияли созлаш, бозор механизмлари таъсирида таъминланиши мумкин деган умид оқланмаяпти. Тегишли онгли бошқару ҳаракатлари ва уларга тегишли структуралар бўлиши зарур.

Иккинчи жаҳон урушидан сўнг 1990 йилларнинг бошларигача икки улкан давлат СССР ва АҚШ давлатлари томонидан назорат қилинувчи биполяр (икки қутбли) дунё мавжуд эди. Бу давлатлар орасида шартномавий келишувлар БМТ сингари халқаро ташкилотлар ва шартномалар системаларига таянган ҳолда халқаро муаммолар ҳал қилинар эди. СССР ва социалистик система парчалангандан сўнг ягона қудратли давлат бўлиб қолган кучли АҚШ давлати етакчи бўлиб қолган кўп қутбли дунё бўлиб қолди. Дунёнинг аввалги структураси емирилгандан сўнг унда тартибни ушлаб туриш

кийинлашиб қолди. Глобал бошқарув муаммоси янада кескин тус олди. Глобал бошқарув назариётчилари бу муаммони ечишга доир икки йўлни таклиф қиладилар: дунё ҳукуматини тузиш ва координация қилувчи ташкилотлар системасини яратиш. Биринчи ёндошув миллий суверенитетдан воз кечишни тақозо қилади ва бугунги кунда уни амалга ошириш ҳақиқатдан йироқдир. Иккинчи ёндошув амалий қўлланилмоқда.

Глобал бошқарув бугунги кунда турли шаклларда амалга оширилмоқда. Давлатлар халқаро ҳуқуқ нормалари талабларини бажаришлари керак. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти фаолият кўрсатмоқда, унинг катор органлари, хусусан улар ичида энг обрўлиси Ҳавфсизлик Кенгаши ишлаб турипти. Саноат жиҳатидан ривожланган йирик давлатлар бошлиқларининг Кенгашлари БМТ билан рақобатлашмоқда ва баъзан катта нуфузга эга бўлмоқда. Бу халқаро бошқарувнинг энг олий даражасидир. Унинг ўрта даражаси ҳукуматлараро иқтисодий ташкилотлари, масалан, Тарифлар ва савдо ҳақидаги Бош Битим, Халқаро Валюта Фонди ва шунга ўхшаган ташкилотлар. Халқаро бошқарувнинг қуйи даражаси олимлар, жамоат ва сиёсий арбоблари, тадбиркорлик вакиллари, аввало трансмиллий бизнес соҳаси вакилларининг норасмий бирлашмалари бўлиб, улар долзарб муаммолар бўйича тавсиялар ишлаб берадилар (масалан, ўтмишда давлат ва ҳукумат бошлиқлари Халқаро ташкилоти, ўзаро таъсир Кенгаши ташкилоти ва хоказо).

Глобал бошқаришнинг ҳозирги шакл топган системаси ҳозирги замон дунёсини хаосдан сақланган ҳолда маълум даражада тартибга солиб туришга имкон беради. Шунга қарамай, муайян камчиликлар ҳам бор. Бошқарув кўпинча шу кунларнинг долзарб масалаларини ечишга йўналтирилган, узок истиқболга қаратилган эмас. Унда ўтағарбчилик йўналиши акс этиб туради, ҳозирги замон ижтимоий системаларини ва халқаро структураларини мустаҳкамлаб ушлаб туришга қаратилган. Ҳолбуки дунёда мамлакатларнинг ички қурилиши ва ҳаёти билан боғлиқ бўлган ва шунингдек халқаро муносабатлар билан боғланган ҳавфли ҳодисалар юзага

келмоқда. Бу жараённи «ҳозирги замон цивилизациясининг танглиги» деб юритилмоқда. Асосийси шундаки, ҳозирги замондаги мавжуд ижтимоий тартиблари Ер аҳолисининг катта учун нормал ҳаёт шароитларини таъминлаб бераолмаяпти.

Кишиларнинг сиёсий лоқайдлиги, ҳокимиятга ишончнинг йўқлиги ҳаётни яхшилаб қайта қуриш истиқболларини туманлашган ҳаёлларга айлантириб қўймоқда. Масалан, Россияда назариётчилар олдида Ғарб демократик моделини амалга оширишга доир қутилмаган қийинчиликлар юзага чиқиб қолди. Ғарбда эса анъанавий либерализмга турли томондан жамиятдаги, «сўл» ва «ўнг» сиёсий кучларининг радикал сиёсий ҳаракатлари ҳавф солмоқда. Бировлар агар одамлар орасида бир – бирига дўстларча қўллаб – қувватлаш ва бирликка асосланган маънавий алоқалар ўрнатилмаса, ғарбча жамият албатта емирилади, дейдилар. Бошқалар эса, тарихда мавжуд бўлган қудратли давлатларда бўлгани сингари одамларни миллийлик «руҳи» ва «қони» сугорилган символлар билан жонлантириш лозим, деб ҳисоблайдилар. Бировлар учун «чегарасиз дунё»ни шакллантириш ғояси йўналиш асоси бўлса, бошқалар, аксинча, жамият ва давлатнинг миллий мавқеъини мустаҳкамлаш ғоясини илгари сурмоқдалар. Бир қатор замонавий глобал тараққиёт таҳлилчилари бундай ривожланиш барқарорлигининг механизмларини излаб топишга интилмоқдалар. Бунда дунёда тараққиётнинг глобал жараёнлари этник ва миллий автономияни ҳамда алоҳида жамиятларнинг мустақиллигини онглаб етишга ёрдам бериши кўрсатиб ўтимоқда.

Ниҳоят, жамиятнинг маънавий соғломли ҳолати ҳам жиддий ҳавф тўғдирмоқда. Руҳонийлар ва файласуфлар, интеллектуаллар ва маданият арбоблари инсоний муносабатларининг маънавий соғломлаштиришга даъват қилмоқдалар. «Ҳавфли меҳмон» деб аталмиш нигилизм XIX асрда эшик қоқиб турган бўлса, бугунги кунда у ичкарига кириб олди ва нафақат норозилик кайфиятидаги зиёлиларни, балки жамиятнинг кўплаб бошқа аъзоларининг ҳам онгини захарлаб қўйди. Одамлар олий ҳаётий қадриятлар тўғрисида

фикрламай, бу кадрятларни қайта баҳолашни ўйламай қўйдилар. Бугунги кунда файласуфлар юз йил илгари бўлганидек, «Худонинг ўлими» тўғрисида эмас, балки «одамнинг ўзининг ўлими» тўғрисида огоҳлантиримоқда. Гап одамнинг худонинг борлигига ишончини йўқотган маърифатли атеизм даврини қайта фикрлаш тўғрисида бормоқда. Нигилизм жиддий асоси бор ва одамнинг ўз -ўзини онглаш даражасининг ривожини туфайли юзага келган бўлиб, у ҳамма нарсага қодир бўлган моҳиятнинг борлиги тўғрисидаги ишонч шаклидаги таянчга муҳтож эмас.

Инсон ўз билимига ва ахлоқий маъсулликка суяниб бормоқда. Билимнинг руҳий тажрибанинг барча сфераларига босиб бориши инсон ҳаётининг маъносини йўқотишга парадоксал тарзда ёрдам бериши. Нигилизм христиан ахлоқининг ҳаётнинг устунларини сақлаб туришга қаратилган ҳаёлий восита эканлигини фош қилди, «заифларнинг «кучли»лар устидан яширин ҳукмронлик шакли эканлигини ифодалар эди, бироқ ижобий ва ҳаётбахш дунёқараш бўла олмади. Аввалги кадрятлардан воз кечиш, ҳаётнинг маъносига ишончининг йўқотилиши одамларни пассив қилиб қўйди, даҳшатларга тўла жаҳон урушлари одамларнинг жимгина тобеълиги ва инсон идеалларининг қобилиятига ишонмаслик туфайлигина мумкин бўлди.

Ҳозирги замон жамиятида ҳокимият технологияси шунчалик модификация (турланишлар)га эгаки, дастлаб бўлаётгандек туюлди. Маслаҳатчилар ва консултантлар, терапевтлар ва психологлар, яшаш жойларини қулайлаштириш, дам олишни ташкил қилиш, турли суғурталарни амалаг ошириш, касбий таваккалчиликни ёки кўчада бўлиши мумкин бўлган фалокатларни айтиб берувчи мутахассислар – булар шунчалик кўпки, гўё эркинликни бўғайганидек туюлади. Шунинг учун ҳозирги вақтда норозиликлар ғалати шаклларда акс этмоқда: вақти – вақти билан одамлар қиммат турадиган муолажа методларини таклиф қилаётган врачларга эътироз билдира бошлайдилар, болаларга таълим бераётган педагогларга қарши, маълум пархез ва машқларни амалга

ошириш йўли билан ўз – ўзини тийишни лозим кўриб, соғлом турмуш тарзига эришишни тавсия қилаётган турли мутахассисларга қарши норозиликлар билан чиқмоқдалар. Бир томондан, бу тур мутахассислар ҳаётий қадриятларнинг сақланишини кафолатлаб иш кўряптилар – соғлик, ишлаш, дам олиш, маълумот олиш, уй – жойга эга бўлиш ҳуқуқини кафолатлашга интиломоқдалар. Иккинчи томондан, бу билимларнинг барчаси мустақил қарорлар қабул қилиш ва ўз тақдирини ўзи белгилаш эркинлигини батамом йўққа чиқармоқдалар. Донишмандларнинг насиҳатларида ҳавфли бўлиб кўринган лекин ҳар ҳолда агар ақлий, ахлоқий ва психологик асосий принципларга қаттиқ туриб амал қилинса, умид қилса бўладиган тадбирдек туюлса, ҳозирги вақтда энди минглаб ишчи ва мутахассислар хизмат қилаётган улкан заводнинг конвейерига таққос қилғулик мураккаб жараён тарзида намоён бўлмоқда. Инсон ҳозирда бир ўзи холида ўз ҳаётини самарали тарзда ташкил қила олмайди ва аҳолининг хизматини адо этаётган рекламалар ва турли хилдаги агентликлар ҳуқумронлигига учрайди.

Ҳозирги замон кишиси, бунинг учун улкан тутиб турувчи уринишларига қарамай, у ижтимоий ва маданий мавжудод бўлиб қолади. Тазъийқлар ва тақиқлар, ташқаридан мажбур қили шва куч ишлатиш аста-секин ўз-ўзини назорат интизомга айланди. Бироқ бундай ахлоқий бурч ва ички цензура системаси ҳам ката тезликда емирилиб бормоқда. Бунга бизлар сирли нигилизм ёки ахлоқнинг тубанлашиши сабаб эмас, балки бу кундалик тартибнинг ўзгаришидир. Аскетизм, ўз манфаатидан кечиш, бирдамлик, альтруизм (ўзидан кечиб, бошқаларга ғамхўрлик қилиш), тежамлилик ва истеъмолни чеклаш эскирган эзгуликлар қаторига кириб қолди, замонавий тартибланганлик тежамлиликка эмас, балки сарф-ҳаражатга асосланган. Ҳозирги замон истеъмол жамияти энди чекламайди, балки эҳтиёжларни бошқаради. Реклама, шунингдек, турли маслаҳатлар ва тавсиялар соғлом турмуш тарзини тарғиб қилар экан, бутун ҳаётни таъминлаш системасини сокингина ва хиралик қилмаган ҳолда, бироқ

инсонни мустаҳкам ва ҳар томонлама ўз тўрига илинтириб қўйган. Инсон ўз-ўзини чегарамаслиги, ўз хохишларини чекламаслиги, балки уларни қондириши лозим. Бу хохишларнинг сунъий равишда келиб чиққанлиги бошқарган ва уларни бажариш тартиб системасини емиради эмас, мустаҳкамлайди.

Бугунги кунда оммавий коммуникация ва информация воситаларининг инсоннинг шахсий ҳаётига аралашиши, бунда матбуот, радио, телевидениедан фойдаланиб инсон онгига кўрсатиладиган таъсир ҳокимиятнинг инсонларнинг ҳаёти устидан ҳар томонлама назорати одамлар ҳаётининг энг яхши идеалларини амалга ошиши ҳақидаги орзу-умидларини шубҳага солиб қўйди. Шу нарса аниқландики, учинчи минг йиллик бошларида жаҳон ҳамжамиятининг асосий ресурслари саноат индустриал ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг имкониятлари билан эмас, балки информацион-коммуникация технологиялар потенциалида бўлиб қолди. Информацион технологиялар томонидан таъминланадиган портлашнинг ҳавфи сайёра аҳолисининг ортиб кетиши ёки ифлосланишидан кам эмас. Бугунги кунда информацион ресурслар ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ҳаётда етакчи роль ўйнай бошлади. Информация ва билим иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий маъноларда умум инсоний капиталга айланди. Информацион технологиялар — ҳисоблаш машиналари ва рақамли информацияни телекоммуникация тармоқлари бўйлаб узатиш усулларининг синтезидир. Ҳар қандай информацион технологиялар асосида матн, товуш ва визуал тасвирни Рақамли шаклда намоён қилиш имконияти ётади.

Ҳозирги информация асри жамият ҳаётининг турли соҳаларида бевосита ўз таъсирини намоён қилмоқда. Информацион технологияларнинг иқтисодга таъсири ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсати сфераларини мукаммаллаштиришда акс этмоқда. Информацион технологиялар марифда, билимлар яратишда, илмий тадқиқотлар имкониятларини кенгайтиришда, моделлаштиришда, тажриба маълумотларини таҳлил қилишда ва янги билим ҳосил қилишда фойдали тарзда хизмат қилмоқда.

Тез ишловчи компьютерлар ва сунъий интеллект алоҳида аҳамият касб этмоқда. Глобал коммуникациялар тармоғи энг муҳим омил бўлмоқда. Ўқлар Ернинг сунъий йўлдошлари, телефон кабелларининг контигентлараро ва контигентлар ичида тармоқлангани, янги электрон алоқаларининг пайдо бўлиши ягона Халқаро информация тармоғи системасини шакллантирди. Ҳар қандай информацияни Ер шарининг исталган нуқтасига ёруғлик тезлигида узатиш мумкин бўлган вақт келди.

Келгусида бизни нима кутаяпти? Бу савол ҳар қандай давр, маданият ва жамиятларида яшаётган одамларни доимо ҳаёжонга солган ва безовга қилиб саволлардан биридир. Ҳар ҳолда бу тўғрида мулоҳаза қилинса, фалсафани кўздан ўтказиш тўлиқ бўлмаган бўлмаган бўлар эди. Бу саволга одамлар турлича жавоб берганлар, ўзларининг жавобларига қараб ҳама вақт улар ўз ҳаётларининг қаерда ва қачон энг яхши кечганини топишга ҳаракат қилганлар. Бундай дунёни улар ҳаёлий деб атаганлар ва бу дунё билан боғлиқ бўлган тасаввурларни мумкин бўлган дунёларнинг энг яхшиси деб белгилаганлар. Ана шундай яхши дунёдаги ҳаёт фаровонлик, роҳат – фароғат, тўла равишда қаноатланиш ва борлиқ севинч ва хушвақт хис қилиш манзаралари тарзида акс этган. Роҳат – фароғат, Муҳаббат, Гўзаллик, Адолат, Эркинлик ва Тенглик идеаллари одамлар ҳаётидаги бундай ҳаёлий манзарада мавжуд бўлган. Одамлар бундай «ҳаёлот осмонидан жафокаш Ёрга» тушганларида улар ўз ҳаётларининг қийинчиликлари, фожеалари тўлқинлари уюрмаларига ботиб қолганлар. Кишиларнинг реал ҳаётлари уларни шафқатсиз рақобат, ижтимоий конфликтлар, урушлар, катастрофалар билан тўқнаштирди. Шафқатсиз ижтимоий адолатсизлик ва тенглик, қўллик ва эркисизлик, қашшоқлик, очлик инсон ҳаётининг ажралмас йўлдошлари бўлиб қолди. Ҳаётий оламнинг сўзлар луғатида воқеилик йўқ эди, сўзларнинг маънолари одамларнинг кундалик ҳаётидан, уларнинг ташвиши, уринишлари ва оилавий мулоқотнинг кундалик муаммоларидан жуда узокда эди. ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий утопиялар уларнинг

ёрдамида ҳаёт тарзини тартибга солиш, ҳаёт шароитини яхшилаш, ҳаётни ҳавф – хатардан муҳофаза қилиш ва ўзини яқин келажакка тайёрлаш ярамас эдилар.

Фақат алоҳида инсонгагина эмас, бутун инсониятга ҳавф солаётган глобал муаммоларнинг тўла бўлмаган рўйхатидан рўй берган вазиятдан чиқиб, келажакни авалдан башорат қилишга доир асосий йўналишларни фикрлаш мумкин. Истиқболни аввалдан билиш қобилияти инсоннинг энг қадимги қобилиятларидан биридир. Бунга энг қадимги ҳалқларда турли кароматчи авлиёлар ва башоратчиларнинг бўлганлиги далолат беради. Бугунги кунда истиқболни билишга интилиши сўнгани йўқ, аксинча, билимнинг келажак тараққиётни асосли башорат қилиб берувчи кўп сонли мутахассисларни бирлаштирувчи турли ташкилотлар мавжуд. Бу башоратлар ҳозирги замонда мавжуд бўлган ютуқлар ва ресурсларга асосланиши билан утопиялардан фарқ қилади, уларнинг моҳияти шундаки, ҳозирги замон технологияларининг келгуси тараққиётининг ва ҳаёт тарзининг натижаларга олиб келмаслигини олдини олувчи зарур тузатишларни тавсия қилади. Сиёсатчилар ва жамоатчиликка ўттиздан ортиқ мамлакатларнинг таниқли олимлари, мутахассислари ва бизнесменларини ўзида бирлаштирган Рим клуби деб аталувчи бирлашма аъзоларининг башорат ва огоҳлантиришлари энг кучли тасаввур ҳосил қилади. Уларнинг биринчи докладларининг ўзиёқ шов – шувга сабаб бўлди, чунки улар технка прогресси аввалгидек анъанада давом этаверса, ХХІ асрнинг ярмига бориб глобал катастрофа рўй беради, деб ҳулоса қилган эдилар. Улар «оддий» вариантга ўтмишни ва сўнгра «органик» ўсишга ўтиб, қурол – яроғ пойгасини тўхтатиш табиий ресурслардан янада рационалроқ фойдаланиш ва заиф ривожланагн мамлакатларга ёрдам беришни тавсия қилган эдилар. Кейинги йилларда унинг иштирокчилари ички муаммоларга: ижтимоий, психологик, маданий ва шу жиҳатларга алоҳида эътибор бердилар. Янги сифатли кашфиётларнинг, ижтимоий, маданий, ахлоқий ва бошқа силкинишлар ва ўзгаришларни назарда тутмаган илмий башоратлардан фарқли равишда утопиялар келгуси тақдирини

аввалдан билувчи шаклар сифатида келажакка ишонч билан боғланган, яхшироқ келажакни кутишга асосланади ва ҳатто йўллар билан ечиш тавсияларини беришга ҳаракат қилади. Улар орасида технократик ва ахлоқий – сиёсий, ёки ижтимоий утопиялар мавжуддир. Утопияларни таҳлил қилишдан шу нарса маълум бўладики, улар фақат «порлоқ келажак» моделларигина эмас, ўзлари инкор қиладиган ҳозирги замонга альтернативдирлар. Шу билан бирга, классик утопияларда биринчи планда ахлоқий идеал турган ва ижтимоий ва иқтисодий қурилиш (тузилиш) шу идеални энг самарали амалга ошириш тарзида моделлаштирилган бўлса, истиқболнинг бугунги лойиҳалари бутун инсоний муносабатларни рационаллаштиришга эътибор қаратади.

Аввалгидек, идеал жамият қуришга доир кўплаб турли ижтимоий утопиялар, дунёни худо томонидан қайта қуришга доир ахлоқий – диний утопиялар тавсия қилинмоқда. Христиан дини, масалан, вақтинчалик эмас, балки ердаги ҳаётнинг янги сифат ҳолатига ўтишига доир имконият билан боғлиқ абадиятга ориентир олгандир. Бу воқеа тарихнинг ниҳоясини билдириши керак ва инсонни қайта ўзгартиришдан бошланиши керак.

Диний утопиялар Ерда Худо яратган дунёни қуришга доир рационал башорат қилиш мумкинлигини рад этади, бунинг устига уни рўёбга чиқаришга йўналган инсонларнинг иродавий ва амалий иштирокини инкор қиладилар. Кўплаб диндор одамлар Исонинг иккинчи марта дунёга келишини кутадилар.

Инсон тараққиёти истиқболларини тасвирловчи иккинчи қизиқ ғоя табиатшунос олим ва психолог Тейяр де Шарден назарияси бўлиб, бу ҳали ижтимоий онга сингиганича йўқ. Унинг фикрича, инсоният «омега нуқтаси»да физикавий аннигиляция бўлади ва у Коинотнинг маънавий океанида эриб кетиши билан тугалланадиган антропологик сакраш рўй беради. Рус диний утопиясида худо инсонийлик ва ҳамма нарсанинг бирилиги фалсафасига асосланади, унинг асосида Кесар подшолигидан бошланадиган ёмонликни енгиш ва Худо

подшолиги бошланадиган эзгуликка эришиш гоёси ётади. Бу гоёлар бугунги кунда тобора оммалашиб бормокда, чунки бунда инсоннинг худовийлиги тан олинади, у ўзининг тақдирига ва тараққиётига, тинчлигига жавоб беради. Худовий инсон гоёсига қайтиш шунингдек ақлнинг чекланмаган ўз билармонлигини бартараф қилиш билан боғланган, будай гоё табиатни бўйсундиришга интилиш, чекланмаган истеъмол ва ҳокимият иродасига интилиш шароитларида шаклланди. Гап инсониятнинг маънавий ўзгаришида ифодаланувчи, маънавий идеалларни ва бизнинг тежамкорлик давримизни тан олиш ҳақида «сокин» революция тўғрисида кетаяпти.

Утопик онг Осиёда ҳам тарқалган эди. Рус давлатининг пайдо бўлиши бошларидаёқ унинг бутун жаҳон тарихий аҳамияти ўйланган ва асосланган, Москва эса Римнинг меросхўри деб англари эди. Шу билан бирга, бу ерда салтанатлик амбициялар тўғрисида эмас, халқларнинг маънавий идеал асосида маданий – тарихий бирлашиши назарда тутилган эди. Албатта, буни мустамлакачилик сиёсатини яшириш деб баҳолаш ҳам мумкин, бироқ тарихий далиллар шунини кўрсатадики, метрополия чеккаларни маърифати ва ривожини таъминлаш ҳақида ғамхўрлик қилиб анчагина зарар кўрган.

Россия тараққиёти тўғрисида ғарбчилар (западниклар) ва славянофиллар ўртасидаги баҳслар тўғрисида ҳам эслатиб ўтайлик. Ғарбчилар Россия тараққиёти келажагини Европа цивилизациясидаги ўзгаришларга ўхшатадилар. Славянофиллар Россия тараққиёт йўлининг ўзига хослигини ёқлайдилар. Бу баҳс Ғарб цивилизациясининг ақлга, ўз – ўзидан интизомга, ва маъсулликка асосланган моҳиятини яхшироқ тушунишга ёрдам берди, ва шу билан бирга, Россия жамияти ҳаётининг ўзига хослигини ҳам намоён қилишга имкон берди. Россия – бу қадимий маданий – тарихий ва ижтимоий (жумладан, христиан - православ) анъаналарига, қудратли давлат, хўжалик ва ҳарбий ташкилотларга эга бўлган мамлакат. Россиянинг геосиёсий вазияти унинг Ғарб билан ҳам, Шарқ билан ҳам алоқаларини ифодалайди. Россиянинг Евроосиёлик мавқеи жаҳон

сийәсатининг энг қийин ва чигал масалаларидан биридир. Россия Ғарб ва Шарқ улуг маданиятларининг синтези сифатида евроосиё ҳаракатида ўз ифодасини топади. Бу ҳаракатнинг моҳиятини тушуниш учун славянларнинг ҳам, европаликларнинг ҳам рус эмиграциясига анчагина совук муносабатлари тажрибасини назарга олиш лозим бўлади. Достоевскийнинг «Россиянинг ҳеч вақт славян қабилалари сингари нафратланувчилари ва ғаразгўйлари бўлмаган эди ва бўлмайди ҳам, Россия уларга озгина эрк берса, Европа эса уларни озод қилинганлар деб қабул қилишга тайёр, деган аччиқ сўзларида ифодаланган башорати тўғри чикди».

Евроосиё утопиясининг ижобий жиҳати маънавий мустамлакачиликдан воз кечиш ва турли халқ-элатларнинг ва жамиятларнинг ўзига хослигини тан олишга даъват қилишда эди. Евроосиё ориентацияси тарафдорларининг қарашларини давом эттириб бизнинг вақтимизда Л.Н.Гумелев ҳамма учун бир хил тарздаги ва ҳамма учун бирдай умуминсоний маданият бўлиши мумкин эмас; аксинча, инсониятнинг маданий мозаикаси (курамаси) унга шунчалик зарурий пластиклик берадики, шу туфайли инсон Ер юзида тур шаклида яшаб қолиш имкониятига эга бўлди, деб таъкидлаган эди.

Россия келажагининг Евроосиё сценарийси ғояси қанчалик муваффақиятли бўлмасин, унинг аҳамияти албатта Россиянинг маданий-тарихий ва миллий реалликларига эътиборни қаратишдадир. Россиянинг келгуси тараккиётига доир истиқболга мўлжалланган қарорларни муҳокама қилиш ва ишлаб чиқишда бу реалликларнинг ўзига хослигини ҳисобга олиш зарур бўлади. Маълумки, Россия ҳамжамиятидаги ҳозирги танг аҳвол одамларнинг ҳаётига ёмон таъсир кўрсатмоқда. Соғлом фикрланадиган бўлса аёнки, Россияда одамлар ҳаётини қачонлардир худди Ғарбдагидек ташкил қила олиш мумкин бўлмаси керак. Бу ерда гап славянофиллик «мойиллигида» ёки утопиясида эмас Россия улкан худудида жойлашган – 9 ёруғлик пояси, 11 минг км, аҳоли зичлиги паст, етарлича қаттиқ иқлим, улкан фазога ёйилиб кетган коммуникациялар (транспорт-автомобиль темп йўллари,

энергетик-иссиқлик, электрик коммуникациялар), уй-жой қурилиши қийинчиликлари, аҳолини зарур озик-овқат муҳсулотлари билан таъминлаш қийинчиликлари ва бошқа кўплаб шу сингарилар – буларнинг ҳаммаси Россия ижтимоий-иқтисодий ҳаётининг улкан харажатларини белгилаб беради. Агар буларнинг ҳаммасига Россия барча даромадларининг учдан икки қисми табиий ресурсларга боғлиқ эканини, бу билан таққослаганда тадбиркорларнинг бозор фаолиятидан келадиган улушлари даромадларда жуда кичик эканини назарда тутилса, Европача ҳаёт даражасига эришишга доир либерал иқтисодий ислохатларни амалга ошириш моқсади оддийгина утопик сценарийларидан бири бўлиб қолади, холос. Бугунги кунда Россиянинг ҳар бир фуқароси умумий миллий даромаднинг маълум қисмига эга бўлишга ҳақли, уни миллий дивиденд деб аташ мумкин бўларди. Бу гоёни амалий юзага чиқариш механизмини ишлаб чиқиш миллатнинг консолидацияси учун зарур шароитлар яратган бўлур эди.

Ҳозирги замон танглигини юқорида келтирилгандек баҳолаш ва бу танглиқдан чиқиш йўлларини бир-бирини инкор қилувчи деб эмас, бир-бирини тўлдирувчи деб қараш керак. Уларни эътибор билан ўрганиш бу вазиятдан чиқишнинг қийин эканлигидан далолат беради. Бугунги кунда Ер юзида турли анъаналар ўзаро таъсирда намоён бўлмоқда, ягона йўл тинч-тотув яшаш йўлидир, бу йўл фақат турли мамлакатлар ўртасидаги музокаралардангина иборат эмас. Турли ижтимоий гуруҳлар, ишлаб чиқариш жамоалари, ҳатто қон-қардошлик алоқалари бўлишига қарамай турли йўналишдаги одамлар ўзаро мулоқатда бўладиган оилада ҳам «Тинчлик шартномаси» тузилиши лозим. Шунинг учун жаҳон маданиятининг, Европа цивилизацияси, Россия йўллари, ҳаётнинг маъноси ва глобал таракқиёт ҳақида ўйланар экан, бу ҳаётни яхшилаш, ўз ҳаёти ва жамият ҳаётини яхшилаш йўлларини конкрет ишлар билан бойитмоқ керак. Инсон севгиси, муҳаббати фақат ўз – ўзи ва одамларгагина эмас, табиат учун ҳам, жониворлар учун ҳам намоён бўлмоғи керак. Аввало ўз – ўзида агрессивлик ва ҳокимиятга чанқоқликни бартараф этмоқ, фақат сиёсий

хокимиятдагина эмас, ҳар кунги мулоқотда ҳам, хулқда ҳам босқинчилик, зулм манбаини йўқотиш – бу дегани келажакка шундай муҳим кадам қўймоқ керакки, билим ва ижод мевалари инсоннинг ўзига қарама – қарши турмасин.

Инсон табиатининг ижодий характери келажак, яқин келажаккина эмас, узоқ келажак тўғрисида, унинг тараққиёт истиқболлари мулоҳаза юритишга имкон беради. Албатта, турли фантастлар, башоратчилар, илоҳиётчи авлиёлар, ёки шунчаки турли – туман иррационал усулдаги фолбинлик ва сеҳргарликларга берилиш мумкин. Бироқ келажакнинг калити инсон ақл – фаросатидадир, фалсафа эса келажак тўғрисида ана шундай ақлий фаолиятнинг бир туридир. Соф фикр нуқтаи – назаридан эртанги куннинг илдизлари одамларнинг бугунги ҳаракатларида томир отади. ХХІ асрда одамлар нималарга тўкнаш келадилар, улар ўз ҳаётларини (ресурслар, ҳом ашъё, турмуш тарзи) қандай таъминлайдилар. Келажакка доир тадқиқот ва сценарийларида кейинги йилларда яратилган маҳсулдор тушунчалардан бири барқарор тараққиёт тушунчасидир. Албатта тобора ортиб бораётган эҳтиёж ва истеъмол билан Ернинг ресурслари камайиб бораётганлиги орасидаги зиддият ҳал қилинади. Бироқ уни ҳал қилишга қандай эришиш мумкинлигини ҳеч ким ҳозирча башорат қила олмайди. Бугунги кунда бундай роғноз бериш қийин, чунки Ер цивилизацияси ўзининг принципиал йўлини йўлини танлаганича йўқ. Цивилизациямиз тараққиётига доир сценарийда одатда биринчидан, системанинг бугунги ҳолати; иккинчидан, тараққиётнинг турли йўлишдаги ҳаракатлантирувчи кучлари; учиндиган, системага кўрсатиладиган ташқи таъсирлар ва унинг ички келишмовчиликлари инбатга олинади.

Жамиятнинг келгуси ҳолатларига доир кўплаб прогнозлар ичида биз тўрттаси – «анъанавий», «варварлик», «гуманистик» ва «реформаторлик» (ёки «буюк ислоҳотлар йўли») деб аталадиган турлари тўғрисида тўхтаб ўтамиз.

Жамият тараққиётининг анъанавий йўли индустриал жамиятнинг асосий қадриятлари ва ижтимоий институтларини

саклаб қолишни кўзда тутди. Бу ерда иқтисодий ўсишнинг белгилловчи омиллари рақобат ва хусусий мулкчилик бўлади. трансмиллий корпорациялар томонидан келиб чиқувчи тазъийкка қарамай, миллий давлатнинг роли сақланади. Инсонларнинг ҳулки истеъмолчилик ва индивидуаллик руҳи билан суғорилган бўлади.

Ер юзи аҳолисининг ҳозирги ўсиши назарда тутилиб, 2050 йилга бориб унинг сони 10 млрдгача ортади деб ҳисобланади. Аҳолининг бу ўсиши асосан ривожланаётган мамлакатлар ҳисобига амалга ошади. Технологияларнинг мукамаллашиши саноат ишлаб чиқаришининг ижобий экологиясига, ресурслардан самарали фойдаланишга, қишлоқ хўжалик бозорининг барқарор ҳолатига эришишга ва ш.ў.ларга имкон беради. Янги технологияларнинг пайдо бўлиши энергия ресурслардан айниқса, сувдан фойдаланиш самарадорлигини оширади. Агар саноатда ишлайдиган улуши камайса, хизмат кўрсатиш сферасида бандликнинг ўсиши кўзда тутилади.

Кутилаётган келажакнинг бу сценарийсини амалга оширишга башоратчи назариётчилар тўрт нарса тўсқинлик қилиши ҳавфи бор, деб кўрсатадилар. Биринчиси, биосферага кўрсатиладиган индустриал – технологик йиғинди юкланишнинг ортиб кетиши, жамият муваффақиятли тараққиёт қилиши шароитини таъминловчи бу омил табиий потенциалдан ортиб кетиши мумкин. Иккинчиси, табиий ресурсларга саноат тазъийқининг ортиб кетиши иқтисодий зулишлар ва миллий конфликтларни келтириб чиқариши мумкин. Учинчиси, аҳоли сонининг ортиши, демографик жараёнлар табиий ресурсларга тазъийқ кўрсатиб, бир томондан, иқлимнинг бузилишларига олиб келиши, иккинчи томондан, геосиёсий кескинликнинг кучайиши ижтимоий – иқтисодий барқарорликка ҳавф туғдириши мумкин. Тўртинчиси, камбағалликнинг кучайиши ва давлатлар орасида нотенгликнинг ортиб бориши аҳоли миграциясини юзага келтириб, унинг оқибатида ижтимоий ва сиёсий кескинликни зўрайтириб юбориши мумкин.

Жамиятнинг варварларча тараққиёти сценарийси бугунги цивилизациянинг ижтимоий, иқтисодий ва ахлоқий

тараққиётининг пасайишини кўзда тутди. Бундай скептик прогнознинг асоси, масалан, сайёра аҳолисининг ярмининг очлиги ва доимий равишда қорни тўймаслиги, бу ҳодисанинг шу куннинг одатий ҳолатига айланиб қолганидир. Нотенглик (мулкӣ, иқтисодӣ, маърифӣ нотенглик)нинг кучайиши ижтимоӣ ва сиёсий жараёнларни назорат қилишни йўққа чиқаради. Жамиятнинг бошқариш институтлари юзага келган муаммоларни уддасидан чиқолмай қолади. Шу нарсани айтиш керакки, бой мамлакатларнинг аҳолиси шу кунлардаёқ куплаб иқтисодӣ ночор жамиятлар томонидан ўз фаровонликларига қаратилган ҳавфни кўриб туриптилар. Айнан шу мамлакатлардан оммавий миграция, терроризм, эпидемиялар ва ш.ў.лар ёпирилиб келмоқда. Бундан ташқари, баъзи ички омиллар, масалан, янги мулксиз синф – маълумотли ишсизлар сонининг ортиши, ҳам ҳавф туғдирмоқда Анархистик кайфиятлар ва аҳолининг давлат ҳокимияти институтларига салбий муносабатлари жамиятда жиноятчиликнинг ва коррупциянинг зўрайиши билан чамбарчас боғлангандир. Шунинг учун жамиятни гуллаб – яшнашига доир орзулар ва умидлар одамларнинг оммавий равишда қашшоқлашиш жараёнларига дуч келиб емирилади.

Цивилизация тараққиётининг варварларча йўли сценарийси келажакни башорат қилувчи назариётчилар фикрича икки кўринишда тасвирланиши мумкин: а) жамиятнинг феодал структуралар ва уруғ-қабилачилик муносабатларида жамият киборларининг тобора яшнаб бориши ва аҳолининг кўпчилик қисми бечораланиши авж олиб боришидан иборат жараён рўй берадиган жамият модели.

Жамият тараққиётининг гуманитар сценарийсини батафсилроқ тушинтириш керак бўлади. Гарчи гуманизмнинг маданий йўналиш сифати вужудга келиши. Уйғониш давридан бошланган деса ҳам, аслида инсонда инсонийлик табиати қадимги юнон маданияти ва фалсафасида кўйилган ва ўзига хос равишда самарали ечилган эди. Аристотель ва Платон инсонни сиёсий ҳайвон (жонзот) деб атаган эдилар. Шундай фарқ қилиш мумкинки, антик мутафаккирлар бу тушинчани биз ҳозирда

инсоннинг тирик мавжудот деб тушинишимизга якин бўлса керак. Инсон ҳаётининг ҳайвонлар сифат образи турли ҳамжамиятларда муайян давлат институтларининг пайдо бўлиш сабаблардан бири бўлиб хизмат қилган. Давлат ҳаётида қатнашгани туфайли инсон цивилизацияланган ахлоқий мавжудот бўла олди ва варварлардан фарқланади. Гуманизмнинг қадимги юнонча ва Византияча кўринишлари ўз-ўзини билиш ва билимлилик элементлари сифатида тарбия системасида намоён бўлибгина қолмасдан, балки “ўз-ўзи тўғрисида” ғамхўрлик қилишда ҳам намоён бўлган эди, масалан, ҳукумронлик қилиш учун туғилган эркин эркак, ўз-ўзини бошқаришга ўрганар эди. Бундан ташқари, инсон жисмининг (танасининг) антик улуғланиши ҳам гуманистик пафос билан йўғралган эди. Олимпия ўйинларининг бошланиши ва ўтказилишидаги гуманитар чекланишлар, қоидаларни эслатиб ўтиш кифоя.

Христианлик дини Худо томонидан яратилганинсон тарзидаги Янги образни киритди ва итоатли тана аскетик амалиётини тезлаштириб юборди. Бунда барча ижтимоий муаммолар ибодатхона майдонида анча самарали ҳал қилинар эди, одамлар Исонинг қийналишларига ачинишиб, бошқа одамларни ҳам кечиришга ўрганар эдилар ва шу йўл билан жамият бирлигини сақлашга эришар эдилар. Шу билан бирга христианлар “ўзларини” севар эдилар ва “бегона”лардан нафратланар эдилар. Христианлик тарихининг нафақат ахлоқ тараққиёти, балки шу билан бирга, инквизиция тарихи ҳам эканлиги анна шундан. Уйғониш даврида инсон фақат готика фанатизмидан қутилган давргина эмас, балки гуманизм нафақат инсонийлик, балки маърифатлилик деб ҳам тушунилган давр эди. Янги давр рационаллик ҳукмрон бўлган давр саналади. Ақлга таяниш тарбия характерини бегилайди, у асосан билишга таянади. Ўз-ўзини кўпроқ билиш, ҳеч бир аффеқтни эътиборсиз қолдирмаслик, ижтимоий аҳамиятга молик бўлган ҳар қандай ҳаракатни ҳуқуқ нормаларни билан назорат этиш ва баҳолаш-рационал инсоннинг идеали ана шундай эди.

Инсон рационаллигининг меваси бўлган Фан ва техниканинг мақсади уларнинг одамлар ҳаёт енгиллаштиришга қаратилган самарадорликни ошириш, оптималлаштириш воситаси бўлиб хизмат қилишдир. Аслида ҳам Фан ва техниканинг таракқиёти инсон моҳиятининг чуқур ўзгаришларига олиб келди. Ўзини ҳукмрон деб ўйлаган инсон техника ўзгариб боргани сари у ҳам техника ортидан уни ишлатиш даражасида бўлиш учун ўзгариб бориши керак бўлади. Шундай қилиб, инсонийлик техника “циркуляцияси занжири” да, техника ва илмий билимга араллашиб кетиши, унинг кучоғида йўқ бўлиб кетиши рўй берди.

Буларнинг барчаси гуманизм идеалининг ўзини қайта фикрлашини талаб қилар эди. М.Хайдеггер, жумладан, ҳозирги замон даврининг танглиги сабабларидан бири инсоннинг ўзига ортиқча баҳо бериб юборганидадир деб тушунтиради. Ахлоқ нормалари ва гуманитар ғояларг эҳтиётлик билан муомала қилиш “инсон ҳуқуқи”нинг “зўравонлик” билан таъминланишига олиб келди. Бунда ахлоқ, гуманизм ва инсон ҳуқуқки идеали сифатида ғарбча (европача ва америкача) намунаси олинади. Бироқ сайёранинг бошқа минтақаларида шаклланган бошқа маданий-тарихий анъаналар ва идеаллар билан ҳисоблашмасак керак деб ким айта олади. Инсонийлик деб одатда инсондаги юмшоқлик, бағрикенлик, тоза қалблилик ва дилкашлик хусусиятлари саналади. Гуманизм, инсонийлик кучлар ва заифлар, бошлиқлар ва қарамлар, тадбиркорлар ва ишчилар, эркаклар ва аёллар, кексалар ва ёшлар, педагоглар ва ўқувчилар, шифокорлар ва бетоблар орасида инсоний муносабатларни характерлайди. Гуманизм кўпинча раҳимдиллик ва ачиниш билан боғлиқ қаралади ва бу нарса уни зўравонлик ва адолатсизлик билан чамбарчас қилиб кўяди: айнан жамиятда жабр-зулм кучайганда инсонийликка даъват бонг уради.

Гуманизмнинг раҳм-шафқатлилар томонидан кўнгилли равишда қўллаб-қувватланувчи амалий ҳаракат эканлигини ва ҳозир ҳам шундай бўлиб қолганини сезмаслик мумкин эмас. Бироқ гуманизм идеалларини амалий гавдалантиришда ўзига

хос ҳавф-хатарлар мавжуд. Гуманизм ғоясининг бир вақтлар у ўзи қарши йўналтирилганлар-давлат ҳокимият машиналари томонидан фойдаланилаётгани огоҳ, қилмоғи керак. Агар аввалари инсон ва давлат орасидаги зиддият моддий ва кўринувчан бўлган бўлса, ҳозир эса ғўё инсоний қиёфадаги давлат ўзини инсоннинг энг яхши дўсти деб кўрсатмоқда. Бугунги кунда гуманизм-катта сиёсатдир. Ҳолбуки, инсон ҳуқуқларига риоя қилишга даъватлар турли кўринишдаги сиёсий репрессиялар билан, гуманизм ғояларнинг тантанаси учун ҳарбий ўйл билан ақл киритиб қўйишлари рўй бермоқда. Гуманизм, инсон ва инсонийлик-булар фақат олға ҳаракатга йўналтирувчи умуминсоний идеаллар ва базавий қадриятларга эмас, балки инсон маданияти ва тарихининг турли фазовий-вазиятли призмалари бир-биридан кескин фарқ қилиши мумкин бўлган конкрет-тарихий реалликдир.

Муаммо шундаки, турли маданиятларда гуманизм тўғрисидаги тасаввурларнинг бир-бири билан мос келмаслигини қабул қилсак, релятивизм тупигига дуч келамиз, агар умуминсонийлик идеалига ориентир оладиган бўлсак, гуманизм евроцентризм моделининг аввалдан кўриб бўлмайдиган оқибатларига дучор бўлиш аниқ. Шундай қилиб, бугунги кунда сиёсий ва ҳуқуқий гуманизм формал жиҳатдан эмас, балки инсонийлик идеалининг турли вакиллари орасида дискуссиялар, баҳслар ўтказиб, ўз интилишларида келишишлари ва бир-бирларини тушунишлари асосида амалга оширилиши керак.

Цивилизация тараққиётида реформистик йўл «улуғ ислоҳатлар йўли»ни кўпинча информацион инқилоб билан боғлайдилар ва одатда информацион инқилоб билан билан боғлайдилар ва одатда информацион жамиятни шакллантирувчи лойиҳаларда конкретлаштирилади. Информацион жамиятда Интернет коммуникация тармоғига ўхшаш тармоқлар нафақат одамлар мулоқотининг глобал тармоқлари бўлиб қоладилар, балки ижтимоий бирдамликнинг ортишига ва фаровонлик даражасининг юқори поғоналарини таъминлаш йўли билан бутун дунё ҳамжамиятининг

интеграциясига ёрдам беради. Бунда аҳоли сонининг ўсиши столбиллашади, табиий ресурсларга юкланиш анча камаяди, «яшил» технологияларнинг информацион таъминланиши турмуш фаолиятини софлаштииб, цивилизация тараққиётининг экологик истиқболларини яхшилайти. Ҳисоблаш ва телекоммуникация техникасининг интеграцияси информацион-технологик масалаларнинг энг кенг доирасини хал қилади. Информацион технологияларнинг интерактив характери мулоқот ва информацияни қайта ишлаш жараёнларини чекланмаган имкониятларга эга қилади. Энг янги информацион-коммуникация технологияларнинг турли кўринишлари билан қўйидагилар чамбарчас боғлангандир:

- одамларни информацияга эга бўлишларини таъминловчи курилмалар (дисплетлар, телефонлар, сканерлар, телевизорлар ва х.к.);

- информацияни масофага узатувчи техника (радио, телефон, оптик-толали кабель, алоқа йўлдошлари ва ш.ў.);

- информацияни қайта ишлаш курилмалари (зарур электрон асосга эга бўлган компьютерлар);

- информацияни саклаш (ташувчи) системалари (электрон, лазер, оптик, магнит ситемалар).

Информацион-коммуникацион технологияларнинг интенсив тараққий қилиши, глобаллашуви ва номарказлашуви – буларнинг ҳаммаси келажакдаги юқори технологияли жамиятнинг белгиларидир. 2000 йилнинг январ ойига олганда Жаҳонда интернет тармоғидан фойдаланувчилар сони 300 мингдан ортиқ эди, ҳозирги кунда эса ўнлаб, юзлаб миллионларга етди. Интернет ва шунга ўхшаш тармоқлар нинг информациянинг сайёравий манбаларига айланиб бориши билан одамлар орасида Интерактив мулоқотининг умумий муҳитини яратиш имкони туғилади. Биз доимий ўзгариб турувчи дунёда яшай бошладик. Информацион-коммуникация технологияларни ташувчиси бўлган соҳиблар ҳозирги замон ҳаётининг қайноқ марказидагина бўлиб қолмасдан, айти шу билан барча ўзларининг ҳаёт тарзларини ҳам, ўз хулқ-атвори ва тафаккур тарзини ҳам ўзгартирмоқдалар. Одамлар ўз тафаккури

ва ҳуқ атворини қай даражада ўзгартирсалар, уларнинг касбий тажрибалари ҳам шу даражада бойиб, самарали маҳсулдир хоссаларга эга бўлиб бормоқда. Ҳозирги замон коммуникациялар фазосида етарлича тезкор мослашиш ва ҳаракат қилиш зарургина бўлиб қолмай, айти шу жамиятнинг информაციан-коммуникация технологияларининг глобал тараққиётини билган ҳолда, ўзининг ҳуқ-атворини намойиш қилиш муҳитини ҳис қилиши ва шу муҳитда қандай ҳаракат қилдишини билиши ҳам керак бўлади. Информацион парадигма ниҳоятда юксак даражада конкретликда ва ишонч билан келажакка эшикларини очиб бермоқда. Информацион парадигманинг энг муҳим жиҳатларини кўрсатиб ўтиш мақсадга мувофиқ бўлур эди.

- Аваллари информация индустриал жамиятнинг технологик ва техник амалиётига таъсир қилиш мумкин бўлган хомашё деб қаралган бўлса, бугунги кунда информацияга таъсир қилиш учун информация технологиялар яратилган (бу нарсада жамият ҳаётининг турли-туман мақсадлари ҳисобга олинади);

- Информация инсоннинг ҳар қандай фаолиятининг интеграл омили бўлгани сабабли бунинг индивидуал ва коллектив ҳаётимизнинг барча жараёнлари бевосита янги информация технологиялар билан шаклланади;

- Информацион тармоқлар барча турли-туман ижтимоий ўзаро таъсирлари ва жамият тараққиётидаги ноаниқликларга тўл бўлган ва тобора ортиб бораётган мураккабликларга яхши мослашади. Информацион тармоқлар ниҳоятда сезгир, ҳаракатчан ва янгиликлар киритиш учун очикдир. Информацион жараёнлар фақат қайтар жараёнларгина эмас; ижтимоий ташкилотлар ва институтларни модификация қилиш ва уларнинг компонентларини қайта гуруппалаш йўли билан фундаментал ўзгартириб юбориш мумкин. Янги информация – технология парадигмаси конфигурацияси шундайки, у ўз конфигурациясини қайта тузиши, реконфигурацияланиши мумкин – бу ҳозирги кунда доимий ўзгариб турувчи ва

ташкилий жиҳатдан қотиб қолмаган жамиятда характерли жиҳатидир.

Жамият тараққиёти информатсион парадигмасининг истиқболи конкрет технологияларнинг юксак интеграллашган системага конвергентцияси анъаналари билан боғланган бўлиб, бу системада эски, изоляцияланган технологик траекториялар деярли бир – биридан фарқланмай, ажралмай қолади. Масалан, микроэлектроника, телекоммуникация, оптик электроника ва компьютерлар энди информатсион системада мужассамлашган. Бизнесда, масалан, ҳозирча чипларни ишлаб чиқарувчилар ва программистлар орасида фарқ бор ва ҳозирча бу фарқ бир мунча муддат сақланиб қолади. Микрокомпьютерларнинг имкониятлари чипларнинг қўвватига боғлиқ. Микропроцессорларни лойиҳалаш компьютерлар архитектураси билан боғланган.²⁰⁸

Биологик материаллардан фойдаланиш, гарчи ҳали кенг қўлланишдан узоқ бўлса – да, экспериментал босқичда (1995 йилдан бошланган). Ҳали биология билан электрониканинг моддий интеграцияси учун тадқиқотлар йўли узоқ бўлсада, биологиянинг мантиқи (программалаштирилмаган информация соҳибларининг ўз – ўзидан юзага келиши) ҳозир тобора электрон машиналарига киритилмоқда. Хусусан, кўплаб лабораторияларда роботларни ўқитиш бўйича тадқиқотлар анча илгарилаб кетган.

Ғарбчасига ижтимоий – фалсафий ва сиёсий тафаккурда ўзгаришлар амалга оширилган ижтимоий ташкиллик (қурилиш) постиндустриал ёки кейинроқ информатсион жамият деб ном олди. Амеркалик ижтимоий файласуф Даниел Беллнинг (1919 й.да тўғилган) фикрича бошланган информатсион инқилоб икки инқилобдан иборат: компьютер инқилоби ва телекоммуникация инқилоби, бунинг натижасида информацияни бутун ижтимоий ҳаётнинг, айниқса, иқтисодий ҳаётнинг марказий бўғини бўлган техника яратилди. Шу муносабатда техника мутахассислари синфи афзал аҳамият касб этади. Фан, назарий билимлар

²⁰⁸ Қараңг. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М., 2000.С-123.

инновациялар манбаига ва сиёсатни белгиловчи омилга айланиб бормоқда. Моддий бойликлар ишлаб чиқариш устунлигида сервис (хизмат) иқтисодининг роли ортиб бориши, унда иш кучининг катта қисми банд бўлиши кузатилмоқда.

Д.Беллнинг постиндустриал жамият назариясининг асосий қоидалари унинг томонидан 1960 йилларда ишлаб чиқилган эди.²⁰⁹ Уларни қуйидаги кўринишда баён қилиш мумкин:

- Бозор муносабатлари, институтлари ва инфраструктуралари эволюцияси товарлар иқтисодидан хизмат иқтисоди яратилишига қараб силжимоқда. Бўшаган иш кучлари хизмат кўрсатиш сферасига «миграция» қилмоқда.

- Фаннинг ижтимоий мавқеъи ортиб бормоқда, билувчи (билимдон) синф шаклланмоқда, унинг манфаатлари билимни ишлаб чиқаришга қаратилган. Билим жамиятнинг бош ишлаб чиқариш кучига айланмоқда. Бундай тезис XIX асрда К.Маркс томонидан ифодаланган эди.

- Назарий билим ва унга хос бўлган символик – семиотик ташкилланиш шаклларининг устуворлиги кузатилмоқда. Билим жамиятнинг базис ресурсларини ташкил этади ва унинг ташкилланиш асосидир. Билим ижтимоий назорат ва инновацион фаолият омилига айланмоқда, шунингдек, инсон муносабатларини сиёсий бошқарув ва созлаб туриш инструменти бўлиб хизмат қилмоқда.

- Товарлар ишлаб чиқариш ва хизматни назарий билимлар асосида режалаштириш ва бунда уларнинг махсуслик сифатларини ҳисобга олиш аҳамият касб этмоқда. Янги информатсион – коммуникация ёки интеллектуал технологияларнинг пайдо бўлиши кутилмоқда.

- Иш характери ўзгармоқда. Оғирлик маркази инсон муносабатларини бошқариш кўчмоқда. Аёллар ролининг ўсиб бориш анъанаси кузатилмоқда. Бу нарса айниқса хизмат курсатиш соҳасида сезиларли акс этмоқда.

- Д.Белл алоҳида сиёсий бирлик тарзида «ситус» тушунчасини киритди ва тўрт функционал ситусни кўрсатиб

²⁰⁹ Каранг. Д.Белл. Грядущее информационное общество. М., 1999.С-95.

ўтади: илмий, технологик, маъмурий ва культурологик ситус; беш институт ситуси: бизнес, университет, илмий тадқиқот институти, ижтимоий ва ҳарбий соҳалар. Белл «медияократия» тушунчасига алоҳида аҳамият юклайди. Бу тушунча маълумотли ва иқтидорли шахснинг жамиятдаги ўрнини ифодалайди. Белл ана шундай жамиятнинг келажagini белгилайди деб ҳисоблайди, бунда бойликнинг, мулкнинг ва одамларнинг қайси маданиятга молик эканини ҳисобга олмайди.

- Бўлажак жамиятда товар етишмовчилиги кузатилмайди, бироқ информация ва вақт дефицити сақланиб қолади. Информацион иқтисоднинг устуворлиги қарор топади ва унинг асосида – коорпоратив стратегия вужудга келади. Информация товарга айланади, информацион хизмат эса, шунингдек фан ва билим жамоат ташкилотларининг марказида бўлади. билим хусусий мулкка боғлиқ бўлмаган характерга эга ижтимоий тус олади. Билимлар ошиши экспоненциал эгри чизик кўринишида бўлади билимларнинг самарадорлиги – янги технологияларнинг яратилиши билан белгиланади.

Информацион жамият – футурологик доктрина бўлиб, 1970-1980 йилларда компьютер инқилоби авж олган даврда баҳсли тус олган янгича қараш эди. Келажак информацион жамиятнинг асосий хусусиятлари ҳақида америкалик культурологик ва футуролог олим Элвин Тоффлер ўзининг «Учинчи тўлқин» деб номланган китобида башорат қилган эди.²¹⁰ Учинчи тўлқин деб жамият таракқиётининг информацион – коммуникацион технологиялар асосланган охириги фазасини назарда тутди.

Биринчи тўлқин – аграр (XVIII асргача), қишлоқ хўжалик цивилизацияси. Ҳитой ва Ҳиндистондан то Мексикача, Юнонистондан то Римгача аграр цивилизациялар пайдо бўлганлар, мустаҳкамланганлар ва тангликни бошидан кечирганлар, қайтадан ривож топганлар. Ҳамма жойда ер иқтисоднинг, ҳаёт ва маданиятнинг, оилавий ташкилланиши ҳам сиёсатнинг асоси бўлган.

²¹⁰ Қаранг: Э.Тоффлер. Третья волна. М., 1999. С-75.

Ҳамма жойда оддий меҳнат тақисмоти мавжуд эди в
ҳмажамиятда бир неча касталар ва синфлар, қатламлар ва
гуруҳлар мавжуд эди: китоблар, руҳонийлар, ҳарбий –
жангчилар, кўллар ёки крепостной деҳқонлар. Ҳокимият ҳамма
ерда авторитар эди. Инсоннинг ижтимоий келиб чиқиши унинг
жамиятдаги ўрнини белгилар эди. Иқтисод марказлашмаган
эди. Ҳар бир жамоа ёки латифундия одамлар ҳаёти учун зарур
бўлган маҳсулотнинг катта қисмини ишлаб чиқарар эди.

Иккинчи тўлқин – индустриал (1955 йилгача) – саноат
революциясидан (XVIII асрдан) бошланади ва аста – секин
бутун дунёга тарқалади. XX асрнинг ўрталарида индустриал
цивилизация тантана қилади. Капиталистик ишлаб чиқариш
оммавий ишлаб чиқаришга қурилган – товарлар, кадриятлар,
хизматлар тиражи. Саноат корхонаси жимиятда етакчи роль
ўйнайди. Технологияларнинг алмашилиши жараёни авж олади.
Кўл ишлаб чиқариши механизацияланган ва автомат-
лаштирилган технологиялар билан алмашинади.

Учинчи тўлқин – постиндустриал жамиятда етакчи роль
информацион – коммуникацион технологияларга ўтиб, улар
жамиятнинг барча структураларига, одамларнинг турмуш тарзи
ва онгига таъсир кўрсатади. Жамиятда бойлик яратишнинг янги
технологиялари вужудга келади, улар энди одамнинг жисмоний
кучига эмас, ақлий қобилиятига суянади, ундан фойдаланади.
Ижтимоий бойлик яратилишнинг янги информацион усулининг
белгилари орасида Тоффлер қуйидагиларни санаб ўтади.

- Тезкор суръатлар билан ривожланаётган суперсимволик
иқтисодий система. Бу иқтисодий система бевосита
информация ва билимга боғлиқ бўлади. Янги система оммавий
ишлаб чиқаришга асосланмаган, балки маҳсулотнинг тез ва
сезгир истеъмол қилишга асосланган, маҳсулот шунинг учун
кичик партияларда, бироқ қиймати оммавий ишлаб
чиқарилганидан баланд бўлмаган нарҳларда ишлаб чиқарилади.
Нарҳнинг баландлаб кетмаслиги янги информацион
технологиялар туфайли таъминланади. Ишлаб чиқаришнинг
анъанавий омиллари – меҳнати, ҳом ашё, капитал ўз

аҳамиятини йўқотади ва символик билимлар томонидан сиқилиб чиқарилади.

-Алмашув бирликлари бўлиб металл ёки қоғоз пуллар эмас, балки информацион воситалар хизмат қилади. Капитал янада ҳаракатчанроқ бўлади (мобиллашади), унинг манбалари сони ортади. Янги иқтисод асосини хусусий уйларни ишлаб чиқариш ва савдо ташкилотлари, банклар ва ҳукумат муассасалари, мактаб ва университетлар билан боғлайдиган компьютер системалари ташкил қилади, бундай системаларда кўл (дастаки) саноат ҳаракатлари информациялар билан бўладиган манипуляциялар билан алмаштирилиб, меҳнат фаолиятини электрон коллежларда ташкил қилиш имконини беради. Микро электрон революция инсон интеллектининг ресурси ва кудратини анча ошириб юборади.

- Товарлар ва хизматлар системалаштирилади, бу нарса стандартларни кенгайтириш ва қайта кўриб чиқишни талаб қилади. Бундан стандартларни белгиловчи информация устидан назорат қилиш учун кураш кетади. Бюрократик структуралар вақтинчалик кичик иттифоқлар томонидан сиқиб чиқарилади. Билим бюрократияси ўрнини эркин информация оқими олади. Ташкилланиш шаклларининг турли кўринишлари ва миқдори ортади. Ҳар бир ходим ишлаб чиқариш информацион воситалари мулкдорига айлангани учун ходимларни ўзаро алмаштириш имкони йўқолади, чунки ҳар бир ходим информацион воситаларнинг фаолият кўрсатиши ҳақида тўлиқ хабарлар бўлади. Билимни ташаббус билан кўша оладиган, гоёни амалиётда гавдалантира оладиган янги типдаги ходим типи пайдо бўлади.

- Ижтимоий бойлик яратиш циклик характерда бўлади. Циклларни бошқариш методикаси компьютер мониторингини ва доимий равишда илмий ва экологик билимни ортишини тақозо қилади. Бундай цикллар аввал индустриал ишлаб чиқариш даврида алоҳида – алоҳида бўлган ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчини бирлаштиради. Истеъмолчи ишлаб чиқарувчи учун талаб ва зарур информацияни таъминлайди.

Янги система бир йўла локал даражада (микроектисодда) ва глобал даражада (макроектисодий) ривожланади. Иктисодий ҳар иккала даражаси ривожини умумий хўжалик жараёнига интегралланиб, бу жараён индивиднинг манфаатлари ва эҳтиёжларига йўналтирилади. Информацион цивилизациясини яратиш йўли намоён бўлади.

Шу туфайли одамларнинг информациянинг ўзига муносабати ҳам ўзгаради. Товар ўрнига информация ижодий кучлар ва изланишларнинг стимулятори тарзида қабулланади, чунки одамларнинг доимий равишда компьютер билан муомалада бўлишлари уларнинг кенг информацион глобал фазода ўзларини қандай тутишга ўргатади. Бу оилани мустаҳкамлайди, меҳнат фаолиятини принципиал даражада ўзгартиради, ҳаёт тарзи, тафаккур тарзини чарҳлайди, маданиятнинг моҳиятини ўзгартиради.

«Учинчи тўлқин» устуворликлари кайфиятида бўлган омма оммавий ахборот воситалари ёрдамида ўз ҳис ва дидларини манипуляция қилиш учун унинг ўзи бу воситаларни бошқача бошлайди, оммавий ахборотни пассив истеъмолчисидан ўзининг шахсий экранли қурилмаларида унинг имкониятларини фаол ишлаб чиқарувчига айланиб қолади. Бундай ўзгаришларда кабелли йўлдош (спутникли) телевидение ва видео кассетали алоқа воситалари катта ёрдам беради.

Бошқача айтганда, аудиториянинг ўзи информация воситаларини манипуляция қилади, аксинча эмас, персонал дисплей қурилмаларида образларни истеъмолчисидан ишлаб чиқарувчисига айланади. Буларнинг барчаси натижасида оммавий телевизион аудитория сегментларига бўлинади, ва уларнинг ҳар бири бизнинг маданиятимизнинг турли-туманлигини фақат кучайтиради. Учинчи тўлқин, Тоффлернинг фикричга кўра, ҳозиргача бизга маълум бўлган барча цивилизациялардан фарқли ўлароқ, шундай дунёвий цивилизацияларни яратдики, у ўзининг янада соғломлиги, ақл идроки ва ҳаётбахшлиги, тартиблиги ва демократлиги билан ажралиб туради. Шу билан бирга, учинчи тўлқинда катта ҳавф-

хатар ҳам яширинган, бу экологик катастрофалардан тортиб ядровий терроризм ёки электрон фашизм ҳавфигача бўлиши мумкин. Тоффлер утопияси амалий характерга эга ва аслида амалий инсоннинг ҳаётӣ вазиятлардаги ҳулқини баён қилишни эслатади. Тоффлер дунёда ҳали ҳам аввалгидек ёмонлик, адолатсизлик, касаликлар, очлик-ялағочлик мавжуд эканидан фаромуш бўлганидек туюлади.

Информацион парадигмага асосланган яна бир назария Герберт Маклюэн тмонидан 1970 йилларда илгари сурилган. Маклюэн ҳам жамиятда информацион технологияларнинг устуворлиги ва етакчи ролига эътибор беради. Маклюэннинг асосий тезиси-«воситаларнинг ўзи ахборотдир». Ўз назариясида цивилизация тарихини уч босқичини ажратади.

Биринчи босқич-бу ёзувгача бўлган ибтидоий маданият бунда алоқа ва информация ўзининг оғзаки шакллари туфайли атроф дунёни идрок қилиш ва тушунишга асосланган табиийлик ва коллективлик турмуш тарзи ҳукумрон бўлган босқич. Иккинчи босқич- ёзув-босма маданияти ривожланган босқич, бунда оғзаки-эмоционал мулоқот шакллари, китобий шакиллари билан алмашилиб, табиийлик ва коллективиум ўрнини индивидуализм ва миллатчилик эгаллаган. Учинчи босқич-ҳозирги замон босқичи бўлиб, бу босқичда китоб маданиятидан четлашиб оламни кўриш ва эшитиш асосида қабуллашнишнинг оғзаки ва табиийлигига қайтиш содир бўлади, бироқ бу жараён энди информацияни электрон ташувчилари асосида амалга оширилади.

Цивилизация тараққиётинининг барча босқичларида ижтимоий муносабатларнинг ривожланишида, одамлар онги ва психологиясида инқилобий ўзгаришлар алоқанинг техникавий воситалари орқали детерминацияланади деб фараз қилиб, Маклюэн ижтимоий-маданий прогрессда информацион (эшитиш ва кўриш) технологияларнинг ҳа қилувчи роль уйнашини башорат қилади. Бу башоратга кўра, ҳукумронлик ёзув мулоқоти эмас, балки унинг оғзаки-электрон шакллари ҳукумронликка ўтади, чунки улар мулоқот фазоси, вақти ва чизиқлигини қисқартиради ва бизни бир вақтда амалга

ошириладиган муносабатларнинг кўп сонлигига қайтаради ва бу билан глобал информацион тармоқларнинг янги микро-ривоятлари, «ритуаллари» ва «тиллар»га олиб келади. Бу концепцияни тушунтирар экан, Маклюэн шуни таъкидлайдики, оммавий информация электрон воситалари таъсирида дунё «глобал қишлоқ» қа айланади, янги «глобал театр» бўлади-ю, унда ҳар ким унга информацион структуралар берган ролни ўйнайди. Маклюэн фикрига кўра, информацион структура-ларини боғлиқ ва онгнинг универсал асослари деб ҳисоблаш мумкин. Бундай асослар турли мамлакатларда айна бир даврда яшаган турли одамлар ҳаёти фаолияти ва фикрлашининг умулашган ҳаёт тарзини шакллантирдаи. Электрон оммавий коммуникация воситалари информацион структураларнинг шакллантирувчи таъсирига мисол бўлиб хизмат қилиши мумкин. Улар ёрдамида фикрлаш тарзи шаклланади, бизнинг тажрибамиз структураланади, бизнинг атроф оламга қарашларимиз белгиланади.

Келажак тўғрисида назариётчиларнинг 1960-1990 йилларда ёзган нарсаларини умулаштириб шуни айтиш мумкинки, уларнинг барчасида ҳаёлий фикрлар мавжуд. Ҳозирги кунда капиталнинг иқтисодий ва ижтимоий функция-лари информацияга ўтади дейиш учун жуда улкан тажриба керак бўлади. Тўғри, иноснлар туғиладилар ва дунёдан кетадилар, билимлар ва информация йиғилади ва сақланади. Тажриба тўпланиб, янги технологиялар ўзлаштир-илгани сари, мумкин бўлмаганидек туюлган нарса, мумкин бўлиш мавқеига эга бўлиши мумкин. Янги билимлар иқтисодий ўсиш манбаига айланиши мумкин, ижтимоий тикланишнинг ядроси, билимини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш ва йиғнашнинг бош марказий ижтимоий институти бўлиб университет ўрин тутди. У вақтда саноат корпорацияси асосийлик ролини йўқотади.

Информацион утопияларда мумкин эмас, билимлар даражаси ижтимоий дифференциаллашишнинг белгиловчи омили бўлади, деб ҳисоблайдилар. «Эгалар» ва «эга эмаслар» деган тушунчалар принципал янги янги маъно касб этади. «Информацияга эга» кишиларнинг янги имтиёзли қатлами

юзага келади, информация воситаларидан четда қолганлар «янги камбағаллар» сонини ташкил қиладилар. Ижтимоий конфликтлар иқтисодий соҳадан маданият соҳасига кўчиш мумкин. Бунда эски маданиятда илдиз отганлар билан янги, информацион маданият вакиллари орасида кураш пайдо бўлади. Бунинг натижаси ўлароқ янги ижтимоий институтлар ўсади, эскилари таназзулга юз тутади. Информацион жамиятнинг инфраструктураси «механик» техника эмас, янги «интеллектуал» техника, бунда ижтимоий ташкилланиш ва информацион технологиялар «симбиоз» ни юзага келтиради. Жамият ижтимоий жараёнлар программалаштирилган информацион-технологик даврга қадам кўяди.

Келажак тўғрисидаги очеркни яқунлар эканмиз, шуни қайди қилиб ўтиш керакки, келажакка информацион парадигма асосидаги йўл ниҳоятда ҳақиқатдек кўринади. Фақат шу нарсани билиб қўйиш керакки, билим ва информация жамиятда белгиловчи омил бўлган жамиятнинг ўзи ҳозирча ҳеч қаерда йўқ. Бироқ энг янги информацион-коммуникацион технологияларнинг тараққиёти инсон ва жамиятнинг келгуси ҳаёт тарзини шакллантиришнинг энг истиқболли йўлларида бири эканлигини инкор этадиган бирор киши топилмаса керак.

ХУЛОСА

Фалсафа узлуксиз ва баъзида жуда кескин дискуссиялар билан ривожланди. Ҳар бир файласуф ўзидан олдин ўтган ёки замондош ҳамкасби билан баҳслашади, бунда уларнинг қарашларини қабул қилиши ҳам, уларни рад этиши ҳам мумкин эди. Ўзининг узок давом этган тараққиёти жараёнида фалсафа ўз муаммоларини асослаш ва қилиш меёрлари (критерийлар)ни ишлаб чиқди. Қандай қилиб ҳаётнинг реаллигини исбот қилиб бўлади, ташқи оламнинг мавжудлигини қандай исботлаш мумкин. Билиш қандай амалга ошади? «Ташқи олам мавжуд», «менинг онгим бор» ёки «мен мавжудман» деган даъволлар тўла равишда ҳақиқатдек туюлади. Бироқ уларни асослаш қутилмаган қийинчиликларга дучор қилади. Масалан, олимлар табиатни ббилади, ҳодисаларни кузатади, сабабларини аниқлайди ва қонунларни ифодалаб беради. Бироқ табиат нима ва оламнинг сабабий ва қонунларга мавофик тузилганлиги тўғрисидаги илмий фаразлар қай даражада тўғри деган масалалар фандан ташқарида қолади. Фан далиларни ва қатъий асослашларни талаб қилади. Бироқ факт (далил) дегани нима? Қонун нима? Сабаб нима? Тушунтириш деб нимага айтилади? Қатъий исботлаш деганича? Ёки биз нима учун исботлашимиз керак?-деган саволларга жавоб беришнинг маъноси йўқми? Олимларнинг уюшмалари бундай саволларга билимнинг қандайдир бошқа соҳаларида жавоб бериб бўлинган деб ўйлашга ҳам тайёр. Ҳолбуки, бунга ўхшаш барча саволлар аниқ маънога эга ва барча инсоний билимлар асосида ётади. Айнан ана шулар фалсафанинг қизиқиш соҳаси ҳисобланади.

Одамни улар ҳаётининг кўплаб масалалари қийнаб келади. Масалан, у ҳаётнинг маъноси нима, нимани эзгулик деб ҳисоблаш керак, эркинлик, адолат, яхшиликларини билишга ҳаракат қилади. Одатда бу саволларга жавоб беришда анъанавий равишда диндан қутилар эди. Руҳонийлар бу инсон ҳаётининг «абадий саволлар»га жавоб бериш учун албатта ўз жавобларини ақидавий равишда тузар эдилар ва уларга бирор эътироз ёки шубҳа билдириб бўлмас эди. Шу билан бир вақтда,

руҳонийлар жавобларидаги бундай акидавийлик кўплаб одамларни, ҳатто диндор кишиларни ҳам қониктирмади ва ҳозир ҳам қониктирмай келади. Кўпинча кишиларнинг ўз ҳаётлари ва борликлари ҳақидаги фикрлашлари уларда шубҳаланишни келтириб чиқаради. Шубҳаланаётган одамнинг ҳолати шундай бўладики, гўё унинг оёғи бўшашиб, ерни сезмай қўйгандек таянадиган нарсаси қолмагандек ҳис қилади. Сиз ўзингизни ҳозиргина қаттиқ айланишдан тўхтаган каруселдан тушгансиз деб фараз этинг. Атрофингизда ҳамма нарса айланаётгандек ҳис қиласиз, оёқларингизда туришга қийналасиз, ҳозир йиқилиб тушадигандек туюлади. Сиз ўзингизни ўнглаб, нормал ҳолга кишингиз ва нарсалар одатдагидек кўриниши учун бир мунча вақт ўтиши керак бўлади. Ҳаёт ва борлиқ масалалари бўйича шубҳалар ва баҳслар-одамнинг табиий ва нормал ҳолатидир. Улар мулоҳаза юритувчи ва бир-бирлари билан мулоқотда бўлган одамлар ҳаётида рўй беради. Бундай саволларга жавоб бериш касбий бўладими, ёки қизиқувчан бўладими-фалсафанинг вазифасидир. Фалсафий масалалар-инсоннинг ўз ҳаёти, уни ўраб турган дунё, дунёга муносабати, бошқаларга муносабати, ўз-ўзига муносабатини билишга қизиқиш усули, шаклидир.

Илмий масалаларни муҳокама қилиш текширилган далиллар ва назарияларнинг мустаҳкам фундаментига асосланади, диний масалалар обрў ва ақидаларга асосланиб, масалан, Муқаддас китоблар ақидаларига асосланган бир қийматли жавобини топади. Фалсафий масалалар эса тажрибавий-илмий текширишлар ёки диний ақидаларга асосланмайди. Шунга қарамай, фалсафий тушунчалар ва даъволарни асослаш мустақил равишда билиш ва амалий аҳамият касб этадилар. Бундай асослаш инсон жамияти тарихи ва маданияти тарихига, шунингдек алоҳида олинган инсон ҳаёти билан чамбарчас боғланган. Фанларда муаммонинг қўйилиши ва ечилиши билиш объективлиги критерийсига мос келади. Бундай критерийга риоя қилган ҳолда олимлар ўзлари ўрганаётган соҳа ҳақида максимал объектив билим олишга интиладилар. Илмий билимнинг объективлиги бу билимга

инсон шахси омили томонидан ҳечқандай бузилишлари киритилмаслиги шартини қўяди. Холбуки, шахсий омилларининг ўзи воқеликнинг бир қисми сифатида ўрганилаётган ҳодисаларнинг омиллари бўлган жойида ўз-ўзича ҳисобга олинади, албатта. Фалсафий билим инсоннинг табиат дунёси ва бошқа инсонлар билан муносабатларидаги ролини таҳлил қилишни назарда тутди. Шунинг учун фалсафий қарашда барча масалалар шахсий омилларни ҳисобга олишни кўзда тутди.

Фалсафада ва динда (ақоидда) масалаларнинг қўйилиши ва ечилиши таққосланар экан, диний масалаларни руҳоний илоҳий асосни устун қўйган ҳолда қарайди, файласуф эса инсоннинг ролига устунлик беради. Руҳоний ҳаммавақт биринчи планга худони қўяди, сўнгра инсон ва унинг шахси масалалари қўйилади, файласуф эса инсон ва унинг оламда тутган ўрни масалаларни биринчи галда илгари суради.

Фалсафий фикрлашнинг ўзига хослиги шундаки, ундай фикрлаш рационалик, ички мувофиқлик, зиддиятсизлик, исботланиш талабаларига бўйсунди. Аввалдан айтиш мумкинки, бу характеристикалар кишиларнинг эмоционал, иродавий, баҳолаш-қадриятли оргументлари билан мос келади. Фалсафий билиш, руҳонийларнинг спекциятив даъволаридан фарқли ўлароқ, уларнинг борлиги, ҳаёти, маданияти, тарихи, жамият тўғрисидаги охирги ва бадий ҳаракатларига шубҳани кучайтиради.

Фалсафанинг асосий муаммолари ичида энг умумийларини ажратиш мумкин: борлиқ муаммоси; ҳаётнинг маъноси ва ҳаёт қадриятлари муаммоси; инсоннинг моҳиятига тегишли алоҳида муаммолар тўплами тарзида инсон муаммоси: ахлоқ муаммоси (яшаш нормалари ва одамларнинг ҳулқи-атвориغا тегишли муаммолар тўплами); оламни бадий ўзлаштириш муаммолари; тўғри фикрлаш муаммоси; ижтимоий ҳаётнинг моҳияти муаммоси; тарихни тушуниш ва тушунтириш муаммоси.

Фалсафий билимнинг алоҳида соҳалари (фалсафий фанлар)га: онтология (юнонча *ontos*-борлиқ, мавжудлик ва

logos-таълимот, яъни борлиқ ҳақидаги таълимот ёки борлиқ назарияси,) гносеология (юнонча gnosis-билим, билиш ва logos-назария, яъни билиш назарияси), аксиология (юнонча axios-қадрили ва logos-назария, яъни қадриятлар назарияси), фалсафий антропология (юнонча anthropos-одам ва logos-таълимот яъни инсон моҳияти ҳақидаги таълимот), этика (юнонча ethos-одат, яъни ахлоқ ҳақидаги таълимот); эстетика (инсоннинг воқеиликка бадиий муносабати ҳақидаги таълимот), мантиқ (тўғри фикрлаш шакллари ва усуллари тўғрисидаги таълимот), ижтимоий фалсафа ва тарих фалсафа киради.

Фалсафа ҳам, ҳар бир фан каби, ўзининг тарихи масаларига марожаат қилади. Фалсафа тарихи-бу энг қадимги даврдан то бизнинг даврларимизга қадар фалсафий билиш тараққиёти тарихидир. Фалсафа тарихи турли тарихий даврлар ва маданиятларда инсонлар ҳаётининг умумлаштирилган тажрибасини ифодалайди. Фалсафа тарихини билмаган ҳолда фалсафани тушуниш ва унинг муаммоларини муҳокама қилиш мумкин эмас.

Инсон амалиёти ва билишининг ривожланиб бориши билан фалсафий билиш ҳам бир бутун тарзда ривожланиб бермоқда. Унинг янги соҳалари юзага келмоқда: масалан ўтган аср ўрталарида табиётшуносликнинг фалсафий масалалари, яқин ўтмишда эса илмий билиш табиатининг умумий масалалари билан шуғулланадиган фан фалсафаси юзага келди; яқиндан бери инсон ва олам ўзаро таъсирининг умумтехнологик қонуниятларини ўрганувчи техника фалсафаси, шунингдек, иқтисод фалсафаси, ҳуқуқ фалсафаси тўғрисида гапирилмоқда ва ш.ў.

Фалсафа ўзи юзага келганидан бошлаб борлиқнинг инсон ҳаёт қуриладиган умумий қонунларини билишга йўлланиб келди. Олам ва инсон тўғрисидаги фалсафий мулохазалар таъсирида бўлиб келганлар, масалан, бир фикрларда диний ва ахлоқий асослар, бошқаларда бадиий ва техникавий, учинчиларида-ижтимоий-сиёсий, тўртинчиларда илмий рационаллик асослари ҳукмрон бўлган. Файласуфларнинг қарашлари уларда маданиятнинг қайси элементи, қандай

муносабатликда бўлишига қараб фарқ қилганлар. Улар йўналишлари орасида кескин фарқ,масалан, бир йўналишда диний қараш ва бошқасида илм омили ҳукмрон бўлган қарама-қаршилик бўлган ҳолларда сезиларли келишмовчиликлар бўлган. Ҳақиқатдан ҳам, дин ўз предметининг илоҳийлик табиатига эътиборини қаратади ва уни ишонч ва ақидаларининг иррационал маъноларида акс эттиради. Фан бевосита инсон ақлига мурожаат қилади,унинг тушунча шаклларида ўз предметини кўради. Албатта,фалсафий мулоҳаза фаннинг тажрибавий ва назарий билишларида бўлган аниқлик ва бир қийматликка эга бўлмайди,ва шу билан бирга, диний ишонч ва догматизмнинг ҳа четлаб ўтишига ҳаракат қилади. Қадимги римликларга тегишли бўлган «худоники худочасига»ва «қассобники қассобчасига»деган мақола бу муносабатни илоҳият предмети ва фалсафа предметининг орасидаги фарқни аниқ ифодалаб беради: илоҳий маъноларининг устунлиги диний спекуляцияларини олдиндан белгилаб беради ва шунингдек, турли инсоний хусусиятлар ва муносабатлар фалсафий билиш предмети чегараларини белгилаб беради.

Ҳозирги замон одами онгига икки маданий традициялар дуч келади. Улардан бири гуманитар фанларда ифодаланган ва у ҳаётий-амалий,билиш,қадриятли ва маданий-тарихий усуллар билан конкретлашган инсон ғоясига таянади. Иккинчи анъана табиатшунослик ва техник фанлар билан ифодаланган бўлиб,суъний системалар ва улар билан амалга ошириладиган техник манипуляцияларга боллари қай даражада гуманитар ва илмий-техника омиллари муносабатига боғлиқ бўлади.Янги маданияти ва кундалик ҳаёт тарзининг авваллари тушуниб етилмаган, маънавий-руҳий,гуманитар беркли характерига эга бўлган сохаларигача кириб бормоқда. Прадокс шундаги,инсон янги илмий-техникавий янгиликларни турмушга кириб боришидан ўзининг маънавий қашшоқланишига томон кетаётгани ҳаворини тобора сезиб бормоқда, лекин шу билан бирга, тоборо мукамаллашганроқ информацион-комунатив системалар яратишда давом этмоқда.

«Икки маданият» нинг бир-биридан кескин ажралиши уларнинг кесишиш нуқталарини излашга бағишланган бир талаб адабиётлар оқимининг пайдо бўлишиги олиб келди. Ижодий зиёлилар асосан рассомлар ав ёзувчилар ўйладиган, севадиган ва нафратланадиган, кўркувга тушадиган ва умидланадиган дунёлари билан илмий дунёлари, экспериментал қўлланмалар дунёси орасида фарқ катта эканлиги қайд қиладилар. Шундай ҳисоблайдиларки, адабиёт шахснинг ҳаётий тажрибасини тасвирлайди, фан эса табиатни билиш ва тажрибасини ўзгартириш тажрибасини умулаштиради. Бунда фан ва техника борган сари инсон ҳаётига фаол кириб бормоқда, ўзининг рецепт ва тавсиялари билан аввал ўзи эриша олмаган соҳаларини кўрсатиб бормоқда. Инсонлар ижтимоий ва индивидуал ахборотлашуви интенсив кетмоқда. Фалсафа бу ҳолатдан илмий-техника стратегиясини гуманитар жиҳатдан биров «тутиб туриш», чеклаш ва текшириб, баҳолашни йўлга қўйишни тавсия этади.

Илмий ва техника интеллектуаллари жамият ҳаётидаги вазиятни бошқачароқ тасаввур қиладилар. Фаннинг таракқиётни улар илмий-техника прогресси, объективлик учун кураш, фантазия ва иллюзиядан ҳоли бўлиш, субъективизм ва ўзбошимчалиқдан, насиҳатгўйликдан, сиёсий, миллий, гуруҳбозлик ва бошқа қадриятлар устунликлардан озод бўлиши билан боғлайдилар. Шу билан бирга, булар одам бутун инсон ҳаётини фақат техника-иқтисодий ҳисоблашлар-гарчи бундай ҳисоблашлар компьютер техникасига асосланган бўлса-да, асосида таъминлаш мумкин деб исботлаб бера оладими? Инсоннинг рационаллиги унинг дунёси билан боғланган жиҳатлари-сезгиларининг турли-туманлиги, қадриятларни баҳолаш ва қайта баҳолаш, мухаббат кечинмалари, нафратлари, ишонч, умид, кўркув сингари жиҳатлари билан боғланмаганми? Инсон ва жамият ҳақидаги фанлар-масалан тарих, социология, психология-алоҳида одамлар ва жамоалар, маданият ҳодисалари ва ижтимоий институтлар ҳаётига оид кўплаб доимий материаллар тўплайди. Бирок бу

материалларни фақат фалсафа инсоннинг нима эканлиги кўрсатиб бергандан кейинчалик фойдаланиш мумкин бўлади.

Фалсфий билишнинг ўзига хосликларни муҳокама қилар эканмиз, бундай билишнинг асосан нафақат тарихий-фалсафий тажриба, ҳозирги замон жамияти ва маднатнинг ҳолатини билишгина эмас, шунингдек инсоннинг кундалик ҳаётини ҳам билишдир. Ўзининг табиатига кўра предметнинг ўзига хослигига кўра, фалсафа инсонларнинг кундалик ҳаётларини четлаб ўта олмайди. Одамларнинг кундалик ҳаётлари қолаверса фалсафа уни чиққан ва фан юзага келган тупроқ ҳисобланади. Бироқ кейин ўзининг тарихий тараққиётида фан, фалсафадан фарқли ўлароқ, одамларнинг кундалик ҳаётидан ўзининг бевосита контактларини ўз тадқиқотларидан чиқариб қўйганлар. Файласуфлар эса, аксинча, одамлар ҳаётининг кундалик ташвишлари, қадриятлари, эҳтиёжларига доир муаммоларни ўрганишга, билишга ўз интилишларини кучайтирадилар. Фалсафа фаннинг табиат ва инсон устидан ҳукумронлик қилиши ҳақидаги фикрни шубҳа остига қўяди. Фан ҳаётининг энг юксак эҳтиёжива қадрияти бўлгани учун унинг бундай ҳукумрон бўлишини фақат фалсафий танқид қилиш йўли билан бартараф этиб бўлмайди. Шу билан бирга, жамоатчиликнинг фикрини илмий-техника прогрессининг бу яширин механизмларига қаратиб, фалсафа бу масалаларни очиқ-ойдин муҳокама қилиш имкониятини очиб беради.

Фалсафа яшаб қолишдан (тирикчиликдан) манфаатдор бўлган, эркин жамият қуриш, янги маънавий қадриятларни яратиш ва тараққиёт истиқболларини яратаётган одмалр уюшмасининг, жамоатчиликнинг ақси сифатида ишлайди. Уларни таҳлил қилар экан файласуф инсонлар ҳаётининг ниҳоявий асосларини ривожлантириш, улар ҳулқининг мотивларини аниқлаш, ҳар биримизнинг фаолиятимиз бизнинг бошқа одамлар билан мунособатимизга боғлиқ эканлиги кўрсатиб беради. Бошқа одамларнинг ва йўлимизни ўзгартиришга таъсир этади. Биз бошқалар билан чамбарчас боғлиқмиз, биз ўтган авлодларни ўрнини эгаллаганмиз; бир-биримиз билан доимо муомаладамиз ва ҳозирги ҳаётимизнинг

такрорланмас, уникал ва индивидуал эканини фақат бошқлар, билан бирга кечганлиги туфайлигина пайқаймиз; ниҳоят, эртами – кечим бизнинг ҳаётдаги ўрнимимзни бошқалар эгаллашини ҳам тушуниб қоламиз.

Ҳар бир одамнинг ҳаёт дунёси шундай тузилганки, у бир тмондан, ўзининг индивидуаллигини намоён қилмоқчи ва ўз ҳулқилини эркин бўлишга эришишни истайди, иккинчи томондан эса-у ўзининг фикр ва хоҳишларини фақат бошқа одамларнинг фикр истаклари билан мувофиқлаштирилгандагина амалга ошириш эканлигини билдиради. Бундай ҳаёт дунёси традицияларини қайта мувофиқлаштириш инсоннинг чуқур табиатини ва инсоний муносабатларининг умумий моҳиятини ифодалайди. Ўз ҳаётининг турли йўналган анъаналарини боғлашга интилган ҳолда ҳар биримиз ўз ҳаёт режаларимизни тузамиз. Бизнинг барча режаларимиз конкрет вазиятдаги одамга дуч келганида доимо ўзлаштиришга, тўғирлашларга (тузатишларига), тўлдиришларга муҳтож бўлади. Маълум бир конкрет вазиятда турганда ҳар бир инсон ўз режа ва мақсадларини ўзгартирар экан албатта, у ўз эркинлигини бошқаларнинг эркинлиги ҳулқи билан муносиблаштириш меёрини билиш керак.

Бизнинг ҳаётий дунёмиз шундай тузилганки, биз бошқа одамларнинг ҳаётий дунёсини ўзимизники билан ўлчабгина, солиштириб кўрибгина тушунамиз. Санок системасининг бошланғич нуқтаси учун инсон одатда, ўзини қабул қилади, ўзининг танасини руҳи, онги, қобилиятлари, ҳаракати ва фикрларини, ўзининг нимага ёки кимгадир муносабатини олади. Ҳатто бошқа одамларнинг ўзаро муносабатлари вариацияси сифатида қабул қиламиз. Биз бошқа инсонни фақат ўзимиз орқали, гўё «бошқа мен» тарзида тушунишимиз мумкин. Бошқа инсон туфайлигина биз ўзимизни ким эканлигимизни билиб оламиз. «Мен» ўзини «шу ерда ва ҳозир» тарзида ифодалайди. Бизнинг ўтмишимиз ва келажагимиз бизга фақат ҳозирги аҳволимизга нисбатангина билинади.

Муайян тарихий даврнинг ҳаётий дунёси аҳамиятини тушуниш учун биз уни «ўзимиз орқали» ўтказишимиз керак,

Ўзимизнинг ҳозирги ҳаётимиз дунёси орқали ўтказиб, уни бизнинг дунёмизнинг мумкин бўлган модификацияси деб тушунишимиз керак. Биз ўз ҳаётимизнинг истиқболини равшанлаштиришда ҳам биз шундай қилишимиз зарур. Кўпинча биз ўзимизнинг келажак ҳаётимизни бугунги ҳаётимиз образи орқали ва ўхшашлиги бўйича лойҳалаймиз. Бироқ биз ўз келажакимизни белгилашда аввало бошқа одамларнинг ҳаётий дунёсини тан олиш ва уларнинг келажак ҳаётларини тан олишдан келиб чиқишимиз керак.

Ўз дунёсини танлар эканмиз, бу билан биз бошқалар дунёси тўғрисида ғамхўрликни зиммамизга оламиз, биз ўз ҳаракатларимизни бошқалар ҳаркати эркинлигини сиқиб қўймайдиган қилиб танлаймиз. Моҳияти жиҳатидан инсон ҳаётий фаолиятининг эркинлиги янги ҳаракатлар, имконияти, бошқа воситалар ёрдамида, бошқача ҳаракатланиш имконияти демакдир.

Одамлар бошқаларга ўхшаш бўлишга интиланларида ҳам ўзларининг ўз қиёфасини сақлаб қолишга интиладилар. Тўғри, буни ҳар ким турлича уддасидан чиқади, кўпчилик ҳатто мутлақо уддасидан чиқа олмайди ҳам. Инсоннинг муваффақиятли ҳаётий фаолияти фақат у тушиб қоладиган вазиятларгагина эмас, унинг эркин ирода эркинлигига ҳам боғлиқ бўлади. Ирода эркинлиги туфайли ҳар бир одам айна бундай шароитда турли қарор қабул қилиши ва турли ҳаракат қилиши мумкин.

Бироқ одамлар ҳаётий дунёсини умумий маънога эга бўлган жиҳатлари уларнинг биргаликда мувофиқлашиб ҳаракат қилишлари учун кафолатдир. Агар одамлар ўзларининг яшашлари умумий мақсадларини тан олмасалар, у ҳолда индивидуал ижод қилишлар ва маданий қадриятлар киришиб кетиш имкониятлари катта бўлмайди. Фалсафий мулоҳазалар умумий мақсадлар, идеаллар, нормалар ва мўлжалланган бўлмаса уларнинг биргаликдаги ҳаёти мумкин эмаслигини яхши тушунишларига имкон беради. Фалсафа инсон ҳаётининг умумаҳамиятга эга бўлган мўлжалларини белгилаб беради,

бунда шахснинг ҳозирги дунёда эркин, ижодий ҳаёт фаолияти юргизиши имконияти билан асосланади.

Жамиятда фалсафани тан олиш анчагина ички ва ташқи қаршиликларга дуч келган, чунки ҳаётнинг мавжуд бўлган қотиб қолган қолипларидан воз кечишни тақозо қилади. Унинг устига файласуфлар кўпинча ерда яшаётганликларини унутган ҳолда доим идеал дунёни қидириб, ўз обрўларини йўқотиб кўяр эканлар, улар Ердаги оламнинг тузилиши мукаммаликдан узоқ бўлса-да, ҳар ҳолда у кундалик ҳаётга маълум барқарорлик беришни эсдан чиқарар эдилар.

Ҳаёт бозори ҳеч вақт «донишмандлик» товари билан тўлдириб ташланмаган эди. Файласуфларни ҳамма вақт кундалик ҳаётнинг моддий характеридан узоқ турувчи ҳақиқатлар қизиқтирар эди. Шунинг учун донишмандлик бозорда камёб товар деб ҳисобланар эди. Бироқ одамлар файласуфларсиз яшашлари мумкин дейиш анча ҳато бўлур эди. Турмуш, ҳаёт фақата нарсалар ва нондан иборат эмас-ку! Албатта, ким учундир ҳаёт қийинчиликлари ейиладиган «нон» ни топишдан иборат бўлиши мумкин, у фақат кийм, овқатланиш, уй-жой топиш ташвиши билан яшаши мумкин. Бироқ бу кишининг ҳаёти, шунингдек, ҳар бирмизнинг ҳаётимиз ҳам, фақат унинг моддийлик тарафи билан тамом бўлмайдику. Эртами ёки кечми инсон ҳаётини нарсалардан ташқари турадиган, вақтдан юқори бўлган реалликлар ва ҳаёт қадриятлари туғрисида мулоҳаза қилишга мажбур бўлади, чунки улар ўз-ўзидан мулоҳаза қилишга мажбур қилади. Шу сабабли фалсафа одамларга керак. У одамларни ўз ҳаёти мақсадларига отлантиради ва қайта отлантиради, ўзлари устидан ўйлашга мажбур қилади. Ҳатто файласуфлар ҳақиқатни излашда янглишганларида ҳам фалсафага эҳтиёж ўлгани йўқ. Ҳамон барча одамлар ақилли мавжудот эканликларига даъво қилар эканлар, фалсафа улар ҳаётининг кўзгусига айланади, унинг ёрдамида ҳаётини ореинтирлар излаб топилади.

Шундай ҳам бўлдики, одамлар ўзларининг дунёдаги мавқеъларидан қониқмайдилар. Шу туфайли бир одамларнинг

манфаатлари бошқаларники билан мос келмай қолди ва ижтимоий конфликт юзага келиши мумкин. Шунинг учун баъзан файласафадан маълум фойда, «ундириш» ва бу билан жамоага ўз фикрини ўтказиш ва шу йўл билан ўз қаршиликларининг ҳақлигини тасдиқлаш учун, ёки бўлмаса, фалсафани одамланишига уринишлар ҳам бўлиб туради. Шахс билан жамият ўртасидаги конфликт алла замонлардан бери бўлган ва цивилизация тарихида турлича намоён бўлган. Ҳозиргача сақланиб қолган бундай ҳаётий ҳодисанинг ҳар икки томони ҳам қисман ҳақ ва қисман ҳақ эмас. Уларнинг фалсафий позициялари кўзга яққол ташланади. Биринчи томондан, ижтимоий кучларнинг устуворлигини сақловчи фалсафа одамларни мурасага келтириш ва қовуштиришга интилмоғи лозим. Бошқа томондан эса, фалсафа жамиятда инсон ҳулқининг индивидуал қобилиятини асослашга ёрдам бериш керак. Одамлар индивидуаллиги жамият кишиларини жипслаштиришга тўсиқлик қиладиган хусусиятдир. Айниқса индивидуализм асосида инсонлар ақлига шубҳа ва иккиланишлар ёйиш ёки рўёбга чиқмайдиган умидлар боғлаш ётган бўлса бу жуда ҳатарли. Шунинг учун бу мутахассис файласуфлар қарашларини ифодалайдими. Ёки файласуфнинг шахсий мулоҳазаси тарзида ифодаланган бўладими-фалсафадан воз кечиш мумкин эмас. Одамлар ижтимоий ҳамкорлик ва индивидуализм муқобиллигининг бир тоноламалигини қай даражада енгиларига қараб инсоният цивилизациясининг тақдири белгиланади.

Албатта фалсафа қандайдир бир бутун ягона дунёқараш эмас. Фалсафани ўрганмай туриб, тўғриси таниш мумкин эмас. Одамлар ҳаёти ва маданияти тарихига мурожаат қилиш шуни кўрсатадики. Ижтимоий тузумининг ёшлиги ва кексалигида, унинг пайдо бўлиш йиллари ва сўниш даврида фалсафага эҳтиёж кучаяр экан. Айнан ана шу даврларида инсон ва жамият ўз ҳаётий йўлини танлар ва ўзи тутган йўлини якунини таҳлил қилар экан. Масалан, қадимги юнон цивилизациясининг маданий тараққиёти маълум даражада фалсафа туфайлидир, айнан фалсафанинг йўллаши туфайли ақл

идеаллари, демократия ва маънавийлик сингари ўша давр жамияти ҳаётий асосларини шакллантирида ютуқларига эришилган. Бироқ бундай бўлади деб ўйлаш одамлар учун енгилтаклик ва файласуфлар учун мактанчоқлик бўлган бўлур эди. Худди кекса инсон ўзининг ёшлик йилларидаги романтик идеалларидан воз кечгани сингари, жамиятнинг идеал режаларига ҳам аввалдан кутилмаган омиллар аралашади, танг вазиятлар юзага келади, ва аввалги идеаллар ва қадриятларни қайта кўриб чиқишни тақазо қилади. Масалан, жамият таракқиётининг сокин, барқарор давларида академик фан, санъат ва фалсафа гуллайдиган бўлса, ижтимоий тангликлар ва нотинчлик даврларида ҳаётнинг барқарорлиги бузилади. Маданият инқирозга юз тутиб, таназзлга дуч келганда унда навбатдаги «гений» лар ва «пайғамбар» лар қаллоблар ва мутаҳамларни келтириб чиқарар экан. Бунда янги ҳаёт идеаллари ва стратегияларини танлаш таваккал бўлар, аввалдан айтиб бўлмас натижаларга олиб келиши, нохуш оқибатлар ва ҳато ҳаракатларга олиб келиши мумкин экан. Бироқ нотўғри қарорлар қабул қилмаслиги учун ҳар қандай фаразлар кузатишлар, экспериментлар ва ҳисоботлар билан текшириб тузилиши, таасурот ва тасаввурлар мантикий асосга эга бўлиши, ирода ва эркин-ақл тарозусида ишлатиш керак.

Бугунги қийин кунларда ижтимоий ўзгартиришларга доир кўп ишлар ёшлар елкасига тушмоқда. Ёшлар ҳаётга кўпроқ талабчан бўладилар, унинг қийинчиликларга сезгир бўладилар. Шу маънода уларнинг баъзилари норози, бошқаларда шубҳа, учинчиларда чарчоқ ва депрессия, тўртинчиларида эса бефарқлик ва дангасалик сезилади. Баъзан айнан ёшлар турли йўлларига осон кириб кетмоқдалар, уларни турли маънавий сезгирликни йўқотиш йўлида иш кўраётганлар ўзларига оғдириб олмоқдалар. Наркотик моддаларга берилиши ёки турли оқим ва йўлларга осон эргашиб кетиш ҳоллари учрамоқда аниқ белгилаб олмаганлик туфайли турли оқимлар ва ҳаракатларни бошқараётганлар «домига» илиниб қолаётганлари ҳам бор. Ўз ҳаётининг аниқ йўлини белгилаб олишнинг осон маслаҳатлари ҳам йўқ. Ўз-ўзини онглашдан воз

кечиши ва курук ҳаёллар, наркотик кайфиятларга берилиши реал ҳаётда кўз юмиш усули деган гапдир.

Албатта, ҳаётдаги барча масалаларга фалсафа жавоб беради, дейиш ҳам жуда ҳам тўғри бўлмайди. Бугунги кунда фалсафа ҳам касбий ёки кундалик ҳаётий донишмандлик маъносида қийин танлаш ҳолатида турипти: ўтириб олиб келажак ҳаёт ҳақида ширин ҳаёллар оғушига берилиш керакми ёки қанча оғир бўлмасин ўтмишни қайта идрок этиб, ҳозирги ҳаёт ва истиқболни аниқлаш лозимми? Ҳозирги замон жамиятида фалсафанинг роли фақат унинг танқидийлик вазифаси билан чекланиб қолмайди. Кўпинча фалсафа ўзига мулоқот ва диалог вазифасини олади. Мулоқот стратегияси энг илғор ва эзгу мақсадларда бўлмасин куч ишлатиб тарғибот қилиш йўлларини тан оламайди. Классик фалсафа жамиятни ислоҳ қилишнинг инқилобий эди. Шунинг учун ҳам бугунги кунда фалсафанинг ўзига ёки унинг коммуникатив имкониятларига ишончда шубҳаланишлар бор эканлиги ажабланарли эмас. Унинг устига, ҳозирги замон фалсафаси баъзида оммавий ахборот ва коммуникация воситаларнинг кудратли тўлқини босимида қолиб кетади. Фикрлашнинг «саволлар ва жавоблар» тарзидаги примитив нусҳаси ҳозирги матбуот, радио, телекоммуникация даврида кўплаб кишиларни мавжуд яшаш шароитларига осон мослашиш кайфиятларини блгилаб қўйиши мумкин. Бундай кишилар тарғибот ва реклама воситалари таъсирида шу даражада ўз йўналишларини йўқотиб қўядиларки, уларни фалсафий тафаккур йўлига жалб қилиш қилиш лозим бўлади.

Ҳозирги кунда инсон жамияти ҳақиқат ўз эркинлиги ҳиссини йўқотиш чегарасидан аста-секин чиқиб келмоқда. Фалсафа бу қадриятларнинг ўткинчи эмаслигини қайд қилиб туради, бу қадриятларсиз ҳаёт ўз маъносини йўқотади. Шахснинг ҳаётий режалари ҳам, шунингдек, жамият тараққиёти истиқболларини белгилаш ҳам ақлнинг шунчалик курук ўйини эмас. Инсон ўз ҳаётини икки марта яшай олмайди : бир матра асл мақсадаларсиз шунчаки «қоралма» тарзида ва иккинчи марта асл идеал ва мақсадларга мувофиқ ўтай

олмайди. Мақсадлар ва идеаллар ҳаётимизни такрорланмас ва жозибали қилади. Улар ҳаётни сақлаб туради. Чунки одамлар ўз ҳаётларини ана шу мақсадларга мослаб, мувофиқлаштириб яшайдилар. Донишмандлик ўзини ҳам, бошқаларни ҳам бостиришда эмас, балки ўз-ўзига ва атроф дунё билан мувофиқликда яшашдир. Бунда фалсафага мурожаат қилиш руҳнинг ривожини таъминлайди, уни эски ақида ва стереотиплардан тозалашга, ҳозирги замон мақсадларига мос истиқбол йўлларига бошлашга хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР :

1. Аристотель: Никомахова этика. / Пер. Н. В. Брагинской. М.-Л.: переизд.: М., Гос. публ. ист. б-ка России, 2003. 229 с.
2. А.Ф.Лосев. История античной эстетики. [Т. 4.] Аристотель и поздняя классика. М.: Искусство, 1975. 776 стр.
3. Аристотель Политика. / Пер. С. А. Жебелева под ред. А. И. Доватура. М.-Л.: Соцэкгиз, 1936. 198 стр.
4. А.Ф.Лосев. Античная философия истории. М., 1977. 9-б.
5. А.Дж.Тойинби. Постигание истории. М., 1991
6. БМТниг 72 <https://uza.uz/uz/posts/zbekiston-prezidenti-shavkat-mirziyeev-bmt-bosh-assambleyasi-20-09-2017>
7. Бычков В. В .Византийская эстетика. Исторический ракурс. М.- СПб: Центр гуманитарный инициатив, 2017. 768 с.
8. Бёрк Эдмунд / под ред. А. М. Прохорова – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969.
9. Баумгартен. Texte zur Grundlegung der Asthetik, hrsg. v. H. R. Schweizer. Hamb., 1983; в рус. пер.: В кн.: История эстетики, т. 2. М., 1964, с. 449-65
10. Библия с комментариями Российской библейское общество.
11. Барт Р. Введение в структурный анализ повествовательных текстов / пер. Г. К. Косикова /
12. Библия. <https://ru.wikipedia.org/wiki>
13. Блок М. Апология истории, или Ремесло историка. М., 1973 г. с.104. Макс Блок йирик француз тарихчиси (1886-1941).
14. Волченко В.Н. Миропонимание и экоэтика XXI века наука, философия. религия. МГТУ им Н.Э.Баумана М.2001.432с. Иккинчи нашри изд Возрождение, 2007 М.;430с.
15. Васковський.Е.В. <https://dlib.rsl.ru/01003659541>
16. Вольтер *Акимова А. А.* Вольтер. – М. : Молодая гвардия, 1970. – 448 с. – (Жизнь замечательных людей. Выпуск 13 (489)).

17. Гегель. Курс эстетики или наука изящного. – СПб., 1847 (Части 1-2 в 2 т.); Москва, 1859-60 (Часть 3 в 3 т.). Третья часть переиздана в Москве в 1869. Перевод В. А. Модестова.

18. Г. Гёти «Годы учения Вильгельма Мейстера» (1795–1796), «Годы странствий Вильгельма Мейстера» (ч. 1–3, 1821 – 1829);

19. Г.Александров // Большая советская энциклопедия : [в 30 т.] / гл. ред. А. М. Прохоров. – 3-е изд. – М. : Советская энциклопедия, 1969–1978.

20. Гемпель К.Г. Дилемма теоретика. // Гемпель К.Г. Логика объяснения. М., 1998.

21. Диогон Ларитецкий. Жизнь, учение и изречения мужей, прославившихся в философии. / Пер. Е. Шмидт-фондер-Лауниц. Ревель, 1898. 98 стр. (*частичный перевод*)

22. Д.Дидро // Большая советская энциклопедия: [в 30 т.] / под ред. А. М. Прохорова – 3-е изд. – М.: Советская энциклопедия, 1969.

23. Демокрит/ Перевод М. А. Солопова // Новая философская энциклопедия : в 4 т. / пред. науч.-ред. совета В. С. Стёпин. – 2-е изд., испр. и доп. – М. : Мысль, 2010. – 2816

24. Дж.Берналь. Возникновение жизни. М., 1969. 20 б. Джон Десмонд Берналь. (1901-1971)-машкур инглиз биохимиги ва физиги.

25. Д. Юм. Исследование о человеческом познании. // Юм. Д. соч. Т.2. М., 1965. 191-б.

26. Д.Несбит, П.Эбурдин. Что нас ждёт в 90-е годы., М., 1992. 135 б.

27. Д.Белл. Грядущее информационное общество. М., 1999.

28. Э.Тоффлер. Третья волна. М., 1999.

29. «Encyclopedia of Bioethics» (1 – Том. XXI – бет)

30. Эрик Раймонд. "Man Against the FUD". Archived from the original on October 13, 2007. Retrieved July 7, 2008.

31. Эволюция основных течений американской буржуазной идеологии. М.: Наука, 1982, 333 с.

32. Э.Роттердамский «Наставление христианского государя»,
33. Э.Ганслик О музыкально-прекрасном. Рус. перевод Г. А. Лароша. М., 1910.
34. Эсхатология-«дунёнинг охири» тўғрисидаги таълимот (юнонча eschatos-охирги logos-таълимот).
35. Ж.Кальвин Лихачев Е. Европейские реформаторы. СПб., 1972.
36. Ж.Свифт Джонатан Свифт. Собрание сочинений в 3 т. – М.: Терра-Литература, 2000. – Т. I. – 480 с.; Т. II. – 480 с.; Т. III. – 496 с., ISBN 5-273-00101-3. Переизд.: 2008, ISBN 978-5-275-01761-8.
37. Ж.Драйден Гербель Н. В. Английские поэты в биографиях и образцах. СПб., 1875 (в нём же перевод В. Жуковского «Пиршество Александра или сила гармонии»).
38. Ж. Локк. Опыт о человеческом разумении. // Локк Дж. Соч. Т., 1. М., 1985. 212 б.
39. Зольгер Зольгер. Карл-Вильгельм-Фердинанд // Энциклопедический словарь Брокгауза и Ефрона : в 86 т. (82 т. и 4 доп.). – СПб., 1890–1907.
40. И.-И. Винкельман. Избранные произведения и письма. Ладомир, Academia – 1996–688 с.
41. И. Кант. Сочинения в шести томах. Том 6. – М., 1966, 743 с (Философское наследие, Т. 17)
42. И.С. Кон. Позитивизм в социологии. Л., 1954. 23-35 б.
43. Кляшторный С.Г. История Центральной Азии и памятники рунического письма. СПб., 2003, с.444.
44. К.С.Гаджиев К.С.Гаджиев. Сиёсат фалсафаси (Политическая философия). – М.: «Иқтисодиёт» («Экономика») нашриёти, 1999 – йил.
45. К.С.Гаджиев Политология (Допущено Министерством образования РФ в качестве учебника для студентов вузов). Логос, 2000–2011, 485 с.

46. К. Маркс Предисловие ко второму изданию I тома «Капитала» // К. Маркс, Ф. Энгельс Сочинения, т. 23, М., Политиздат, 1957, стр. 17-18
47. И. Кант. Антропология с прагматической точки зрения. // соч. Т. 6. М., 1966.
48. М. Шелер. Положение человека в Космосе. // Проблема человека в западной философии. М. 1988. Х. Плеснер. Ступени органического и челоу. Ёша асарда; А. Гелен. О систематике антропологии. // Ёша асарда. Б. В. Марков. Философия антропология. Очерки истории и теории СПб. 1997.
49. Кант И. Логика. // Кант И. Трактаты и письма. М., 1980. 379 б.
50. Кант И. Критика чистого разума. М., 1994, 486 б.
51. Конфуций. Беседы и суждения
52. Карпович В. Н. Термины в структуре теорий. (Логический анализ) Новосибирск. 1975. 56-62 б.
53. Кассирер, Э. Натуралистическое и гуманистическое обоснование философии культуры // Постижение культуры. Ежегодник, вып. 7. – М., 1998.
54. Кастельс М. Информационная эпоха: экономика, общество и культура. М., 2000.
55. Л. Н. Столович Столович Леонид Наумович // Философы России XIX столетий. Биографии, идеи, труды. – Издание второе, переработанное и дополненное. – 4-е изд., – Москва, 2002. С. 935.
56. Л. С. Васильев. Проблемы генезиса китайской цивилизации. М., 1976. 3-36 б.
57. Л. С. Васильев. История Востока. М., 1993. Т. 1. 272-б.
58. Л. Б. Баженов. Строение и функция естественнонаучной теории. М., 1978. 27 б.
59. Леопольд О. Развитие этики // Любовь к природе. Мат. Междунар. школы-семинара «Трибуна-б» . – К.: Киев. эколого-культурный центр, 1997. – С. 128–129.
60. Мур Дж. Э. Принципы этики / Пер. с англ. Коноваловой Л. В. – Москва: Прогресс, 1984. – 326 с.

61. Морозова Л. А. Всесоюзное совещание по проблемам юридической психологии, профессиональной этики юриста и юридической деонтологии // Советское государство и право. – 1989. – № 11. – С. 138–139.
62. Мейстера» (ч. 1–3, 1821 – 1829);
63. М.Лютер Лютер М. Время молчания прошло. Избранные произведения 1520–1526. – Харьков, 1994.
64. Менандр. Комедии. Герод. Мимиямбы. (Серия «Библиотека античной литературы»). М.: Худож. лит. 1964. 318 стр. 25000 экз.
65. М.Твен Марк Твен. Собрание сочинений в 8 томах. – М.: «Правда» (серия «Библиотека „Огонёк“»), 1980
66. Марен Марсен "Ordinaire de la Musique de la Chambre du Roy" Источник: <http://oiskusstve.ru/velikije-muzikanti/page/6/>
67. Марк Твен в воспоминаниях современников. / Сост. А. Николюкина; вступ. статья, коммент., указ. В. Олейника. – М.: Худож. лит.; Терра, 1994. – 415
68. М.Блок. Ёша асар. 67-б
69. Милль Дж.С. Система логики силлогической и индуктивной. Изложение принципов доказательства в связи с методами научного исследования. М., 1914. 191-б.
70. Nakamura Hajime. Ways of thinking of eastern peoples. India. China. Tibet. Japan. Honolulu, Hawaii, 1964.
71. Ницше Ф. Полное собрание сочинений: В 13 томах / Пер. с нем. В. М. Бакусева, Ю. М. Антоновского, Я. Э. Голосовкера и др.; Ред. совет: А. А. Гусейнов и др.; Ин-т философии РАН. – М.: Культурная революция, 2005–2014.
72. Н.Макиавелли. Макиавелли Н. Государь. Рассуждения о первой декаде Тита Ливия. Ростов н/Д., 1998, С 68.
73. Н.Макиавелли. // Перевод .Шульц Э.Э. Никколо Макиавелли и складывание основ теории социального протеста // Научные ведомости Белгородского государственного университета. Серия «История. Политология. Экономика. Информатика». – 2014. – Вып. 29, № 1. – С. 198–201.

74. О.Г.Дробинцкий Моральная философия. Избранные труды М., 1989 .С.86-87.
75. О.Шпенглер <https://ru.wikipedia.org/wiki>
76. Общество, элита и бюрократия в развивающихся странах Востока. 1 китоб. М., 1974. 104-б.
77. Поттер В.Р. Биоэтика: мост в будущее// Перевод. М.Н.Германович. Москва 2014 « Политиздат » 245с
78. Петров Н.Н. Вопросы хирургической деонтологии, 5 изд., Л., 1956.
79. Платон Platon bob esponga muerto – Œuvres complètes / под ред. L. Brisson – Париж: 2008. – С. IX. – ISBN 978-2-08-121810-9 переиздание этого перевода в 4 т.: Сост. С. И. Еремеева. – СПб.: Алетейя – Киев: Уцимм-пресс, 1998.
80. Платон. // перевод. Ракчеева Н. Е. Государство. Платон. – М.: МАКС Пресс, 2001. – 202 с.
81. П.П.Гайденко. Социология М.Вебера. М., 1979. 265 б.
82. П.А.Сорокин. О так нпзываемых факторах социальной эволюции // Сорокин П.А. Человек. Цивилизация. Общество. М., 1992.522 б.
83. Планк М. Единство физической картины мира. М., 1966, 73 – б.
84. Попович М.В. Садовский В.Н. Теория. // Философия энциклопедия. Т., 5.М., 1970. 205-б.
85. Raymond, Eric S. (July 28, 1999). "Shut Up And Show Them The Code". Linux Today. Retrieved July 5, 2017.
86. Р.Ингарден. Исследования по эстетике. – Москва: Издательство иностранной литературы, 1962. – 572 с.
87. Р. Барт . Избранные работы: Семиотика, Поэтика / Пер. с фр. / Сост., общ. ред. и вступ. ст. Г. К. Косикова. – Москва: Прогресс, 1989.
88. Розенкранц Ф.К.И. Meine Reform der hegelschen Philosophie. Kgsb., 1852;
89. Розенкранц 1834. Das Verdienst der Deutschen um der Philosophie der Geschichte. Kgsb., 1835;

90. Р.Декарт. Рассуждения о методе. Соч.Т.1.М., 1989. 286 б.
91. Соколов А. В. Философия информации: учеб. пособие. – Челябинск: ЧГАКИ, 2011. – 484 с.
92. Сёрен Кьеркегор. Заключительное ненаучное послесловие к «Философским крохам»
93. Сенека «О стойкости мудреца» (De Constantia Sapientis)
94. *Секст Эмпирик. Три книги Пирроновых положений.* / Пер. Н. В. Брюлловой-Шаскольской, предисл. А. И. Малеина. СПб., 1913. 215 стр.
95. Сунягин Г.Ф. Промышленный труд и культура Возрождения.Л.,1987.
96. Сравнительное изучение цивилизаций. Хрестоматия. / Б.К. Ерасов – тузувчи. М., 1999. 390 б,
97. С.Хантингтон. Столкновение цивилизаций. // Политическая исследования. 1994. № 1. 34-б.
98. Т.В. Васильева . Комментарии к курсу истории античной философии. Пособие для студентов. М., 2002;
99. *Тейяр де Шарден П.* Божественная среда. – М.: Renaissance, 1992
100. Февр Л. Бои за историю. М., 1991. 104-106 б.
101. Фрейнман Р. Характер физических законов. М., 1968. 172 б.
102. Фрэнсис Бэкон и принципы его философии // Фрэнсис Бэкон: Сочинения в двух томах / Сост., общая ред. и вступит. статья - А. Л. Субботин (пер. Н. А. Фёдорова, Я. М. Боровского). – М.: АН СССР, Ин-т философии, изд-во соц.-эк. лит-ры "Мысль", 1971. – Т. 1. – С. 5–55. – 590 с. – (Философское наследие). – 35,000 экз.
103. Характер и способы связи философии с жизнью. Тезисы к научной конференции. М., 1988. С. 61-62
104. Христиана Шубарта «Идеи к эстетике музыкального искусства»
105. Хайдеггер, М. Статьи и работы разных лет / Пер., сост. и вступ. ст. А. В. Михайлова. – М.: Гнозис, 1993

106. Хабермас Ю. Европейское национальное государство: его достижения и пределы. О прошлом и будущем суверенитета и гражданства // Нации и национализм / Б. Андерсон, О. Бауэр, М. Хрох и др.; пер. с англ. и нем. Л. Е. Переяславцевой, М. С. Панина, М. Б. Гнедовского. – М.: Праксис, 2002. – 416 с. – (Серия «Новая наука политики») – 2000 экз. – ISBN 5901574079.

107. Ч.Дарвин . Сочинения / пер. С. Л. Соболя под ред. акад. В. Н. Сукачева. – М: Изд. АН СССР, 1959. – Т. 9.

108. Шиллер Ф. П. жизнь и творчество. – М.: Гослитиздат, 1955.

109. Шеллинг. Философские исследования о сущности человеческой свободы и связанных с ней предметах (1809) (Philosophische Untersuchungen über das Wesen der menschlichen Freiheit und die damit zusammenhängenden Gegenstände, 1809);

110. Шопенгауэр А. Афоризмы житейской мудрости. // Избр. произведения. М., 1992, 312 – б.

111. Ю.Б.Борев .Эстетика. – М., «Феникс» 2004 г. ISBN 5-222-05062-9

112. Ю.В.Перов. Историчность и историческая реальность. СПб. 2000. 27 б.

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I-БОБ. АМАЛИЙ ФАЛСАФАНИНГ ИЛМИЙ-МЕТОДОЛОГИК АСОСЛАРИ	8
1.1-§. Амалий фалсафа тушунчасининг мазмуни	8
1.2-§. Амалий фалсафанинг ижтимоий-тарихий илдизлари.....	19
II-БОБ. АМАЛИЙ ФАЛСАФА СОҲАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ КОНЦЕПТУАЛ МУАММОЛАРИ	37
2.1-§. Ахлоқ фалсафасининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	37
2.2-§. Нафосат фалсафаси ва унинг ижтимоий ҳаётни маънавий гўзаллаштиришдаги аҳамияти.....	78
2.3-§. Сиёсат фалсафасининг предмети, мақсади ва вазифалари.....	135
2.4-§. Ҳуқуқ фалсафасида ҳокимият, ҳуқуқ ва ахлоқ муаммоларини тадқиқ этилиши	217
2.5-§. Тарих фалсафаси ва унинг концептуал муаммолари	237
2.6-§. Жамият фалсафаси ва унинг ижтимоий муаммолари доираси.....	273
2.7-§. Ҳаёт фалсафаси ва унинг эволюцияси	322
2.8-§. Инсон ҳозирги замон фалсафий антропологиясининг муаммоси сифатида	350
2.9-§. Фан фалсафаси ва методологияси.....	387
2.10-§. Тил фалсафаси ва унинг муаммолари таснифи	415
2.11-§. Ҳозирги замон ва келажак фалсафаси.....	424
2.12-§. Тил фалсафаси ва унинг муаммолари таснифи	442
2.13-§. Ҳозирги замон ва келажак фалсафаси.....	460
ХУЛОСА	506
ҲОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	520

Ахмедов Акмал Ахмедович
Юлдашева Дилорам Юлдашевна
Яздонов Зикирилло Шукуриллович

**АМАЛИЙ ФАЛСАФАНИНГ
ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ**

Монография

*Мазкур монография СамДУ илмий кенгашининг 2020 йил
30 декабрдаги 5-сонли баённомаси билан нашрга тавсия этилган.*

“Самарқанд давлат чет тиллар институти” нашриёти – 2021

Муҳаррир: Г.Раҳимова
Мусаҳҳих: Ё.Қаршибоев
Тех.муҳаррир: Б.Эргашев

ISBN 978-9943-7046-8-8

2020 йил 30 декабрда босишга рухсат этилди:
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60×84_{1/16}.
“Times” гарнитураси. Офсет босма усули.
Ҳисоб-нашриёт т.: 33,1. Шартли б.т. 24,2.
Адади 100 нусха. Буюртма № 24.05.

СамДЧТИ нашр-матбаа марказида чоп этилди.
Манзил: Самарқанд ш, Бўстонсарой кўчаси, 93.



ISBN 978-9943-70468-8



9 789943 704688